





Т. Тошмўлатов,  
Я. Гаффоров

# ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ





**ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР**

-  Буюк ипак йули
-  Работ ва карвонсаройлар
-  Денгиз орқали савдо йуллари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**Т. Тошпўлатов, Я. Гаффоров**

# **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

*(дарслик)*

ТОШКЕНТ  
«TURON-IQBOL»  
2010

### Масъул муҳаррир:

*Г. Холлиев* — тарих фанлари доктори.

### Тақризчилар:

- А. Р. Муҳаммаджонов* — тарих фанлари доктори, академик;  
*Р. Х. Муртазаева* — тарих фанлари доктори, профессор;  
*Р. Фармонов* — тарих фанлари доктори, профессор;  
*Н. Исмамова* — Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ижтимоий фанлар бўлими мудир.

Мазкур дарслик тарих ўқитиш методикаси самарадорлигини ошириш муаммолари амалий жиҳатдан умумлаштирилган ва Ўзбекистон Республикасининг илғор мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари тарих ўқитувчилари иш тажрибаларида синаб кўрилган экспериментал, илмий-методик ва педагогик ишлар натижасидир. Шунингдек, дарсликда тарих дарслари ва унга бўлган замонавий талаблар, тарих дарслари самарадорлигини ошириш йўллари, таълим-тарбия тизимида тарихни ўрганишга интеграцион ёндашиш ҳамда тарих таълимида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш каби масалалар алоҳида ўрин эгаллаган.

Дарслик Олий ўқув юртлари тарих таълими йўналиши бакалаврият босқичи талабалари, шунингдек умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув юртлари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида тавсия этилган.



## МУҚАДДИМА

*«Чуқур таҳлил, маъниққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини жалғитади. Улар шитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозира, таҳлил меваси бўлган хулосаларини билга туғри йўл кўрсатиши мумкин»<sup>1</sup>.*

**Ислом Каримов**

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб тилин қилишини ўзбек ҳалқининг маънавий ва маърифий ҳаётида бутунлай янги бир даврни бошлаб берди. Шу бонедан ҳам «Ўзбекистон халқлари тарихи» фани ёшларимизга таълим тарбия асосларини давр талаби даражасида олиб боришда алоҳида аҳамият касб этди.

Президентимиз И. Каримовнинг 1997 йил 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида «...дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак»лиги таъкидланган.

Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат, буни яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз. «Мустақил фикрлаш катта бойликдир»<sup>2</sup>.

Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро, биринчи навбатда ёшлар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлаш қобилиятига эга этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмасалар, таълим самараси паст бўлиши табиий.

Дарҳақиқат, юртбошимиз алоҳида қайд этиб ўтганларидек, ҳамон республикамиздаги умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари, айниқса, олий ўқув юртлари ижтимоий факультетлари талабалари учун тарих фанидан давр талабига мос асосий манбалар, архив материаллари, давлат ҳужжатлари, хрестоматик материаллар билан бойитилган, илмий-назарий, методик ва дидактик жиҳатдан етук, тавсия этилиши лозим бўлган, яъни республикамиз таълим тизимида педагогик амалиёт ва ҳар томонлама синов (эксперимент)да текшириб ўтилган тираи дарсликларнинг яратилиши бирмунча оғир кечмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ». 1998, 6-бет.

<sup>2</sup> Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Шарқ». 1997, 8—9-бет.

45 ёки 90 минутлик тарих фани дарсини ташкил этиш назарияси ва методикасини ўзларининг педагогик фаолиятларида умуман си-наб кўрмаган, ўрта умумтаълим мактабини тамомлаганларидан кейин бу муқаддас даргоҳда бугунги тарих дарси олдига қўйилган таълимий-тарбиявий ва дарс давомида ривожлантириб бориладиган таълим назарияси ва методикасидан деярли воқиф бўлмаган муаллифлар томонидан тайёрланган «дарслик»лар амалиётда-экспериментларда агрофлича таҳлил этилмаганлиги, ўрганилаётган мавзулардаги «бош гоя», «таянч тушунчалар», «макон», «замон» тушунчаларига асосий урғу берилмаслиги бундай «дарслик»ларнинг умрбоқийлигини таъмин эта олмаяпти. Ҳолбуки, ХХI асрга келиб, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари Япония, АҚШ, Англия, Италия ва ҳ.к. давлатлар ҳам ўз мамлакатларида халқ таълими ривожига давлатимиз каби катта маблағ ажратмагани ҳаммага маълум.

Биргина 2005 йилда мамлакат халқ таълими эҳтиёжлари учун давлат бюджетидан 450 миллиард сўм маблағ ажратилди. Худди шунча ҳажмдаги маблағ ҳомийлар томонидан сарфланди. Табиийки, бу маблағлар мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари биноларини таъмирлаш, янгиларини бунёд этиш, спорт комплекслари, ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бирга, лозим бўлган фан асосларидан яратилган ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар учун ҳам сарфланди. Лекин шу аччиқ ҳақиқатни ҳам тан олмоқ керакки, айрим дарсликлар, жумладан, 6—9-синфлар учун Ўзбекистон тарихидан яратилган дарсликлар амалиётда ўзларини оқламади.

1998 йилда муаллиф Бўрибой Аҳмедов, тарих фанлари доктори, профессор Қамариддин Усмонов — махсус муҳаррир, дарсликнинг «*услужбий тузилишларини бажарган*» — Жумабой Раҳимовлар ҳамкорлигида 7-синф учун 178 бетлик «Ватан тарихидан ҳикоялар» ҳам тарих дарслигига бўлган талаблардан, айниқса, методик қўлланмаларнинг йўқлигидан умрибоқийликка эриша олмади.

Тарих дарслиklarини яратишдаги бундай чалкашликлар асосида илк маротаба 1994 йилда ва 1996 йилда бир гуруҳ тарихчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бугунги кунда амалиётда ўз таъсирини бирмунча йўқотган, давр талабига ҳамоҳанг бўлмаган «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси»даги илмий-назарий ноаниқликларда ҳам ўз ифодасини тонган эди.

Маъжур концепциянинг муҳокамасида «*Ватан тарихининг ибтидоий ўлкашунослик эканлигини эътиборга олган ҳолда умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг барча мутахассисликларида, қайси касб-ҳунарни эгаллашдан қатъий назар, бир хил ҳажмдаги соатларда ўқитилади. Бу Ўзбекистон тарихи олдига қўйилган*

*жиддий ва олижаноб вазифалар билан бевосита боғлиқдир»<sup>1</sup>*, дейилган ноилмий концепциясига салбий муносабатимизни ўз вақтида ёзма равишда билдирган эдик.

Тарих дарсликлари, ва методик қўлланмаларнинг айрим камчиликлари тўғрисида ўз вақтида республика даврий матбуот саҳифаларида қатор танқидий мақолалар ҳам эълон қилинган эди.

Мазкур «Тарих ўқитиш методикаси» дарелигида имкон қадар бу борада мавжуд бўлган илмий методик ва дидактик камчиликларни ҳисобга олган ҳолда дарс жариёни ва синфдан ташқари машғулотлар давомида тарих таълимининг демократлаштириши, инсоншарварлаштириши, талаба ёшларда ош Ватанига нисбатан ватаншарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялаб, ҳар бир мингунин чуқур ўрганиши, улар онгида миллий ғоя ва мафқурин тушунишларини изчилик билан шакллантириб бориши методикасининг айрим камтарона усулларини дарс ишланмаларида кўрсатиб — тавсия этишга ҳаракат қилидик. Зеро, республикамизнинг «Миллий дастури»да алоҳида қабил этилганидек, «*Юқори малакали педагог кадрларнинг этишимаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тишими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг (ҳамжиҳатлик) йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради*»<sup>2</sup>.

Тарих дарсларида ўзлигимизни англаш хусусида гап борар экан, авваламбор, тарих ўқитувчисининг ўз мутахассислигига бўлган эътиқоди кучли бўлиши керак. У *Ватанимиз тарихи ва ушбу фанни ўқитишнинг аҳволи собиқ Иттифоқ даврида қандай эди-ю, миллий мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейин унда қандай ўзгаришлар содир бўлди*, деган аниқ саволга аниқ мантиқий жавоби бўлмоғи керак. Ахир Куръони Каримда ҳам «*Ҳар бир мусулмон савобни ўзидан бошламоғи керак*» дейилган-ку. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, собиқ Иттифоққа кирган республикалардан Грузия, Арманистон, Латвия, Литва ва Эстониядек аҳолисининг сони ва ҳудудининг Республикамизга нисбатан бирмунча кичиклигига қарамасдан уларнинг умумтаълим мактабларида миллий тарих фани 180 соатдан 212 соатгача ўрганилиб келинганда, Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг 5—10 синфларида бор йўғи 22 соат давомида ўрганилар эди, холос. У ҳам бўлса СССР тарихининг «ажралмас қисми» сифатида ўқитилиб, бу соатлар ҳам асосан «*Ўрта Осиёнинг Россия томонидан қўшиб олинишининг прогрессив тарихий аҳамияти*», «*Ўзбекистон халқлари мадания-*

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳайъатининг 1996 йил 30 апрелдаги қўшма мажлисида қабул қилинган). — Т.: 1996, 8-бет.

<sup>2</sup> Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: 1998, 36-бет.

*тини ривожланишида буюк рус халқининг роли», «Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишида буюк рус халқининг роли» ва ҳ. к. мавзуларга бағишланган эди. Табиийки, миллий тарихимизнинг бундай сохталаштирилган вариантларда ўқитилиши ўқувчиларимизда миллий ўзлигини англаш, ота-боболаримизнинг жаҳон тараққиётига қўшган буюк хизматларидан воқиф этиб, уларда миллий гурур ва ифтихорни инкор этиб бўлмайдиган тарихий фактлар асосида жадал шакллантириш имкониятларидан маҳрум этиб келинганлиги қанчалик аянчли ҳол бўлганлигини яна бир бора таъкидлашимиз лозим. Шу ўринда ҳар бир тарих фани ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида Президент Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек, «Кеча ким эдик, нима масалада бизлар азоб-ўқубат чекканмиз ва бугунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор? Бизлар қандай қадам қўйяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми? деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Қуруқ ташвиқот керак эмас» деган принципларни оғишмай амалга оширмақ лозим.*

Одатда, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси аъзолари бир вақтда ҳам Ўзбекистон тарихи ҳам Жаҳон тарихи, «Шахс ва жамият» ва «Миллий гоё ва мафкура» фанларидан дарс бериб келадилар. Шунинг учун ҳисобга олиб, муаллифлар Ўзбекистон тарихидан ташқари Жаҳон тарихи, «Шахс ва жамият» фани, «Миллий гоё ва мафкура» фанидан ҳам тажрибада синаб кўрилган ва кўпгина педагоглар томонидан маъқулланган дарс ишланмаларини ҳам тавсия этдик.

Бу дарс ишланмаларида имкон қадар мавзунинг ўрганишида интеграцион ёндашиш, дарснинг асосий мазмуни (мотивацияси), таълимий-тарбиявий мақсадлари, шунингдек дарс жараёнида ривожлантириб бориладиган таълимни амалга ошириш методикаси, дидактик материалларни қўллаш, шунингдек даврий матбуот ва бадиий адабиёт материалларидан қандай фойдаланиш методикаси хусусида ҳам тўхтаб ўтилган.

«Мустақиллик дарси»да эса ўқитувчининг диққат-эътибори ҳар бир йилнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда, ҳали миллий тарихимиз дарслигида ёзилмаган, лекин халқимиз ҳаётида мамлакатимизнинг ҳар бир янги йил охирига келиб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида улкан ютуқларга эришганлиги ва бу ютуқларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланганлигига қаратилмоғи керак. «Мустақиллик дарси»да ўқитувчи албатта, ўқувчиларнинг диққат-эътиборларини, масалан, 2007 йилда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг ислом дунёсининг илмий-маънавий маркази деб эълон қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йил 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий



нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармони, унинг моҳияти атрофлича тушунтириб берилади. Бунда ҳукуматимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилнинг охирига келиб 187,6 минг сўмга ёки 150 АҚШ долларига етганлиги, айни вақтда ушбу кўрсаткич саноатда 301,4 минг сўмни, алоқа тизимида — 293,8 минг ва транспорт тизимида — 285,9 минг сўмни ташкил этганлиги, бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари эса моддий рағбатлантиришни қўшиб ҳисоблаганда ўртача 2 баробар кўпайганлиги<sup>1</sup> кўрсатиб ўтилди.

Ўқувчиларнинг билимларини юқори даражада бўлишида мактабда педагоглар жамоаси томонидан ўзининг касбига фидойилиги боис юқори обрўга эга бўлган тарих фани ўқитувчисининг шахси ҳам катта роль ўйнайди. Шунинг учун тарих ўқитувчиси ўз устида тинмай ижодий иш олиб бормоғи лозим.

Тарих фани ўқитувчиси маълум зарурий билимлар билан қуролланган бўлиши ва шу билимларни ўқувчилар онгига сингдириб, уларнинг олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишига эриштирамоқ методикасидан ҳам моҳирона фойдалана олмағи лозим. Акс ҳолда «Таълим — ўқувчиларга!» принципининг амалга ошмасдан, таълим ҳаракатсиз консервация ҳолида қолиб кетиши мумкин.

Таниқли тарихчи-методист олим А. И. Стражёв тарих ўқитувчилари учун эгаллаши зарур бўлган билим ва методик маҳорат хусусида фикр юритар экан, шундай ёзади:

*биринчидан* — тарихни илмий-методологик жиҳатдан батафсил ўзлаштириб олмағи керак;

*иккинчидан* — турли соҳалар бўйича аниқ тарихий билимлар билан қуролланган бўлмағи керак;

*учинчидан* — кенг миқёсдаги умуммаънавий, умумбашарий дунёқарашга эга бўлмағи керак;

*тўртинчидан* — педагогик ҳамда психологик билимларни ўз ичига олган, мустақил педагогик фан ва санъат сифатида шаклланган фан — тарих ўқитиш методикаси билан ҳар томонлама қуролланган, замонавий тарих ўқитувчисига хос сифатлар мажмуининг соҳиби бўлмағи керак»<sup>2</sup>.

А. И. Стражёвнинг фикрига қўшилган ҳолда, биз бугунги жаҳон миқёсидаги илмий-техникавий ахборот технологияси авж олиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, айниқса тарих фани ўқитувчисининг бизнинг мамлакатимиз шароитида ўқувчи ёшлар онгида мил-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 2007, 12 июль, 135-сон.

<sup>2</sup> *Стражёв А. И.* Методика преподавания истории. Пособие для учителей. — М.: 1964, с. 278.

лий гоя ва мафкура тушунчасини жадаллик билан шакллантириб боришда таълимнинг техника воситаларидан — Интернетда кенг тартиб этилаётган ахборотлардан ҳамда даврий матбуот материалларига чуқур таҳлилий тафаккур билан ёндашган ҳолда фойдаланиш тарих таълимнинг самарадорлигини ошириб боришда ижобий натижа бериши шак-шубҳасиздир.

Энг асосийси, Президент Ислом Каримов асарлари — ижтимоий фанларни ўқитишнинг илмий-методологик асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир мавзу бўйича тайёрланиш ва ўтиш жараёнида, оммавий ахборот воситалари орқали келиб чиқадиган илмий-назарий концепцион тушунчаларни ўқувчилар онгига етказиш, тарих фани ўқитувчисининг билим даражаси жамият ҳаёти устқурмаси сифатида ўзининг демократик базасига ҳолисона хизматининг ифодаси бўлмоғи керак.

Ушбу дарсликни яратиш жараёнида биз тарих ўқитиш методикаси борасида ўзимизнинг 1952—1957 йилларда Ўрта Осиё Давлат Университетининг тарих факультетида таҳсил олиб, мактабларда дастлабки педагогик амалиёт олиб борганимиздан эътиборан 2006—2007 ўқув йилини яқунлаб, ўтган тарихий даврлар давомида умумтаълим мактаби, ўрта махсус таълим ўқув юртлари ва олийгоҳларда тарих ўқитиш жараёнида тарих фанига доир турли асарлар, дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан танишиб, улардан педагогик фаолиятимизда имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Тажриба шуни кўрсатдики, тарихий билимлар қанчалик чексиз бўлмасин, инсоннинг билиш имконияти мутлақ эмас, балки нисбатан баён этилади. Шу боис биз ўзимизнинг педагогик фаолиятимизда ҳали Ўзбекистонимиз шароитида юқори даражада илмий-педагогик муаммо — тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш борасида турли даврларда, турли мамлакатларда нашр этилган адабиётлар билан танишиб чиқдик. Уларда баён этилган илмий-назарий, методик ва дидактик фикр-мулоҳазалардан таҳлилий фойдаландик. Шу билан бирга, уларнинг айримларида баён этилган фикр-мулоҳазаларда дарс вариантлари, концепциялар ва хулосаларни бизнинг фикримиз бўйича номақбуллиги хусусида ҳам ўзимизнинг танқидий эмас, уларни қабул қилолмаслигимиз хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик. Лекин, бизнинг мақсадимиз, мустақиллигимиз туфайли мамлакатимизда илм-фан беқиёс тараққий этиб бораётган даврда етилиб келаётган бўлажак методист-олимларимиз мамлакатимиз илмгоҳларида «Тарих ўқитиш методикаси» дейилмиш илмий-педагогик фан тараққиётига қўл урганларида биз ишора этган адабиётлар таҳлиliga яна бир бор эътиборларини қаратиб, ўзлари яшаб ижод этаётган давр талаблари билан илмий-методик жиҳатдан солиштирсалар, илмий-методик жиҳатдан фойдадан ҳоли бўлмас, деган умиддамиз.

## ТАРИХ ҲУКИТИШ МЕТОДИКАСИ — ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАН

### 1. ТАРИХ ҲУКИТИШ МЕТОДИКАСИНING ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Тарих ҳуқитиш методикаси умуман таълим тизимида ўқувчилар томонидан тарихий билимларни ўзлаштириши, шу асосда тарих ўрганишнинг мазмуни, мақсади ва унинг ташкил этиши методлари масалаларини қамраб оладиган, халқ таълими соҳасидаги тарих таълими олдига қўйилган асосий мақсад Президент **Ислом Каримов** алоҳида таъкидлаганидек «*биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эга ўзликини англаш мумкин эмас*»<sup>1</sup> деган тамойил асосида таълим тизимида тарихий билим тушунчалари, тамойиллари ва дунёқарашларини фаол шакллантириш ҳамда ривожлантиришни татқиқ этадиган илмий-педагогик фандир.

Тарих ҳуқитиш методикаси фанининг ҳозирги жамиятдаги ҳолати ва ролини таҳлил этишга киришмоқдан олдин, ҳозирги замон ва ўтмишдаги машҳур мутафаккирларнинг бу муаммони қандай шарҳлаганликларини эслайдиган бўлсак, **Цицерон** «*тарих — ҳаёт мураббийсидир*» деб атаган бўлса, **Леонардо до Винчининг** фикрича «*ўтган давр ва жаҳон мамлакатлари ўтмишини билмоқ — инсон кўрки ва унинг ақлий маҳсулидир*». Рус тарихининг отаси **Н. М. Карамзин** бу борада фикр юритар экан «*Тарих халқларнинг муқаддас китоби бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятларининг кўзгуси, ота-боболарининг авлодларга қолдирган кашфиётлари ва одоб-ахлоқларидан лавҳалар бўлиб, ҳозирги даврни шарҳлаш ва келажакка намуна бўлиб хизмат қиладиган, тўлдирадиган заруратдир*» деб ёзган. **В. Г. Белинский** эса, «*бу-гунги кунни тушунмоқ ва келажакимиз тўғрисида ишорага эга бўлмоқ учун ўтмишимизни сўроқлаб суриштирмоғимиз лозим*»лигини қайд этади. **В. О. Ключевский** «*авлодларимизни ўрганиб, ўзликини — ўзимизни англаймиз. Тарихни билмасдан туриб, биз ўзимизни бу дунёга нега ва нима учун келганлигимиз, қандай қилиб ва нимага интилоғимизни аниқ англамоғимиз керак*» дейди.

<sup>1</sup> «Мулоқот» журнали. 1998, 16-бет.

Президент Ислам Каримов тарих таълими ва сабоғи хусусида фикр юритар экан, «*Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин... Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур*»<sup>1</sup> деб кўрсатди.

Табийки, ёш авлодда фуқаролик ҳис-туйғуларини тарбиялаш ва ўзи туғилиб ўсган Ватанга садоқат, фидокор шахсни шакллантириш ҳар бир жамиятнинг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шундай экан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни босиб олган Чор Россияси ва 1917 йилдан ҳукмронликни ўз қўлига олган большевиклар партияси Ўрта Осиё халқларини 150 йил давомида тутқунликда ушлаб турган даврда ҳам бундай масала эътибордан четда қолган эмас эди.

Ўзбекистонда тарих ўқитиш методикасини педагогик фан сифатида шаклланишида юқорида қайд этганимиздек, Ўрта Осиё халқларининг 150 йил давомида Чор Россияси ва большевиклар томонидан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тутқунликда ушлаб туришда ўзининг маълум бир изини қолдирди. Шу боис биз тарих ўқитиш методикасининг илмий-педагогик фан сифатидаги масала хусусида гап юритар эканмиз, ўлкамизда ҳар томонлама ҳукмронлик қилиб келган Чор Россияси, кейинги большевиклар партиясининг маърифий соҳада олиб борган фаолиятига қисқача тарихий назар солмоғимиз лозим.

Тарихий фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, Россияда тарихдан дастлабки, оригинал ўқув қўлланмаси XVII асрнинг 70-йилларида яратилган бўлиб, «Синописис» (*лотинча* *sinopsis* — тўплам, турли муаллифларнинг мақолалар тўпламининг умумий қараши), яъни тарихий воқеаларни шарҳлаш деб аталганлигини гувоҳи бўламиз. Бу ўқув қўлланмасида Россия ва Украина халқлари тарихи қисқача баён этилган бўлиб, 30 маротабадан ортиқ қайта нашр этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Синописис»ни тузган муаллифлар ўз ўқув қўлланмаларида жадвал тузиб, жадвалда тарих ўқитишдан асосий мақсад ўша даврда рус князлари ва украин герцогларининг исм шарифлари, яшаган даврларини ифода этадиган саналарни алоҳида қайд этишга ҳаракат қилганлар.

XVIII асрда Россияда ташкил этилган ўрта ўқув ташкилотларида тарих ўқитиш жорий этилган бўлиб, умумий тарих ва рус тарихи-

<sup>1</sup> «Мулоқот» журнали. 1998, 13—16-бетлар.

нинг мустақил курслари ҳам ўқитила бошланган эди. Ана шундай рус тарихидан яратилган дарсликлардан бирининг муаллифи **М. В. Ломоносов**дир.

1760 йилда М. В. Ломоносов томонидан «Россиянинг қисқача йилномаси»<sup>1</sup> нашр этилиб, бу китоб дарслик сифатида XVIII асрнинг охирига қадар кенг фойдаланилди. Фақатгина 1799 йилга келиб М. В. Ломоносовнинг бу дарслиги оммавий билим юрглари учун чиқарилган «Россиянинг қисқа тарихи»<sup>2</sup> номи билан яратилган дарслик билан алмашилди.

XVIII асрга келганда Россия тарихининг алоҳида фан сифатида шаклланишида биринчи рус инқилоби республикачиси **А. П. Радищев**нинг роли катта бўлди.

Россияда чоризмнинг феодал крепостнойлик тузуми инқирозга юз тутган бир вақтда чор ҳукумати мактабларнинг ҳамма турлари ва йўналишларида мактаб, билим юрглари, гимназия ва университетларда крепостной — монархик дунёқарашларни кенг тарғиб этадиган сиёсатни ҳар томонлама кучайтирди.

1828 йилда «университетлар қарамоғидаги гимназиялар ва билим юрглари учун устав» чоп этилган бўлиб, унда очиқ-ойдин «*халқ таълими ишларини четдан таъсир этадиган салбий ҳолатлардан ҳимоя қилиш керак*»лиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Мазкур уставда талабалар диққат-эътиборини ўша даврнинг муҳим сиёсий муаммоларидан четга жалб этиш ва бутун жаҳонга кенг тарқалиб бораётган француз буржуа инқилоби ғояларида мутлақ узоқлаштириш мақсадида рус гимназияларидан реакцион типдаги герман ва австрия мактабларида кенг қўлланилаётган «*классицизм*»<sup>3</sup> ва «*неогуманизм*»<sup>4</sup> ғояларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилган эди. Бу тизим асосида умум ўрта таълимнинг умумий ўрта соатлари 41% ини ташкил этадиган қадимги классик тилларни ва юнон, рим тарихини ўрганишга ажратилган эди.

Ўқувчиларни мафкуравий жиҳатдан тарбиялашда Россия халқ маорифи вазири, граф **С. С. Уваров** томонидан ишлаб чиқилган тамойил — асосан таълим-тарбия жараёнига христианлик ахлоқини фаол шакллантириш, подшога садоқат, мамлакатнинг ҳокими — мутлақлик (монархия) усулида бошқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инқилобий ғояларга ва айниқса, уларнинг тарғиботчиларига қарши фаол

<sup>1</sup> *Ломоносов М. В.* Краткий Российский летописец. СПб. 1870.

<sup>2</sup> *Краткая Российская история.* СПб. 1980.

<sup>3</sup> «Классицизм» — лотинча — classicus — биринчи даражали.

<sup>4</sup> «Неогуманизм» — нео — лотинча «neos» янги. Янги гуманизм. Россияда XVIII асрда дворянлар муҳитида энг олий маданият деб тан олинган Қадимги юнон ва Рим маданиятига нисбатан бўлган хайрихоҳликка айтилади.

кураш олиб бориш алоҳида уқтирилган эди. Мана шундай «*ҳақиқий русча ҳимоянинг асосини ташкил этадиган фан, жаноб вазир С. С. Уваровнинг фикрича тарих таълимига юклатилган эди*».

Чоризмнинг қайтадан тиклаш йўлидаги ҳаракати манфаатлари учун курашувчи (реакцион) сиёсати шунга олиб келдики, тарих таълими тарихий ҳақиқатдан ва тарих фанида қўлга киритилган илғор тафаккур ва тамойиллардан анча орқада қолиб кетди.

Мактаб дарсликларидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тегишли масалалар, тарихий тараққиёт қонунларини олиб бориш, уларнинг жамият тараққиётида тутган ўринлари, бир сўз билан айтганда, ўқувчиларни Россияда мавжуд бўлган феодал-крепостной тузум эртами-кечми, ўз ўрнини янги илгорроқ давлат бошқарувига бўшатиб бериш имкониятлари билан таништиришдан мутлақ йироқда эди. Шу боис рус революцион-демократ ёзувчиси **Н. А. Добролюбов** Россиядаги ўша даврдаги тарихга бўлган бундай муносабат «*Даврга, воқеалар ва тарихий шахсларга тўла, аниқ характеристика бериш учун зарур бўлган вақтни ўқитувчи айрим нарсаларни ўқувчиларга ёдлатиш билан вақтини йўқотади*»<sup>1</sup> деб ёзган эди.

Рус демократларидан В. Г. Белинский ва **А. И. Герцен** фаолиятларида ҳам Россия тарихида жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч самодержавия ёки черков бўлмасдан, балки, *меҳнаткашлар оммасининг ҳаракатлари — фаолиятлари эканлигига* кўп маротаба атрофлича баён этиб берган эдилар. Шунинг учун ҳам улар мактабда тарих ўқитишда ўқувчиларга биринчи галда рус халқининг энг иқтидорли намоёндаларини кўрсатиб, уларга халқ оммасининг меҳнатда ва ижодий фаолиятларида кўрсатган фидойиликлари ва айниқса, меҳнат фаолиятларидаги яратувчилик имкониятлари, чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашлари билан атрофлича таништириш ёшларни ватанпарварлик йўлида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозимлигини атрофлича тушунтириб ўтдилар.

В. Г. Белинский рус халқи ва бошқа халқлар тарихини тўғри баён этишда, *ўз даврини тўғри тушунишининг ғоявий асоси ҳамда халқни жамият тараққиёти йўлида курашиш руҳида тарбиялашнинг асоси*, деб баҳолади. У, «*бизнинг асримиз — асосан тарихий аср. Тарих эндиликда ҳар қандай ҳаётий билимнинг ягона шартини ва умумий асосларини бўлиб қолди. Тарихсиз на санъат ва на фалсафани англаш мумкин бўлмасдан қолди. Бизнинг давримизда тарихий мушоҳада ҳар қандай билим, ҳар қандай ҳақиқатнинг асосидир*»<sup>2</sup> деб ёзган эди.

<sup>1</sup> Добролюбов Н. А. Избранные педагогические высказывания. Учпедгиз. 1939, 167-бет.

<sup>2</sup> Белинский В. Г. Избранные философские сочинения. — М.: 1941, 267-бет.

Биз В. Г. Белинскийнинг тарих фани хусусидаги илмий меросига синчиклаб қарар эканмиз, унинг тарих фани назарияси билан барча XIX асрнинг 40-йиллари шароитида тарих фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикаси хусусида ҳам бир қатор қимматбаҳо илмий-методик фикрларни баён этганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, В. Г. Белинский аниқ тарихий воқеаларни баён этишда албатта, «*керакли тарихий воқеани умумлаштириш ва ундан аниқ хулоса чиқариш лозимлигини*», тарихий фактларни баён этишда маълум «*фикр, қараш, муносабат, тушунчаларни, асосан эътиқодни шакллантиришга, маълум фалсафий «ишонч» ва «ғоя»ни шакллантириш тарихчининг диққат марказида бўлмоғи керак дейди*».

В. Г. Белинский ўқитувчиларни тарих сабоғи билан тўла қуроллантириб ёшларни феодаль-крепостной тузумга қарши курашга, ўз ватанини севадиган, унинг буюк келажигига ишонадиган фаол оғли ёшларни тарбиялаш лозимлигини алоҳида қайд этади. В. Г. Белинскийнинг «*Ватанни сеамоқ — демак унда инсониятнинг энг юксак олижаноб орзу истакларининг ижобат бўлганлигини кўрмоқ ва бунинг учун фаол курашмоқ демакдир*» деган фикри ҳар бир халқ ва жамият учун фойдалidir.

Россияда крепостной тузумнинг тепадан туриб бекор қилиниши мамлакатда ўзига хос революцион ўзгаришларнинг куч ишлатмасдан туриб, тинч йўл билан амалга оширилиши мамлакатда тарихий-сиёсий тафаккурни янги босқичга кўтарилишида янги даврни бошлаб берди. Худди мана шу даврда **С. М. Соловьёв** томонидан 29 томдан иборат «Россия тарихи», шунингдек ўрта мактаблар ва гимназиялар учун ҳам тарих фанидан дарсликлар яратилди. С. М. Соловьёвнинг Россия тарихини яратишдаги ижоди Россия тараққиётининг «чегараланганлик» назариясини «кашф» этганлиги боис ўша даврнинг ўзидаёқ Н. Г. Чернишевский ва Н. А. Добролюбовлар томонидан кескин танқид қилинган эди.

XIX асрнинг 60-йиллари оралиғида Россияда бошланган сиёсий реакция мактаб ва гимназияларда тарих фанини ўқитишда ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Реакция мафкурачиларининг ашаддий вакилларида бири, халқ таълими вазири М. И. Кратков тарих фанини ўқитиш ёш авлод онгини уйғотишдаги таъсирини янада очиқроқ пайқаб, «*тарих — ниҳоят зарарли ўқув фани*» деб айтади.

Тарих фанини мактаб, гимназия ва олий ўқув юртлари ўқув режаларидан буткул олиб ташлашнинг имкони бўлмаганлиги боис, тарих фанини ўқитишга ажратилган соатлар кескин қисқартирилди. Эндиликда XIX асрнинг 60-йиллари даври тарихини ўрганиш умуман ўқув дастурларидан олиб ташланиб, вазирликнинг кўрсатмаси билан «*монархларнинг, (яъни ҳокими мутлақ соҳибларининг) донолиги*» ва «*исёнкорлар ҳаракатини жамият учун зарарлигини фож этиши*»-

га хизмат қилишга мўлжалланган Д. М. Иловайскийнинг тарих дарслигидан фойдаланишга кўрсатма берилди.

Россия мактабларида тарих фани юқорида қайд этилган ҳолатда ўқитилган бўлса, унинг том маънодаги мустамлакаси бўлмиш *Туркистон ўлкаси мактабларида тарих ўқитиш қандай аҳволда эди?* Бу масала бўйича айрим архив ҳужжатларига мурожаат қиламиз.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, 1878 йил Россиянинг Верный шаҳрида Етгисув вилояти бошланғич мактаб ўқитувчиларининг съезди бўлиб ўтади. Кауфманнинг кўрсатмаси билан Туркистон ўлка ўқув бошқармасининг амалдорлари «Ўқитувчилар съезди раисининг номига қўлланма» тайёрладилар. Бу қўлланмада қуйидагиларни ўқиймиз: *«умуман мактаб ўқитувчиларига съездда шуни ўқтириш керакки, Ватан тарихини ўрганиш жараёнида, рус давлати мактабларининг вазифаси қандайдир шахси ноаниқ «инсонга» таълим бериш ва уни ривожлантиришдан иборат бўлиб қолмасдан, рус давлатига ҳақиқий садоқатли инсонга таълим бериш ва уни ривожлантиришдан, черков ва Ватанига содиқ, бир суъ билан айтганда, ўз ватанини севадиган, унинг қонунларини ҳурмат қиладиган, ўзининг ва ўз мол-мулкани она ери фойдасига қурбон қиладиган ёшларга таълим бериш ва ривожлантиришдан иборат бўлмоғи керак»<sup>1</sup>.*

Ўлка ҳокимининг ушбу директивасини айрим инспекторлар ва мактаб директорлари катта маҳорат билан турмушга татбиқ этишга жон-жаҳдлари билан киришдилар. Фарғона вилояти билим юрти инспектори ўзининг йиллик ҳисоботида ёзишича *«ўқитувчилар ўзларининг педагогик фаолиятларида болаларда «тарихга ва Ватанга садоқат, уларда диний-ахлоқий бурч, ақл-идрокларини онгли фаолият ҳамда меҳнатга сафарбар этишга қаратилгандир».*

Туркистон ўлкаси билим юртларининг Бош нозири Туркистон ўлкаси ўқитувчилари ва мактаб раҳбарларига йўллаган навбатдаги қўлланмасида қуйидагиларни ёзган эди: *«Она Ватанимизга нисбатан садоқат ҳис-туйғуларини, содиқ фуқаролик мажбуриятларини мустаҳкамлаш мақсадида рус ва рус бўлмаган маҳаллий ўқувчиларни ҳам тарих курсини ўқитиш жараёнида ҳар бир имконият яратилиши билан Туркистон ўлкасини бошқараётган, унинг ҳокими мутлоғи бўлган император жанобларининг исмлари, унвонларини, тахт вориси бўлмиш шаҳзоданинг исми шарифлари, уларнинг оналарини исми шарифларини ёддан билишга алоҳида эътибор бериш керак»<sup>2</sup>* лиги алоҳида ўқтириб ўтилган.

<sup>1</sup> ЦАУ Узбекский ССР, фонд 47, д. 166.

<sup>2</sup> ЦАУ Узбекский ССР, фонд 47, дело 838. Описание управления учебными заведениями Туркестанского края. 1890 г.



1890 йилда Туркистон ўлкасидаги эркаклар гимназиясида 1871 йилда тасдиқланган классик гимназия ўқув режаси асосида машғулот олиб борилар эди. Фақат 1890 йилга келганда подшоҳ томонидан янги ўқув режаси тасдиқланган эди. 1890 йилдан иборат жамоатчиликнинг тазйиқи асосида реакцион кайфиятда бўлган Чор Россиясининг халқ таълими вазири Делянов бирмунча ён беришларга мажбур бўлди. Латин тилига ажратилган соатлар 7 соатга, юнон тили 3 соатга қисқартирилиб, янги тилларни ўрганишга 19 соат ажратилди. Тарихга эса 1 соат, географияга 2 соат вақт ажратилди<sup>1</sup>.

Айрим демократик кайфиятда бўлган педагоглар тарих фанидан талабаларга минимум объектив билимларни бериш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Масалан, Туркистон гимназия мактабининг директори **Н. П. Остроумов** *ўқувчилар тарихни оз бўлса-да ўргансалар-у, лекин ҳар томонлама асосланган бўлсин*, деб ёзган эди.

XIX асрнинг 90-йилларида Туркистонда фаолият кўрсатиб келаётган айрим мактабларда тарих фанини ўқитишни ўша давр ўқув дастурлари асосида бирмунча такомиллаштирилиб бораётганликлари, тарихий материалларни бир хил такрорлашдан мустасно бўлиб, уларнинг мазмунларига қараб гуруҳларга бўлиш — диний, маърифий, бошқарув маълумотларни ривожлантириб боришдаги таълим элементларини шакллантириш усулларини қўллай бошлаганликларини учратиш мумкин эди. Айрим ўқитувчилар билимнинг таълимий доирасини кенгайтириб бориш йўлида ҳам ижодий фаолият кўрсата бошладилар. Лекин бундай ташаббускор педагоглар ниҳоятда озчиликни ташкил этар, уларнинг янги педагогик-методик қарашлари кўпинча реакцион чор ҳокимияти томонидан, уларнинг таклиф-мулоҳазалари мустамлакачилик базасига фидойиларча хизмат кўрсатишдан йироқ бўлганлигимиз эътиборга олинмас эди. Шунга қарамасдан, жамият тараққиёти билан ҳамоҳанг бўлган тарих таълими ва уни қўллаш методикасида ҳам айрим ташаббуслар содир бўлиб турди. Масалан, 1887 йилда **В. П. Наливкин** Туркистондаги дастлабки рус-тузем мактабларида тарих ўқитишда Россия шаҳарлари билим юртларида қўлланиладиган **Аристов**нинг «Россия тарихидан ҳикоялар» ва **Блинов**нинг Тарих фанидан ўқиш китоби сифатида чоп этилган «Пчелка» («Асаларича») китоби бошқа китоблардан ҳам фойдаланган.

1885 йилда **В. П. Наливкин** Янги Марғилонда Фарғона вилояти бошқармасининг босмахонасида 73 саҳифадан иборат бўлган «Россиянинг қисқача тарихи»ни ўзбек тилида «Жаҳонгир-тўра Наманго-

---

<sup>1</sup> «Сборник постановлений по Министерству народного просвещения», том XV, с. 245.

ний» лақаби остида нашр этди. Китобда Россия тарихининг энг қадимги давридан бошлаб, токи Александр III нинг подшолик даври қисқача кўчирма сифатида баён этилган бўлиб, маҳаллий аҳоли учун тушунарли бўлишига алоҳида эътибор берилган эди. Кўп тушунчалар мусулмонлик услубида таққослаштириш (масалан, русча «Царь» иборасини ўзбекча «хон», «амир», «бек» ва ҳоказо), шарҳлаш йўли билан тузилган эди.

Ушбу китобни мустамлака ўлканинг ўқув раҳбарлари рус-тузем мактабларининг «тузем» — яъни луғавий маъноси «чет эллик» — маҳаллий халқ болалари таълим оладиган синфлар учун тавсия этган эдилар. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1885 йил 15-сонида бу китобга маҳаллий халқ болаларини рус тарихи билан қисқача таништиришдаги ўрнига ижобий баҳо берилган эди.

Шундай қилиб Россиядаги сиёсий реакция империяда тарихий тафаккурнинг ривожланишини батамом тўхтата олмади. Худди мана шу йилларда таниқли тарихчи олим **М. М. Стасюлевич** тарих ўқитишда ҳукмрон бўлиб турган «формал метод»дан воз кечгани ҳамда «амалий метод»ларга асосланиб яратилган тарих дарсликлари асосида ўқитилиши ва бу жараёнда ўқувчилар ўқитувчиси раҳбарлиги остида тарихий ҳужжатлар устида ишлаш ва улардан кенг фойдаланишга эришиш методлари хусусида ўзининг қатор илмий-методик таклифларини баён этди.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида жамият тараққиётига демократик муносабатда бўлган олимлардан **М. Н. Покровский**, **Н. А. Рожков**, **М. М. Ковалевский** ва мустақил *социологик* деб юритиладиган йўналиш вакилларида бири **Р. Ю. Витпер**лар тарих фанини ўқитиш методикаси ва мазмунини умуман қайта кўриб чиқиб, таълим-тарбия тизимига жорий этиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Буларни тарихни ўрганишга нисбатан қарашлари, ғоялари, талабалар томонидан тарихий ҳақиқатни фақатгина билимларни ўзлаштириш орқали олишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки амалда талабаларнинг тарихдан олган билимлари уларнинг шахсий ҳаётларида амалий аҳамият касб этиши лозимлигини атрофлича кўрсатиб беришдан иборат эди. Улар жумладан мактаб тарих курсларида иқтисодий масалалардан кўпроқ билим беришни, иқтисодиётнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини атрофлича очиб беришга, шунингдек талабаларни турли тарихий манбалар устида мустақил ишлашларини ташкил этиш йўли билан уларда таҳлилий тафаккур қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган эди.

Россиядаги 1917 йил октябрь тўнтариши натижасида ўрнатилган шўролар ҳокимияти ҳам тарих фани ва уни ўқитишга бефарқ қарамади. Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида тарих ўқитиш методикасининг қурилиши ва ривожлантирилиши бирмунча оғир кечди. Биринчи жаҳон уруши, фуқаролар уруши натижасида иқти-

соди бирмунча оғир аҳволда қолган бир шароитда ёш шўролар даврида тарих фанини ўқитиш бўйича ўша давр талабига жавоб берадиган ўқув дастурлари ва дарсликларни яратиш учун маблағ деярли йўқ эди. Бироқ, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан фуқаролар уруши йилларида ҳам тарих фани ва уни ўқитиш методларини такомиллаштириш бўйича маълум амалий ишлар қилинди. Илғор тарихчи олимлар ва ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган тахминий ўқув режалари ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Р. Ю. Виппер ва **М. Н. Коваленко**ларнинг Россия тарихидан яратган дарсликлари қайтадан нашр этилди.

Шўролар ҳукуматининг дастлабки йилларида тарих ва умуман ижтимоий фанларни ўқитишдан кузатишган асосий мақсад ёш авлодда даҳрийликка асосланган, рус халқидан бошқа халқларнинг тарихини ўрганиш жараёнида ўзлигини миллий жиҳатдан англашдан умуман узоқ тутишга асосланган «интернационализм» гояси асосида тарбиялашга асосланган эди. Шу боис ХХ асрнинг 20-йиллари охиригача РСФСР сафига кирган қарам мамлакатларнинг тарихи умумтаълим мактабларида ҳам, олий ўқув юртлирида ҳам асосий ўқув фани сифатида ўқитилган эмас эди. Шу боис бу даврда тарих ўқитиш методикасига махсус фан сифатида таҳлил этиш кун тартибига киритилмаган эди.

Шўролар ҳукуматининг 1932 йил 25 августда «Бошланғич ва ўрта мактаблардаги ўқув дастурлари ва режими ҳақида» чиқарган қарори умуман тарих фанини ўқитишни такомиллаштиришда янги, айтиш мумкин ўша давр талабининг заруратларидан келиб чиққан тарихий ҳужжат бўлди, десак хато бўлмайди. Мазкур қарорда мактабда ўрганиладиган ижтимоий фанлар дастурига тарихий нуқтаи назардан қарашни янада такомиллаштириш, тарих, ижтимоийёт фанларида ўтказиладиган машғулотларда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш зарурлигини эътиборга олиш, шу билан бирга ўқувчиларга тушунарли тарихий материалларни пухта танлаш, ижтимоийёт фанларининг асосий бўлим ҳамда мавзуларини зарур асосли материаллар билан тарихий экскурсия ва таққослаш материаллари билан таъминлаш; — ижтимоийёт ва тарих фанларидан тузилган дастурларда СССР халқларининг миллий маданиятига, уларнинг *адабиётига, санъатига, тарихий тараққиётига* оид энг муҳим билимларни, шунингдек СССР таркибига кирадиган ўлкаларни ўрганиш жараёнида аниқланган тарихий билимларга доир элементлар, яъни ҳар бир ўлканинг *табиий хусусияти, саноати, тарихий ёдгорликлари, қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, маданияти* ва ҳоказоларни киритиш зарур»<sup>1</sup> лиги алоҳида кўрсатилган эди.

<sup>1</sup> Народное образование в СССР. Сборник документов. 1917—1973 гг. — М.: «Просвещение», 1974, с. 161—162.

Мазкур қарорнинг ижроси шўролар ҳукумати Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1934 йил 15 майида эълон қилинган «СССР мактабларида фуқаролар тарихини ўқитиш тўғрисида»ги махсус қарори асосида ўрганилиб чиққандан кейин маълум бўлишича, таълим тизимида тарих фанини ўқитилиши мамлакат миқёсида кўп ҳолларда «схематик усул ва умумий шарҳ усули»да ўқитилиб келаётганлиги қаттиқ танқид қилинган эди.

СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1934 йил 25 августда «СССР мактабларида фуқаролар тарихини ўқитиш тўғрисида»ги қарори аслида ҳукуматнинг 1932 йил 25 август қарорини зудлик билан ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги қарори бўлиб, унинг пайдо бўлишига халқаро майдонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам туртки бўлган эди. Германия ва Италияда фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши шўролар фаолиятида ҳам мактаб сиёсатида давлат аҳамиятига молик сиёсат сифатида муносабатда бўлишини тақозо этмоқда эди.

Мазкур қарорга асосан, собиқ Иттифоқ мактабларида фуқаролар тарихини ўқитишнинг методик тизимлари асоси яратилган эди. Қарорга асосан мазкур мактабларда Ватан тарихи билан бир қаторда жаҳон халқлари тарихи ҳам ўқитиладиган бўлди. Бу тарихий ҳужжат мамлакатда тарих таълимининг тизимлаштиришни аниқ белгилаб бериш билан бирга тарих ўқитиш методикасини ҳам илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида катта тарихий даврни бошлаб берди. Эндиликда умумтаълим мактабларнинг 4-синфларида СССР тарихидан айрим ҳикоялар ўқитила бошланди. 1937 йилга келганда 7-синфларда ўқувчиларга шўролар давлат тузуми, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ўргатишга қаратилган «СССР Конституцияси» ҳам махсус курс сифатида ўқитиладиган бўлди.

1940 йилга келганда умумтаълим мактабларининг 5—6-синфлари учун **А. В. Мишулин** таҳрири остидаги «Қадимги дунё тарихи» дарслиги, 6—7 синфлар учун **Е. А. Косминский** таҳрири остидаги «Ўрта асрлар тарихи» дарслиги, 8-синфлар учун **А. В. Ефимов** томонидан ёзилган «Янги тарих»нинг 1-даври ва 8—10 синфлар учун **А. М. Панкратова** таҳрири остида тайёрланган «СССР тарихи» дарслиги чоп этилди.

1945 йилга келиб, **Б. М. Хвостов** таҳрири остида «Янги тарих»нинг 2-даври дарслиги ҳам нашр этилди. Шундай қилиб, умумтаълим мактаблари тарихнинг ҳамма йўналишлари бўйича замонавий дарсликларга эга бўлди. Бу дарсликлар асосан тарихий материалларга бойлиги, тарихий хариталар ва дидактик материалларнинг бойлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Шундай қилиб, мактаб тарих курси дарсликларининг яратилиши уни ўқитиш методикасини ташкиллаштириш учун ҳам катта имкониятлар яратиб берди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақса-лида тарих ўқитишни бирмунча ўзгартириш талаб этилар эди. Шу боис Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан собиқ Иттифоқ-нинг уруш қамраб олган кўп ҳудудларидаги саноят корхоналари, ил-мий тадқиқот марказларини Ўрта Осиё ва Қўғоғистонга кўчирилиши даврида Москвада фаолият юритган СССР ФА Тарих институтининг бир қатор таниқли олимлари ҳам ўз илмий тадқиқот ишларини Тош-кент шаҳрида давом эттиришларига тўғри келган эди. Улар уруш йил-ларида Тошкентда Ўзбекистоннинг умумтаълим мактаблари учун «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш» деб номлан-ган ўқув қўлланмасининг қўлёлимасини яратдилар.

Ижтимоий ҳаёт ижтимоий ошши белгилан олдий ҳақиқатдир. Шундай экан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг даҳшат-ли уруш марказида бўлиши тарих фанини ўқитиш жараёнида ёш ав-лодни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини юқори савияда олиб бо-ришни тақою этиди. Шу боис тарих ўқитувчилари ўзларининг педа-гогик фаолиятларида ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг самарали йўлларини қўллашни, ўқувчиларни она Ватанга садоқатлилик руҳида тарбиялашнинг турли метод ва восита-ларини қўлланда катта амалий ишлар олиб бордилар. Бу вазифалар-ни бажаришда тарих фани ўқитувчиларига *адабиёт, тасвирий санъат асарлари, кино ва театр* санъати асарларидан ҳам кенг фойдаланди-лар. Уруш шароитини ҳисобга олган ҳолда ёшлар тарбиясига ёнда-шилиши ўқувчилар фаолликларини ошириб боришда ҳам катта иж-обий таъсир ўтказди. Тарих фани ўқитувчисининг тарбиявий ишлари-да ўқувчилар томонидан маҳаллий жангчиларнинг фронтдан йўллаган хатлари, газета материалари ўқувчилар томонидан ҳарбий ватанпар-варлик мавзусида ташкил этилган кечалар, уруш қатнашчилари би-лан ўтказилган тадбирлар ҳам катта тарбиявий роль ўйнайди.

СССРда умумий саккиз йиллик таълимга ўтиш муносабати би-лан шўролар ҳукумати 1959 йил 8 октябрида «Мактабда тарих фани-ни ўқитишнинг баъзи ўзгаришлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилишича, IV синфларда «СССР тарихидан эпизодик ҳикоялар» ўрганилиши, V—VI синфларда «Қадимги дунё ва ўрта аср-лар тарихи элементар курси», VII—VIII синфларда эса СССР тари-хининг совет давлатчилиги ва ижтимоий меъёрининг энг муҳим со-ҳаларини қамраб олган элементар курси, шунингдек чет мамлакат-лар янги ва энг янги тарихидан киритилган энг муҳим масалалар элементар курсининг ўқитилиши зарурлиги кўрсатилган.

IX—XI синфларда эса СССР тарихи, чет мамлакатлар янги ва энг янги тарихининг систематик курсларини ўқитилишига рухсат берилган эди.

Мактаб тарих курсларининг қурилиши тарих ўқитиш методикасини маълум даражада марказлашуви (концентрациялашуви)га олиб келди. Бу ҳол тарихий асосларни танлаш, тарихий тушунчаларни тўла ифода, аниқ табақалашувида, шунингдек тарих фанини ўқитишда эпизодик ҳикоялар ва СССР тарихига асосланган курсларни ўқитишда ўқувчиларга тарихий таълим изчиллиги хусусидаги билиш тафаккурларини шакллантиришда қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, тарих ўқитишда жорий қилинган бундай тизим тарих фанини ўқитишни ташкил этишда ўқитувчилар олдида қатор мураккаб методик муаммоларни келтириб чиқаради. Умумтаълим мактабларида тарих ўқитишдаги мана шундай камчиликлар шўролар ҳукуматининг 1965 йил 14 майида «Мактабларда тарих ўқитишдаги ўзгаришлар тартиби тўғрисида»ги яна бир қонунни яратилишига туртки бўлди.

Эндиликда 7—10-синфларда ўрганиладиган СССР тарихининг элементар ва систематик курслари ўрнига ягона систематик (мунтазам) курс ўқитиладиган бўлса, 8—10-синфларда янги ва энг янги тарих курслари ўқитиладиган бўлди.

Мазкур қонун талаблари асосида мактаб тарих дарсларининг вазифалари ва функциялари ҳам бирмунча аниқланди. Илгари тарих ўқитишнинг вазифаси ўқувчилар хотирасида дарс жараёнида ўрганилган материалларни мустақамлаш билан чегараланиб келган бўлса, 60-йиллардан умумтаълим мактаблари учун чиқариладиган тарих фани дарсликларининг вазифаси бирмунча такомиллашиб бориб, ўқитувчи учун дарслик ўқувчиларни дарс жараёни ва уй вазифаларини бажариш жараёнида уларга зарур қўлланма функциясини ҳам бажарадиган бўлди. Кейинги дарсликларда муаллифлар томонидан киритилган матнлар билан бирга, турли тарихий ва замонавий *ҳужжатлар, расмлар, жадваллар, чизмалар, турли-туман маълумотномалардан* иборат бўлган дидактик материаллар кенг ўрин олган эди. Тарих дарсликларида катта параграфларга, айрим ҳолларда расмларга муаммоли сўроқ ва вазифаларнинг қўйилиши ўқувчилар хотирасида тарихий материалларни чуқур ва атрофлича тафаккур этиш, уларни бир тизимга солиш ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларига раҳбарлик қилиш жараёнини такомиллашувига ёрдам берди. Шундай қилиб, тарих фани дарсликлари ўқувчиларга тегишли таълим бериш ва улар хотираларида тарихий билимларни мустақамлабгина қолмасдан, уларнинг билимларини ривожлантириш, турли тарихий манбалар устида мустақил ишлаш, ўқув фаолиятларида ўз билимларидан жадал равишда фойдаланиб, олаётган билимларини узлуксиз ривожлантириб бориш усулининг шаклланиб боришида ҳам катта роль ўйнайди.

Тарих дарсларида ривожлантириб бориладиган таълимнинг назарий ғояси биринчи мартаба тажрибали тарихчи-методист олимлар **Ф. П. Коровкин**нинг ва **Г. М. Донской**ларнинг «Ўрта асрлар тарихи» дарсликларида Узининг тула ифодасини топган.

Шундай қилиб, тарих фанини ўқитиш методикаси тарихида дунёда биринчи мартаба «дарслик таълимий мақсади», «дарслик тарбиявий мақсади» талабларини такомиллаштириб бориб, «дарсда ривожлантирилиб бориладиган таълим» тамойили жорий этилди. Шунинг учун мушлфларининг ўша давр тарих фани дарсликлари олдига қўйилган илмий-методик ва дидактик талабларини метёрида ёритганликлари 1973 йилда давлат мукофотини олишларига сабаб бўлди.

60-йилларида умумтаълим мактабларида СССР тарихи ўқув дастурининг йирик тарихий даврларини ўрганиш мавзуларида «Бизнинг ўлка» деб номланган маълум ўқув соатлари ўтказилган. Мавзунинг киритилиши ўқитувчи ва ўқувчиларни дарс жараёнида маҳаллий материаллардан фойдаланишнинг фойдалантириши ҳамда уларни дарс жараёнида қўллаш методикасининг шаклланиши ва такомиллашувида, айниқса, тарих таълимининг ҳиёт билан алоқисини боғлаш, баъзи назарий тамойилларни амалиётдаги аксини кўрсатишда алоқида аҳаминг касб этиди.



## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тарих ўқитиш методикаси фанининг ҳозирги жамиятдаги ҳолатини таҳлил эта олмасми?
2. Ўзбекистонда тарих фанини ўқитиш методикасини педагогик фан сифатида шаклланишидаги асосий омиллари нималардан иборат эканлигини асослаб бering.
3. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда тарих фанини ўқитишнинг аҳволи қандай бўлганлигини биласизми?
4. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда тарих фанини ўқитишнинг аҳволи қандай бўлганлигидан хабарингиз борми?
5. Мустақил Ўзбекистонда тарих фанини ўқитиш методикасининг илмий педагогик фан сифатида шаклланиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлигини тушунтириб бера оласизми?

## 2. ТАРИХ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. ТАРИХ ФАНИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАМИЯТИ

«Тарих» илмий атама сифатида икки ўзаро алоқадорликдаги тушунчани ифодалайди. *Биринчидан* — тарих жамият тараққиёти тўғрисидаги фан бўлиб, унинг мавзуи кишилик жамияти ўтмишининг, унинг турли-туман соҳаларидаги тараққиёти ва ўзгариб бориш жараёнини ўрганадиган фандир.

Тарих фан сифатида ўтмишдаги ва бугунги мавжуд ижтимоий ҳаётни ўрганати ва ўргатади. *Иккинчидан* — тарих бу инсоният тўғрисидаги фан бўлиб, жамиятнинг ўтмишини тадқиқот йўли билан аниқлаб, ўтмишда инсон томонидан яратилган, инсон заковатининг натижалари бўлган жараёни тадқиқ этиш ва бизгача ўтган даврни ўрганиб келажак авлодга етказадиган фандир. Шундай экан, унинг вазифаси имкон қадар тарихий жараёни тўла, бутунлигича, унга интеграцион ёндашган ҳолда тадқиқ этишдан иборат.

Кўпгина тарихчилар тарихий жараёнинг субъекти, инсон деб қарайдилар. Лекин бу масалада бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, **А. Тойнби** ўзининг «Тарихий ривожланиш» деб номланган аса-рида «*Тарихнинг ҳақиқий яратувчиси илоҳий кучдир*»<sup>1</sup> деган фикрни билдиради.

Классик историографияда тарихий жараён тарих қонунлари билан ифодаланишини билдиради. Тарих фанининг асосий таянч тушунчасини тарихий асос ва тарихий манба, шунингдек тарихий макон ва тарихий замон ташкил этади.

Тарих фанини ўрганишдаги энг фундаментал муаммо — бу тарихий воқелик ва тарихий манбалар бўлиб, мана шу икки масалага том маънода илмий ёндашиш тарих фанининг назарияси ва методикасини аниқ белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада рус олими, профессор **М. А. Барг** шундай ёзади: «*Тарихий аниқ воқеликлар чиндан ҳам мавжуд бўлган асослардан иборат бўлиб, маълум макон ва замон доирасида содир бўлади, уларнинг мазмуни, уларни изоҳлаш ёки шарҳлашга боғлиқ бўлмайди*»<sup>2</sup>.

Ҳар бир фанда бўлганидек, тарих фанида ҳам ўзининг назарияси ва методологияси мавжуддир.

*Назария* — бу илмий билимлар йиғиндиси бўлиб, у ёки бу фанининг шаклланиши қонуниятлари ва бошқа фанлар билан мавжуд бўлган алоқадорликларини билиш жараёнидир.

Методология масаласига келадиган бўлсак, «методология» сўзи грекча «метод» (metodos — тадқиқот этиш йўли, назарияси, таълимоти) деган маънони англатса, logos — таълимот деганидир.

«Методология» тушунчаси икки асосий тушунчадан иборат бўлиб, *биринчидан*, фан соҳасида амалга оширилиб бориладиган маълум йўллар, операциялар тизимига айланса, *иккинчидан*, шу тизим тўғрисидаги таълимот, метод назариясига айтилади.

Ҳар қандай фанининг методологияси хусусида гап борадиган бўлса, одатда шу фанга хос методлар мажмуига айланади.

<sup>1</sup> *Тойнби А.* Постигжение истории. — М.: 1994. с. 11—12.

<sup>2</sup> *Барг М. А.* Эпоха и идеи: становление историзма. — М.: 1987.



Тарих фанини ўқитиш *методологияси* деганда бу борадаги илмий билимларнинг тузилиши ва ривожланишини, уларнинг натижаларини асослаш йўллари амалиётда мазкур фанга хос бўлган илмий билимлар механизмини самарали татбиқ этилишига айтилади.

*Тарих фани методологияси* деганда тарих фанлари доирасидаги илмий билимларнинг тузилиши принципларига, шакли ва илмий жиҳатдан тарих фани доирасида қўлланиладиган таълимотга айтилади. Тарихнинг фан сифатида назарий-методологик асослари ўзида мазкур фаннинг қонуниятлари ва принципларини, фақатгина шу фанга хос бўлган қатъий тушунчалар мажмуи ва билиш методларини ўз ичига олади.

Тарихчи ўз даврининг фарзиди. Унинг меҳнатида у яшаб ижод этган даврнинг тамғаси қолади. Ўтмишини, шунингдек яқин ва энг узоқ даври характеристикасининг шоҳиди бўламиз. Келажак шароити билан тарих ҳам янги маънавий қиёфада бўлиб, янгича баҳоланади. Мазкур ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, тарихга нисбаган юқорида қайд этилган ҳолат содир бўладиган бўлса, *тарихий билимлар методологияси* ҳам ўзгаради. Буни яқин ўтмишимизда шўролар даврида якка ҳукмронлик қилиб келган коммунистик ғоя ва мафкура мисолида кўрилса, айни муддао бўлур эди.

*Ўзбекистонда тарих фанининг тарихи ва тарих таълимининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.* Масалан, XX асрда, яъни шўролар мустамлакачилиги даврида коммунистик мафкуранинг таъсири остида миллий тарихимизни ёритишда тарихий социологик ёндашишлар ҳукмрон эди. Натижада, миллий тарихимизда содир бўлган кўпгина воқеа ва ҳодисалар ўша даврнинг ҳукмрон ғояси ва мафкураси нуқтаи назаридан баҳоланиб, кўп ҳолларда тарихий воқеалар, уларни келтириб чиқарган объектив сабаблар том маънода сохталаштирилди. Лекин, озчиликни ташкил этган бўлса-да, ўша дахрийликка асосланган шўролар даврида ҳам ҳақиқатни юзага кўтариб чиқишга муваффақ бўлганлар. Масалан, шўролар даври тарихий асарларида Амир Темур шахсига тавсиф беришда ҳам бир-бирига қарама-қарши фикрлар кўзга ташланади. Жумладан, «Темур, деб ёзади ўзбек темуршунос олими, Темур ва темурийлар даврини биринчи бўлиб қўлзма матнлар асосида ўрганиб чиққан профессор Маҳкам Абдураимов, — ёшлигиданоқ ўзининг ақли расолиги билан ажралиб турарди. Ундаги ҳарбий истеъдод жуда эрта уйғонганди: у отда яхши чопар, ўқ-ёйни моҳирлик билан отар эди. Темурнинг ҳаётлик пайтида дин аҳллари дахлсиз эди. Авлодлари ҳам бу анъаналарга содиқ қолдилар. Темур дин арбобларигагина эмас, балки дунёвий фанларнинг намояндаларига ҳам эътиборли бўлган. У туркийлар, араблар, форс-

лар тарихини яхши билар, амалий аҳамиятга эга бўлган тиббиёт ва илми нужум фанлари хусусида кенг мушоҳада юрита олар эди... Кези келганда Темур душманларига олижаноблик ва сахийлигини намоиш қилаолган.

Темурнинг ички сиёсати имкони борича Мовароуннаҳр моддий ва маънавий фаровонлигини кўтаришга қаратилган эди.

Мовароуннаҳр ва Самарқандда бунёд этилган нодир ва абадий обидалар бевосита Темур номи билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда ўтган барча ҳукмдорлар орасида у улуг бунёдкор ва забардаст Амир сифатида ном қозонган эди»<sup>1</sup>.

Амир Темурга тавсиф беришда яна бир ўзбек тарихчи олими, профессор Гога Ҳидояттов шундай ёзади: «У ўқиш ва ёзишни ўрганмаган бўлиб, турк ва форс тилларида яхши гапирар эди...»

Темур Чингизхон ва унинг ҳарбий тартибларини ихлосманди бўлиб, ҳамма юришларини ташкил этиш, ҳарбий ҳаракатлар ва маъмурий қурилиш ишларида унга тақлид қилар эди... Унинг ҳамма ҳарбий тактикаси Чингизхондан ўзлаштириб олинган эди»<sup>2</sup>. Амир Темурга характеристика беришда тарих фани методологик тадқиқотчиликка даъвогар бўлган тарихчилар ҳам четда қолмадилар. Масалан, Аҳмадjon Саъдиев Ўзбекистон мактабларида «Темур давлатининг ташкил топиши» мавзусини қандай ўқитиш лозимлиги хусусида шундай илмий башорат қилади:

*«Темур давлатининг ташкил топишига бағишланган биринчи дарсда Темурнинг шахсига тавсиф беришда, деб уқтиради А. Саъдиев, — Темурнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳаваси билан босқинчилик урушларига кириб кетганлиги мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларининг кенг миқёсда ривожланишига тўсқинлик қилгани, Темурнинг турли хил ҳаракатлари, зулми халқнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлганлиги айтилади. Темурнинг улкан империяси — феодал ҳукмдорлар империясидан иборат бўлиб, унинг ҳақиқий марказлашиши учун етарли иқтисодий замин бўлмаганлиги учун мустаҳкам эмаслиги тушунтирилади»<sup>3</sup>.*

Ўзбекистон тарихидан методик йўналишда ёзилган қўлланмалар муаллифларидан бири **Назиф Ремеёв**нинг «Темур давлати» мавзусини ўрганиш борасида Ўзбекистон тарихидан дарс берувчи ўқитувчиларга бераётган қуйидаги «илмий-методик» тавсияси ҳам Амир Темур даври тарихини қанчалик сохталаштириб ўрганишга даъват

<sup>1</sup> Ўзбекистон XV—XVI асрларда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. Тўплам. Ўзбекистон ФА нашри, 1960, 19-бет.

<sup>2</sup> Ҳидояттов Г. А. Менинг жонажон тарихим. — Т.: «Ўқитувчи». 1992, 156—169-бетлар.

<sup>3</sup> Саъдиев А. Ўзбекистон тарихини ўқитиш методикаси. — Т.: «Ўқитувчи». 1980, 70—71-бетлар.

этилганлигининг, мазкур мавзуни ўрганишдан кузатилган мақсад — ўша давр тарихини қандай бўлса шундайлигича эмас, балки, Соҳибқирон шахси, унинг давлат арбоби, жаҳонга машҳур ҳарбий саркарда сифатларини юзаки кўрсатишдан иборат бўлиб қолган.

Н. Ремеев мазкур мавзуни ўрганиш хусусида тарих ўқитувчиларига дарс жараёнида ўқувчилар диққат-эътиборларини асосан қуйидаги масалаларга жалб этилишини уқтиради:

1. Темур давлати қачон вужудга келди?
2. Унинг ҳарбий юришларини гапириб беринг.
3. Темурнинг ҳарбий юришлари қандай хусусиятга эга эди?
4. Темур давлати нима учун инқирозга юз тутди?

*Авваламбор*, юқоридаги саволларнинг ҳаммаси ҳам ўқувчиларни мантиқан таҳлилий тафаккур этишга йўлламайди. Аксинча, уларда методика ҳам йўқ. *Иккинчидан*, мавзуни ўрганиш учун қўйилган саволлар ўқувчиларда ижобий яъни миллий маънавиятимизга асосланган, уларда миллий ғурур, ифтихорларини шаклланишига олиб келадиган, асл тарихий ҳақиқатни билиб олишларига етаклайдиган фикрларга эмас, балки Амир Темур даври фақат ноҳақ қон тўкишлар, вайронагарчиликлар, деҳқон ва хунармандлар ўта оғир аҳволда кун кечирганликлари, азоб-уқубат даври бўлган деган хулосага келишларига даъват этилган илмий ва тарихий ҳақиқатни ўта сохта-лаштирилган йўналишдан иборатдир. Ўзбекистон тарихини ўқитиш бўйича яратиладиган «илмий-методик тавсия» номига даъвогарлик қиладиган ҳар қандай рисоаларда талабаларга тарихий ҳақиқатдан келиб чиқиб, уларга Ватан тарихидан бериладиган таълим ва тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ҳамда интеграциялашга томон бурилса айни муддао бўлур эди. Чунки, халқ таълими олдига қўйилган бугунги фаровон ҳаётимиз, давримиз талаби шуни тақозо этмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг саъий-ҳаракатлари билан Амир Темур таълимидининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги фармони ЮНЕСКО томонидан ижобий тадбир сифатида маъқулланиб, Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон халқлари тарихида тутган ўрнига одилона баҳо берилганлигининг гувоҳи бўлдик.

*«Амир Темур даврини қайтадан ўрганишимиз керак. Нега деганда, Амир Темур тушукларини ўқигач, худди бугунги замоннинг катта муаммоларица жавоб бергандек бўлиман. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади»<sup>1</sup>*, деб қайд этди Президент Ислом Каримов.

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Ўзбекистон: истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». — Т.: Ўзбекистон. 1993, 218-бет.

Амалиётда Президент Ислом Каримовнинг **Амир Темур** шахси ва давлат арбоби сифатидаги реал ҳақиқатни илмий жиҳатдан асослаб берилиши тўғрисидаги кўрсатмалари тез орада ҳақиқий темуршунос олимлар томонидан ўз ижобатини топди.

Ўзбекистоннинг бутунжаҳон сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнига кириб бориши, унинг жаҳон интеграциясининг ривожланиб боришидаги бугунги ўрни ва ролининг таъсири остида ўқувчи ёшларни замонавий ҳаётга мослашиб боришлари педагогик жамоа олдига қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бир қатор муҳим вазифаларни тезкорлик билан ҳал этиш лозимлигини тақозо этмоқда:

— талаба ёшларда Ўзбекистон фуқароси ва ватанпарварлиги сифатларини шакллантириш, уларда ўзбекларга хос фуқаролик ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялаш;

— ўқувчиларни демократик жамият ва демократик қадриятлар руҳида тарбиялаш;

— ўқувчиларда доимо ўз-ўзини ҳар томонлама ақлан ва жисмонан такомиллаштириб бориш, уларда ижодий фаолликка бўлган эҳтиёжларини шакллантириб бориш ва мустаҳкамлаш;

— ўқувчиларда ижтимоий хусусиятга эга бўлган турли-туман йўналишлардаги ахборотларга ижодий ёндашиш, уларни таҳлил этишга танқидий назардан қараш кўникмаларини ривожлантириб бориш;

— айниқса, бугунги кунда уларда коммуникацион маданиятни, яъни турли ғоя ва эътиқодда бўлган кишилар билан самимий алоқа боғлай олиш маданиятини мукамал тарбиялаш, бу илмий-техника инқилоби беқиёс авж олиб бораётган давр талабидир.

Шундай қилиб, тарих таълимининг энг муҳим мақсадларидан бири ўқувчиларда ўзбек фуқароси сифатларини мукамал ривожлантириб бориш ва камол топтиришда, уларда миллий ва маънавий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, ўз маданияти ҳамда ўзгалар маданиятини ҳурмат билан эъозлаш каби сифатларни аниқ шакллантириб борилиши лозим. Шу билан биргаликда ўз тарихи, ўз маданияти билан фахрланиши бошқа халқлар, бошқа маданиятлар моҳиятини камситишга олиб келмаслиги керак.

Президент И. Каримов асарлари, нутқлари ва оммавий ахборот воситаларига берган ахборотларида бундайин бағрикенглик алоҳида ўринни эгаллайди. Ана шу анъаналар моҳияти ҳар бир дарс ва синфдан ташқарида олиб бориладиган машғулотлар давомида ўқувчилар қалбига сингдирилиб борилиши керак.

Тарих фанини ўқитиш назарияси хусусида гап борар экан, бундай жараёнга бир томонлама ёндашиш, барча, ижтимоий фанлар

билан, биринчи навбатда «Миллий ғоя ва мафкура» фани билан илмий-назарий ва методик жиҳатдан узвий алоқадорликда олиб бориш, тарих фанини ўқитиш назариясини такомиллаштиришда муҳим омил эканлиги диққат марказида бўлмоғи керак. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат Маркази томонидан «Ўқувчи-талабалар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришда таълим-тарбиявий ишларни ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар» тарих фанини ўқитиш назариясини днр талиби асосида такомиллаштириб боришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади:

1. Ҳар бир гуруҳда ўқувчи-талабаларга миллий ғоя ва мафкурани сингдиришнинг мазмун ва моҳиятини, ёш ва интеллектуал хусусиятларини ҳисобга олиб ёнданиш.

2. Ўқувчи-талабаларга тугуллик билан ижтимоий фаолликни узвий равишда мужассамлаштирилган ҳолда сингдириш.

3. Миллий ғоя ва мафкурани сингдиришнинг йуналишлари ҳамда босқичларини белгилаш.

4. Миллий ғоя ва мафкурани сингдиришнинг метод ва шакллари ҳамда воситалар механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

5. Ўқувчи-талабаларнинг онги ва шуурига миллий ғоя ва мафкурани сингдиришда ижтимоий тарбиянинг барча омиллари ҳамкорлигидаги ишларни амалга ошириш.

6. Дарслардан ташқари машғулотларда миллий ғоя ва мафкурани сингдиришга доир педагогик технологиялар ҳамда энг мақбул амалий усулларни қўллаш.

7. Ўқувчи-талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳамда дунёқарашини бойитиб бориш билан бирга миллий мафкуранинг моҳияти, ижтимоий тараққиёт ва шахс камолотини таъминлашдаги ўрни, аҳамияти, миллий ғоя ва мафкурани ўрганиш заруратини доимий равишда мақсадга мувофиқ ёритиб бориш.

8. Миллий ғоя ва мафкура асосида талаба-ўқувчилар маънавиятини шакллантиришни аниқ мақсадга йуналтирилган педагогик фаолият негизида ташкил этиш.

9. Фанни ўқитиш ва тарбиявий ишларнинг узвийлиги-узлуксизлигини таъминлаш.

10. Ўқитиш жараёнида берилаётган билимлар ва келтирилаётган асосларнинг аниқлигига риоя қилиш.

11. Назарий билимлар ва ҳаётий мисолларнинг ўзаро мослиги, уларнинг бир-бирини тўлдиришига эътибор бериш.

12. Фанлараро алоқа тамойилига риоя қилиш, тушунчаларини содда, аниқ бериш, уларни ўрганувчиларнинг ёши, дунёқараши, руҳиятига мослигини таъминлаш.

13. Ўқув дастури, қўлланма ва дарсликларнинг бир-бирига мос бўлишини таъминлаш.

14. Дастурда белгиланган мавзулар ва уларга ажратилган соатларнинг ўқув қўлланмалари ва дарсликларга мос келиши ҳамда тўла ёритилишини таъминлаш.

15. Ўқувчининг дастурда белгиланган мавзулар бўйича қўшимча илмий-методик материалларга эга бўлиши учун ўз устида мунтазам ишлашини таъминлаш.

16. Дастур вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур бўлган методик тавсия, амалий машғулотлар, мустақил ишлар учун мавзулар, саволлар, таянч иборалар лўғати, қўшимча адабиётлар ва ёрдамчи манбаларни такомиллаштириш.

Тарих ўқитиш жараёнида Президент Ислом Каримовнинг миллий мафқурани шакллантиришга доир нутқлари ва асарларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш:

— миллий истиқлол ғоясини сингдириш жараёнида тарихий бой маънавий меросимизга доир билимлар беришга эътибор қаратиш;

— халқ педагогикаси ва буюк алломаларимизнинг фалсафий қарашлари ва мулоҳазаларини ўрганиш;

— мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр мобайнида барча соҳаларда (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий) амалга оширилган улкан ўзгаришлар ҳақида тушунча бериш тарих ўқитишнинг методологик асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

*Хусусий дидактика сифатида тарих фанини ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?* Тарих фанининг мазмуни ва унинг тизими биринчи навбатда ўқувчилар билиб олишлари керак бўлган маълум хронологияга оид тарихий билимларни, мактаб тарих фани курсининг асосий мазмуни, тарихий воқеаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва қонуниятлари, аниқ маълумотлар, тасаввур ва тушунчалар тизимидан иборат бўлмоғи лозим. Табиийки, бу талаблар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўрганиладиган тарих фани ўқув дастурида, дарсликларида, ўқув-методик қўлланмаларида ўзининг тўла ифодасини топган бўлмоғи керак. Шу боис тарих фани бўйича яратилган дарсликлар тарих фанининг бутунги кун талабларига мос келмоғи керак. Шулардан келиб чиқиб, тарих фани ўқитувчиси ҳам ўзининг кундалик педагогик фаолиятида ўрганилаётган мавзу мазмунини тушунтириши, ўқувчилар билимини маълум тарихий хулосаларга келтиришда

<sup>1</sup> Маърифат газетаси. 2005, 13 август.

энг асосийси ўрганилаётган тарихий материални давр талаби даражасида баён этиш, ҳамда ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини ва мафқурасини фаол шакллантиришда самарали методларни қўллаш билан амалга оширмоғи лозим. Лекин, тарихий материални танлаш масалалари, унинг ҳажми ва қисмлари, мактаб тарих курсининг структурасини белгилаш, тарихий фактларни баён этиш усуллари, бу тушунчаларни дарснинг қандай ўрни, муддатида қўллаш масалалари ва унинг йўллари фақат тарих фанини ўқитиш методикаси воситасидагина амалга оширилади. Тарих фанини мактаб курсида марказлашган ҳолда ёки узлуксиз ҳолда ўрганиш кераклиги, тарихий материалларни қайси синфда қандай ўрганиш методологияси яратилган. Бу масала тарих фанининг системали ёки концентрацион марказлашган ҳолда ўрганиш талабларидан келиб чиққанда тарих фанини ўқитиш методикаси фани зиммасига тушади.

*Хўш, тарих ўқитиш методикасининг ўзи нима?*

**Методика** — бу «педагогик фан бўлиб, маълум ўқув предметини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ этадиган махсус фандир»<sup>1</sup>.

**Методика** (грекча — *methodis*) «Педагогика фанининг соҳаларидан бири бўлиб, маълум фанни ўрганиш қонуниятларини тадқиқ этишга айтилади»<sup>2</sup>.

Ҳар икки манбадаги билдирилган изоҳларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, мазкур умумий таърифларнинг тарих фанини ўқитишга татбиқ этадиган бўлсак, тарих ўқитиш методикаси фани олдида тарих ўқитиш жараёни қонуниятларини янада такомиллаштириб бориб, унинг ҳар томонлама ривожланган, миллий ғоя ва мафкура билан қуролланган комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш жараёнига самарали таъсир кўрсатадиган педагогик фандир.

Тарих фанини ўқитишнинг методологик асосини педагогик фан бўлганлиги боис билиш назарияси ташкил этади. Педагогикага нисбатан хусусий дидактикани ташкил этган тарих фанини ўқитиш методикаси педагогика, психология фанларининг умумий принциплари ва хулосалари билан органик алоқадорликда бўлиб, тарих фанини ўқитишнинг муаммоларини ўргатадиган фандир.

Тарих фанини ўқитиш методикаси тарих ўқитувчиларининг амалий тажрибаларига суянади, ўқитувчилар олдида тарих фанини ўқитишнинг илғор тажрибаларини умумлаштиради ва келажакда тарих дарсларида ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштириш, ўқувчиларда миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш ва такомиллаштиришда, уларда ўзлигини англаш ва фуқаролик ҳис-туйғуларини камол топтиришда яратувчилик ролини ўйнайди.

<sup>1</sup> Педагогическая энциклопедия. — М.: 1965, т. II, с. 806.

<sup>2</sup> Современный словарь иностранных слов. — М.: 1993, с. 376.



## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тарих фанининг ўтмишдаги ва бугунги ижтимоий ҳаётдаги ўрни қандай эканлигини тушунтириб беринг?
2. Тарих фанини ўрганишдаги энг асосий муаммо нималардан иборат эканлигидан хабарингиз борми? Бор бўлса, уларни изоҳлаб бера оласизми?
3. Тарих фанининг назарияси ва методологияси нималардан иборат? Қисқача асослаб беринг.
4. Ўзбекистонда тарих фанининг тарихи ва тарих таълимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?
5. Тарих фанини ўқитиш жараёнида Президент Ислам Каримовнинг миллий мафқурани шакллантиришга доир нутқлари ва асарларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш йўллари ҳақида нима дея оласиз?



## // боб

# ТАРИХ ДАРСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ

## 1. ТАРИХ ДАРСЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Маълумки, дарс мактабда ўқув ишларининг ягона шакли эмас. Экекурсия, ўлаштирмончилар билан олиб бориладиган индивидуал ва гуруҳларда олиб бориладиган машғулотлар, имтиҳонлар олдида ўлка болидиган маслаҳатлар ҳам ўқув жараёнининг турли шакллари ташкил этади. Шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммаси машғулотларнинг ёрдамчи турларининг бўлиб, дарснинг ўқув жараёнида ҳал қилувчи ва нафаси ўрнини эгаллай олмайди. Бошқа фанлар каби тарих фанини ўқитишда ҳам дарс ўқитиш турининг асосини ташкил этади.

Дарснинг мазмуни тарихни ўргатиш, яъни ўқувчиларга ўқув дастурини муъжжалланган мезъордаги маълум тарихий билимлар мажмуасини ва шу тарихий воқеалар асосида ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбияламоқ лозим.

Тарих таълими мураккаб ва кўп қиррали жараёни ташкил этади. Дарс жараёнида уларни илгари ўтилган мавзулар юзасидан олган билимларини янада мустаҳкамлаймиз яъни билимларини текшира-миз, ўрганилаётган тарихий материални таҳлил этиш ва умумлаштириш йўли билан унинг мазмунини ўқувчилар томонидан атроф-лича ўлаштириб олишларига ҳаракат қиламиз. Шунингдек, дарс давомида ўқувчиларни янги тарихий тушунчаларни самарали ўзлаштиришлари учун ўзларида мавжуд бўлган илгариги тарихий билимлардан фойдаланишларига ундаймиз. Янгидан ўрганилаётган тарихий материал асосида уларнинг билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тизимлаштириш хусусида изчиллик билан иш олиб борилади. Энг асосийси, дарс давомида ўқувчиларни ўрганилаётган тарихий материал устида самарали ишлаш қобилиятлари ва малакаларини шакллантириб боришга эришмоғимиз лозим. Чунончи, ўқувчи дарс жараёнида тарихий хариталар билан эркин ишлаши ва уларга қараб аниқ муъжал олмоқлари, тарихий ҳужжатлар ва ўлкашunoslik материаллари устида мустақил ишлай билишлари, уларни қиёсий таққослашлари, тарихий асосларини тўғри таҳлил этмоқликлари лозим. Буларнинг ҳаммаси тарих дарсининг (умуман ижтимоий фанлардан, жумладан, инсон ва жамият курсидан ўтказиладиган

ҳар қандай дарснинг) дидактик томонини характерлайди, унинг ғоявий мазмунини атрофлича очиб беришга хизмат қилади.

Тарих дарси қатор таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал этишга қаратилганлиги билан характерланади. Тарих дарсида таълим-тарбия вазифаларининг кўпқирралилиги уни ўқитишда қўлланиладиган кўп турли методлар билан характерланади.

Дарснинг афзаллиги яна шундан иборатки, унда ўқитувчилар билан ҳар бир ўрганилаётган тарихий материалларнинг синфда ёппасига ва мустақил иш олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Бироқ, тарих дарси олдида таълимий ва тарбиявий, ғоявий ва сиёсий вазифаларнинг қанчалик кўп эканлигига қарамасдан, алоҳида олинган ҳар бир дарс бутун дарс тизимида ички бирлик ва тугалликни ташкил этади.

Аввало ҳар бир дарс ўз мавзусига, номига эга бўлади. Ўқитувчи эса ўз навбатида давлат ўқув дастури ва дарсликнинг мазмунига қараб мазкур дарсда ўрганиладиган мавзунини аниқлайди.

Тарих ўқитувчиси ҳар бир дарс мавзусини аниқлашда тарихийлик (историзм) системалилик ва изчилликка доимо ижодий ёндашиб бормоғи лозим.

Дарс давомида ўрганиладиган мавзунинг материални бир неча масалаларга (саволларга) бўлиш, ўз навбатида мазкур дарснинг аниқ режасини тузишга ёрдам беради. Дарс режаси неча пунктдан иборат бўлиши бевосита ўрганилиши керак бўлган мавзунинг мазмунидан келиб чиқмоғи керак. Мазкур ўринда биз дарснинг режаси албатта, шунча бўлимдан иборат бўлмоғи зарур деган кўрсатмани «қолип» сифатида тавсия этмаймиз. Шу боисдан биз машҳур тарихчи методист **А. А. Вагин**нинг дарс режаси пунктлари одатда, иккитадан кам бўлмаслиги ва беш, олтитадан кўп бўлмаслиги керак деган кўрсатмани ўринсиз деб биламиз.

А. А. Вагин тарих дарси назарияси хусусида фикр юритар экан, «дарс мавзуси ва унинг режаси ўқувчиларга маълум қилиниши керак»<sup>1</sup>, деб кўрсатади. Бироқ, дарс режаси ўқувчиларга қандай маълум қилиниши кераклигини аниқ кўрсатмайди (оғзакими, ёзмами, ҳаммаси бирданига ўқиб эшиттирилиши ёки ёзиб кўрсатилиши керакми ёки бирин-кетинми?). Республикамиз илғор тарихчиларининг тажрибаси дарс режасини ёки синф доскасига ҳар бир пунктни навбати билан кетма-кетликда баён қилиб бориш жараёнида ёзишни, ёинки кўчма доскада бир йўла ёзилган режани синф доскасининг бир чеккасига илиб қўйилган ҳолда фойдаланиш афзаллигини тасдиқлаган.

<sup>1</sup> Вагин А. А. Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. Изд-во «Просвещение». — М.: 1968, с. 336.

Ҳар бир тарих дарсининг ўз мавзуси ва ўз режасига эга бўлиши аксиомадир. Бир неча дарсларни бирлаштирган катта мавзулар албатта, алоҳида дарсларнинг мавзуларига бўлинмоғи шарт. Ҳўқитувчи ҳеч вақт дарсни ўтган мавзунинг яқуни ва янги мавзуни бошланиши сифатида ўтишга йўл қўймаслиги керак. Фикримизча, бу талаб фақатгина ўрта умумтаълим ёки махсус ўқув юртлари учун бўлмасдан, балки барча олий ўқув юртлари учун ҳам маъруза ва семинар машғулотлари учун бўлган асосий шартларнинг ажралмас қисмини ташкил этмоғи даркор. Гап шундаки, тематик бирликнинг бузилиши дарсининг ғоявий йўналишини, талабаларни синфда (аудитория ёки лабораторияда) олиб борадиган мустақил ишларини, уй ишини бажаришни тўғри ташкил этишни издан чиқарди.

Ҳар бир дарс нафақат ўз мазмуни билан, балки унинг устида ишлаш характери жиҳатдан ҳам бир бутун тугалланган мавзу, муаммо бўлмоғи лозим. Ҳўқитувчи дарсни баён қилиш жараёнида ишни шундай усул ва турларини моҳирлик билан қўлламоғи керакки, бу усул ўқувчиларни уй вазифаларини мустақил бажаришда унга дастуриламал бўлсин. Дарс давомида баён қилинган материал албатта, шу дарсда атрофлича таҳлил этилмоғи, фикрлашиб олинмоғи керак, ана шундай қилингандагина ўқитувчи дарсни дидактик томондан тўғри ташкил этган, ўқувчиларга ўрганилаётган материал мазмунини тўғри қабул қилишга йўналтирган, мавзудан келиб чиққан мазмуннинг ўқувчилар шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишини таъмин этган бўлади.

Бироқ, фақатгина дарс мавзусини аниқ белгилаш ва уни баён қилиш, режасининг мавжудлигини ўзи дарсининг муваффақиятли чиқишини таъмин этмайди. Дарсни тўла муваффақиятли чиқишини таъминлаш учун унинг ғоявий йўналишини аниқлаб олмоқ лозим.

Дарсининг асосий ғоявий мазмуни, унинг таълимий ва тарбиявий вазифалари дарс жараёнида ўрганилаётган тарихий воқеликнинг моҳияти, қонуниятлари, сабаби, натижалари ва аҳамиятининг тўғри баён қилинишидагина тўла амалга ошиши мумкин.

Дидактикада дарсларни классификация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина методик адабиётларда жумладан, **И. Н. Казанцев**нинг «Урок в Советской школе» (— М.: 1956) китобида дарс мавзуларини классификация қилишда уларни кириш дарси, янги билимларни эгаллаш дарси, такрорлаш-умумлаштириш дарси ва ҳисобга олиш-текшириш дарси каби типларга ажратилади.

**С. В. Иванов** дарсларни турларга ажратиш билан бирга, дарсларда фойдаланиладиган методик воситаларнинг хусусиятларини ва дарс ўтишга энг кўп ишлатиладиган методик воситаларни асос қилиб олиб, маъруза — дарс, кино — дарс, ўқувчилар мустақил иш олиб борадиган дарс типларини тавсия этади.

Дарс намуналарини турларга ажратиш масаласи тарих фанини ўқитиш методикасига доир адабиётда ҳам турлича ҳал қилинган. Масалан, **В. Н. Бернадский** тарих дарсларини типларга ажратишда билимларнинг асосий манбаини ва ҳар қайси дарсда қўлланиладиган етакчи методни асос қилиб олган<sup>1</sup>.

**В. Г. Карцев** тадқиқотида эса дарслардаги ўқув фаолиятини етакчилик характерини таснифлаш учун асос қилиб олиниб, тарих дарслари: янги билимлар бериш дарсига, ўтилган мавзуларни такрорлаш ва умумлаштириш дарсига, ўқувчилар билимини оғзаки ёки ёзма тарзда текшириш дарсига ҳамда аралаш деб аталган типларга бўлинган<sup>2</sup>.

**М. А. Зиновьев** эса ўз тадқиқотида<sup>3</sup> дарснинг икки турини — янги мавзунини ўрганиш дарси ва такрорлаш дарсига бўлади. **П. С. Лейбенгруб** ҳам тарих дарсларини таснифлашни кўрсатишга ҳаракат қилади. Бироқ, муаллиф тарих дарси типлари устида фикр юритар экан, у ўз фикрини асосан, ўтган дарсни сўраш, янги мавзунини ўрганиш ва мустақамлашга йўналтиради<sup>4</sup>.

Дарс турлари таснифланиши хусусида А. А. Вагин томонидан тавсия этилган вариантлар бирмунча талабга мувофиқдир. У дарсларни таснифлашда туркум дарснинг моҳиятини, ўрганиладиган мавзунинг мазмунини, ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятларини ва ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳар қайси кундалик дарсларидаги фаолиятлари турларини асос қилиб олиш керак деб кўрсатди. Унинг қайд қилишича, масалан, 5-синфда (1) ўқитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини ўз ичига олувчи дарс, (2) ҳикоя қилиб бериш шаклида баён этиладиган дарс, (3) такрорлаш дарси олиб борилиши лозим. 6—7-синфларда дарс намуналари кўпроқ бўлиши, яъни:

1. Ўқитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини ўз ичига олувчи дарс.

2. Янги мавзунини ўрганиш дарси (ҳикоя қилиб бериш, кино, экскурсия).

3. Кириш дарси.

4. Хотима дарси.

5. Таҳлил қилиш дарси.

6. Малака ва кўникмалар ҳосил қилиш дарси.

7. Такрорлаш-умумлаштириш дарслари олиб борилиши тавсия этилади<sup>5</sup>. А. А. Вагин дарс типлари таснифланиши хусусида фикр

<sup>1</sup> *Бернадский В. Н.* Методы преподавания история в старших классах. — Л.: 1939.

<sup>2</sup> *Карцев В. Г.* Очерки методики обучения истории СССР в VIII—X классах. — М.: 1955.

<sup>3</sup> *Зиновьев М. А.* Основные вопросы методики преподавания истории.

<sup>4</sup> *Лейбенгруб П. С.* Дидактические требования к уроку истории. — М.: 1960.

<sup>5</sup> *Вагин А. А.* Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. — М.: 1968, с. 403. Изд. «Просвещенис».

юритар экан, агарда бошланғич синфларда ўқитиш жараёнининг ҳамма асосий элементларини ўз ичига олувчи дарс кўпроқ қўлланилса, юқори синфларга ўтиб бориш билан тарих ўрганишда дарс турларида дифференция катта ўринни эгаллаши, яъни юқори синфларга (7—10) борганда тарих дарсининг ўнга яқин турлари бўлишини ва улардан қуйидаги вариантларни тавсия этди:

1. Мавзуга кириш дарси.
2. Янги тарихий вазиятни ўрганиш дарси.
3. Таҳлил қилиш дарси.
4. Мавзу юзасидан хотимлар дарси.
5. Такрорлаш дарси.
6. Умумлаштириш дарси.
7. Ўтган мавзунини сураш дарси.
8. Миллат ва кўникмалар ҳосил қилиш дарси.
9. Ўлимни қўллаш дарси.
10. Ўқитиш жараёнининг барча асосий элементларини ўз ичига олувчи дарс.

**А. А. Вагин** томонидан тавсия этилган намуналари таснифланишда ишон ва ҳуқуқ курсида кенг қўлланилаётган дарс турлари:

1. Семинар машулотлари.
2. Конференциялар.
3. Диспутлар.
4. Семинар-конференцияларга ҳам тааллуқли эканлиги қайд этиб ўтилоши.

Дарҳақиқат, 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб нафақат ишон ва жамият курсида, балки қатор мактабларда тарих курсидан олиб борилаётган факультатив курсларда ҳам дарснинг ана шундай шаклларида «самарали» фойдаланилган.

Дарс жараёнида ҳар бир мавзунинг мазмунига қараб, бу талаблар миқдорлашувини амалга ошириб бориш шубҳасиз дарс самарадорлигини ўқувчиларда таҳлилий тафаккур этиш қобилиятларини тинимли равишда камол топиб боришида катта роль ўйнайди.

Дарсга бўлган талаблардан яна бир муҳим таркибий қисми унинг мақсадини тўғри белгилаш ҳисобланади.

Методик адабиётда бу хусусда бир неча фикр мавжуд. Масалан, В. Г. Карцев «дарснинг мақсади дарсда ўрганиладиган масалаларнинг моҳиятини очиб беришдан, унинг асосий ғоясини, асосий маъносини ўқувчиларнинг дарс давомида асосий хулоса сифатида англаб олишлари ва идрок этишлари керак бўлган нарсани белгилашдан иборат бўлмоғи лозим» деб кўрсатади.

Фикримизча, А. А. Вагин ва Н. В. Сперанская, В. Г. Карцевнинг ҳар бир дарснинг умумий ғоявий-назарий йўналишини белгилаш керак, деган фикрларига қўшилиш ўринлидир. Бироқ шу билан

бирга тарих дарси олдига қўйиладиган мақсадларни тўғри белгилашда *биринчидан*, мазкур дарс мазмунида энг муҳим нарса нима эканлигини ва ўқувчиларнинг тарихни илмий асосда тушуниб олишларига, уларни умуминсоний маънавият руҳида тарбиялашга қандай ҳисса қўшиши лозимлигини аниқлаб олиш керак. *Иккинчидан*, ўқувчилардаги мавжуд бўлган тарихий малакаларнинг намоён бўлиш даражасига ва унинг ривожлантириш умумий тизимига асосланган ҳолда, ўқувчиларда муайян малакаларни шакллантира бориш вазифасини айрим дарсларнинг мақсадларидан бири қилиб қўйиш фойдалидир.

Биз юқорида дарс турларининг таснифланиши, унга бўлган талаблар ва ундан кузатиладиган мақсад хусусидаги фикрларни баён этдик. Бу фикрларда тарих таълими асосан, умумтаълим мактаблари учун қўлланиладиган метод кўринишида баён этилди. Бироқ, халқ маорифи тизимида ёшларни умумий ўрта таълим Ўзбекистон Республикасининг ўз миллий истиқлолига эришганидан кейин халқ таълими тизимида содир бўлган ислохотлар натижасида вужудга келган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳам салмоқли ўринни эгалламоқда. Натижада, шундай турдаги ўқув юртларида, мактабларда дарс самарадорлигини ошириб бориш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам шу турдаги мактабларда дарс берадиган ҳар бир педагог талабаларга билим асосларини беришда дарсининг ҳал қилувчи роль ўйнашига алоҳида эътибор бермоғи лозим. Бу эътибор биринчи навбатда асосий ўрганиладиган мавзунини синфда ҳал этиши, унинг имконияти борица атрофлича мустаҳкамлаши, таълим-тарбияни бизни ўраб турган ижтимоий муҳит билан узвий ҳолда боғлаб ўрганишда намоён бўлмоғи лозим.

Тарих дарсининг самарадорлигида ҳозиржавоб дарсликнинг муҳим роль ўйнаши сир эмас. Бироқ, дарслик қанчалик такомиллашган бўлмасин, ўқитувчининг жозибали маърузаси ёки суҳбати ўрнини эгаллай олмайди. Дарслик қанчалик такомиллашган бўлганлигига қарамасдан, ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига қамраб олиш имкониятига эга бўлмайди. Шундай экан, дарс давомида у ёки бу мавзунини баён этишда ўқитувчи унга ижодий ёндашмоғи, ўрганилаётган тарихий даврни турмуш билан узвийликда боғлаб ўрганишга эришмоғи лозим.

Тарих дарси, унинг турлари ва тузилиши хусусида баён этилган фикримиз гарчи бу муаммо бўйича сўнгги мезон бўлмаса-да, бунда Ўзбекистон Республикаси миқёсида умумлаштирилган илғор тажрибалар асос қилиб олинган. Шундай экан, ҳар бир педагог тарих фани дарсини ўтишга киришар экан, доимо педагогик изланиш йўлида бўлиб, тарих дарсларининг янада такомиллашиб боришига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

1. Дарс мазмуни деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳар бир дарс мавзусини аниқлашда тарихийлик (историзм), тизимлилик ва изчиллик жараёнларини тушунтириб бѐринг.
3. Дарс намуналарини таснифлашда қайси методист олимларнинг хизматлари катта бўлган?
4. Тарих дарсидаги унинг турлари ва тузилишидаги ҳозирги замон талаблари ҳақида қандай фикр билдира оласиз?

## 2. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — ТАЪЛИМИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ АСОСИДИР

*«Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.*

*Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Мустақил фикрлаш катта бойликдир».*

**Ислоом Каримов**

Президент Ислоом Каримовнинг 1997 йил 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи мустақилликка эришган давримизда халқ таълими тизими тараққиётида янги тарихий даврни бошлаб берди десак, албатта, муболага бўлмас. Гап шундаки, Президентимиз мазкур сессияда сўзлаган тарихий нутқида республикамиз халқ таълимининг барча бўғинларидаги мавжуд бўлган камчиликларни ҳар томонлама очиб ташлаш билан бирга, уларнинг бартараф этиш йўллари ҳам аниқ белгилаб берди. Бунда мактабларнинг моддий-техник базасининг ночорлиги, кўп фанлар бўйича дарсликларнинг давр даражасида бўлмаганлигини қайд этиш билан бирга педагогика фани назарияси ва амалиётида деярли ҳал қилувчи омил ҳисобланган жараён — мактабларда болаларга мустақил фикр юритишга ўргатилмаётганлиги, мактаблардаги таълим-тарбия жараёнида фақатгина ўқитувчи ҳукмронлик қилиб, ўқувчида мустақил тафаккур этиш оқсоқланиб кетгани очиб ташланди.

Президентимиз фаолиятида давлат сиёсати даража сала кўтариладиган бўлса, уни узлуксиз амалга ошири.

имкониятларни тўла ишга солиш усуллари характерли бир ҳолдир. Бунинг исботини ҳукуратимиз томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури**», «**Таълим тўғрисида**»ги қонунлари, «**2004—2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастури тўғрисида**»ги, «**2004—2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантиришининг умуммиллий давлат дастури**» тўғрисидаги қарорларида кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда халқ таълимини давр талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган бу қарорлар ёш авлодни том маънода камол топишига мустаҳкам замин яратиш билан бир вақтда амалиётда ҳам катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари ҳисобланган Япония, АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларда ҳам Ўзбекистондагидек давлат бюджетидан деярли 12,5 фоизини халқ таълимига ажратган эмас.

Хўш, биз педагоглар давлатимиз томонидан халқ таълимини давр талаблари даражасида ривожлантириш учун яратиб берилган ана шундай имкониятлардан амалиётда қандай фойдаланаётимиз?

Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Бухоро, Қарши, Навоий ва Жиззах шаҳридаги қатор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнлари билан яқиндан танишганимизда таълим-тарбиянинг энг долзарб масалаларидан бири талабалар онгида миллий ғоянинг шаклланиши, такомиллашиб бориши жараёнида ўқувчиларни *мустақил ишларини илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш ва бошқариш йўлида таърифга молик бирмунча тажрибалар борлигининг гувоҳи бўлдик.*

Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва уни илмий-методик жиҳатдан самарали бошқариш нафақат таълим-тарбия жараёнида, муболағасиз айтиш мумкинки, ёш авлодни миллий мустақиллигимиз инъом этган буюк неъмат — инсон ҳақ-ҳуқуқларини том маънода ҳимоялашни кафолатлаш ва унинг ўз хоҳиш истаги билан онгли касб танлаш ва мустақил Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз улушини қўшишида ҳам катта яратувчилик аҳамият касб этади.

Ўқувчилар бирон мавзунини мустақил ҳолда атрофлича ўрганиб, мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларини аниқ ўз меъёрига етказиб баён этишига педагогнинг берадиган илмий методик йўлланмаси албатта, алоҳида аҳамият касб этади. *Лекин, бундай фикримиздан зинҳор ва зинҳор «Мактабдаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон, у боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади, принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим-айтган, деганим-деган»<sup>1</sup>* қабилда

<sup>1</sup> Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: 1998, 9-бет.



бўлмасдан, ўқувчининг мустақил ижодий тафаккур этишга йўналтириш, унинг мустақил ишининг аниқ режаларини белгилаш, дастлабки машғулотлар давомида синфда ўқитувчи назорати остида ташқил этилиши, бошқарилиши ўқувчининг *бесамар ишдан сақлаб қолишига қаратилган бўлмоғи керак.*

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари айниқса, гуманитар фанларни ўрганишга қаратилган бўлса, албатта, *оддий масалалар:* тушунчаларни илмий жиҳатдан шакллантиришдан бошланиб, *мураккаб тушунчалар,* тамойиллар, манбаларни мустақил таҳлил этиш, алоҳида мавзуларда рефератлар тайёрлаш, у ёки бу масалага нисбатан шахсий фикрини баён этишга қадар таҳлил этиб, ўз фикри, муносабатини баён этишга қадар бориши.

Иккинчидан, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «*Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш*»га бағишланган 18-моддасида қайд этилганидек, «*Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга ошади*».

Президент Ислом Каримов 2005 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида ва 28 январь куни яна Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида маъруза қилди. Маърузалар матни «*Ўзбекистон*» нашриётида «*Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир*» номи билан нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг қарори билан Президент Ислом Каримовнинг мазкур маърузаларини ўрганиш учун 8 соат вақт ажратилган. Биз ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейда мазкур ҳужжатни дарснинг ноанъанавий усуллари билан фойдаланган ҳолда ўргандик. Биз биринчидан, ҳар бир ўқувчини Президентимизнинг «*Парламент — жамият ҳаётининг кўзгуси*» номи билан чоп этилган нутқининг матни билан таъминладик. *Иккинчидан* — дарс жараёнида маъруза ёзиб олиниб, тасвирга туширилган видеокассетани намойиш этиб, унда ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилашни ифода этган *беш устувор вазифа ва йўналишларнинг ҳар бири устида ўқувчиларнинг мустақил фикр-мулоҳазалари учун кенг имкониятлар яратиб бердик.*

Масалан, ўқувчиларга мамлакатимизнинг яқин вақтдаги тараққиётига мўлжалланган устувор вазифа ва беш устувор йўналиш тўғрисида тўла тушунча берар эканмиз, уларнинг биринчи ва иккинчи йўналишлари бўйича қуйидаги масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил равишда ёзма ҳолда баён этишларини уйга вазифа сифатида топширдик:

## 1. Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифалар:

1. Қонунчилик жамияти бўлиши мамлакат парламентининг роли ва таъсири қандай кучайтирилмоқчи?

2. Ҳукуматнинг ижро ва суд тармоқлари ўртасидаги мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришмоқ учун нималар қилиш керак?

II. Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизими қандай ислоҳ қилинмоқчи ва янада либераллаштирилмоқчи?

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларда мустақил фикр-мулоҳаза қилиш қобилиятларини диалектик тарзда ривожлантиришда уларга бериладиган муаммоли саволларнинг мантқан аниқ ва тушунарли бўлиши ҳам назарий, ҳам амалий тафаккурларида муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда педагогнинг тажрибали мутахассис сифатидаги омили, унинг малакаси деярли ҳал қилувчи роль ўйнайди десак, ўзларининг илмий-методик ва педагогик маҳоратларини такомиллаштиришга лоқайд ва «Янги педагогик технология» тушунчасидан мутлақ беҳабар бўлган айрим «педагоглар» «болани ўзида бўлмаса, унга бир нарсани ўқитиш амри-маҳол» деб ўзларининг таълим тарбия жараёнидаги қобилиятларини шубҳа остида қолдирадilar. Таълим-тарбия жараёнини кузатиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай укувсиз педагоглар мутлақ озчиликни ташкил этадилар. Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясидаги тарихий нутқи мамлакатимиз халқ таълими тизимларида кадрлар тайёрлашдаги ана шундай нохуш ҳоллардан мустасно этиш йўлида катта аҳамият касб этди. Замоनावий, юқори малакали кадрларни тайёрлаш хусусида гап борар экан, Президент Ислон Каримов «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимларга эга бўлиши керак»<sup>1</sup> деб кўрсатди.

Президентимизнинг бу кўрсатмаларига зудлик билан муносабат билдирган Тошкент шаҳар ЎМКХТ бошқармаси ўз тасарруфидаги 29 та таянч ўқув муассасаларида доимий ҳаракатдаги малака ошириш (ДХМО) курсларида ўқитувчилар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини давримиз талабларидан келиб чиққан ҳолда янги педагогик технология асосида кенг кўламда бошлаб юборди. ДХМО курсларида энг тажрибали педагоглар ўз фаолиятларида дарс давомида ва аудиториядан ташқарида олиб бориладиган машғулотлар давомида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқаришда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

<sup>1</sup> Баркамол авлод. Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: 1998, 7-бет.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси шуни кўрсатадики, «одамларда фанга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромни шакллантирмасдан туриб, уларни самарали ўқитиш мумкин эмас. Ўқувчида дарсга бўлган қизиқиш ва синфдаги осойишталик деб қайд этган жаҳонга машҳур академик К. Скрябин «менимча ўқувчини худди шу фанга бўлган қизиқишини фаол шакллантириб боришдан бошланмоғи керак. Ҳар қандай мактаб — хоҳ у бошланғич, хоҳ ўрта ёки олий бўлмасин, унга бўлган ҳурматни шакллантиришдан бошланади. Менга-мен учун фарзандимдек бўлиб қолган фандан сабоқ бериш nasib этди. Мен бирон ўқувчини ўз фанимдан кўрқитишга ҳаққим йўқ эди. Мен ҳар бир ўқувчини ўқитаётган фанимга нисбатан ҳар томонлама қизиқишларини ошириб боришим керак. Мен маъруза қилар эканман, турли вариантларни қўллаб, уларнинг бирини бошқасига ўхшамаслигига ҳаракат қиламан». Зерикарли тарих дарсидан тарих тугаб қолмаганидек, алгебра ҳам ноаниқ тушунтирилган дарсдан ҳалок бўлмайди. Бироқ, бундай зерикарли ёки чалкаш-чулкаш, пойма-пой дарсни эшитган, тушуниб бўлмайдиган тарзда олиб борилган, «тушунтириш»лар натижасида ўқувчи ўзи учун тарихни ҳам алгебрани ҳам йўқотади. Ким билсин, балки худди шу сизнинг ўқувчингиз, сиз ундаги қизиқишни чиптакка чиқарган фanning ривожланишига муносиб ҳисса қўиши мумкинмиди!»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, биз ёшларда мустақил илм олишга бўлган қизиқишларини ошириб бориш учун катта профессионал билимдонлик, қолаверса, фидойилик кўрсатишимиз керак.

Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқариш педагогнинг ўқувчилар билан яқиндан узвий ҳамкорликда фаолият олиб боришини тақозо этади. Шундай экан, ҳар бир педагог ўз фаолиятида мустақил ишларнинг ташкил этиш — таълимни демократлаштиришнинг асоси эканлигини доимо диққат марказида тутмоғи керак.



## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Халқ таълимини давр талаблари даражасида ривожлантириш учун қандай шарт-шароитлар яратилган?
2. Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва уни илмий-методик жиҳатдан самарали бўлиши учун яна нималар бўлиши керак?
3. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ва уни сифат босқичига кўтаришда янги педагогик технологияларнинг ўрни қандай?
4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқаришда педагог ва ўқувчиларнинг узвий ҳамкорлиги сизни қониқтиради-ми? Уларнинг фаолияти ҳақида шахсий мулоҳазага эгамисиз?

<sup>1</sup> Скрябин К. «Учитель в моей жизни». — М.: 1996, с. 96—97.

### III боб

## ТАРИХ ДАРСЛАРИ ВА УНГА БЎЛГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

### 1. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШГА БЎЛГАН ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

Собиқ Иттифоқ умумтаълим мактабларида тарих ўқитиш услубини илмий-педагогик фан даражасига кўтариш сарчашмаларида турган тарихчи-методист олимлар — В. Н. Бернадский, С. В. Иванов, В. Г. Карцев, М. А. Зиновьев, П. С. Лейбенгруб, И. Н. Казанцев, П. В. Гора, Н. Г. Дайри, А. А. Вагин ва бошқаларнинг илмий-услубий фаолиятлари бугунги кунда ҳам Ўзбекистан Республикаси тарих ўқитувчилари учун ҳам асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ўринда профессор В. Н. Бернадскийнинг 1936 йилда нашр эттирган *асарида*<sup>1</sup> эълон қилинган дарсларнинг 7 тури:

- 1) юқори синфларда мактаб маърузаси;
- 2) ҳикоя қилиб бериш дарси;
- 3) тарихий ҳужжатларни таҳлил этиш дарси;
- 4) бадиий адабиётлардан фойдаланиш дарси;
- 5) ўқувчилар ёзган рефератлари асосида бевосита улар томонидан ўтказиладиган маърузаларни тинглаш ва муҳокома этиш дарси;
- 6) кино дарси;
- 7) экскурсия ашёлари асосида ўтказиладиган дарс — турлари тизими бугунги кунда ҳам ўз мавқеларини маълум даражада сақлаб келмоқда.

Бироқ, В. Бернадскийнинг мазкур асарида дарс самарадорлигини оширишга бўлган талаблари дарс мазмунини сиёсийлаштиришдан нарига ўтмаган.

Собиқ Иттифоқ мактабларида тарих фанини ўқитиш услубиятини ишлаб чиқишда А. А. Вагиннинг асарлари ўз ўрнига эга. Унинг тарих ўқитиш услубиятига доир фикрларига нисбатан муросасиз танқидий мулоҳазаларини учратамиз. Жумладан, А. Вагин «*Типы уроков по истории*»<sup>2</sup> асарида таниқли методистлар В. Г. Карцев ва П. С. Лейбен-

<sup>1</sup> Бернадский В. Н. «Методы преподавания истории в старших классах». «Ленинград». 1939.

<sup>2</sup> Вагин А. А. Типы уроков по истории. Уч. пед. изд. — М.: 1957.

рубларнинг тарих дарслари турларининг таснифланишини кескин танқид остига олади. Ўз навбатида А. Вагиннинг бу танқидий фикрлари А. Саъдиев томонидан унинг «*Мактабда тарих ўқитиш методикаси*» китобида А. Вагинга ҳеч қандай кўчирма берилмаган ҳолда қуйидагича таърифланади: «*А. А. Вагин ўзининг 1957 йилда эълон қилган китобида В. Г. Карцев ва П. С. Лейбенгрублар кўрсатганидек, тарих дарсларининг турлари тўртта эмас, балки кўплигини, уларни турли формаларда (?) олиб бориш зарурлигини педагогик жиҳатдан (?) исботлаб беришга ҳаракат қилади*»<sup>1</sup>, фикримизча, мазкур ўрнида Саъдиев «фикрига» айрим аниқликлар киритиш керак кўринади.

*Биринчидан, В. Г. Карцевнинг тавсия этган тарих дарсларининг тури мазмун жиҳатидан П. С. Лейбенгруб вариантдан уйғун фарқ қилади. Масалан, П. С. Лейбенгруб умумлашган дарс хусусида фикр юритганда бундай дарс турини «таълим жараёнининг ҳамма звеноларини қамраб олган ва бу дарс турини тарих дарслари турларининг асосийси»<sup>2</sup> деб ҳисоблайди.*

А. Вагин П. Лейбенгрубнинг бу фикрини унда, яъни комбинацияланган дарсда ўқув жараёнини ҳамма звенолари қамраб олинмаганлигида айблаб, ўзи дидактикада катта қўпол хатога йўл қўйди. Авваламбор комбинацияланган дарс жараёнида дарс турларининг том мазмунида ҳамма турлари, элементлари бошдан оёқ қўлланишини ўзи илмий-услубий жиҳатдан дидактикага зид. Қолаверса, П. Лейбенгруб вариантыдаги дарснинг иккинчи тури — «дарснинг тўла ёки деярли тўла янги мавзуни ўрганишга бағишланиши асосланмаган» деган даъвоси мутлақо ўринсиздир. Бироқ дарс режаси ўқувчиларга қандай маълум қилиниши кераклиги аниқ кўрсатилмайди. Оғзакими, ёзмами, дарс режасининг ҳамма пунктлари бирданига ўқиб эшиттириладими ёки оддий доскага, кўчма доскага, роликка ёзиб кўрсатилиши керакми, ёки бирин-кетинми?

Республикамиз илғор тарих ўқитувчиларининг иш тажрибалари, дарс режалари бандларини ҳар бирини навбатма-навбат синф доскасига ёзиб боришни, ёки кўчма доскага бир йўла ёзилган дарс режаларини синф доскасининг бир чеккасига илиб қўйилган ҳолда фойдаланиш афзаллигини тасдиқлаган. Юқорида исми шарифлари қайд этилган В. Н. Бернадский, В. Г. Карцев, С. В. Иванов, П. С. Лейбенгруб, А. А. Вагин ва бошқаларни тарих ўқитиш услубияти хусусидаги фаолиятлари шубҳасиз мактаб тарих курсини ўқитиш ва уни такомиллаштиришдаги хизматлари диққатга сазовордир. Бироқ, инсон билими чексиз бўлганидек, тарих ўқитиш услубияти, айниқса тарих дарслари турлари ҳам жамият тараққиёти ва илмий-техника-

<sup>1</sup> Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси. — Т.: «Ўқитувчи» 1988. 198-бет.

<sup>2</sup> Преподавание истории в школе. №4. 1954, с. 66.

ний инқилоб жараёнида янгидан янги тур вариантлар билан бойиб бориши зарурлигини, умуман таълим назарияси ва услубияти бир жойда депсиниб турмасдан, диалектик ҳаракатда бўлишини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам юқоридаги илмий-услубий рисола-ларда тарихнинг замонавий турлари — (семинар дарси, муаммоли дарслар, экскурсия дарслари). Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов асарларини ўрганишга бағишланган махсус дарслар, коллоквиум ва теледарслар дидактикага фаол кириб келаётганлигини ва дарс самарадорлигини ошириш билан бирга ўқувчилар билим доираларини беқийс ривожлантирилиб боришда муносиб ҳисса қўшаётганлигини ҳам табиий бир ҳол деб қараш керак. Шу боис А. Саъдиевнинг «Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш» қўлланмасида Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, *муаммоли таълим дарси, яқунловчи, умумлаштирувчи дарслар*, уларга бўлган *илмий-назарий, услубий* ва *дидактик* талаблар хусусида шахсий фикр баён этмаганидек, бирон мавзу мисолида дарс тузилишини тўла ишлаб чиқилган вариантини ҳам беролмаган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида тарих дарсига бўлган умумий педагогик ва дидактик талаблар асосида замонавий дарс вариантини экспериментал тажрибалар асосида ишлаб чиқиш шу кунга қадар бирон тадқиқотчи олим ёки амалиётчи ўқитувчининг илмий изланиш объекти бўлмаган. Шу сабабдан бўлса керак, маҳаллий матбуотда тарих дарсининг мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугунги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий талаблари даражасида ишлаб чиққан варианты мутлақ мавжуд эмас.

Ўтмиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Туркистон Халқ маорифи Комиссарлигининг 1918 йил 12 сентябрида чиқарган фармонида, бошланғич мактабда тарих фанини ўрганиш *қуйидаги тамойил асосида амалга оширилиши қайд этилган:*

— ижтимоий ва маданий тараққиёт жараёни бўлган умумий тарихни ўрганиш; Россия ва Туркистон халқлари тарихини бирмунча аниқлаштирилган ҳолда ўрганиш; ўрта мактабда ғарбий Европа халқлари тарихи — қадимги, ўрта асрлар ва айниқса янги тарихни, шунингдек рус тарихини ўрганиш тавсия этилган эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мактабларида тарих фанини ўқитиш тарихини синчиклаб ўрганар эканмиз, 20-йилларга келганда Туркистонда тарих ўқитиш услубиятини педагогик фан сифатида шаклланишида дастлабки дадил қадамлар қўйила бошлаганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1927 йилга келганда Туркистон ўлкасида педагогика фа-

---

<sup>1</sup> Бендириков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865—1924 годы). Изд. АПН. РСФСР. — М.: 1960, с. 435.

нини тараққий эттиришда катта ҳисса қўшган педагог олим **Николай Порфирьевич Архангельский** томонидан Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тарих ўқитиш самарадорлигини оширишга бағишланган қатор илмий-методик мақола ва ўша шароит учун нодир методик қўлланмалар яратилди<sup>1</sup>. Она тарихимизга назар ташлар эканмиз, ўзбек халқининг *фашизмни* тор-мор келтиришда ўзининг улкан ҳиссасини қўшганлигини кўрсатадиган далилларнинг гувоҳи бўламиз. **Далилларга мурожаат қилайлик:**

— Ўзбекистон уруш йилларида давлатга 3 млн. 806 минг тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1 млн. 282 минг тонна дон, 48000 тонна мева қоқи, 159 минг тонна гўшт, 22300 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

— Ўзбекистондан 1 млн.га яқин киши фашизмга қарши жангга сафарбар этилди. Республикада 389, 12, 162, 5, 44, 128 — тоғ-ўқчи, 21-отлик аскарлар дивизияси, 90 ва 94-алоҳида ўқчи бригада ва бошқа қўшинлар тузилиб фронтга жўнатилди.

— Уруш йилларида Ўзбекистонга собиқ Иттифоқнинг фронтга яқин ва фронт зоналаридан 1 млн.га яқин киши, жумладан 200.000 нафар бола эвакуация қилинди.

— 1941 йилнинг июль ойидан ноябрь ойига қадар Ўзбекистонга Москва шаҳри ва вилояти, Украина, Белорусь, Волга бўйи туманларидан юздан кўпроқ катта корхоналар кўчириб келтирилди. Бу корхоналар ўзбек ишчиси ва хизматчиларининг қаҳрамонона ғайрати туфайли қисқа муддат ичида жойлаштирилди, монтаж қилиниб, ишга туширилди. Мазкур корхоналарнинг аксарияти урушдан олдинги даврга қараганда кўпроқ маҳсулот чиқарадиган бўлди.

— Улуғ Ватан уруши давомида ўзбекистонлик жангчилардан 120 минг киши орден ва медаллар билан мукофотландилар. Шунингдек, 338 киши «Қаҳрамон», 32 нафари «Шуҳрат» ордени унвонига сазовор бўлдилар. Республикада тинч меҳнат кишиларидан 60 минг давлат орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Агарда «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон мактабларида тарих ўқитиш» масаласини ўзини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, бу даврда Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитиш услубияти хусусида ва умуман Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш борасида таҳсинга молик кўпгина фундаментал илмий-услубий асарлар яратилганлигини биламиз. Ана шундай асарлардан бири СССР фанлар Академиясининг мухбир аъзолари: А. М. Панкратова, Е. А. Косминский, А. Д. Удадьцовалар таҳрири остида Ўзбе-

<sup>1</sup> Архангельский Н. П. Сведения с состоянии изданий учебной литературы на Туркестанской АССР для школ узбекских, казахских, туркменских, таджикских. — Т.: 1922.

кистон ССР ўрта мактаблари ўқитувчилари учун тайёрланган методик қўлланма — «Улуғ Ватан уруши шароитида тарих ўқитиш»<sup>1</sup> дир.

Мазкур методик қўлланма Иккинчи жаҳон уруши даврида Москва ва Ленинграддан она шаҳримиз Тошкентга эвакуация қилинган жаҳонга машҳур тарихчилар А. Ю. Якубовский, М. В. Нечкина, Н. М. Дружинин, К. А. Косминский, А. М. Панкратова, С. В. Бахрушин, Д. А. Баевский ва бошқа тарихчи олимлар томонидан яратилган. Аслида 394 бетдан иборат бўлган бу ажойиб асар собиқ Иттифоқ худудидаги педагогика олийгоҳлари тарих факультетларининг барчасида асосий методик манба сифатида фойдаланилиб келинмоқда.

Тарих ўқитиш услубиятига доир услубий ва дидактик адабиётларда тарих ўқитишга бўлган замонавий талаблар ҳам алоҳида қайд этилади. Жумладан, Академик Мирза Махмутовнинг «Современный урок» (М. «Просвещение», 1989), П. С. Лейбенгрубнинг «Дидактические требования к уроку истории» (М. Изд-во АПН РСФСР, 1960), Н. Г. Дайрининг «Современные требования к уроку истории» (М. 1979) ва бошқалар. Бу асарлар гарчи бевосита тарих ўқитиш масаласига бағишланмаган бўлса-да, аслида 60—70—80 йиллар шароитида — «КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи», «Тарих ўрганишда партиявий, сиёсий ва синфий муносабатда бўлиши керак» деган талаблар асосида ёзилган. Лекин методист олимларнинг совет жамиятининг 70 йилдан зиёд давр ичида яратган илмий-услубий ва дидактик асарлари ўша давр хусусиятидан келиб чиққан баъзи камчиликларга қарамасдан, бугунги ўз истиқлолига эришган Ўзбекистон Республикаси мактабларида ҳам мактаб тарих курсини ўқитишнинг асосий дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда. Эндиликда, Республикамиз тарихчи-методист олимларининг вазифалари ана шу улкан меросдан илмий ёндашган ҳолда Ўзбекистон халқлари тарихининг бугунги даври талаби асосидан илмий-услубий ва дидактик йўллари юқори савияда ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этилган тарих таълими дарс жараёнида самара берадиган турли-туман шакл ва усуллардан тезкор равишда фойдаланишни тақозо этади.

Тарих фанини ўқитиш деганда фақатгина ўқитувчини *воқеалар* тўғрисидаги ҳикоясини тинглаш — у, келгуси дарсда уни ўқувчи-

---

<sup>1</sup> *Архангельский Н. П.* Учебная литература на узбекском языке. Наука и просвещение. 1922. №2. *Архангельский Н. П.* О преподавании истории в Средне-Азиатской школе. — Т.: 1922. и др. «Преподавание истории в условиях Великой Отечественной войны». Методическое пособие для учителей средних школ Узбекской ССР. Под редакцией членов корреспондентов академии Наук СССР *Косминского Е. А., Панкратовой А. М., Удальцова А. Д.* — Т.: 1943.



лардан сўрашигина эмас, балки, тарих ўқитиш жараёнида биз ўқувчиларимизни фикрлаш ва тарихий воқеаларини таҳлил этиш, ўрганилаётган тарихий материал асосида хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш, аниқ тарихий вазиятда туриб тафаккур этиш, ўрганилаётган барча мавзулар ва курснинг етакчи ғояларини онгли равишда мустаҳкам ўзлаштириб олиш, уларни тарихий ҳужжатлар ва айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов асарлари, нутқлари матни устида мустақил ишлаб режалар ва кўчирма, хронологик ва синхроннологик жадваллар тузишга, уларни таҳлил этишга, қисқача маърузалар тайёрлашга, тарихий хариталар билан ишлаш ва тўғри тарихий мўлжал олишга қунт билан ўргатиш жараёнига айтилади.

Тарих дарсини ўқув материалининг навбатдаги бир бўлаги, деб ҳисоблаб, уни ўқувчиларга зудлик билан баён этиб, кейинги бўлагига ўтишдангина иборат деб ўйлаган ўқитувчи, албатта хато қилган бўлур эди.

Дарс — тарих дастурининг бир оддий бўлагигина эмас. Дарс — биринчи гада ўқув машғулоти дир.

Замонавий тарих дарсига бўлган талаб нима билан белгиланади?

**Биринчидан**, фикримизча, Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида сўзлаган нутқида *«Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир»*. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Мен барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтаман: *«бутун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик!»*<sup>1</sup>, деган кўрсатмалари, шунингдек, *«янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур»*<sup>2</sup>, деган концепциялари педагогларимизнинг тарих таълимини давр талаби даражасига кўтариш йўлидаги муҳим вазифалари бўлмоғи керак.

**Иккинчидан**, тарих таълими давомида ўқувчи ёшларни тарихий билим ва кўникмалар билан қуроллантириб, уларни ўтмишда ва бугунги кунимизда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни тўғри баҳо-

<sup>1</sup> «Маърифат» газетаси, 1994, 11 май.

<sup>2</sup> Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». — Т.: «Ўзбекистон». 1992, 22-бет.

лаш ва хулосалар чиқариш, «*ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўлатўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг» асосий шартидир»<sup>1</sup>, деган қатъий хулосага олиб келсин.*

**Учинчидан**, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда бўлиб ўтган учинчи сессиясида алоҳида қайд этиб ўтганларидек, «*Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак*». Яъни, «*Ватан кўнглимизда бўлса, Аллоҳ ишимизга ҳамиша мададкор бўлғай*» (Президент И. Каримовнинг чақириги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги XII сессиясида сўзлаган нутқидан.)

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз бизга мерос этиб қолдирган **Ватан — Ўзбекистон ҳар бир ўзбек фуқароси учун саждагоҳ каби азиздир.**

Бундай муқаддас ғояни ёшлар онгига аниқ тарихий воқеийликлар асосида сингдириб бориш ҳар бир тарих дарси ва уни ўқитадиган ўқитувчининг муқаддас ва бир вақтда шарафли бурчидир.

**Тўртинчидан**, тарих ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида илмий билимларни тез суратларда ўсиб бораётганлигини албатта ҳисобга олмоғи керак. Илмий-техника инқилоби даврида ўқувчи ёшлар ҳам ўз билимларини мустақил ҳолда узлуксиз такомиллаштириб боришлари, илмий ва сиёсий ахборотлар оқимидан тўғри хулоса чиқаришга эришмоқлари лозим.

Психолог олимларимиз илмий-техника инқилоби авж олиб бораётган ҳозирги даврда ўқувчи ёшларнинг акселерацияси, яъни болалар ривожланишининг тез суръатлар билан ўсиб бориши, бу жараён уларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожланишларида яққол намоён бўлаётганлигини алоҳида таъкидламоқдалар. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда талабалар ёшлигиданоқ *радио, телевидение, газета, журнал* ва турли *китоблар, ахборот* каналлари орқали кўплаб замонавий илмий-техникавий янгиликлардан бохабар бўлмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси сўзсиз ўқувчи ёшларни ҳар томонлама ривожланишга, дунёқарашлари кўламнинг кенгайишига олиб келмоқда. Ўқувчи ўз уйида телевидение орқали ёки кинотеатрда тарихий мавзудаги асарни томоша қилиб, унинг мазмуни билан чуқур танишишга муваффақ бўлгани ҳолда, ўқитувчи дарс жараёнида фақатгина дарслик материали билангина чегараланаётган бўлса, у ҳолда

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули». — Т.: «Ўзбекистон». 1992, 23-бет.

Ўқувчида мазкур дарс учун ҳеч қандай қизиқиш пайдо бўлмайди. Ана шундай инқирозли шароитдан чиқиб кетиш учун ўқитувчи тарихий таълимида эмоционал маҳоратини ошириб бориб, ўқувчиларни мавзунинг мазмунига бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, унинг ҳар томонлама мустақамланишига эришмоғи керак.

Маълумки, тоталитар тузум даврида шаклланган ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни аниқ миллий ва маънавий пойдеворга ўрнатилмаган бўлиб, «Совет ватанпарварлиги», «социализм ватанпарварлиги» ва ҳоказо иборалар билан юритиб келинди. Бундай баландпарвоз иборалар йиғиндисидан ташкил топган «ватанпарварлик» партия ҳужжатларида назарий жиҳатдан асосланиб, «*Совет жамиятининг ўтган давр ичида қўлга киритган асосий ютуғи бу ягона совет халқларини шакллантиришдир!*» деб, халқ маорифи ходимлари олди-га, жумладан тарих ўқитувчиларига ёш авлодни алоҳида олинган аниқ халқ, миллатнинг миллий ва маънавий анъаналари руҳида эмас, хаёлан «шаклланган» совет халқи ватанпарварлиги руҳида тарбиялашни синглиришга ундар эди. Шундай экан, тарих ўқитувчиси тарих таълимини тарғиб этишда айрим тарихий шиор ва чақириқларни маълум тарихий давр, тарихий шароит ва унинг манфаатидан келиб чиққан бўлишининг сабаб ва моҳиятларини ҳам тарих ўқитиш методикасидаги энг асосий талаб ва тушунча тамойилидан келиб чиқиб, унга мутлоқ риоя этиш лозим.

Масалан, ўқитувчи «Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон» мавзусини ўтар экан, фанлараро алоқа боғлаш тамойилини амалга ошириб бориб, ўқувчилар эътиборини Ф. Фуломнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида умумхалқ шиорига айланган «*Буюк Ватаннинг буюк фарзанди, билиб қўйки сени Ватан кутади*», деган чақириғига жалб этади. Бу шиор сўзсиз ўз даврининг жанговор чақириғи, шоирнинг ўз фуқаролик бурчини виждонан адо этишидаги олий мезон эди. Бошқача қилиб айтганда, ўша давр ёзувчиси, шоири устқурманинг фаол элементи сифатида ўз базисига содиқ хизмат қилиши керак эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Лекин ўша суронли 40-йилларда «Буюк Ватан» тушунчасига эга ўзининг азалий орзуси ўз мустақиллигига эришган халқ ўзбекларга бугунги кунда қандай муносабатда бўлишимиз керак? Шу чақириқ ўша даврдаги «Ватан тушунчаси бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини сақлаб турибдими? Бунинг учун дарс жараёнида фақатгина дарслик материали билан кифояланиб қолмасдан, мавзуга доир қўшимча адабиётлар, турли методик воситалардан, жумладан экран қўлланмалари, магнитофон ёзувлари, теледарслар, мавзунинг мазмунига қараб музей дарслари ёки семинар дарсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмоғи керак.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан ўқувчиларни ўқишга қизиқишлари борасида тур-

лича ёндашиш, қизиқишларининг бир хил эмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Уларни ўраб турган ижтимоий муҳит ўқувчи ёшларимиз дунёқарашларида ўз тамгаларини қолдирмоқда. Бундай шароитда тарих ўқитувчисининг вазифаси синфда мавжуд бўлган барча ўқувчилар диққат-эътиборларини уларга нисбатан даражалаш усулини қўллаб, бир вақтда уларнинг ҳаммалари учун мақбул бўлган тарихий материални баён қилиш билан, иккинчи томондан ҳар бир ўқувчининг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, унга алоҳида ёндашмоққа ҳаракат қилмоғи керак.

Дарс жараёнида ўқувчилар фаолиятларига дифференциал ёндашиш қандай назорат этилса, уларни уй вазифаларини бажаришларини назорат этиш ҳам ўша тамойил асосида амалга ошириб борилмоғи керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тарих дарсининг мазмуни мустақил Ўзбекистон Республикасининг ёшлар орасида олиб бориладиган мафкуравий ишлар вазифаларига мос келиши, тарих ўрганишнинг турмуш билан алоқасини боғланганлигида, Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлишини назарий ва амалий ишлар билан боғлаб олиб боришга йўналтирилган бўлмоғи керак.

Тарих дарслари ўқувчи ёшларда шундай қатъий тушунчани мустаҳкам шакллантирмоғи керакки, Президентимиз И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида алоҳида қайд этиб ўтганидек *«Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади. Бугун яратган нарсамиз келажакка ҳам ўтади. Агар бугун шошилиб ниманидир унутсак, келажак авлодлар ўша нарсадан маҳрум бўладилар. Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутади»*, деган концепция билан йўғрилган бўлмоғи керак.

Тарих дарслари самарадорлигини ошириб бориш учун ўқитувчи тарих фанининг ривожланиб боришини системали равишда кузатиб бормоғи керак. Айниқса, Олий ва ўрта махсус таълим тизимида сабоқ олаётган ёшларни тарихдан чоп этилаётган янги асарлар мазмуни билан таништириб боришлари ҳамда уларнинг тарихни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширишлари лозим.

?

### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Собиқ Иттифоқ даврида тарих фанини ўқитишга бўлган эътибор қандай эди?
2. Тарихчи-методист олимлар В. Н. Бернадский, В. Г. Карцев, С. В. Иванов, П. С. Лейбенгруб, А. А. Вагин ва бошқаларнинг тарих курсини ўқитиш ва такомиллаштиришдаги хизматлари ҳақида нималарни биласиз?

3. Тарих ўқитиш методикасига доир услубий ва дидактик адабиётларда тарих ўқитишга бўлган замонавий талабларнинг қайд этилишини изоҳлаб бering.
4. Замонавий тарих дарсларига бўлган талаблар нималар билан изоҳланади?
5. Замонавий тарих дарсларининг мазмуни мустақил Ўзбекистон Республикасининг ишлари орасида олиб бориладиган мафкуравий ишлар вазибаларига мос келишини тушунтириб бering.

## **2. ЗАМОНАВИЙ ДАРСГА БЎЛГАН ИЛМИЙ-МЕТОДИК ВА ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР**

Методика фанида дарс хусусида гап борар экан, биринчи галда у ёки бу мавзунинг ўрганилишининг мотивацияси (асоси) нимадан иборат, деган табиий талабга аниқ, илмий-методик жавоб бериш талаб этилади. Чунки, дарс педагогик жараённинг энг маъсулиятли асоси бўлганлиги боис мазкур дарсда ўрганиладиган мавзунинг таълимий-тарбиявий жиҳатдан маълум тушунча ва қонун-қоидаларни мустақам ўлаштириб олиш учун зарурати ва уларнинг кундалик амалиётдаги ҳаётийлиги биринчи галда ўқитувчининг ўзи учун ҳар томонлама аниқ ва равшан бўлиши, қолаверса дарснинг мотивацияси ҳар бир талаба онгига энг самарали методлар воситасида сингдирилиши ва имкон қадар уларнинг кундалик амалий фаолиятларида қўлланилишига ўсиб ўтишига йўлланма бўлмоғи керак.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг миллий мустақилликка эришганлиги муносабати билан «**Таълим тўғрисида**» ва «**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури**» талабларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида таълим тизимларини такомиллаштириш, талаба-ёшларимиз онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларни миллий жиҳатдан ўзлигини англашлари хусусида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Ҳукуматимиз томонидан таълимнинг том маънодаги янги турлари, собиқ Иттифоқ давридаги умумтаълим мактабларининг 8-синфларини зўрға «тамомлаган», аслида паст баҳоларга ўқийдиган болаларни зўрлаб ўқитадиган ГПТУ ва СПТУлардан фарқли ўлароқ, махсус соҳаларга ихтисослашган академик лицейлар, ЎМКХ таълими тизими вужудга келди.

«**Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислоҳотига кўмак**» таъсис лойиҳаси фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилга келганда мана шу охириги ташкилот педагогика фанлари номзоди Л. В. Голишнинг таълимни фаол усулларига бағишланган қатор экспресс қўлланмаларини эълон қилди. Қўлланмага «Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислоҳотига кўмак» ТАЪСИС лойиҳаси раҳбари Герман Сонневелднинг кириш сўзи ёзган.

Йрагилган бу қўлланмаларни ўқиб чиққан ҳар бир педагог Ўзбекистонимизда мустақиллик шарофати билан ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигига қарамасдан, ўқитувчининг бошини Л. Голиш ва Герман Сонневелдлар томонидан мутлақ ўринсиз қўлланилган хорижий атамалар мажмулари: «перцептив», «репродуктив», «алгоритм», «инсерт», «пинборт», «эмпатия» каби хорижий тиллардан олинган алмисоқий сўз ўйинларидан иборат бўлган иборалар моҳиятини, аниқроғи луғавий маъносини 2 varaқ ҳажмида тушунтиришдан иборат бўлган «Экспресс-қўлланма»да юқорида қайд этганимиздек мавзунинг «мотивация»си умуман очиб берилмаганлиги албатта муаллифларнинг «дарс», «дарснинг турлари», «методика» ва ниҳоят «дидактика» тушунчаларидан нақадар йироқликларини яққол ифодалаган. Боз устига-устак Республикамиздаги кўплаб иқтидорли халқ ўқитувчилари, халқ таълими аълочиларига дарс бериш усулини, уларнинг фикрларича энг самарали усулини «меъёр» сифатида Ўзбекистон халқлари тарихи, Жаҳон тарихи ва Миллий истиқлол гоёси фанларини қандай ўрганишига, дарснинг қандай турида, қандай фойдаланиш жараёнида эмас, дарснинг тури умуман номаълум бўлган, «СОРОС-Ўзбекистон» фондининг очиқ жамият институти материалларига мослаштирилган ўқитувчи Г. А. Зеленская томонидан тайёрланган «Денгиз тошбақалари» ўқув машғулоти, бу машғулотни «самарали» ўтказиш учун Кит Г. Хей исмли муаллифнинг «Денгиз тошбақалари» номли нашри, йили, қаерда чоп этилгани, умуман, антиқа китобдан фойдаланиш лозимлиги уқтирилади. Аслида Ўзбекистонда ўз фаолиятини мутлақ бесамар яқунлаган 1946 йилда АҚШнинг собиқ президенти Рузвельт «Франклин» Депананинг (30.1.1882; Хайд Парк штат Нью-Йорк-12.4.1945 Уорм Спринге штат Джорджия) хотини Элеонора томонидан асос солинган «СОРОС фонди»ни тарғиб этишга бағишланган бу «экспресс-қўлланма» Республикамизда таълимнинг миллий характери ва иммунитетимизни поймол этиб тарғиб этилган, мантиқий узвийликни амалга ошира олмаган бир нарса бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам 2005 йил бошига келганда шахсан Президент И. Каримов кўрсатмаси билан бу ташкилот бизнинг мамлакатимиздаги ўз фаолиятини батамом тўхтатди.

Замонавий дарсга бўлган илмий-методик ва дидактик талаби хусусида баҳоли қудрат, муфассалроқ тўхтаб ўтиш лозим кўринади. Бу борада Ўзбекистонимизда ҳам қатор машҳур педагог олимларимизнинг бугунги кунимиз учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмаган ажойиб концепцион фикр-мулоҳазалари мавжуд. Бу борада атоқли олим, академик Т. Н. Қори-Ниёзийнинг қуйидаги фикрларини келтирадиган бўлсак, аллома *«Таълим-тарбия жараёнида кузатилган мақсад талабаларга у ёки бу фандан «қанча» билим беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки шу билимларни қандай мақсадда, қайси метод ва*

«оситалар ёрдамида уларнинг кундалик амалий фаолиятларида бевосита қўллай бишишларини фаол шакллантириб боришдан иборат бўлмоғи даркор», деган фикрлари ўз даврида Республикамизда халқ таълими тизимининг барча бўғинларида кенг қўлланилиб, халқ таълими соҳаларида маданий инқилобнинг содир бўлишида алоҳида аҳамият касб этган эди.

Таълим-тарбиянинг энг муқаддас бўғини — дарс хусусида фикр юритадиган бўлсак, ДАРС — педагогик жараённинг маълум даражадаги кўпми-озми «хужайраси» ҳисобланиб, унда бир томчи сувда кўёш акс этганидек, педагогик жараённинг ҳаммаси бўлмаса-да, маълум қисми концентрацияланиши, яъни ўз ифодасини топади. Табиийки, бир маърузада дарснинг ҳамма соҳаларини, яъни педагогиканинг барча талабларини қамраб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз дарс жараёнида унинг энг муҳим, биринчи даражали томонларини аниқлаб олмоғимиз керак. Гап шундаки, Республикамиз халқ таълими тизимининг бугунги кунимиздаги энг долзарб масаласи — бугун педагоглар ҳамкорлигидаги ҳар бир дарснинг педагогик самирдорлигини илмий-назарий, методик ва дидактик жиҳатдан комплекс ишлаб чиқишга қаратилган бўлмоғи керак. Чунки, худди шу дарс жараёнида таълим-тарбиянинг энг мураккаб муаммоси-инсон шахсини камол топтириш ва жамият тараққиётида инсон омилини шакллантириш каби долзарб масалани илмий-методик жиҳатдан самарали ечиш масаласи туради.

Кўп ҳолларда дарсларнинг сифати бизнинг педагогик маҳоратларимиз маҳсулотлари сифатига ҳам боғлиқ бўлиб, бизнинг тарбияланувчиларимизнинг маълумотли бўлишлари, ривожланишлари ва тарбиячиларининг юқори даражада бўлишларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз дарс тузилишини такомиллаштириб бориш билан бирга, бизнинг таълим-тарбия деб аталган маҳсулотларимизнинг педагогик технологиясини такомиллаштиришга, шу билан бирга бизнинг «маҳсулотимиз» сифат даражасининг яхшиланишини таъминлаши керак.

Ўтган асримизнинг 50—60—70-йилларида Бутуниттифоқ ёки республика миқёсида турли фанларни ўқитишдан туман, вилоят, республика ва ҳатто Умумиттифоқ миқёсида ўтказиладиган илмий-назарий ва методик мавзуларга бағишланган конференцияларда у ёки бу фанни ўқитишда «предметлараро алоқа боғлаш» мавзуси албатта киритилар ва мазкур муаммони амалиётда қўллаш албатта дарс ва дарсдан, синфдан, ҳатто мактабдан ташқари машғулотлар давомида табиийки, маълум ижобий натижаларни берар эди.

Янги педагогик технология деб айтилаётган бугунги кунимизда, аниқроғи 2005—2006 ўқув йили жараёнида Республикамизда ўқитувчи педагогларни қайта тайёрлаш курсларида «Тарих ўқитишда иннова-

ция» «Адабиёт ўқитишда инновация» ва бошқа фанни ўқитишга интеграцион ёндашув иборалари жуда кўп ишлатилди, ҳозир ҳам ишлатилмоқда.

2004 йилда Москвада «Гуманитарный издательский центр ВЛА-ДОС» олий ўқув юртлари учун дарсликлар сериясини нашр этди. Мазкур дарслик муаллифи М. Т. Студеникин ўз дарслигининг хусусияти тўғрисидаги «Тарих ўрганишда инновация. Билимнинг кодлаштириш ғояси» (195-бет) деган мавзусида шундай ёзади: «*Сўнги йилларда таълимда янги методларни кашф этилиши ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилиши «Инновация» деб аталиб, ўшандай янги методларни кашф этган муаллифларни новатар ўқитувчи — яъни, янгилик кашф этган ўқитувчи деб айтилади*». Бироқ, таълим-тарбияда у ёки бу методни қайси ном билан атаманг, у ўзининг реал педагогик ҳаётда тутган ўрни ва самарадорлигини фақат амалиётда таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти тараққиётидагина ўз изини қолдиради.

Жумладан, 1980 йилларда донецклик ўқитувчи В. Ф. Шаталовнинг «Таянч сигналлар» деб аталмиш методини кенг тарғиб этди. (В. Ф. Шаталов. «Эксперимент продолжается». Москва, «Педагогика», 1989). Дарҳақиқат, китобда «Таянч сигналлар» номини олган, ўзининг оригинал ҳарфларнинг жойлашганлиги билан талаба тасавурида ғайритабiiй тасаввур қолдирадиган шаклдаги сўзини йирик ҳарфлар билан алоҳида белги билан ёзилиши ва бундайин таянчлар, белгиларни талабанинг тарихий воқеани аниқ тасаввур этиши ва абадиётда хотирасида сақланиб қолганлигини мисол келтириб, Шаталов шундай ёзади: «*Чет тилларни ўрганиш жараёнида, талабалар кўпинча қоғоз варақларига янги сўзларни ёзиб оладилар-да, уларга институтга кетаётганларида йўлда, танаффус вақтларида ва ҳатто маърузалар давомида, ниҳоят, ҳар бир имконият бўлган бўш вақтларида қараб, синчиклаб ўрганиб борадилар*». Кузатишимиз шуни кўрсатдики, айрим истиснодли талабалар томонидан қўлланилаётган бундай усуллар янги исм-фамилиялар, сўзлар, саналар ва атамаларни эслаб қолишларида катта ижобий натижалар берганлар. Масалан, талаба дўстлари ва ўқитувчиларининг сўзларига қараганда В. Усискин деган талаба методдан рационал фойдаланиб, тил ўрганишда катта ютуқларга эришган. Шунинг учун биз, деб ёзади, Шаталов бу методни бетўхтов-тўхтамасдан юқори ижобий натижаларга эришганлиги учун Усискин методи деб айтамыз. Қаҳрамонимизга тақлид қилмоқ, унинг ажойиб методини кўллаш ҳар бир талаба учун ўрнак бўлиб бормоқда. Биз айрим сўзлар ва барқарор сўз бирикмаларини Усискин методи билан ўрганар эканмиз, талабалар онгида ўрганилаётган сўз, воқеа ва ҳодисаларни келтириб чиқараётган сабаб ва оқибатларини ҳам аниқ кодлаштиришда улкан муваффақиятларга эришдик.



Масълян, одини босма ҳарф билан ёзилган Шуйский фамилияси ҳарфларининг мана бундай ностиларг шикда ёзилгани Шуйский-нинг давлат ирбоби сифатидаги сиёсий иккикўлимчилигини ва охи-роқбатда унинг Ути жабрдийда бўлиб қолганлигини кўрамаз. Худди ана шундай икки ҳарф Ш ва Т нинг ҳолатида биёи ёзилганлиги ҳам Россиянинг донгизга чиққилиган йўлини, умуман, коммуникациянинг ёмон аҳволда бўлганлиги сабабли, Россия нимол томондан ва жа-нуб томондан Уч даврининг икки қудратли давлатлари -- Швеция ва Туркия томонидан оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволини ва халқаро майдонда қатор ноқулай сиёсий ҳолатларни бошидан кечиришга мажбур бўлиб келаятганликларини чуқур англашда Усискин томо-нидан яратилган код бениҳоят катта аҳамият касб этди ва бугунги кунда «Усискин методи» деб аталмоқда. Дарҳақиқат, давр Россия-нини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволидан келиб чиқиб кодни Пётр I томонидан амалга оширган ички ва ташқи сиёсат мотивацияси ва унинг ижросини талабалар томонидан тўғри қабул қилишларига олиб келинмоқда. Мана бундай ҳоллар ҳар бир педагогни имкон қадар ҳар бир талабага индивидуал ёндашиб, унинг ўқиётган лицейи ёки коллежида фанлардан дастур талаби даражасида ўзлаштиришларини аниқ назорат қилиб ўқув юрти йўналишига қанчалик тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаб олмоғи керак. Табиийки, бу жараён кўпроқ фанлардан ўтказиладиган дастлабки оралиқ назоратлариди намоён бўлади. Ҳаётини тажрибадан келиб чиқиб, шу аччиқ ҳақиқат-ни тан олишимиз керакки, кўп ҳолларда бизнинг республикамиз шароитида академик лицейи ёки коллежларга ўзининг асл туғма қизи-қиши билан қабул қилиниб, кейин ушбу ўқиётган билим юртининг асосий йўналишидаги фан асосларидан улгурмаган, ёки академик лицейлар устави талабига биноан сабабсиз 30 соат ва ундан ортиқ дарс қолдирган ҳамда фан асосларидан улгурмаган ўқувчилар, ўқув-чилар сафидан деярли четлаштирилмайди. Уларга бир амаллаб «уч» баҳони қўйиб, ўқув юртини тамомлади, деган дипломни бериб, гўё шу талабага инсонпарварлик юзасидан туриб «мутахассислик» дип-ломни олишга ёрдам берган бўламиз. Аслидачи? Унинг уч йиллик умрини бесамар ўтишига «ғамхўр» педагоглар томонидан у талабани ҳар томонлама ўрганмаганлигимиз, гуруҳ раҳбарининг аксарият ҳолда ўзининг «куратор» деб аталмиш муқаддас бурчини ҳар бир талабага нисбатан индивидуал ҳолда комплекс ўрганиб, унинг умуман билим захирасидаги «очилмаган қўриқ» соҳаларини умуман илмий-педаго-гик ва психологик жиҳатдан очиб беришда ўз функциямизни бош-қараолмаётимиз.

Усискин методикасида таълимни мустаҳкам эгаллашда кадрлар-нинг роли қанчалик ижобий натижалар бераётган бўлсалар айниқса ижтимоий фанларни ўқитишда таянч сигналларнинг «сабаб», «мо-

ҳият», «қонуният» ва тарихий саналарнинг роли ҳам ана шундай катта амалий аҳамият касб этади.

Бироқ, афсус-надоматлар билан айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда умумтаълим мактаблари учун яратилган, ҳеч қандай илмий-методик экспериментдан ўтмасдан туриб, бирданига «дарслик» мақомига даъвогарлик қилаётган давлатимизнинг қанчадан-қанча маблағи ҳисобига яратилган «дарслик»лар тарихимиз таълимида кўпгина энг долзароб масалалар очиб кўрсатишда ночорлик қилмоқдалар. Аниқроғи, тарих фанидан яратилган «Давлат таълим стандарти» талабларини қондираолмаётирлар. Жумладан, мустақиллик даврида эришилган дастлабки ютуқлар ҳақидаги маълумотлар шўролар давридаги ўсишлар билан солиштириб берилмаётганидек жаҳон тарихида Ўзбекистон тарихининг тутган ўзига хос ўрнини курслараро бўлган аниқ ва равшан ифодаларини кўрсата олмагандирлар. Бошқача қилиб айтганда, тарих курсларини ўргатишга интеграцион ёндашув муаммоси ҳамон ўз ечимини топмасдан келмоқда. Шунингдек, айрим муаллифлар ёзаётган дарсликларни қайси синф ўқувчилари учун ёзаётганлари, уларнинг ёшлари, қабул қилиш имкониятлари ва психологик ҳолатларини умуман ҳисобга олмаётирлар.

Дарс жараёнида янги педагогик технология хусусида гап борар экан, бунда бутун аудиториядаги талабаларни стол атрофига гўё алоҳида-алоҳида тўплаб дарс жараёнида қўйилган қандайдир «муаммони» кенг муҳокама қилган бўлиб, мустақил фикр-мулоҳаза юритишга кенг шароит яратиб қўйилгандек, сунъий манзарани ташкил этишдан кўра тарих фанидан яратилган бугунги аксарият дарсликларда тарихий воқеа содир бўлган манзил ёки тарихий манзара, унинг макони ва замони ниҳоятда қашшоқларча акс эттирилганлигини ҳисобга олиб, оддий кадоскоп аппаратидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Аслида мустақиллик даврини баён этадиган дарслик, яъни — йилномаси асосида яратилган 11-синф учун «Ўзбекистон тарихи»да ҳам талабаларни ўзлигини тарихий фактлар асосида, мустақил Ўзбекистон билан ҳаққоний мағрурланишда ўрганилаётган тарихий масалага интеграцион ёндашиш масаласи ҳам охиригача ўрганилмаган.

Миллий мустақилликка эришганимиздан кейин ҳукуратимиз томонидан таълим ривожини учун қилинаётган ғамхўрлик, унинг сабабмоҳияти ҳар бир дарс, ҳар бир дарсликда ўз ифодасини топиб, талабаларимизда мустақиллигимизнинг ҳар бир жабҳада, жумладан халқ таълими ривожидан бераётган натижаларини ўз кўзлари билан кўриб, ўтмиш билан таққослаштирганларида «зар қадрини заргар билиши» мумкин-ку. Акс ҳолда талаба мамлакатимизда содир бўлаётган *ижтимоий, иқтисодий, сиёсий* ва ниҳоят *мағрифий* янгиликлар қадрини билмаслиги мумкин. **Мана бир мисол:** 1984 йилда Москвада (ВДНХ)

СССР Халқ хўжалигининг Бутуниттифоқ ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон Республикасида Олий ва ўрта махсус халқ таълими соҳасида қўлга киритилган ютуқлари хусусида ЎзССР Олий ва ўрта махсус халқ таълими вазирининг ўринбосари М. С. Султоновнинг Ўзбекистонда 60 йил давомида ўрта махсус таълимнинг беқиёс тараққий этганлигини катта гурур билан гапириб, «Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта таълим вазирлиги ихтиёридаги техникумлар учун 1971—1984 йиллар мобайнида 8 ўқув корпуси, 56 ётоқхона, 7 спорт заллари қуриб берилди» деб Ўзбекистонда халқ таълими ривожига шўролар ҳокимияти катта маблағларни мутлоқ аймақтанлиги ифода этган эди.

**Хўш, мустақиллик даврида халқимизнинг бу соҳадаги ютуғи қандай бўлди?**

Бугунги замонавий дарс ҳар бир ўқитувчининг дарслик материални муфассал таҳлил этиб бориши билан барча оммавий ахборот воситалари ва Интернет ахборотларини синчиклаб ўрганиб бориб, уларга интеграцион ёндашиб, дарс жараёнида зарур ахборотларни тўғри таҳлил этиб, талабалар онгига етказмоғи лозим.

Яна шунини алоҳида қайд этишимиз лозимки, умумтаълим мактаблари ўқув режимида қатор махсус курсларни ўргатиш учун анчагина дарс соатлари ажратилган. Биз ўқитувчилар имконият борида ана шу махсус курсларни ўрганишда Президент И. Каримов асарлари, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари, нутқларидан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланишимиз лозим. Бир мисол, биз 2006 йилда мамлакатимиз галликор деҳқонлари — катта буғдой хирмони-ни кўтариб буғдой ҳосилининг умумий ҳажми 6 миллион 638 минг тоннага етганлигининг гувоҳи бўлдик. Халқ хўжалигини илмий-режали ривожига ривожлантириб боришда ташаббускор бўлмиш Президент И. Каримов буни башорат этиб, «*Бир вақтлар бир бурда нонга муқтаж бўлиб кирганимизда, очликдан ўлиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардик. Мана, бугун ҳамма нарса бор, одамларнинг юришини, кийинишини кўринлар, одамларнинг яшашини, ейиш-ичишини кўринлар*» (Асирлар, 8-жилд, 8-бет 2000 йил), деб айтганларини 2006 йил давомида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида қўлга киритган ютуқларимиз асосида аниқ тасдиқлаётганлигини, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» эканлигининг тасдиғи эканлигини ҳар вақт, ҳар бир талаба онгига синдириб борилиб, унинг мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда фшол иштирак этишига даъват этмоғи лозим.

Замонавий дарсга булган талаблар хусусида гап борар экан, албатта ноанъанавий ва муиммоли дарслар каби «Очиқ дарс»ларнинг нима мақсадда ва қандай ўтказишимиз-у, атрофлича таҳлил этишимизни ҳисобга олганимиздек, тарих музейларида, табиат қўйнида ва таниқли олиму-фузалолар билан ташкил этиладиган ва самарали

натижалар беришлари мумкин бўлган дарсларни ҳам унутмаслигимиз керак.

Биз гарчи ҳар бир фанни ўқитишга интеграцион ёндашув ҳусусида кўп маслаҳатлар, таклифлар киритсак-да, уларни дарс жараёнида ўрганилаётган мавзунинг мантиқий алоқадорлиги борми-йўқми деган муаммони ҳар доим ҳам тўғри ҳал этиб, тажрибада самарали натижалар берадиган даражада, янада аниқроғи ўрганилаётган мавзуга комплекс ёндашиб, ҳар доим ҳам унинг барча қирраларини илмий-методик жиҳатдан тўла очиб беришга муваффақ бўлавермаймиз. Ҳолбуки, ҳар бир фандан қайси дарснинг қандай туридан фойдаланилаётганлигимиздан қатъий назар, шу дарс-машғулот давомида имкон борича мавзудаги мантиқий алоқадорликни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги нотинч давримизнинг глобал муаммоларидан уларни вужудга келтираётган шарт-шароитлар, сабаб ва оқибатларидан албатта талабаларга аниқ ва равшан илмий тушунчаларни шакллантириб бериб, уларни огоҳликка даъват этиб боришимиз лозим.

Масалан, дарс жараёнида ижтимоий экология ҳусусида гап борганда 8 синфда ўрганиладиган «Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари» дарслиги материалларидан ўринли фойдаланиш талабаларга умумбашарий муаммолардан бири-ижтимоий экологияни ўрганиш, уни ҳимоя қилиш давлат томонидан эълон қилинган махсус қонунлар асосида ҳимоя қилинганлигини ҳар бир талаба онгига сингдириб бориш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Жумладан «Ўзбекистон давлатининг функциялари» мавзусини ўрганиш жараёнида талабалар диққат-эътиборларига — *«Табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикамыздаги экологик вазиятнинг ёмонлашувиغا йўл қўймаслик»* (34-бет). Ёки «Ўзбекистон Республикасининг ташқи функцияси» деган мавзуда «Атроф-муҳитни, инсониятнинг тинчлигини муҳофаза қилиш» каби умумбашарий муаммолар тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини бойитишга сўзсиз ёрдам беради. Ёки «Шах ва жамият» курсида *«Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари»* мавзусида берилган анчагина маълумотлардан, жумладан, ҳозирги умумбашарий муаммолар ҳусусида гап борар экан *қуйидагилар баён этилади:*

— ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тарғибот ўрнатиш;

— атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммолар);

— аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратишни мутаносиблигига эришиш (демографик муаммолар);

— ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш;

— очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланишдаги ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш.

**?**

### **САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Тарих дарсларининг илмий-методик ва педагогик жиҳатларига жавоб бериш талабларини қандай изоҳлаш мумкин?
2. Замонавий дарсга бўлган илмий-методик ва дидактик талаблар хусусида Республикамининг машҳур педагог ва услубчи олимларининг қандай фикр-мулоҳазалари мавжуд?
3. Тарих таълим-тарбиянинг энг муқаддас бўғини ҳисобланган ДАРС хусусида Сизнинг фикрларингиз?
4. Дарсларнинг сифатли бўлиши нималарга боғлиқ?
5. Ноънавий ва муаммоли дарсларни тушунтириб беринг.

## ТАРИХ ДАРСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### 1. ТАРИХ ДАРСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ВА ДИДАКТИК НЕГИЗЛАРИ

*Дарс — бу ўқувчиларнинг ҳаёти. Ҳақиқий педагогнинг асосий вазифаси ана шу ҳаётни билиши, қувончли меҳнати билан ўқувчиларни инсоният тафаккури ва ижодкорлигининг буюк ғалабалари билан таништирмоққа қаратилган бўлмоғи керак.*

**В. М. Коротов**

Ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини ошириб бориш ҳар доим халқ маорифи ходимларининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб келган. Чунки, ҳар қандай жамиятда ҳам ёш авлодни давр талаби даражасида тарбиялаб вояга етказишда уларга бериладиган таълим-тарбиянинг роли деярли ҳаётий аҳамият касб этган.

Собиқ Иттифоқ жамиятидаги умумий ўрта мажбурий таълимдан фарқ этгани ҳолда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек, «*таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этди. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишига чанқоқлигидан таълим ва манавиятни тушуниб етиш бошланади. Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади*»<sup>1</sup>.

Ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириб бориш учун унинг бош омилларини аниқлаб олмақ керак. Ана шундай омиллардан бири ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли — дарс самарадорлигини ошириш учун курашишдир.

Ўқувчининг уй вазифасини бажариш учун сарф этадиган вақти, унинг натижалари ҳам дарс самарадорлигини педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этишга бевосита боғлиқдир.

Матбуотда халқ таълимига бағишланган анжуманларда, ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашларида, ўқитувчиларнинг мала-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон». 1992, 73-бет.

қисини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитувчилар билан бўлган мулоқотларими-да умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув машғулотлари учун вақт ниҳоят ортиб бориётганилигига одилona шикоятлар эшитилмоқда.

Дарҳақиқат, амалиётда ўқувчини мактабга дарсга келишидан тортиб, унга қайтиб кетишига қадар 6—7 соат вақт кетса, турли синфларда ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажариш учун сарфлайдиган вақтлари 1 соатдан 3—4 соатгача қузилмоқда. Шундай қилиб, кўп ҳолларда, айниқса битирувчи синф ўқувчиларнинг ўқиш ҳафтаси 70 соатдан ўтиб кетмоқда.

Кўпгина қишлоқларимиздаги ўқув масканларида ҳам бундай муаммолар ўз оқимини кутмоқда. Ниҳоят, бу ҳолларнинг мажмуи ўқувчиларнинг руҳияти ва саломатлигига маълум даражада салбий таъсир кўрсатишдан мувоҳица эмас.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари шартларида ўзаро таъриб аламптириш мақсадида айрим касбдошларимиз дарсларини кўнгиш шунини кўрсатдики, ўқитувчи томонидан дарс жараёнида ўрганиладиган мавзунинг мотивацияси, дарснинг таълимий тарбиявий мақсадлари, унда ривожлантирилиб бориладиган таълимнинг ўрни, уларни талабалар онига етказиш методикаси, носитилари, дидактик материалларнинг атрофлича пухта ишлаб чиқилган моделнинг янги педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилмаганлиги кўпгина дарслар илмий-техник инқилоб авж олган бутунги замон талабларидан бирмунча йироқда қолиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

Дарс самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган асосий камчиликлардан бири дарс жараёнида ўқувчилар фаолликларини ошириш учун айнан мавзуга доир муаммоли таълимни ташкил эта билмаслик, дарс жараёнида даврий матбуот ва бадиий адабиётлардан, айниқса Президент Ислом Қиримоннинг асарлари, нутқлари ва омавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишдаги тезкорликнинг пастлигида намоён бўлмоқда. Бундан аянчлисиз, ўрганилётган мавзуга нисбатан интеграцион ёндашувнинг сустлигида яққол ўз ифодисини топмоқда. Муаммоли таълим-ўқитиш ва таълимдаги ўзаро ҳамкорликни ўқувчиларда тарихий билимларни изчиллик билан шиклангитириб боришга қаратилган мустақил билиш, таълимни барқарор мотиви ҳамда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини фаол шиклангитириш, илмий тасаввур, тушунча ва билиш усуллари борасидаги фаолиятлари — муаммоли ҳолатлар тизимининг *детерминистик*, яъни таълимнинг нарса ва ҳодисаларини сабабий боғланишларини амалга ошириб борадиган жараёндир.

*Муаммоли таълим* — таълим-тарбиянинг илғор педагогик амалиёти ва назариясининг анъанавий таълимнинг яхлитлиги т

жасида қўлга киритилган ютуғи бўлиши билан бир вақтда, ўқувчиларни умумий ва маънавий ривожланишларининг энг самарали воқеаси ҳам ҳисобланади.

Муаммоли таълим — ўқувчиларнинг мустақил таҳлилий тафаккур қобилиятлари ва тадқиқот фаолиятларини ривожлантириб боришга йўлловчи фаннинг тайёр хулосаларини ўзлаштира боришлари жараёнига ва бир вақтда ўзларининг тарих ўқитиш жараёнидаги энг самарали туридир.

Маълумки, амалиётда ҳар қандай ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш омиллари бўлади, яъни:

а) талабаларнинг билимларига нисбатан фронтал, индивидуал, гуруҳларга бўлиб дифференциациялаш;

б) ўқиш учун ажратилган вақтнинг ҳар бир сониясидан ниҳоятда самарали ва дарс олдида қўйилган мақсадга мувофиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш ва унга эришиш йўлларини тадқиқ этиш таълим-тарбия жараёнидаги янги муаммо сирасига кирмайди.

Лекин, шунга қарамасдан, сўнгги йилларда республикаимиз матбуотида ва ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқув материалларини йирик-йирик шаклларда баён этиш, аниқроғи собиқ Иттифоқ даврида донецклик ўқитувчи «В. Ф. Шаталов методи» деб ном олган тажрибани қўллаш кенг тарғиб этилмоқда. Жумладан, ўртамаҳсус ўқув юрти ёки академик лицей шароитида бир дарс давомида 2—3 ва ҳатто ундан ҳам кўп дарсларда ўрганилиши керак бўлган дарслик материалларини баён этиш мумкинлиги тарғиб этилмоқда. Илмий-техника инқилоби авж олиб бораётганлиги учун ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқеалар ҳам беқийс кенг қўламда авж олиб бораётган ХХI аср бошида тарихни ўрганишда тарихий материалларни дарсларда бундайин «блоклаштириш методикаси»ни қўллаш гарчи ўқувчиларнинг мустақил таҳлилий тафаккур этишга чорлайдиган мақсадда қўлланилаётган бўлса-да, дарсликлардаги ҳар бир параграф, мавзу фақатгина бир муаммога эмас, аксинча ўз даврига хос қатор муаммолар, тамойиллар, тарихий тушунчалар, саналар, макон ва замонлар ва ҳоказолардан иборат бўлгани ҳолда, ўқувчиларнинг ўрта таълим тизимидаги ўқув материалларни тўла идрок этиш ва таҳлилий тафаккурларини текис йўлда ривож топиб бориши мумкин ёки мумкин эмаслигини физиологик ва психологик жиҳатдан бир ўйлаб кўрсак бўлмасмикан? Тўғри, инсоннинг билиш қобилияти чексиз. Лекин, ҳар бир нарсада ҳам меъёр бор. Шунинг учун Қуръони Каримда «*меъерини билмаганни Аллоҳ хуш кўрмайди*» деб алоҳида кўрсатилган эмасми?

Умум ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимидан мутлақ фарқ этгани ҳолда, таълимни «*блоклаштириш методикаси*»нинг тескарисини кўрамиз.



Масалан, «Тарих ўқитиш методикаси» фанидан ўқитиладиган «Мақтабда Ўзбекистон тарихини ўқитишда даврий матбуот материалларидан фойдаланиш» номли махсус курс 24 соат давомида ўрганилиб келинган. Бундай аҳволларга профессионал педагог нуқтаи назаридан олиб қараган ҳар бир одам *«наҳотки олий ўқув юртида таълим учун ажратилган вақт соатларини қаерга сарфлашни билмасдан унга шунчалик лоқайд бўлсак»*, ёйинки, *«наҳотки эртанги тарихчи ўқитувчини тарих ўқитиш методикаси бўйича давр талаби даражасида илмий-методик маҳоратини тинмай ошириб, такомиллаштириб бориш йўлида қуроллантирадиган арзигулик билимлар блоки бўлмаса»* деб ўйлаш табиий эмасми?

Юқорида кўрсатилганидек, ҳар қандай тажрибали тарих ўқитувчиси ўзининг педагогик фаолиятида дарс материалларини танлаш ва уни дарс жараёнининг қайси ўрнида дидактик усуллар ва методик воситалар ёрдамида мазкур дарснинг бош ғоясига тўла бўйсиндирилган бўлиб, ўзида дарснинг таълимий ва тарбиявий вазифаларини, шунингдек, тизимли равишда ривожлантирилиб бориладиган таълимнинг мақсадига аниқ йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби тарих ўқитиш самарадорлигини оширишда ҳам, *«инсон омили»*, яъни тарих фани ўқитувчисининг билимдонлиги, ўз соҳасини етук мутахассиси бўлиш ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчи фаолиятида кўпинча аниқ тарихий фактлар, тушунчалар, «макон», «замон», *тарихий архив ҳужжатлари, расм, чизмалар, статистик маълумотлар, маҳаллий ўлкашунослик материалларидан*, айниқса мустақиллик даври ўлкашунослигини ташкил этишдаги педагогик фаолиятининг сустилиги, айрим ҳолларда дарс назарияси ва методикасидан йироқлик нафақат дарс самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, ҳатто синфда ўтирган ўқувчини ўқитиладиган фанга нисбатан бўлган қизиқишини бир умрга йўқотишга олиб келиши ҳам ҳеч гап бўлмай қолиши хавфини келтириб чиқармоқда. Бу борада жаҳонга машҳур олим, Нобель мукофоти лауреати, академик К. Скрябин: *«Одамларни чуқур ҳурмат қилмасдан туриб, уларга фанга нисбатан ихлос-эҳтиромларини сингдирмасдан туриб ўқитиш мумкин эмас. Менимча, ўқувчининг дарс жараёнида дарсга нисбатан ҳаракатлари, дарсдаги тинчлик осойишталик худди мана шундан бошланмоғи керак»*, — дейди.

Ҳар қандай мактаб у бошланғичми, ўртами, олийми барибир, унга бўлган ҳурматдан бошланади. Одатда ўқитувчи зиммасига ўқитаётган фанининг барча масъулиятлари юкланмайди. Тарих — унинг ўқитишдаги зерикарли дарслар туфайли фан сифатида ўз фаолиятини тўхтатиб қолмаганидек, алгебра ҳам унинг ноаниқ методлар воситасида ўқитиладиган фан сифатида йўқ бўлиб қолмайди. Аммо бу зерикарли, ноаниқ бесамар ўқитилган дарсларда ўтирган ўқувчи ўзи

учун ҳам тарихни, ҳам алгебрани бир умрга йўқотиши мумкин. Ким билади, дейсиз. Бир вақтлар сиз ундан шу фанга бўлган қизиқишларини сўндирган ўқувчи келажакда шу фан тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиши мумкин бўлармиди?<sup>1</sup>

Кўп ҳолларда ўқитувчи томонидан дарс самарадорлигини ошириш учун зарур илмий-назарий ва методик талабларни ўз ўрнида қўллайбилмаслик натижасида ўқувчилар-дарснинг 15—20 минут вақтини ўтган мавзулар юзасидан муаммоли эмас, диалог сифатида берилган саволларга синфдошларининг саволга яраша берган оғзаки жавобларини «эшитишдан» ташқари бирон индивидуал ёки фронтал савол (вазифа)га оғзаки ёки ёзма жавоб тайёрлаб, мазкур дарсда фаол иштирок этишга қаратилган методлардан умуман дарак бўлмайди. Бу ҳолни ўқитувчининг ўтган дарси бўйича ўқувчилар билимини баҳолаш учун уларга берилган *қуйидаги саволлардан ҳам кўриш мумкин:*

**Ўқитувчи:** «Темур томонидан Сарой берка қачон босиб олинди ва ёндириб ташланди?»; «Темур қачон ва қаерда турк султони Боязид устидан ғалаба қозонди?»; «Темур қандай давлатга асос солди?». Кўриниб турибдики, ўқитувчи томонидан қўйилган саволлар ўқувчиларни таҳлилий тафаккурга бошқаришдан мутлақ йироқ бўлиб, уларнинг билимларини фақат «тарихий сана», «макон ва замонларни» тўтиқуш каби ёдлашга асосланган «тест саволларини» ечишга жалб этган бўлди.

Ўқитувчининг бундан кейинги фаолияти 15—20 минут давомида янги дарсга мўлжалланган мавзуни фақатгина дарслик параграфидаги материаллар асосида шарҳлаб бериш билан кифояланади. Шундан кейин ўқитувчи ҳозиргина шарҳланган мавзуни дарсликдан уйга вазифа қилиб берди ва янги ўтилган мавзуни «мустаҳкамлаш» мақсадида синфга бир неча савол берган бўлди. Бироқ, ўқитувчининг дарсдаги фаолияти шунчалик масъулиятсизлик билан ўтган эдики, натижада дарс мавзуси бўйича «мустаҳкамлайдиган» билимнинг ўзи ҳам ўқитувчининг ўзи томонидан ўқувчиларга қоникарли тушунтириб берилган эмас эди.

Бундан хулоса шуки, ўқувчилар дарс давомида мавзу юзасидан ниҳоят ўз ахборотига (билимга эмас) эга бўлдилар, холос. Дарс жараёнида ўқитувчи томонидан дарс самарадорлигини оширишнинг энг қулай имкони ўрганилаётган мавзуга интеграцион ёндашув, яъни предметлараро алоқа боғлаш усулидан умуман фойдаланилмади. Энг ачинарлиси шуки, мазкур мавзу Соҳибқироннинг таваллуд топган оғи апрелда «ўрганилаётганлигига» қарамасдан, ўқитувчи «Амир Темур» шахси, империяси, ҳарбий санъати, «Темур тузуклари», машҳур ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган «Соҳибқирон Амир Те-

<sup>1</sup> *Скрябин К.* Сборник «Учитель в моей жизни». — М.: 1966, с. 96—97.

мур» ҳайкали, «Амир Темур» ордени, ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида 1996 йил апрель ойида Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган маданият ҳафталиги материалларидан, Амир Темур шахсига нисбатан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳолисона баҳолари хусусида лом-лим дейилмади. Ҳолбуки, Президент Ислом Каримов Амир Темур шахси хусусида кўпгина ҳолис фикрларни баён этган. Жумладан, «Темур тузуклари»ни чоп этилиши хусусида гапирар экан, «Темур тузуклари»ни ўқисам, — деган эди Президент Ислом Каримов, — *худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига живоб топгандек бўлман*. Ёки Шаҳрисабз шаҳри байроғига «Амир Темур» орденини қадаб кўяр экан, «Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаяётган шу кунларда энг аввало бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз», деб таъкидлаган эди.

Фикримизча, бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фанининг номи аниқлаб, «Турон тарихи», «Ўзбекистон тарихи», «Ватан тарихи» эмас, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги «Ўзбекистонда асосий миллат — ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ошиб кетади. Марказий Осиё аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган ҳозирги туб этнослар илдизлари ўтмишда вужудга келган миллатлар сифатида шаклланишининг мураккаб ва ўзига хос йўлини босиб ўтган» деган чуқур илмий хулосасидан келиб чиқиб «Ўзбекистон халқлари тарихи» деб номланиши ҳар томонлама олиб қараганда айни муддаодир.

— Келажаги буюк давлат Ўзбекистоннинг таянчи бўлмиш ёш авлодга ижтимоий фан асосларидан, жумладан Ўзбекистон халқлари тарихидан «қанақа, қанча» билимларни илмий-назарий, методик ва дидактик жиҳатдан жаҳон халқ таълими амалиётида кутилган самараларни берган қандай шакл ва усул воситасида талабалар онгига сингдириш, уларни ижтимоий фан асосларидан олган билимларини шахсий эътиқодларига ўсиб ривожлантириб бориш методларининг ҳамон истиқлолимизнинг бугунги кун талаби даражасида ишлаб чиқилмаганлиги:

— Президент Ислом Каримовнинг 1997 йилнинг августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сўзлаган нутқларида алоҳида қайд этиб ўтганларидек, ҳамон умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим масканлари учун замонавий дарсликлар яратил-

маганлиги; бу борада экспериментал дастур, экспериментал дарсликлар мактаб ҳаётида умуман тажриба синовидан ўтказилмасдан, ўқувчиларнинг таҳлилий тафаккурини бошқарувчи, улар олдига муаммоли таълим элементларини қўяолмайдиган чиллаки «дарсликлар» бўлиб қолмоқда, жамиятимиз тараққиётининг бугунги кундаги дарсликларини «вариатив» усулда яратиш (яъни, талабаларимизга дарсликни танлаш имкони — демократик ҳуқуқ, имконият бериш), унга услубчи олимлар ва тарихий манбашунос тарихчи олимларни мутлоқ қониқарсиз жалб этилаётганлиги;

— энг ачинарлиси шуки, Ўзбекистон халқлари тарихидан на шўролар даврида, ва на истиқлолимиз даврида ҳанузгача мукамал дарсликлар яратилмади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонни янги тарихини яратиш тўғрисида»ги Фармони асосида ҳамон педагогика, методика ва дидактиканинг бугунги кун талабига жавоб берадиган экспериментал вариатив дарсликлар яратилиши ўз ечимларини интизорлик билан кутмоқда.

Табиийки, ижтимоий фанларни ўқитиш албатта ўз концепциясига эга бўлиши керак. Истиқлолга эришганимиздан кейин «Ўзбекистон тарихини ўқитиш концепцияси» икки марта 1994 ва 1996 йилларда қатор муаллифлар томонидан эълон қилинди.

Бироқ, бу «биринчи концепция»ни ўқиган одам «мактаб тарих курси», «мактаб тарих дарслиги» нима? деган тушунчаларга жавоб топаолмайдилар. Устига-устак бу концепция муаллифлари ХІ синфга келганда тарихий тушунчалари гўё поёнига етади, назарий билим олишлари тугаланади деб ҳукм чиқаришлари диалектикани билиш қонунини йўққа чиқаришдан бошқа нарса бўлмагани учун ҳам, «хужжатни» жиддий бир нарса деб қабул қилиш ўринсиздир.

«Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» хусусида гапирадиган бўлсак, бу хужжатда ҳам қатор жиддий нуқсонлар мавжуд. Жумладан, *муаллифлар Ўзбекистон тарихини ўқитиш хусусида шундай фатво берадилар:*

Ўзбекистон тарихи фани халқ маорифи тизимининг барча тармоқларида ўзининг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ва мавқеига кўра асосий ва етакчи фандир. Шу боисдан ҳам бу фан Ватан тарихининг ибтидоси ўлкашунослик эканлигини эътиборга олган ҳолда, умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг барча мутахассисликларида қайси касб-ҳунарни эгаллашдан қатъий назар, бир хил ҳажмдаги соатда дарс ўтилади.

Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси шундай аҳволда бўлгандан кейин, бугунги кунда умумтаълим ва олий ўқув юртлари учун нашр этилаётган дарсликларнинг аҳволи қандай? Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтадиган бўлсак, халқимиз-

нинг янги тарихи аниқроғи Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинганлигини, шу босқиннинг фаол иштирокчиси генерал-лейтенант М. А. Терентьевнинг 1906 йилдаги 4 жилдли харита ва режалари билан биргаликдаги «История завоевания Средней Азии» деб номланган асари, унга расм сифатида ўзининг Ўрта Осиёнинг босқинида фаол иштирок этганлиги ва босқинчилик жангларида кўрсатган шахсий қаҳрамонлиги учун «Георгий крести»нинг нишондори бўлган ва рус чоризми босқинчилари билан бўлган шиддатли жангда қаттиқ жароҳат олиб жон талвасида ётган ўзбек жангчисининг жон таслим этишидан дунё-дунё зинқ олишини беркитмасдан ёзган рус жангчи-рассоми В. Верещагиннинг «Туркистон» сериясидаги чизгиларини намойиш этиш асосида рус босқинчиларининг маҳаллий халққа нисбатан кўрсатган шафқатсизликлари тасвирида намойиш этишдан парига утмидик. Холбуки, рус босқини тарихини ўрганиш ва ўргатиш тарихчиларимиздан аниқ тарихий фактларни атрофлича таҳлил этиш, улардан атрофлича умумий хулосалар чиқаришни тақозо этиди. Таъкидчи рус таъкидчиси Г. В. Белинский ёзганидек, «*Бузулги кунни тушунимоқ ва келажагимиз тўғрисида аниқ ишоратга эга бўлмоқ учун ўтмишимизни сўроқлаб, суриштирмоғимиз лозим*». Маъқур ўринда рус чоризми босқинига дахлдор айрим тарихий фактларни эслатиш жоиздир. Жумладан Россия савдо-саноат доирасининг журнали «Журнал мануфактуры и торговли»нинг 1843 йилда ёзишича «*Ўрта Осиё аҳолисининг кўпайиб бориши билан у ерга Россиядан олиб бориладиган металл, нефт ва саноатнинг бошқа маҳсулотларига эҳтиёжи ортиб бораверади. Шу билан бирга Хива халқининг, умуман олганда, Ўрта Осиёнинг барча ўтроқ халқларининг Россия иқтисодидан кучайиб бораверади. Ўз навбатида Хива хонлигининг пахтадан қилинган сифатли қоғозини, шунингдек бошқа пахта маҳсулотларини Эронга эмас, Бухорога эмас, Афғонларга эмас, ўзининг кенг эҳтиёжларини қондириш учун фақатгина Россияга сотади*» деб баён этган эди.

1865 йилда ёзилган «Очерки торговли России со Средней Азии» деб номланган асар муаллифи П. И. Небольсин «*Биз Ўрта Осиёга шундай маҳсулотларни юборамизки, улар Туронда яшовчи халқлар учун биринчи эҳтиёж маҳсулотлари бўлади. Ўз навбатида Ўрта Осиёдан энг қимматбаҳо маҳсулотлари ҳисобланган пахта маҳсулотлари, сифатли қоғозлар, ипак, энг бой боғдорчилик маҳсулотлари ва чорва маҳсулотлари ва бошқалар Россияга арзон нарҳда келтирилган*» деб ёзган эди.

Небольсиннинг юқорида қайд этган асарида кўрсатилишича, Буюк Британия сармоядорлари русларнинг Ўрта Осиё хонликлари ҳудудидаги савдоларига шикаст етказмоқ мақсадида хонликларда ўз маҳсулотларини ниҳоятда паст нархларда сотишдан ҳам қайтмаганлар. Муаллифнинг ёзишича, инглизлар 1841—1842 йиллар мобайнида Бухоро амирлиги ҳудудида Россиядан келтирилган маҳсулотларни

кескин синдириб ташлаш мақсадида ҳатто ўзларига зарар ҳисобига бўлса ҳам ниҳоят арзон нархда сотганлар. Натижада рус савдогарлари маҳсулотларига ҳеч ким қарамай қўйган ва хонавайрон бўлган рус савдогарлари Бухоро ва бошқа йирик бозорларни тарк этиб, касод бўлиб қайтиб кетганлар.

Кўзлаган мақсадларига эришган инглизлар бир йил ўтгандан кейин Ўрта Осиё бозорларида ўша маҳсулотларнинг нархларини олдин икки баробар, кейинчалик эса ундан ҳам баланд кўтариб юборганлар.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило этилишининг иқтисодий масалаларига бағишланган яна бир асар М. К. Рожкованинг «Экономические связи России со Средней Азии 40—60 годы XIX века» (изд. АН СССР., — М., 1963 г). Бу асарда Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо муносабатлари кўплаб аниқ солиштирма рақамлар асосида кўрсатиб берилган.

Энди рус босқинининг маҳаллий халқ маънавиятининг қанчалик поймол этганлигига бир назар ташлайлик. Гап шундаки, гарчи чор Россияси учун Ўрта Осиё «ёввойи» дунё бўлса-да маданийлашган дунёда машҳур шарқ ренессансининг маркази бўлган Ўрта Осиё дунёга қанчалик буюк мутафаккирларни етиштириб берганлигини билмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Бироқ, инсоният тарихида, айниқса янги тарихда жаҳон миқёсида мозорларда (қабристонда) ҳар қандай шароитда ҳам уруш ҳаракатлари олиб бориш, ўликларни оёқ ости қилиш мумкин эмаслиги, бундай ҳаракатни давлатлараро муносабатларда тақиқлаганлигига қарамасдан, Чор Россияси қўшинлари 1865 йил май ойида Тошкент шаҳрини қамал қилишда шаҳар мудофаачиларининг бир қисми жон талвасасида маҳаллий мозорларга чекинишга мажбур бўлганлар. Шаҳарнинг Самарқанд дарвозаси даҳасидан киролмаган душман ҳозирги Бўзсув каналининг чап қирғоғи томонидан туриб, «Хожа аламбардор» қабристонини тўпга тутиб, мурдаларни тупроқ юзига чиқариб ташлаш ҳолларига етиб борганларини кўрсатиш билан Чор Россияси жаҳолат, инсон ҳуқуқлари хусусидаги халқаро нормаларни қанчалик бузганлигини кўрсатади.

Фарб мамлакатлари янги ва энг янги тарихини ўрганиш жараёнида биз «экспансия», «инсон ҳуқуқи», «очиқ эшиклар сиёсати» ва шуларга ўхшаш кўп тарихий тушунчаларни учратамиз. Хўш, нега рус чоризми босқинчиларининг Ўрта Осиё, шу жумладан ўзбек халқига нисбатан олиб борган, лекин совет тарихшунослик фанининг бирон саҳифасида баён этилмаган Россиянинг Ўзбекистонга нисбатан эълон қилган «очиқ эшиклар сиёсати»нинг энг разил томонлари — маҳаллий халқ ҳуқуқларининг том маънода поймол этилганлиги, рус чоризми босқинчиларининг Ўрта Осиёнинг хоҳлаган бозори-ю, хоҳлаган ҳудудида ҳеч қандай бож тўламасдан, хоҳлаган маҳсулотларини

эркин соғини, хоҳлаган жойида қўним топиб истиқомат қилиш, рус мужигидан олиш ҳуқуқи берилиб, маҳаллий жифокаш ўзбек деҳқони рус мужигидан ортсагина сувдан фойдаланиши мумкинлиги, жаҳон маънавий дунёсида «САЙҚАЛИ РЎЙИ ЗАМИН», яъни ер юзи маънавияти маркази мақомини олган ўшан Самарқанд шаҳридаги жаҳонга машҳур масжиду мадрасаларнинг қурол-яроғ омборхонаси, лазарет отхонаси, рус аскарлари учун ётоқхона ва яна шу каби бошқа мақсадлардаги масканларга айланттирилганлиги тўғрисидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий оқибатларни таҳлилий тафаккур асосида ишлаб чиқилган том маънодаги асарлар ким томонидан ва қачон яратилди?!

*Муаммога доир яна бир масала* — ҳар томонлама мукамал ёш тарихчи мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш масаласидир. Республикамиз олий ўқув юртларида бўлажак тарихчиларга сабоқ бераётган тарихчи ўқитувчиларнинг ҳаммалари ҳам истиқлолимизнинг бугунги кун талабларига жавоб берадиган ўз касбларига садоқатли, ҳақиқий фидоий тарихчиларми?


Фикримизча, тарих факультетларида замонавий тарихчилар етиштириш учун ўқув режаларига жиддий тузатишлар киритиб айрим иккинчи даражали курслар олиб ташланиб, уларнинг ўрнига ҳеч қандай сабабсиз ўрганилмасдан келаётган, талаба ёшларнинг тарихий фактларни таҳлилий тафаккур этишга бошқарадиган курслар, жумладан *дипломатия тарихи, тасвирий санъат тарихи, иқтисодиёт тарихи, маънавият тарихи* ва ҳоказо курслар киритилиши талабга мувофиқдир.

Республикамиздаги университетлар, педагогика институтларидаги тарих факультетларининг барчасида тарих ўқитиш методикаси кафедралари мавжудлигига қарамасдан уларнинг биронтасида ҳам тарих ўқитиш методикасидаги илмий даражаси бўлмаган кадрларни «фаолият» кўрсатиб келаётганликлари том мазмундаги тарихчи мутахассисларни тарбиялаб етиштиришимиз йўлидаги энг катта камчилигимиздир.

Тарихчи педагогларни тарбиялаб етиштиришимизда узлуксиз педагогик амалиёт, учинчи ва тўртинчи курсларда узоқ муддатли педагогик амалиёт гарчи давлатимизга иқтисод жиҳатдан ниҳоят қимматга тушаётган бўлса-да, бундай «педагогик амалиёт» деб аталмиш жараённи оқлашимиз зарурдир.

Биз юқорида мамлакатимизда тарих фанининг аҳволи ва уни ўқитиш борасидаги баъзи фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга ҳаракат қилдик. *«Кези келганда шуни айтиш керакки, мамлакатимиздаги ижтимоий фанлар тараққиётининг ўзига хос йўли ва мактаби мавжуд. Бироқ, унинг ҳозирги аҳволи талаб даражасида эмас. Янгиликни илғаб олиш, янги тарихий жараёнларни, ижтимоий-сиёсий ўзга-*

## Тарих ўрганишининг асосий омиллари ва қонуний жараёنлари





ришларни ўз вақтида таҳлил этиш ва баҳолашда сусткашлик қилинмоқда. Ваҳоланки, бу халқимиз сиёсий онгини ошириш ва ижтимоий фиоллигини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Президент Ислом Каримов мазкур соҳа мутахассисларидан, умуман ижтимоий фанлар тараққиётидан анча илгарилаб кетди<sup>1</sup>.

Ҳар қандай дарснинг самарадорлигини таъминлашда инсон омилидан кейин илмий-методик ва дидактик жиҳатдан давр талаби асосида тажрибада синаб кўрилган ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни айтиш мумкинки, деярли ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси миқёсида, айниқса, Ўзбекистон тарихидан яратилаётган аксарият чиллаки «дарсликлар» кўп ҳолларда на ўқувчи, ва на ўқитувчилар талабларига мос келмаётир. Натижада, қанчадан-қанча давлат маблағи сарфланган ана шундай «дарсликлар»нинг давр талабига жавоб бера олмаганлиги боис ўзгартирилмоқда, — эскилари макулатурага топширилмоқда. Шундай экан, ҳар бир тарих ўқитувчиси дастур асосида навбатдаги дарсга тайёргарлик кўриши жараёнида қўлида мавжуд бўлган дарслик, методик қўлланма ва бошқа ўқув материалларининг мазмунига ижодий ёндашмоғи, имкон қадар тарих дарсининг илмий-методик ва дидактик жиҳатдан давр талаби даражасида ўтказишга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

?

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Бугунги кунда ўқув-тарбиявий ишлари самарадорлигини ошириб боришнинг вазифалари ва муваффақиятлари сабаблари нима-ларда деб биласиз?
2. Дарс самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган камчиликлар борми? Сиз уларни кўрсатиб бера оласизми?
3. Муаммоли таълим-тарбия нима? Уларни тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
4. Тарих дарслари самарадорлигини оширишда ва тарихчи педагогларни тарбиялаб етиштиришда педагогик амалиётларнинг аҳамияти қандай ҳамда ушбу жараён бугунги кунда ўзини оқлаётими?

<sup>1</sup> Жўраев Н. Агар огоҳ сен... — Т.: «Шарқ», 1998, 207-бет.

## **ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ**

### **1. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ ФАКТЛАР, ТАРИХИЙ ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАРНИНГ ҲАҚИ**

Умумтаълим мактаби тизимида ўқувчиларда тарихий билимларни шакллантириш илмий билимларга нисбатан қисқартирилган ва соддалаштирилган йўллар билан амалга оширилади.

Мактаб таълимида тарихий билимларни шакллантириш учун тарих фани тизимида жамғарилган, таҳлил этилган ва умумлаштирилган улкан материаллардан фақатгина минимуми, яъни мактабда таълимий тарбиявий ва ривожланиб боровчи таълим вазифаларини ҳал этиш учун педагогик жиҳатдан зарур бўлган тушунчаларгина танлаб олинади.

Кўп ҳолларда тарих таълимида билимлар адаптация қилинган, яъни соддалаштирилган ва бир тизимга солинган ҳолда баён этилади.

Тарихни билиш кўпинча сезиш ва қабул қилиш, кўриб ва эшитиб идрок этишга асосланади.

Тарихий воқеалар тўғрисидаги билимлар турли тарихий ахборотлардан олинади. Шунинг учун ҳам тарихий билимлар манбаи турлича бўлиши мумкин. Бу борада кўргазмалиликни (у ёки бу предметга доир), шунингдек тасвирий кўргазмалар (масалан, И. Н. Крамскийнинг «Саҳродаги Исо», 1872 йил, «Юпанмас қайғу»; В. Г. Перовнинг «Пасхада қишлоққа крест юриши», 1861 йил; «Москва яқинидаги Митишчидаги чойхўрлик» 1862 йил; «Марҳумни кузатиш» 1865 йил; «Қишлоқи қизнинг савдогар уйига келиши» 1866 йил; «Институтда ўқийдиган қизнинг кўр отаси ҳузурига келиши» 1870 йил, ва ҳоказолар), тематик хариталар («Сталинград жанги», «Москва остоносидаги жанг», Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришлари харита чизма ва ҳоказо), шунингдек, тарихий ҳужжатларнинг роли беқиёс каттадир.

Бошқа предметларга нисбатан тарихий билимларни шакллантиришда тарихий воқеаларни оғзаки баён этиш (ҳикоя формаси) ва ёзма равишда баён этиш (рефератлар тайёрлаш) катта роль ўйнайди.

Ўқувчилар томонидан фактик билимларни ўзлаштириб олиш учун уларни тафаккур этишдан ажратилган ҳолда эмас, балки бир бутун уйғунликда, ягона бир жараён сифатида амалга оширилиб борилади.

Тарихий билимларнинг шаклланишида тарихий фактлар моҳияти қуйидагича намоён бўлади:

— тарихий ҳодисалар генезиси, яъни уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида;

— ижтимоий ҳаётда ўзига хослик ва умумийликда; тарихий жараён ва бошқа шунга ўхшаш билимлар қонуниятларини тарих фани томонидан очилиши ва ўқиш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинishi лозим. Бу билимлар ўқувчиларга ўқитувчи томонидан дарс жараёнида ёки уларнинг ўқитувчи раҳбарлигида олиб борган мустақил ишлари жараёнида ўзлаштириб олинishi керак.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, тарихий тушунчаларни шакллантириш биринчи ғалда тарихий фактларни билишга, шунингдек аниқ йирик образларга суянимоқни тақозо этади.

Тарихни билиш жараёни тарихий фактларни ўзлаштиришдан бошланади. Тарихий фактларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ҳеч қачон айнан такрорланмайди. Шу билан бирга ўқувчилар томонидан алоҳида тарихий фактларни билиб олиш — тарихни ўзлаштириш деган тушунчани ифода этмайди. Фактлар орасида маънавий шўқдорлик бўлмаса, у ҳолда фактларнинг оддий мажмуаси билимларни бирхиллаштиради ва тарихий материалларни онгли равишда ўзлаштирилишига ҳалақат беради. Шундай қилиб, тарихни ўрганиш жараёнида фактлар шунчаки ўрганилмасдан, балки улар орасидаги зарур алоқаларни таққослаш, аниқлаш ва маълум даражада тизимлаштириб ўзлаштиришни таъмин этмоғи керак.

Тарихий фактлар сон-саноксиз бўлиши мумкин. Бироқ, тарих ўқитиш жараёнини самарали олиб бориш учун уларни аниқ белгилаб олмақ зарур.

Тарихий фактлар икки хил характерда бўлиши мумкин. *Биринчидан*, айрим тарихий фактлар ягона воқеани акс эттириб, тарихда фақат маълум шароитда бир маротаба, маълум даврдаги шахсларнинг иштирокида, қатъий чегараланган макон ва замонда содир бўлади. Масалан, *Амир Темурнинг Турк султони Боязид-1 Йилдирим устидан қозонган ғалабаси*. Бу хусусда Соҳибқирон тузуқларида жумладан шундай ёзилган:

*«Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди, — деб эслайди Амир Темур, — лекин Боязид Мисру Шом лашкари мендан енгилганини эшитгач, ўйланиб қолгани ва саросимага тушиб, шошилинч равишда юришга тайёрлана бошлаганини ҳам айтди. Қайсарнинг кўзини ғафлат уйқусидан очиб қўйишим лозим кўринди. Бу хусусда кенгаш ўтказиб, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар ва хашар чақиртирдим. Лашкар жам бўлгандан сўнг хижрий 804 йилнинг ражаб ойида (1401 йил февралда) Озарбайжондан Қайсар устига лашкар тортдим... Қайсар тўрт юз минг отлик ва пиеда аскарни билан менга қарши юзланди.*

*Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкарларим тутиб олиб, ҳузуримга олиб келдилар».*

Анқара ёнида содир бўлган бу тенги йўқ, жангда ўзи қўллаган гарбий тактик усулни Амир Темур шундай эслайди:

*«Қайсар билан бўлган жангда шундай қилдим: Мироншоҳ ўнг қанотнинг сардори эди. Унга қайсар чап қанотининг рубарўси ва ёнидан жангга киришни буюрдим, Чап қанотнинг амирлари: амирзода Султон Маҳмудхон ва амир Сулаймонга эса ёрлиқ юбориб Қайсарнинг ўнг қанотига ҳужум қилишни буюрдим. Ўнг қанотимнинг тархи бўлган амирзода Абу Бакрга эса тепалик устида туриб Йилдирым Қайсарнинг қўл тўдасига от қўйиб, шиддат билан бостиришни буюрдим. Ўзим эса қўл тўдалари ва улус, аймоқ, лашкарлари билан қайсар томонга юриш қилдим. Қайсарнинг сипоҳий тўдалари биринчи ҳамладаёқ енгилди. Султон Маҳмудхон (қочаётган) Қайсарнинг кетидан қувиб, қўлга туширди ва менинг даргоҳимга келтирди»<sup>1</sup>.*

Олмониянинг Потсдам шаҳридаги ҳашаматли санъат музейида нафис дид билан безатилган махсус Амир Темур залининг мавжудлиги бобокалонимиз руҳи олдида бутун Европа миннатдор эканлигидан далолат беради. Бу залда француз рассомлари томонидан яратилган улкан санъат асари бор. Бу асарнинг мазмуни шундай:

*«Амир Темур тахтда, атрофида аркони давлат, саккиз ҳабаш елкасидаги қафасда Боязид голиб ҳукмдор ҳузурига келтириляпти. Жаҳонгир зафар қучганларга монанд Мағрур ҳолатда.*

*Темур оёғига тиз чўқиб турган париваш гўзал ҳолатини кўринг. У Боязиднинг суюкли кенжа хотини. Аёл ўз ҳукмдорининг бир қошиқ қонидан кечишни, ҳаётини сақлаб қолишни худони зори қилиб, Темурга ёлборапти. Жаҳонгир эса унга қиё ҳам боқмаётир. Унинг икки кўзи Боязидда, худди: «Қайсар, гапимни қулоққа олмадинг, энди ҳолинг қалай?», деяётгандек»<sup>2</sup>.*

Иккинчидан, тарихий фактлар ўзларида маълум тарихий давр ёки замон хусусиятларини акс эттиради. Масалан, Россия ва Гарбий Европа мамлакатлари тарихида учрайдиган *баршчина*, *оброк* Темур даври учун характерли бўлган ҳарбий харажатлар учун йиғиладиган солиқ — «аминона», давлат хазинасига тўланадиган — «хирож», айнқса, «суюрғол» («сойюргал» турк-мўғул сўзи бўлиб, феодал томонидан ўз вассалига берилган ер-сув, мулк ва ундан олинадиган *солиқ*, *ўлпон*) ва ҳоказолар. Гарчи номлари турлича аталса-да, аслида феодалларга тобе бўлган деҳқонларнинг тўлайдиган шахсий солиқлари мажмуасидир.

<sup>1</sup> «Ёш ленинчи» газетаси, 1990, 13 декабрь.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Баршчина, оброк, «аминона», «хирож», «суюргол» ва ҳ. к. — булар тарихий факт бўлиб, маълум давр ва маълум ижтимоий тузумнинг маълум ҳодисаси ҳисобланади. Бошқа мисолни олиб кўрайлик. Қўл меҳнатини машина билан алмаштирган саноат инқилобини олиб қарасак, бунда меҳнатни, айниқса, енгил саноат соҳасини фабрика ишлаб чиқаришига ўтиши ва икки синф — ишчилар ва буржуазия синфларини вужудга келишига олиб келди, бир эмас, балки қатор мамлакатлар ва минтақалар учун Нидерландия, Англия, Франция, Германия ва ҳоказолар учун ҳам характерли жараён ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, фактлар ўзларининг ҳажми, мураккаблиги ва моҳияти билан бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши 1387, 1391 ва 1394—1395 йилларда олиб борган кураши — бу йирик тарихий воқеа, ягона ва такрорланмайдиган тарихий ҳақиқат, инкор этиб бўлмайдиган фактдир.

Маълумки, Амир Темур қудратли Олтин Ўрдани ўз давлати учун доимий таҳдид деб биларди. Шунинг учун ҳам Тўхтамишга қарши уч марта катта ҳарбий юриш қилди. Айниқса, 1391 ва 1394—1395 йиллардаги ҳарбий юриши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Соҳибқирон 1391 йилда 200 мингли қўшини билан Самарқанддин йўлга чиқиб, қишни Тошкентда ўтказди. Баҳор келиши билан катта ҳарбий тайёргарликдан сўнг Қозоғистон чўлларига қараб жўнади. Улуғтоғ эстагидаги тошга ўйиб ёзилган хат бу юриш ҳақида тўла тафсилот беради.

Темурнинг жуда катта қўшини узоқ йўл босганидан кейин, ҳозирги Куйбишев шаҳри билан Чистополь ўртасидаги Қундузча деган жойда душман қўшинига дуч келади. 1391 йилнинг 18 июнида бу жойда қаттиқ жанг бўлиб, Тўхтамиш қўшини батамом тор-мор келтирилади.

1395 йилда Шимолий Кавказ ва Терек дарёси бўйида Темур билан Тўхтамиш ўртасида навбатдаги шиддатли жанг бўлади. Тўхтамиш бу жангда ҳам енгилади. Натижада Амир Темур Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Беркага бостириб киради, унга ўт қуйиб батамом ёндириб юборади.

1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва Сарой Берканинг батамом ёндириб юборилиши Олтин Ўрдага берилган сўнгги зарба бўлди.

Дарс жараёнида тарихий фактларни баён этиб бориш ўз навбатида уларнинг муҳимлигига ҳам боғлиқ бўлади. Тарихий жараённи ривожланиб боришини ифодаладиган ва бир вақтда шу факт асосида тарих курсининг бошқарувчи ғоялари шаклланишини таъминлайдиган асосий фактлар бирмунча тўла ёритилиб, асосий бўлмаган, лекин ўрганилаётган асосий фактлар билан ички мантиқий алоқа боғлаш учун фойдаланиши мумкин бўлган иккинчи даражали факт-

лар бирмунча умумлаштирилган формада ўрганилса ҳам бўлади. Шундай қилганда тарихий билимларни ўрганиш онгли, мустақкам ва системали амалга ошириб борилади.

Воқеа ва ҳодисалар орасидаги алоқалар, такрорланмас фактлар, воқеаларни ва айрим олинган фактларни ўрганиш типик фактлар ва ҳодисаларни ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Масалан, Ўзбекистон халқлари тарихидан Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Муқанна, Темурмалик ва Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Абу-бакр Қалавий ва Мавлонзодалар ҳаракатларини олиб қарайдиган бўлсак, гарчи макон ва замонда бу фактлар бир-бирларидан фарқ этсалар-да, характерлари жиҳатдан ватанпарварлик, озодлик, чет эл мустабидларига қарши кураш бўлган ва ҳ. к.

Тарихий ҳодисаларни атрофлича очиб бериш тарихий воқеаларнинг келтириб чиқарган сабаблар ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниб олишга катта ёрдам беради. Масалан, капиталистик мамлакатлар орасидаги жаҳон бозори учун кураш I-жаҳон урушини келтириб чиқарди. Ёки 1917 йил қонли октябрь тўнтариши натижасида зўрлик билан вужудга келган собиқ Иттифоқ 1990—1991 йиллар давомида умуман инқирозга юз тутди. Натижада унинг ўрнида қатор миллий мустақил давлатлар вужудга келди ва ҳоказолар.

Энг муҳими — фактлар мустақкам илмий-назарий хулоса ва умумлаштирувчи яқунлар чиқаришнинг асосини ташкил этмоғи керак.

Агарда ўқитувчи томонидан баён этиладиган фактлар зарур алоқа ва умумлаштиришларсиз олиб бориладиган бўлса, у ҳолда биз ўқувчиларда тарихий билимлар тизимини эмас, балки бир-бирлари билан мантиқий алоқада бўлмаган, мантиқан умумлаштирилиб ўқувчиларни маълум бир назарий хулосага келтира олмайдиган фактологияга ўргатган бўламиз. Худди шунга ўхшаш, тарих ўқитиш жараёнида ўқитувчи фаолиятида у ёки бу тарихий масала юзасидан келтириладиган хулоса ва умумлаштирувчи фикрлар аниқ, тарихий фактларга асосланмаса, бундай дарс социологияга айланади холос.

Мазкур ўринда тарихий фактларни билиш учун уларни синчиклаб ўрганиш, бир тарихий шахс ёки бутун бир халққа баҳо беришда масалага тааллуқли фикрларни таққослаштириб кўриш лозим.

Ўқувчиларга тарихий тушунчаларни қанчалик бой, ранг-баранг ва системалаштирилган ҳолда тушунтирилса, улар янги тарихий материални ўзларида мавжуд бўлган тарихий билимлар тизимига шунчалик тез ва чуқур ўрнаштириб ва ўзлаштириб оладилар.

Тушунча, жумладан тарихий тушунчалар фақатгина билиш натижасидагина шаклланмасдан, балки тафаккур этишнинг формаси ҳам ҳисобланади.

Тарихий билимларни ўзлаштириб бориш жараёнида ўқувчилар тафаккури аниқликдан умумлаштирилган жараёнга, яна қайтадан

умумлаштирилган бирмунча юқори даражадаги билим асосларига таянган ҳолдаги аниқликка қараб ҳаракат қилади. Шунинг асосида ўқувчига илгаридан маълум бўлган фактлар ва уларга ёндашиш, шунингдек, тарих илми тараққиёти муносабати билан кашф этилган янги фактлар, ашёвий далилларга ёндашиш муносабатлари янгича тафаккур этилади, такомиллашиб боради. Бу жараён ўзбек халқининг ўз истиқлолига эришган бугунги кунда, айниқса, катта таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқларининг IX—XII асрлардаги маданияти тарихига ёки Темурийлар тарихига ҳолисона баҳо бериш, жумладан Темур шахсига, унинг давлат арбоби ва ҳарбий саркардалик маҳоратига, айниқса, Амир Темур томонидан Олтин Ўрдани тор-мор келтирилишини, Россияда мўғул-татар зулмига хотима беришда тутган ролига, ёки Соҳибқироннинг турк султони Боязид-1 Йилдирим устидан қозонган тарихий ғалабаси бутун Европанинг унинг асоратидан сақлаб қолишини таъмин этганлиги, шунингдек, Мирзо Бобурнинг ҳинд халқи тарихида тутган ўрнига, ниҳоят, Ўрта Осиёнинг Россияга кўнгилли равишда қўшилиши эмасу, унинг Чор Россияси томонидан шафқатсизларча босиб олинишига тўғри баҳо бериб, бунда Чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг бевосита иштирокчиси генерал лейтенант М. А. Терентьевнинг «История завоевания Средней Азии с картами и планами» (СПб. 1906 год, в 4-х томах) китобининг номини ўзи бу ҳаракатнинг асл моҳиятини баён этганлиги каби тарихий ҳақиқатларни дадил кўрсатиб беришни тақозо этмоқда.

Тарих таълимида аниқликдан умумийликка ўтиш ва аксинча, умумийликдан аниқликка ўтиш оддий айланишгина бўлиб қолмасдан, балки ўқувчиларни тарихий билимларини ҳамда ақлий камолотларини оддийдан мураккабга қараб муттасил ривожланиб бориш жараёнидир.

Тарихий материални ўрганиш жараёнида ўқувчиларни руҳий ҳиссиёт ва кундалик ижтимоий амалий ишлари билан боғланган ҳолда уларнинг тафаккурлари ғояларини, эътиқодларини, тарихий жараёни қандай содир этган бўлса, унга партиявий, синфий деган муносабатда эмас — у, реал асосда тушунишлари, ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни билишнинг диалектик-материалистик асосда ўрганишлари каби сифат ўзгаришларини изчил шаклланиб боришини таъминлайди.

Илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг тарихий билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжлари ортиб боради. Бу жараёни кундалик педагогик фаолиятимизда доимий равишда кузатиб борар эканмиз, ўқувчилар билимларида миқдор ўзгаришларни сифат ўзгаришларига қараб ўсиб ўтаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

Ўқувчиларда тарихий билимларни шакллантиришда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларига ўқитувчи томонидан моҳирлик билан раҳбарлик қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тарихни ўрганиш самарадорлигини ошириш асосан ўқув жараёнига тўғри раҳбарлик қилишдан иборат бўлиб, бу жараён асосан *қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади*:

1. Ўқувчиларни билиш фаолиятларини тарихий билим манбалари билан таъминлаш. «Ўқувчиларга тарихий билим манбаларининг асосий пойдевори ва муҳим томонларини илмий асосда шакллантириш биринчи галда тарих ўқитувчисининг ўзини ана шундай билимларни назарий ва амалий жиҳатдан эгаллашларини, шунингдек, ана шу билимларни ўқувчилар онгига етказа билишнинг оптимал услублари билан қуролланган бўлмоғи ёки донолар ибораси билан айтганда: *«тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак»*, деган концепцияга амал қилмоқ керак.

2. Ўқувчиларни ўрганиладиган тарихий материалга нисбатан руҳий ҳолатларини йўналтира билиш, уларда тарихий билимларга бўлган қизиқишларини фаол уйғотиб бориш, дарс жараёнида ўқувчиларни мустақкам, барқарор диққат-этиборларини ташкил эта билиш, ниҳоят уларда мустақил тафаккур эта олиш кўникмаларини шакллантириш ўқитувчининг педагогик фаолиятида асосий ўринни эгалламоғи керак.

Тарих ўрганиш жараёнида бу вазифалар ўрганилаётган мавзуга турли воситалар ёрдамида ёндашишни тақозо этади. Дарслик матнидан ташқари, мавзуга оид материалларни танлаш, курслараро ва предметлараро алоқа боғлаш, бадий адабиёт ва нашрий матбуот материалларидан, шунингдек тасвирий санъат асарларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мустақил ишларини фаол ташкил этиб бориш шулар жумласидандир.

3. Дарс жараёнида ўқувчилар томонидан тарихий билимларни ўзлаштиришга, идрок этишга ўқитувчининг бевосита ва системали раҳбарлик қилиши мазкур муаммони ижобий ҳал этишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Мазкур ўринда ўқитувчидан ўқувчиларни дарс жараёнида ўрганилаётган мавзудаги асосий (йўналтирувчи ғоя, таянч билим, Шаталовча таянч сигнал ва ҳ.к.) масалани, яъни билишлари шарт бўлган тарихий масалани алоҳида қайд этиши, дарсликда бўлса турлича ёзувларда баён этилган материални, оғзаки баён этилган бўлса ифодали ўқишни, мавзунини баён этиш режасини тузишни; харитада у ёки бу йўналишларни аниқ кўрсатиб беришни тақозо этади. Энг асосийси ўқитувчи бу жараёнда ўқувчиларнинг дарслик матни устида ишлаши бўлмасин, тарихий ҳужжатлар, даврий матбуот ва бадий адабиёт асарларини мустақил таҳлил этишни фаоллаштирмоғи лозим.



4. Ўқитувчи ўқувчиларни тарихий материални билиш жараёнини ҳамма босқичларидаги тафаккурларига моҳирлик билан раҳбарлик қилиб бормоғи лозим. Бу раҳбарлик биринчи гада янги материални баён этишда, уни мустаҳкамлашда, уй вазифасини бажариш ва умумий такрорлаш дарсларида ўқитувчининг диққат марказида бўлмоғи керак. Айниқса, ўқувчиларнинг билиш тафаккурларини идора этиш ва бошқариш улар томонидан назарий масалаларни ўзлаштиришда катта аҳамият касб этади. Мазкур ўринда кузатиш мақсад: ўқувчилар тарихий фактлардан олган билимлари мажмуасидан аниқ назарий хулоса чиқаришга эришсинлар, тарихий фактларнинг назарий ифодасини мустақил шарҳлаш имкониятига эга бўлсинлар.

5. Ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун уларни дарсда ва уй вазифаларини бажаришдаги фаолиятларига раҳбарлик қилишни ташкил этиш ва уларда тарихий билимларни шакллантиришда алоҳида ўринни эгаллайди.

6. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини текшириш ва уларга маълум ўзгартиришларни киритиб бориш улар олган билимларнигина ўз ичига олмасдан, балки уларнинг тарихий билимларни тафаккур этиш қобилиятларини, шунингдек, дунёқарашга доир тушунчаларини қанчалик ўзлаштириб бориш даражасини, тарихий материаллар билан мустақил ишлаш қобилиятлари, тарихдан олган билимларини ўқиш жараёнида ва айниқса, кундалик ижтимоий ҳаётларида амалий жиҳатдан тезкор равишда қандай қўллашларини идрок этиш ва бошқаришда ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим. Тарих ўрганиш жараёнида тарихий билимларни эгаллаб боришда тарих дарсларини тематик режалаштириш, ўқув дастури ва қўлланмалари, дарсликларнинг ролини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбек халқининг истиқлолга эришганлигига қисқа муддат бўлганлигига қарамасдан, истиқлол ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида, жумладан, ўрта ва олий мактабларимизда Ўзбекистон халқлари тарихини мустақил фан сифатида ўргана бошлаганида ҳам ўз ифодасини топди. 1993 йил 25 август куни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг нашри «Учитель Узбекистана» газетасида (30-сон, 1993 йил, 25—31 август), 1993—1994 ўқув йилида база мактабларининг V—VI ва VII синфларида Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш бўйича тахминий ўқув-тематик режаси эълон қилинди. Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг Республика ўқув методик Марказининг тарих ва ижтимоий фанлар бўлими томонидан эълон қилинган бу режалаштиришда тарих ўқитиш услубияти қонунларигина эмас, балки дидактиканинг оддий қонун-қоидаси унутилган кўринади.

Масалан, бу режани тузган муаллифлар 11—12 ёшлик ўқувчиларга Ўзбекистон халқлари тарихидан қуйидаги мавзуларни ўрганиш тавсия этилган:

- |   |        |
|---|--------|
| 1. Ибтидоий одамлар подаси.   | 1 соат |
| 2. Ибтидоий одамларни пайдо бўлиши масалалари. Ўзбекистонда ибтидоий одамларнинг ҳаёти, яшаган манзиллари (тараққиётнинг ўрта даври).   | 1 соат |
| 3. Ўзбекистонда одамларнинг қароргоҳлари.   | 1 соат |
| 4. Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи мезолит даврида. Неолит даври.   | 1 соат |
| 5. Неолит даври овчилари ва балиқчиларининг жойлашишлари. Неолит инқилоби. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг пайдо бўлиши. Амударёнинг қуйи томонларида ва Зарафшон водийсидаги маданият ўчоқлари. | 1 соат |
| 6. Бошқариш органларининг шаклланиши, ўз-ўзини бошқаришнинг жамоа органлари, давлатнинг пайдо бўлиши ва ҳоказо.   | 1 соат |

Яна бир дарс давомида (бугунги кунда мактабларда дарс 35 ёки 40 минутлик) куйидаги мавзуни ўрганиш тавсия этилади: «Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари ва Ўрта Осиё халқларининг чет эл bosқинчиларига қарши ўз мустақилликлари учун олиб борган кураши. Тўмарис, Спитамен ва бошқалар..... 1 соат.

Ўзбекистон халқлари тарихидан ўрта мактаб учун ҳозирча гарчи илмий-услубий ва дидактик маънода давр талаби даражасига жавоб ўқув дастури бўлмаса-да, тематик режалашга киритилган мавзуларда V синф ўқувчисининг ҳеч бўлмаганда ёши ва уни тарихий билимларни қабул қилишдек реал имконияти физиологик ва психологик жиҳатдан ҳисобга олинмоғи керак эди. Яна шу нарса сир эмаски 1991—1992 ўқув йилига қадар умумтаълим мактаблари учун тарихчи ўқитувчи тайёрлайдиган университет ёки педагогика институтларининг тарих факультетларида беш йил давомида тарих фанига 1200—1500 соат вақт ажратилгани ҳолда, Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш учун фақат 28 соат ажратилди. Талабалар ҳар йили 300 соат Россия ва дунё (асосан Европа) тарихини ўргансалар, Ўзбекистон тарихини ўрганиш учун 6 соатга яқин вақт сарфлашди.

Юқорида Ўзбекистон Халқ таълими Вазирлигининг Республика ўқув-методик маркази томонидан 5—6—7-синфлар учун Ўзбекистон халқлари тарихидан тавсия этилган мавзубоп материалларини меъёрида ўзлаштириш нафақат 11—12 ёшли ўқувчиларга, балки тарих ўқитувчилари олдиға ҳам қатор илмий-услубий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Фикримизча, бу антиқа тематикани ишлаб чиққан муаллифлар мактаб ўқитувчиларига Ўзбекистон халқлари тарихидан ўрганиладиган материални чуқур ўзлаштириш учун зарур бўлган адабиётларни тавсия этишда ҳам пала-партиш иш тут-

ганлар. Жумладан, адабиётларда берилган тавсияномаларда аллақачонлар библиографик камёб асарлар рўйхатига кирган А. М. Берштейннинг «Древняя Фергана» (Ташкент, АН УзССР, 1951 г.); С. П. Толстов «По следам Древнехорезмской цивилизации» (Москва, 1984 г.) ва шуларга ўхшаш аллақачонлар оз нусхада чоп этилган асарларни тавсия этганлару, лекин бутун илмий фаолиятини Ўзбекистон халқлари тарихини энг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишланган академик Яхё Фуломовнинг «Первобытная культура и возникновение урожаемого земледелия в низовьях Зерафшана» (Ташкент, 1996 г.) асари кўрсатилмаган.

Академик Г. А. Пугаченкованинг «История искусства Узбекистана с древнейших времён до середины XIX века (Москва, 1965 г.), «По древним памятникам» (2-изд. Москва, 1968 г.), «Скульптура Халчаяна», Москва, 1974 г. асарлари умуман четлаб ўтилган. Холбуки, муаллифлар тавсия этган мавзуларнинг моҳиятини очиб беришда бу асарлардан фойдаланиш айни муддао бўлар эди. Шунингдек, В. М. Массон, В. М. Сариянидиларни «Каракумы: заря цивилизации» («Наука», Москва, 1972 г.), академик М. Е. Массоннинг «Из воспоминаний Среднеазиатского археолога» (Ташкент, 1976 г.) китобларида берилган илмий маълумотлар ҳам мактаб тарих ўқитувчисининг мамлакатимизни энг қадимги даврига оид билимлар билан қуроллантиришда муҳим ҳисса кўшар эди. Гап шундаки, бу асарлардаги маълумотлар ҳозирча Ўзбекистон халқлари тарихидан чоп этилган ўқув дастурларида ўз аксини топмаган. Яна шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон халқлари тарихининг энг қадимги даврларидан токи 1917 йилга қадар даврини бугунги ҳудудимиз чегарасидагина эмас, балки Мовароуннахр миқёсида бир бутун қилиб ўрганиш талабга мувофиқдир. Акс ҳолда, биз тарихий воқеаларни тўла узвий алоқадорликда ўрганиш имкониятидан маҳрум бўлган бўламыз.

Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети 1959 йил 15 декабрида «Мактабларда тарих дарсини ўқитишга айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан 1960—1961 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон мактабларининг IV синфларига ўз республикаси тарихидан айрим мавзуларни ўрганиш киритилди. Шу қарор асосида республика тарихидан IV—VII—VIII—IX ва X синфлар учун ўқув қўлланмалари яратила бошланди.

Ўзбекистон халқлари тарихидан бугунга қадар чоп этилган ўқув қўлланмаларини икки турга бўлиб кўриш мумкин. Биринчи тур ўқув қўлланмалари 60-йилларда чоп этилган бўлиб, уларнинг мазмуни асосан КПССнинг халқимизнинг ўтмиш тарихига синфий ва партиявий ёндашиш концепцияларига, шунингдек, халқларимизнинг узок ўтмиш тарихларини қисқача ўрганиб, асосан совет жамияти даври тарихи, КПСС ва бутун халқлар доҳийси Ленин фаолиятини кенг ва

чуқур ўрганишга асосланган концепцияга асосланган эди. *Бундай ўқув қўлланмаларига қуйидагилар киради:*

К. Оқилов. «Ўзбекистон ССР тарихи». Саккиз йиллик мактабларнинг VII синфи учун ўқув қўлланма. «Ўрта ва олий мактаб» (Тошкент, 1954 г.).

М. Г. Ваҳобов, К. Е. Житов, Б. Т. Дегтяр. «Ўзбекистон ССР тарихи». Саккизинчи синф учун ўқув қўлланмаси. ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб», (Тошкент, 1964 г.).

К. Оқилов, Н. В. Тейх. «Ўзбекистон ССР тарихидан ҳикоялар». 4-синф учун (Тошкент, «Ўқитувчи», 1965 г.). Я. Фуломов, Р. Набиев. «Ўзбекистон ССР тарихи». Саккиз йиллик мактабнинг VII—VIII синфлари учун ўқув қўлланмаси (Тошкент, «Ўқитувчи», 1965 г.).

М. Мусаев, Р. Ўрмонова. «Ўзбекистон ССР тарихи». 9—10 синфлар учун ўқув қўлланмаси (Тошкент, «Ўқитувчи», 1966 г.).

Гап шундаки, юқорида қайд этилган ўқув қўлланмаларининг муаллифлари ичида Н. В. Тейхдан бошқа бирорталари ҳам бевосита мактабда тарих курсидан сабоқ бермаганликлари ва ўз қўлланмаларининг илмий-методик ва дидактик жиҳатдан тажрибада зарур синовдан ўтказмаганликлари учун кутилган катта ижобий натижаларни бермади. Бироқ, шунга қарамасдан, юқорида кўрсатилган қарор асосида республика тарихини ўқитишга йўл очилишининг ўзи Ўзбекистон мактабларида тарих таълимини янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнади. Кўплаб ташаббускор ўқитувчилар мавжуд бўлган ўқув қўлланмаларига ижодий ёндашиб, ўқувчиларга Ўзбекистон халқлари тарихидан мустаҳкам билим беришда катта ташаббус билан чиқдилар. Тошкент шаҳар Димитров номидаги 9-мактабдан *А. Шарипова*, 50-мактабдан *Л. И. Суздальцева*, 119-мактабдан *Ваҳоб Умаров*, 81-мактабдан *Тўлаган Зухуров*, Тошкент вилояти Паркент туманидаги *Ҳамид Олимжон* номли мактабдан *Зокир Салимов*, шу тумандаги *Абулқосим Лоҳутий* номли мактабдан *Салимёр Оллоёров*, Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар 1-мактабдан *Лидия Ивановна Кукушкина*, Термиз шаҳар 19-мактабдан *Бурхон Сувоновлар* ана шундай ташаббускор педагогик фаолият билан чиқдилар.

Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмалари билан бир вақтда айрим методик маслаҳат, йўл-йўриқлардан иборат бўлган услубий қўлланмалар ҳам шошилинич равишда чоп этила бошланди. Жумладан, Р. К. Ўрмонованинг IV синфлар учун «Ўзбекистон ССР тарихидан айрим ҳикояларни ўрганиш». Ўқитувчилар учун методик қўлланма (ЎзССР, «Ўрта ва Олий мактаб» Давлат нашриёти; Тошкент, 1963 й.)си нашр этилди.

Мазкур қўлланмада 21 соатли дарсни қандай ўтиш хусусида «*илмий-методик*» маслаҳатлар берилади. *Қуйида ана шу мавзулардан фақат иккитасини мисол тариқасида келтирамыз.*

7 дарс. *Мавзу: «Феодал тартиблари даврида Ўзбекистон халқларининг ҳаёти».*

*Дарсинг мақсади:* Ўзбекистон халқларининг феодал тартиблари ҳукм сурган даврда оғир ҳаёт кечирганлиги ва бутунлай ҳуқуқсиз бўлганлигини кўрсатиб бериш.

Бу мавзу бундан илгариги дарс материали билан мантиқий боғланган ҳолда, «крепостной қишлоқ баршчина ва оброк» деган мавзудан кейин ўрганилади ва шу материални аниқлаштириш учун фойдаланилади (эътибор беринг, ўқувчиларга Ўзбекистон халқлари тарихидан берилдиган билим, тушунча, ўзлаштиришлари лозим бўлган фактлар Ўзбекистон халқлари тарихини чуқур билиш учун эмас, Россия тарихидан айрим тушунчаларни фақатгина аниқлаштириш учунгина берилар экан). Кўриниб турибдики, мактаб ўқитувчиларига Ўзбекистон халқлари тарихини қандай ўқитиш кераклигини маслаҳат бераётган муаллимнинг ўзи аслида шундай маслаҳатта муҳтож экан. Акс ҳолда дарсинг аниқ таълимий, тарбиявий ва ривожланиб борувчи мақсадлари ва ички мантиқий алоқадорликлар аниқ ифодалаб берилган бўлар эди.

(Шу) дарсни ўтказиш режаси ва методлари.

1. Янги материални дарсликдаги иллюстрациялардан фойдаланиб, суҳбат методи билан баён қилиш. Янги материални баён қилиш жараёнида ўқувчиларнинг ўтган дарс материали юзасидан олган билими текшириб кўрилади.

2. Янги материални мустаҳкамлаш жараёнида ўқувчиларнинг ўтган дарс материали юзасидан олган билимлари текшириб борилади (қандай қилиб?).

3. Уй вазифаси (?).

8-дарс. *Мавзу: «Ўзбекистон Россия таркибида».*

*Дарсинг мақсади:*

1. Россия таркибидаги рус бўлмаган халқларнинг аҳволи.

2. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳимиятини кўрсатиб беришдан иборат.

*Дарс ўтказиш режаси ва методлари.*

1. Янги материални изоҳли ўқиш методи асосида тушунтириб бериш. Тушунтириш жараёнида ўқувчиларнинг билими текширилади, шунингдек, ўқувчилар билан биргаликда икки мавзу материали юзасидан режа тузилади (?).

2. Янги материални мустаҳкамлаш жараёнида ўқувчиларнинг ўтган дарс материали юзасидан олган билимлари текшириб кўрилади.

3. Уйга вазифа.

4. Хронологик карточкалар билан ишлаш.

*Дарсинг бориши.*

Авваламбор, мазкур «методик қўлланма» К. Оқилов, В. Н. Тейхларнинг IV синфлар учун чиқарган ўқув қўлланмаларидан роппа-

роса бир йил олдин чиққан. Шундай бу «методик қўлланма» ҳеч қандай текширишни кўрмаган. Қолаверса, дарс тузилишида марказий ўринни эгаллайдиган бўлим — дарснинг жамики мақсади ўз аксини топмаганидек, шу мавзуни ўқувчиларга қандай тарихий фактлар, тушунча ва билимлар сингдирилиши лозимлиги ҳам баён этилмаган. Ниҳоят, мазкур мавзуда ўқувчиларни фикрлаш, тафаккур этиш қобилиятларини қандай усул ва воситалар ёрдамида ривожлантириб бориш хусусида ҳам арзигулик фикр баён этилмаган. Мавзу юзасидан уйга берилган вазифа хусусида ҳам худди шуни айтиш мумкин.

Г. М. Желтова, Т. А. Стуковаларни «Республика педагогика олий ўқув юртларининг тарих факультетлари учун методик қўлланма»ларида ана шундай камчиликларни ҳар бир саҳифаларида учратиш мумкин.

Муаллифлар ўз рисоаларининг кириш қисмида «Педагогика олий ўқув юртларида мутахассисларнинг профессионал йўналишларини шакллантириш соҳасидаги ишлар етарли даражада олиб борилаётгани йўқ, ўқув-тарбия жараёнини педагогизациялашнинг ягона тизими мавжуд эмас»<sup>1</sup> лигини қайд этиб, мавжуд камчиликларни бартавраф этишда улар «Ўзбекистон мактабларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган»ликларини алоҳида қайд этганлар. *Қуйида шу муаллифлар тавсия этган, уларнинг фикрларича илғор дарс кўчирмаси ҳисобланган намунани келтирамыз:*

VII синф. *Дарс мавзуси:* «Фан билан дин ўртасидаги кураш».

*Дарснинг мақсади:* иқтисодиётнинг ўзгариши, янги синфларнинг пайдо бўлиши ва маданиятнинг ривожланиши муносабати билан янги дунёқараш — динга ва черковга душман бўлган дунёқараш вужудга кела бошлаганлигини кўрсатиб бериш, фаннинг ривожланиши унга қарши кескин кураш олиб бориш шароитида ўтганлигини, черков илмий билимларни таъқиб этиб, уларнинг ривожига тўсиқ бўлиб келганлигини тушунтириб беришдан иборат»<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, муаллифларнинг ўзлари қайд этганларидек, дарс кўчирмасини тузишда «Ўзбекистон мактабларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олганликлари» у ёқда турсин, ҳатто тарих ўқитиш методикаси ва дидактикасининг элементар талаби — курслар ва предметлараро алоқа боғлаш, дарснинг таълимий, тарбиявий ва унда ривожлантирилиб бориладиган таълимий мақсадларини аниқлаш ҳам четда қолиб кетган, тарих дарси тузилишига бўлган оддий талаб қониқарли ишлаб

<sup>1</sup> Желтова Г. М., Ступова Т. А. Студентлар узлуксиз педагогик практикасини ташкил қилиш ва ўтказиш. Педагогика Олий ўқув юртларини тарих факультетлари учун методик қўлланма. — Т.: «Ўқитувчи». 1989. 4-бет.

<sup>2</sup> Желтова Г. М., Ступова Т. А. Студентлар узлуксиз педагогик практикасини ташкил қилиш ва ўтказиш. Педагогика Олий ўқув юртларини тарих факультетлари учун методик қўлланма. — Т.: «Ўқитувчи». 1989. 39-бет.

чиқилмаганидек, муаллифлардан Ўзбекистон мактабларида тарих дарсларида миллийлик тамойилларини амалга оширишни талаб этиш ҳам уринсиз кўриниши. Қўлланмадаги бошқа дарслар тузилиши ҳам даярли шундай берилган.

Дарсга миллий ўзбек руҳини сингдириш учунгина эмас, балки ўқув дастуридаги «Ўрта асрларда астрономия фанининг ривожланиши» деган талабни қондириш учун ҳам XV асрдаёқ машҳур жаҳон бўлган **Мирзо Улуғбек**, унинг илмий мероси — «Зижи жадиди Қўрагоний», «Тарихи арбаъ улус», **Али Қушчининг** «Шарқ тажрид ш-калом» асарларининг мазмунидан, атоқли ўзбек муаррихи **Бўрибой Аҳмедовнинг** «Улуғбек» асаридан фойдаланиш талабга мувофиқ бўлур эди.

Г. Желтова ўз китобида юқоридаги мавзуда ўқувчиларга ўрта аср олимларининг жасоратлари хусусида тўлароқ тушунча ҳосил қилиш учун Ж. Бруно ва Г. Галилей ҳақида ҳикоя қилиб бериш лозимлиги ва уларнинг расмларини ўқувчиларга кўрсатиш кераклигини уқтиради. Лекин дарсга ўзбек миллий руҳини беришда кўрғазмали қуроллар қаторида Улуғбек расмини, иложини қилсалар, поляк астрономи **Ян Гевент** (1611—1687)нинг «Астрономия даракчиси» деган асарида берилган икки суратдан фойдалансалар бўларди. Гап шундаки, бу ҳар иккала суратда ҳам ватандошимиз Мирзо Улуғбек (1394—1449) сиймоси тасвирланган.

Биринчи расмда Улуғбек мунажжимлар худоси Ураниянинг ёнида европалик тўрт йирик астроном: грек Птоломей (э.а. тахминан 170-йилда вафот этган), немис шаҳзодаси Гасс (1532—1592), даниялик Тихо Браге (1546—1601) ва италиялик Жан Баптист Риччиоли (1598—1671) билан тасвирланган.

Иккинчи расмда Мирзо Улуғбек яна ўша мунажжимлар худоси Урания ва жаҳонга донғи кетган тўққиз астроном: *Тимахарис* (э.а. III аср), Гиппарх (э.а. II аср), номлари юқоридаги зикр этилган **Птоломей ал-Баттоний** (852—929), Региомонтан (1436—1476), **Волтер** (1430—1504), *шаҳзода Гасс*, **Николай Коперник** (1473—1543) ва *Тихо Браге* билан бирга. Бу тасвирда *Улуғбек Ураниянинг ўнг тарафида, учинчи бўлиб турибди*. Булар *грек, араб, немис, италян, ўзбек, дания ва поляк* халқларининг фарзандлари, классик асарлари билан жаҳон халқлари маданияти тарихида из қолдирган олимлар.

Мазкур уринида биз тавсия этаётган тарихий фактлардан фойдаланиш шубҳасиз, мактаб ўқувчиларида Улуғбек тимсолида миллий гурур ва ифтихорларини одилонга тарбиялашга имкон берган бўлар эди.

Биз собиқ Иттифоқ йилларида тарих дарсларида Улуғбек ва унинг ҳукмронлик даврини обзор тариқасида ўқитиб, унинг шахси хусусида гапириб, даҳрийликда айблаб келдик. Бўрибой Аҳмаднинг Улуғбек ҳаётига бағишланган асари (эссе)да Али Қушчининг отасига йўллаган мактубида Улуғбек шахси унинг сафдоши, содиқ шогирди

томонидан қандай таърифланганлигини қуйидагича ифодалаб берилган:

*«...бирламчидин ул киши муқаддас «Куръон»нинг катта қисмини ёддан билурлар, ани шарҳлаб бера оладурлар, муҳаддисларни ҳам нома-ном айтуб бера оладурлар. Ҳар куни халқ олдида андин икки сурани ўқийдурлар, локин биронта хато қилмайин тўғри ўқийдурлар. Сарф ила нахвни яхши биладурлар, арабчани кўп яхши ёзадурлар. Шу билан бирга фикҳни, мантиқни, илми адабий, мусиқанинг назарий асосларини яхши биладурлар.*

*Риёзиёт илмининг барча соҳасида кенг маълумотга эгадурлар.*

*Ушбунни ҳам келтирмоқчиманки, Улуғбек Мирзо ушбу илмда тенги йўқдур».*

Фикримизча, юқорида қайд «этилган тарихий ҳақиқатга асосланган кўрғазмалликлар ва шулар асосида тарқатадиган дидактик материаллар тайёрлаш, шунингдек, тарихий фактлардан ўз ўрнида фойдаланиш таълим-тарбияга миллий мазмун беришда фойдадан ҳоли бўлмас.

Ўзбекистон халқлари тарихидан чоп этилган иккинчи тур ўқув қўлланмалари аслида собиқ Иттифоқда «қайта қуриш», «янгича фикрлаш» деган иборалар майдонга ташланган даврга, яъни 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошига тўғри келади».

Шу давр ичида муаллифлардан **Н. Ремеев, Гога Ҳидоят, В. Костецкий** ва **М. Исҳоқова**, академик **А. Асқаров**лар қаламларига мансуб бўлган «Ўзбекистон халқлари тарихи» ўқув қўлланмалари нашр этилди. Шубҳасиз, бу қўлланмаларнинг чоп этилиши ўрта мактаб тарих таълимида ўқувчиларни ўз ўлкалари тўғрисида мукамалроқ тасаввурларини шакллантиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бироқ, даврий матбуотда ана, шу ўқув қўлланмаларининг баъзилари хусусида кескин салбий ва бир вақтда одилона, жиддий танқидий фикрлар баён этилмоқда. Жумладан, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Ўқув қўлланмасими бу, .....» (19 февраль 1988 йил, 40-сон). «Ёш куч» журналида «Тарих дарсликлари қачон мукамал бўлади?» (1990 йил 8-сон), «Совет мактаби» журналида «Иттифоқчи Республикалар тарихини ўрганишнинг айрим масалалари» (1990 йил, 11-сон) номли мақолаларда Н. М. Ремеевни VIII синфда ўқитиладиган «Ўзбекистон ССР тарихи» ўқув қўлланмаси, унинг илмий мазмуни, услубий ва дидактик ҳатоликлари танқид этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгунга қадар мактабларимизда Ўзбекистон халқлари тарихи деган махсус курс бўлмасдан, республика тарихи СССР тарихи курси таркибида ўрганилар эди.

1987—1988 ўқув йилида ЎзССР тарихидан V—VIII—XI синфларда ўрганиш учун 50 соат вақт ажратилди. Кўриниб турибдики, мактаб-



ларда республика тарихини ўрганиш учун ажратилган соат ниҳоятда кам. Шу боис унинг ҳар бир соатидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланмоқ лозим. Бироқ, ЎзССР Маориф министрлиги Республика ўқув методика кабинети ва Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти тарих ўқитиш методикаси сектори томонидан ишлаб чиқилган ва тарих дастури ҳайъати томонидан муҳокама қилиниб, маъқулланган дастурда VIII синфда бир соатлик дарс даражасида Ўзбекистон халқлари тарихидан ўқувчиларга қуйидаги масалалар бўйича тарихий билим бериш тавсия этилган:

**1-мавзу.** «Закавказье ва Ўзбекистон ҳудудидаги биринчи феодал давлатлар... (1 соат).

Закавказье давлатлари, уларнинг маданияти. Христиан ва ислом динининг тарқалиши.

Қулдорлик ҳужалиги ва ўрта аср шаҳарларининг инқирози.

Кушонлар давлатининг инқирозга юз тутиши. Ўзбекистон Турк хоқонлиги таркибида. Феодал ҳужаликларнинг пайдо бўлиши. Деҳқонлар, кишоварзлар ва кадиварлар. Обрў раҳбарлигидаги қўзғолон.

Ўрта Осиёнинг феодал тарқоқлиги. Араб халифалигининг Мовароуннаҳрга бостириб кириши. Ислом ва унинг Ўзбекистонда тарқалиши. Унинг синфий моҳияти. Ҳўжалик ва маданий ҳаётнинг таъаззулга юз тўтиши.

Жузья ва хирож. Араб халифалиги ва маҳаллий феодаллар ҳукмронлигига қарши кураш. Муқанна раҳбарлигидаги қўзғолон.

Араб ҳукмронлигининг тугаши ва Сомонийлар давлатининг ташкил топиши (IX аср). Давлатни бошқариш, ҳўжаликнинг юксалиши.

Феодал шаҳарнинг равнақ топиши. Савдо алоқаларининг кенгайиши. Деҳқонларнинг асоратга солиниши (чорикорлик, давлат мажбуриятлари), меҳнаткашларнинг феодал зулмига қарши кураши. Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши. Бошқаришнинг удел системаси. Қорахонийлар давридаги ҳўжалик ҳаёти. Иқта ва иқтадорлар. Хоразм давлати.

IX—XII асрларда «Ўрта Осиё халқлари маданиятини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари. Фан ва адабиёт (Ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Боласоғуний, Маҳмуд Қошғарий, Рудакий), Архитектура ва декоратив санъат (безаш санъати). Халқнинг маданий ҳаётида исломнинг ҳукмронлиги».

**2-мавзу.** «Киев Руси (5 соат)»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўрта умумий таълим мактабларининг тарих дастури. 5—11-синфлар. — Т.: «Ўқитувчи». 1987, 43—44-бет.

Фикримизча, бир соатлик дарс учун тавсия этилган бу дастур талаби ўзининг реал мактаб ҳаётидан мутлақ узоқ бўлганлиги учун ҳеч қандай шарҳга эҳтиёж йўқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган мавзунини режалаштиришлардан тортиб токи услубий ва ўқув қўлланмаларидаги камчилик у хатоликлар ўртасида бир умумийлик бор. У ҳам бўлса, тарихий факт ва билимларининг аниқ ва ўз ўрнида зарур бўлган форма ва усулларда қулай билмасликдир.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлолига эришганлиги тарихчи, тарихчи-методист олимларимиз ва тажрибали мактаб ўқитувчилари олдида Ўзбекистон халқлари тарихидан давримиз талаби даражасидаги дарсликларни эксперимент йўли билан мактаб тажрибасида синаб кўрган, мактаб ёшларини маънавий жиҳатдан камолотга етишини таъминлайдиган, илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан тўлақонли дарсликларни яратилишини тақозо этмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек, *«тарихга мурожат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»*<sup>1</sup>.

?

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тарихий билимларни шакллантиришда илмий билимларга нисбатан қисқартилган ва соддалаштирилган йўллар мавжуд. Сиз шулар ҳақида батафсил гапира оласизми?
2. Тарихий билимларни шакллантиришда тарихий фактларни моҳияти қандай ҳолатларда намоён бўлади?
3. Тарихий билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бориши нималарга боғлиқ?
4. Тарих ўрганиш самарадорлигини ошириш жараёни асосан қайси ҳолатларни ўз ичига олади?

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон». 1992, 71-бет.

## ТАРИХ ҲАҚИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

### 1. МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРИХ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ ҲАҚИДАГИ УСУЛЛАРИ

Бугунги кунимизда фаннинг бирон соҳаси йўқки, у экология муаммоларини ҳал этишда четда қолган бўлса. Шундай экан, истиқлол ша-рофати билан Ўзбекистон Республикаси мактаблари ўқув режалари (сеткаси)да ўзининг қонуний ўрнини эгаллаган Ўзбекистон халқлари тарихи, шунингдек, «Инсон ва жамият» курсини ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш ҳам четда қолиши мумкин эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда инсон билан уни ўраб турган муҳитнинг тузилиши ва хусусиятларига, шунингдек экологик омилнинг инсонни жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир кучини тадқиқ этадиган социал экологиянинг моҳияти тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

*Социал экология қуйидаги асосий қоидаларга асосланади:* «Табиат-Жамият-Инсон» ягона бир бутунликни ташкил этади; инсон табиатни бир қисми унинг ривожланиши табиатни ўзгартириш инсон ҳаёти-нинг асосини ташкил этади; табиат тарихи билан жамият тарихи-нинг бирлиги меҳнат жараёнида намоён бўлади. Ижтимоий қонунларга нисбатан табиат қонунлари бирламчидир; янги экологик маданиятнинг ривожланиши шахснинг табиатга нисбатан юқори даражадаги масъулиятини ифодалайди. Табиатта янги маданият муносабатнинг шаклланиши тўла мазмундаги гуманизм гояларини ўзида мужассамлаштиради. Табиат қонунларини оёқ ости қилиш, фақат яқин фойдага интилиш, халқ маблағларини сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйиш, шунингдек табиатга ўз шахсий талаби нуқтаи назаридангина ёндашиш гуманизмга қанчалик зид бўлса, табиатга нисбатан ҳам шунчалик зиддир.

Социал экологиянинг инсонпарварлиги айниқса педагогика фанига яқиндир. Мактаб ва халқ таълимининг ҳамма йўналиши янги авлодни илгаридан анъанага кирган гоя — *«табиат инъомидан тўла фойдаланиш керак», «биз табиатдан хайр-аҳсон кутиб ўтирмаймиз, уни ўзимизга бўйсундирамиз!»* концепциялари билан алоқасини батамом, узил-кесил узиб ташлаб, уни ҳимоя қилиш ва унинг инъомларидан авайлаб, унга зарар етказмасдан фойдаланишни тақозо этади.

Мактаб ёш авлодда табиатга нисбатан доимо ғамхўрлик қилиш, унинг инъомларини ардоқлаб сақлаш каби маданий хислатларни тарбиялаб камолга етказмоғи керак.

Экологик маданият ўқувчи ёшларимизни ижтимоий фаолликларининг ифодаси, мустақил Ўзбекистонимиз табиий бойликларини кўз қорачиғимиздек сақлаш ва кўпайтириш борасидаги ватанпарварлик ҳаракатларининг сарчашмаси бўлмоғи даркор.

Экологик таълим-тарбия умумий таълимнинг ўзаро алоқадорлиги, инсонни унинг ўраб турган табиатга нисбатан масъулияти тўғрисидаги умумий тасаввур асосларни шакллантиришга асослангандир.

Бундан ташқари, экологик тарбия ўқувчилардан теварак муҳитга нисбатан муносабатларида тубдан ўзгартириш киритишни, ўз фаолиятларини назарий билимлар билан узвий алоқадорликда амалга ошириб боришларини, бу борадаги кўникма ва малакаларини изчиллик билан бойитиб боришларини тақозо этмоқда.

Мактаб шароитида экологик таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда *қуйидаги муҳим талабларга амал қилмоқ лозим:*

— табиий муҳит ва уни яхшилаш бўйича амалий фаолиятни маънавий ва эмоционал жиҳатдан узвий бирлигини идрок этиш;

— экологик тарбиянинг боғлиқчилигини ва узлуксизлигини, унинг предметлар ва курслараро алоқа боғлаш билан амалга ошириб бориш;

— ва ниҳоят, экологик таълим-тарбияни амалга ошириб бориш экологик муаммоларни умумбашарий, бир вақтда миллий ва ўлкашунослик характер касб этишини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиш.

Ўқувчиларни ўраб олган табиий муҳитга нисбатан жавобгарлик муносабатида бўлиш ҳис-туйғуларини шакллантириб бориш, истиқлолга эришган Ўзбекистон мактабларида Республикаимизнинг келажаги қудратли давлат бўлишини таъминлашда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Экологик тарбия ўқувчиларда фақатгина экологик-маданиятнинггина шакллантириб бормасдан, балки таълим ва тарбиянинг кўпгина умумий бир бутун вазифаларни ҳал этишда ҳам катта роль ўйнайди.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни кўрсатишнинг ўзи ўқувчиларда реал дунёнинг бир бутун эканлиги тўғрисидаги дунёқарашга хос билимларини янада бойитади. Экологик билимлар ўқувчиларга сабаб, мақсад алоқалари, воқеа ва ҳодисаларни тизимли тузилиши жиҳатидан ривожланишларини таъмин этадиган вазифаларни янада ижобий ҳал этиб боришларини таъминлашга кўмаклашади.

Табиатни тушуниш ва у билан мулоқотда бўлиш шахснинг ахлоқий тарбияси, унинг инсонпарварлик хусусиятлари — эзгулик, кўнгилчанлик, раҳмдиллик бўлишга давъат этади.

Табиат чин кўнгилдан инсонни ҳар доим «виждонли, инсофли бўлиб олишга ёрдам беради. Табиат ҳар доим у — ОНА экинлигини эслатиб туради». Гўзалликнинг битмас-туганмас манбаи бўлган табиат — умуман эстетик тарбиянинг муҳим воситаси, табиатни нафқатсизларча вайрон этишга қўл урилган кучларга қарши турувчи инсонни камол топишига катта ёрдам беради.

Экологик билимлар меҳнат таълими ва тарбиясида, шунингдек ўқувчиларни жисмоний ривожланишлари ва гигиеник тарбияларида ҳам катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Республикамининг экологик ҳолати тўғрисида гапирар экан, «табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни қутқариш, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, мазкур минтақаларнинг иқтисоди ва ижтимоий соҳасидаги фалокатли оқибатларни бартараф этиш»<sup>1</sup> лозим эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Президент Ислоом Каримов мазкур рисоласининг «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари хусусида фикр юритганида унинг фалсафий — диалектик тафаккур мантиқи билан ифода этилган куйидаги фикрлари мазмуни ҳар бир педагог томонидан ўқувчилар онгига сингдирилимоғи лозим: «Бутун дунё, — деб ёзади Президент Ислоом Каримов, — ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришидир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Оролнинг экологик ҳолати жаҳон миқёсидаги фожиа деб эътироф этилмоқда. Бу фожияни Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир. Сиҳат-саломатлик бўлишининг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак<sup>2</sup>.

Шуниси муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон». 1992, 20-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 69-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 70-бет.

*Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради*<sup>1</sup>.

Қуйида Республика мактабларининг V—VII, VIII—XI синфларда тарих, инсон ва жамият курсларини ўқитиш жараёнида экологик таълим тарбиянинг Тошкент шаҳридаги Чапаев номидаги 42-мактаб-гимназияда, С. Айний номидаги — 84, М. Горький номидаги — 90, Тошкент вилояти, Паркент туманидаги А. Лоҳутий номидаги мактабларда эксперимент дарслар асосида йўналишлар ва босқичларни келтирамыз:

### **I ЙЎНАЛИШ**

Жаҳон манзараси илмий асосида ўқувчилар дунёқарашларини шакллантириш:

а) V—VII синфларда — табиат ва жамиятдаги ҳодисалар сабабиятини ва улар орасидаги алоқадорликларни тушунмоқ, жонли ва жонсиз табиатнинг турли кўринишлари ва унда инсоннинг тутган ўрни;

б) VIII—XI синфларда — ўқувчиларда *қуйидаги тушунчалар шакллантирилади*:

— табиат ва жамият тарихининг бир бутунлиги тўғрисидаги тасаввур;

— табиат қонунларининг бирламчилиги ва унда инсоннинг тутган ўрни;

— инсонни табиатга таъсир этиш характери ва унинг табиат муҳитига боғлиқлиги;

— инсон ҳаётида табиий ва ижтимоий омилларнинг тутган роли.

### **II ЙЎНАЛИШ**

Ўқувчиларга ғоявий-сиёсий ва ҳуқуқий тарбия бериш:

а) V—VII синфларда — ўқувчиларни Ўзбекистон Республикасининг табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунлари билан таништириш, Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш шароитларининг ўзига хос хусусиятлари, табиат умумхалқ бойлиги эканлиги тушунчаларини, ўқувчиларда «халқ», «Ватан», «табиат» тушунчаларининг бевосита узвий алоқадорлигини илмий хулосага келтириш;

б) VIII—XI синфларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасидаги: «*Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлишга мажбурдирлар*» деган қонунига қатъий бўйсундишлари шарт, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг табиий муҳитни сақлаш тўғрисидаги сиёсатининг моҳияти билан системали таништириб бориш, табиат-теварак муҳитни сақлаш — *умумбаший муаммо, унинг ечимида иштирок этиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир*, деган ахлоқий бурчга содиқ бўлиш.

### **III ЙЎНАЛИШ**

Меҳнат ва иқтисодий тарбия:

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992, 71-бет.

а) V—VII синфларда иқтисодий жиҳатдан ўз меҳнатини тўғри ташкил этиш маҳоратини тарбиялаш, атроф-муҳитни ифлосланишдан ҳимоя қилишга бағишланган ижтимоий ишлаб чиқариш меҳнатларида фаол иштирок этиш, табиий муҳит ҳолатини аниқлаш кўникмаларини, унга таъсир кўрсатиш ва ҳолатини яхшилаш бўйича зарур тадбирлар қўллаш кўникмаларини тарбиялаш, «инсон-техника-муҳит» бирлиги тушунчасидан келиб чиқиб табиий материаллар, хом ашёлар ва энергияни оқилона ишлатиш ва қўллаш кўникмаларини тарбиялаш;

б) VIII—XI синфларда меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги моддалар алмашувига ўхшаш узлуксиз жараён эканлигини тушунтириб бориш, инсонни табиатга таъсир этишидаги қарама-қарши меҳнат фаолиятини амалий жиҳатдан унга ижобий таъсир этадиган энг қулай, оптимал томонларини ривожлантириб бориш, инсонни — табиатга салбий таъсир этишини енгини ва шундай ҳаракатларининг олдини олишда фаол иштирок этдириш, ниҳоят ижтимоий бойликларимиз меҳнат туфайли фақатгина табиат ҳисобидан яратилажагини ёш авлодга системали равишда сингдириб боришимиз керак.

#### **IV Йўналиш**

Ахлоқий — эстетик тарбия:

а) V—VII синфларда инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган она табиатнинг турли-туман бебаҳо тортиқларини қадрлаш. Уларни эъзозлаб қўриқлаш, табиатга нисбатан доимо уни севиш, қадрлаш, муҳофаза этиш муносабатида бўлиш, табиат кўринишларини акс эттирган суратлар ва уларнинг объектларини тушуна билиб эстетик завқ олиш ҳис-туйғуларини тарбиялаш, ўқувчи ёшларни ўраб олган табиий муҳитни эстетик жиҳатдан оқилона жиҳозлай билиш кўникмаларини тарбиялаш, ниҳоят табиат ва санъат гўзаллиги уйғунлигини ҳис этиш қобилиятларини камол топтириш.

б) VIII—XI синфларда — экология муаммоларини ҳал этишнинг инсонпарварлик моҳиятини ҳозирги замон ва кишилик жамиятининг келажаги учун аҳамияти, эстетик ва мантиқий гўзаллик қонунлари бирлигини англаб олиш, ҳар бир инсон табиатга нисбатан муносабатда ижтимоий ахлоқ талаблари ва масъулиятларини ҳис этиш, инсон ва халқнинг маънавий дунёсини ривожланишида табиат гўзаллигини бетакрор ва абадий моҳиятини қадрлай билиш ва эъзозлаш лозимлигини тушунтиришга эришиш.

#### **V Йўналиш**

Гигиеник ва жисмоний тарбия:

а) V—VII синфларда — организмни чиниқтириш муносабати билан жисмоний ривожланиш маҳоратларини мустаҳкамлаш;

б) VIII—XI синфларда — саноатликнинг ижтимоий ва табиий омиллари орасидаги узвий алоқадорликни тушунтириш, табиатнинг бевосита таъсири остида организмнинг жисмоний сифатларини мус-

таҳқамлаш, бизни ўраб олган муҳит таъсири остида организмнинг адаптацион (мослашиш) кучини ривожлантириб бориш.

Ўқувчиларни экология билимлари билан қуроллантириш учун умумлаштирувчи дарслар, предметлараро алоқа боғлаш, табиат қўйнига ва ишлаб чиқариш корхоналарига комплекс экскурсиялар ташкил этиш, маърузалар, семинар машғулотлари, диспутлар ва экология муаммоларига бағишланган китобхонлар конференциялари, кечалар ва мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш, бу борада таълимнинг техника воситалари ва бошқалардан мақсадга мувофиқ фойдаланмоқ керак.

Биз шу мақсадда Тошкент шаҳридаги С. Айний номидаги 84-мактабнинг XI синф ўқувчилари билан Бўзсув канали қирғоқлари бўйлаб экскурсия уюштирдик. Экскурсияга чиқишдан олдин ўқувчилар диққати Мовароуннаҳр ҳудудида сув муаммоси қадим замонлардан олимлар эътиборидан четда қолмаганлиги, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишга катта улуш қўшган академик В. В. Бартолднинг 1902 йилда «*Император рус жуғрофия жамияти*» Туркистон бўлимининг ахборотида чоп этилган «*Орол экспедициясининг илмий натижалари*» номли тадқиқотининг мазмунига жалб этилди.

Мазкур тадқиқотда Орол денгизининг энг қадимги давридан бошлаб XVII асрнинг охиригача бўлган ҳолати, ниҳоят XIX аср охирига келганда унинг ҳавзасида содир бўлган ўзгаришларни, қадим замонларда машҳур «**Ипак йўли**» қатновининг янада самарали бўлиши учун Амударё сувини Каспий денгизига оқизиш режалари мавжуд бўлганлиги билан танишиб, сув муаммолари ўлкамиз тарихида халқимиз диққат-эътиборидан ҳеч қачон четда қолмаганлигини яна бир бор уқтириб ўтилди. Шундан кейин ўқувчилар эътибори Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг ички иқтисодий сиёсати ўзимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлимизнинг ўзимизга хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритганларида ҳам ҳозир Республикамиз ҳудудида сув муаммолари мавжудлиги хусусидаги қўйидаги фикрларига жалб этилди. «*Бизнинг деҳқончилигимизнинг хусусияти шундайки, — деб қайд этади Президент Ислом Каримов, — экин майдонларининг катта қисми, техника экинларининг, аслида ҳаммаси — бу қудратли давлат ирригация тизими хизмат кўрсатадиган суғориладиган ерлардир. Республика аҳолиси зич яшайди, ер ёки сув бугуннинг ўзида етишмаяпти. Келажакда, аҳоли тез кўпайиб бораётган шароитда бу муаммо айниқса кескинлашади*»<sup>1</sup>.

Бўзсув канали қирғоғи бўйлаб экскурсияга чиқар эканмиз, ўқувчиларга Бўзсув қадим замонларда Чирчиқ дарёсидан чиқарилган

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992, 52-бет.



канал бўлиб, унинг узунлиги 159 км. Чирчиқнинг ўнг соҳилидаги қадимги йўналишлар бўйлаб, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон йўналиб, Тошкент вилоятининг Оржоникидзе, Зангиота ва Янгийўл туманлари ва Тошкент шаҳри ҳудудидан, шунингдек Жанубий Қозоғистон ерларидан ўтиб Чиноз яқинида Сирдарёга қуйилиши уқтириб ўтилди. Шунингдек, Бўзсув каналида Чирчиқ — Бўзсув тармоғига кирган 16 та ГЭС ишлаб турганлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, 1926 йилда Бўзсув ГЭСи (қуввати 4 минг квт.), 1936 йилда Бўржир ГЭСи (қуввати 6 минг квт.), 1939 йилда Оқтепа ГЭСи (қуввати 14 минг квт.), 1950 йилда Шайхантаҳур ГЭСи (қуввати 6 минг квт.), ва бошқа ГЭСлар қурилиб ишга туширилганлиги, эндиликда Чирчиқ-Бўзсув тармоғига кирган ГЭСлар Чирчиқ, Тошкент ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларни арзон электр энергияси билан таъминлаб келаётганлиги тушунтириб ўтилди.

Табиийки, дастлабки вақтда бу канал биринчи галда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қолаверса экинзорларни суғоришда фойдаланиш мақсадида бунёд этилган. Унинг зилол суви-ни Чатқолнинг баланд тоғ чўққиларидан олган бу каналдан халқимиз яқин-яқин кунларгача оби-ҳаёт олиб, фойдаланиб келдилар. Бироқ, ўқувчилар билан Бўзсув канали бўйига уюштирган экскурсиямиз умуман ўзгача бир даҳшатли манзарани кўрсатди. Ўқувчилар Оқтепа билан Шайхантаҳур оралиғидаги анҳор қирғоғидаги умуман тозаликка зид бўлган ҳолатни кўриб ҳайратда қолдилар. Оқтепа майдони атрофидаги умумий овқатланиш хоналарини деярли канал устига қурилиб, бутун чиқинди ахлатларни сувга оқизиши, Бешёғоч ҳудудидаги мебель магазини қаршисидаги ошхона атрофидаги канал қирғоғига туташ ахлатхоналар, кўн заводи ва пойабзал кийимлари фабрикасидан оқиб тушаётган ифлос оқиндилар, «тез ёрдам» касалхонаси яқинида қурилган кўприк устидаги АЗК атрофидаги ахлатлар уюми ва ниҳоят Учтепа туманидаги сувнинг батамом ифлосланиб, нохуш ҳид таратаётганлиги одамни мазкур жойларда *экология тушунчаси мутлақ бегонами*, деган хаёлга келтиради.

Ўқувчилар экскурсия давомида кўрган жойларини фотоаппаратлар ёрдамида тасвирга туширдилар, ўзларининг қўлларида мавжуд бўлган «Бўзсув канали схемаси»га зарур белгилар қўйиб, экскурсиядан олган таассуротлари асосида «*Бўзсув каналининг бугунги кундаги экологик ҳолати*» мавзусида реферат тайёрладилар. Бу реферат шу мавзуда мактаб миқёсида ўтказиладиган юқори синф ўқувчилари конференциясига тайёргарлик кўришнинг биринчи босқичи эди.

Мактабларимизда ўқувчиларни экологик таълим ва тарбия беришнинг аҳволи билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики, бу му-

аммо ҳамон мактаб курсида ўрганиладиган ҳамма фанлар ўқитувчилари томонидан самарали амалга оширилмасдан, кўп ҳолларда жуда нари борса *биология*, жуда кам ҳолларда *физика*, *химия* ва *география* ўқитувчилари фаолиятларида узлуксиз бўлмаса-да кўзга ташланиб туради. Ўқувчиларга экологик таълим ва тарбия беришда ниҳоятда катта имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон халқлари тарихи ва айниқса «Инсон ва жамият» курсларидан дарс берадиган ўқитувчилар, ҳозирги экология муаммолари бўйича зарур бўлган илмий-услубий ва дидактик маҳоратларини тўла ишга солмаётирлар.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар мактабларида дарс берадиган тарих ўқитувчиларини ҳуқуқий билим бўйича қайта тайёрлаш курслари ишлаб турибди. Бироқ, бу қайта тайёрлаш курси ўқув режасида мактабда «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Инсон ва жамият» курсларини ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим ва тарбия бериш муаммоси ўз ўрнини топмаган. Шундай экан, мактаб тарих, «Инсон ва жамият» курси ўқитувчиси мавзубоп тақвимий иш режасини тузишда ва айниқса бевосита экология муаммосига бағишланган дарсларида масалага мутлақ жиддий муносабатда ёндашмоғи лозим. Бунинг учун биринчи гада Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг экология тўғрисидаги қонунлари мазмунини атрофлича ўзлаштириб олмоғи, масалага қонун нуқтаи-назаридан ёндашмоғи лозим. Шу ўринда Президент Ислоҳ Каримовнинг «...қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак... Бизда қонунни ҳурмат қилишдек олий туйғунинг ўзи йўқ. Шундай экан, биз янги жамиятга қандай қилиб ўтмоқчимиз?.. Мен учун энг муҳими — қонунийликни ҳурмат қилишдир»<sup>1</sup>, деган қатъий фикрдан қонунга нисбатан муносабатда ҳаракат дастури сифатида фойдаланмоқ зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрида «*Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида*» махсус қарор қабул қилган. Бу қарор Республикамиз мактабларида экологик таълим ва тарбия олиб боришнинг асосий дастури бўлиб қолиши керак.

Бу ҳужжатда жумладан шундай ёзилган: «*қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан. Фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш: ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир*».

Юқори синфларда экологик таълим-тарбия олиб бораётган ўқитувчи мазкур қонуннинг «*Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:*

— инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, Республикада самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг. — Т.: «Ўзбекистон», 1993, 5—6-бетлар.

тириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

— жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

— экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

— экология хавфсизлигини таъминлаш;

— табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш-дир».

Мақтабда экологик тарбия олиб боришни кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан узвий алоқада боғлаб боришда Ўзбекистон табиатни муҳофизат қилиш Давлат қўмитаси фаолиятини баён этиб бориладиган материаллар ва ахборотлардан системали равишда фойдаланиб бориш лозим.

Мазкур қонунда нафиқат табиатни муҳофизат қилишдан кузатилган мақсад, балки уни самарали ҳал этиш, «*Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш*» (4-модда) ҳам қўйиладиган аниқ кўрсатиб берилган.

— «Инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва уни келгуси ашюблари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

— фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги (Т. Т.);

— жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

— табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

— табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

— табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкора-лик;

— табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

— табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш»<sup>1</sup>.

Республикаимиз мактабларида ўрганиладиган «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Инсон ва жамият» курсларини ўқитишда ўқувчиларга

<sup>1</sup> «Ўзбекистон табиати» газетаси. 1993, 3-февраль. 5—6-сон.

экологик таълим-тарбия беришнинг яна бир қийинчилиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган ва илгаригидек ўқув дастурларини Москвадан олмаслигига қарамасдан ҳамон «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Инсон ва жамият» курсидан илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан давр талаби даражасида ишлаб чиқилган ўқув дастури йўқ. Шундай экан, ўқитувчи мавжуд бўлган дастурлардаги мавзуларга ижодий ёндашиб, имкони бор жойда экологик таълим-тарбияни самарали шакл ва ўз тажрибамизда «Инсон ва жамият» курсини ўрганишда икки дарсга мўлжалланган мавзу: «*Экологик инқироз ва унинг олдини олиш йўллари*»ни куйидаги режа асосида ўтказдик ва ижобий натижаларга эришдик.

### **ДАРСНИНГ РЕЖАСИ**

**Кириш.** Дарснинг таълимий-тарбиявий ва ривожлантириб бориладиган таълимдан кузатилган мақсадни белгилаб олгач, ўқувчиларнинг диққат-эътиборлари **қуйидаги масалаларга жалб этилади:**

1. Экологик хавфсизлик-инсониятнинг умумбашарий муаммосидир.
2. Республикамиз демографик ҳолатининг экология муаммоларига таъсири.
3. Инсоннинг ҳужалик фаолияти ва табиат инқироzi.
4. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўлкада экологик ҳолатни тиклаш йўлидаги комплекс тадбирлари.

### **Хулоса.**

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мавзу ниҳоятда ҳаётимизнинг долзарб муаммосига бағишланган бўлиб, бирон ўқувчи бу мавзуга тайёргарлик кўришда лоқайд бўлиб қолмаслиги керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчи мазкур мавзунинг режасини илгаридан ўқувчиларга эълон қилади. Ўз навбатида ўқувчилар *география, биология, химия, ва физика* дарсларидан олган билимлари, ўқитувчи томонидан тавсия этилган махсус адабиёт ва уларнинг ўзлари мустақил ўқиган даврий матбуот материаллари асосида олдиндан реферат ёзиш ва ўқитувчи раҳбарлиги остида экология бўйича даврий матбуот материаллари асосида ўлкамиз экологик ҳолатини акс эттирган махсус кўргазма тайёрлайдилар.

Зарур бўлган тайёргарликларни амалга ошириб бўлгач, ўқитувчи мазкур мавзунинг биринчи дарсини суҳбат усулида ўтади. Иккинчи дарс эса ўқувчилар томонидан тайёрланган рефератларнинг энг мазмунлиларини синфда тинглашга бағишланади. Ниҳоят, семинар машғулотли ўқитувчи томонидан умумлаштирилиб, ўқувчилар билимларини баҳолаш билан якунланади.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, мактабда экологик таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишда махсус адабиётларнинг роли бениҳоя каттадир. Шундай экан, ҳар бир мактаб ку-

тухбонасини газета ва журналлар билан жамлаштиришда бу муаммага алоҳида эътибор бермоқ лозим. Ҳеч кимга сир эмаски, умуман экологик муаммолар ва уларнинг ечими ҳозирча Республикамида ягона ушбу соҳа газетаси ҳисобланган «Ўзбекистон табиати»дир. Шундай экан, бу газета ҳар бир мактаб кутубхонасида албатта бир неча нусхадан бўлиши керак.

Ўзбек халқи табиатга тарихан уюқ диврдан бери меҳр билан қарашган, уни асраб-янавланган Урғаниб келган. Бу миллий байрам, қадимий анъана, урф-одағларни яққол кўрилади. Хусусан Марказий Оснб халқларининг ҳар йили нишонланадиган «НАВРЎЗ» байрими асрлар давомиди она ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлиш тушгуларини тарбиялаган, меҳнат тарбияси ва маънавий тарбияда муҳим роль ўйнаган. Табиат билан инсоннинг ушро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи бу байрам деҳқончилик байрамигина эмас, балки том маънода экологик байрам ҳамдир.

Халқнинг соф экологик маъмуна ва тарихий удумларинан яна бири «ТАГАНАК»дир. Бу удума кўра *Тог ва тоғ тағида шивовчи кишилар эрта баҳорда йиғилишиб, шод-хуррамлик билан уюқ йўлга отланадилар ва тоғ-у -тоғидаги булоқлар кўзини очиб, жилгалар йулини шох-шаббалардан, лойқадан тозалайдилар, дарахтларининг қуриган шохларини кесадилар*<sup>1</sup>. Аҳолини экологик руҳда, яъни она табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялашда миллий бадиий адабиётнинг ҳам аҳамияти каттадир. Ўзбек халқининг мумтоз шоир ва ёзувчилари, жумладан **Алишер Навоий** ва **Заҳриддин Муҳаммад Бобур** асарлари айниқса экологик маъмунага эгадир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши экология муаммоларини жадал ва катта масъулият билан ҳал қилишда янги босқич очди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «*Ер, ер ости бойликлари сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур*»<sup>2</sup> деб мустақамлаб қўйилган. Эндиликда экологик муаммолар ҳукуматнинг доимий назорати остида. Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, «*Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очиқ эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий — буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. — Т.: «Қомуслар» Бош таҳририя-ти. 35—37-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон». 1992. 19-бет.

*айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажакига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса» қалб нидоси «бўлиб келган»<sup>1</sup>.*

**?**

### **САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Экологик омилнинг инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир кучи қандай бўлади?
2. Социал экологиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. «Табиат-Жамият-Инсон» — ушбу ягона бир бутунликни изоҳлай оласизми?
4. Экологик маданият деганда нимани тушунаси?
5. Тарих дарсларида экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари ва босқичларининг ўрганилиши қандай натижалар бериши мумкин. Бу ҳақда сизнинг шахсий фикрингиз қандай?

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон». 1997, 110-бет.

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТНИ АНГЛАМОҚ — ВАТАННИ АНГЛАМОҚДИР

### 1. ТАРИХ ДАРСЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУШУНЧАСИ

*Бизнинг буюк ўтмишимиз бор. Миллий маданиятимиз жаҳон цивилизациясининг энг ёрқин саҳифаларидан жой олган. Ўтмишимиз неча ўн йиллар мобайнида хўрланиб, камситиб келинди. Ниҳоят истиқлол қўғши чиқиб, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлига ўтдик.*

**Ислом Каримов**

Табиийки, миллий қадрият тушунчаси фуқароларимиз онгида, айниқса, ўқувчи ёшлар тушунчаларида йўл-йўлакай шаклланиб, камол топиб, инсонни бу соҳада ҳаракатга келтирувчи куч даражасига кўтармайди.

Бу борада ҳар бир инсонни туғилиб ўсган маскани — Ватани, Унинг табиати ва тарихига қизиқишларини уйғота билиш, камол топтириш асосий омил ҳисобланади. Ана шундай омил ўз навбатида мактабда ўрганиладиган фан асосларининг мақсад, мазмун ва вазифалари жамланишидан келиб чиқмоғи лозим.

Мактабда ўрганиладиган барча фанларда, уларнинг дастурлари ва дарс режаларини тузиш, таълимий-тарбиявий ва айниқса, рилевожлантириб борувчи таълим мақсадларини илмий-услубий ва дидактик жиҳатдан аниқлаб олишда ўқувчи ёшларнинг ўз халқи миллий қадриятлари ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришга катта эътибор берилadi. Лекин, шунга қарамасдан ўрта мактабларда ўрганиладиган Ўзбекистон халқлари тарихининг ўрни, илмий-услубий имкониятлари кўлами бирмунча катта. Демак, унга эътибор ҳам шунга яриши бўлмоқда. Мисалан, собиқ Иттифоқ даврида «Ўзбекистон ССР тарихи» деб аталмиш махсус мактаб курси йўқ эди. У бор-йўғи 22 сонат дипломида СССР тарихи курси таркибида ўлкашунослик аниқлари сифатидагина ўрганилар эди. Бутунги кунга келиб истиқлол шарофати билан Ўзбекистон халқлари тарихи V—XI синфларда ўқув йили дипломида махсус курс сифатида ўрганиладиган бўлди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан 1996 йилда Ўзбекистон халқлари янги тарихини тарихий ва илмий ҳақиқат ос-

тида яратиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди, махсус илмий-тадқиқот институти таъсис этилди. Ўзбекистон тарихи эндиликда ҳукуратимиз диққат-эътибори марказида экан, *бу фаннинг ёшларимизни миллий қадриятларимиз ва ўз она Ватанимизнинг фидойи ватанпарварлари этиб тарбиялашдаги вазифаси қандай амалга оширилмоқда?*

Тўғри, тажрибали ўқитувчилар ўзларининг педагогик фаолиятларида дарс ва синфдан ташқари машғулотлар давомида ўқувчи ёшларимизга миллий қадриятларимиз ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бобида бирмунча ютуқларга эришиб келмоқдалар. Бироқ, ютуқлар билан бирга ҳал этилишини кутиб ётган кўпгина илмий-услубий, педагогик ва дидактик муаммолар ҳам мавжуддир. *Улар қуйидагилардан иборат:*

а) ўқувчи ёшларни Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиши давомида тарбиянинг барча жиҳатларини қамраб олган, амалиётда синаб кўрилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмалар, дарс самарадорлигини оширишни таъмин этишга йўналтирилган дидактик материаллар ишлаб чиқишни таъмин этувчи тарих ўқитиш бобида юқори малакали ўқитувчилар фаолият кўрсатадиган тажриба мактабининг йўқлиги;

б) давр талаби даражасида яратилган дарслик ва услубий қўлланмаларнинг йўқлиги;

в) педагогик олий ўқув юртлари ва университетларимизда тарихчи педагогларни етиштиришда мазкур муаммога етарли эътибор берилмаётганлиги; Тошкент шаҳар ва Республикаимизнинг ҳар бир вилоятларида мавжуд бўлган ўқитувчилар малакаларини ошириш, айниқса, Ўзбекистон халқлари тарихи бўйича қайта тайёрлаш курсларида мазкур муаммо бўйича маърузачиларимизда профессионал маҳоратининг етишмаслиги;

г) Президент И. А. Каримовнинг ёшларимизда миллий ва маънавий қадрият, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялашнинг илмий-назарий йўриқномалари билан йўлтирилган асарлари ва нутқларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчи ёшларимизни тарбиялашга ҳар томонлама ёндашишни самарали амалга оширишга йўналтирилган илмий-услубий дастурлар ва қўлланмаларни яратиш ва амалиётда фойдаланишнинг бирмунча суствлик билан амалга оширилаётганлигидадир.

Бу борада яна бир эътиборсизлик натижаси бўлиб қолаётган масалани ҳал этмоқ лозим. У ҳам бўлса миллий истиқлолга эришган Ўзбекистон халқлари тарихининг номидир. Шу нарса сир эмаски, академик И. Мўминов таҳрири остида нашр этилган тўрт томлик тарихимиз ибтидоий жамоа давридан бошланиб, энг янги тарих дав-



рини қамраб олган бўлса-да, уларнинг ҳар тўрттала томи «Ўзбекистон ССР тарихи» деб аталиб келинди. Академик нашрда тарихимиз номи шундай аталган экан, академик Ф. Гуломов ва Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Р. Набиевларнинг республикамиз ўрта умумталим мактабларининг 7—8-синфлари учун, М. Мусаев ва Р. Ўрмоноваларнинг 10-синфлар учун чиқарган қўлланмалари ҳам «Ўзбекистон ССР тарихи» деб номланиб келинди. Бутунги кунга келиб эса «Ўзбекистон тарихи» бўлди, қолди.

Таажжубланарли томони шундаки, на бирор тарихчи олим ва на малакасини ошириш учун келган бирор тарихчи ўқитувчи ўз-ўзига ёки маърузачига *«қандай қилиб ибтидоий жамоа даврида «Ўзбекистон ССР» бўлган, Кушон давлати ёки Турк ҳоқонлигини, араблар истилоси ёки Темур давлати орасида «Ўзбекистон ССР» тушунчаси билан қандай мантиқий алоқадорлик бор, деб савол бермаганидек, эндиликда «Ўзбекистон тарихи» деб ном берганда «нима, биз Ўзбекистон тарихида фақатгина шу ҳудудда яшаётган ўзбеклар тарихинигина ўрганиб, асрлар давомида ўзбеклар билан ёнма-ён, бир қишлоқ, бир маҳалла, бир шаҳар, бир ҳудудда яшаб келаётган, тили, дини, урф-одати бир биродарларимиз — қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, тиллари форсий бўлса-да бутун ҳаёт тарзи ўзбеклардек бўлган биродарларимиз — тожик халқлари бой тарихини четлаб ўтацизм, деган савол берилганмикин? Хуллас, фикримизча, тарихимиз номини 1924 йилга қадар «Туркистон халқлари тарихи» ёки «Турон тарихи» деб, 1924 йилдан буёғига эса айрим тарихчи биродарларимиз тарғиб этаётганларидек «Ўзбекистон тарихи» эмас, балки «Ўзбекистон халқлари тарихи» деб аташ талабга мувофиқ эмасмикин?*

Биз мазкур муаммо устида илмий тадқиқот ишлари олиб борар эканмиз, биринчи галда Президент Ислон Каримов асарлари ва нутқларидан ушбу масала хусусида баён этилган илмий-назарий ва методологик йўриқномаларига асосландик. Шу мақсадда юртбошимизнинг Ўзбекистонни умумий ривожлантиришнинг асосий режаларини ўзида мужассамлаштирган асари — *«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарқиқёт йўли»* китобини атрофлича ўрганишдан бошладик. Асарди ёш авлод тарбиясини умумий амалга оширишнинг ҳақиқий концепцияси қуйидагича баён этиб берилган:

*«Янги демократия таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи барча халқларининг миллий тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур»,* — деб қайд этилган.

Мазкур сатрларда ўқувчи ёшларимиз тарбиясига комплекс ёндашиш йўриғининг нақилар аниқ баён этилганлиги яққол кўриниб турибди.

Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқида халқимиз тарихини чуқур таҳлил этиш асосида «*фақат ўтмишни эслаш ва ўтмиш билан фахрланишнинг ўзи натижа бермайди. Мақсадни тўла англамай, истиқболни кўрмай, яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Айрим шахслар ўтмиш ва келажак ҳақидаги чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб, бугунги кунни, бутун яшаётган кишиларнинг, фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини унутиб қўймаётими? Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади. Агар бугун шошилиб ниманидир унутсак, келажак авлодлар ўша нарсалардан маҳрум бўлади. Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард натижада таназзулга юз тутади*», — деб алоҳида таъкидлади.

Ўқувчи ёшларни миллий қадриятимиз ва миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида олиб борадиган илмий педагогик фаолиятимизни И. А. Каримов асарлари ва нутқларидан келиб чиқадиган йўриқномалар асосида ташкил этишимизда бу борадаги ишларимизни самарали боришини таъминлашда ҳал қилувчи натижаларга эришдик. Бунинг учун биз ҳар бир асар устида ишлар эканмиз, унда қамраб олинган тарбияга доир ҳар бир муаммонинг таснифланишини белгилаб чиқдик. Натижада Ўзбекистон халқлари тарихи дастуридаги қайси бир мавзунинг ўрганишга, қайси масалани илмий-назарий жиҳатдан меъёрига етказиб таҳлил этиш, тарихий ашёни Республикаимизнинг бугунги реал ҳаёти билан қандай боғлаб ўрганиш, ўз истиқлолига эришган Ўзбекистон Республикасининг олдида қандай муаммолар турибди ва уларни бартараф этишда ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этмоғи, жумладан бизни бевосита қизиқтирадиган муаммо — ўқувчи ёшларни миллий ва маънавий қадриятларимизни, шунингдек, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини камол топтиришга катта эътибор берилди. Алоҳида муаммолар юзасидан Президентимиз И. А. Каримовнинг фикрлари кўчирма сифатида компьютерда кўчиртирилиб, ўқувчиларга тарқатиладиган дидактик материал ҳолатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошида фаолият кўрсатаётган чет тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган лицей-интернатда Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш жараёнида И. А. Каримов асарларини атрофлича ўрганишда анча ижобий тажрибалар шаклланиб бормоқда. Биринчи галда бугунги кун талаби даражасида махсус Ўзбекистон халқлари тарихи қайта жиҳозланди. Дастур асосида ҳар бир мавзунинг ўрганишга баҳоли қудрат кўرғазмаллик, Ислоҳ Каримов асарларида ўрганиладиган мавзуга доир, унинг назарий ва амалий моҳиятларини атрофлича чуқур ўрганишни таъмин этадиган ўқувчиларга тааллуқли дидактик материаллар ишлаб

чиқилган. Айниқса, Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш орқали халқимизнинг тарихан шаклланган миллий анъаналарига асосланган ҳолда олиб бораётган фаолияти алоҳида семинар машғулотлари давомида атрофлича кўриб чиқилмоқда. Бу борада И. А. Каримовнинг «*Ўзбекистан XXI аср бўсағасида...*» асаридан «*Экологик муаммолар*», «*Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши*», «*Кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши*» мавзуларидан, шунингдек, Президентимизнинг «*Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданият даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақида*»-ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «*Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*»-ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил август ойида бўлиб ўтган сессияси материалларидан мақсиди мувофиқ фойдаланилди. Ўрта мактабларда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларида Президентимиз асарларини ўрганиш хусусида Халқ таълими ёки Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан махсус буйруқ асосида неча соат матрун-ю, неча соат семинар машғулот давомида ўрганиш хусусида махсус фирмон тўлон қилинди. Биз ўқувчиларни гоъвий-сиёсий, мафқурийий фуқаролик тарбияларида давр нафаси билан ҳамоҳанг бўлиш мақсидида Узинимизнинг фаолиятимизга ижодий ёндашиб, уни ижодий ривожлантириб бориб, юқорида қайд этилган Президентимиз асарлари, фармон ва давлат ҳужжатларини мустақил ўрганишга киришдик ва ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бир вақтда уларнинг диққат-эътиборларини истиқлол мафқурасига жалб этиш, унинг асосий принципларини англаб олишларига самарали йўллаш билан бирга истиқлол туфайли миллий қадриятларимизни англашга муваффақ бўлаётганлигимизни аниқ мисоллар, ҳукумат тадбирлари асосида тушунтириб беришда бирмунча муваффақиятларга эришдик.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Президент И. А. Каримов асарларида давлатимизнинг келажак истиқболи кўрсатиб берилиши билан чегараланмасдан, балки унга эришиш йўллари ҳам асосли қилиб кўрсатиб берилган. Масалан, Президент И. А. Каримов ўзининг «*Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли*» асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари хусусида фикр юритар экан, *бу негизлар:*

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— ватанпарварлик (65-бет) эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг XV сессиясида сўзлаган нутқида ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида тўхталиб ўтиб, *«Бизнинг асосий бойлигимиз ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Илм ўрганиш ва маънавий-ахлоқий қадриятлар ўрнини «Сникерс» ва сигарет савдоси эгаллашига асло чидаб бўлмайди. Бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик»*, деб таъкидлади.

Миллий қадрият, маънавият, маданият умумбашарий қадрият, маънавият ва маданиятнинг сарчашмасидир. Ана шу сарчашма маълум маконда, яъни Ватанда вужудга келади. Шундай экан, миллий қадрият ва маданият бевосита ватанпарварлик билан узвий алоқадорликдадир.

Туркистон халқлари тарихи инсониятнинг энг олийжаноб орзумидлари, эзгу ниятларини ўзида мужассамлаштирган ана шундай ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган десак муболаға бўлмас. **Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур, Муҳаммад Али (Дукчи Эшон), Кўчқор Турдиев, Собир Раҳимов, ...** эҳ-ҳе яна қанча-қанча довурак қалблар.

Биз ўзимизнинг педагогик фаолиятимизда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда» ана шундай катта имкониятларимиздан ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланмаётимиз. Масалан, биз жафокаш халқимизнинг азалий орзуси — миллий мустақилликка эришганимиз туфайли Соҳибқирон Амир Темур асос солган империя тарихини ўрганишга бағишланган мавзунини ўтишимизда ўқувчиларни ватанпарварлик тарбияси учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳақиқий, асосли маълумотлардан фойдаланиш имкониятларига эгамиз. Афсуски, тарих ўқитиш услубиятидан чоп этилган махсус адабиётларда турли сабабларга кўра Амир Темур шахсига тавсиф беришда тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ҳолатлари бўлган.

Минг афсуски, миллий қадрият ва Ватанни англамоқ Ўзбекистон халқлари тарихидан чиқаётган бошқа китобларда ҳам ўзининг ҳақиқий ифодасини топмаётир. Масалан, В. Костецкийнинг 8—9 синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон халқлари тарихи»дан ўқув материаллари. (Тошкент, «Ўқитувчи», 1992) китобида Ўрта Осиё, халқларининг мўғулларга қарши олиб борган курашида халқ қаҳрамонлари Хўжанд ҳимоясида мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатган **Темур Малик** ва 1220 йилда Хоразм шаҳзодаси **Жалолиддин**

**Мангубердининг** миллий қаҳрамонлар сифатида кўрсатган жасоратлари умуман ўқувчи ёшларни миллий қадриятларимиз ва Ватанни англашга йўналтириш йўлида арзигулик фикрлар баён этилмаган.

Биз юқорида ўқувчи ёшларимизни миллий қадрият ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим-тарбия ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ўқитиладиган Ўзбекистон халқлари тарихидан олинган аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилдик. Ҳолбуки, Ўзбекистон мактабларида таълим-тарбия ишлари *етти тилда* олиб борилади. Жумладан, республикамызда **қозоқ** тилида ўқитиладиган мактаб ва синфларда 144970 ўқувчи, **тожик** тилида — 129971, **туркман** тилида — 19221, **қорақалпоқ** тилида — 125060 ўқувчи ўз она тилларида таълим олиб ўз халқлари тарихини ўрганаядилар. Шундай экан, бу мактабларда ҳам Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Қирғизистон ва ҳ.к. халқлар тарихлари дарсликларида ҳам ўқувчи ёшларимизни миллий қадрият ва оташин ватанпарварлар этиб тарбиялаш муаммолари ижобий ҳал этилиб, давримиз талаби даражасига кўтарилган бўлмоғи керак.

Кези келганда шуни, алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, сўнгги йилларда Бўрибой Аҳмедов каби теран тарихчи олимларимиз қатори **Мирмуҳсин**, **Муҳаммад Али**, **Явдат Илёсовлар** каби ёзувчиларимиз тарихий мавзуларда етук асарлар яратиб, миллий қадриятларимизни англаб олишимиз ва ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаяларини қўшиб келмоқдалар.

Мактабларимизда Ўрта Осиё халқларининг одоб-ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаштирган «Дин тарихи», «Одобнома» дарсларининг жорий этилиши ҳам мамлакатимизда ўзлигимизни англаш мавридимида катта силжишлар бошланганлигидан дариқ бермоқда.

Мактабларда ўқитиляётган тарих курслари, давлат ва ҳуқуқ, асослари, инсон ва жамият, ўзбек адабиёти ва чет мамлакатлар адабиётларини ўрганиш жараёнига, айниқса, Президентимиз И. А. Каримов асарларини ўрганиш ва ёшларимизда миллий қадриятларимизни чуқур эҳтирос билан ўрганиш ва келажиги буюк бўлган давлатимизнинг бунёдкорлари, жангшар ватанпарварларининг тарбиялаб вояга етказишда муҳим роль ўйнаши керак.

Соҳибқирон Амир Темури Мошароуннаҳрда марказлашган қудратли давлат қуриш хусусида фикр юритар экан, «*давлат* *лашкарлари фуқароларнинг садоқати ва фидоийлигила қудратлидир*» деб алоҳида қайд этганлари бежиз эмас эди.

Юртбошимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида сўзланган нутқидаги қуйидаги кўрсатмалари биз педагогларга ўқувчи ёшларни халқимизнинг миллий, маънавий, маданий қадриятлари ва ватанпарварлик руҳида тарбия-

лашимиздаги фаолиятимизнинг дастуриламали бўлмоғи керак. «Ўзбекистонимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбияламоғимиз лозим.

*Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири яна шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».*

Президентимиз И. А. Каримов миллий қадриятларимизга алоҳида тўхталиб, — «Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлари ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Биз қадриятларимизга риоя қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Демократияни қарор топтиришда миллий ўзига хослик ҳисобга олинishi ҳақида сўзласам, айрим муҳолифлар бу фикрни тўғри англамаяптилар. Аммо, мен ўз фикримда собитман, уни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Албатта, демократиянинг умумий талаблари барча учун қоида бўлиши керак. Бироқ, биз мусулмон халқимиз. Шарм-ҳаё, орномус ҳар биримизда мустаҳкам»<sup>1</sup>, — деб айтганларида ҳар томонлама ва ҳар бир киши учун ҳақ фикрни айтдилар.

?

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Миллий қадрият тушунчасини батафсил изоҳлай оласизми?
2. Миллий қадриятлар ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг асоси нималарда ифодаланади?
3. Миллий қадрият, маънавият, маданият тушунчаларининг моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
4. Эслаб кўрингчи, сўнги йилларда қайси тарихчи олимларимиз, ёзувчиларимизнинг тарихий мавзуларда яратган асарларида миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик ўз аксини топган?

<sup>1</sup> Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. — Т.: «Ўзбекистон». 1997, 259-бет.

## Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши

I. Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур этолмайди.

III. Мустақилликнинг дастлабки кунларида-ноқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш даъват сўбасат ларажасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.



II. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсшида, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг ил-диэларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

IV. Тарғад хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, ҳаққатимизнинг ҳудудини холис ва ҳаққоний тарғадни тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жонз бўлса, миллий ифтихорини тиклаш ва ўстириш жараёнида муҳим ўрин тутали.

V. Ўзбекистон халқи жаҳон маданияти ва цивилизациясига ўттишнинг буюк алломалари, шоир ва мутафаккирлари томондан боқийс қатга бўлиб қўшилган улғувор маънавий қадриятларнинг меросхўридир.

## Маънавий қадриятларнинг манбалари

I. Жамиятнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалини тажрибасини ўзда жамлаган ислом маданиятини тиклаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги гоя муҳим қадам бўлди.

II. Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ ҳужалиги минг йиллар мобайнида бутунлай сугориладиган дехқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

Маънавий  
қадриятлар

III. Маънавий қадриятларнинг яна бир кўрагали манбаи — анъанавий онла ва қариндошлик муносабатлари одобдан иборатдир. Катталарни хурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамisha унинг асосий қоидаларидан бўлиб келган.

IV. Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашини ҳам англатади. Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига ривож этиш, тадбиркорлик эркинлиги, мутбуот эркинлиги ва ҳоказолардир.



— Шарқ мутафаккирларининг ўнлаб ноёб асарлари *ўзбек, инглиз, француз, немис, япон, рус* ва жаҳоннинг бошқа халқлари тилларида нашр этилди. ЮНЕСКО ҳомийлигида Шарқ маданияти, санъати ва тарихига бағишланган лазер дисклар чиқарилди.

— Мустақиллик йилларида ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида *Мирзо Улугбек, Амир Темура, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухарий, Камалиддин Беҳбуд* ҳамда Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарлари, «*Алпамиш*» эпоси ва «*Авесто*» юбилейлари нишонланди.

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қулфлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон қосқин Унтартириб юборди.

Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тоғувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

**Ислом Каримов**

## ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ

### 1. ТАРИХ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

*«Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши, унинг ўз давлатини гуллаб-яшнаши учун тайёрлигидандир».*

**Ислом Каримов**

Қандай жамиятнинг қудрати унинг фуқароларининг ўз давлати ва халқига нисбатан бўлган фидоийлиги, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий бойлиги, куч-қудратини мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссаси билан ифодаланиб келинган.

Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги, деб кўрсатади. Президентимиз Ислом Каримов, — *бу катта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзлаган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга унинг ери, табиятига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади»<sup>1</sup>.*

Президент Ислом Каримовнинг республикамизни комплекс ривожлантиришда Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлик фаолиятларини муттасил камол топтириб бориш хусусидаги кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириб боришда мактабда ўрганиладиган тарих дарсларининг роли каттадир.

Гап шундаки, *авваламбор* мактабда ўрганиладиган табиий фанлардан фарқ этган ҳолда тарих фанларидан тузиладиган дарс кўчирмалари дарс режаларида ўрганиладиган мавзулардан кузатилган мақсадлар; дарснинг *таълимий, тарбиявий* ва алоҳида олинган мавзунини ўрганиш жараёнида ривожлантириб бориладиган таълимнинг йўналишларини ҳар томонлама алоҳида асослаб берилиши тарих дарсларида ўқувчилар орасида *фуқаролик тарбиясини* тизимли равишда амалга ошириб боришда тарих ўқитувчисида чексиз *илмий-услубий*

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992, 76-бет.

ва *дидактик* имкониятлар мавжуд эканлигини ифодалайди. *Иккинчидан*, замонавий тарих дарсларига бўлган талабларда ўқувчилар тарбиясига ҳар томонлама ёндашиш ва унда тарих ўқитишнинг методологик асосини ташкил этадиган Президентимиз Ислоҳ Каримов асарларидан кенг, мақсадга мувофиқ фойдаланиш. *Учинчидан*, тарих таълимини мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугунги ҳаёти билан бевосита боғлаб ўрганиш. *Туртинчидан*, Ўзбекистон тарихидан яратилган ва келажакда уни ўқитишни янада такомиллаштириш йўлида яратиладиган ўқув дастурлари, дарсликлар ва услубий қўлланмаларда бу масала, яъни ўқувчиларда аниқ мақсад — Ўзбекистон Республикасига содиқ фуқаролик ҳис-туйғулари бўлган фидоий ёшларни тарбиялаш масаласи тарихий фактлар ва уларни илмий-назарий ва услубий-дидактик жиҳатдан асослаб боришда ўзининг ифодасини топмоғи керак. *Бешинчидан*, Президентимиз И. Каримовнинг «**Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида**»ги Фармонидан келиб чиқадиган ҳуқуқий талабларни ҳар бир талаба онига муттасил равишда сингдириб бориш ҳар бир педагогнинг, биринчи галда тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиларининг олдида турган долзарб вазифадир.

Гап шундаки, мазкур қарорда республикаимиз жамоатчилигининг вазифалари қуйидагича аниқ ва равшан баён этиб берилган:

*«Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиши, давлат бошқарув, ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларининг энг долзарб вазифалари»*дир.

Мазкур фармоннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ҳуқуқий тарбия фуқаролик бурчларини тарғиб этиш ва унинг кундалик амалий ҳаётда турмушга татбиқ этишнинг услубий томонларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Бу хусусда фармонда шундай дейилган:

— ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

— ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил этиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш»<sup>1</sup>.

Ўқувчиларимизда фуқаролик тарбиясини амалга оширишдаги вазифаларимиз ҳам назарий ҳам услубий жиҳатдан аниқ экан, улар-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 1997, 27 июнь.

ни мактабларимиз тажрибасида тарих ўқитиш амалиётидаги аҳволи қандай?

Бу борада Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри мактабларида ўрганишга молик бўлган қатор илғор тажрибалар мавжуд. Тошкент шаҳар 42-мактаб-гимназиянинг тарих ўқитувчиси Татьяна Дмитриевна Григорьева, Ҳамза туманидаги 161-мактабдан Габитова Роза, Тошкент вилояти, Янгиобод шаҳар 1-мактабидан Галина Ивановна Кукушкина ва кўплаб бошқа тажрибали тарихчи ўқитувчилар дарс ва синфдан ташқари машғулотлар давомида ўқувчиларнинг фуқаролик ҳис-туйғуларини тарбиялаб, ўз ватанларига содиқ ёш авлодни тарбиялашда, бирмунча ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Бироқ, мазкур муаммо юзасидан кузатилган дарсларимиз ва ўзимизнинг кўп йиллик мактаб тарих ўқитувчиси сифатидаги педагогик фаолиятимиз бу борада таълим-тарбия ишларимизни янада самарали амалга ошириб боришимизда қатор илмий-услубий ва амалий муаммоларни ҳал этиш лозимлигини яққол кўрсатмоқда. Ана шундай муаммолардан бири табиийки, тарих ўқитувчиси қўлидаги дастур ва услубий ўқув қўлланмаларидир.

Аксарият ҳолларда мукамал дастур ва услубий қўлланмалар ўқитувчилар олдига қўйилган жамийки таълим-тарбия муаммоларини амалга оширишда қўл келади. Афсуски, Ўзбекистан тарихидан мавжуд бўлган ана шундай услубий қўлланмаларнинг айримлари тарих дарсларида таълим-тарбия ишларининг катта умумдават аҳамият касб этиши хусусида баландпарвоз гаплар билан бошлансада, амалда улардан замонавий тарих дарси учун арзигулик масалада фойдаланиш мумкин эмас.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари ва ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил **СОҲИБҚИРОН Амир Темур йили** деб эълон қилинди. Амир Темурнинг 665 йиллигини бутун дунё жамоатчилиги кенг нишонлади. Нафақат Амир Темур Ватани Ўзбекистонда балки бутун дунёда унинг шахси, билимдон давлат арбоби, ҳарбий стратег, дипломат, Қуръони Каримни ниҳоятда қироат билан ўқувчи, ислом пешволарининг буюк ҳимоячиси, эрксевар, доно, қурувчи, меъмор ва бошқа сифатлари атрофлича таҳлил этилиб, унинг жаҳон халқлари тарихида тутган ўрни илмий жиҳатдан одилона асослаб берилди. Ўзбекистонимизда ҳам Амир Темур ҳаётига бағишлаб қатор илмий-назарий конференциялар бўлиб ўтди, тўпламлар, тезислар, алоҳида бадиий асарлар, спектакл ва кинолар намоиш этилди. Бироқ ана шу тарихий ҳақиқат асосида ўқилган маърузалар матнлари, тўпламлар, илмий ахборотлардан мактаб тарих ўқитувчиси 45 минутлик дарс жараёнида қандай фойдаланиши керак деган масала Республикамиз матбуотида илмий-методик ва дидактик жиҳатдан мутлақ ўз аксини топмади. Ҳолбуки, тарих дарс-

ларида Амир Темур мавзусини ўтишда СОҲИБҚИРОН шахс тим-солида ёшлар тарбиясига комплекс ёндашиш, айниқса уларда ҳарбий ватанпарварлик, маънавий қадриятларимизда чуқур иззат ва эҳтиром муносабатида бўлиш, шу муқаддас заминда яшаб ижод этаётганимиз ва шу табарруқ ватанимиз фуқароси эканлигимиз билан фахрланиш сифатларини камол топтиришдаги ролининг беқийс улуғлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Тарих дареларида фуқаролик тарбиясини собитқадамлик билан амалга ошириш учун ўқитувчи ўзининг ихтиёрида мавжуд бўлган объектив имкониятлардан мақсадли фойдаланилган ҳолда фойдаланиши лозим. **Булар:**

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Фуқароларнинг бурчлари» деб аталинган 2-бобидаги моддалар талабларини дарс жараёнида муттаасил амалга ошириб бориш;

б) айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини аниқлаб асрашига мажбурдирлар» (49-модда) ва «Фуқаролар атрофидаги муҳитга ҳаёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда) талабларни фуқаролик тарбиясини амалга ошириб боришда ҳар доим диққат марказида бўлмоғи керак;

в) Президент Ислам Каримов асарларида қўйилган муаммага оид кўрсатма ва йўл-йўриқлардан тарих дареи ва дарадан ташқари машғулотлар давомида кенг фойдаланиб бориш. Яна шунинг ҳисобга олиш лозимки, тарих ўқитувчиси ҳуқуқий тарбия бобида ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган ҳуқуқий норматив ҳужжатларни тезкор равишда ўрганиб, ўзининг методологик фаолиятида улардан келиб чиқадиган талабларни зудлик билан ёшларимизга етказиши, уларда ҳуқуқий билим ва савияларини давр талаби даражасида такомиллаштириб, шаклланиб боришига ва улардан ҳар бир талаба ўзининг кундалик амалий фаолиятида мақсадга мувофиқ, фойдалана олишларига ундамоғи керак. Мазкур ўринда Ўзбекистон Республикаси 1997 йилнинг 25 июнида эълон қилинган Президентимизнинг «**Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида**»ги фармонида қайд этилган энг долзарб масала — «*Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари*» эканлигини атрофлича идрок этмоғи ва мазкур фармондан келиб чиқадиган кўрсатмаларни ҳар бир талаба онгига мунтазам равишда сингдириб бормоғи керак;

г) қолаверса, тарих ўқитувчиси ҳар бир дарс ва синфдан ташқари машғулотларда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунни оғишмай амалга ошира бориб, таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умум-башарий кадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви:

— таълимнинг ижтимоийлашуви — таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда инсон маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

— таълимнинг миллий йўналтирилганлиги — таълимнинг *миллий тарих, халқ анъаналари* ва *урф-одатлари* билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

— таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга ўзининг фуқаролик бурчини шараф билан амалга ошира бориши ва турмушга татбиқ этмоғи лозим.

Фикримизча, тарих ўқитишда Миллий Дастурнинг юқорида қайд этилган талабларини оғишмай амалга ошириб бориш ўз навбатида Президентимиз Ислам Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек, *«Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir»*<sup>1</sup>.

?

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлик фаолиятларини камол топтиришда тарих дарсларининг роли қандай аҳамиятга эга?
2. Тарих дарсларида ўқувчилар орасида фуқаролик тарбиясини узлуксиз амалга ошириб боришда тарих ўқитувчисининг илмий-услубий ва дидактик имкониятлари қандай?
3. Ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турлари ҳақида биласизми?

<sup>1</sup> Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. «Халқ сўзи» газетаси. 1993. 8 декабрь.

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ТАРИХ УРГАНИШГА ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШИШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

### 1. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИНСОНПАРВАРЛАШТИРИШ, ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНТЕГРАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

*«Сифатли ўқув-услубий ва илмий ада-  
бидт ҳамда дидактик материалларнинг  
камчилиги, деб қайд этилади миллий дастур-  
да, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқа-  
риш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва  
ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги  
кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги  
жиддий камчиликлар сирасига кирadi»<sup>1</sup>.*

Дарҳақиқат, таълим-тарбия жараёнида ижтимоий-сиёсий, маъ-  
навий ва мафкуравий жиҳатдан етук шахсни камол топтириш муам-  
мосини самарали ҳал этиш кўп қиррали жараён бўлиб, унда бирин-  
чи галда таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва  
интеграциялаштиришга йўналтириш асосий омил ҳисобланади.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш  
ва интеграциялаштириш ғоясини изчиллик билан амалга ошириб  
бориш эса ўз навбатида ҳар бир ўқитилаётган фаннинг ёшлар дунё-  
қарашларини шакллантиришга хос масалаларни маълум мақсадга  
йўналтириш, мазкур фаннинг ўқитиш методикасига тарихийлик эле-  
ментларини киритишни, билишнинг диалектик жараёнини узлук-  
сиз мантиқий алоқадорликда олиб бориш йўли билан амалга оши-  
риб боришни тақозо этади.

Узоқ йиллар давомида олиб борган шахсий педагогик фаолияти-  
миз ва умуман жаҳон илғор педагогик тажрибаси шуни кўрсатади-  
ки, таълим жараёнига инсонпарварлик, демократик ва интеграцион  
ёндашиш педагогдан биринчи галда ҳар бир шахс-индивидда ман-  
тиқий тафаккур қобилиятини узлуксиз ривожлантиришга эришмоғи  
керак. Ўз навбатида ўқувчи ёшларда мустақил тафаккур этиш воси-  
талари ва қобилиятларини ривожлантириб бориш лозим. Дарҳақи-  
қат, буюк файласуф **Лукреций** айтганидек, одамларда ақл-идрок дун-  
ёни билиш билан ўсиб боради. Илм-фан, техника беқиёс ўсиб бораёт-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. — Т.: 1997, 97-бет.

ган бутунги кунимизда келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз учун муносиб мутахассис кадрлар етиштиришда ҳар бир ўқувчи ўз мулоҳазаларини назарий концепциялар ва уни ўраб турган кундалик реал амалий, ҳаётий мисоллар асосида аниқ фактлар воситаларида ифода-далаб беришни тақозо этади. Гап шундаки, Республикаимизнинг бу-гунидаги таълим тизимида мазкур муаммо ўз ечими йўлларини топмаган. Шу боис Миллий Дастурда, жумладан «*ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб келмоқда, малакали педагог-кадрлар етишмаслиги сезилмоқда, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9—10-синфларни татомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас. Ўқув дастурларида маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти*», деб қайд этилади. Худди мана шу ўринда инсоннинг мантиқий тафаккурида инсонпарварлик, демократия ва интеграция тушунчалари қанчалик ўрин олиш унинг келажакдаги фаолиятини (ўқиш, ишлаш, яшаш, одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш, теварак атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришда, Ватан тараққиёти йўлида ўз орзу-умидларини амалга ошириш ва ҳ.к.) белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида»ги тарихий қонунлар қабул қилинганлиги муносабати билан республика даврий матбуотида жуда кўп мақолалар, радио ва телевидение каналларида эшиттиришлар, давлат аҳамиятига молик бўлган бу тарихий ҳужжатларни ўрганиш бўйича махсус курслар ишлаб чиқилиб, эълон қилинди.

Шу боис Олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида Ўзбекистон халқлари тарихи, жаҳон тарихи, давлати ва ҳуқуқ асосларини ўрганишда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг «*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*» асари юзасидан махсус курсни ўрганишда «*ўтган йилларнинг мантиқи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожжаат қилишга ундаётганлиги:*

а) хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?

б) барқарорликни қандай таъминлаш даркор?

в) тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин? деган ўта долзарб саволларга тўғри жавоб топиш мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини таъминлайдиган ҳаракат дастури бўлиши лозимлигини онгли равишда ид-



рок этиш ва ўрганиш жараёнида ўқувчиларни юқорида қайд этилган ҳар бир муаммо юзасидан атрофлича назарий ва амалий билимлар билан қуроллантиришга имкон беради. Ўқувчиларни мазкур асарнинг моҳиятини самарали тушунтириб бериб, ундан келиб чиқадиган қонун-қоидаларни уларнинг шахсий эътиқодларига ўсиб ўтишини таъмин этиш учун биринчи галда шу асардан махсус курс ўқиётган ўқитувчиларнинг ўзини асарда қўйилган муаммолар ва уларнинг очими хусусидаги илмий-назарий концепцияларни атрофлича комплекс идрок этишлари тақозо этилади. Мазкур ўринда асарда айниқса тарих таълимига беносита хос бўлган қатор концепцион фикрлар мавжуд. Жумладан, муаллиф минтақавий можаролар хусусида фикр юритганларида: *«Тарих ўз ҳукмини чиқарар экан, ҳамма вақт шolini курмакдан ажратади ва ғаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфаатларини ниқоб қилувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-ҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди. Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди»*, деган хулосалари масиланинг қўйилишини ҳар томонлама тарихий аспектда тафаккур этишини тақозо этади. Худди шунингдек, муаллифнинг **«Диний экстремизм ва фундаментализм»** хусусида фикр юритиб қилган қўйидаги назарий хулосалари ҳам Марказий Осиё ва айниқса Ватанимиз тарихининг турли даврларида дин билан алоқадорликда содир бўлган нохуш воқеалар тафсилотларини атрофлича ўргангандан кейингина қилинган, тарихий асосга эга бўлган таҳлилий хулоса эканлигининг яққол илмий-назарий ифодасидир. *«Биз, деб ёзади, Президент Ислom Каримов, дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий мерослардан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашишга йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»* (44-бет).

Асарнинг **«Этник ва миллатлараро зиддиятлар»** бўлимини самарали ўрганиш ва бу бўлимдаги назарий хулосалар ҳам халқимиз тарихининг кўп машаққатли даврларининг чуқур таҳлили, тафаккуридан келиб чиққандир. Мазкур ўринда тарих ўқитувчиси авваламбор ўзига бугунги Ўзбекистон Республикасининг полиэтник (кўп элатли) давлат эканлигини асарда кўрсатилган қўйидаги аниқ тарихий фактлардан олади ва асарни самарали ўрганиш жараёнида дидактиканинг жаҳон амалиётида синалган шакли-предметлараро алоқа боғлашга, аниқроғи Ўзбекистон тарихи ва жаҳон халқлари тарихи билан узвий боғлаб ўрганишга алоҳида эътибор беради. Шу мақсадда асардан қўйидаги фикрлар назарий хулосалари билан тўла ўзлаштириши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасида асосий миллат -- ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданият ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20% дан ошиб кетади» (72-бет);

б) «Чор Россияси, сўнгра эса Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг полиэтник таркиби янада хилма-хил бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунда совет тузумидан кейинги Марказий Осиё давлатлари ҳудудида 100 дан ортиқ миллат ва элат яшамоқда. Қарийб 20 миллат вакиллари минтақага Сталин қатағонлари натижасида сургун қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар.

Минтақадаги этник-нуфуз вазияти ҳам таҳлил омилидир. Турли давлатларда уни мустамлакага айлантириш, 20—30-йиллардаги саноатлаштириш, халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган. Буларнинг ҳаммаси янги мустақил давлатларга мерос бўлиб қолди. Шу туфайли миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда ва минтақада давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда» (76—77-бетлар);

в) «Оғир синов йилларида, урушлар ва Сталин қатағонлари йилларида Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган айрим кишилар, оилалар, ҳатто бутун-бутун халқларни ҳам қуршаб олган илк муносабат, самимият ва ғамхўрлик ўзбек халқига мос бўлган бағрикентлик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очиққўнғиллик ва меҳмондўстликнинг ёрқин намоиши бўлди.

Ўзбеклар қийинчилик йилларида ўзлари емай, болаларига едирмай-ичирмай, мутлақо бегона, аммо ёрдамга муҳтож одамлар билан топганларини баҳам кўрдилар. Ўша оғир йилларда турли миллатларга муносиб бир эмас ўнлаб етим болалар шундоқ ҳам кўп болали ўзбек оилаларида янги ота-она меҳрига қондилар. Бутун бир халқ ана шундай юксак олийжаноблик ва маънавий фазилатларни намоиш этганлиги ҳақидаги мисоллар тарихда ҳам топилади. Ўзбекистон ўз тарихида ана шундай саҳифалар бўлганлиги ва ҳозир ҳам борлиги билан фахрланади. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий хотирасида *антисемитизм, ирқчилик* ва *ўзга халққа менсимасдан, ҳурматсизларча* муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади» (80—81-бетлар).

Президент Ислон Каримовнинг «**Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари**» асаридан келтирилган бу илмий-назарий концепцион фикрлар тарих ўқитувчисининг илмий-методик маҳорати билан предметлараро алоқа боғлаш жараёнида, жумладан Ўзбекистон халқлари та-

рихидан келтирган қуйидаги аниқ тарихий фактлар билан диалектик равишда мантиқан бойитилади ва мустаҳкамланади. Чор Россиясининг «Низом»и рус аҳолисини Туркистонга кучириб келтириш йўли билаи ўлкани руслаштириш ҳаракатини қонуний мустаҳкамлаб, унга сиёсий тус берди. Кўчиб келувчиларга 10 десятинадан кам бўлмаган ер ажратиш белгиланди. Туркистонга келиб ўрнашиш ва ер-мулкга эга бўлиш фақат насроний динининг Православ мансабига берилди. 1886 йил «Низом»га кўра Туркистонга кўчиб келувчиларни танлаш ва жойлаштириш тартиблари белгиланди. Рус мужиклари Россиянинг қора тупроқли марказий ҳудудларида ер тақчиллигидан оч-яланғоч кун кечирар эдилар. Ана шу иқтисодий азоб-уқубатдан қутилиш ва рус мустамлакаси бўлган Туркистонда бойиш учун ҳам бу ерга тўхтовсиз оқиб келмоқда эдилар. Туркистон темир йўлининг қурилиб, ишга туширилганлиги эса, бу жараёни янада тезлаштирмоқда эди. Натижада 15 йил давомида, яъни 1875—1890 йиллар орасида Туркистонга Россиядан 1300 оила кўчиб келиб, улар ўлканинг энг унумдор ва серсув ерларида 19 қишлоқни ташкил этдилар. Худди мана шу вақтда рус мустамлакачилари «*рус деҳқонларининг экин майдонларини ёввойи ҳайвонларнинг пайҳон қилишидан ҳимоя қилиш учун*» баҳонаси билан рус қишлоқлари мужикларини ёппасига қуролаштириш лозим, деб топдилар ва бу режани зудлик билан амалга оширдилар. Аслида бундай тadbирдан кўзланган мақсад ҳар эҳтимолга қарши маҳаллий халқ ғалаёнини қурол кучи билан бостиришдан бошқа нарса эмас эди. Архив ҳужжатларида қайд этилишича 1891—1892 йилларда Россияда авж олган очарчилик натижасида Туркистон ўлкасига кўчиб келувчи русларнинг сони бир неча баробар ўсиб кетган. Натижада, биргина 1891—1892 йилларда Россиядан кўчиб келган руслар ўлкада яна 25 рус қишлоғини ташкил этдилар. Бундай ҳол маҳаллий деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ўта салбий таъсир кўрсатди. Она тупроғида яшаб туриб, серҳосил ер майдони ва сувдан фойдаланишдаги дискриминация маҳаллий халқ билан келгинди мужиклар орасида қатор социал қарама-қаршиликларни келтириб чиқарар эди. Мана шу шароитда Туркистон ҳарбий округи штаби томонидан «Туркистанская ведомость» газетасида буюк рус миллатчилиги руҳида тайёрланган кўрсатмалар узлуксиз чоп этилиб турилар эди. Жумладан, 1882 йилда ана шундай хабарлардан бирида шундай деб ёзилган эди: «*Барибир, ўлкада содир бўлаётган воқеаларни қачондир очиқчасига тан олиб, айтадиган пайт келади. Бизнинг асосий вазифамиз биринчи галда ўлкани руслаштиришдир. Шу кунга қадар қирғизлар яшаб келган жойлар эндиликда рус давлатиникидир. Шундай экан, эндиликдаги вазифамиз кўчиб келаётган руслар саъй-ҳаракати билан маҳаллий халқни ўлкадан сиқиб чиқариш ёки батамом қириб ташлашдан иборат бўлмоғи керак*». Тарих таъли-

мида интеграцион ёндашиш методикасини амалга ошириш, яъни тарих таълимининг ўқувчилар онгига ягона бир бутун жараён тарзида шакллантириб бориб, бир йўналишда комплекс равишда бошқариш Президент Ислом Каримовнинг истиқлолимиз муваффақиятларини адабиётга мустаҳкамлаш ва унинг истиқболларини белгилаб берган асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»ни ўрганишда ҳам ажойиб ижодий, бир вақтда тарих таълимини истиқлолимиз ютуқларини мустаҳкамлаш учун таъсирчан хизмат қилишга йўналтиришда янги тарихий даврни бошлаб берди.

Гап шундаки, Президент Ислом Каримов ўз истиқлолига эришган Ўзбекистоннинг ўз тараққиёти йўлини белгилашда ҳам масалага том маъносида тўла интеграцион ёндашди. Ёш давлатимизнинг тараққиёт йўлини белгилашда бутунги кунда тараққий этган жаҳон мамлакатларининг давлатчилик тажрибаси ҳар томонлама таҳлил этилиб, ўрганиб чиқилди. Булар ривожланган мамлакатлар АҚШ, ФРАНЦИЯ, АНГЛИЯ, ГЕРМАНИЯ, ЯПОНИЯ, ва бошқа давлатлар. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида шундай ёзади: *«Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуқлари ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир»* (шу асар 34-бет).

*«Ғарб олами билан ҳамкорлик қилиш, — деб ёзади Президент Ислом Каримов, — замонавий технологиялар, инвестицияларни саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш, банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлашда, хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишда кўмаклашиш муҳимдир»* (шу асар 36—37-бетлар). Ниҳоят, Президент Ислом Каримов Республикамиз тараққиёти истиқболларини белгилаб, Ўзбекистонимизга хос беш тамойилни илгари сурди: **биринчидан**, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши лозимлиги; **иккинчидан**, давлат бош ислоҳотчи эканлиги; **учинчидан**, қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак; **тўртинчидан**, кучли ижтимоий сиёсат. *«Биз ўзимизнинг шароитимизда кўп болали оилаларга, қарияларга, бечораларга мадад бермасак, ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ва ишбилармонлик бўлмайди»*. *«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг»* (5—6-бетлар); **бешинчидан**, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш.

Табийки, тарих ўқитувчиси бу беш тамойилнинг ҳар бир бандига батафсил тўхтаб ўтади ва уларнинг моҳиятини ўқувчилар томонидан атрофлича ўзлаштириб, олишларига, уларнинг тарихий билим кўламлигини янада кенгайтиришга эришади. Мазкур ўринда ўқитувчи давримиз талабларидан келиб чиқиб тарих таълими мазмунига ин-

теграцион ёндашишда турли тарихий даврларга тааллуқли концепцион назариялардан фойдаланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон хшқлари тарихидан ўқувчиларга маълум бўлган мавзу «Ўзбекистонда ислом динининг ёйилиши» ўрганилади. Маълумки, мазкур мавзунини ўрганиш жараёнида ўқувчилар диққат-эътиборлари исломнинг беш фарзидан бири кам таъминланган мўмин-мусулмонларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилиш фарзи алоҳида уқтирилади. Мазкур ўринда ўқитувчи масалага интеграцион ёндашиб, Ўзбекистон тараққиётининг «ўз йўли»да қайд этилган бешта тамойилдан тўртинчиси — *кучли ижтимоий сиёсат юргизиш* бўлиб, исломдаги фарзлардан бирини ўзида тўла ифода этганлигини кўрсатиб ўтади. Ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини интеграцион усул билан атрофлича тушунтириб боришда дарс давомида ўқитувчи томонидан Куръони Каримнинг «*Ал бақара*» сураси (261-оят)дан қуйидаги оятни ўқиб бериш, унинг мазмунини уқтириш дидактик жиҳатдан айни муддао ва катта таълимий самара касб этади. Оятда қуйидагилар баён этилган: «*ўз молларидан Аллоҳ йўлида садақа қилувчилар учун бериладиган савоблар гўё бир бугдой донаси экилганда еттига сунбула бошоқ чиқарса-ю, ҳар бир сунбулада юзтадан бугдой ҳосил бўлганидек, битта қилинган садақа учун ҳам 700 баробар кўп савоб ато қилинур. Аллоҳ баъзи соҳиби эҳсонларга бундан ҳам кўпроқ савоблар ато қилиши мумкин, чунки у кенг ва доно зотдур*». Ислом фикҳи закотни кимларга берилиши лозим деган сўроққа ҳам аниқ жавоб беради. Унда айтилишича, закот олишга қуйидаги тоифадаги кишилар ҳақли ҳисобланадилар: — *оддий ҳаёт кечириш учун маблағи йўқ фақир мускинлар*; — *қарзини тўлай олмай қийналиб юрган қарздорлар*; — *мусофирликда камбағаллашиб қолганлар*; *закотни биринчи навбатда қариндошлик алоқалари бор кишиларга, қўниқўшни, маҳалла-қуйга бериш тавсия этилади.* Президент И. Каримов ўзларининг «*Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида*» асарида аҳолининг қайси табақаларига биринчи галда *ижтимоий ёрдам кўрсатиш лозим?* деган масалага бу борадаги илгари мавжуд бўлган текисчилик усули, яъни *боқимандаликни танқид қилганлар*. Мазкур асарда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «*Энг кам иш ҳақи ва нафақалардан солиқ олинмайдиган бўлди; бошланғич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз нафақахўрлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган балалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатни арзонлаштириш каби имтиёзлар берилди.*

*Кўпгина тоифадаги фуқароларга турар жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда янгиликлар жорий этилди.*

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда

Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида алоҳида қайд этилганидек, «Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оилаларга ёрдам тизимининг ислоҳ қилингани жамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича қутбларга ва гуруҳларга ортиқча бўлинишининг олдини олди, аҳолининг қашшоқлашувиغا йўл қўймади. Илк бор биринчи синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, камхарж оилаларнинг биринчи синфларида (бошланғич синфларида) ўқийдиган фарзандлари қишқи кийим-бош билан таъминланди. Мактабда олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуш шароитини ва мавқеига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди» (Тошкент оқшоми, 1998 йил 27 февраль, 23-сон). Мазкур ўринда Президент Ислом Каримовнинг 1999 йил 2 февралда «Туркистон» газетаси мухбирига берган интервьюсидаги умуминсоний қадриятларимизга хос миллий сифатларимизни яна бир бор эслатиб ўтган фикрларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш айни муддаодир. «Эркин фуқаролик жамиятига, деб кўрсатади И. Каримов, дунёдаги кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарини ривожлантира бориб етиб келган. Бундай жамиятни кўриш учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларини ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, ҳаммаша имон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳақиқий сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур».

Президент Ислом Каримов мазкур интервьюсида миллий қадриятларимиз хусусидаги фикрини баён этар экан эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш миллий маърифатимизнинг доимо диққат эътиборимизда бўлиши лозимлигида тўхтаб, «одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кўпайтириш зарур»лигини алоҳида қайд этиб ўтди ва бу борада ўзбек зиёлиларининг умуминсоний маънавий-анъанавий тажрибалардан кенг фойдаланишимиз зарурлигини кўрсатди.

«Асримиз бошларида, деб қайд этди Президент Ислом Каримов, жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар, ташкил этганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки, бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, саҳий инсонлар диёримизда кўплаб топилди» («Туркистон» газетаси. 1999 йил, 2 февраль).

Ўқитувчи тарих таълимида интеграцион ёндашмоқни давом эттира бориб, ўқувчиларга Мустақил Ўзбекистон Республикасида олиб

борилаётган кучли ижтимоий сиёсат тушунчаси ва унинг мазмуни-ни баён этар экан, тарихда қайд этилган ҳозирги замон тараққий этган мамлакатларидан бири — Буюк Британиянинг энг янги тарихи билан, аниқроғи асримизнинг 80-йилларидаги тарихи ва унда «Темир хоним», «Тетчер эраси» каби номлар билан машҳур бўлган даврда консерваторлар йўлбошчиси Маргарет Тетчернинг ҳокимият тепасида турган даври — «Тетчеризм» билан, айниқса унинг қуйидаги беш тамойили билан атрофлича таништириш, Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ўзига хос беш тамойилини ишлаб чиқишда жаҳон етакчи мамлакатларининг ХХI аср бўсағасидаги давлатчилик фаолиятини механик равишда кўр-кўрона эмас, балки уларга Ўзбекистонимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларидан келиб чиқиб ижодий, зарур бўлган ҳолда эса танқидий муносабатда ёндашиб, ўқувчиларга чет эл давлатчилиги назариясига таҳлилий тафаккур муносабатларида бўлиш кўникмаларини фаол ва системали равишда шакллантириб боришга эришмоғи керак. Мазкур ўринда «Тетчеризм»нинг қуйидаги беш тамойилини дарс жараёнида талабаларга мустақил таҳлил этиш ва «Тетчеризм»нинг Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлининг беш тамойили билан қиёсий таққослаштириш йўлида қилинган методик усулини келтирамиз: 1. *«Гуллаб-яшнаётган ҳар қандай иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи хусусий тадбиркорлик бўлиши керак. 2. Давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви минимум даражага тушиши лозим; у асло хусусий ташаббусларни бўлмаслиги керак. 3. Барча меҳнатга қобилиятли фуқаролар ўзини-ўзи таъминламоғи керак. Давлат ва хайрия ташкилотлари ўз айбисиз ишлаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган меҳнатга қобилиятсизларга ёрдам кўрсатади. Шунга кўра, давлат ижтимоий дастурларидан воз кечиш ёки уни энг паст даражага тушириш лозим (Т.Т.). 4. Давлат баланслаштирилган танқисликсиз бюджетга эга бўлиши керак. Унинг энг муҳим қисмини барча аҳоли даромадига биноан тўлайдиган солиқлар ташкил этади. Иқтисодиёт тартибига қатъий риоя қилиб, харажатларни камайтириш зарур. 5. Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини қонуний воситалар билан ҳимоя қилишга ҳақли, бунда бошқа одамларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Шунинг учун ҳам жамиятга зарар етказадиган иш ташлашлар ўтказиш ҳуқуқи чекланиш лозим».*

Ўзбекистоннинг истиқлол даври ижтимоий-иқтисодий сиёсатини, ёки бошқача қилиб айтганда Ўзбекистонимизнинг давлатчилиги тарихини жаҳонда илмий-техник инқилоб ватани бўлган Буюк Британиядек мамлакатнинг энг янги тарихи билан таққослаб ўрганиш ва ўқувчилар олдида бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги тамойилларни интеграцион метод билан таҳлилий тафаккур этишга йўналтириш ўз навбатида ёшларимизда ҳар қандай тари-

хий воқеа ва ҳодисани атрофлича идрок этиш қобилиятларини шаклланиб боришига катта имкониятлар яратиб беради. Ҳар қандай жамиятда янги типдаги давлат қуришда гарчи биринчи галда шу алоҳида олинган ҳудуддаги халқни, миллатнинг хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирадиган давлатни қуриш жараёнида мазкур халқ *маънавияти, маърифати, маданияти*, мафқураси ва *тарихига* кўп соҳадан мос бўлган бошқа давлатнинг босиб ўтган давлатчилик тарихи билан атрофлича танишиб чиқиш, табиийки ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан фойдадан ҳоли бўлмас. Шу нуқтаи-назардан қараганда ёш Ўзбекистон Республикаси мустақил Туркия Республикасининг асосчиси **Мустафо Камол Отатурк**нинг 1921 йил 20 ноябрида сўзлаган нутқида шўролар иттифоқида «*дини бир, эътиқоди бир қардошларимиз бордир. Уларга ҳомийлик қилишга тайёр бўлишимиз шарт. Миллатларимиз ўртасидаги маънавий кўприкларни мустаҳкамлаш зарур. Тил бир кўприкдир. Эътиқод бир кўприкдир... Тарих бир кўприкдир*» деган хулосаларини ҳисобга олиш ҳам фикримизча мустақил Ўзбекистонимизда фойдадан ҳоли бўлмас.

Бугунги Туркия Республикасининг асосчиси Мустафо Камол Отатурк (1881—1938 йил 10 ноябрь)нинг Туркияни мустақил давлат холига келишида ҳаракат дастури бўлган унинг тамойиллари умуман XX асрда давлатчилик назариясида ўзига хос янги даврни бошлаб берди.

Отатуркнинг турк жамиятини-миллий асосда қайта қуриши учун икки асосий мажбурияти бор эди.

*Биринчиси* — Туркиянинг парчаланишдан ва ажнабийлашувидан сақлаб қоладиган миллий истиқлол ҳаракатини оғишмай амалга ошириш, миллий давлат қуришга эришиш.

*Иккинчиси* — Туркиянинг ривожланган фарб давлатларига кўра йўқотган юз йиллик тараққиётга қайтадан эришиш учун керак бўлган сифат ва жадаллик билан замонавийлашиш, бошқача қилиб айтганда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида фарб цивилизациясига эришиш. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда Мустафо Камол «1923 йилнинг 29 октябрида Туркия Давлат бошқарувининг янги тизимини — Туркия Республикасини жорий қилди.

Мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берувчи олти тамойилни ишлаб чиқди. Шу тамойиллар асосида давлат бошқаруви тубдан ўзгартирилди, сиёсат, иқтисод ва маданиятнинг барча жабҳаларида чуқур ислохотлар ўтказилади. Отатурк ислоҳининг моҳияти ва пировард мақсади миллий анъаналарга путур етказмаган ҳолда мамлакатни жаҳоннинг тараққий этган давлатлари даражасига олиб чиқишга қаратилган эди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Турк халқининг буюк фарзанди Отатурк. — Т.: 1998, 5-бет.



Ниҳоят, ўз истиқлолига эришган ўзбек халқи ўз Президенти раҳбарлиги остида миллий давлатчилигимизнинг ўзига хос ва мос йўли билан буюк келажак сари дадил қадамлар билан бораётганликларини аниқ амалий фактлар мисолида кўришга мувофиқ бўлдилар. Дарҳақиқат, шўролар даврида жаҳон тарихининг энг янги даврини ўрганишда талабаларга тарихий жараёни кўпинча бир ёқлама баён этиб келиб, тарих таҳлиliga интеграцион ёндашиш тамойилларини батамом бузиб келдик. Масалан, ҳозирги кунга қадар биз мавжуд бўлган дарслик асосида энг янги тарих курсида **«XIX аср охирида Хитой»** мавзусини ўтар эканмиз 1899 йилга келганда Хитой капиталистик мамлакатлар таъсир доирасига бўлинганлигини уқтириб, Хитойнинг Янцзи ҳавзаси Англия, Юньань Франция, Шаньдун Германия, Манжурия ва унга дахлдор ҳудудлар Россия, Фуцзянь, Корея эса Япония таъсир доирасига бўлиниб кетиб, Хитойдек буюк давлат деярли ўзининг мустақиллигини йўқотишгача келганлигини уқтирамыз. Шу билан бирга талабалар диққат-эътиборларини Хитойни чет эл империалистик мамлакатларининг таъсир доирасига бўлиниши даврида Тинч океанда босқинчилик урушлари олиб бориб, Самоа ороларини босиб олиши ва 1893 йилда Гавай ороларини босиб олиб, уларни 1897 йилда аннекция этилишига эришганлиги сабабли ва ниҳоят, 1898 йилда Хитойни асоратга солишга қаратилган «Очиқ эшиклар» сиёсатини эълон қилганлиги ва бу сиёсатнинг мазмуни АҚШ капиталистик мамлакатларининг Хитойдаги таъсир доираларига ўтган ҳудудларда эркин савдо-сотик ишлари олиб бориб, Хитойда таъсир доирасига эга бўлган капиталистик давлатлар қандай тарифда солиқ тўлайдиган бўлсалар (албатта у солиқлар ниҳоятда минимал бўлган), АҚШ ҳам ўшандай ҳажмда солиқ тўлашга эришганлигини уқтириб келмоқдамиз. Бу албатта АҚШнинг Хитой халқига нисбатан зўравонлиги бўлганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтамиз. Бироқ, Ўзбекистон халқлари тарихидан *«XIX асрнинг охирида Ўзбекистон хонликлари»* мавзусини ўтишда нима учундир Ўзбекистонга нисбатан XIX асрнинг охириги чорагида чор Россияси босқинчилари томонидан ўта зўравонликка асосланган, ҳеч қандай цивилизация доирасига сиғмайдиган «Очиқ эшиклар» сиёсатининг ваҳшиёна усуллари қўлланилган деб айтамыз. Гап шундаки, *шўролар даври тарихида Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинган эмас, балки у қўшиб олинган*», деган ҳақиқий тарихий жараёни бузиб талқин этилган концепция мавжуд эди. Шунинг учун ҳам бу жараён шўро даври тарихчилари томонидан *«прогрессив аҳамият касб этган»* воқеа деб тарғиб этилганлиги боис Ўзбекистонга нисбатан «Очиқ эшиклар» атамаси ишлатилмаган. Юқорида қайд этилганидек, шўролар даврида КПСС тарихидан етакчи мутахассис бўлган маҳаллий тарихчиларимиз Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда шўролар мафку-

расини *садди-нок* этиб, янги тафаккурга ўтаётганлиги боис тарих таълими баёнида интеграцион методни қўллаб, Россия империализми томонидан Ўрта Осиё халқларига нисбатан қўллаган ижтимоий-иқтисодий сиёсат «Очиқ эшиклар» сиёсатининг нақадар ёввойи формаси эканлигини кўрсата олмаётирлар. Бу борада кўп ҳолларда архивлардан келтирилган фактлар интеграцион таҳлилсиз бўлиб, унинг шарҳлаш учун ўқитувчилардан катта таҳлилий тафаккурни талаб этади. *Фактларга мурожаат қилайлик.* Маълумки, 1867 йил 14 июлда рус подшоси Александр II Ўрта Осиёда босиб олинган ҳудудда ўз ҳокимиятини мустақамлаш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимига генерал-адъютант фон Кауфман тайинланди. Рус подшоси томонидан фон Кауфманга берилган «Олтин ёрлиқ»қа кўра у деярли чексиз ҳуқуққа эга эди. Жумладан, у Туркистон ҳокими сифатида Туркистондаги рус манфаатларига қарши сиёсат юргизиш йўлида фаолият кўрсатадиган ҳар қандай давлатга қарши уруш ёки ўшандай ҳол содир бўлган вақтда сулҳ тузиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларда мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга эди. Шунинг учун ҳам 1868 йил июнида Зирабулоқда Бухоро амири Музаффарнинг 14 тўп, 15 минглик отлиқ армияси ва 6 мингли пиёдалари устидан ғалаба қозонганидан кейин, ўша йил 23 июнида тузилган шартномада у рус подшосидан олган «Олтин ёрлиқ» асосида маҳаллий миллат — ўзбекларни мутлақ оёқ ости қиладиган даражада мустақил ҳаракат қилди.

Кауфман Бухоро амиридан *биринчи* галда рус чоризми босқинчиларига қаршилиқ кўрсатгани учун 5000 сўм миқдорида товон тўлашни талаб қилди. *Иккинчидан*, энг унумдор ва суғориладиган серҳосил ерлар, шунингдек ҳарбий-стратегик ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамият касб этадиган Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмини Россия мулки деб эълон қилди. *Учинчидан*, рус савдогарлари амирликнинг хоҳлаган ҳудудида хоҳлаган товари билан ҳеч қандай тўсиқсиз савдо-сотик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Улар амирлик ҳудудидаги хоҳлаган бозор, карвонсарой гузарда хоҳлаган маҳсулотни билан савдо-сотик қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Ниҳоят, *тўртинчидан*, Бухоро амири рус подшоси хоҳиш-иродасидан ташқаридан бирон чет мамлакат билан сиёсий, дипломатик ёки савдо-сотик қилиш ҳуқуқларидан батамом маҳрум этилиб, ўзининг рус подшосига сўзсиз бўйсунилишини тан олди. Бухоро амирлиги учун энг катта йўқотиш Зарафшон дарёси ҳавзасининг бўлиниши бўлди. Амирликдаги экин ерларининг кўпчилиги Зарафшон дарёсидан сув ичар эди. Мустамакачилик даврида Зарафшон дарёси Самарқанд вилоятидаги 2782 кв.км. ерни суғориб, йилига 37.636.197 сўм даромад келтирган. Бухоро вилоятида эса 3750 кв.км. ер суғорилган. Бу ерларни суғориш учун амир олтин билан генерал-губернаторга ҳақ

тўлаган. Ф. Поспеловнинг ёзишича, 1870 йилда Зарафшон водийсининг Бухоро амирлиги қисмида қурғоқчилик бўлиб, ота-оналар тирлик қолиш мақсадида ўз фарзандларини бир коса унга сотганлар. Кўпчилик деҳқонлар бор-йўғидан ажралганлар («Туркистанское сельское хозяйство» журнали. 1912 йил, 6-сон, 479 бет.) Бухоро амирлигига нисбатан бундай сиёсат ҳам шўролар даври манбашунослигида «Очиқ эшиклар» сиёсати деб аталмаган. Шу боис истиқлолимиздан кейин пайдо бўлаётган тарих «дарслик»лари ҳам эски шўролар қолипи билан бориб, ҳамон Самарқанд шартномаси босқинчи рус чоризми томонидан Бухоро амирлигига нисбатан айнан «Очиқ эшиклар» сиёсатининг ҳар қандай цивилизацияни инкор этадиган ёввойи формаси эканлигини илмий асосда исботлаб беришга ожизлик қилмоқда. Худди шу нарсани 1873 йил 12 августидан рус генерали Кауфман билан Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Гандимиёнда имзоланган тенгсиз шартнома хусусида кўрсатиб ўтса ҳам бўлади. Гап шундаки, Гандимиён шартномаси асосида ҳам қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги серҳосил унумдор ерлар Россия мулки деб эълон қилинган эди. Рус савдогарлари Бухоро амирлигида бўлганидек, Хива худудида ҳам хоҳлаган жойда, хоҳлаган маҳсулотни билан маҳаллий ҳукуматга ҳеч қандай солиқ тўламасдан савдо-сотик қилиш ҳуқуқига эга бўлган эди. Бундан ташқари маҳаллий ҳокимиятдан ҳеч қандай рухсат олмасдан туриб савдо ёки саноат тармоқларини қуриш, улардан ўз хоҳишлари билан фойдаланиш мумкин эди. Яна шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, хонлик хусусида рус чоризми томонидан қилинган жиноят маҳаллий қозилар томондан кўриб чиқилиб, жазоланиш мутлақ ман этилган эди. Бундан ташқари хонлик рус чоризми босқинчларига 2 миллион 200 000 сўм товон тўлаб, унинг устига ўзининг рус подшосининг вассали эканлигини мутлақ тан олдирилган эди. Кўриниб турибдики, мазкур ўринда ҳам рус чоризми Ўзбекистон хонликларини босиб олиш жараёнида цивилизациялашган ғарбда Хитойга нисбатан қўллаган «Очиқ эшиклар» сиёсати жорий этганлар. Натижада халқ манфаати, унинг маънавий қадриятлари батамом оёқ ости қилинган.

Юқорида қайд этганимиздек, маҳаллий тарихшунос олимларимиз мазкур масалани баён этишда ҳам ҳамон эски шўролар қолиpidан саъди-пок чиқмаганлар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтирсак бўлади. Ўз миллий истиқлолига эришган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида тарих ўрганишга интеграцион ёндашув том маъносида ёшларимизда миллий мафқурани фаол шакллантириб боришда ҳам улкан назарий ва амалий аҳамият касб этадиган жараёндир.

Бу муаммони ижобий ҳал этишнинг моҳияти яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг бугунги давлатчилигининг

нуждга келишида баъзи бир оммавий ахборот воситаларида талқин этиб келинаётганидек, Ўзбекистон на Туркия ва на Англия, Хитой ёки Жанубий Корея ва яна бошқа давлатлар қурилиши тузилишидан нусха олмасдан, у ўзининг дастлабки шаклланиш кунларидаёқ, ўзининг «ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»<sup>1</sup>, миллий дастурига эга бўлган. Бу борадаги интеграция масаласига келсак, Ўзбекистон ўзининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини кашф этиши билан жаҳон давлатчилиги қурилишида ўзининг бетакрор ўрнини эгаллагани билан абадийликка қолган. Шундай қилиб, тарих таълимига интеграцион ёндашиш — ўқувчилар билим савиялари ва таҳлилий тафаккур қобилиятларининг ривожлантириб боришда тарих ўқитиш методикаси фанининг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва ролини тўғри белгилаш ва баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

?

### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш гоёсини амалга оширишнинг асосий омиллари нималарда деб ўйлайсиз?
2. Ҳар бир шахсда мантиқий тафаккур қобилиятини узлуксиз ривожлантиришда инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндашишга эришиш йўллари биласизми?
3. Тарих таълимида интеграцион ёндашиш методикаси амалга оширилиши асосан қайси жиҳатларга боғлиқ?
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида интеграцион жараёнларнинг қандай йўллари белгилаб берилган?
5. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар АҚШ, Франция, Англия, Германия, Япония ва бошқа давлатлардаги интеграцион ёндашув тажрибаларидан хабарингиз борми?

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон». 1992.

## ТАРИХИЙ-ТАРАҚҚИЁТ ҚОНУНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ ФАКТЛАРНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

### 1. ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ ФАКТЛАРНИНГ ЎРНИ, МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

*«Маълумки ҳаётий тажрибага эга бўлмасдан туриб тарихни самарали ўрганиш етарли бўлмайди. Лекин шуни унутмаслик керакки, агарда маҳорат ва аниқ тарихий билим бўлмаса, биргина тажрибанинг ўзи тўлақонли билимларни ифода этаолмайди»<sup>1</sup>.*

Лорд Болингброк

Тарихни тушуниш жараёни тарихий фактларни ўрганишдан бошланади. Тарихий фактларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у ҳаётда қайтадан тикланмайди, уни такроран учратиб бўлмайди. Лекин, нафақат ўқувчиларни, балки ўқитувчиларнинг ўзларини ҳам айрим тарихий фактлар билангина қуролланишлари, ҳали уларни тарихни биладилар, деган хулосадан йироқдир. Бир-бирлари билан мантиқан алоқада бўлмаган, алоҳида олинган тарихий фактлар тарихий жараённинг онги, илмий равишда ўрганиб олишни таъминлай олмайди. Шундай қилиб, тарих ўрганишда тарихий фактлар шунчалик бир алоҳида олинган факт сифатида ўрганилмасдан, балки фактлар орасида мавжуд бўлган мантиқий алоқадорликларни ҳам атрофлича ўрганишни тақозо этади. Бундай методнинг қулланилиши тарихий фактларни умумлаштириш, уларни атрофлича ўзлаштириш ва тизимлаштиришни тақозо этади.

Тарих ўрганиш жараёнида бизнинг кўпгина тарихий фактларга дуч келишимиз табиий бир хол. Тарих ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш учун эса, уларнинг мазмуни ва моҳиятига қараб аниқ гуруҳлаштириш лозим бўлади.

Тарихий фактлар икки хил характерда бўлиши ҳам мумкин:

**Биринчидан**, алоҳида олинган воқеаларни акс эттирадиган фактлар. Бу турдаги фактлар тарихда бир маротабагина содир бўлиб, унда алоҳида ўзигагина хос шароит мавжуд бўлади, воқеада чегараланган

<sup>1</sup> «Письмо об изучении и пользе истории». — М.: «Наука». 1978, с. 26.

конкрет кишилар иштирок этадилар. У ўзининг аниқ макони ва замонига ҳам эга бўлади.

Улар тарихда айнан такрорланмайдилар. Масалан, Улугбек (Муҳаммад Тарағай — 1394 йил 22 мартда таваллуд топган) фожеасини олиб қарайдиган бўлсак, бу зоти олий 1449 йилнинг 27 октябрида (баъзи манбаларда 29 октябрида) ўз ўғли Абдуллатифнинг разиллиги билан қатл этилиши такрорланмас бир фожеавий тарихий фактидир. Бунда ўлимнинг мотиви, даври, яъни макон ва замони такрорланмас фожеавий факт ҳисобланади. Худди мана шу фожеавий фактнинг асосчиси — падаркуш Абдуллатифнинг ўз отасини қатл этганидан андак вақт ўтмасдан унинг ўзини ҳам кишилиқ тарихида кам учрайдиган ҳолда «ал-қасосул минал-ҳақ» қабилида калласининг кесилиши ҳам такрорланмас тарихий факт ҳисобланади.

— Бу борада муаррих Бўрибой Аҳмедов шундай ёзади:... «*шу кеча Абдуллатиф ёмон ухлади, тун бўйи алаҳсираб чиқди, ёмон тушлар кўрди. Азонга яқин қаттиқ ухлаб қолган экан, яна туш кўрди: Ёши олтмишлардан ошган барваста, серсоқол бир одам унинг олдига мис табақ келтириб қўйди. Абдуллатиф ёпқични олиб қараса, мис табақда ўзининг кесилган боши эмиш. Кўрққанидан додлаб юборди ва ўз овозидан ўзи уйғониб кетди. «Хайрият-ей, туш экан бу» деди у ўз-ўзига, сўнг тоқчадан Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса» сини олиб тўғри келган жойини очди. Очилган вароқда мана бу байт битилган экан:*

Падаркуш подшоҳиро нашояд  
Агар шояд ба-жуз шеш моҳ напояд.

Яъни:

Шоҳ бўлмас отасин ўлдирғон одам  
Ошмас олти ойдин магар бўлса ҳам.

— Э, тангрим, бу не кўргулик? Шайх Низомий ушбу байтда кимни назарда тутган эканлар?

Абдуллатиф титраб қақшаганича хаёл денгизига чўмди. Ҳа, энди эслади — бу шеър не боис ёзилгани ва кимга аталгани маълум. Фахриддин Розийнинг «Хадоиқ ул-анвор» («Нурлар боғи») китобини Ҳиротда Бойсунқур мирзо кутубхонасида кўрган, ўқиган ва ёқтириб қолиб, ундан нусха кўчиртириб олган эди. Тарихда ўтган падаркушлар ҳақида мана шу «Хадоиқ ас-сеҳр»да ёзилган. Падаркушларнинг номлари ҳам эсига тушди. Булардан бири — Шеруя, Сосонийлар сулоласидан Кубод I нинг ўғли. Яна биттаси Мунтасирдир.

— Ҳа, даҳшат бу! Наҳотки, биз Шеруя бирлан Мунтасирнинг ишини тутдик? Йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эрмас. Шеруя бирлан

*Мунтасир оталарини ўз қўллари билан ўлдирғон бўлсалар, биз эрсак отамизга қўл текизгонимиз йўқ. Ул жанобни малъун Аббос ўлдирғон, биз эрсак бу қотилни жазога тортдук.*

Абдуллатиф нима қилса ҳам ўзини оқлашга уринди. Лекин шу пайт қаяқдандир нидо келди:

— *Йўқ тақсирим, сиз ҳам падаркушлар рўйхатига тиркалғонсиз. Шайх Низомийнинг ушбу шеври сизга ҳам тааллуқли.*

— Э, парвардигори олам. Наҳотки мен ҳам падаркуш бўлган бўлсам.

— *Йўқ шаҳзодам сизни энди ҳеч ким ўз ҳимоясига ололмайду. Ўз қўли билан ўлдирдим, одам йлаб ўлдирдим, онинг не фарқи бор?! Ҳимоячи қидириб овора бўлманг, далил-дастак ҳам ахтарманг, шаҳзодам, сиз ҳам падаркушсиз. Отангизни ноҳақ тўқилғон қони сизни чорлаб турубду, охират сафаригача ҳозирлигингизни кўрингиз, ҳазратим.*

Абдуллатиф сапчиб ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Кўзлари тиниб, боши тарс ёрилиб кўчгундай бўлди.

Наҳотки, ҳаёт битган бўлса?!

(Бўрибой Аҳмедов «Улуғбек». Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти 1989 йил, 206—207 бетлар.

— *Эндиги воқеани тарихчи Мирхонд ибн Ғариб «Тарихи Абулхайрхоний» китобининг муаллифи Масъуд ибн Усмон Қўҳистонийдан эшитамиз.*

«Жангу-жадалларда Рустами дoston ва Исфиндиёрдек бўлғон ва Абдулазиз мирзо тарафидин мартабаси юқорилатдирилғон Бобо Ҳусайн баҳодир икки номдор подшоҳ: Улуғбек Қурағон бирлан мирзо Абдулазиз шаҳид этилғонларидин сўнгра қасд қилуб бшқирдор Абдуллатиф мирзонинг хизматиға кирдилар, аммо қўлинида анча кина сақлаб, ул бадқирдорни маҳв этиш ҳабли билан кирдилар.

Бобо Ҳусайн баҳодир ўша куни камонни олқаги осуб, жонни шу ишга тикди, содиқ навқари бирлан Абдуллатифнинг йулини пойлади. Шаҳзоданинг навқари Чорраҳа дарвозасидин ташқарига чиқди ва тор кўча бўйлаб йўл четидаги катта қўриғоч орқасида пойлаб турдилар. Абдуллатиф аларнинг ёнгинасидан ўтув кетди, лекин беш-олти қадам ўтгач, Бобо Ҳусайн камонни елкасидин олди ва уни ўқлаб шахзодани аниқ нишонга олди. Абдуллатиф фақат «Олло, ўқ тегди!» деб айтишга улгурди, холос. У отдин қўлаб тушди ва шу тондаёқ жон берди. Ўқ анинг чап курагини тешиб ўтиб юригиги қидалғон эркан. Мирзонинг мулозимлари олди-орқасига қармайин тум-тирақай бўлиб қочдилар. Бобо Ҳусайн баҳодирнинг навқари чонуб боруб Абдуллатифнинг бошини кесиб олди ва хуржунига солди. Падаркуш Абдуллатифнинг бошини шу пайтнинг ўзидаёқ Регистонга олуб боруб Мирзо Улуғбек мадрасасининг пештоҳига осуб қўйдилар.»

Бу воқеа 854 йил Рабби ул-аввал ойининг 26 кунда (1450 йил 9 май) содир бўлди.

Уч кунгача Регистондан одам оёғи узилмади. Ақобир, Умаро ва шаҳар уламози ўша кунгача мирзо Абдуллани Кўксаройдан олиб чиқдилар ва уни подшоҳ кўтардилар. Янги подшо номига хутба Улугбек мадрасасида шайхул Ислоом хожа Бурхониддин томонидан ўқилди.

*Яна бир мисол:* Россияда 1861 йилда чор ҳукуматининг 19 февраль қарори билан крепостной тузумнинг бекор қилиниши ҳам алоҳида тарихий факт ҳисобланади. Бу ҳодиса Россияда 1861 йилнинг 19 февралда содир бўлиб, «**юқоридан**», яъни давлат аппарати томонидан туриб крепостной тузумни бекор қилган «Ислоҳот» эди (Хўш, аслида-чи?).

*Иккинчидан*, бу фактлар ўзларига хос ҳодиса воқеаларни баён этади. Масалан, шундай тушунчаларни олсак: «**баршчина**», «**оброк**» — булар тарихий фактлар бўлиб, фақат маълум даврга ва маълум ижтимоий тузумга оид бўлади ( Хўш, капиталистик тузумда шундай тушунчалар борми?). Бундай фактларни биз тарихий воқеалар гуруҳига киритамиз. Яна бир мисол: 1640-йилларда Англияда содир бўлган «**саноат тўнгарилиши**». Бу тушунча XVI асрнинг 40-йиллари шароитида қўл меҳнатини машина билан алмашинуви, феодализм, қаърида капиталистик муносабатлар элементларини шаклланиб бораётганлигидан далолат берадиган тушунчалар сирасига кирази («*қўйлар одамларни еб бормоқда*» деган ибора нималарга ишора этар эди?). Шу билан бирга бу тушунчани янада батафсил очиб бериш, ўқувчиларга икки янги синф — ишчилар синфи билан буржуазия синфларининг шаклланиши диалектикасини ҳам яққол ифодалаб беради.

Биз юқорида тарихий фактларни икки ҳолатда кўриб чиқдик. Лекин, айрим методик адабиётларда тарихий фактларнинг уч гуруҳга бўлиш тавсия этилганлигини ҳам кўрамиз. Масалан: «Актуальные вопросы методики преподавания истории в школе» (Москва, 1984 йил, 39-бет) кўлланимсида шўролар даври таниқли методист-олими Г. М. Донской *тарихий фактларни уч гуруҳга бўлишни қуйидагича тавсия этади:*

1. Алоҳида олинган воқеалар, такрорланмайдиган ҳодисалар.
2. Кўп маротаба такрорланадиган ҳодисалар, бир-бирларига ўхшаш бўлган фактлар.
3. Замонда, сабаб ва оқибатларида, ўзаро мантиқий алоқадорликлар бўлиб, ягона бир занжирни ташкил этадиган жараёнлар.

Келинг, энди бу уч шартни юқоридаги асар чоп этилган XX асрнинг 80-йилларигача содир бўлган фактлар мисолида эмасу, кўплаб умумбашарий муаммоларни келтириб чиқараётган XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидаги **фактлар**, **тушунчалар**, **воқеа** ва **ҳодисалар** мисолида олиб қарайлик.

*Биринчидан*, «алоҳида» ва «такрорланмайдиган» воқеанинг энг ягона мисоли қилиб ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ Иттифокда



КПСС томонидан қабул қилинган «Коммунистик жамият қуриш Программаси»да қайд этилган «*Совет жамиятининг бугунги авлодлари коммунизм даврида яшайдилар*» дейилган ҳаёлпарастлик билан йўғрилган жаҳоннинг ўз давридаги энг кучли давлати бўлган СССРнинг 1990 йилга келиб парчаланиб кетганлиги мисолида кўри-са. **Иккинчидан**, яна энг янги тарих даврига мурожаат қиладиган бўлсак, 1999 йил 16 февралда бир гуруҳ диний экстремистларнинг хатти-ҳаракатлари билан Тошкент шаҳрида содир бўлган **портлашлар**, 2001 йил 11 сентябрида бугунги кунда ўзича дунёнинг хоҳлаган гўшаси-ю, хоҳлаган мамлакатига, жумладан бизнинг мустақил Ўзбекистонимизга ҳам «*демократия экспорт қилиш*»га уриниб келаётган АҚШнинг дунёга энг машҳур бўлган «Савдо Маркази» ва дунёни ўз ҳарбий қудрати билан қўрқитишга ҳаракат қилиб келаётган бу давлатнинг қуролли кучлари маҳкамаси жойлашган Пентагоннинг экстремистлар томонидан кулини кўкка совурилганлиги, шунингдек жаҳондаги энг қудратли ҳарбий қудратга эга бўлгани буюк давлатлардан яна бири Россия Федерациясининг пойтахти — тарихий шаҳар *Москвада* куппа-кундузи содир бўлган бир неча портлашлар, — *Бес-лон фожеаси*, *Боғдода* АҚШ ҳукуматининг босқинчилик сиёсатига қарши деярли ҳар куни содир бўлаётган террорчилик ҳаракатлари натижасида юзлаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмиш ҳоллари ва бу жараёнларнинг бугунги кунда ҳам давом этиб келаётганлиги юқорида қайд этганимиздек, «*Кўп мартаба такрорланадиган ҳодисалар, бир-бирига ўхшаш фактлар*» сирасига киради.

**Учинчидан:** «*Замонда, сабаб ва оқибатларида ўзаро мантиқий алоқадорликлар бўлиб, ягона бир занжирни ташкил этадиган жараён*»-нинг классик мисоли — бу собиқ Шўролар давлати ҳудудида унинг парчаланиб кетганлиги натижасида вужудга келган суверен мустақил давлатларни, ундан ҳам характерлироғи, Грузия, Украина ва Қирғизистонда вужудга келган «**Зарғалдоқ**» инқилобларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Мазкур ўринда шуни унитмаслик керакки, педагог дарс жараёнида юқоридаги масалаларнинг ечими йўлида фаолият олиб борар экан, айниқса юқори синфларда мазкур методикани алоҳида олинган аниқ мавзу мисолида атрофлича очиб беришга муваффақ бўлинса, ўқувчиларнинг тарих ўрганишга бўлган қизиқишлари таҳлилий тафаккур маҳсулидан келиб чиқадиган эҳтиёж сифатида янада такомиллашиб боради.

Гап шундаки, она Ватанимиз тарихига алоқадор бўлган, шундай фикр-мулоҳазалар, турли йўналишда берилган баҳолар борки, биз шундай фикр-мулоҳазаларни талабаларга етказишда аччиқ бўлса-да, содир бўлган тарихий воқеаларни қандай бўлса шундайлигича баҳолашга эришмоғимиз керак. Масалан, рус подшоси Николай II нинг

1916 йил июнида «Империядаги бегона халқлар (Т.Т.) эркин аҳолисини ҳаракатдаги армия ҳудудларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай оғир ишларга (Т.Т.) жалб қилиш» тўғрисидаги фармонига кўра Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ орти ҳудудларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400.000 кишини мардикорликка олиш буюрилган.

Табийки, бу фармон «Учлар иттифоқи»нинг фаол аъзоси бўлган Россиянинг Биринчи жаҳон урушида ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ниҳоят танг аҳволда қолган бир даврига тўғри келган.

Рус подшоши Николай II нинг юқорида келтирилган фармонида алоҳида қайд этилгандек, биз рус империяси учун «Бегона халқ» бўлганлигимиз боис, «оғир ишлар»ни одам боласи чидаши ниҳоятда оғир бўлган шароитларда бажаришимиз керак эди.

Мазкур ўринда талабалар диққат-эътибори халқимиз шўролар истилосидан олдинги Чор Россияси империяси даврида ҳам «Бегона халқлар» бўлиб келганлигини, шу боис ҳаётда энг оддий инсон ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, хор-зорликда умр кечириб келганликлари тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилиши билан бир қаторда, Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 14 январида Россияда чиқадиган «Независимая газета»нинг мухбирига берган интервьюсида Чор Россияси империяси давридагина эмас, ҳатто шўролар даврида ҳам бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашган. Ҳолбуки бизга нисбатан шундай фикрда бўлганлар одамларимиз бошқача тарбия кўрганини, улар собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида содир бўлган кўп воқеаларнинг ўз юртларида такрорланишига сира ҳам йўл қўймаслигини англамас эдилар. Яъни одамларимизнинг «менталитети ўзгача» деб кўрсатган концепцион фикрларига қаратилди.

Яна шуни унутмаслик керакки, шўролар даврида ўзбек халқининг шўролар истилоси даврига қадар Ўзбекистон халқининг саводхонлиги хусусида ҳам тарихий ҳужжатлар асосида эмасу, шўролар тузуми даврида халқ таълимини кўкларга кўтариб мақташ мақсадида сохталаштириб кўрсатиб, айрим дарсликларда 2,6 фоиз, яна бошқаларида 4,6 фоиз саводхонлар бор эди, деб қайд этилар эди. Лекин халқимиз орасида саводхонликнинг паст даражада бўлиши Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари эканлиги кўрсатилмас эди. Ҳолбуки, Чор Россияси мустамлакаси даврида монополистик ҳукумат томонидан ҳар бир маҳаллий фуқаронинг маърифий-маънавий эҳтиёжлари учун давлат хазинасидан бир йил давомида бир танга ҳаражат сарфланиши лозимлиги тарихий ҳужжатларда аниқ баён этилган. *Хўш, ўша даврда Россиянинг бир танга пулининг қиймати қандай эди?* Бунга аниқ жавоб бериш учун тарих ўқитувчиси методика фанида «Таълим-тарбияга интеграцион ёндашиш шартлари»

дсган талабга амал қилиб адабиёт дарсларида ўрганиладиган шоир Муқимийнинг «Саёҳатнома» шеърига мурожаат қиладиган бўлса, унда куйидаги сатрларни ўқийди:

«Бордим шаҳардан якка тут, баққоли дузду бадбурут,  
Бир танга сотгай бир қурут, инсофи йўқ тарор экан»

Демак, Чор мустамлакаси даврида маҳаллий бир фуқаронинг маърифий ва маънавий эҳтиёжи учун бир йил давомида сарфланган харажати *бир дона қурут қийматига тўғри келган экан.*

Энди табиий бир савол пайдо бўлади. *Хўш, миллий мустақилликка эришганимиздан кейин давлат томонидан халқ таълимини молиялаш масаласи қандай қўйилмоқда?* Бунга аниқ жавобни Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 декабрда Тошкент шаҳрида жойлашган «Талабалар шаҳарчаси»да талабалар турар жойларининг катта таъмирга муҳтож эканлиги хусусида гапирганларида биргина 2005 йилда Ўзбекистон ҳукумати халқ таълими эҳтиёжлари учун 450 миллиард сўм маблағ сарфлаганлигини талабаларга мустақиллик даврининг мамлакатимизда халқ таълимини ривожиди тугган ўрнини кўрсатиб беришда катта миллий ғурур тушунчасини шаклантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримовнинг бу фикри унинг 2006 йил 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда *«Эришилган ютуқларни мустақамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим»*, деган қатъиятли ном билан аталди.

Президент Ислом Каримовнинг ушбу маърузаси албатта Республикамиз зиёлиларида, биринчи галда шахсан ўзларининг ташаббуслари билан ўқув режаларига киритилган янги фан **«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»**, шунингдек **«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»**, **«Шахс ва жамият»** каби фанларни бугунги давр талаби даражасида ўқитишда шу фанлардан дарс берадиган муаллимларимиз олдига катта илмий-методик ва методологик масалаларига бўлган масъулиятларини яна бир бор такомиллаштириб боришларини тақозо этмоқда.

Мана бир неча йилдирки, жаҳон давлатчилиги АҚШнинг Боғдодда оммавий қирғин қуроли бор деб гумонсираб, Буюк Британия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция ва бошқа давлатлардан чегараланган армия қўшинларини Ироқдаги уруш ҳаракатларига жалб этди.

Бироқ, АҚШ сенатининг тан олишича, АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) Боғдодда оммавий қирғин қуроли борли-

ги хусусида умуман нотўғри маълумот берган экан. Лекин, АҚШнинг кўпмингли армия қўшинлари ҳозирга қадар Ироққа «**демократияни экспорт қилиш**» билан банд. Мазкур ўринда талабаларга АҚШнинг Ироққа қарши олиб бораётган курашидан кўзлаган мақсади батамом бошқа эканлиги, аслида АҚШ «*Афғонистонда демократия ўрнатаман*» деб қилган хатти-ҳаракатидан кузатган мақсади ҳам яқин Шарқда ўзининг ҳарбий базаларини қуришдан иборат эканлигини, қолаверса Ироқ нефтини қўлга киритиш учун жон-жаҳди билан кураш олиб бораётганлиги атрофлича аниқ фактлар асосида очиб берилмоғи керак. Ниҳоят, АҚШ томонидан «Ироққа демократияни экспорт қилиш» аслида Афғонистон вариантнинг тақрорланиши холос эканлигини талабаларга уқтириш, мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчи-ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Бу борада Россия қуроли Кучлари Бош Штабининг бошлиғи Юрий Булавский 2005 йил 13 декабрида «Труд» газетасига берган интервьюсида қуйидагиларни баён этади:

*«Бир сўз билан айтганда, Россия билан НАТО ўртасидаги ўзаро муносабатларда совуқлик бор. Айтайлик, ядро қурулларини тарқатмаслик борасида бизларнинг позицияларимиз бошқа-бошқа, кўп ҳолларда қарашларимиз бир-биридан фарқланиб қолмоқда. Масалан, АҚШ КХДР ва Эроннинг ядро дастурларига ёрқин очиқлик киритишни очиқ талаб этгани ҳолда, ўзининг иттифоқдоши бўлиши Исроилда ядро қурулининг қудратли захираси яратилаётганлигидан кўз юмиб келмоқда. Ядро технологиясини тарқатмаслик масаласида ҳам АҚШнинг муносабати худди ана шундай бўлиб қолмоқда. Бу масалаларда биз, яъни Россия, улар учун исталмаган ҳолдаги рақобатдамиз. Худди шу вақтда америкаликлар бундай технологияларни ўз ҳамкорларидан бўлган ўша Исроилга етказиб турибди. АҚШ томонидан «Зарғалдоқ» ва шунга ўхшаш бошқа инқилобларни очиқ-ойдин қўллаб-қувватлаб келаётганлиги ҳам бизни қаноатлантирмайди. Халқ қандай яшашини ўзи ҳал этмоғи лозим».*

Тарих дарсларида «воқеа», «ҳодиса», «факт», «тушунча», «жараён» хусусида гап борганда педагог томонидан танланадиган ва қўлланиладиган аргументлар ниҳоятда ҳақиқий бўлиб, талабалар онгига бир умрга муҳрланадиган бўлиши лозим. Шу мақсадда ХХI аср бошига келганда дунёнинг айрим давлат арбоблари томонидан «демократияни экспорт қилиш» йўлидаги хатти-ҳаракатларини очиб ташлаш ўқувчи ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда, қолаверса, 2005 йил шароитида жаҳонда содир бўлиб ўтган геополитик сиёсатдан ўз вақтида бохабар қилиб боришларида, уларни комил инсонлар бўлиб етишишларида ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган бўлардилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳодисалар ҳам типик фактлар бўлиб, албатта сабаб ва оқибат жараёнлари билан бевосита алоқадор, шу жараёнларни албатта ўз ичига олади.

Жараён, яъни ҳодисаларни содир бўлиш жараёни — бу ҳам ҳодиса бўлиб, фақат тарихий жараёнларни юқори даражада умумлаштиришни, яъни тарихий тараққиётнинг барча қонуниятларини фактларга келадиган бўлсак, улар ўзларининг ҳажми, мураккаблиги ва моҳияти билан бир-бирларидан ажралиб туради.

Воқеа ва ҳодисалар бир-бирлари билан узвий алоқадорликда бўлиб, бир турдаги гуруҳ фактларини ўрганиш, бошқаларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Алоҳида олинган, такрорланмайдиган тарихий фактлар ва воқеаларни ўрганиш **типик** шакли эканлигини гувоҳи бўламиз.

Тарихни ўрганишда **факт** муҳим роль ўйнайди. Чунки, фактлар назарий хулосалар чиқариш ва умумлаштиришларда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

*Тарих фактлар билан тўла.* Шундай экан, биз тарих дарсларида тарихий фактларни танлашда қуйидаги талабларга риоя этмоғимиз лозим:

1. Фактлар илмий жиҳатдан атрофлича асосланган бўлиши керак.
2. Танланган фактлар тарихий жараённи тушунишда илмий ва амалий аҳамият касб этмоғи керак.
3. Танланган фактлар **максимум** аниқ ва образли бўлсин.
4. Танланган фактлар ўқувчиларни мустақил тафаккур этишга, унинг моҳиятига баҳо беришга йўналтирилган бўлмоғи керак.

Шу нарса муҳимки, ўқитувчи дарс жараёнида фактларни танлашда ўқувчиларнинг ёшларини албатта ҳисобга олмоғи керак. Масалан, VI—IX синфларида фактлар кўпроқ образли шаклда танланса, юқори синфларга келганда танланадиган фактлар ўқувчиларда илмий дунёқарашларини шакллантиришга ёрдам берадиган бўлсин (Масалан, фактларни давлат ҳужжатлари, Президент Ислом Қаримов асарлари, нутқлари ёки оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан фойдаланиш ўқитувчига тарих дарсини давр талаби асосида олиб бориш йўлидаги муаммолар ечимидаги фаол иштирокини таъминлайди).

Ўқувчилар факт ўртасидаги узвий алоқадорликларини қанчалик пухта ўзлаштирсалар, уларнинг фактлар асосида олган билимлари шундай системалашиб боради. Чунки, улар ҳар бир дарсда олдинги дарслардан ўрганган фактлардан келиб чиқадиган назарий хулосаларга эга бўлиб борадилар. *Худди мана шу методик қонуният ҳисобга олинган ҳолда дарс тузилишида:*

- а) «Дарснинг таълимий мақсади»;
- б) «Дарснинг тарбиявий мақсади деган» талаблардан кейин;

в) «Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим» талабининг тарих ўқитиш методикаси назариясининг ажралмас қисми бўлиб келётган талаблар мавжуд.

Тарихий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириб бориш — бу тарихий илмий асослар тушунишнинг асосий қуролидир. Тарихий билимларни шакллантириш билмаган нарсдан уни билиб олишга, тўла бўлмаган, юзаки, бир-бирлари билан боғланмаган билимлардан нисбатан тўла билимларга эришиш, чуқур онгли равишда англаб олган, системалаштирган, кундалик амалий фаолиятда қўлланиши лозим бўлган билимларни эгаллаш йўлидаги ҳаракатни ифода этади.

*Билиш диалектикаси шундай:* у тарихий фактлар тўғрисидаги аниқ образларни яратиш, яъни тарихий тасаввурни яратишдан бошланади. Тарих ўқитувчиси ҳар бир дарсда мана шу методик талабни маҳорат билан қўлламоғи керак. Бу борада классик педагогика вакили К. Д. Ушинский, шўролар даври тарихчи-методист олимлари Н. В. Андреевская, В. Н. Бернадский, А. И. Стражев, А. А. Вагин, П. В. Гора ва бошқалар асарларида тарихий тушунчаларни фактлар воситасида билиш жараёни ўзининг атрофлича баёнини топган.

Тарих ўрганиш жараёнида **тарихий тасаввурларнинг уч хил тури**ни кўрамиз. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, тарихий тасаввурларнинг роли ва турларини билишни ўзигагина кифоя этилмасдан, балки уларни, яъни тарихий тасаввурларни яратиш бўйича қилинадиган ишлар методикасини ҳам атрофлича эгалламоқ керак.

Тарихий тасаввур ҳамма ёшдаги ўқувчиларда ҳам шакллантирилиб борилса-да, уларни **деталлаштириш** даражаси турличадир. Масалан, V—VII синфларда тарих ўқитиш жараёнида кўرғазмали образларни қўллаш алоҳида аҳамият касб этади (Н. В. Гора). Бу нарса шу билан алоқалорки, бу синфлардаги ўқувчиларда тарихий билим захиралари бирмунча саёз, шунинг учун ҳам **адектив**, яъни ўхшаш даврларнинг образлари яратилмоғи керак. Ўрта синфларда (V—VII) бу масалага лоқайдлик билан қараш тарих ўрганишни давр талаби даражасида бойитилишига путур етказди.

Ўқувчиларда тарихий тасаввурни шакллантиришда *кўрғазмали қуроллар, иллюстрациялар, схемалар, аппликация*, шунингдек мавзуйий карталарнинг роли беқиёс каттадир.

*Яна бир масала.* Тарих ҳар доим **макон ва замонда** содир бўлади. Бунда тарих ўқитиш методикаси талабларидан бири — «Давр лентаси»дан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир. (Масалан, Мустақил Ўзбекистон Республикасининг вужудга келиши, шаклланиш, такомиллашиб бориш жараёни, «Ўзбек модели» республикамиз анъаналарига кўра мустақилликка эришгандан буён ҳар бир йилни маълум умумдавлат муаммосини ҳал этишга бағишланганлиги: 2001 йил — «Оналар ва болалар

йили», 2002 йил — «қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил — «Обод маҳалла йили», 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили», 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2007 йил — «Ижтимоий Ҳимоя йили», 2008 йил — «Ёшлар йили», 2009 йил — «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёт йили», 2010 йил — «Баркамол авлод йили»).

Мактаб тарих курсидаги хронологик саналар ўзларининг моҳиятлари бўйича турлича бўлади.

Булар:

1. *Асосий саналар*, қайсики ўқувчилар хотираларида сақланиб туриши керак. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришган сана, «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши, «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси»нинг қабул қилиниши, «Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши» ва ҳ. к.

2. *Таянч саналар*, тарих курсининг маълум даврини ўрганишда эса сақлаб қолиш учун зарур бўлган саналар. Масалан, II жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрь кuni Германиянинг Польшага қарши уруш эълон қилиши билан бошланган бўлса, 1945 йил 2 сентябрда АҚШнинг Япония бўғозида турган «Миссури» ҳарбий крейсери бортида Япониянинг иттифоқчилар томонидан таслим қилинганлиги тўғрисидаги актга имзо чекиш билан якунланади. Яна бир мисолда Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарган «сабаб» ва «баҳона»лар хусусида тўхталиб ўтиш ҳам ҳар икки жаҳон урушини маълум даражаларда солиштириб ўтишга имкон беради. Мазкур ўринда Австрия-Венгрия тахтининг меросхўри шаҳзода Франц Фердинанднинг ўлдирилиши билан алоқадор бўлган фактни ёритиб бериш талабга мувофиқ бўлар эди.

3. *Таянч саналари* ва иккинчи даражали фактлар билан алоқа ўрнатадиган саналардир.

Фикримизча, Она Ватанимиз тарихига алоқадор бўлган, шундай фикр-мулоҳазалар, турли йўналишда берилган баҳолар борки, биз уларнинг бугунги талаба ёшларимизга халқимизнинг босиб ўтган машаққатли тарихий йўллари қанчалик илҳом бўлган бўлмасин, уларнинг тарихий фактлар асосида шундайлигича шарҳлаб бермоғимиз лозим. Бу борада «Ўзбекистон тарихи» курсида қатор мавзуларни ўрганишда тарихий фактлар асосида миллий мустақиллигимизни қўлга киритганлигимизга қадар ўзбек халқи чет эл босқинчилари томонидан қанчалик камситилиб келинганлигини умумий сўзлар билан эмас, балки аниқ тарихий фактлар асосида ёритиб бермоғимиз лозим. Афсуски, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун «Ўзбекистон тарихи»дан мавжуд бўлган ўқув дастурларида муаллифларнинг тарих ўқитиш методикасига бўлган илмий-назарий талаблардан йироқликлари боис, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Ўзбекистон тарихини ўрганишга бўлган узвийлик, яъни та-

лабаларни 7—8—9-синфларда Ўзбекистон тарихидан олган билимларига интеграцион ёндашишни амалга ошириб, тарих таълимини бир бутун ҳолда ўзлаштиришларига имкон бераётир. Ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ва ҳатто институтларида эса бундай камчиликлар янада чуқурлашиб бормоқда. Натижада талабаларимизда кўп ҳолларда Ватанимизда содир бўлган у ёки бу тарихий фожеанинг сабаб-оқибатлари аниқ тарихий фактлар асосида кўрсатиб, илмий асосда тушунтириб бериш имкониятидан, тўла билим ва тасаввур шакллантирмасдан, кўп ҳолларда тарихий мавзулардаги бош ғоялар, таянч тушунчалари профессор В. Ф. Шаталов ибораси билан айтганда, *ҳар бир мавзудаги таянч сигналлар* албатта ўз ўрнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиши керак бўлгани ҳолда, биз ўқувчи ёшларга тарихий воқеалар, уларни келтириб чиқарган сабаб, натижалар, уларга раҳбарлик қилган тарихий шахслар хусусида тарихий билимлардан мутлақ йироқ бўлган умумий сўзлар билан «ки-фояланиб» келаяпмиз.

Шу нарсани яна бир қарра эслатиб ўтишимиз жоизки, мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётидан кутилаётган натижалар — бу мамлакатимизда *демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамият* қуришдек Олий мақсаддан иборатдир. Шундай экан, ана шу мақсадга эришмоқнинг асл илмий йўли бугунги кунда айрим давлат арбоблари томонидан айюҳаннос солиб «демократия» дейилмиш муқаддас тузумни зўравонлик билан бугунги Афғонистон ёки Ироқ мамлакатларида собиқ Иттифоқ ҳудудида «Зарғалдоқ инқилоб» деган ҳунук ном олган ҳаракатлар натижасида вужудга келган Грузия, Украина ва Қирғизистон давлатлари ҳаётида содир бўлиб, зўрма-зўраки «ривожлантириш» йўлларида мутлақ фарқ этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда *«Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг Олий қадрият»* мавзусидаги маърузасида баён этилган биз эришмоқчи ва яратмоқчи бўлган демократияни қуйидаги белгилари аниқ фактлар асосида атрофлича тушунтирилиб, ҳар бир талаба-ёшларимизнинг онгу шуурига тўла етказиб борилмоғи керак.

Мана биз қурмоқчи бўлаётган демократиянинг асосий белгилари:

— жамоавий келишув. Қонунлар кўпчилик томонидан тасдиқланиб, тан олинади;

— ҳокимиятларнинг тасдиқланиши;

— жамиятнинг давлатдан устунлиги;

— оппозициянинг қонунийлиги;

— мажбурлаш эмас, ишонтириш афзал эканлиги;

— эркин рақобатбардош доимий сайловлар;

— инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;



- ҳукумат органларини алмаштириш;
- мустақил оммавий ахборот воситалари;
- озчилик фикрини ҳурмат қилиш;
- ривожланган фуқаролик жамияти.

Лорд Болингброк «тарихни ўрганишнинг фойдаси» хусусида алоҳида қайд этганидек, ёш авлодга тарихий тараққиёт қонунларини кунт билан ўргатиш, тарихий фактлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишларида ҳар бир педагог ўзининг илмий-педагогика хусусидаги ҳаётий тушунчаси, маҳорати ва аниқ тарихий билимлари хазинасидан эгалланган маҳсулини ёш авлодга ҳар томонлама етказиб беришга эришмоғи лозим.

Зеро Президент Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек, *«Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади»<sup>1</sup>.*



### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тарихий фактлар ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тарих дарсларида «воқеа», «ҳодиса», «факт», «тушунча», «жараён» хусусида гап борганда ўқитувчи томонидан танланадиган ва қўлланиладиган ҳолатлар қандай бўлишини изоҳлаб бера оласизми?
3. Тарих дарсларида тарихий фактларни танлашда қандай талабларга риоя этилиши лозим?
4. Сизнингча тарихий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириб бориш кундалик амалий фаолиятда қўлланилиши лозим бўлган билимларни эгаллаш йўлидаги ҳаракатни ифода эта оладими?
5. Тарих таълимида хронологик саналарнинг моҳиятини тушунтириб бериш.

<sup>1</sup> Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналининг 1998, 5-сон, 15-бет.

## МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАҒҚУРАНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### 1. МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ ФАКТЛАР ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*«Демократик жамиятнинг шаклланиши бир лаҳзада рўй берадиган жараён бўлмасдан, авваламбор одамлар онги ва тафаккурида янгилашиши ва демократия қадриятларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ узоқ ва давомли жараёндир. Ҳаёт юриши ва тараққиёти билан демократик ўзгаришлар, жамият демократик қадриятларининг тобора юксалиши давом этаверади».*

**Ислом Каримов**

Миллий мустақилликка эришганимиз муносабати билан нафақат академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, балки умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида ҳам дарсдан ташқари машғулотларни *кадрлар тайёрлаш жараёнида* тинмай такомиллаштириб бориш мамлакатимизда Давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Жумладан, бу борада «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да масала шундай қўйилади:

*«Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун даражасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:*

— таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармогини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

— миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инobatга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

— ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш»<sup>1</sup> лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни таълим-тарбия бобида дарсдан ташқари вақтларини, уларнинг замонавий комил инсонлар этиб

<sup>1</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: 1998, 51-бет.

тарбиялашда Республикамиз илғор педагоглар аҳли олдига қўйган бундай мураккаб вазифаларини амалга ошириш ушбу камтарона тадқиқотнинг асл мотивацияси ҳисобланади.

*Хуш, таълим-тарбия жараёнида муҳим роль ўйнайдиган бу муаммо бугунги кунда Республикамиз таълими тизимида қай даражада ривожланиб бормоқда?*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 5 июлдаги 8/1-ХБ-сонли «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили якунлари ва ривожлантириш истиқболлари тўғрисида»ги буйруғида қайд этилишича, ўқувчиларни мактабдан ташқари таълим муассасаларига фаол жалб этишда муайян ишлар қилинганлиги қайд этилган. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳуқуқ, тарғибот органлари билан ҳамкорликда «*Диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик — ҳаёт кушандаси*», «*Терроризм ва гиёҳвандлик — XXI аср вабоси*», «*Ўз ҳуқуқингни биласанми?*», «*Терроризмнинг мудҳиш оқибатлари*» мавзуларида учрашувлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида давра суҳбатлар ўтказилган.

Мактабдан ташқари муассасаларда ўз йўналишлари бўйича 121 та музей ташкил этилган.

Мазкур буйруқда мактабдан ташқари таълим бобида катта назарий ва амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, камчиликлар ҳам алоҳида қайд этилган. Жумладан, Республика бўйича мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчиларни жалб этиш, 8,7% ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич Тошкент вилоятида 6,3% ташкил этганлиги, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўғрақ машғулотларида болалар давоматининг пастлиги, сунъий равишда ўқувчилар давоматини ошириб кўрсатиш ҳолатлари, Республика мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўз йўналишлари бўйича илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ҳамда жойларда илмий-методик ёрдам кўрсатишда сустрекчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, «Мактабдан ташқари таълим» тушунчаси билан бирга, *дарсдан ташқари ишлар* тушунчаси мавжуд. Умумтаълим мактаблари тизимида мавжуд бўлган «Мактабдан ташқари таълим муассасалар ўзида қатор мустақил таълим-тарбияга бевосита алоқалор бўлган муассасаларни ўз ичига олади. Чунончи, Республика ўқувчилар саройи, Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази, Республика таълим маркази ва унинг қошидаги Илмий-методик кенгаши, Республика «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуи муассасаларида Республика миқёсида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тасарруфида фаолият олиб боради.

Мазкур таълим муассасаларининг талабалар билимини такомиллашуви ва айниқса, онгли касб-ҳунар эгаллашларидаги ўрни ва ролини нақадар улкан эканлигига гап йўқ. Бироқ, шунга қарамасдан ўқувчиларимиз кўп ҳолларда умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаб, ЎМКХ таълими тизимига ўқишга кирганлардан кейин уларнинг мактабдан ташқари муассасалари билан алоқалари деярли узилади. Бу деган сўз 9-синфни тамомлаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига ўқишга кирган талаба бир томондан гуё таълимнинг узлуксизлигини шараф билан бажо келтиради. *Хўш, дарсдан кейинги машғулотлардаги узлуксизлик қаерда қолди?* Қолбуки, юқорида кўрсатганимиздек, Республика ўқувчилар саройи, «Республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази», «Республика Биоэкосан ўқув-услубий мажмуаси», «Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази», ЎМКХТ академик лицейлар онгли, касб танлашлари ва унинг давр талаби даражасида яна такомиллаштириб-эгаллаб боришларида бениҳоя катта аҳамият касб этарди. Фикримизча, бу борада Республикаимизнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Халқ таълими вазирликларининг соҳа-мутахассислари орасида интеграцион ҳамкорлик янада такомиллаштирилса комил инсонни тарбиялаб, вояга етказиш йўлидаги умуммиллий мақсадимизни амалга оширишда беназир имкониятлар яратган бўлур эдилар.

Миллий ғоя ва мафкура фанини самарали ўқитиш, ўрганиш, бу фандаги асосий тушунча ва тамойилларни ёшларимизнинг кундалик фаолиятида амалий жиҳатдан ижобий кўникмаларга эришиш давр талабидир. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ЎМКХТ бош Бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари ўқитувчилари ва раҳбарлари учун мазкур фаннинг ўқитилиши жорий этилгандан буён 2005 йилнинг февралига қадар 8 маротоба илмий-амалий семинар ўтказилди. Бошқарманинг ташаббуси билан доимий ҳаракатдаги ма-лака ошириш курслари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Биз педагогик фаолиятимизда таълимни демократлаштириш хусусида кўп гаплашамиз-у, бироқ амалиётда дастур, дарслик ва методик кўлланмаларига догматик ҳолда маҳкам ёпишиб оламиз. Яхши, *«Агар дарсликларда миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этилган бўлса»<sup>1</sup>*. Хўш, шуни акси бўлган ҳолда-чи? Тўғри ўқитувчининг вазифаси у ёки бу вазирлик томонидан тасдиқланган.

Республикаимиз келажаги бўлган ўқувчи ёшларда мустақил фикр юритишни изчиллик билан шакллантириб бориш лозимлиги хусусида Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган тарихий нутқида шундай деган эди:

<sup>1</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: 1998, 8-бет.

«Умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишига ўргатилдими? Аминманки, ўргатилмайди. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишини талаб қилади. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчилардан мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски амалда тажрибамизда унга рия қилмаймиз. Мустақил фикрлаш катта бойликдир»<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатилган «Дарсликлар» ва «Ўқув кўлланмалар»га келадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси юлдуз кўрмасдан жон берганлек, ўзбек халқининг ҳақиқий тарихига бўлган чанқоғини бостириш ўрнига қоғоз омборхоналаридан жой олди.

Бизнинг «Асосий мақсадимиз аввалгича қолади — бу Демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида Демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлида оғишмай изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>2</sup>.

Шундай экан, биз педагоглар биринчи галда таълим-тарбия жараёнини том маъносида демократлаштириб бориб, Президент И. Каримов ибораси билан айтадиган бўлсак, Давлат ва жамиятни бошқаришни эркинлаштириб бориб, мазкур ўринда алоҳида олинган муаммо — Миллий ғоя ва мафкура фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда биргина маълум бир доирадаги муаллифлар жамоасида мақбул бўлган «Дастур» ва «Ўқув кўлланма»ларига догматик муносабатда бўлиб, уларгагина ёпишиб қолмасдан, аксинча, уларга ижобий ёндашиб, вариатив муносабатда бугунги давр талаби эканлигини, шунингдек, ўқув жараёнини демократлаштириш билан уни ижодий ривожлантириб бориш узлуксиз жараён эканлиги таълим-тарбиянинг бизни ўраб турган жўйқин жараён эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

Мазкур ўринда ёшларимизда Миллий ғоя ва мафкурани самарали шакллантириб боришда, таълимни уларни ўраб турган ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлаб олиб бориш, узоқ ўтмишимиздан буён «ти-бобол»римиз билан бизга ўтиб, мерос бўлиб келаётган беназир тарихий ёдгорликларимизни кўзлаган мақсадимизга мувофиқ мукамил ўрганиб боришимиз Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тавмойил — «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ»лигига оғишмай амал қилишимиз айтилиб келиб келди.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, ўзбек халқи томонидан асрлар давомида яратилган ва миллий бойлигимиз бўлган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш маънавий дастуриимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган.

<sup>1</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тиракчиётининг пойдевори. — Т.: 1998, 9-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2005, 34-бет.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маданий ёдгорликларни қўриқлаш иши давлат сийёсати даражасига кутарилди. Бугунги кунда Республикамизда 7000 дан ортиқ *тарихий ёдгорликлар*, шу жумладан 2500 та *архитектура* ёдгорликлари, 2700 дан зиёд *археология* ва 1000 дан ортиқ маҳобатли *санъат ёдгорликлари* давлат ҳимоясига олинган. Энг кўп тарихий ёдгорликлар тўпланган Ўзбекистоннинг 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. Улар орасида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон ва бошқалар бор. Хива, Бухоро, Самарқанднинг тарихан шаклланган шаҳар марказлари тарихи *архитектура қўриқхоналари* деб эълон қилинди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Хивадаги «Ичанқалъа» қўриқхонасида (1991), Бухоро тарихий Марказида жойлашган ёдгорликлар, (1993), Шаҳрисабз шаҳридаги Темур ва Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари (2001), Самарқанд шаҳри марказидаги тарихий ёдгорликлар (2002), Халқаро Жаҳон Маданий Мероси рўйхатига киритилган. Сўнгги 10 йилликда Маданий ва Тарихий ёдгорликларни қайта рўйхатга олиш ишлари натижасида XX асрнинг 90-йиллари охирида уларнинг 7612 таси ҳисобга олинган бўлса, шулардан 1595 тасини *меъморий ёдгорликлар*, 3106 тасини маҳобатли *санъат* асарлари, 2115 тасини *археология* ёдгорликлари ташкил этади. Улардан 1831 таси Республика миқёсида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, 513 таси *меъморий обидалар*, 98 таси маҳобатли *санъат* асарлари, 1213 таси *археологик* ва 27 таси *тарихий ёдгорликлардир*.

Бу маълумотлар мамлакатимизнинг бутун ҳудуди қадимий маданият ва цивилизация ўчоғи бўлганлигидан далолат беради. Бундай ёдгорликлар айниқса, Самарқанд (997), Бухоро (804), Қашқадарё (592), Тошкент (562), Фарғона (512) вилоятларида кўп.

Эндиги вазифамиз ёш авлодга «Миллий ғоя ва мафкура» фани асосларидан таълим-тарбия бериш жараёнида, айниқса синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва бошқаришда ота-боболармизнинг қолдирган тарихий меросларидан уларда Миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ва ўқувчиларнинг бу фандан олган назарий билимларини уларнинг кундалик амалий фаолиятларида қўллаб билишларига, қолаверса уларда «*Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик*» ғояларини мустаҳкам шакллантириб боришда айна муддаодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳар ойнинг охирги жума куни «Маънавият куни» деб эълон қилинганлиги, «Миллий ғоя ва мафкура» фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни ҳам ўзларининг педагогик фаолиятларида мазкур қарорни турмушга татбиқ этишда ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт эканлигини тақазо этади. Жумладан, биз, ўзимизнинг педагогик фао-

лиятимизда «Миллий гоё ва мафкура»ни ўқитишга тааллуқли илмий-методик ва дидактик тадбирларимизни ишлаб чиқиш, такомиллаштириб боришда «Дардан ташқари» машғулотлар масаласига келганимизда ойда бир марта жума кунлари ўтказиладиган «Маънавийат куни»да ўқувчиларимизни Республикамизда мавжуд бўлган, айниқса мустақиллик йилларида бунёд этилган кўпгина тарихий ёдгорликлар билан таништириб бориб, уларда миллий гоё ва мафкуранинг Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш руҳини камолга етказишда катта аҳамият касб этадиган, Ватан манфаатини ўз манфаати деб англайдиган ёшлар этиб тарбиялаш учун уларнинг дарс жараёнида олган назарий билимларини амалиётда тарихий экскурсиялар давомида аниқ тарихий манбалар ва ашёлар воситаларида амалиётда исбот-далиллар билан бойитишга ҳаракат қилдик.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилдаги «Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида алоҳида қайд этилганидек, музейлар халқимизнинг маънавий-ахлоқий гуруҳ ва ифтихорини, миллий гоё ва мафкураларига садоқат, шунингдек Она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш ва камол топтиришда зарур восита эканлиги биз педагогларни айниқса Миллий истиқлол гоёси фанидан дардан ташқари машғулотлар олиб бориш жараёнида Республикамизда мавжуд бўлган турли музейлар, экспонатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишимизга даъват этади.

Энди қуйида «Миллий гоё ва мафкура» фанидан ўқувчиларимизга Ватанимизнинг бой ва маданий мероси, обидалари айниқса миллий мустақилигимиз йилларида бунёд этилган айрим тарихий ёдгорликлар мажмуи билан танишиш мақсадида олиб борилган амалий ишларимиздан намуналар келтирсак.

Ўқитувчилари иштирокида ўқув йили бошида «Миллий гоё ва мафкура» фанидан дарс соатлари тақсимотини ишлаб чиқиш жараёнида маъқур фанни ўқитиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш, ёшларда миллий гоё ва мафкурани шакллантиришни давр талаблари билан мослаштириш мақсадида «Таълимдан ташқари ишларни тизимли равишда амалга оширишни такомиллаштириш»нинг қуйидаги режасини тузиб чиқдик:

1. «Миллий гоё ва мафкура» фанининг асосчиси Президент И. Каримов асарлари, нутқлари, оммавий ахборот воситалари ходимларига берган нигерньюларини атрофлича ўрганиш, уларда илгари сурилган илмий-назарий тамойилларни ҳар бир ўқувчи онгига тезкор равишда етказиш мақсадида «Ёш сиёсий шарҳловчилар» тўғрагини тузиш самарали натижалар берди. Маъқур тўғарақда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида кўтарилган айрим муҳим масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, ўқувчиларнинг кенг омма муҳокама-

сига тавсия этилди. Лозим топилса, Халқаро майдонда содир бўлган масалаларга бағишлаб ўтказилган тадбирларда мавзуга бағишланган рефератлар ҳам тайёрланади ва ҳимоя қилинади;

2. Ҳар бир ўқувчига «Ўзбек модели»нинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш «Қонун устуворлиги», Мустақил Ўзбекистонимизда «Қонуний демократик жамият қуриш» асосларини тизимли равишда сингдириб бориш мақсадида «Ёш ҳуқуқшунослар» тўғарагини ташкил этиш. Тўғарак фаолиятига масъуллик ижтимоий фанлар кафедрасида ҳуқуқшунослик фанларидан дарс берадиган педагог зиммасига юкланади;

3. Дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларни мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликлар, маърифий-маданий масканлар, санъат кошоналари, айниқса мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар билан атрофлича таништириш мақсадида тарихий экскурсиялар уюштириш;

4. «Ёш ўлкашунослар», «Ёш Ватанпарварлар» тўғараklarини ташкил этиш;

5. Ўқувчиларга ўз маҳаллалари, қишлоқлари, туманлари тарихи мавзусида реферат ёзишни топшириш;

6. Маҳалла фаоллари, оқсоқоллари иштирокида «Маҳалламиз тарихидан» мавзусида давра суҳбати ўтказиш;

7. «Диний экстремизм нима?» мавзусида Ўзбекистон Республикаси, вилоят, туман ИИБ раҳбар-вакиллари иштирокида давра-суҳбатлари ўтказиб бориш;

8. Ўқув юрти кутубхонасида тарихий саналарни нишонлашга бағишланган кутубхоналар конференцияларини ўтказиш;

9. «Огоҳми биз?» мавзусида суҳбат ўтказиш; Бу тадбир ижтимоий фанлар кафедраси мудири ва аъзолари томонидан олиб борилиши талабга мувофиқ бўлади;

10. Тарихчи-археолог олимлар билан «Ватанимизнинг ўтмиши ва бугунги истиқболлари» мавзусида суҳбат ўтказиш;

11. Республикамиз қуролли-кучлари, ИИБ, Давлат хавфсизлиги қўмитаси ходимлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида «Ватанни севмоқ иймондандир!» мавзусида давра суҳбати ўтказиш;

12. 2007 йил нима учун «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди?» мавзусида туман, «Камолот» ЁИХ ташкилотлари раҳбарияти иштирокида давра суҳбатини ўтказиш ва ҳ. к.

Қуйида миллий мустақилигимизнинг қисқа даврида бунёд этилган маънавий-маърифий ёдгорликларидан бири, Президент И. Каримов ибораси билан айтганда, «Оллоҳнинг назари тушган, Ватанимизни дунёга танитадиган, ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз



маскан — Имом Ал-Бухорий мажмуи»ни ўрганишга бағишланган педогогик иш фаолиятимизни яна бир бор таҳлил этиб кўрамиз.

Мустақиллик даври тарихий ўлкашунослигини ўрганишга киришар эканмиз, бунда тарих ўқитувчисидан албатта мантиқий узвийликдан келиб чиқадиган таълимий узлуксизликка амал қилиш услуби фикримизча, биз кутган ижобий натижаларга етаклайди. Миллий мустақилигимизга эришганлигимиз шарофати билан диний қадриятларимиз ҳам ижобат бўлди. Ислом динида машҳур шоирларимиз иборалари билан айтадиган бўлсак «Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро қуввати ислом дини аст» деб мадҳ этилган Бухорои шариф бир нақтда ислом дунёсидаги тўрт диний Марказлардан бири, яъни Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Қуддуси Шариф қатори «Бухорои шариф» эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда мустақилликни қўлга киритган қисқа тарихий даврда бунёд этилган, бемуболага айтиш мумкинки, мусулмон дунёсида умумбашарий аҳамият касб этган Бухорои шарифдек улғуф ном билан алоқадор бўлган, 1998 йилда бунёд этилган, ҳадис илмининг султони, беназир мутафаккир Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи тарихини ўрганишдан бошладик. Гап шундаки, истиқлолимиз муносабати билан ҳукуратимиз томонидан бизга берилган диний эркинлик шарофати билан Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага Ҳаж сафарига боришдан олдин исломнинг беш буюк тамойилларидан бири бўлмиш бу тадбирнинг дастлабки босқичи ҳам Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш лозим, деган қарорга келдик. Ахир ҳадиси шарифда «Савобни ўзингдан бошла» дейилган-ку!

Биз истиқлолимизнинг дастлабки тарихий мажмуаларидан бўлмиш Имом ал-Бухорий ҳоқи-пойлари қўйилган жойларини зиёрат этишдан олдин, бу зоти олийларининг таржимаи ҳоллари, халқ орасида «Саҳий Бухорий» номи билан машҳур бўлган «Ал-Жомеъ-ис-Саҳиҳ» (Ишончли тўплам) номли шоҳ асари хусусида ва бу олий ютнинг дафни этилган манзиллари тўғрисида ахборот тўплашга ҳаракат қилдик. Бу фаолиятни биз авваламбор 1990 йилда «Ўзбекистон» нашриётида Муфтий Шамсиддинхон Бобохонов томонидан тайёрланган «Ал-Адаб ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) асаридан, Ўзбекистон Республикаси қомуслар бош таҳририяти томонидан нашр этилган — Абу-Абдуллоҳ Муҳаммад ибн-Исмоил ал-Бухорийнинг тўрт томлик «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ишонарли тўплам асари билан атрофлича танишиб чикдик. Қатор боблар ва ҳадислардан ўқувчилар ўртисидан дидактик материал сифатида атрофлича мутолаа қилиб ўрганишлари учун тарқатма материал сифатида тайёрлаб қўйдик.

Ана шундай тарқатма-дидактик материаллардан айримларини келтирамиз:

«Мусовия Ибн-Ҳаййида (р.а.) айтдиларки, Расулуллоҳдан: «*Эй Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?*», — деб сўрадим. «Онангга», — дедилар. Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ «Онангга», — деявердилар. Тўртинчи марта сўраганимда: «*Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга*», — дедилар» (2-боб. 3-ҳадис).

«Усмон ибн Шурайж айтадилар: «*Ё Расулуллоҳ!*» *Биз дори истеъ-мол қилсак бўладими?* деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) «*Дори истеъ-мол қилинглар, чунки Оллоҳ таоло қандай дард берган бўлса, унинг давосини ҳам албатта бергай*». *Фақат битта дарднинг давоси йўқ, у ҳам бўлса кексалиқдир*», — дедилар» (138-боб. 291-ҳадис).

«*Ё Расулуллоҳ!*» *Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси нима?* Расулуллоҳ «*Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси ахлоқдир*», дедилар (138-боб, 291-ҳадис).

«Ҳазрати Али айтадилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дардлари огирлашган вақтида менга: «*Эй Али! Менга ҳайвон курагидан олиб кел, мен умматларим залолатга тушмайдиган нарсаларни ёздираман*» — дедилар. Мен эса, куракни олиб келгунимча Расулуллоҳнинг оламдан ўтиб қолишларидан кўрқиб: «*Эй Расулуллоҳ! Айтадиган гапларингизни мен ёдимда сақлаб қоламан*», — дедим. Шу вақтда Расулуллоҳнинг муборак бошлари менинг билагим билан елкам устида эди. Расулуллоҳ шунда: «*Намозни ўз вақтида ўқинглар, закотни беринглар ҳамда қўл остингиздаги кишиларга яхши қаранглар*», — деб васият қилдилар» (82-боб, 155-ҳадис).

Илм-фанда «Ҳадис илмининг амири» деб бир овоздан тан олинган Имом ал-Бухорий ҳазратларининг илмий меросларидан бирмунча етарли маълумотларга эга бўлганимиздан кейин, Ҳазратнинг қисматлари қандай интиҳоб топганлиги билан қизиқиб, бу буюк зотнинг ҳижратнинг 256-йили Рамазон ойининг охири куни, шанба кечаси вафот этганликлари, эртаси Ҳайит куни жаноза ўқилиб, Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғида дафн қилинганликлари, шунда имомнинг ёшлари ўн уч куни кам олтмиш иккида бўлганлигини билиб олдик.

Имомлар имоми ва муҳаддислар пешвоси бўлмиш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ал-Бухорий ал-Жуфий Ҳижратнинг 194-йили Шаввол ойдан ўн уч кун ўтганда жума намозидан кейин Бухорода таваллуд топганлар. Оталари Шайх Исмоил-ибн-Иброҳим-аҳли ҳадислардан бўлиб, озгина тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Катта бобоси ал-Муғира яманлик Жуфий-ибн-Саъд қабиласидан бўлмиш Бухорода истиқомат қилувчи Ал-Яман-ал-Жуфий деган кишининг таъсирида мусулмон бўлгани учун набираси Имом-Бухорийга ҳам ал-Жуфий деб нисбат берилган.

Ал-Бухорий ёшлигиданоқ отаси вафот этиб, у онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир-зеҳнли, маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. У 10 ёшлик чоғидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятлардан эшитган ҳадисларни, шунингдек Абдуллоҳ-Ибн-Ал-Муборак ва Вакийъ каби аломалардан ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, уч устози Шайх-Дехомий билан Хижозга қараб йўл олади<sup>1</sup>.

Муқддас шаҳрлар Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварани зиёрат қилиб, олти йил Хижозда яшаб, ҳадис илмидан астойдил таълим олади. Шундан кейин ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Боғдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда Фикҳ илмидан ҳам таълим олади. Йирик олимлар билан илмий-баҳслар ва мунозараларда қатнашиш билан айни вақтда илм толибларига дарс ҳам беради.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, мулоҳазалари ўткир олим эдилар. Ривоят қилишларича, бир китобни қўлга олиб бир маротаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёдда қолаверарди. Имом-Бухорийнинг ўз сўзига кўра юз минг саҳиҳ, (ишончли) ва икки юз минг Байри саҳиҳ, (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Ўз шогирдларидан Амр-ибн-Фаллос: «*Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдур*», дейди. Устозларидан Имом-Аҳмад-ибн-Хонбал-ал-Марвазий (780—885)нинг айтишича: «*Бутун Хуросонда Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас*».

Имом Бухорий билан Басрада Ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Хошид ибн-Исмоил айтади: «*Имом Бухорий улар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, ammo Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб ўн беш минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан? деб таъна қилган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман», деди-да, Устоз ривоят қилган ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларини унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик». Баъзи ривоятларга кўра, Имом Бухорий 16 ёшга қадам кўйганда Абдуллоҳ ибн-Муборак ал-Марвазий (736—798) ва Вакийъ ибн ал Жарроҳ (747—812)ларнинг китобларини батамом ёд олган экан.*

<sup>1</sup> Бобохонов Ш. Ас-саҳиҳ ас-саломи ва садоқати бай наш-шууб. — М.: 1976, 22-бет.

«Киши илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тентдошларидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳам ҳадис олмагунча, етук муҳандис бўла олмайди». 132-саҳифа.

Имом Бухорий йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаганлар ва биз авлодларга бой ва қимматли мерос қолдирганлар. Улардан «Ал-Жомий ас-саҳиҳ», «Ал-Адаб-ал-Муфрад», «Ат-таърих-ас-Сағийр», «Ат-таърих-ал-Авсот», «Ат-таърих-ал-Кабийр», «Китоб ал-кабир» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари шубҳасиз унинг шох асари «Ал-Жомий ас-саҳиҳ»дир. Бу асар «Саҳиҳ-ал Бухорий» номи билан ҳам машҳурдир.

Имом ўз Ватани Бухорога қайтгач, бирмунча вақт толиби илмларга дарс беради. Бундан хабар топган Аббосия халифалигининг Бухородаги ноиби Холид ибн-Аҳмад-ибн-Холид-ас-Зухалий: «Бундан буён амирлик саройига келиб болаларимга ал-Жомий ас-саҳиҳдан дарс беринг», деб мактуб юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайдилар ва: «Мен илмни «хўрлаб султону-амрлар эшигига олиб бормамайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда сарой мулозимларини, ходимларини) уйимга ёки масжидга юборсин! Лекин Оллоҳ охират кунини илмни яширмай, уни толибларга сарф қилганим учун мени кечиради», деган жавобни айтади. Амирга бу жавоб ёқмай, фитначи, бўҳтонкор шахсларни гапига кириб, Ал-Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд уламолари Имомнинг Самарқандга кўчиб келишини илтимос қилишадди. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқдилар. Лекин Самарқандга яқин Ҳартанг қишлоғидаги қариндошларидан Абу-Мансур-Ғолиб-ибн-Жибрилнинг уйига тушиб, бир неча кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қоладилар.

Имом Бухорий самарқандликларнинг иккинчи илтимосларига биноан бетобликларига қарамай, йўлга чиқадиладар. Аммо бир оз йўл босиши билан дард оғирлашгач: «Мени *отдан туширинглар!*» деб отдан тушдилар-да, шу ерга ёнбошлаб жон таслим қилдилар. Бу воқеа ҳижрий 256-йил, мелодий 870-йилнинг 1 сентябрида, янада аниқроғи Рамазон ойининг охирги кунини, шанба кечаси содир бўлди. Эртаси кунини жаноза ўқилиб, шу Ҳартангда дафн қилиндилар.

Шу нарса сир эмаски, Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ҳоки пойлари жойлашган Ҳартанг қишлоғи ҳазрат вафотларидан токи Ўрта Осиёнинг рус чоризми томонидан истило қилингунига қадар мусулмон дунёсининг муқаддас диний марказидан бири бўлиб келди. Лекин, Ўрта Осиё рус чоризми томонидан истило қилинганидан кейин ислом дини ва диний аҳкомлари, жумладан, Ҳартанг қишлоғидаги ҳазрат Имом ал-Бухорий қабрлари жойлашган зиёратгоҳ ҳам мутлоқ унутилди. 1868 йилда Самарқанд шаҳри генерал фон-Кауфман қўмондонлигидаги рус чоризми босқинчилари томонидан босиб олиниб,

Бухоро амири Музаффархон билан имзоланган Зирабулоқ, (Самарқанд) тенгсиз шартномасидан кейин масжиду-мадрасалар умуман оёқости қилиниб, Мирзо Улуғбек мадрасаси босқинчи рус армиясининг казармаси — ётоқхонасига айлантирилган бўлса, иккинчи шундай бир илм масканидан отхона, учинчисидан эса қурол-аслаҳа сақланадиган омборхона сифатида фойдаланилган.

Фақат миллий мустақиллигимизгина миллий қадриятларимизни, жумладан ислом динимизни қайтадан тиклаб, ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари билан алоқадор бўлган манзилларни, жумладан Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини том маънода янгитдан яратиш имконини берди. Президент И.Каримов ибораси билан айтиладиган бўлсак:

*«Яратганимизга шукрлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрт бағрига қайтмоқда. Алломанинг улмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу-тафаккуримизни равшан этмоқда, қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда. Биз эски тизим тафаккури зугумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканлигимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрия ишларни амалга оширдик. Жумладан, Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга, руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.*

*Оллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлди. Ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман. Бу Оллоҳ таоло олдидаги, аждодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди»<sup>1</sup>.*

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг таржимаи ҳоллари, — ҳадис илмидан айрим масалалар баёни ёзилган матнлар, Президент И. Каримовнинг ҳазрат хотираларини абадийлаштиришни янада такомиллаштириш хусусидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган матнлар тарқатувчи лидактик материал сифатида алоҳида варақларда компьютерда ёзиб тайёрлангач, махсус дискетга ёзилиб, Имом ал-Бухорий ҳаётини ўрганишга бағишланган машғулот давомида намоёиш этилади. Шундан кейин миллий мустақиллик йилларида «Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи»нинг яратилиш тарихи ва мажмуани ҳар бир деталини бағафсил ўрганишга қуйидагича ёндашамиз:

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз» 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999, 186-бег.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи тўғрисида мукаммал маълумот «Имом Бухорий Республика илмий-маърифий Маркази» томонидан тайёрланган ахборотномада нисбатан муфассал баён этилганлиги боис ундаги матн синфда, машғулот давомида намойиш этилади ва ҳар бир кўчирма бўйича талабаларнинг мустақил таҳлилларидан келиб чиқадиган фикр-мулоҳазалари, хулосалари таҳлил қилинади. Машғулот давомида ахборотномадаги ёдгорлик мажмуида қайд этилган ёдгорлик иншооти деталлари ҳам кенг намойиш этилади ва атрофлича тушунтириб берилади (Ахборотнома илова қилинади).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин миллий-маънавий ва диний қадриятларимизни тиклаш Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шу боис Имом ал-Бухорий, Муҳаммад-ат-Термизий, Баҳовуддин-Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий каби бутун умрини имон ва эътиқод, илм-фан, маърифат ва диёнат йўлида бахш этган алломаларнинг илмий-маънавий меросларини ўрганиш ва омма орасида кенг тағриб этиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелдаги «Имом-ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида алломанинг шўролар даврида юқорида қайд этганимиздек, деярли қаровсиз бўлиб қолган, муқаддас зотнинг муқаддас зиёратгоҳи сифатида тараннум этишга бўлган мақбаралари ўрнида махсус ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

Президент И.Каримов ташаббуслари билан тарихан ўта қисқа муддат — 8 ойда қуриб битказилган бу мажмуа 1998 йил 23 октябрь жума кунини хорижлик меҳмонлар ва кенг жамоатчилик иштирок этган тантанали маросимда Давлатимиз раҳбари томонидан расман очилди. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи авваламбор зиёратгоҳ — қадамжо, қолаверса, кундалик жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтаб келмоқда. Бу ерда ҳадис илмини ўрганиш билан биргаликда, халқаро илмий-амалий анжуманлар ва турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда.

Мажмуа тўрида — мақбаранинг орқа тарафида ҳадис илмини ўрганишга мўлжалланган ўқув Маркази — «Дорул Ҳадис» биноси жойлашган. Ҳартаг қишлоғида бунёд этилган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи юртбошимиз таъкидлаганидек шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки Оллоҳнинг назари тушган Ватанимизнинг дунёга танитадиган, ёш авлодни эзгулик руҳида тарбияладиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскандир.

*Шундай экан, миллий истиқлолизмизнинг яққол маҳсули бўлмиш Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг яратилиши билан алоқадор бўлган маънавий-маърифий ишларни синчиклаб ўрганиш, жараёнида Қуръони*

*Каримда алоҳида қайд этилганидек, «одамнинг яхшилигини билмаган одам Оллоҳни ҳам танимайди» дейилганидек, миллий истиқлолга эришганлигимиз тугайли, ота-боболаримизнинг азалий орзу-истаклари бўлган мустақиллигимизни қадрига етиб, уни ҳар қандай қўпорувчилик, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳокимиятини зўрлик билан, куч ишлатиб ағдариб ва VII—XIII асрларга хос бўлган халифалик тизимини қурамыз дейилаётган реакцион кучларга қарши, уларнинг бузғунчи, вайронкор ниятларига қарши ғоя билан, зўрликларига қарши илм-маърифат-маънавият билан жавоб бериб, ҳар бир жабҳада мустақиллигимизни мустаҳкамлашимизда фаол иштирок этмоқларига эришмоғимиз лозим.*

Имом ал-Бухорий Ҳазратларининг ҳаёти, ижодий фаолиятини ўрганишда қўлланилган методикамиз, уларнинг замондошлари, мислқдошлари, бир вақтда шогирдлари бўлмиш Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳаётлари ва ижодий фаолиятларини ўрганишда ҳам айни муддаодир.



## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Олий ўқув юртларида дарсдан ташқари машғулотларни такомиллаштириш қандай олиб борилмоқда?
2. Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни таълим-тарбия бобида дунядан ташқари вақтларини, уларни замонавий комил инсонлар этиб тарбиялашда Республикамиз илғор педагоглар аҳли олдига қўйилган вазифалар нималардан иборат?
3. Маълумки, мактабдан ташқари таълим бобида катта назарий ва амалий ишлар олиб бориляпти, лекин шу соҳада камчиликлар ҳам борми? Сиз буларни қандай изоҳлай оласиз?
4. Таълим-тарбияни демократлаштириш нима?
5. Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган ғояларини ўз фикр-мулоҳазаларинингиз орқали ифодалаб беринг.

## ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

### 1. ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Мустақиллик йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири таълим-тарбия соҳасидаги ислохатларни амалга ошириш истиқболи тақдиримизни белгилайдиган ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бўлишини таъминлайдиган жараёнга айланди. Яъни, Ватанимиз келажагининг устуни бўлган ёш авлод онгида миллий ғоя тафаккури, ватанпарварлик ва инсонпарварликни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар, айниқса тарих фанининг ўрни ва роли беқиёс бўлиб, уни янги педагогик технология асосида ўқитиш методикаси алоҳида ва муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, бу борада Истиқлолнинг ўзи бош тарихий воқеа бўлиб, ўтган йиллар давомида тарихни ўқитиш ва ўрганиш, умуман тарихнинг долзарблиги тўғрисида Президент Ислон Каримов фаолияти бсқиёсдир. Жумладан «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзусидаги тарихчи олимлар ва журналистлар билан (1998 йил, 28 июнь) суҳбати, «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1998 йил, 27 июль) Фармони ва бошқа Ватан тарихини ривожлантириш ҳақидаги фикрлари тарих таълими тизимида ва хусусан тарих ўқитиш методикаси учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Барча эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатни барпо қилиш, авваламбор ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш тарихий вазифа бўлиб қолди. Президентимиз И. А. Каримов «*Маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир*»<sup>1</sup>, — деган эдилар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишга амалдаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш уни замонавий илм-фаннинг илғор тажрибаси ва ютуқларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими муассасаларининг барча шакл

<sup>1</sup> Каримов И. А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Шарқ», 1997, 14-бет.



на турларида ўқув-тарбиявий жараёни илмий-методик жиҳатдан тўла таъминлаган ҳолда эришиш мумкин.

Тарих таълими тизими соҳасига ташқи томондан доимо бўлиб турадиган ўзгаришлар амалдаги таълим тизими олдига *фан, техника, технология, ишлаб чиқариш, маданият* ва *кундалик педагогик амалиёт* талабаларнинг кўникуви муаммоларини узлуксиз равишда кўндаланг қўймоқда. Шу муносабат билан тарих таълими тизимида тарих фанининг тадқиқот жараёни сампрадорлигини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш, илгор педагогик ва ахборот технологияларини замонавий ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш, таълим мазмунини шакллантириш ва узлуксиз таълим бўгинларига мослаб давлат стандартлари тузиб чиқишга киришилган ва у ҳар фан хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим тузилиши ва моҳияти, кадрлар тайёрлаш ислоҳ қилиш тарих фани олдига ҳам аниқ вазифалар қўйди. Бундай вазифалар қаторидаги Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фан, техника ва технологиялар соҳасидаги муваффақиятлар истиқболларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш ва таълим беришнинг *мақсад, моҳият, усул, восита* ва *ташкилий шакллари*ни илмий таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг барча мажмуаси киради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ тарих фани ва амалиёти олий ўқув юргларида кейинги таълим тизимида ривожланишнинг мақсад, вазифа ҳамда истиқболи йўналишларини амалга ошириш баркамол, ўзини такомиллаштиришга, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассисни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

Булардан ташқари, Республикада тарих фанининг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий шароитда бозор ислоҳати, миллий-маданий ва анъанавий хусусиятлар, маънавий-ахлоқий ва илмий меросимиз, умуминсоний қадриятларни ҳисобга олган ҳолда таълим тизимида энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг истиқболини олдиндан белгилаш ва ишлаб чиқишдан иборатдир. Кўрсатилган мақсаднинг амалга ошуви жамиятни ривожлантириш ва бош муаммони ечишга қодир бўлган баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, бугунги кунда таълим жараёнида *интерфаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик* ва *ахборот технологияларини* ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мус-

тақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда *бошқарувчилик, йўналтирувчилик* функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади. Шунинг учун олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари — интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерфаол методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Таълим тизимида янги технологиялар педагогик жараёни ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. *Интерфаол усуллар* — бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу усулларнинг ўзига хослиги шундайки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

*Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киреди:*

— ўқувчи-талабаларнинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;

— ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

— ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

— педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш.

Тарих таълими тизимида педагогик технология масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича *педагогик технология* — бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган *ТСО, компьютер, масофали ўқиш*, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, тарих таълими тизимида педагогик технологиянинг энг асосий негизи — бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар таҳ-

лил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Тарих таълими тизимида ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги *педагогик технология* — бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқитувчи талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Республикамизнинг ўзига хос таълим тизимида узвийликни сақлаш таълимнинг ҳар бир бўғинида умумий ва касб-ҳунар таълими дастурларини такомиллаштиришга истиқболли ёндашувни талаб этади. Шунингдек, бу талаб илмий билимларнинг тарих тизимига мослашган истиқболли мувозанати шартлидагина амалга ошириши мумкин. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим ва тарих фани соҳасида *ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, демографик, маданий-тарихий* ва бошқа тармоқлар тараққиётининг истиқболлини белгилашда, унинг яхлит ривожланишида интеграциялашни кўзловчи узлуксиз таълимнинг тизимли ёндашуви муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча фанлар талқиқотида бўлгани сингари тарих таълимида ҳам янги педагогик ва ахборот технологияларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг янги технологиялари тажриба майдонларида синовдан ўтказилади. Бунда ҳар бир таълим бўғинининг тажриба-синов майдонларига Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари тегишли вазирликларнинг буйруқлари билан бириктирилиб қўйилади.

Устувор йўналишлардаги илмий-тадқиқотларни амалга оширишдан қутиладиган *асосий натижалар*: — узлуксиз таълим тизимининг назарий-методологик базаси; узлуксиз таълимнинг янгиланган мазмуни; шахсни камол топтиришнинг ижтимоий-тарбиявий тизими, шу жумладан, ўқувчиларнинг махсус тоифа контингенти; умумий таълим ва касб-ҳунар дастурлари бўйича давлат таълим стандартлари; ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлоди (янги дарсликлар, ўқув-методик ва меъёрий ҳужжатлар, тест материаллари ва бошқалар); замонавий ахборот-педагогик технологиялар; таълим сифатини ва узлуксиз таълим тизими фаолияти натижаларини баҳолашнинг мезонлари ва тартибларини яратиш; ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда меҳнат қила оладиган мутахассис кадрларнинг янги авлодини шакллантириш ва ҳоказолар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури: педагогик илмий-тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. — Т.: «Фан» 1999, 11-бет.

Шу тариқа, илмий-тадқиқот мавзулари ва муаммоларнинг устувор йўналишларини ҳаётга кенг жорий этиш учун илм-фаннинг турли соҳалари олимлар ҳамда мутахассислари ҳамкорлигида иш юритсалар, таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Таълим тизимида педагогик технология шундай билимлар соҳасини, улар ёрдамида учинчи минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфикрлик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантиради.

Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларининг моҳияти ва вазифалари нималарга боғлиқ. Аввало, *педагогик технология* (ПТ) — бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шакллантиришни кафолатлайдиган жараёндр.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Таълим тизимида янги педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини кўриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Ёхуд педагогик технология ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндисиدير.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида педагогик технология ўқув жараёни технологик воситалари ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинади. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланади. Япон олими Т. Сакамото томонидан «*ўқитиш технологияси — бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси*» эканлиги эътироф қилинади.

Таълим тизимида қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинади. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илгор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган «Дастурли таълим» (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ Иттифоқ миқёсидаги «Шаталовчилик ҳаракати»ни эслаш кифоя<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. — Т.: «Молия» 2003, 8—9-бетлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлари етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги педагогика фанининг алоҳида тармоқи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятини аке эттиради.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс мафлаҳти ва таълим устуворлиги»дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сифатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилади. Президентимиз Ислам Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй бериладиган «портлаш эффекти» натижалари рўй-роғат кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сифсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бугундай ўзгаради;
- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;
- фуқаролик жамиятини кўришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тариниш этишга эришилади.<sup>1</sup>

«Портлаш эффекти» сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш мисаллари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таъминлаш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги қурол ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Маълумки, бугунги кунга келиб тарих таълимида ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Қолажикда иқтисодий бўҳронлар ортда қолиб ўқув юрглари дастурли «машини» билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти

<sup>1</sup> Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: «Ўзбекистон». 1998, 30-бет.

туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмақдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Тарих таълимини технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёти йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари ва яқин келажақда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиламиз.

1. Кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш.

2. Замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш.

3. Истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш.

4. Тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш.

5. Республикамиздаги олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш.

6. Олий ўқув юртлари талабалари, айниқса, мутахассис-педагог (тарихчи-педагог)лар учун 40 соат ҳажмида педагогик технология назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш.

7. Республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчиларнинг иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни *янги педагогик технология* даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Бугун мамлакатимиз истиқлоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий Дастурда таъкидланганидек, яқин келажақда *«Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожланади»*<sup>1</sup>.

Ўзбекистан Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун

<sup>1</sup> Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Шарқ» 1997, 59-бет.

кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик тушунчанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқчимиз.

Ҳан замонавий технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида бориб экан, у мактабларнинг моддий техник таъминотига ҳам ўз талабини қўйди. Машигулотларни туруҳларга ажратиб ва индивидуал ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва мўшкларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши керакли материаллардан фойдалана олиши учун замонавий педагогик-психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий-оммабоп журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олишлари учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан таъминланиши ҳам муҳимдир<sup>1</sup>.

Педагогик жиҳатдан таъминланишининг яна бир элементи, бу ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишларини янгилаш, мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбига тайёргарлик даражаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг адаптация жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишнинг элементларига ки-ради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотларга эга бўлиш, замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги руҳ ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, ғоялар маҳсулидир. Янги фикр ва ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хатолар ва камчиликларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маланий муҳит аҳволи таҳлил қилинган ҳолда, таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш, янгича иш-лаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз

<sup>1</sup> *Амиржоновна Ю.* Методика ва технология бир-бирдан қандай фарқланади? «Ma'nifati» газетаси, 2003, 19 март.

навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият тараққиёти, шахс камолотига ҳисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Мамлакатимизда мафкуравий мўлжалларнинг тубдан янгиланиши, миллий истиқлол ғоясининг омма онгига узлуксиз сингдириб борилиши педагогик тафаккурни ҳам ўзгартирмоқда. Мафкуравий жараёнлар педагогик воқеликни акс эттирадиган таълимий фаолият лойиҳаларини асослайдиган фан соҳаси, тасаввурларни қамраб олмасдан иложи йўқ. Янги педагогик билимлар қўлами Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормоқда, тадқиқот йўналишлари эркин шахсни шакллантириш муаммоларига қаратиляпти, бу эса таълим-тарбия тизимида янгича методологик ёндашувларни юзага келтираётир.

Технологик ёндашув таълим тараққиётининг характерлантирувчи кучи сифатида бугун амалиётга тезкор татбиқ этилмоғи зарур. Қолаверса, Президент И. А. Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасида, *«Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур»* деган кўрсатмаларини унутмаслигимиз, ҳар бир фан ўқитувчиси янги технологияларни лойиҳалашга ижодий ёндашиши лозим.<sup>1</sup>

Педагогик технология фан мавзулари бўйича олдиндан лойиҳаланиши ва у ўқитиш текислигига кўчирилса, якуний натижани кафолатланиши билан фарқланишини эслатиб ўтамиз. Шу билан биргалликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан кўрилган дидактик жараён ташкил этади. Ана шу жараённи ажратилган ўқув вақти доирасида амалга ошириш олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини даражалаб беради.

*Баён этилган фикрлар шундай хулосаларга келишимизга имкон беради:* таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислоҳ қилиш, яъни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий-концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофиқдир.

Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига энгиллик олиб келиши, ўқувчининг хоҳлаб, қизиқтириб боришига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъ-

---

<sup>1</sup> Сайидахмедов Н. Технологик ёндашув устуворлиги. «Ma'rifat» газетаси 2003, 19 февраль.



сир кўрсатишини кафолатлаши керак. Замонавий педтехнологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши педагогик шарт-шароитлари, моддий-техник база ҳисобга олинishi лозим.

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғаноқ бўлаверади.

?

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фан, техника ва технологиялар соҳасидаги муваффақиятларини нималарда деб биласиз?
2. Бугунги кунда таълим жараёнида интерфасл услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашни қониқарли деб ҳисоблай оласизми?
3. Тарих таълими тизимида педагогик технологияларнинг қандай усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?
4. Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларининг моҳияти ва вазифалари нималарга боғлиқ?

## НАМУНА ДАРСЛАРИ

### ТЕМУРНОМА ДАРСЛАРИ

#### 1- ВА 2-ДАРСЛАР. МАВЗУ: XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МОВАРОУННАХРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТ

#### ДАРСНИНГ РЕЖАСИ

1. Амир Темурнинг шахси.
2. Илёсхўжанинг 1365 йилда Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юриши. «Жанги лой».
3. Самарқандда сарбадорлар ҳаракати. Давлат тузуми. Ижтимоий-иқтисодий сиёсат.
4. Амир Темур давлатининг ташкил топиши.  
Хулоса.

#### ДАРСНИ ЖИҲОЗЛАШ:

- а) XIV аср охири ва XV аср бошида Амир Темур давлати — ўқув харитаси;
- б) Халқ рассоми, профессор Малик Набиевнинг «Соҳибқирон Амир Темур» портрети;
- в) «Амир Темур жаҳон халқлари тасаввурида» расмлар сериясидан кўргазмалар;
- г) Камолиддин Беҳзод (1455—1535) Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига чизган «Самарқанд масжидини қуриш» номли миниатюрасидан кўрсатма;
- д) Амир Темур шахсига берилган салбий ва ижобий баҳолар баён этилган тарқатувчи дидактик материаллар;
- е) Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрь қарори; 1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 декабрь Фармони;
- ж) Темур тузуклари, Тошкент, «Матбаа» бирлашмаси, 1991 йил.  
Амир Темур ўғитлари, Тошкент, «Наврўз», 1992 йил;
- з) Амир Темур сиймоси бадиий адабиётда: — Ойбек, «Амир Темур» — дostonидан парчалар. «Шарқ юлдузи» — 1990. А. Ориф, Темур — шеър. «Туркистон», 1993, 1-сентябрь.

## ДАРСНИНГ МАҚСАДЛАРИ:

### Дарснинг таълимий мақсади<sup>1</sup>:

Дарс жараёнида ўқувчиларни XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол билан таништириш, шўролар даврида Амир Темур шахси, унинг фаолиятига бир ёқлама берилган адолатсиз баҳоларни аниқ тарихий фактлар асосида, айниқса Президент Ислом Каримов томонидан берилган одилона позициядан ёндашиб, унинг бунёдкорлик фаолияти, Ватанни мўғул босқинчиларининг сўнгги вакили Илёсхўжа таъқибидан озод этиш, Самарқанддаги олдий халқ оммасининг ўз Ватанлари мустақиллигини нақадар муқаддас билиб, уни мўғул босқинчиларидан жон-жаҳдлари билан ҳимоя этиб, адолатли, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган *Сарбадорлар давлатини* бунёд этганликлари, бу давлат фаолиятида инсоният тарихида биринчи бўлиб, XX асрнинг 90-йилларидаги мудҳиш фожиасининг ўша даврдаги куртаги — гиёҳвандлик ва энг қадимий касб ахлоқий тубанликнинг разил формаси — фоҳишабозликка қарши оммавий кураш эълон қилинганлигини ва ниҳоят Амир Темур давлатининг ташкил топиши, унинг Ўрта Осиё ва жаҳон халқлари учун тарихий аҳамиятини тушунтириб беришда зарур бўлган илмий-методик ва дидактик усуллардан самарали фойдаланган ҳолда тушунтириб беришдан иборатдир.

### Дарснинг тарбиявий мақсади:

Дарс жараёнида педагогика фани назарияси ва дидактиканинг асосий талабларидан келиб чиқиб таълим-тарбиянинг уйғунлигига эришиш, ўқувчиларни Амир Темур, Сарбадорлар давлатининг асосчилари — Мавлонозода Нодирбек ибн Яҳъё, амирлашқар Хурдаки Бухорий, Сарбадорлар салтанатининг Султони Абу Бакр Калаваларнинг шахслари мисолида эл-юрт фаровонлиги, унинг мустақиллиги йўлида Она Ватанга садоқат, умуминсоний қадриятларга иззат-ҳурмат, Ўзбек давлатчилигининг зарварақларида ёзилган тенглик, ҳамкорлик, демократия ва ҳар қандай миллат учун узоқ ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам иснод келтирадиган гиёҳвандликка қарши кураш олиб бориш руҳида тарбиялашдек муҳим ахлоқий баркамоллик муаммоларига тўхтаб ўтилади.

Мазкур мавзуда амалга ошириб бориладиган тарбиявий жараёнда ўқувчилар диққат-эътиборлари Ўзбек халқи тарихида давлат ҳуқуқи, унинг марказида ҳуқуқий давлат муаммоси турганлиги, давлатчили-

<sup>1</sup> Дарснинг таълимий мақсадини белгилашда, уни жиҳозлашда қўлланиладиган кўرғазмали қуроллар ва фойдаланиладиган дидактик материаллардан кузатиладиган таълимий имкониятлар албатта ҳисобга олинмоғи керак.

гимиз тарихида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси асосий ўринни тутганлигини Амир Темур қасамёди, унинг тузуқлари ва ўғитларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни тақозо этади.

### **Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим:**

Мазкур мавзунини ўрганишда ўқувчи Темур ва темурийлар даврига нисбатан инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндашуви билан дарс жараёнида ривожланиб боровчи таълимни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришуви мумкин. Шунингдек, дарс давомида Амир Темур фаолиятига тарихий ҳақиқатдан келиб чиқиб бериладиган адолатли илмий баҳолар баён этилади. Темурнинг ҳарбий саркарда ва давлат арбоби сифатидаги тарихий шахс бўлиб шаклланиши, ўз халқи фаровонлиги ва мустақиллиги йўлида ислом динининг муқаддаслиги, унинг ҳар қандай мазҳабларга бўлинишига, жумладан шиъа мазҳабининг фаолиятига йўл қўйиш ислом динининг беқарорликка олиб келиши мумкинлигини англаш йўлида олиб борган ҳаракатлари ҳар қандай комил инсон учун зарур сифат эканлиги алоҳида қайд этиб борилади.

## **1—2-ДАРСЛАР МАВЗУСИНИНГ МАТНИ:**

1. XIV асрнинг биринчи ярмида мўғул хонларининг марказлашган давлат сиёсатини олиб боришлари мўғул ва турк уруғларининг бошлиқлари ўртасида норозиликларни келтириб чиқарди. Бу норозиликлар кейинча бориб айниқса туркий ва турклашиб бораётган уруғ хонлари ўртасидаги кураши бирмунча кескинлашувига олиб келди. Шунингдек, бу курашлар уруғ бошлиқлари мавқеининг кучайиши ва бир вақтда хон ҳокимияти таъсирини пасайиб боришига олиб келди.

Худди мана шу вақтда Мовароуннаҳрда сиёсий майдонга Барлос қабиласининг беги Тарағайнинг ўғли Темур кириб келди. Темур олдин *«турли вилоят ҳокимларининг ёлланган аскарларига бошлиқ сифатида кўтарилиб, кейинча буюк давлат асосчиси бўлиб қолди»*<sup>1</sup>.

Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Унинг отаси Тарағай XIV асрнинг бошларида Қашқадарё воҳасига жойлашиб олган мўғулларнинг Барлос қабиласининг Кўрагон-қўркам уруғидан бўлган. Барлос қабиласи гарчи илгари кўчманчи халқ бўлса-да, кейинча ўтроқ ҳаётга ўтиб, Мовароуннаҳрдаги бошқа халқларга ўхшаб турклар би-

<sup>1</sup> Архив Маркса и Энгельса, том VI, с. 84.

лан аралашиб кетиб аста-секин ўз тили ва урф-одатларини йўқотиб юборган эдилар<sup>1</sup>.

«Амир Темур қабридаги битик тошда ёзилишича, унинг ота томонидан насл-насаби Чингизхон билан бир шажарада бўлган амир Тарағайга бориб тақалади. Оналик насаби эса илоҳий пайгамбарларга хос бегуноҳ ҳомила бўлиши билан шарҳланади»<sup>2</sup>.

Темур даври солномачиси Фосих Хивофийнинг хабар беришича, Соҳибқирон волидаларининг номлари Тагина Бегим Моҳ бўлиб, Бухорои шарифнинг ислом дини арбобларидан бўлган *Садр-аш-шариаъ* деган диний унвонга сазовор Маъноно Убайдуллоҳнинг қизлари бўлган.

Темур ёшлигидан ҳарбий санъатга қизиқди. У моҳир чавандоз, камондан аниқ отувчи, тенгқурлари билан тезда умумий тил топа биладиган шахс бўлиб ўсди. Шунинг учун ҳам у тенглошлари ўртасида ёшлигиданоқ обрў-эътиборга сазовор бўлди. Унинг атрофида Барлос қабиласининг жасур ёшлари йиғилишиб, отлиқ навкарлар гуруҳига асос солдилар. Мовароуннаҳр феодаллари ўртасида бўлиб турадиган ўзаро урушларда иштирок этди.

Ёшлигидан турк ва тожик тилларини яхши билган Темур нафақат кўчманчи чорвадорлар ҳаётини, балки қўшни ерли деҳқонлар ҳаётини ҳам яхши билар эди. У айниқса амакиси Хожи Барлос беклик қилаётган Шаҳрисабзда тез-тез бўлиб туриши билан шаҳарлик аҳоли, айниқса хунармандлар ҳаётидан ҳам воқиф эди.

Ўша даврда мусулмон дунёсида шайхларнинг маънавий таъсири кучли эди. Шаҳрисабзда бўлса Шайх ибн Арабшоҳ (айрим маълумотларда Шайх Шамсуддин кулол)нинг маънавий таъсири алоҳида эътиборли эди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Соҳибқирон Амир Темур шахсига характеристика беришда турли, бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Уларнинг *бирида* Темур шахси илоҳийлаштирилса, *иккинчисида* фақат салбий ҳолда баён этилади. *Учинчисида* эса, унинг ўз даврининг машҳур даъват арбоби, моҳир саркарда, халқпарвар бунёдкор ва ислом динининг қудратли ҳимоячиси эканлиги қайд этилади. Шундай фикрлардан айримлари билан танишмоқ лозим.

Ю. А. Якубовский Амир Темурнинг Кавказга қилган ҳарбий юришида Доғистон, Кули ва Таусдек баланд тоғ тепасига жойлашган ва ишғол этиш ниҳоятда оғир бўлган қалъаларни ҳарбий моҳирлик билан қўлга киритишда қўллаган ҳарбий стратегик тактикасига одилона баҳо берар экан, шундай ёзади: «*Бу бургут уяси бўлган қалъаларни*

<sup>1</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. Изд-во «Наука», — М.: 1972, с 476.

<sup>2</sup> «Шарқ юлдузи». 1990, 12 сон, 182-бет.

эгаллаш учун Темурдан ҳарбий саркарда сифатида улкан ақл-идрок ва ўткир зеҳн, унинг жангчиларидан эса кўп шахсий ҳарбий жасорат талаб этилар эди»<sup>1</sup>.

«1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қилган ғалабаси, — деб ёзади Ю. А. Якубовский, Астрахан ва айниқса Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жанубий шарқий Европа учунгина эмас, балки, Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Тўхтамишни енгиш билан Рус ерига объектив суратда катта хизмат қилган»<sup>2</sup>.

1787 йилда Лянгле томонидан француз тилига таржима қилинган «Темур тузуқлари»нинг 1894 йилда рус олими Н. П. Остроумов томонидан қозон шаҳрида рус тилида «Уложение Тимура»<sup>3</sup> номи билан нашр этилиши Соҳибқирон шахсига реал баҳо беришда катта воқеа бўлди. Бу китобнинг муқаддимасида Л. Лянгленинг Амир Темур томонидан турк султони Боязид Йилдиримнинг асир олинганлиги ва Темурнинг ўз асири — аслида ашаддий душмани бўлиб келган шахсга нисбатан инсоний муносабатини шундай ифодалайди:

«Темур кун бўйи бўлган жанглардан чарчаб, тўшақда ётганида унинг чодирига қўл-оёқлари боғланган Боязидни олиб келишади. Кутилмаганда Боязидни кўриб ҳаяжонга тушган Темур ўзини кўз ёшидан тутиб қололмайди. Боязиднинг олдига пешвоз чиқиб, уни кишандан бўшатишларини буюради ва қабулхонасига олиб киради.

Шунда, Темур ўз маҳбусини ёнига ўтирғизиб, унга дейди: «Боязид! Бахтсизлигингиз учун ўзингизни айбланг: бу — ўзингиз эккан дарахтнинг тиканлари. Мен сизнинг олдингизга енгилгина шарт қўйган эдим: Сизнинг рад жавобингиз мени сизга қарши ўзим ҳеч хоҳламаган ҳаракатни қилишга мажбур этди. Мен сизга зарар келтиришни истаманган эдимгина эмас, балки сизнинг душманларингизга қарши урушингизга ёрдам беришни ҳам ният қилган эдим. Ўжарлигингиз ҳамма ишни йўққа чиқарди. Аттанг! Агар ютуқ сиз томонда бўлганда эди, менга ва қўшинимга қандай муомала қилишингизни биламан. Шундай бўлса ҳам хотиржам бўлиб, кўнглингиздаги даҳшатни чиқариб ташланг; Мен ҳаётингизни сақлаб қолиш билан ўз ғалабам учун фалакка таҳсин — ташаккур айтмоқчиман»<sup>4</sup>.

«Ҳожи Абдурашид тахаллуси билан дарвеш сифатида Бухорога кириб келган. Бухоро мачитларининг бирида имомлик қилган, кейинчалик эса Пешт университетининг шарқ тиллари ва адабиёти про-

<sup>1</sup> Греков Б. Д., Якубовский Ю. А. Золотая Орда и ее падение. — М.: 1950. 370-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 208-бет.

<sup>3</sup> «Уложение Тимура». Издание Н. П. Остроумова. Казань. Типография Императорского университета, 1894, с. 4.

<sup>4</sup> Муминов Иброҳим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. — Т.: «Фан», 1993, 45-бет.

фессори Герман Вамбери «Бухоро тарихи»да Темур шахси хусусида шундай фикр билдирган: «Темурнинг *Ўрта Осиё тарихи*даги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги сулола — теурийлар сулоласини ва, балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган *Ўрта Осиё маданиятининг* янги даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, Темур ўзининг издошларига панд-насиҳат ва қўлланма тарзида ёзиб қолдирган «қонунлар» («Темур тузуқлари») муаллифи сифатида *Ўрта Осиёга* кенг танилди. «қонунлар» унинг томонидан ўша давр тилида ёзилган бўлиб, соддалиги ва жозибadorлиги билан ажралиб туради»<sup>1</sup>.

XIV асрнинг 80-йилларида Яздида туғилиб, XV асрнинг бошларида Темурнинг бош девонида солномачи бўлиб хизмат қилган «*Тарих фани шарафли ҳамда олий мартабали фандир*» деб ҳисоблаган Али Яздийнинг кўрсатишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири — давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўрлиги эди. Унинг қонидаси — «рости — дурусти» эди. Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат демакдир, деб тушунтиради у.

«Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди», деган гапни кўп такрорлар эди. «*Агар лашкарбоши ёмон кўнгул ва ақлсиз бўлса қўшиннинг енгилмасдан иложи йўқ*», — дерди у.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу ҳикматли гапларнинг барчасини Темурнинг ўзи айтган ва шахсий фаолиятида тўла амал қилган.

Фикримизча, Соҳибқирон шахсига энг одилона ва илмий жиҳатдан асосланган баҳо Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан берилди. Амир Темур шахси хусусида фикр юри-тар экан, Юртбошимиз шундай деди:

«Суриштириб кўрилса, хорижда ва умуман, Европада ҳам Соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўқишга уринишлар бўлган. Бироқ, саркардалигини тан олган ҳолда, уни ёвузликда айблашган. Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадраса-ю масжидлар, олий қононаларни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони Каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч — адолатда» дейиши мумкинми?»

Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамшиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамшиша руҳий мадад оламиз»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Герман Вамбери. История Бухары. т. I. СПб., 1873.

<sup>2</sup> Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Мулоқот» журнали, 1998, 8-бет.

Биз Амир Темур шахсида қарама-қарши, зиддиятларга бой бўлган бир сиймони кўрамиз. У йирик феодаллар орасидаги зиддиятлар ва улусдаги феодал тарқоқликни йўқотиш учун зўр бериб кураш олиб борди, катта бунёдкорлик ишларини жадаллик билан амалга оширди.

*«У (Темур) ўзининг янги подшолигида давлат тузилиши барпо қилди ва унинг берган фармонларига кўра, татар галаларининг қилган ёвузликлари ва ёввойиларча бузиб ташлашларига тамомила тескари бўлган қонунлар чиқарди»<sup>1</sup>.*

Темур шахси хусусида гап борганда Темур ҳаётининг охириги йилларида унинг бош девонида хизматда бўлиб, Темурнинг кўп жойларга, жумладан Кичик Осиё мамлакатларига қилган ҳарбий юришларида бевосита иштирок этган Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари алоҳида аҳамият касб этади.

Шарофуддин Али Яздийнинг айтишича, Темур бош девонида «Манзумаи турк» асари тузилган. Ушбу асар ёзилаётганда унинг парчаларини Темур неча марталаб ўқиб чиққан; баъзи жойларини тўзатган, таҳрир этган, қўшимча далиллар зарур бўлиб қолганда ўша воқеа содир бўлган ерларга махсус одамлар юбориб аниқлаштирган; воқеаларнинг доимо тўғри хронологик тартибда ҳамда тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган<sup>2</sup>.

2. Мўғул хони Туғлуқ Темур 1360 йилда ўз ҳарбий қисмлари билан Мовароуннаҳрда пайдо бўлганида, бу ерда ўзаро душманлик муносабатида бўлиб, ташқи душманга қарши кураш олиб борадиган кучни учратмасдан, Қашқадарёга қадар бўлган масофани босиб олди. Бу борада «Темур тузуклари»да шундай дейилади: *«Чингизхоннинг набираси Туғлуқ-Темурхон Мовароуннаҳр мамлакатини босиб олиш қасдида қўшин тортиб, Хўжанд (Сирдарё) сувидан кечиб ўтгач, менга, Амир Хожжи Барлос (Кеш ҳукмдори, Амир Темурнинг тоғаси) ва амир Боязид Жалойир (Хўжанд ҳукмдори) номига ёрлиқ жўнатиб, ҳузурига боришимизни талаб қилганди»* («Темур тузуклари», 17-бет).

Тарихий маълумотларга қараганда, амир Хожжи Барлос мўғуллар билан тўқнашувдан қўрқиб, Хуросонга қараб қочади ва ўша ерда ўлдирилади. Темур эса ўз пири Шайхулислом Абу Бакир Тойбодий ҳузурига бориб, у зоти олийларидан маслаҳат сўрайди. Темурга жавобан ҳазрат Тойбодий шундай дейди: *«қочмоқчи бўлсанг Туғлуқ Темурхоннинг олдига қочгил ва унинг қўлидаги ўқ-ёйни тортиб олгил»*.

Шу йили мўғул хони Туғлуқ Темур Самарқанд ва Кешни босиб олди. «Темур тузуклари»дан кейинги воқеалар шундай баён этилади: *«Туғлуқ Темурхоннинг Бекчик, Хожибек, Улуғ Туктемур ва бошқа*

<sup>1</sup> Архив Маркса-Энгельса, том VI. — М.: 1939. 370-бет.

<sup>2</sup> «Зафарнома» Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари фонди. 4472-сон. 91-бет.



амирларидан учта ҳарбий бўлинма тузиб, уларни Мовароуннаҳр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборганлиги, ўша қўшин Ҳузор (Ғузор) деган жойга келиб тушганлиги хабари менинг қулоғимга етди. Шунда Туғлиқ Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан алдаб, Мовароуннаҳр вилоятини қатлу-ғоратдан қутқариб қалишга қарор қилдим» («Темур тузуклари», 18-бет).

Шундай қилиб, Темур Туғлиқ Темурхон билан олиб борилган музокаралар давомида унинг ишончини қозонди. Ниҳоят, 25 ёшида Кеш шаҳрининг ҳокими бўлди. Бу давр ичида Темур ўз атрофида Барлос қабиласини мустаҳкам бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Темур мўғул хони Туғлуқ Темур хизматида узоқ бўлмади. Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрнинг ҳокимлигига ўз ўғли Илёсхўжани юборганида Темур унга итоат этишни истамали ва ўзини мустақил амир деб эълон қилди. Эндиликда у Туғлуқ Темур билан ашаддий душманлик муносабатида бўлиб қолди. У, Балх амири Ҳусайн билан ўзаро муносабатларини яхшилаб, мўғуллар билан алоқасини узди. Кўп вақт ўтмасдан, Темур амир Ҳусайн билан катта куч йиғиб, Туғлиқ Темурга қарши кўтарилган исёнга бошчилик қилди. Бироқ, бу тенгсиз курашда исёнчилар мағлубиятга учраб, унинг раҳбарлари Сейстонга қараб қочдилар.

Сейстонда Темур ўзининг ҳарбий юришларидан бирида ўнг қўли ва ўнг оёғидан ярадор бўлиб, умрининг охиригача оқсаб юришга мажбур бўлди.

Шу даврда амир Ҳусайн билан Темур ўрталаридаги алоқа қариндошлик жиҳатидан ҳам мустаҳкамланди. Темур амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оғага уйланади. Булар ўртасидаги иттифоқ асосан шахсий манфаатга бўйсундирилган эди. Булар мўғулларга қарши курашда гарчи бир бўлсалар-да, амалда ҳар иккиси ҳам мамлакатда ўз иқтисодий ва сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилар эдилар.

1364 йилда амир Ҳусайн ва Темур мўғул хонига қарши қулай фурсатда жанг қилиб Мовароуннаҳрни қўлга олишга муяссар бўлдилар. Лекин, айниқса амир Ҳусайннинг олиб борган талончилик ва ўта қаттиққўллик сиёсатидан халқ норози эди. Амир Ҳусайн самарқандликларни илтимос ёки шикоятларини қўлида темир чўқморини ўқталган ҳолда қабул қилар эди. Кўп ҳолларда арз қилувчи саволи ёки шикоятига чўқмор билан калтаклаб жавоб берар эди.

Туғлуқ Темур вафотидан кейин ҳокимиятни идора этаётган Илёсхўжа 1365 йилда қўлдан кетган Мовароуннаҳрни қайтариб олиш мақсадида амир Ҳусайн ва Темурга қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборди. Мелодий 1365 йилнинг 22 майида (ҳижрий 766 йил рамазон ойининг биринчи кунида) Сирдарё бўйидаги Чинозга яқин Оқар мавзеида ҳар икки томон ўртасида бошланган уруш ҳаракатла-

ри шундай тасвирланади: «Темур сойлик томон каради. Ярим тош масофа нарида чанг-тўзон кўтарилди. Демак, Илёсхўжа қўшини жангга кириб келмоқда».

Мовароуннаҳр қўшинлари амир лашкари нимагадир ишора қилди: — Нақаролар нидоси, бурғуларнинг садоси фалак қулоғини кар қилсун! Чодирдан ўнг томонда бурғу чалинди! Шу лаҳзадаёқ Амир Ҳусайн тарафидан келган бурғу овози унга жўр бўлди. Сўнг у ёқдан карнай тортдилар, бу ёқдан ҳам карнай сас қилди, бамисоли кук тосига гулгула тушди. Энди навбат нақароларга етди. Икки тарафдаги нақаролар баробарига уч бор рез бердилар. Бу жангнинг бошланганини билдирарди.

— *Оллоҳумма фансурна алал қавмил кофирин!* (Парвардигор, кофир қавми устидан ўзинг бизни ғолиб қил!) калима келтирди Темур. Сўнг овозининг борича қичқирди: — *Олға! Ур-ҳа ур! Ёғийга!*

Амир Ҳусайн чодири томонидан ҳам «Ур-ҳа ур!» садолари эшитилди. «Жанги лой» номи билан машҳур бўлган жанг бошланди... Ҳар икки томон баҳодирлари жангга кирдилар.

Уч кун давом этган жангнинг биринчи куни Мовароуннаҳр лашкарининг амир Ҳусайн бошқарган жанговар қисми ҳам, Темур қўл остидаги *баронгор* қисми ҳам, Илёсхўжа аскарларини хийла шошириб қўйдилар. Фалаба яқин эди. Айниқса, Темур топқирлик кўрсатди. Ғанимнинг уч булуғига қарши ўзининг еттита *булук* сипоҳларини кетма-кет юбориб турди. Қўшин олдига тадбиркор, ёши катта аскарларни тайин этди, ёшларни эса уларнинг кейинига жойлаштирди. Йўқ эса, жанг кўрмаган ёшларда ёв қаршисида бирдан шижоати сўниб қолиши мумкин. Эҳтиёт чораси сифатида пистирмага ҳам қўшин қўйди.

Дастлаб ёғий лашкарининг *хировул булуғини* пароканда қилдилар. Темурнинг ўзи *ғулда* туриб олға интилди. У аскарларга илҳом бермак учун майдонга ўзини урар, ҳар сафар жангга кирганда жонини ҳалокат гирдобига отарди. Биринчи ҳамладаёқ *ғулда* турган Илёсхўжанинг ишонган лашкарбошиси Тўлан Буғо тўпини бузиб, ортга чекинишга мажбур қилди.

Сойликнинг чапида Амир Ҳусайн бошқарган жанговар қўшин ҳам илғорлик намойиш этди, унинг аскарлари Туғлиқхўжа билан Шункам баҳодир булукларини марказий майдондан суриб чиқардилар.

Иккинчи кунги жангда вазият буқаламунлик қилди — лаҳзалик зафар гоҳ Мовароуннаҳр қўшини, гоҳ Жета лашкари томонида бўлди.

Амир Ҳусайн жангнинг биринчи куни, сидқидил саваш кўрган бўлса-да, иккинчи куни атай жанг тизгинини тортиброқ қўйди. Темур бундан беҳабар баронгарда қаттиқ жонбозлик кўрсатар, ғаним аскарини жанг сарҳадигача қувиб борарди.

Мовароуннаҳр қўшини ҳал қилувчи жангга кирди. Энг аввал узоқдаги ўқ отишлар бошланди. Сафлар тобора яқинлашиб кетгандан

кейин, аскарлар қиличу ёйболтани ишга солдилар. Тиш-тирноғи билан душманга ёпишиб, ёқалашиб, бўғишдилар. «Улсам ўламан, аммо ёвга ён бермайман» қабилида савалашарди. Водий суронга тўлди.

Бирдан шамол кутарилиб, кўкда булут қуюқлашди, осмон ғазабидан қиличини қинидан чиқарди — чақмоқ чақди. Ёмғир бошланди. Севалаган ёмғир бора-бора қаттиқ селга айланди. Сел майдонда ариқча-ариқча бўлиб оқар, отларнинг юриши қийинлашар, аскарлар эса ҳар қидамда тоғиб йиқиларди. Жета аскарлари топқирлик кўргизишиб ўз устларига қилин кинилар ёпиниб, қурол-аслаҳаларини ёмғирдан асраб жангни давом эттирдилар. Мовароуннаҳр аскарлари очиқ ёмғирда қолиб кетдилар, ҳўл тегиб, жанг аслаҳалари ҳам ишдан чиқди. Душман кўшини устун кела бошлади. Шу пайт Амир Ҳусайндан чекиниш ҳақида фармон етди.

— *Битта юраксиз ўн юракликка бош бўлса, ўн битта қўрқоқ пайдо бўлар эмиш. Бир юракли ўн юраксизга етакчи эрса, ўн битта мард майдонга чиқармиш...* — ғижинди Темур сойлик томон алам билан тикиларкан, жангда ғолиб чиқишдан батамом умид узиб.

— *Эй!.. Вақтида қочиб қолмоқ ҳам бир зафардир!* Икки Темур! Аббос Баҳодир! Амир Ҳиндука! — деб қичқирди у омон қолган булук бошиларига. Амир Сулаймон Барлос, Шайх Муҳаммад ва Амир Жалолидинлар эса майдонда жон бердилар.

Сел кўзни очиргани кўймас, ҳаммаёқ шалаббо, шилта, ҳўл бўлганди.

— *Отларни ортга бурингиз! Ортга!!!*

— *Ортга! Ортга!*

Мовароуннаҳр кўшини шошилинич ортга чекина бошлади.

Қаттиқ жала ёғишига қарамай, Жета хони кўшинларининг ғолибона сурони бутун сойлик узра баралла эшитилиб турарди!

Дарҳақиқат, Амир Темур Ҳусайнга итоат ҳолатида эканлигига қарамасдан, ундан қатъиятлик билан ҳаракат қилишни сўради. Лекин, жангни ҳал қилувчи палласида Амир Ҳусайн кўмондонлигидаги лашкар унинг буйруги билан жанг майдонини ташлаб кетди. Бу ҳол Темурни чекинишга мажбур этди. Аскарсиз ва бошлиқсиз қолган Самарқанд ва Шахрисабз тақдирини ўз ҳолига қолдириб, Амир Ҳусайн ва Темур қолган аскарлари билан Амуларёдан кечиб, Балхга бордилар. Илёсхўжа армияси эса, ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан, Самарқандга қараб йўл олди.

3. Сарбадорлар ҳаракати аслида Эрон ҳудудида мўғулларга қарши кураш олиб борувчилар ҳаракати бўлиб, босқинчиларга қарши, халқ озодлиги йўлида ўзларининг «*бошларини дорга тикканлар*» деб атаган фидоийлар ҳаракати эди.

<sup>1</sup> *Муҳаммад Али*. Сарбадорлар. Тарихий роман. «Шарқ юлдузи» журнали, 1990, 10-сон, 48—50-бетлар.

Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракати Ўзбекистон халқлари тарихида катта аҳамият касб этган миллий-озодлик ҳаракатигина эмас, балки ўлкада инсонни инсон томонидан эзилишига қарши тенг ҳуқуқли инсонлар жамиятини кўришдек олий мақсадни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйган ҳаракат эди. Афсуски, бугунги кунга қадар умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим мактаблари учун нашр этилган Ўзбекистон халқлари тарихида бу масала ўзининг ҳақиқий, реал аксини топмаган. Айрим ҳолларда эса сарбадорлар ҳаракати хусусидаги тарихий ҳақиқат ҳатто бузиб кўрсатилган. Жумладан, Ўзбекистон ССР тарихи ўқув қўлланмасида Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракати хусусида гап борганда — «шаҳар мудофаасида сарбадорлар билан бирга қатнашган Мавлонозода ва унинг атрофидагилар бу ҳаракатдан чекланиб, хоинлик йўлига ўтдилар»<sup>1</sup>, деб қайд этилган. Ҳолбуки, тарихий ҳақиқат Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракатида Мавлонозоданинг тутган ўрнини сотқинлик эмас, балки халққа, Ватанга нисбатан фидойилик билан тўлиб-тошганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ўқув қўлланмасида сарбадорлар фаолияти бир жумлада қуйидагича баён этилган: «Мўғуллар устидан ғалаба қозонгач, сарбадорлар халқ ҳаётини яхшилашга қаратилган баъзи ўзгаришлар қилишди, айрим амалдорларни жазолашди»<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, гарчи ҳукмдор Амир Ҳусайн ва амирлашқар Темур Самарқанд ва Шаҳрисабзни ўз ҳолига ташлаб Балхга қараб қочган бўлсалар-да, Самарқанд шаҳрининг оддий фуқаролари унинг ҳимоясига жонларини қалқон қилдилар.

Самарқанд аҳолиси шаҳарнинг мудофааси учун Жомеъ масжидига йиғилган халққа қарата шаҳар мадрасаларидан бирининг талабаси Мавлонозода Нодирбек ибн Яхъё шундай деди: «Бизнинг мамлакатимизга талончилик мақсадида бостириб келаётган беҳисоб мўғул босқинчилари шаҳарга яқинлашиб келмоқда. Ҳар бир фуқаро бошидан катта солиқ, жузья йиғиб олган ҳукмдор Амир Ҳусайн маблағларни ўзи хоҳлаганча сарфлаб, душманнинг пайдо бўлиши билан биз мусулмонларни ўз ҳолига ташлаб, ғайридинлардан қочиб кетди. Эндиликда Самарқанд аҳли ўзининг озодлиги учун қандай ҳақ тўламасин, душмандан ўзини ҳимоя эта олмайди. Машҳар куни мўмин мусулмонларнинг тўкилган қони учун сиз ақобирлар жавоб берасизлар. Эндиликда шаҳар аҳоли-

<sup>1</sup> Фуломов Я., Набиев Р. «Ўзбекистон ССР тарихи». Саккиз йиллик мактабнинг 7-ва 8-синфлари учун қайта ишланган ўқув қўлланмаси. «Ўқитувчи». — Т.: 1969, 62-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти. — Т.: 1992. 154-бет.

сими ҳимоя қилиши, шунингдек аслода ва оддий кишилар олдидан масъу-  
лиятини ким ўз зиммасига олади? Ислотни ҳимоя қилишни ким ўз зим-  
масига олади? Биз ани шундай одам олдидан бош эгамиз ва ўзимизнинг  
муқаббас дурчимизни бажаришга киришамиз!.

**Афсув-наломаатлар** бўлеуниким, Машҳонозоданинг ватанпарварлик  
қие-туйғуви билан тўлиб-тошган бу оташни чақиригига Самарқанд  
элидагилари амалий қаракат билан жаноб бермадилар. Шундан кейин,  
Машҳонозода Англияда иштирок этган аҳолининг розилиги билан  
Самарқанд мудофасига раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифа-  
ни ўз зиммасига олди.

Машҳонозода Нодирбек ибн Яҳённинг халққа қарата айтилган бу  
жўшқин нутқидан кейин Жомеъ масжиди майдонида бир йўла 10.000  
яхши қуролланган йигитлар муқаддас Монароуншаҳр тупроғига содиқ  
жанликлари тўғрисида Қуръони Қарим билан қасамёд қилдилар.

Машҳонозода билан кейинча сарбадорларнинг амир лашкари ла-  
воимига кўтарилган Хурдаки Бухорий ва кейинчалик сарбадорлар  
сўлтанининг султони лавозимини эғулаган Абу Бакр Калава бош-  
чилик қилдилар.

Мудофаа раҳбарлари зиммасига катта масъулият юкланган эди.  
Чунки, Самарқанд атрофини ўраб олган фургон-истеҳкомлар Чин-  
тихон ҳукмрончилиги даврида вайрон қилиб ташланган эди.

Шаҳар ҳимояси мутахассислар маслаҳати билан пухта ишлаб чи-  
қилган режалар асосида бажарила бошланди. Самарқанд шаҳри му-  
дофаачиларининг бу ҳаракатлари очиқ-ойдин кўзғолон тусини ол-  
ган эди. Сарбадорлар чаққонлик билан ва масъулиятни тўла ҳис эт-  
ган ҳолда ҳаракат қилар эдилар.

Илёсхўжа Амир Ҳусайн ва Темурнинг Чиноз ёнидаги жанг май-  
донини ташлаб қочиб кетганларидан Самарқанд шаҳри ҳимоясиз  
қолди, деган фикрда шаҳарга кириб келди. Шунинг учун ҳам унинг  
олдинги қисмлари Самарқанднинг бўш кўчаларига ҳеч қандай таб  
тортмасдан кириб келдилар. Лекин Машҳонозода ва Абу Бакр Кала-  
ва бошчилигидаги камончилар нистирмада пойлаб туриб, мўғуллар-  
га қўқисдан ҳужум қилдилар. Натижада мўғуллар кўзғолончилар-  
нинг шиддатли зарбаларига бардон беролмасдан, катта талафот бе-  
риб, чекинининга мажбур бўлдилар.

Иккинчи куни мўғуллар шаҳарга такроран ҳужум қилдилар. Ле-  
кин, улар қанчалик ҳарбий тактика усулини қўлламасинлар, кўзғо-  
лончилар қаршичилигини сиздира олмадилар. Шундан кейин шаҳарни  
узоқ қамал қилиш усули билан ҳаракат қилиб, кўзғолончилар тинка-  
сини қуритмоқчи бўлдилар. Лекин бу усул ҳам натижа бермади. Шу  
вақт шаҳарни қамал қилиб турган мўғуллар орасида от вабоси тарқа-  
либ, мўғуллар қамални ташлаб, шаҳар атрофидаги аҳолини талашга  
киришди. Устига-устак, иш мана шу вақтда бошқа ҳудудларда ҳам

Илѣсхўжага қарши халқ оммасининг миллий озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. Бундан дарғазаб бўлган Илѣсхўжа «Савашни тўхта-тинг! Юртга қайтинг!!» деган фармон берди. Босқинчи мўғуллар армиясининг ўз юртларига қайтиши шитоб билан бошланди.

*«Бу мўғулларнинг сўнги бор ҳужумлари эди. Ўша-ўша улар Турон заминидан бутунлай илик тортиб кетдилар. Мўғул босқинчиларининг оёғи юртдан батамом узилди. Чингизхон истилодидан бошланган, қарийб юз эллик йил давом этган мўғул истибдодига чек қўйилди. Буни Самарқанд сарбадорлари адо этдилар»<sup>1</sup>. Ҳижрий 767 (милодий 1366) йил, илон йили, сафар ойининг биринчи кuni жумада Самарқанд аҳли Жомеъ масжидига пешин намозини ўқиш учун йиғилганларида имом Кутбиддин намозхонларга қарата шундай деди:*

*«Аҳли мусулмонлар! Подшоҳлик шукуҳисиз, ғолиб, мард Самарқанд аҳли ушмундоқ жаррор ва ғаддор аскарлар билан бошма-бош келдилар. ғанимининг шиддату иддаоларига баробар тарзда турдилар. Илло, Жета синоҳининг музаффарият ила истило қўллари шаҳар иқомат хайлининг номусу молларига тега олмади!!! Ҳукмдорлар шавкату шижоатига муносиб шерик ва аларнинг ноиблари саъй-ҳаракатлари билангина бўладиган амлоку моурус муҳофизати ғолиб жамоанинг қўлидан келди. Мангу-мунгсиз эгамнинг марҳаматидан душманнинг қизил юзи сариқ бўлди. Хуфтон кўнгилар фаиришта жамолидек ёришиди».*

Улуснинг суянчи, мўминларнинг таянчи Амир Ҳусайн ўз жонини сақлайман дебон, бор жаҳонни ташлаб, юртни аждаҳо оғзида қолдирмакка кўнди. Бас даврон дийдаси, кўҳна дунё кўзи кўрсинким, Самарқандни бало-қазодан омон сақлаб қолган жамоа сарбадорлар жамоасидир! Анинг тепасида фикру тадбирда оқил Абу Бакир Калава, саодатманд Мавлонозода, довьюрак Хурдак Бухорий камонмерган турдилар. Худой таоло аларнинг шаънларини пок этсин, обрўларини жаҳонларга тенг қилсин! Омин!

Самарқанд сарбадорлари сардори Абу Бакир Калава шаҳар султони тангри таоло унинг умрларини зиёда қилсин, юрт маснадига минодир. Баским, биз бу айёмдан эътиборан унинг муборак номини хутбага қўшиб айтадурмиз ва жумла мўминларни яхши дил юзидан огоҳ этадурмиз! Ҳар жума номлари хутбада зикр этилуру ва танга зарб қилинур!

Ана шу Жомеъ масжидидаги йиғилишда сўзга чиққан Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бакр Калава Наддоф жамоани сарбадорлар ҳаракат дастури билан таништирди. У сарбадорларнинг эътиқодларидан бири, агар Ҳақ таоло қўллаб юборса истибдод тутинини йиқитиши, бойлар қўлидаги ер-мулкни тортиб олиб толиби илмларга, гадоларга, косибу заминдорларга, мусулмону ғайридинларга

<sup>1</sup> *Муҳаммад Али. Сарбадорлар. // «Шарқ юлдузи». 1990, 81-бет. 10-сон.*

баб-баробар тақсимлаш, ҳаммани бир хил либос кийиши ва бир хил таом танаввул қилишига эришиш, инсонлар бир хил туғилиб дунёга келар эканлар, шунга кўра улар ҳаётда ҳам тенг ҳуқуқли бўлишлари лозимлигидан иборат эканлигини эълон қилди.

Сарбадорлар ҳаракатини таҳлил этган ҳар бир одам, уларнинг ҳаракат дастурида муаллими соний Абу Наср ал-Форобийнинг фозил шаҳар хусусидаги фикрларини нечоғлик асос қилиб олинганлигини билиб олишлари аниқдур. Шу жоиз Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бакр Калава Жомеъ масжидидаги нутқини куйидаги сўзлар билан тамомлайди:

*«— Фозил шаҳарда зоҳирий вазифа шаҳарни мудофаа этмак, истилочилардан омон сақламакдан иборатдир, ботиний вазифа-улусни бахтли-саодатли қилмоқдир. Бахт-саодатга эса йўл маърифат боғидан, тарбия чаманзоридан ўтадир. Шаҳарни фозил шаҳарга айлантирмоқ йўли, обод этмоқ чораси савдо ила ҳалол манглай теридир. Улусанинг ўзи сайланган ҳукмдор улусга хизмат қилар. Фозил шаҳарда ҳукмдор ҳам бўлмас, тобе ҳам. Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: Самарқанднинг фозил шаҳарга айлантирурмиз, унинг эли бахт-саодат соҳиби бўлур!».*

Сарбадорлар салтанатида Абу Бакр Калаванинг сафдонлари Мавлонозода соҳибдевон этиб, довжорак Хурдак Бухорий камонмерган амирлашкар, Нозим Меҳмет хазиначи, Абумансур (аслида Амир Хусайннинг айғоқчиси) ҳуфия сафи (айғоқчилар) сардори лавозимига тайинланди.

Султон кенгашида одатда салтанат олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилар ва зарур тадбирий чоралар кўрилар эди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг кўрки ва чиройи бўлмиш Жомеъ масжиди, Кўксаройни таъмирлаш, Кеш дарвозасини қайта қуриш, шаҳарни мустаҳкам кўргон билан ўраш, қаровсиз қолган Чокардиза қабристонини ободонлаштириш каби ишларни бажаришни режалаштириб, дарҳол амалга ошириш тадбирлари кўрилган эди.

Айниқса, сарбадорлар султони Абу Бакр Калавани уч нарсани қатъиян ман этиш тўғрисидаги фармони эл-юрт томонидан яқдиллик билан маъқулланди. **Биринчиси** — дабдабаю ҳашам, ортиқча зебзийнатга берилиш; исрофгарчилик ва ўғирликка қарши кураш олиб бориш; **иккинчиси** — бангу чоғир, гиёҳвандлигу майпарастлик; **учинчиси** — фоҳишабозлик, ғарлик... каби иллатларга қарши кураш олиб бориш.

Дарҳақиқат, Абу Бакр Калава фармонидан сўнг бобилхоналар фаолияти қатағон қилинди.

Бу фармондан сўнг чоғир ичувчилар билан гиёҳвандлар ҳам пананаларга писиб кетишга мажбур бўлдилар. Кўкнори-ю нашавандлар, майпарастлар айб устида қўлга тушса, жазоси ўлим эди. Ана

шундай кишилардан ўн олтитаси Чорсу майдонида қиличдан ўтказилди. Шу жоиз Самарқанддан кўчиб кетганлар ҳам бўлди. Самарқанд, меҳнаткаш аҳлининг бундай ҳаракати тарихий адабиётларда «Сарбадорлар» ҳаракати номи билан машҳур бўлиб, бу ибора биринчи маротаба 1336—1337 йилларда Хуросоннинг Сабзавор деган туманида мўғул хонлари ва маҳаллий катта ер эгаларига қарши кўзғолон даврида тайёр бўлган эди.

Сарбадорлар хунармандлар ва шаҳарнинг кўпчилик аҳолисини ташкил этган қўйи табақалар манфаатларини ҳимоя қилганлар. Шунинг учун ҳам кўпинча уларнинг қабул қилган чора-тадбирлари Самарқанд зодагонларининг манфаатларига зид бўлиб сарбадорлар шаънига ҳақоратомуз ибораларни келиб чиқишига сабаб бўлган. Масалан, тарихчи Шарофуддин Яздий сарбадорлар тўғрисидаги фикрини шеърӣ мисраларда баён этиб: *«Ё Олло! Наҳотки, гадо хурматли одам бўла олса»* деб хитоб қилди.

Мўғулларни Самарқанддан чекинганлиги, сарбадорларнинг улкан ғалабани қўлга киритганлигини эшитган Темур дарҳол Амир Ҳусайнга чопар юборди ва кўп вақт ўтмасдан у билан ўзи учраб, Самарқанддаги аҳволни шошилиш равишда муҳокама қилдилар. Сарбадорларнинг жасоратларини кўрган Темур ва Амир Ҳусайн Самарқандни куч билан босиб олиш хавfli эканлигини англаб уни ҳийла йўли билан қўлга киритишга қарор қилдилар ва баҳор келиши билан Самарқандга йўл олдилар.

Улар Самарқанд яқинидаги, Кониғилда тўхтадилар ва Самарқанд ҳимоячиларини алдаб шаҳар бошқармаси раҳбарлари номига мактуб йўлладилар. Бу мактубда ҳар иккала амир шаҳар бошқармаси раҳбарларига шаҳарни идора қилишни ишониб топширилиши ва шаҳар ҳимоячиларидан ҳеч кимнинг жазоланмаслиги алоҳида уқтирилган эди. Улар бу ваъдаларни қасам билан тасдиқлаб, хат билан бирга сарбадорлар раҳбарлари учун қимматбаҳо сарполар билан ўз эмиссарларини жўнатдилар. Келган эмиссарларнинг мақсадлари сарбадорлар тизимининг бир хил бўлмаганидан фойдаланиб, Самарқандни босиб олиш учун замин тайёрлашдан иборат эди.

Амир Ҳусайн ва Темур эмиссарлари шаҳарнинг иккиланиб турган қисмини, сарбадорлар томонидан обрў-эътиборли кишиларни Ҳусайн ва Темур билан шартнома тузишга мойилларини ўз томонларига ағдариб олишлари ўз навбатида сарбадорлар ўртасидаги зиддиятни кучайтириб юборди.

1366 йил баҳорида Кониғилдан сарбадорларга яна қўйидаги мазмундаги мактубни йўлладилар: *«Биз сизларга батамом инонамиз ва сизларни бошқа ҳукмдорларга қараганда яхши деб биламиз!»*. Амир Ҳусайн ва Темурнинг «яхши» ниятда келганликларига ишонган сарбадорлар раҳбарлари амирлар қароргоҳига келишга аҳд этдилар. Те-



мурнинг бевосита аралашуви билан сарбадорлар раҳбарларидан фақатгина Мавлонозода Нодирбек ибн Яҳёёнинг ҳаёти дорга тортар пайтида сақланиб қолинди. Шундай қилиб, Самарқанд сарбадорларининг ҳаракати раҳбарсиз қолдирилиб, шавқатсизларча бостирилди ва оқибатда амир Ҳусайн ва Темур Самарқанд ҳукмдори бўлиб қолдилар.

1365—1366 йиллардаги ҳаракат биргини Самарқандда эмас, унинг товарак-атрофидаги туманларга ҳам тарқалган эди. Тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, амир Ҳусайн Самарқандни эгаллаганидан кейин бошқа вилоятларда ҳам ўзбошимчиликлар ва итоат қилмаслик тугатилган.

Тарихий манбаларда сарбадорлар қўзғолони, уларнинг ҳаракат дастурлари тўғрисида аниқ маълумотларнинг етарли бўлмагани сарбадорлар ҳаракатини Самарқанд шаҳри аҳолисини шаҳарни мўғуллар томонидан босиб олиниши хавфига қарши кўтарилган ҳаракат деб талқин этилишига олиб келган. Бироқ, сарбадорларнинг қисқа мудатли кўп сонли ва ҳарбий санъати яхши эгаллаган мўғуллар зарбисига қарши тура олган мудофаани ташкил этилганлигини шаҳарда олинган сарбадорларнинг қудратли ташкилоти мавжуд бўлганлигини, улар хоҳлаган вақтда сарбадорларнинг мақсадлари ва шиорлари остида ҳаракат қилишга тайёр турган кучлар мавжуд бўлганлигини яққол кўрсатади. Гап шундаки, 1337—1381, яъни деярли ярим аср давомида ғарбий Хуросонда сарбадорлар давлати мавжуд эди. 1350—1392 йилларда эса Мозандаронда ва 1370 йилдан бошлаб Филонда сайидлар давлати вужудга келди. Шунинг учун ҳам Самарқанддаги 1365—1366 йиллардаги ва Камонадаги 1373 йилдаги сарбадорлар ҳаракатининг бир-бирларидан ажратилган ҳолда эмас, балки XIV асрнинг ўрталари ва охири чорагида Ўрта Осиёда ҳам вужудга келган ва ғоялари жиҳатдан бир хил бўлган, яширин ҳолатда олиб борган, бир мақсад йўлида ҳаракат олиб борган ташкилот мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Кўшни давлатларга ўхшаш сарбадорлар давлати тури ҳам монархия принципига асосланган эди. Бироқ, социал базаси жиҳатидан принципиал фарқи ҳам бор эди. Сарбадорлар давлатида ҳокимият майда феодаллар қўлида бўлиб, фақатгина деҳқонлар ва хунармандларнинг қўллаб-қувватлашлари ҳисобидагина яшаш мумкин эди.

Сарбадорлар давлатининг ҳарбий кучлари феодаллар ва уларнинг ҳарбий дружиналаридан эмас, балки майда ер эгалари ва эркин деҳқонлардан тузилган халқ лашкарларидан иборат эди.

Сарбадорларда биргина армия демократлаштирилган бўлиб қолмасдан балки, ҳокимиятни бошқариш ҳам демократлаштирилган эди. Ҳокимият тепасида сарбадор амалдор турганлигига қарамасдан, уларнинг ҳаёт тарзлари оддий меҳнаткаш сарбадордан фарқ этмас эди.

Амалдор сарбадор ҳам оддий кийинар, ҳарбий ўлжалар тенг тақсимланар, ҳатто ҳукмдорлар ҳам тамомила ҳамма учун бир хил тайёрлар, бир хил овқат истеъмол қилар эдилар.

И. П. Петрушевскийнинг кўрсатишича, сарбадорлар давлати деҳқонлар демократияси эмас эди. Бу давлат майда ер эгалари давлати бўлиб, у фақатгина деҳқонлар учун ёнберишлар ҳисобигагина яшаши мумкин эди.

Амир Темур Самарқанд шароитида сарбадорлар алоҳида роль ўйнашини яхши англаб шароитга тўғри баҳо берди. У шаҳар аҳолисининг ишонч ва ҳурматини қозониш мақсадида Мавлонозоданинг ўлим чангалидан озод этган эди. Лекин унинг устомонлиги халқ орасида унга катта шон-шухрат келтирмади. Самарқандда Темур ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам 18 йил давомида (1370—1388) бу ерда марказий ҳокимиятга қарши тўққиз мартаба халқ қўзғолони бўлиб ўтди.

Амир Темур Мовароуннаҳрдаги тарихий вазиятни Хусайндан кўра аниқроқ тушунди. У бутун фаолиятини Мовароуннаҳрда марказлашган қудратли мустақил давлат тузишга қаратади. Бу борада Амир Хусайнни тутган йўли бошқача эди. У Самарқандни босиб олгандан кейин ўзига қарашли Балх шаҳрини мустақамлашга киришди, у ердаги Ҳиндувон қалъасини бошқатдан қурдирди. Балх қалъасига ўзининг бутун мол-мулкани кўчирди ва кўплаб қурол-яроғларни келтирди. Ўз навбатида Амир Хусайннинг бундай хатти-ҳаракати Темур зарур галбир-чораларини кўришини тақозо этди.

1370 йилда Темур ўз кўшини билан Балхни қамал қилади ва катта талафотлар бериб уни ишғол этади. Амир Хусайн хазинасидаги бойликлар Темур қўлига ўтади. Бу жангда Темурнинг иттифоқчиси бўлган Хутгалон ҳокими Кайхусравга ўн йил муқаддам ўлдирилган укасининг қасдини олиш учун Хусайннинг ўлдирилишига Темур эътироз билдирмади. Лекин икки йил ўтгач, қонга қон олиш шарти Кайхусравнинг ўзига қарши қаратилиб, у Темурга хиёнат қилганликда айбланиб, энди уни қатл этиш ҳуқуқи қасд олиш қонунига асосан Хусайн авлодига берилди, Кайхусрав ўлдирилди, гуё «*ал қасосул минал ҳақ*» тамойили тантана қилди.

4. Амир Хусайннинг ўлдирилишидан сўнг Темур бутун Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори бўлиб қолди. Лекин у Чингизхон авлодидан бўлмаганлиги учун «хон» унвонини ололмади. Шунинг учун ҳам Темурнинг сиёсат бобидаги манфаатларини кўзлаган ривоят тўқиб чиқилиб, унга гуё Чингизхон авлодлари давридаёқ Темур уругига шартнома асосида амирлик ҳуқуқи берилганлиги, бундай шартномалар фақат кейинги алғов-далғов вақтларда унутилиб юборилганлиги эълон қилинди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В. В. История Туркестана. — Т.: 1922, с. 43.

Темур амир Хусайннинг бева қолган хотини — Қозонхоннинг кизи — Сарой Мулкхонимга уйланиб, ўзини амир Кўрагоний, яъни чингизийлар кўёи деб эълон қилди. Темур Султон Маҳмудхон Улганидан кейин расмий равишда бўлажак хонларни кўтаришга батамом чек қўйди.

Темур ҳокимиятни бошқаришда ўзининг чингизийлар империясининг давомчиси сифатида кўрсатини мақсадида Суюрғатмиш (1370—1388) ва унинг ўғли Султон Маҳмуд 1388—1402 ни расмий хон қилиб тайинлайди (ҳар иккала хон ҳам сиёсий ишларга ва Темурнинг берган фармойишларига аралашмадилар).

Темур ўз ҳокимиятини атрофлича мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирий чораларни кўрди. Қарши, Қорабоғ, Самарқанд ва бошқа музофатларда шаҳзодалар, бош амалдорлар, ҳарбий бошлиқлар ва турли мартабадаги аристократиянинг вакиллари билан бир неча машваратлар ва курултойлар ўтказди. Курултойларда мамлакат ва давлатини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳволи ҳақидаги долзарб масалалар муҳокама қилинар, режалар тузилар, қарорлар қабул қилинар ва уларни бажариш муддатлари белгиланар эди.

Темур ўз даврининг қудратли қуроли кучларини тузишга алоҳида эътибор берди. Унинг гвардияси асосан чиғатой қабилаларига мансуб бўлган жасур кишилардан тузилган эди.

Испания элчиси Гонзалес де Клавихо 1404 йилда Самарқандда бўлган вақтида ўз кундалигида қуйидагиларни қайд этган эди:

*«Чиғатойлар алоҳида имтиёзларга эгадирлар. Улар хоҳлаган жойларида яшашилари мумкин, ўз подаларини хоҳ қиш, хоҳ ёзда хоҳлаган жойларида боқинилари, хоҳлаган жойларида экин экинчилари мумкин, улар подшога солиқ тўлашдан озод, чунки, подшо қачон уларни чақирса, чиғатойлар унинг армиясида хизмат қиладилар».*

Рус генерали М. И. Ивановнинг ўтган асрда чоп этган *«Мўғул татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Темур давридаги ҳарбий санъати ҳамда бошқинчиликлари ҳақида»* асарида Амир Темурнинг ҳарбий санъатига алоҳида тўхтаб ўтади.

Ушбу асарда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъати «Темур қўшинлари таркиби ва тузилиши», «Қурол-яроғ ва сафар захиралари, унвон бериш, бошлиқлар ҳуқуқи ва маош тайинлаш», «Темурнинг ҳарбий-сиёсий ва маъмурий қоидалари» деб номланган бўлимлари батафсил баён этилган.

Генерал М. И. Иванов Соҳибқирон Амир Темур қўшинлари таркиби ва тузилиши хусусида фикр юритар экан, қуйидагиларни ёзади: *«Темурнинг қўшинлари пиёда ва этник аскарлардан ташкил топган эди. Лекин пиёдалар узоқ чўл сафарларида отлар билан таъминланар, этник аскарларнинг катта қисми керак бўлганда пиёда тартибда жанг қилишга ҳам ўргатилган эди. Улар фақат камондан бехато отишга*

*тўғри келгандагина отдан тушиб, пиёда жангчига айланардилар. Лекин улар отда пиёда ҳолдагидан кўра яхшироқ ҳаракат қилганлари шубҳасиз, чунки кўчманчи халқлар ёшлик чоғларидан отда юришни яхшилаб ўзлаштириб олишади».*

Отлиқ аскарлар оддий ва сараланган жангчиларга бўлиниб, енгил ва оғир отлиқ қўшинни ташкил этар эди! Бундан ташқари, Темур гвардия сингари шахсий соқчиларга ҳам эга эди.

Амирлар маоши уларнинг обрўларига қараб 1.000 дан 10.000 гача от нархи билан, Темур авлодлариники эса 12.000 гача от нархи билан белгиланиб, уларга вилоят ҳам ҳадя этиларди.

Пиёда жангчиларнинг катта маош олиши — уларнинг хизмати отлиқлариникидан машаққатлироқ эканлигини билдиради. Пиёда аскарлар сараланган ва синалган жангчилардан иборат бўлганлиги ҳамда уларни таъминлаш қимматга тушиши сабабли кўп сонли бўла олмас эди.

Қўшинлар маоши, махсус бошлиқлар томонидан бошқариладиган ҳарбий ҳудудларга бўлинган ерлар ҳисобидан ҳамда баъзи шаҳар ва вилоят даромадларидан белгиланар эди.

Темур ҳокимиятининг ўзи танга пул зарб этиши туфайли, ўтроқ халқлар орасида жойлашган ва пул муносабатлари билан таниш бўлган қўшинларга пул билан маош тўланарди. Аммо, от қиймат бирлиги сифатида қабул қилиниб, асосий маош сифатида берилган.

Жанговар хизмат кўрсатган жангчиларга мукофотлар мақтов, маошга қўшимча ҳақ тўлаш, ўлжа бўлишда улушнинг оширилиши, юқори мансабга кўтариш, фахрий унвон бериш, баҳодир, мард, ботир ва бошқа номлар бериш сифатида берилса, бутун қўшинлар қисмига ногора чалиб нишонлаш, байроқ бериш ва ҳоказолар сифатида берилган.

«Мўғул татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Темур давридаги ҳарбий санъати...» номли китобнинг «Темурнинг ҳарбий-сиёсий ва маъмурий қоидалари» қисмида Соҳибқироннинг ҳарбий-сиёсий стратегияси фикримизча, реал тарихий ҳақиқат асосида баён этиб берилган.

*«Темурнинг гапига қараганда, — деб ёзади Иванин, — сиёсат билан мақсадга эришиш мумкин бўлган ҳолатда қурол билан ҳаракат қилиш ноўриндир. Уруш бошлашдан аввал душман қўшинларининг қурол ишлатиши усулларини билиб олиш, душман қўшиннинг руҳий кучларига таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларини топа билиш айниқса, душман ҳокимлари ва лашкарбошилари фазилатларига сезиларли таъсир этиш керак. Бугунги ишни эртага қолдириш керак эмас».*

Қандайдир давлатга нисбатан золимлик, зўравонлик, жабр-зулм ўтказилаётган бўлса, бундан халқ норози бўлиб, аҳволи мушкуллашган бўлса, Темурнинг фикрича, ҳар бир адолатли ҳукмдор бундай

ўравон давлатга қарши уруш эълон қилиши керак. Бундай шароитда Аллоҳнинг ўзи унга мадақдор бўлади. Агар қандайдир давлатда эътиқод бўшашиб, диндорлар таҳқирланган бўлсалар, тақводор ҳукмдор бу давлатга кириб Муҳаммад эътиқодини тиклаши шарт. У пайгамбар ёрдамига ишонса бўлади.

Темурнинг Муҳаммад эътиқодини тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб, пайгамбар ашқолларига ҳамма мусулмон давлатларида катта обрўга эга руҳонийларга ҳомийлик қилди. Уларни ўзига яқинлаштириб, режалари ҳақида маслаҳатланиб турарди. Руҳонийлар Темурни аср қаҳрамони, эътиқод тиянчи ва кўриначиси, пайгамбар хуш кўрган одам, деб эълон қилишди. Улар Темур ушдан ёруғлик таратганини кўришганлигини, бу ёруғлик камалак шаклида бўлиб, Муҳаммад пайгамбар қабридан тарқиб, Темур елкасига бориб тақалган эмиш. Шунинг учун унинг ҳар бир ҳаракати қўшинлар томонидан фалакдан тасдиқланган Аллоҳ томонидан буюрилган сирли белгиси, деб қабул қилинарди. Қўшинлар Темурни Аллоҳ нафрати кўзгаб турганда золим ва адолатсиз ҳукмдорни, Муҳаммад пайгамбар қонунларини бузган ҳаёсиз ва туноҳга ботган мусулмонларни жазолаш учун юборган ердани қуроли деб ҳисоблардилар.

Соҳибқирон ислом дини маросимларига доимо риоя қилиш, яъни жамоа билан жанг олдидан намоз ўқиш, кечаси эса якка ўзи чодирда намоз ўқиб, мулоҳаза юритиш, жангчиларга мардлик ва жангларни муваффақиятли тугатишга ишонч бағишларди.

Амир Темур бошқаришнинг турли соҳаларига одамлари ўзи танлар, ҳар бир нарсани ўзи назорат қилиб турар эди. У одамлар билан қисқа, одампарварлик ва сабр-қаноат билан муомала қилар, улар орасида тартиб ўрнатиб, кўрсатмалар бажарилишини талаб қиларди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маҳаллий ўзбек тарихчиларининг аксариятларидан фарқ этгани ҳолда, генерал М. И. Иваниннинг Соҳибқирон шахсига холисона ёндашуви асл ҳақиқатга бирмунча яқиндир.

У шундай ёзади: *«Темур илм-фанга ҳомийлик қилар, олимлар билан халқлар тарихи ва буюк ҳукмдорлар таржимаи ҳоли ҳақида суҳбатлар ўтказишни хуш кўрар, ўтган даврдаги буюк шахслар ижобий ишларига тақлид қилар, хатоларини қайтармаслик учун уларнинг муваффақият-сизликларини қунт билан ўрганар эди.*

Бошқаришдаги муҳим ишлар асосан дин маъмурлари, ақл ва билимлари билан машҳур бўлган кишилар, бош амирлар, қўшин ва қабила бошлиқлари, вазирлар ва бошқалар иштирок этган кенгашда кўриб чиқиларди.

*Темур шу каби кенгашлардаги ўз қарор ва фикрларини батафсил ёзиб борувчи котибларга эга эди. «Темурнинг сиёсий ва ҳарбий қарорлари» номи билан машҳур васиятномаси кенгашлардаги маълумотлардан (юқорида кўрсатиб ўтилган) тузилган бўлиши эҳтимол».*

Муаллиф Амир Темурнинг ҳарбий-сиёсий ва маъмурий қоидалари баёнига якун ясар экан, шуни алоҳида қайд этадики, Соҳибқирон ўйлаган режаларини амалга ошириш мақсадида у ўз амалдорларини мажбур қилиш ва қаттиққўллик билан эмас, балки бу ишларни фойда келтиражagini ишонтириш йўли билан ўз орқасидан эргаштиришга муваффақ бўлганлигини алоҳида қайд этади.

Соҳибқирон забт этган мусулмон мамлакатларида Муҳаммад пайгамбар авлодларига, руҳонийларга, қонунчиларга, олимлар ва оқсоқолларга доимо ҳомийлик қилар, уларни мукофотлар, яхши маош тайинлар, амалдорлар билан хушмуомалада бўлар, камбағалларга таом улашар, халққа нисбатан инсонпарварлик қилар эди.

Рус генерали М. Иванов адолатли қайд этганидек, *Амир Темур халқни қандай тадбирлар билан ўзига қаратиш мумкинлигини олдиндан билиб олар, савдогарларга ёрдам берар, босқинчиликни таъқиб қилар, адолат учун қайғурар, йўллар ва савдо-сотиқ хавфсизлиги ҳақида ташвишланар эди. Мана шу қоидалар ва чора-тадбирлар орқали улкан муваффақиятларга эришар эди.* Амир Темурнинг ҳарбий саркарда ва давлат арбоби сифатида баҳо бериб, *уни душманлар офати, фуқаролар отаси, жангчилар сажда қилса арзийдиган бирдан-бир зот деб аташарди.*

Темур халқ кўзғолонларини, жумладан, ўша даврнинг энг йирик кўзғолони — Самарқанддаги сарбадорлар кўзғолонини бостирди. Унинг марказлашган қудратли давлат қуриш йўлидаги фаолияти шаҳар аҳолисининг нуфузли қисми — бойлар, савдогарлар ва айниқса ҳунармандлар томонидан қўллаб-қувватланди. Чунки, уларни феодал ҳукмдорларининг ўзаро курашларидан тинкалари қуриган ва иқтисодий жиҳатдан батамом хонавайрон бўлиш даражасига етган эдилар.

1370 йилда Темур Балхни эгаллаганида маккалик Мир Сайд Барака унга ҳокимият рамзи — дўмбира билан байроқни топширган эди. Энди Темурда нафақат Самарқанд, балки Марказий Осиё ва унинг атрофларини бирлаштирадиган қудратли улкан империяга асос солиш орзуси пайдо бўлган эди. У шу мақсадда Куръони Каримни очиб кўрди. Бироқ, Куръоннинг очилган саҳифасидан у «*Меъёрини унутганларни Аллоҳ хуш кўрмайди*» деган оятни ўқиб, қаттиқ ўйга ботди. Буни пайқаб турган Бибиҳоним Темурга қараб шундай деди: «*Менинг фаҳмлашимча, сиз Самарқанд билан кифояланиб қолмаслигингиз лозим. Ўзингизни ҳукмронлик ҳукмрони дея эълон қилингиз, имонингиз комил бўлсинким, мен ҳозир чўрингиз бўлиб оёғингиз остида қандай ётган бўлсам, дунё ҳам пойингизда шундай поёндоз бўлади.*»

*Аммо лекин қурултойнинг розилигини олмай туриб, тахтни эгаллашни хаёлингизга келтирманг. Билъакс, ҳар қандай тентак келиб, «Ҳой қароқчи тахтдан туш!» деяверади. Пирингиз Мир Сайд Барака сизнинг сайланишингизга кафолат берадилар».*

Орзиқиб қутилган қурултой 1370 йил рамазон ойининг 10 кунига тўғри келди. Сайлов синовларида ғолиб чиққан зотнинг муборак исми шарифи асрий чинорлар оғушига олган майдонда эълон қилинди. Қурултой йиғинларида Темур юксак талабага эришди.

Мир Сайд Барака халқнинг арз-лодини тинглаш учун Темурни таклиф этиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. У ерга тўшалган кигиз ёнига Темурни етаклаб келди-да, уни қадимий тахтиравонга чиқармай туриб, Мовароуннаҳр ва олий шилуяглар элчиларига қарата: «Сизларнинг ҳукмронингиз бўлишимни истайсизларми?», — деб сўрашга даъват этди.

Темурнинг саволи тугар-туғамас унинг оғзини сон-саноксиз товушлар босиб кетди: — «Темур! Сен бизнинг жанобимизсен!».

«Сен ислоннинг қиличидирсен!», «Сен юлдузларни бўйсиндирувчидирсен!», — «Сен зафаридирсен!». Шундан сўнг Темур халқ билан маънавий битим тузмоғи керак эди.

Мир Сайд Барака йиғилган халқ олдига сайлов синовларидан ўтган Темурга қарата — «Сен Найтамбарнинг соясига айлангач, сен учун Аллоҳнинг иродаси ва адолат қонун бўлғай. Шунинг ёдинда маҳкам тутгилки, адолат итини йўқотмасдай бўлсанг, сени шоҳлик мартабасига кўтарайтган мана шу кигиз парчасидан ҳам маҳрум бўласан».

Темур ҳам ол-улусга ўз шартларини баён этадиган фурсати етди. «Мен чорлаганда йиғилиб, келасизларми?» — «Ҳа, албатта келамиз!» дея гувранди издиҳом. — «Мен бошлаган томонга юрасизларми?» — «Борамиз, борамиз!» — «Мен амир этган одамни ўлдирасизларми?» — «О, Темур бунга заррача шубҳа қилмагил!»...

Қасамёд этиш маросими ана шундай ўзаро шартлашув билан ўтди. Энди ҳукмронни кигизга чиқариш тантанасини бажариш қолди, холос.

Дастлаб Мир Сайд Барака сайланувчига олтин камар, ярқираган қилич ва дур кўзли сирға ҳадя этди. Сўнг Мир Сайд Барака қудратли ҳукмрон рамзи сифатида унга қўйнинг курагини узатди. Шундай тантанали шодиёнада ноғоралар гумбури ва халқ оммасининг ҳаяжонли ҳайрати остида саййидлар ва эътиборли зотлар Темурни қўлда кўтаришди. «Аллоху акбар!» хитоби жўрлигида уни уч карра бошлари узра кўтариб қўйишди.

Қурултой узоқ-яқиндаги ўлкаларга Темурнинг хон этиб сайлангани ҳақидаги хабарни тарқатиш билан якунланади. Ўз навбатида Темур ҳам халқ иродаси билан Чигатой улусини бошқариш масъулиятини ўз зиммасига олганини, Самарқандни пойтахт сифатида танлаганини маълум қилиб, ёрлик жўнатди.

Темур Балхдан қайтаётиб отасининг қабрини зиёрат этмоқ ниятида Кешда тўхтади, ундан сўнг Самарқандга келди.

Темур 1370 йилда кўчиб ўтиши билан қурилиш ишларини кенг қўламда бошлаб юборди. Давр шуни тақозо этар эди. Мўғуллар ша-

ҳарни вайрон қилгандан кейин ўтган 150 йил давомида мудофаа истеҳкомлари батамом ишдан чиққан эди. Энди шаҳар ва шаҳар атрофида истеҳком деворлар, шахристон, сарой, работ, масжид ва мадрасалар, йўллар, кўприклар, анҳор ва ҳовузлар қазिश ва айниқса, ҳарбий қалъалар қурилиши кенг кўламда бошлаб юборилди.

Темур Самарқандга келиши билан давлат фаолиятини ҳарбий юришларга қўшиб олиб борди. Шу тариқа Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини тезда бирлаштира олди.

#### **«XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МОВАРОУННАҲРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТ» МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАРИХ ЎҚИТУВЧИСИГА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**

Шу нарса сир эмаски, биз собиқ шўролар истибдодида ўтган чо-ракам бир аср давомида жамоатчиликнинг берган баҳолари билан айтадиган бўлсак «Темир парда» ортида яшаб КГБ маҳкамаларини ҳисобга олмаганда кўпгина фуқаролар қатори, олдий тарих ўқитув-чиси ҳам содир бўлаётган кўпгина маълумот ва ахборотлардан воқиф эмас эди. Гап шундаки, шўроларнинг ўша давр социалистик тузими мафкурасига мос келмайдиган ҳар қандай маълумот «анти-советизм», «антикоммунистик» ташвиқот деб баҳоланар эди. Шу жонз биз кўпгина масалаларга, жумладан у ёки бу масалада тарихий ҳақиқатга жаҳон илм аҳлининг берган реал, ҳаққоний баҳосини би-лишдан ҳам маҳрум эдик.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, истиқлолимиз туфайли Пре-зидентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан айниқса, совет тарихшунослигида «босқинчи», «қонхўр», «шафқатсиз» ном-лари билан булғатилган Соҳибқирон Амир Темур том маънода реа-билитация этилди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши тўғриси-даги Президент Ислом Каримовнинг Фармони ЮНЕСКО томони-дан ижобий фактор сифатида маъқулланди.

Яратганга ҳамду-санолар бўлсинки, Амир Темурнинг аввалом-бор ўзбек халқи, Ўрға Осиё халқлари, қолаверса жаҳон давлатчили-ги тарихида тутган ўрнига ҳолисона баҳо берилганлигининг тирик гувоҳи бўлдик.

Ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, айрим ҳолларда у ёки бу масала давр тақозоси билан бутун мамлакатимизнинг диққат мар-казида бўлиб, бутун олиму-фузалолар, оммавий ахборот воситала-ри-ю, жамоатчилик ташкилотлари томонидан кенг тарғиб этилиб, жамоатчиликнинг диққат-эътиборида бўлади. Шунга ўхшаш Амир



Темурнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан ҳам кўплаб илмий конференциялар, илмий тўпламлар, монографиялар, оммавий сериялар нашр этилади.

Биз халқимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллаган Амир Темур ҳаёти, давлат арбоби, ҳарбий саркарда, қонуншунос, истеъдодли меъмор, руҳшунос олим сифатидаги фаолиятларига жаҳоннинг турли мамлакат ва даврларида берилган баҳолар мажмуасидан тарих ўқитувчиларини воқиф этиш мақсадида «Амир Темурнинг шахси»га берилган баҳолардан айримларини эслатиб ўтишни лозим топдик.

ЮНЕСКО қарори билан 1996 йилнинг *Амир Темур йили* деб эълон қилиниши муносабати билан Соҳибқироннинг шахси, уни Ўрта Осиё, қолаверса жаҳон халқлари тарихида тугган ўрнига баҳо бериш хусусида тарихий ҳақиқат асосида инсоф ва имон билан ёндашиш мавриди келди. Гап шундаки, Ўзбекистонимизда, Амир Темурнинг жаҳон халқлари, хусусан ўзбек халқи тарихида тугган ўрни ва роли ҳақида бор тарихий ҳақиқатлар асосида яратилган асарлар ҳамон кутилмоқда. Ҳолбуки, хорижий мамлакатларда Темур ва темурийларга муносабат XVI асрдаёқ адабиётчи ва тарихчиларнинг диққат марказларида бўлиб, Соҳибқироннинг турли фаолиятларига бағишлаб тарихий ҳақиқатни тараннум этувчи қатор илмий асарлар чоп этилган. Жумладан, Францияда Соҳибқирон Амир Темур хотираси учун ҳайкал ўрнатилиб, унинг пойгоҳига «*Европанинг халоскори*га» деб ёзиб қўйилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳам у ерда «*Темур ва темурийлар ассоциацияси*» буюк бобоколонимиз Амир Темур ва унинг мерослари хусусида матонат билан маълумотлар йиғиб келмоқда. Темурийлар тарихи ва маданияти тарихини ўрганиш бўйича ташкил этилган ассоциациянинг раиси, профессор Д. Кэрэн яқинда Амир Темурнинг Европа давлат арбоблари билан олиб борган ёзишмаларини тўплаб «Тамерлан» номли йирик монографиясини нашр этди.

Форест, Мексика ва Пирондиниларнинг «Буюк Темурнинг ҳаёти», Силвестра де Саси ва Хингтонларнинг «Темурнинг Карл VI ва Генрих IV билан ёзишмалари» каби илмий асарлар чоп этилди.

Машҳур инглиз драматурги Кристофер Марло (XVI аср) Соҳибқирон сиймосини Англия сахналарига олиб чиқди.

Рус олимлари В. В. Бартольд, И. И. Умняков, Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовскийлар Амир Темур ва унинг ҳукмронлик даврига бағишланган қимматбаҳо асарлар яратдилар.

Европа ва Америка қўшма Штатларида сўнги йилларда ҳам Амир Темурга бағишланган кўпгина асарлар нашр этилди. Инглиз Шарқшуноси Хилда Хукэтнинг «Фотих Темур», немис олими Ханс Роберт Ремернинг темурийлар даври манбалари, хусусан Абдуллоҳ Марвариднинг «Шарафнома» асарига бағишланган йирик илмий

тадқиқоти, америкалик олим Беатриса Манзнинг «Темур давлатининг юксалиши ва идора қилиниши», Жон Вуднинг «Темурийлар сулоласи» деган асарлари шулар жумласидандир.

Темур ва темурийлар тарихи бутунги кунда Англиянинг Оксфорд, АҚШнинг Калифорния, Сиэтл, Харвард, Нью-Йорк университетларида кенг ўрганилмоқда. Индиана штатининг Блютингтон шаҳрида Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганадиган махсус илмий марказ кўпдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда.

Амир Темур даҳоси тубсиз уммондир. Шунга қарамасдан бизнинг Ўзбекистонимизда Амир Темур ҳақидаги илмий-тарихий ва бадиий асарлар эса эндигина истиқлолимиз шарофати билан яратилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Амир Темур шахсига тавсиф беришда бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Уларнинг бирида Темур шахси *илоҳийлаштирилса*<sup>1</sup>, иккинчисида фақат *салбий* ҳолда баён этилади<sup>2</sup>, учинчисида эса, унинг ўз даврини машхур давлат арбоби, *моҳир саркарда, халқпарвар бунёдкор*, ислом динининг ҳомийси эканлиги қайд этилади.

Темурни ички сиёсати имкони борича Мовароуннаҳрнинг моддий ва маънавий фаровонлигини кўтаришга қаратилган эди... Мовароуннаҳр ва Самарқанд бунёд этилган нодир ва абадий обидалар бевосита Темур номи билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда ўтган барча ҳукмдорлар орасида у улуг-бунёдкор ва забардаст амир сифатида ном қозонган эди<sup>3</sup>.

«Амир Темур, — деб ёзади академик Б. Аҳмедов, — *буюк шахс: жураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меймор, руҳшунос, шу билан бирга, эл-юртини севган инсон*»<sup>4</sup>.

Амир Темурга тавсиф беришда ўзбек тарихчи олими Гога Ҳидояттов шундай ёзади: «Темур Чингизхон ва унинг ҳарбий тартибларини ихлосманди бўлиб, ҳамма юришларни ташкил этиш, ҳарбий ҳаракатлар ва маъмурий қурилиш ишларида унга тақлид қилар эди... Унинг ҳамма ҳарбий тактикаси Чингизхондан ўзлаштириб олинган эди»<sup>5</sup>.

Тарихчи ибн Арабшоҳ Амир Темурни ёқтирмас эди. Амир Темурни ёмонлашда у ҳатто шу даражага бориб етганки, ўйламай нетмай Соҳибқиронни даҳрийга чиқариб қўйган. Ибн Арабшоҳнинг

<sup>1</sup> Али Яздий. «Зафарнома». Салоҳиддин Тошкандий. «Темурнома». — Т.: «Чўлпон», 1990.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. — Т.: «Меҳнат», 1992.

<sup>3</sup> Ўзбекистонда XV—XVI асрларда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши тарихидан. Тўплам. Ўзбекистон ФА нашри. 1960 йил. 19-бет.

<sup>4</sup> Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур ўғитлари. — Т.: «Наврўз», 1992, 2-бет.

<sup>5</sup> Хидояттов Г. Моя родная история. — Т.: «Ўқитувчи», 1991. с. 157—162.

даъвосига Амир Темур Чингизхоннинг қонунлари ва йўл-йўриқларини Муҳаммад пайгамбар шариатларидан устун қўйган эмиш. Лекин, Аллоҳга ҳамду санолар бўлсунким, Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқиронга нонқўрлик қабилида тўқиган бундайин уйдирмаси ҳеч кимни ишонтира олмади. Чунки, Амир Темурнинг муқаддас ислом динига нисбатан олий эътиқод соҳиби бўлганлиги, ислом асосларини мустаҳкамлаш йўлида бутун умри давомида кураш олиб борганлиги бутун ислом дунёсига маълум эди. У қурдирган масжиду мадрасалар, азиз-авлиёларнинг пойқалам жойларини обод этгани бундан яққол далолат бериб турар эди.

Амир Темур шахси ва унинг даъват арбоби ҳамда буюк саркардалик фаолиятига ноилмий баҳо беринда машҳур рус тарихчиси С. М. Соловьёвнинг қуйидаги фикрлари унинг ҳақиқатда ҳам «буюк тарихчи»лигига қонуний ишубҳа туғдирди: *...тараққиётнинг дастлабки босқичида бўлган халқ, — деб ёзили рус тарихчиси С. М. Соловьёв, — қандайдир Урта Осиёдаги кўчманчи халқ, қандайдир мўғулларнинг ўз Чингиз Хонлари ва Тамерланлари каби буюк кишиларига эзилиб бўйсуниларини кўрамыз.*

*Чингиз Хон ва Тамерлан янгиликларнинг пайдо бўлгунларига қадар бу халқ тўғрисида ҳеч нарса эшитилмаган эди (Т.Т.); бу халқ тарих учун ҳеч нарса эмас, у йўқ бўлиб кетиши, ўзининг яшаш фаолиятини тугатиши арафасида турибди; машҳур хоннинг биргина амри билан бу халқ борлиққа айланади, машҳур қудратли ҳукмрон бўлади. Бироқ, бу ерда ҳам биз чўлнинг бундайин машҳур кишилари — Чингиз Хон ва Тамерланларни, аслини олганда ўз халқининг фарзандлари эканликларини кўрсатсалар-да, уларнинг турмуш тарзлари, эҳтиёжлари чегарасидан чиқаришда, қолаверса шу ҳаётдан (яъни ёввойиликдан демоқчи Т.Т.) чиқаришда ҳеч бир нарсани ўзгартира олмадилар. Халқ буларга қадар ҳам йиртқич эди, буларга қадар ҳам ўзларининг тирикчиликларини кичкина кўламда биргина жисмоний ҳаракатда (яъни ақл-заковат, илм-маърифатдан ташқари демоқчи), талончиликда вайронагарчиликларда олиб борди; Буюк одамнинг ўлиши билан у асос солган улкан мулк емирилишга бошлайди ва буюк одамлар томонидан тебратиб турилган халқ ўзининг олдинги ҳолатига, аввалги тарихан йўқ бўлиб кетишга, яъни фанога юз тутади»<sup>1</sup>.*

Ҳар қандай медалнинг икки томони бўлганидек, ана шундай «илмий-методик» тавсия номига даъвогарлик қиладиган рисолаларда талабаларга тарихий ҳақиқатдан келиб чиқиб, уларга Ватан тарихидан бериладиган таълим ва тартиб жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялашга томон бурилса, айни

<sup>1</sup> Соловьёв С. М. Чтения и рассказы по истории России. — М.: Изд-во. «Правда», 1989, с. 418--419.

муддао бўлур эди. Чунки, бу халқ таълимимиз олдига қўйилган бугунги кунимиз, давримиз талаби шуни тақозо этади.

Модомики, биз истиқлолимиз туфайли ўз-ўзини англаш мавридига кирган эканмиз, Соҳибқирон руҳи покларини қандай бўлса шундайлигича, тарихий сохталаштирмаган ҳолда ўрганмоқ учун бу олий зотнинг яқиндан билган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Али Яздийнинг «Зафарнома»си, муарриҳлар: Ҳофиз Аbru (1430 йилда вафот этган), Абдураззоқ Самарқандий (1413—1462), Алишер Навоий (1441—1501), совет даври тарихчиларидан А. Ю. Якубовский, М. Абдураҳимов, В. В. Бартольд, Г. А. Пугаченкова, И. И. Умяков, Бўрибой Аҳмедовларнинг Амир Темур шахсига берган холисона фикрларни албатта инобатга олмоғимиз лозим.

Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири — давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўрлиги эди. Унинг қоидаси — «роста-дурусти» эди. Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик; ҳақиқат — тартиб; ҳақиқат — адолат демакдир, деб тушунтирар эди у.

Амир Темур жаҳонга тааллуқли форсий тилда ёзилган қатор ҳикматли гаплар бевосита Соҳибқироннинг ўзи айтиб қолдирган бўлиб, ўз даврида бу ҳикматларга ўзи бевосита тўла амал қилган.

**Масалан:** «*Камар бар миён ва сана бар забон*» (Белда камару-тилда сано бўлсин), яъни иш билан сўз орасида бирлик бўлсин.

**Яна:** «*Мурувват ва марди неши холик ва халойиқ Маҳмуд аст*» (Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди).

**Яна:** «*Агар сардор баддил ва бежигар бошад-бар машкар шикаст ояд*» (Агар лашкарбошининг дили пок ва мард бўлмаса қўшин енгилишга маҳкумдир).

Шарафуддин Али Яздий Амир Темурни яқиндан билган, унинг инсоний сифатларини одилона ифодалаб: Уни Соҳибқирон яъни *буюк бахт юлдузининг эгаси; хумоюн-шавкатли; ҳамкори офтоб, давлати турк давлатининг қудратли қуёши; Он-ҳазрат — улуғвор шоҳ*, деб баҳолайди.

Минг афсуски, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг тарихан Ватани олдида қилган хизматлари унинг шўролар давридаги ватандошлари, жумладан айрим маҳаллий ўзбек алломалари томонидан «Темур шахсини кўкларга кўтариш ва идеаллаштириш» деб баҳоланган<sup>1</sup>.

Аллоҳга минг шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонимизнинг ўз мустақиллигига эришганлиги муносабати билан кўп асрлик қадриятларимиз янада тикланиш мавридига кирди. Жумладан, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Муминов Иброҳим. Амир Темурнинг Ўрта Осий тарихида тутган ўрни ва роли. «Фан», — Т.: 1968, 51-бет.

**Республикаси ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари билан Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон халқлари тарихида тутган ўрнига одилона баҳо берилди.**

*«Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз керак. Нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқигач, худди бугунги замоннинг катта муаммоларига жавоб бергандек бўламан. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки, ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади»<sup>1</sup>,* деб қайд этади Президент Ислом Каримов.

Ниҳоят, биз юқорида Амир Темур шахси хусусида келтирган тарихий фактлар, эндиликда Соҳибқиронни Марказий Осиё халқлари, қолаверса жаҳон халқлари тарихида тутган ўрнига реал баҳо беришга имкон беради, деб ўйлаймиз, эндиги гап шундаки, Республикамининг темуршунос олимлари ўрта ва олий мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари билан амалий ҳамкорликка Темур ва темуррийлар тарихига оид даври амалиётда экспериментал дарслар асосида синаб кўрилган илмий-методик ва дидактик жиҳозда асосланган энг самарали дарс вариантларини ишлаб чиқишлари ва кенг ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар эътиборига ҳавола этишларидан иборат бўлмоғи лозим.

Амир Темур дарсларини ўтказиш жараёнида ўқувчи ёшларимизга миллий гуруҳ ва қадриятларимизни фаоллаштириб боришда катта восита бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган яна бир имконият — ўқувчиларни Соҳибқирон қадамжолари, уларнинг номлари, унинг фаолияти билан бевосита алоқадор бўлган тарихий жойлар, уларнинг мазмуни ва моҳиятлари билан системали равишда таништириб бориш ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Маълумки, шўролар мактабида таҳсил олган ҳар бир мактаб ўқувчиси Наполеон уруши даврида француз армияси зарбасига бардош бераолмасдан чекинган рус саркардаси М. И. Кутузовнинг Москва ёнида енгилганлиги, кейинчалик у ерда катта тарихий музей яратилганлиги, унинг бутунги кунда сайёҳларнинг зиёратгоҳидан бирига айланиб, фаолият кўрсатиб келаётганлигини яхши биладилар. Бироқ, Европанинг турли районларида Соҳибқироннинг Олтин Ўрлага қарши олиб борган кураши жараёни билан алоқадор бўлган, бевосита Амир Темур номи билан аталиб келган географик номлар, маънавий ва моддий бойликлар, ёдгорликлар мавжудлигидан деярли бехабардирлар.

Гап шундаки, бундай маълумотлар на ўқув дастурида ва на ўрта ва олий мактаб Ўзбекистон халқлари тарихи дарслигида мутлақ қайд этилмаган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг ҳарбий юриши солно-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: «Ўзбекистон», 1993, 218-бет.

маси билан яқиндан танишсак, қатор муқаддас қадамжоларни учра-тамиз. Жумладан, Доғистонда Амир Темур ҳарбий юриши даврида тўхтаб, ҳарбий кенгаш ўтказган жойда унинг амри билан кейинчалик улкан шаҳар қурилиб унга Темурхон-Шўра деб ном берилиб, бу шаҳар 1922 йилга қадар Доғистоннинг маркази бўлиб келган.

Худди мана шу мисолга ўхшаш Махачкала шаҳридан 30 км масофада жойлашган Кулик шаҳарчасида *Темурғач-Темур қудуғи* ва *қалъаси* мавжудлигини, Липецк вилоятининг Елец шаҳрида Амир Темур фармони билан Соҳибқирон жангчиларининг қалқони тимсолидаги мустаҳкам қалъа қурилганлигини, Тўхтамишга қарши жангга кириши олдида 1391 йил 1 апрелида Улуғ тоғда тошдан ўйиб қурилган баҳайбат минора бугунги кунда ҳам виқор билан қад кўтариб турганлиги ва бу ҳашаматли минора пойидаги мраммар тошда араб ва турк тилларида ўйиб ёзилган қуйидаги битикларни кўпгина юртдошларимиз ҳатто эшитмаганлар ҳам. Бу битикда қуйидагилар ёзилган: «*Бисмиллоҳир роҳмонир роҳийм. Марҳаматли ва мурувватли худованди Каримга шуқрлар бўлсунким, Турон мамлакатининг Султони Ҳазрат Амир Темур Кўрагон икки юз минг кишидан иборат қўшин билан Тўхтамишхонга қарши бораётиб, ҳижрий 793 йил жумодул-аввал ойининг йигирма учинчи куну шу ердан ўтаётиб, ўзидан ёдгор бўлсун деб, ушбу минорани бунёд этдилар*». Бундай мисоллардан яна кўпларини келтириш мумкин.

Яна шу нарсани эътиборга олишимиз лозимки, мактабда ҳар бир фанни ўқитишда таълим-тарбиянинг умумий назарий асослари, таълим қонуниятлари, унинг тамойиллари, мазмун, мақсад ва вазифаларини, ниҳоят у ёки бу фанни ўқитишнинг хат ва мазмунларини белгилашда муҳим роль ўйнайдиган дидактика фани таълим самарадорлигини оширишда мавзуга мос кўرғазмалардан ўз ўрнида самарали фойдаланишнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этади.

Ана шундай нуқтаи назардан ёндашганда Темурнома дарсларини самарали ўтказиб, ўқувчиларнинг олган билимларини уларнинг шахсий эътиқодларига ўқиб ўтишини таъминлашда Темур мавзуларига бағишланган Шарқнинг машҳур рассоми, миниатюра санъати бобида тенги йўқ мусаввир Камолиддин Беҳзод (1455—1535)нинг Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига чизган 8 миниатюраси алоҳида эътиборга моликдир. Ана шу миниатюралар ичида «Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан жанги», «Темур ҳузурда зиёфат» асарлари Амир Темур давридан алоҳида характерли лавҳаларни ниҳоятда жозибали тасвирлайди.

Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан жанги миниатюрасида Амир Темурнинг Каспий ортидан Кавказга қараб қочиб кетаётган Тўхтамиш хонни изма-из қувиб бораётган эпизод асос қилиб олинган.

Асарда қаҳрамонлар, манзара деталлари диоганал шаклида жойлаштирилиб, уларга ўзига хос динамика бахш этилган. Асарни кузатар эканми, ундаги шахслар ҳаракатчан, табиат жонли, сув кўпириб, шиддат билан оқаётган, дов-дарахтлар эса шохларини очиб силкитаётгандек, тоғ чўққилари ва қоялар ларзага келаётгандек тугилишини ҳис этамиз.

Шунга қарамадан, асардаги тасвирнинг асосий динамикаси жангчилар ва отларга қаратилганлигини кўраемиз. Мазкур асарда одамлар кўп эмас, бор-йўғи 12 кишини ташкил этади. Унда бу шиддатли жангда икки армиянинг тўқнашишинигина эмас, балки жаҳонга ҳоким бўлиш учун ҳаёт-мамот жангига кирган, бирининг енгилиши ва қурбон бўлиши билан тугаши лозим бўлган икки даъвогар жангчини кўраемиз.

Бехзод ижодининг илк давридаёқ унинг миниатюраларида кўп киши қатнашган ҳаётий лавҳалар — шиддатли жанг майдонлари ва саройдаги тантанали қабул маросимлари, катта иморат қурилиш пайтларини аниқ тасвирлашни хуш кўрганлигидан далолат беради.

Мусаввир жанг лавҳаларини кескин ва жўшқинлигини, жангчиларнинг жасоратини ҳаққоний тасвирлаган.

«Зафарнома»га ишлаган «Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан жанги», «Темур хузурида зиёфат», «Хива қалъасини забт этиш», «Жанг», «Самарқанд масжидини қуриш» ва бошқаларда ҳам ҳаёт лавҳалари бениҳоят жўшқин тасвирланган.

«Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан жанги» асарида ўз найзасини душманига қараб аниқ мўлжалга олиб ҳаракат қилаётган Соҳибқирон сиймоси ниҳоят самарали акс эттирилган. Унинг қомати ниҳоятда келишган, олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган қурол-яроқлари, у минган оқ тулпор душманга қараб ҳамлада-ю, бироқ унинг соҳиби томонидан бошқарилаётган жилови унинг тезлигини ило этиб бориб бошини ён томонгача буришга мажбур этган.

Амир Темур қаршисида бошида улкан салла ўраган Тўхтамиш ва унинг икки сафдошлари эгарланган отларга миниб олишга улгурмасдан камондан ўқ отмоқдалар.

Жангдан олдинги режадаги гуруҳ одамлари одатдан ташқари динамикада ифодаланган бўлиб, у ерда ҳаёт-мамот жанги бораётганлигини акс эттирган. Мазкур ўринда шошилинч ҳолатда пайдо бўлган отлиқ Тўхтамиш лашкарларидан бирининг калласини олган. Рақибнинг калласи отдан ағдарилиб тушаётган ўрдадан анча нарига думалаб тушган. Сафдаги ёш ўғлон шаҳид бўлган жангчининг дўсти, дўстининг калласини олган рақибига қараб камонидан ўқ узмоқда. Бироқ, Темур лашкардан бўлган отлиқ жангчи енгиллик билан уни камондан ўққа тутмоқда.

Мазкур панограммада рассом бу қиёмат қирғинда ким ғолиб чиқали деган саволга жавоб бермайди. Ҳатто расмнинг юқоридан чап

бурчагида жойлашган анъанавий тасвирда баён этилган, жанг ниҳоят даҳшатли бораётганлигини кузатиб ҳайратдан бармоғини лабига қўйиб турган жангчи ҳам Соҳибқирон Амир Темурнинг бу жангдаги ғалабасини карнай чалиш билан тараннум этмоқчи бўлган карнайчи қиёфалари ҳам ҳаракатда ва ниҳоятда жозибадорлик билан акс этирилган.

Машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг мазкур асари Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида баён этилган қуйидаги тарихий сатрларнинг тасвирий баёни десак хато қилмаган бўламиз. «*Темур, — деб ёзади Шарофуддин Али Яздий, — шахсан ўзи танлаган жангчилари билан жанг сафарига жўнаб, эрта тонгда мисли шамолдек дарёни кечиб ўтиб, душманга қарши ташланди, ялтираган қиличларнинг зарби билан манфур душманларни қириб ташлаб, чўл ва водийлар устини душман қони билан бўятди*».

Камолиддин Беҳзоднинг Темур мавзусига таққослаган иккинчи бу асари — «Темур ҳузурда зиёфат». Амир Темурнинг 1393 йилда мусулмон дунёсининг ғарбий мамлакатларида олиб борган жангидан Самарқандда буюк ғалабалар билан қайтиб келганлигини тасвирлайди.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»да қайд этишича, Соҳибқирон бу гал Самарқанднинг ғарбий тарафида жойлашган, малика Тумон ого шарафига қурилган Боғи Бихшийда дам олади. «Зафарнома»да ёзилишича, боғдаги сарой атрофини сув билан тўлдиришган чуқур ҳандақ ўраган бўлиб, бир неча кўприк сарой билан боғни ўзаро боглаб турган ғоят кўркам боғ саройи атайлаб кўтарилган сунъий тепалик устида Табриздан келтирилган оқ мрамрдан тикланган.

Боғи Бихшийнинг бу томонида ҳайвонот боғининг қўриқхонаси бўлиб, ундаги жониворлар қафасларда эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор ғарб тадқиқотчилари Амир Темурни *илк қўриқхона асосчиси* деб ҳисоблайдилар.

Мазкур миниатюрада Соҳибқирон сафдошлари, меҳмонлар, муסיқачилар ва хизматкорлар даврасида акс этирилган.

Биз юқорида республикамизнинг умумтаълим мактабларида Амир Темур даври тарихини ўрганиш хусусидаги чалкашликларни, ўқув дастурлар, методик қўлланмаларнинг айримлари мисолида кўриб чиқдик.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ҳам айрим методик тавсиялар эълон қилинди. Шулардан Наим Норкуловнинг «Маърифат» рўзномасида махсус мактаблар учун «*Темур, темурийлар даври маданияти ва маънавияти*» мавзусида эълон қилган сиртқи дарслари (экспериментал дарслар эмас) гарчи дарс структуралари ва функцияларининг ҳамма талабларини қамраб олмаган



бўлса-да, ўқитувчиларга Темур ва темурийлар даври маданияти ва маънавияти хусусида бирмунча ахборот беришга йўналтирилган.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори талабларидан келиб чиқиб, Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр халқлари тарихига доир мавзуларни Тошкент шаҳрининг қатор умумтаълим мактабларида (9, 39, 81, 84, 90, 129, 145) ва ижтимоий фанлар йўналишида фаолият кўрсатаётган ЎДЖТУ қошидаги хорижий тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган академик лицейда ва ЎЗМУ қошидаги С. Сирожидинов номли Академик лицейда тажрибали тарихчи-методист ўқитувчилар томонидан синаб кўрилган ва истиқлолимиз даври талабларига жавоб бера олган вариантлардан айримларини келтирамыз.

### 3—4-ДАРСЛАР

#### МАВЗУ: АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

1. Амир Темурнинг 1372—1388 йилларда Хоразмни ўз давлатига қўшиб олиш учун олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, уларнинг натижалари.

2. Амир Темурнинг 1389; 1391 ва 1394—1395 йилларда Олтин Ўрдага қарши олиб борган кураши, унинг тарихий аҳамияти.

3. Амир Темурнинг Эрон ва Кавказ ортида олиб борган ҳарбий ҳаракатлари, уларнинг характери.

4. Амир Темурнинг турк сулғони Боязид I Йилдирим ва Миср сулғони Фараджга қарши олиб борган кураши, унинг тарихий аҳамияти. Хулоса.

*Мавзуга оид адабиётлар.*

1. *Ислом Каримов.* Халқимиз бор экан Амир Темур номи барҳаёт-дир. — Т.: «Ўзбекистон». 1997. 5-жилд. 166—171-бетлар.

2. *Ислом Каримов.* Азалий буюклик маскани. — Т.: «Ўзбекистон». 1997. 5-жилд. 171—175-бетлар.

3. *Ислом Каримов.* Соҳибқирон камолга етган юрт. — Т.: «Ўзбекистон». 175—179-бетлар.

4. *Ислом Каримов.* Адолат ва қудрат тимсоли. — Т.: «Ўзбекистон». 1997. 5-жилд. 179—181-бетлар.

5. *Ислом Каримов.* Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 181—192-бетлар.

6. *Б. Аҳмедов.* Амир Темур васиятлари, маслаҳатлари, танбеҳлари. — Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2002 йил.

7. *Иброҳим Мўминов.* Амир Темурнинг Ўрта Осиёда туган ўрни ва роли. — Т.: «Фан». 1993 йил.

8. *Турғун Файзиев*. Мирзо Улуғбек авлодлари. — Т.: «Ёзувчи», 1994 йил.

9. Темур тузуклари. — Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 йил.

10. Амир Темур ўғитлари. — Т.: «Наврўз», 1992 йил.

1. Амир Темур ўзининг 35 йил давом этган ҳарбий юришларини бошлашга киришар экан, ўзининг дастлабки режаларини Амударё билан Сирдарё оралиғидаги ерларни, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини ўз қўл остида бирлаштиришдан бошлади. Темур бу ҳудудларни деярли ҳеч қандай қаршиликсиз босиб олди. Эндиги навбат Шимолга, Хоразмга юриш эди.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Хоразм икки қисмга бўлинган эди. Марказий Урганч шаҳри бўлган Хоразм Олтин Ўрда таркибида бўлиб, маркази Кот шаҳри бўлган. Жанубий Хоразм Чигатой улусига кирар эди.

XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрданинг хони Бердибекнинг вафотидан кейин бошланган олағовур кунлардан фойдаланиб, Шимолий Хоразм Кўнғирот қабиласидан келиб чиққан мустақил Сўфилар династияси ажралиб чиққанлиги эълон қилинди. Бу янги династиянинг асосчиси Ҳусайн Сўфи Шимолий ва Жанубий Хоразмни бирлаштириб қудратли давлат куриш мақсадида Кот ва Хива шаҳарларини босиб олди.

Мана шу вақтда Чигатой улусининг бир бутунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган Амир Темурга Ҳусайн Сўфининг бу ҳаракатлари ёқмади ва у Жанубий Хоразмни ўз давлатига қайтариб олишга жазм қилди. Шу мақсадда Амир Темур 1372 йилда Ҳусайн Сўфига элчи юбориб босиб олган ерларидан Темур ҳисобига воз кечишини талаб этди. Табиийки, Ҳусайн Сўфи Темурнинг бундай таклифини рад этди. Натижада ҳар икки томон ўртасида уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Урганчга бориш Кот (Киёт) орқали ўтар эди. Амир Темур Киётни деярли қаттиқ қаршиликсиз эгаллади. Темур армиясининг яшин тезлигида ҳаракат қилаётганини кўрган Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи Амир Темур шартларини бажаришга қўнаётган бир пайтда, Темурнинг ҳарбий қўмондонларидан бири, Соҳибқирон мулки ва обрўсини кун сайин кучайиб бораётганлигини кўраолмаган, Хутталон ҳукмдори Кайхисрав Ҳусайн Сўфини бўйсунмаслигини, ўз мустақиллиги учун уруш ҳаракатларини давом эттиришини, Хутталон ҳарбий қисмлари эса унга ёрдам беришини ваъда қилди. Ваъдага ишонган Ҳусайн Сўфи Темурга қарши уруш ҳаракатларини давом эттирмоқ бўлди. Лекин, биринчи шиддатли жангдаёқ батамом енгилиб, Урганчдаги қалъалардан бирига кириб бекиниб олди ва шу жойда вафот этди. Кайхисрав эса унга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам бермади. Ўз ҳукмдорига

содиқ бўлмаган исёнкор Кайхусрав қўлга туширилиб, қатл этилди. Хусайн ўрнига унинг укаси Юсуф Сўфи Хоразм тахтига чиқади ва Амир Темур шартларини қабул қилади.

Амир Темурнинг Юсуф Сўфи олдига қўйган шартларидан бири Хусайннинг қизи, Ўзбекхонинг набираси, Хонзоданинг амирзода Жаҳонгирга хотинликка бериш эди. Бироқ, Юсуф Сўфи Амир Темурга берган ваъдаларини бажармади, аксинча, ўша пайтда Урисхон билан курашаётган Темурнинг йўқлигидан фойдаланиб, Кот ва Хивани қайтадан қўлга киритди.

Темур Ўтрордан Хоразмга юборган элчи ва чопарни Юсуф Сўфининг буйруғи билан ҳибсга олишади. Туйбуга бошлиқ Хоразм аскарлари Бухоро атрофини талон-тарож қилдилар ва ўша ерда кўчиб юрган туркманларни таладилар.

Темур 1376—1377 йиллари Қамариддин (1362—1388 йиллари ҳукмронлик қилган Мўғулистон хони)га қарши юришдан олдин Юсуф Сўфидан Хоразм қўшинини ёрдамга юборишини сўраганида, у қудратли Темур талабини бажармадигина эмас, балки Бухоро ва Самарқанд атрофларида босқинчилик ҳаракатларини кучайтирди ҳам. Темур фақат, 1379—1380 йиллардагина Юсуф Сўфига қарши юриш қилишга имконият топди ва уч ойлик қамалдан кейингина Урганчи эгаллашга муваффақ бўлди. Темур амрига биноан, Хоразм пойтахти шафқатсиз равишда таланди, ҳунарманл усталар олиб кетилди. Бу юриш Темурнинг Хоразмга тўртинчи юриши эди. Шундан кейингина Хоразмнинг жануби-шарқий қисми узил-кесил Темур тасарруфига ўтди<sup>1</sup>. Хоразмнинг шимоли-шарқий қисми бўлса, аввалгидай Қўнғирот сулоласининг ҳукми остида эди.

1370—1380 йилнинг ўзида ҳокимиятни Минг Сўфидан олган Сулаймон Сўфи Тўхтамиш билан иттифоқ тузди ва уни ўзига олий ҳукмдор деб тан олди.

Сулаймон Сўфи Тўхтамишга содиқ қолиб, 1387 йили Тўхтамишни Қамариддин билан биргаликда Мовароуннаҳрга қилган ҳарбий юришида қатнашди. Бу босқинчилик урушида Хоразм қўшинини Оқча ўғлон билан 1372 йили сотқинлиги учун Темур томонидан қатл этилган Кайхусрав Хутталонийнинг ўғли бошқариб борганлар<sup>2</sup>. Бунга жавобан, Амир Темур 1388 йили Хоразмга юриш қилди, унинг пойтахтини вайрон қилди. Сулаймон Сўфи ва Элтутмиш ўғлонлар Қумкент (Уст-юрт яқинидаги баландликлардан бири) яқинидаги жангда батамом мағбулиятга учраб, Дашти Қипчоқ томонидан қочдилар.








Шундай қилиб, Хоразмда Сўфилар династияси тугатилди, Хоразм Темур давлатининг таркибига фақат 1388 йилигина қўшилди


<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Темур улуси. — Т.: «Нур». 1992. 91-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

# АМИР ТЕМУР

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

-  Амир Темур давлати пойтахти
-  Олтин Урда пойтахти
-  Йирик шаҳарлар
-  Уртача ва кичик шаҳарлар
-  Амир Темур давлатининг чегаралари
-  Амир Темурга бўйсинувчи қарам давлатлар ва худудлар чегаралари
-  Муҳим жанглик булган жойлар ва йиллар



# Qazqan (1365-1405)



ва 1390—1391 йили Темур бу ерга ўзига қарашли амир Мусони ҳукмдор этиб тайинлади<sup>1</sup>.

Амир Темур қудратли Олтин Ўрда, шунингдек, Оқ Ўрданинг мавжудлиги учун унинг Мовароуннаҳрда қудратли давлат қуриш йўлида катта тўсиқ эканлигини яхши тафаккур этар эди. Шу жоиздан Соҳибқирон ҳокимият тепасига келиши биланоқ Жўжи улусига кирувчи Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдада содир бўлаётган воқеаларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётган эди.

Маълумки, Оқ Ўрда — Олтин Ўрданинг<sup>2</sup> бир қисми бўлиб, Жўжихоннинг ўғли Ботухон ва унинг авлодлари томонидан идора қилинган; иккинчи қисмини Жўжихоннинг бошқа ўғли Ўрдахон бошқарган.

Ботухон авлодларига номигагина қарашли бўлган Ўрдахон авлодлари кейинчалик тўла мустақил бўлиб олганлар.

Олтин Ўрда тушунчаси Ботухон ҳукмронлиги давридан бошлаб, бутун Жўжи улусига, XIV аср бошидан эса, Оқ Ўрдага нисбатан қўлланилган. Бу даврда Оқ Ўрда фақат Ботухоннинг ўз улуси (Волга бўйи) ва укалари Баракхон (Шимоли-Шарқий Кавказ), Шибан (ҳозирги Қозоғистон ва ғарбий Сибир), Мовал (Қора денгиз бўйидаги ерлар) улусларидан иборат бўлган. Ботухон ва Баракхон улуслари кейинчалик Баракхон ҳукмронлиги даврида бирлаштирилган.

XV асрда Оқ Ўрда ҳудудида Олтин Ўрданинг давоми сифатида янги давлатлар — Катта Ўрда, Нўғай Ўрда, Қосимов подшолиги, Ўзбек хонлиги, Қрим, Қозон, Сибир ва бошқа хонлиқлар вужудга келган.

Жўжи улуси — Чингизхон забт этган ерларни 1224 йилда меросхўрларига улашганда Жўжихон (Чингизхоннинг тўнғич ўғли) ва унинг оиласига теккан мулк Иртиш дарёсининг Урал тоғларигача, Жанубда Хоразмдаги Чигатой улусигача бўлган ерлар, кейинча Ботухон истилоларидан сўнг, Жанубий Россия, Қрим, Кавказорти ҳам кирган.

Жўжи улусининг икки қисмга бўлиниши армияни ташкил этиш билан ҳам алоқадор эди.

Олтин Ўрда ўз аҳолисидан армияни ўнг қанотини ташкил этса, Оқ Ўрда — сўл қанотини ташкил этар эди. Аста-секин Оқ Ўрда ажралиб бориб ўз навбатида алоҳида хонларнинг вужудга келишига олиб келди.

Бердибек хоннинг вафотидан кейин (1359) Олтин Ўрдада феодал тартибсизлиқлар бошланди. Айрим амирлар, шаҳар ва вилоятларнинг ноиблари туманбошилари ва мингбошлари бир-бирлари билан қирғин урушлар олиб борар ва ҳар бири ўзини мустақил ҳукм-

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Темур улуси. — Т.: «Нур». 1992. 92-бет.

<sup>2</sup> Оқ Ўрдага тахминан Орол денгизидан то Балхаш кўлигача бўлган Сирдарё шимолий қисмидаги ерлар кирган. Бу масала бўйича қаранг. Б. Аҳмедов, Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан. — Т.: «Фан», 1962.

рон деб ҳис этар эди. Бундай феодал бебошликлар ўз навбатида марказий ҳокимиятни кучсизлантириб бораётган эди. Айниқса, 1360—1380 йиллар оралиғидаги Олтин Ўрда учун ниҳоятда оғир йиллар бўлди. Олтин Ўрдада 20 йил давомида унинг ҳамма ўнг қирғоқ қисмини эгаллаган амир Мамайни ҳисобга олмаганда, Ўрда хонлари 25 маротаба алмашдилар. Шуниси характерлики, кўп ҳолларда Олтин Ўрда тахтида бир йил муддатга ҳам бормасдан ўтирган хонларнинг аксарияти Оқ Ўрданинг Сирдарё бўйи вилоятларидан, яъни Жўжи улусининг сўл қанот армиясини бошлиқларидан эдилар, Масалан, Ҳизрхон, Темурхўжа, Муридхон ва Келдибеклар шулар жумласидан эдилар.

1375 йилда Оқ Ўрда ҳукмрони Ўрусхон Жўжи улусининг ҳар икки томонини ўз қўл остида бирлаштириб, қудратли давлат тузиш мақсадида Олтин Ўрдага қарши ҳарбий юрини бошламоқчи бўлди.

Оқ Ўрдада ўз одами ҳукмронлик қилишини истеган Амир Темур Тўхтамишни Оқ Ўрда тахтини эгаллаб олишни учун зарур бўлган ҳар қандай ҳарбий ва иқтисодий ёрдамни аямали.

Зарур тайёргарликларни кўриб бўлгандан сўнг Амир Темур 1376 йилда Тўхтамишни икки маротаба Оқ Ўрдани қўлга олишни учун Урусхонга қарши жангга юборди. Бироқ, Тўхтамин ҳар икки жангга ҳам мағлубиятга учради. Шундан кейин Амир Темурнинг ўзи бу ҳаракатни поёнига етказиш мақсадида ҳаракат бошлади. Бироқ, қишнинг қаттиқ совуқ билан келиши ҳарбий ҳаракатларни вақтинча тўхташига мажбур этди ва 1377 йил баҳорида у Сирдарёга қайтди. Тўхтамиш 1379 йилда Оқ Ўрда тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Амир Темур Тўхтамишнинг Оқ Сарой тахтини эгаллаганидан қаноат ҳосил қилган эди. Чунки, у Тўхтамиш орқали Жўжи улусида ўз сиёсатини ўтказмоқчи ва Тўхтамишнинг ўзини солиқ вассалига айлантирмоқчи эди.

Бироқ Тўхтамиш Амир Темур ишончини оқламади. У Оқ Ўрда тахтини эгаллагач, Урусхон тутган йўлдан бориб, Олтин Ўрдани бирлаштирган ва куч-қудратини мустаҳкамлаш учун курашди.

1380 йилда Мамай устидан ғалаба қозонган Тўхтамиш Олтин Ўрдани босиб олиб, ҳокимиятни қўлга олишга ва Жўжи улусининг ҳар иккала қисмини янгидан ўз қўл остида бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Тўхтамиш Олтин Ўрдани қайта тиклаш ва унинг ҳудудларини кенгайтириш мақсадида Кавказorti ва Озарбайжонга бир қанча ҳарбий юришлар қилди. 1385 йилда у Табризни босиб олиш учун у ерга катта қўшин юборди. 80-йилларнинг охирида Тўхтамиш Амир Темурни Эронга ҳарбий юришга тўсқинлик қилиш мақсадида зўр бериб баҳона қидира бошлади. 1387—1388 йилларда Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланган Тўхтамиш бу ерга ҳужум қилди.

Тўхтамиш бир вақтда Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфининг ҳам Амир Темурга қарши қўзғолон кўтаришига эришди. Бундан газабланган Амир Темур 1388 йили Хоразмга қарши қилган сўнгги ҳарбий юришида ўша даврда ғарбий Европа билан Ўрта Осиё ўртасидаги савдо марказларидан бири бўлган Урганч шаҳрини ер билан яксон қилиш тўғрисида фармон берди. Натижада сўфилар сулоласи тугатилди. Урганч аҳолиси, айниқса моҳир хунарманилар ёппасига Самарқандга кўчирилган. Вайрон қилинган шаҳар ўрнига эса арпа экдирди. Темур армияси ўн кун давомида бу бой ва гўзал шаҳарни талади. Фақат 1391 йилга келганда Темур шаҳарни тикланишига рухсат берди. Шундай қилиб, кичик лекин бой ва маданий Хоразм давлати ўз мустақиллигини йўқотиб, олдин Темур давлати таркибига, кейинчалик темурийлар давлати таркибига кирди. Еттисув ва Сирдарё этакларидаги ерлардан ташқари Ўрта Осиё ерларининг ҳаммаси Темур қўл остида бирлаштирилди.

2. 1389 йилдан бошлаб Темур Тўхтамишга қарши уч марта (1389, 1391 ва 1394—1395 йилларда) шиддатли кураш олиб борди. Айниқса, унинг икки уруши Тўхтамиш кудратини синдиришда катта роль ўйнади. Темур 1391 йилда Самарқанддан йўлга чиқиб, қишни Тошкентда ўтказди ва 260.000 кўшин билан Қозоғистон чўлларига қараб йўл олди. Улуғ тоғ этагидаги тошга ўйиб ёзилган хат бу юриш ҳақида тўла тафсилот беради.

1391 йилнинг 18 июнида ҳозирги Куйбишев шаҳри билан Чистополь ўртасидаги Қундузча деган жойда Амир Темур билан Тўхтамиш армияси ўртасида ўша даврнинг энг шиддатли жанги бўлиб ўтди. Бу жангда Амир Темур ўзининг уруш санъатини намойиш этиб, душманга қақшатқич зарба берди. Тўхтамиш катта талафот бериб, мағлубиятга учради. 1392 йилда Амир Темур Арманистон ва Туркистонни забт этди. Тўхтамиш гарчи Қундузча ёнидаги жангда ютқазган бўлса-да, ҳали Олтин Ўрдада унинг Амир Темур билан навбатдаги жангни олиб бориши учун иқтисодий ва ҳарбий имкониятлари етарли эди. Шунинг учун ҳам Тўхтамиш навбатдаги жангда яна бир бор ўз бахтини синаб кўрмоқчи бўлди. Энди навбатдаги жанг 1395 йилда Шимолий Кавказ ва Терек дарёси соҳилида бўлиб ўтди.

Амир Темур бу жангда ҳам ўзининг ҳарбий стратегик маҳоратини намойиш этиб, галаба нашидасини тортди. Тўхтамиш қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг заифлашган армияси Амир Темурдек ёшлигидан жангларда чиниққан, тажрибали саркарда олдида мутлақ ожиз эди. Тўхтамиш бу жангда ҳам енгилди. Бу жангдан кейин Тўхтамишнинг аскарлари Амир Темурнинг Волга бўйига ва Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Беркага бериш учун ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатишга қодир эмас эди. Натижада Сарой Берка Амир Темур томонидан босиб олинди, таланди, ўт қуйиб юборилди, у ердан катта ўлжа



олинди. Қимматбаҳо ўлжалардан танқари кўпгина асирлар ҳам қўлга туширилиб, қўлга айлантирилди.

Амир Темурнинг бу зафарли юриши натижасида қўйи Поволжье ва унинг асосий шаҳарлари — Сарой Берка ва Ҳожи Тархон (Астрохон) вайрон қилинибгина қолмасдан, Қрим ва унинг Денгиз қирғоқларидаги шаҳарлари — Кафа, Азюк (Азов) ва Шимолий Кавказ туманлари ҳам катта талафот кўрди.

Амир Темурнинг ҳарбий ғалабалари Олтин Ўрда учун бир умрга ўнганмайдиган зарба бўлди.

Агарда рус князи Дмитрий Донскойнинг 1380 йил 8 октябрида Куликово жангида Мамай устидан қўюлган ғалабасини улкан тарихий ғалаба десак, унинг ҳарбий жасорати ва шухратига бағишлаб ўнлаб асарлар ва мадҳиялар ёзилганининг ҳисобга оладиган бўлсак, бундай буюк ғалабадан кейин икки йил ўтган, яъни 1382 йилда Олтин Ўрданинг ҳукмдори Тўхтамин томонидан Москванинг забт этилиши ва Тўхтамин армияси томонидан талоқ тароғ этилиб, князь Дмитрий Донскойнинг Костромага қочиб кетишига мажбур этган Тўхтаминнинг ҳарбий қудратини ҳам пасивур этиш қийин эмас. Гап шундаки, Амир Темур 1391 йил Қишлоқда, 1395 йил Шимолий Кавказ ва Терек дарёси соҳибида Тўхтаминдек қудратли ҳарбий стратег ва иқтисодий имкониятга эга бўлган тажрибали душманга ўнганмайдиган зарба берган эди.

Профессор А. Ю. Якубовскийнинг қайд этишича «1395 йилда Темурнинг Тўхтамин устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва айниқса, Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги Жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди! Темур Тўхтаминни енгиш билан Рус ерига объектив суратда катта хизмат қилган, лекин шундай бўлиб чиқишини унинг ўзи мутлақо пайқаман»<sup>1</sup>.

Амир Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаб Москва князлари билан алоқа боғланган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, у Ўрта Осиё учунгина эмас, Рус учун ҳам объектив равишда мислсиз катта фойдали иш қилди.

Амир Темур Олтин Ўрдага қарши кураш олиб бориш билан бир вақтда Эронга қарши ҳарбий ҳаракатлар ҳам олиб борди ва Эронни ўз империяси таркибига қўшиб олди.

Темурнинг Эронни тезлик билан, маҳаллий аҳоли томонидан деярли жиддий қаршиликка учрамасдан ғалаба қозонганининг асосий сабаби XIV асрнинг иккинчи ярмида Эронда бирлашган ягона

<sup>1</sup> Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. «Олтин Ўрда ва унинг қулаши». — Т.: 1956. 207—208-бетлар.

мустаҳкам давлатнинг бўлмаганлигида эди. Амир Темур Ҳиротга қарши ҳарбий ҳаракат бошлар экан, агарда қишки шаҳар ҳимоясида иштирок этмаса, ундай кишиларга қўл тегизмаймиз, мол-мулклари ўзларида қолдирилади, деб ваъда берди. Бундай ваъда дарҳақиқат Ҳиротни босиб олишни тезлаштириш билан бирга талофотни кам бўлишига ҳам сабаб бўлган эди. Бироқ, Ҳирот эгалланиши билан аҳолига катта ўлпон солинди, уста хунармандлар, уламо ва имомларга Ҳиротни ташлаб чиқиб кетиб, Шаҳрисабзга жўнаб кетиш буюрилди. Бундан кузатилган мақсад шу эдики, Амир Темур ўз она юрти Шаҳрисабзни маданий марказга айлантириш учун бу ерда ободончилик ишларини катта кўламда бошлаб юборган эди. Худди ана шундай мақсадда Ҳиротнинг темир қўнғироғи билан безатилган, ўйма хатлар битилган машҳур шаҳар дарвозасини ўрнидан кўчиртириб, Шаҳрисабзга юборилган эди.

3. Амир Темур келажакда Ҳирот аҳолисининг миллий озодлик курашидан чўчиб, шаҳар атрофида ўраб олган ҳарбий истеҳкомларни бузиб ташлаш тўғрисида фармон берди. Истеҳкомлардан фақат Ихтиёруддин арки сақлаб қолдирилди. 1383 йилда, яъни Ҳирот олинганлигидан кейин икки йил ўтгач, Амир Темурнинг фарази тўғри чиқди, Ҳирот аҳолиси унга қарши миллий қўзғолон кўтарди. Лекин, бу қўзғолон шафқатсизларча бостирилиб, жазо тариқасида халққа яна оғир солиқ солинди. 1383 йилда курдлар сулоласи батамом тугатилди. 1389 йилда эса Ҳирот ҳукмдори, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ курдлар сулоласининг сўнгги вакилини ҳам ўлдиринга муваффақ бўлди. Ҳиротда Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши билан бир вақтда, 1381 йилда Сарбадорлар давлати, икки йил ўтгач, Сейистон ҳам ўз мустақилликларини йўқотди ва Темур давлатига қўшиб олинади.

Темур 1398—1399 йиллар давомида Ҳиндистонга қилган ҳарбий юриши натижасида Деҳли султони Маҳмуд Деҳлавийни енгиб, Деҳли шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларни эгаллаб, Исфaxonга катта ғалаба билан қайтиб келди. Соҳибқироннинг 1400 йилда Миср султони Фараж билан олиб борган дипломатик фаолияти ўзининг ижобий натижаларини берди. Ўша йили Миср ҳам Византия каби Темур ҳокимиятини жангсиз тан олди ва унга бўйсунди. Эндиги навбат турк султони Боязид I Йилдиримга қарши кураш олиб боришдан иборат эди.

Амир Темур 1401 йилнинг қиш кунларида Қорабоғда қишлар экан, Туркия султони Боязид I Йилдирим қароргоҳига элчи юбориб, ундан византияликларнинг турклар томонидан босиб олинган барча ерларини эгаларига қайтариб беришни қатъий талаб этади<sup>1</sup>. Амир

<sup>1</sup> Умняков И. Из истории международных отношений Средней Азии с западной Европой в начале XV в. — М.: 1960, с. 7—8.

Темурнинг масалани бундай алфозда қўндаланг қўйилганлигидан дарғазаб бўлган, шунингдек, яқинлашиб келаётган хавфнинг нақадар даҳшатли эканлигини тасаввур этмаган, маълум даражада манманлик ва ўринсиз ғурурга кўмилган қизиққон Боязид I Йилдирим ўз навбатида дағал, ҳақоратомуз сўзлар билан битилган қуйидаги жавоб мактубини Темурга йўллайди.

*«Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан, бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен бит томонга келсанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсанг-у, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин»<sup>1</sup>.*

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, айни вақтда султон Боязид ўз кучларини Константинопол қамалидан олиб Темурга кучли зарба бериш ниятида Анатолийга жамлан бошлайди.

Султон Боязид Бурса шаҳрида турган чоғда Темур жўнатган элчи иккинчи бор ўша тараф билан унинг қароргоҳига келади. Соҳибқирон билан бўлажак жанда ўзининг талаба қозонишига тўла ишонган Боязид элчининг *«Маши, Темур урушини бошлайверсин. Мен у билан сулҳ тушишдан кура жанг қилишни афзал кўраман»* деган жавоб билан қайтариб юборади<sup>2</sup>. Натижада Амир Темур Боязидга қарши ҳарбий юрини бошлашга жазм қилади. Темур билан Боязид ўртасидаги ҳал қилуви тўқнашув 1402 йилнинг 25 июлида бўлиб ўтади. Шиддатли тўқнашув кескин ва узоқ давом этади. Ниҳоят Амир Темур ҳарбий қисмларининг қисувига бардоши қолмаган Боязид аскарлари чекина бошлайди. Боязид қўмондонлигидаги жангчилар сўнгги нафасгача қиринлик кўрсатишда давом этади. Яничарлар битта қолмай кириб ташланганидан сўнг Боязид ва унинг иккинчи ўғли Мусо Соҳибқирон томонидан 1388 йили Чигатой улуси хонлигига кўтарилган султон Маҳмудхон ибн Суюрғатмишхон тарафидан асир олинади<sup>3</sup>.

Боязиднинг тўнгич ўғли Сулаймон жанг майдонидан қочиб қутулади ва Анатолий қалъасига кириб яширинади.

Темур вақтинчалик ўз ёнричилиги, мавжудлигидан маҳрум бўлган усмонийлар сарҳадларини 1403 йили тарк этар экан, *Ойдин, гармиён, қараман* ва бошқа бир қатор бейликларга мустақиллик беради. Усмонийлар авлодлари тасарруфидани ерларни Соҳибқирон Боязид I Йилдиримнинг тўрт ўғлига бўлиб беришни маъқул кўради. Натижада ака-укалар орасида тахт учун кураш бошланиб кетади ва у бир

<sup>1</sup> *Ибн Арабшоҳ*. Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари. — Т.: «Меҳнат», 1992.

<sup>2</sup> *Петросян Ю. А.* Османская империя. Могущество и гибель. — М.: «Наука», 1990, с. 10–36.

<sup>3</sup> Шу асар, 27-бет.

неча йиллар давом этади. Юқорида қайд этилганидек, 1402 йилда турк султони Боязид I Йилдирим армиясининг тор-мор келтирилиши ва унинг ўзини асир олиниши Константинополь шаҳрини усмоний турклар томонидан босиб олинишини 50 йил кейинга сурилишига сабаб бўлди<sup>1</sup>. Эндиликда Амир Темурнинг сўнгги ва тугалланмаган ҳарбий юриши Хитойга қаратилган эди.

Бу борада А. Ю. Якубовскийнинг илмий хулосаларига қараганда Амир Темурнинг Хитойга ҳарбий юришидан мақсад — жаҳон қарвон йўлларининг асосини ташкил этадиган ҳудудларни, жумладан Хитойни қўлга киритиш билан Европа ва Олд Осиёни Олтин Ўрда ва Узоқ Шарқ билан боғлайдиган савдо йўлларини бирлаштирган ҳолда қўлга олишдан иборат бўлган. Лекин тарихий ҳужжатларнинг кўрсатишича, Соҳибқироннинг Хитойга ҳарбий юришида бошқа омиллар ҳам бўлган.

Темур сўнгги йилларда Хитойда содир бўлган сиёсий ўзгаришлар, яъни мўғулларнинг бу заминдан қувиб чиқарилиши ва маҳаллий Мин сулоласига асос солиниши Хитойда яшаётган мусулмонлар аҳволининг кескин ёмонлашувига сабаб бўлганлигидан, айниқса Мин сулоласи асосчисининг исломга душманлик назари билан қараётганлигидан яхши хабардор эди<sup>2</sup>.

Темур 1399 йил қиш мавсумини Қорабоғда ўтказаётган чоғда Хитой ҳоқонининг ўлимидан маълум фурсат олдин арзимаган баҳона билан юз мингдан зиёд аҳли мусулмонни қатл этганлиги, ўз ҳукмронлиги остидаги эл-улусларда мавжуд бўлган исломни йўқ қилганлиги тўғрисидаги мудҳиш хабарни эшитди<sup>3</sup>.

Соҳибқирон аҳли мўминларни улар бошига тушган зулму жафодан халос қилишга, Мин давлатининг кучайиб кетишини олдини олишга қандай йўл билан эришиш мумкинлиги тўғрисида кўп бош қотиради. Ва ниҳоят, бунинг учун урушдан бошқа илож йўқлигига иқроп бўлади.

Темур 1404 йилнинг 27 ноябрида қўшиннинг маркази — **қўлга** (қўшин марказига) раҳбарлик қилиб, Қуёшдек ёрқин байроғу, Ой кўринишли **аламлар** (байроқлар)ни ҳилпиратиб, кўсу ноғораларни уриб, Хитой томонга қараб йўлга чиқади ва Қорабулоқ мавзеида ором олиш учун тўхтади. 1405 йилнинг 14 январиди Ўтрорга келиб, Ўтрор ҳокими Бердибек уйига қўнади. Эртаси кун Хитойга қарши ҳарбий юришида ўзи раҳбарлик қилаётган марказ — **қўл** (Соҳибқирон

<sup>1</sup> История народов Узбекистана. Том I. С древних времен до начала XVI века. Изд-во АН Узб.ССР. — Т.: 1950, с. 359.

<sup>2</sup> Бартольд В. В. Улутбек и его время. Сочинения. Т. II, ч. 2. — М.: 1964, 68-бет.

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳамидулла. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. — Т.: «Ёзувчи», 1996, 82-бет.

рон қўшинининг маркази) қисмлари босиб ўтиши мўлжалланган йўлларнинг аҳволини билиш мақсадида Сайрам ва Кулон томонга кишиларини жўнатади. Борганлар у ерларга икки найза бўйи қор тушганлигини, қалин қор касратидан йўлларнинг, дараларнинг бутунлай беркитилганлигини маълум қиладилар.

1405 йилнинг 9 февралда Соҳибқироннинг соғлиғи тўсатдан ёмонлашиб, иситмаси кўтарилиб кетди.

Қазо вақти етишаётганлигини сезган Темурбек иффатойин маликаларни, жувонбахт амирзодаларни, зафар ёр улуғ амирларни ўзининг қошига ундаб, уларга мулк ва миллат, дин ва давлат, қўшин ва раиятни бошқаришда мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиш, адолат билан сиёсат юритиш, Она-замин тупроғини гаразли назардан кўз қорачигидай сақлаш борасида бир неча сўзлар айтади.

Ўлимидан олдин Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир мирзони ўзининг *валаҳди* — тахт вориси этиб белгилаганлигини, шу боис барча шаҳзода ва лашқарбошилар Пир Муҳаммаднинг тахт вориси эканлигини тан олиб, қасамёд этишларини талаб қилди.

1405 йилнинг 18 февраль куни шом билан хуфтон оралиғида Ҳазрат Соҳибқирон Қуръони Каримдан **Калиман Тойибани** бир неча бор такрор этиб, азиз жонини Яратганнинг қўлига топширди<sup>1</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг хотимаси хусусида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, у Ўрта Осиёдаги тарқоқ давлатларни бирлаштирибгина қолмасдан, Ўрта Ер денгизидан токи Тинч океанига қадар ҳулудда қудратли марказлашган давлат — империяни тузишга муваффақ бўлди.

## 5-ДАРС

### МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ИЧКИ ҲАЁТИ

1. Самарқанд — Темур империясининг маркази.
2. Темур давлатининг бошқариш тизими.
3. Амир Темур давлатининг солиқ сиёсати.
4. Амир Темурнинг Европа ва Осиё давлатлари ҳукмдорлари билан иқтисодий ва савдо-сотиқ борасидаги ҳамкорликлари.

1. Темур империясида фан, маданият, санъат, адабиёт ва меъморчиликнинг тараққиёти.

Хулоса.

1. 1370 йилда Темур яхши қуролланган армияси билан Амир Ҳусайннинг бутун бойлиги ва куч-қуввати жойланган Балх шаҳрини

---

<sup>1</sup> *Мирхонд*. Равзат ус-сафо. Ҳ. Сулаймон номидаги қўлёзмалар институти қўлёзмалар фонди. 4141-сон — 174 «д».

қамал қилди. Бу даҳшатли қамалдан ноилож шароитда қолган Амир Ҳусайн шаҳардаги қалъага беркиниб олиб, кейинчалик Темурдан агар унга бўйсунса унга қандай кафолат берилишини сўради. Темур Амир Ҳусайннинг бундай сўроғига фақатгина унинг тирик қолдиришига ваъда беришини айтди. Темурдан бундай жавобни олган Амир Ҳусайн ўзининг бир гуруҳ навкарлари билан Балх дарвозасидан чиқади. Лекин уни қўрқув босиб қочиб кетади ва Балх қалъасига беркиниб олади. Лекин унинг қочиши узоққа бормади. У қўлга олинган, Темур уни ўзининг иттифоқчиларидан бири — Хутталоннинг ҳукмдори Кайхусрав қўлига берди. Темур Кайхусравга қараб: «*Бир вақтлар отангни ўлимга маҳкум этган мана шу Амир Ҳусайн эди. Энди «ал-қасосул минал ҳақ» вақти келди*», деди. Амир Ҳусайн Кайхусрав томонидан калласи танасидан жудо қилинди.

1370 йил рамазон ойининг 10 кунда йиғилган қурултой Темурнинг бир овоздан Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб сайлаши билан, у олдин Кешга, кейин давлатнинг пойтахти деб эълон қилинган Самарқандга келди.

Самарқандга келиши билан у катта қурилиш ишларини кенг қўламда бошлаб юборди. Гап шундаки, мўғуллар истилоси даврида батамом вайрон қилинган Самарқанд шаҳрида деярли 150 йил давомида ҳеч қандай арзигулик қурилиш ишлари олиб борилмаган эди.

Темур даврида Самарқанд шаҳрида Хоразм, Исфакон, Шероз, Халоб ва Шарқнинг турли мамлакатларидан олиб келинган қўли гул қурувчи усталарни учратиш мумкин эди. Бу борада испан сайёҳи Клавихонинг Самарқанд шаҳри бўйлаб қилган саёҳатларида (1403—1406) ёзган кундалигида Самарқанд шаҳри Темурнинг улкан давлатида ўзига хос алоҳида аҳамият касб этган шаҳар бўлганлиги, бу шаҳар Темур давлатининг маркази бўлганлиги учун у ўзининг чиройи, саховати ва қудрати жиҳатидан ўз давридаги мавжуд бўлган барча шаҳар ва шаҳарсозликлардан том маънода фарқ қилиб турганлиги кўрсатилди<sup>1</sup>.

Амир Темур Самарқандга келиши билан бу ердаги аҳволни батамом ўзгартириб юборди. У Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжидини, Шоҳизинда мавзолейини бунёд этди. Шунингдек, йўллар, кўприклар қурилишига катта эътибор берилди. Кўҳак — Зарафшон дарёлари орқали кўприклар солинди. Кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди. Тошкент атрофига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типигаги Оҳангарон қишлоғи қурилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд по двору Темура (1403—1406). Перевод со староиспанского. — М.: «Наука», 1990.

<sup>2</sup> Мўминов Иброҳим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. — Т.: «Фан», 1993, 26—27-бетлар.

Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвон саройлари ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган миқёсда олиб борилди.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур ўша даврда дунёда мавжуд бўлган давлатларнинг маркази бўлган шаҳарлар номларини — Миср (Қоҳира), Дамашқ, Боғдод, Султония ва Шерозни Самарқанд атрофида қад кўтарган янги қишлоқларга қўйган. Бунда албатта бошқа мазмун бор эди. «Самарқанд сайқали рўйи замин» — яъни Ер юзининг сайқали даражасидаги олий шаҳар бўлгани учун аббосийлар давлатининг маркази бўлган Боғдод, Фотиҳийлар халифалиги маркази бўлган Миср, Темур давлатининг маркази бўлган Самарқандга нисбатан анча кичик ҳолда кўринадиган қишлоқлар сиймосида кўринишлари керак эди.

Темур нима учун ўз давлатининг пойтахти этиб Кеш, Тошкент, Бухоро ёки бошқа шаҳарни эмас, айнан Самарқандни сайлади, деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, Соҳибқиронда бундай қарорга келиши учун катта илмий-амалий сабаб бор эди. *Биринчидан*, Самарқанд қулай географик ҳолатга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ўртасида жойлашган. У серсув бўлиб, уч тарафлама тоғлар билан ўралган. Дарахтзор водий, адир қўшилиб, хушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқанд жуда катта қурилиш материаллари ҳамда қимматбаҳо, рангли ва нодир металл конларига эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланиш мумкин эди. Ана шу омиллар Темур томонидан Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб олинishiга асос бўлган<sup>1</sup>.

Муаррих Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг ёзишича, «Самарқандда Амир Темур Кўрагон қурдирган боғларким, эрам гулистони рашк қилар даражада еттига экан».

*Биринчиси*, «**Боғи Шимол**». Боғ 1397 йилда барпо этилган бўлиб, халқ тилида «Боғи Шамол» деб ҳам юритилади. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, «Соҳибқирон бу жойга кўчиб келиб, жаҳон аҳли сифгудек шоҳона чодир қурдирган. Унинг дарвозаси олдидаги чодир ҳамда подшоҳ қабулхонаси баъзилар учун тикилган катта ва кичик чодирлар, кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюлади. Бу Эрам боғи янглиғ ором масканини жаннатнинг баъз саройи ҳасад қиладиган даражада ораста салобатли қилиб безатдилар. Қазодек кескин фармон содир бўлдики, ул Фирдавмонанд боғда амирзода Мироншоҳ-

<sup>1</sup> *Мўминов Иброҳим*. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. — Т.: «Фан», 1993, 27—29-бетлар.

нинг қизи, олий ифбат соҳиби Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд қаср ва гўзал бир ишратгоҳ қурсинлар».

*Иккинчиси, «Боғи баланд».* У шаҳарнинг шимолидаги Чўпон ота тепалиги ёнбағрида ташкил этилган. У Амир Темурнинг энг гўзал боғларидан бўлиб, боғни яратишда Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа забт этилган мамлакатлардан келтирилган уста меъморлар қатнашган. Боғдаги Табриз мрамари билан тикланган сарой биноси учта катта хонадан иборат бўлиб, унда қимматбаҳо буюмлар, нодир санъат асарлари сақланган. Бу боғ Соҳибқироннинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг қизи Оғабегимга атаб қурдирилган, Самарқанд шимолидаги баландликда барло этилганлиги сабаб «Боғи баланд» номи олиган.

*Учинчиси, «Боғи Биҳишт»* — Самарқанднинг ғарбий тарафида малика Туман оға шарафига 1376 йилда бино этилган. Фоят кўркам боғ саройи атайлаб кўтарилган сунъий тепалик устида Табриздан келтирилган оқ мрамардан тикланган.

«Боғи Биҳишт»нинг бир томонида ҳайвонот боғчаси — кўриқхона бўлиб, ундаги жониворлар қафасларда эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор Ғарб тадқиқотчилари Амир Темурни илк кўриқхона асосчиси деб ҳисоблайдилар.

*Тўртинчиси, «Боғи Чинор»* — Самарқанд жанубида, Дарғам ариғи ёқасида бино этилган боғ. У ерда чинорлар ҳаддан ташқари кўп бўлгани сабабли «Боғи Чинор» деб аталган.

*Бешинчиси, «Боғи Дилкушо»* бўлиб, Кониғилнинг жануб томонида Зарафшон дарёси ёқаларида жойлашган. Боғ қурилиши 1398 йил баҳорида — Ҳинд юриши арафасида шу янги боғда Амир Темур мислсиз тантаналар ўтказиб, амир Ҳизрхўжанинг қизи Тўкалхонимга уйланган ва боғдаги қасрни ёш маликага атаган.

Муаррихлар Рум урушидан қайтган Соҳибқирон узоқ муддат бу боғда тўхтаб, суюкли набираси Мирзо Улуғбек билан суҳбатлар қурганини ёзадилар. Пештоқларда осмону юлдузларнинг акс эттирилиши нафақат Амир Темурнинг илми фалакиётга қизиққанини, балки шунингдек унинг набирасининг кўнгил ҳавасидан хабардор бўлганлигини ҳам маълум қилади.

1399 йилда қаср деворларида Амир Темурнинг Ҳиндистонга ҳарбий юриши воқеалари рангин тасвирланган. Ҳиндистон юриши эса 1398—1399 йилларда бўлганини инобатга олсак, «Боғи Дилкушо» деворларидаги манзараларини наққош ва мусаввирларнинг раҳбари Абдулхай-ал-Бағдодий ва унинг тасарруфидаги усталар ижод қилгани хусусида таҳмин қилиш мумкин.

Амир Темур 1404 йилнинг 8 сентябрида Кастилия қироли элчиси Руи де Клавихони «Боғи Дилкушо»да қабул қилган. Клавихо боғда-



ги фавворалардан отилиб турган сувнинг тепадаги олтиндан ясалган олма-ларга урилиб сочилишини кўриб, бу гўзал манзарадан беқиёс ҳиратга тушганини ёзади. Кейинчалик бу боғ ўрни — Хончорбоғ деб аталган.

*Олтинчиси* — «**Боғи зоғон**» бўлиб, шаҳардан 20 км масофа шарқий томонида жойлашган.

*Еттинчиси* — «**Боғи жаҳоннамо**» бўлиб, Самарқанднинг жанубий томонида, тоғ этакларида жойлашган. Боғнинг ёнида катта қалъа ҳам бўлган. Боғ ва қалъа Амир Темурнинг ҳарбий юришлар арафасида ва жангдан қайтишида ҳорлиқ олаётган маскан бўлиб ҳисобланган. Шарофуддин Али Яздийнинг хабар беришича, боғдаги сарой 1398 йилнинг баҳорида қурилган ва у шу даражада улкан бўлганки, у ерда бир от йўқолиб қолиб, олти ойдан кейин топишган экан. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Темур давридаги Самарқанд атрофидаги энг йирик боғлар сони 14 та бўлган. Булар «Боғи нав», «Гулбоғ», «Боғи бўлду», «Нақши жаҳон», «Боғи Давлатобод», «Боғча», «Боғи майдон»лар бўлган<sup>1</sup>.

2. Темур давлатини бошқариш тизими тўғрисида гап борар экан, оғиринчи галда *Бош Бошқарма* — канцелярия — Девону бузрукдан ташқари, ҳар бир вилоятда *Девон* деб аталувчи бошқарма — канцелярия фаолият олиб борганлиги тушунилади.

*Девон* — барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, ирригация тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланар эди. Ҳар бир Девонда кирим ва чиқимларни ҳисобга олиш дафтарлари бўлган. Дафтарга кирим ва чиқимларни қайд этиш турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Темур ёзишмаларига мувофиқ вақти-вақти билан сўроқпурсиш, ревизия ва тафтиш, тергов қилиш — таҳқиқ ўтказилиб турилган. Ўз амалини суниетсёмол қилиш, порахўрлик, донмий ичкилик ичиш, маънавий буюклик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланиб, қаттиқ жазоланган.

Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, суниетсёмол қилиш Темур амалдорлари гаиллуқни бўлган вақтда ҳам, улар тегишли жазоларини оқинлар Чунончи, Умаршайхнинг ўгли Ширмуҳаммад Темур буйруғини бажармасдан, унинг ҳарбий юришида иштирок этмаганлиги учун ушанг у бошқариб келатган Форс ва Шероздан маҳкум эди. Лекин, кейинчалик уни авф этиб, яна қайтариб берган.

Соҳибқирон давлатининг обрўси, шарафи, манфаати соҳасида ғоят қаттиққўл эди. У бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва набираларини ҳам, қариндон-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямас

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 1994, 29 март.

эди. У ўз давлат ишларида ғоят мустаҳкам, тебранмас, барқарор турарди.

Темурнинг ўз тузукларида давлатни бошқариш хусусидаги қуйидаги сатрлар фикримизча, ҳар қандай жамият учун характерлидир. У ёзади: *«Менга бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим. Уларга нафақа белгиладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оға-инимдек, етим-есир ва камбағаллари эса биродаримдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинимга қўшилди. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Менга тобе ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очиқ эди. Шу билан бирга ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини беркитишнинг чораларини кўрдим.*

*Мен ўлкалардаги йўлларнинг хавфли бўлишини истамасдим. Шаҳарларда ва шаҳар маҳаллаларида махсус одамлар қўйдирдим. Улар халқнинг ва аскарларнинг хавфсизлиги устида иш олиб борарди. У жойда содир бўлган ўғирликлар учун барча жавобгарлик унинг бўйнига тушарди».*

Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва қўниб ўтишга манзилгоҳ қурдирдим, қулайлик яратиш учун катта йўлларга соқчилар қўйилди. Соқчилар йўловчиларнинг ҳар бир нараси учун жавобгар эдилар. Шу сабабдан саёҳатчилар ва савдогарлар улардан ўз молларига соқчилик қилишни талаб эта олардилар ва ҳ. к.

3. Амир Темур давлатида солиқ сиёсати бирмунча такомиллашган эди.

Темур тузукларида алоҳида қайд этилганидек, солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарурлиги алоҳида уқдирилган. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг бақувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади.

«Бирор ўлкани олганимда ёки у урушсиз менга таслим бўлганида шу ўлканинг даромади ва маҳсулдорлиги ҳақида маълумот тўплашга буюрар эдим.

Бу ўлканинг халқи олдинги тартибларнинг сақлаб қолинишини истаса, уларнинг хоҳишига рози бўлардим, акс ҳолда, солиқлар мен жорий қилган тартиб асосида йиғиларди. Солиқлар ернинг маҳсулдорлигига ва жорий қимматига биноан белгиланар эди. Масалан, бирор шахс доимий ариқ ёки каналдан сув ичадиган ерга эга бўлса ва ариқ ёки канал суви тўхтовсиз оқиб турса, бундай ердан олинадиган даромад уч қисмга бўлиниб, учдан икки қисми қисми ер эгасига қолдирилади, бир қисми эса ҳукумат солиқчисига топширилади.

Агар ер эгаси солиқни пул ҳисоби билан тўлашни истаса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми жорий қиммат бўйича пул ҳисобига айлантирилиб олинарди. Аскарлар эса ейдиган озиқ-овқатлар қимматига биноан мояна оладилар. Агар фуқарога бу тартиб ҳам хуш келмаса, у ҳолда ҳосилнинг ҳар уч ботмонидан алоҳида-алоҳида ҳақ олинарди. Биринчи ботмонидан 3 чорак, иккинчисидан 2 чорак, учинчисидан эса 1 чорак ҳосил олинарди. Ярми буғдой, ярми арпа экилган ерлардан чиққан умумий ҳосилнинг ярми солиқ ҳисобига ўтади. Агар фуқаро натура шаклида тўлашни истамаса, унда буғдойнинг барчаси беш кумуш мисқолга баҳоланарди. Лекин халқдан олинadиган солиқларни ҳар хил баҳоналар билан кўпайтиришга сира йўл қўйилмайди. Куз, қиш, баҳор ва ёз давомида ҳосил берувчи ҳамда фақат ёмғир суви билан суғорилadиган ерлар ҳосили хусусига келсак, у тенг иккига бўлиниб, бир бўлагининг учдан ёки тўртдан бир қисми олинарди. Ғалла йиғиб олинмасдан бурун солиқ тўлаш қатъиян манъ этилганди. Солиқ муайян уч муддатда тўланарди. Агар фуқаро солиқни дилдан рози бўлиб гап-сўзсиз тўлайверса, унда солиқ йиғувчига ҳам ҳожат қолмасди; солиқчига зарурат бўлган тақдирда эса, солиқчи давлат солиқларини йиғиш учун сўз ва таъсир кучи билан ҳаракат қилмоғи, лекин ҳеч вақт бу ишда таёқ, қамчи ёки занжир ишлатмаслиги зарур эди. Умуман, унинг қарздор шахсга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга ҳаққи йўқ эди.

Бирор шахс ўзлаштирилмаган ерни ишлаб, уни суғориб, экин экса ёки ташландиқ ерни экин экиш учун яроқли қилса, биринчи йил солиқдан озод қилинарди. Иккинчи йил ўзи истаганича тўлар, учинчи йил эса солиқлар ҳақидаги умумий қоидага бўйсунарди. Агар бадавлат ер эгаси ёки бирор зўрроқ киши камбағални қисиб қўйса ёки унга зарар етказса, у ҳолда ўша бой барча қилмиши учун жавобгар бўлиб, жабр кўрган одамга ўз давлатидан берар эди».

Инсониятга ризқ берувчи асосий омил бўлган **ерни** бобокалонимиз жуда ҳам эъзозлаганлар. Дарҳақиқат, ердан оқилона фойдаланиш ҳақида у ўз «**Тузук**»ларида қуйидаги ажойиб сатрларни ёзиб қолдирган:

«Ташландиқ ва ҳеч кимга кераксиз ерлар хусусига келсак, мен бундай ерларни ишлашга жиддий ғамхўрлик қилиш лозимлиги ҳақида кўрсатма бердим. Агар ер, эгасининг камбағаллиги сабабли ишланмасдан қолса, бундай ер эгаларига зарур деҳқончилик қуроллари берилар эди. Лой, қум босган ариқларни қазини, дарёларга кўприклар солиш, эскиларини эса тузатиш, бир кунлик йўл масофасида карвонсаройлар қуриш ҳақида буйруқ қилдим. Карвонсаройларда қоровуллар ва йўл соқчилари бўлар эди. Улар йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга ғамхўрлик қилар, содир бўлган ўғирликлар учун жавобгар эдилар.

Ҳар бир шаҳарда масчит, мактаб, мадраса, камбағал ва мискинлар учун гарибхоналар, доимий табиблар билан таъминланган ши-фохоналар қуришга фармон бердим. Мен экилган майдонлар ва фуқароларнинг хавфсизлиги учун махсус соқчилик жорий этдим.

Ҳар бир ўлкада учтадан вазир тайинладим. **Биринчиси халқ учун эди.** У фуқаро тўлайдиган солиқлар бўйича аниқ ва тўғри ҳисоб олиб борарди; менга йиғилган солиқларнинг қайси йўл ва қоидага асосан тўпланганлигини етказиб туради. **Иккинчи вазир** аскарлар учун эди. У аскарлар олган ва олиши керак бўлган мойнанинг ҳисоб-китобини қиларди. **Учинчи вазир** сафарга кетган кишиларнинг мол-мулкига, эгасиз ётган ерларга назорат қиларди. Козининг ва диний назорат вакилининг розилиги билан ақлдан озганларнинг, номаълум ворислар, жиноятчилар, қонун бўйича ҳуқуқдан маҳрум бўлганларнинг мол-мулклари бу вазир ихтиёрига ўтказиларди. Вафот этганларнинг мол-мулки уларнинг қонуний ворисларига ўтарди; агар ворисхўрлар бўлмаса, бу мол-мулк масчит, мадраса, мозорларга берилар ёки Маккаи Мукаррамага юборилар эди»<sup>1</sup>.

4. Испания — Кастилия қироли Генрих III нинг вакили Рюи Гонзалес Клавихонинг Ўрта Осиё, Самарқанд ва Европа мамлакатлари орасидаги савдо ва дипломатик муносабатлар тўғрисидаги эс-даликлари, Самарқанд Давлат университетининг профессори, та-ниқли шарқшунос олим И. И. Умняковнинг илмий тадқиқотларида Амир Темурнинг Англия, Франция, Испания ва Италия каби дав-латлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва савдо алоқала-рини ривожлантириш муносабати билан Соҳибқиронга ёзган хатла-ри диққатга сазовордир.

Гап шундаки, ўз вақтида бутун Европага хавф солиб келган «Яшиндек тез ва шиддаткор» деб танилган турк султони Боязид I Йилдириمنىнг Темур томонидан батамом тор-мор келтирилиши унинг бир вақтда ҳам Европада, ҳам Шарқда энг донг таратган дав-лат арбоби ва тенги йўқ ҳарбий саркарда эканлигини кўрсатди. Ев-ропа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва у ерлардан Ўрта Осиё орқали ўтадиган «Ипак йўли»нинг барча асосий йўналишларини эгаллаб олган Амир Темур бу йўлда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш талбирларини кўрди ва Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотик муносабатларининг ҳар томонлама ривож-ланишига гоят катта эътибор берди.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га йўллаган мактуби-да (1402 йил 1 август) бундай дейилган: «...савдогарларингизни биз тарафларга юбориб турсангиз, бу ерларда аларга иззат-ҳурмат кўргу-

<sup>1</sup> «Уложение Темура». Изд-е Н. Остроумова. Казань. Типолитография Импера-торского Университета, 1894, 71, 76—80-бетлар.

шундан Ўзининг савдогарларимиз ҳам ул сафарларга **боргайларким**, алар ҳам уша мамлакатда иззат-хурмат қилингайлар. Бирор зот аларга дурлик қилиб ранжитмасин. Чунки, **жаҳон тижорат аҳли билан ободдир!**

«Шу билан бирга Темур ҳам мамлакатларда хорижлик савдогарларга инъаналарига шароит яратиб қўйган эди. Самарқанд бозорларида мол кет, — деб ёзган эди ўз хотираларида Кастилия элчиси Рюй Гонзалес. — *улар молларни Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан келтиради. Шаҳарда савдо-сотик қилишга қулайлик бугмагани учун сеньор Амир Темур шаҳардан катта кўча ўтказиш ва унинг икки тарафига эса дўконлар қуришни буюрди. Кучани жуда кенг қилиш қурдилар, унинг икки тарафини эса дўконлар ва олдига оқ мармарлар қопланган олий ўриндиқлар бино қилдилар».*

5. Соҳибқирон ўзининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида мамлакатда илм-фан, маданият ва архитектура санъати ривожини учун катта эътибор берди, бу соҳаларнинг ривожланишининг мустаҳкам иқтисодий базасини яратиб беришга муваффақ бўлди.

Темурий Шоҳруҳ ва унинг ўғиллари Бойсунқор ва айниқса Улуғбек ҳукмронлиги даврида мамлакатда маданий ҳаёт янада бирмунча ривожланди.

Масалан, Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунқор даврида Хиротда катта китобхона қурилди. Китобхона ҳузурида кўпгина мирзолар ва китобни муқовалайдиганлар, китоб базаси билан шуғулланувчилар, адабиётчилар йиғилган эди. Бу ерда қадимий ва нодир китоблар қайта кўчирилибгина қолмасдан, балки матншунослик жиҳатидан ҳам катта ижодий ишлар олиб борилар эди. Бойсунқор фармони билан шу китобхонада тайёрланган Фирдавсий «Шоҳнома»сининг матн мажмуаси фикримизнинг далили бўла олади.

Самарқанддаги ижтимоий ҳаёт бирмунча бошқачароқ эди. Улуғбек замонида Самарқанд янада гуллаб-яшнади. Муҳташам бинолар «Шоҳи зинда», «Гўри Амир» сингари қатор йирик меъморчилик ансамбллари, Регистонда катта хонақоҳ, мадраса ва унинг жанубида катта ҳаммом қурилди. Ички савдо ва хунармандчилик бирмунча ўсди.

Улуғбекнинг болалигидан унинг биринчи тарбиячиси бўлган бахши, шоир ва олим Шайх Ориф Озори эди. «Ўз даврининг Афлотуни бўлган» Салоҳуддин Мусо ибн Муҳаммад қозизода Румийни Улуғбекнинг дастлабки устозларидан бири деб айтиш мумкин. Улуғбек адабиётни яхши билар, турк-тожик ва араб тилларини мукамал билган, турк ва тожик тилларида шеърлар ёзган, музыка билимини яхши эгаллаган ва ўзи беш музыка асарининг муаллифи бўлган, тиббиёт фани билан жиддий шуғулланган. «Лекин, риёзиёт (математика), илму нжум (астрономия) фанларида ҳам бемонанд эди у. Улуғбек тарих илмида ҳам арзигулик ёдгорлик қолдирди. Хуллас, Улуғ-

бек подшоҳ бўлиб эмас, балки Мовароуннахрнинг илм-фани ва маданияти тараққиёти тарихига қўшган улкан шахсий улуши билан, бебаҳо асарлари билан, илм-фан ва маданият намояндаларига қилган ҳомчийлиги ва уларга раҳнамо бўлгани билан тарихда абадий қолди»<sup>1</sup>.

Улугбек олимлар баҳсида иштирок этар экан, у олимлар аҳлини ўзининг фавқуллодда камдан-кам учрайдиган ноёб хотираси билангина эмас, билимининг чуқур ва бепоёнлиги билан ҳайратда қолдирар эди. Лекин, у қанчалик қомусий билимларга эга бўлмасин, математика ва астрономия илмларига бўлган муносабати алоҳида эди.

Поляк астрономи Ян Гевелийнинг (1611—1683) 1690 йилда Гданск шаҳрида чоп этилган «Астрономия даракчиси» («Продрамус астрономия») асарида иккита сурат берилган. Ана шулардан биринчисида Улуғбек европалик тўрт йирик астроном: грек **Птоломей** (э.а. тахминан 170 йили вафот этган), немис шаҳзодаси **Гасс** (1532—1592), даниялик **Тихо Браге** (1546—1601) ва италян **Жан Баптист Риччиоли** (1598—1670) билан тасвирланган.

Бу расмда Улуғбек мунажжимлар худоси Урааниянинг ёнгинасида, унинг ўнг тарафида биринчи бўлиб ўтирибди.

Иккинчи суратда у яна ўша Ураания ва жаҳонга донғи кетган Птоломей, **ал-Баттоний** (858—929), **Регимонган** (1436—1476), **Вольтер** (1430—1504), юқорида тилга олганимиз шаҳзода Гас Браге билан бирга. Бу тасвирда Улуғбек Урааниянинг ўнг тарафида, учинчи бўлиб турибди. Дарҳақиқат, булар жаҳон халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк олимлардир.

Тарихий манбалар Улуғбек ўз ўтмишдошлари Форобий, Абу Жаъфар Мусо-ал-Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино асарларини батафсил ўрганганлиги хусусида маълумот беради.

Улуғбек 1417 йилда Бухоро мадрасасини қурдирди.

Зайнутдин Восифийнинг (XVI аср) ёзиб қолдирган шундай бир ривояти бор:

«Улуғбек мадрасасининг қурилиши ниҳоясига етай деб қолганда қурувчилар Улуғбекдан бу мадрасанинг мударриси ким бўлади деб сўраганлар. Улуғбек жавоб бериб, бунинг учун ҳамма фанлардан воқиф бўлган одамни қидириб топмоқ керак, дейди. Улуғбекнинг сўзини ўша жойда «ғиштлар тўдасида ўтирган», юпун кийинган **Мавлоно Муҳаммад Хоразмий** ҳам эшитади ва ўзининг ана шу мударрислик вазифасини эгаллаш ҳуқуқига эга эканлигини айтади. Улуғбек бу зотга илмнинг ҳамма соҳаларидан савол бериб, унинг ҳақиқий билимдонлигига қаноат ҳосил қилади ва уни ҳаммомга олиб бориб, ювинтириб, яхши кийим-бош кийдиришларини буюради.

<sup>1</sup> Аҳмедов Бўрибой. Улуғбек. Эссе. — Т.: 1989, 8-бет.

Мадрасанинг очилиш куни Мавлоно Муҳаммад ал-Хоразмий мударрис сифатида маъруза ўқийди. Маърузада 90 нафар олим иш-гирок этади. Бироқ, Улуғбекнинг ўзи ва қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким унинг маърузасини тушунмайди».

Бу мадраса Ўрта аср Шарқининг энг яхши архитектура ёдгорликларидан бўлиб қолди. Мадраса эшигининг тепасига «**Билимга интилиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир**», деб ёзиб қўйилган эди.

1417—1420 йилларда Самарқанд марказидаги Регистон майдонида ҳам ана шундай мадраса қурилди. 1428—1429 йилларда Самарқанд шаҳрида Улуғбек расадхонаси қуриб битирилди. Расадхона Афросиёб шаҳар харобаси яқинидаги Нақши Жаҳон деган жойда, Обираҳмат ариғи бўйидаги тепаликда қурилган. Расадхонада Улуғбек билан бирга қозизода Румий ва 1427 йилда султон Искандар учун астрономик жадвал тузган Гиссиддин Жамшид, шунингдек Али қунчи номи билан машҳур бўлган ён астроном Аловуддин Али ибн Муҳаммад фаолият кўрсатганлар.

Али қунчи расадхонада олиб борган астрономик кузатишлари натижасида ўзининг шоҳ асари — «Рисолайи дар фалакиёт»ни яратди. Мирзо Бобур ёзганидек, «*Расадхона ҳозирги вақтда бутун дунёга машҳур бўлган «Зижи Кўрагоний»ни тузиш учун Улуғбекка катта хизмат қилди*».

Улуғбек 1437 йилда ўз илмий меҳнатининг самараси — астрономик жадвални тузди. Бу жадвалга умрининг охиригача тузатишлар ва қўшимчалар киритиб борди. Улуғбек жадвали ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида юксак даражада аниқлиги билан ажралиб турган.

Улуғбек ўз даврида бой кутубхона ташкил этди. Бу кутубхонада фаннинг деярли ҳамма тармоқларини ўз ичига қамраб олган 15000 том китоб сақланган. Бироқ, Улуғбек вафотидан кейин, орадан кўп вақт ўтмасдан кутубхона талон-тароҳ қилинган.

Улуғбек 1448 йилда катта ўғли Абдуллатиф билан Бойсунқорнинг ўғли ~~Алоуддин~~лага қарши жангда, Ҳиротдан 14 фарсаҳ нарида, Тарноб деган жойда талабага эришади ва Ҳиротга кириб боради. Лекин Хуросонни босиб олинишига Хуросон амирларининг исёни имкон бермайдди

Мамбуларнинг ёшича, Тарноб ёнидаги жангда Абдуллатиф жон-жаҳди билан жан қилиб, талабани таъминлашда ҳал қилувчи ҳисса қўшади. Улуғбек бу урундан талаба билан қайтгач, Самарқандда масжиди жомеъда бўлган жумъа намозида талабанинг асосий фидойиси унинг катта ўғли, биринчи меросхўри Абдуллатифни эмас, кичик ўғли Абдулатифнинг номини ҳутбага қўшиб ўқилишини буюради. Боз устига Улуғбек Абдуллатифнинг Ҳиротдаги Иштиёридин қалъасидаги бойликларидан фойдаланишини батамом тақиқлайди.

# Улуғбек ва 8-Шарқазин



## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



Давлатларнинг пойтахтлари



Ўзбек шаҳарлар



Ўртача ва кичик шаҳарлар

----- Тежурийлар давлатининг XV аср биринчи ярмидига

1447-1505 йилларда Тежурийлар давлатига қарам бўлган

ерларнинг умумий chegarasi

----- Улуғбек давлатининг 1427 йилгача бўлган chegarasi

M. Улуғбек давлатини асосий ҳисобланган мулклар

нинг 1427 йилгача бўлган таъминлов chegarasi



Энг муҳим жойлар бўлган жойлар ва йиллар



# Тогурнигар Даврида Делё (1405-1505)



Бобоси Шоҳруҳ даврида ҳурматда ва шуҳратда яшаган Абдуллатиф учун отасининг бундай ҳаракати ҳақоратдек туюлади. Ота-ўғил ўртасидаги бундай муносабат улар ўртасидаги алоқанинг бузилишига сабаб бўлди. Абдуллатиф отасининг душманлари билан яширинча тил бириктирди.

1449 йил Абдуллатиф Амударёдан ўтиб, Термизни босиб олади ва йўл-йўлакай Шаҳрисабзни қўлга олиб, Самарқандга қараб йўл олади. 1449 йилнинг октябрида Самарқандга яқин Дамашқ деган қишлоқ яқинида отаси билан қаттиқ жанг бўлади ва бу жангда Абдуллатиф ғолиб чиқади. Самарқанд амири Мироншоҳ шаҳар дарвозаларини беркиттириб, Улуғбекни шаҳарга киришга қўймайди. Шоҳруҳияга ҳам уч кундан кейин киролмайди.

Энди Абдуллатифга таслим бўлишдан бошқа иложи қолмади. Бу қарорга келишдан олдин Улуғбек гарчи ўз мулозимларига энди салтанатни Абдуллатиф мирзога топширурмиз, ўзимиз эрсак мадрасаи хосда толиби илмга дарс бериш ва расадхонада илм бирлан машғул бўлурмиз, деган режаларини очиқ-ойдин баён этган бўлса-да, Абдуллатиф аллақачон отаси устидан ҳукм чиқариб, уни ва укаси Абдулазизни ўлимга маҳкум этган эди.

Ҳижрий 853 йил рамазон ойининг еттинчи куни (1449 йил 25 октябрь) Улуғбек ҳар бир мусулмон учун ҳам ҳам фарз, ҳам суннат бўлган мусулмонлик ҳажини ўташ ва Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабрларини зиёрат қилиш учун пешин намозидан кейин сафарга чиқди. Абдуллатиф отасининг сафарига ўзининг содиқ хизматкорларидан бири — ҳожи Муҳаммад Хисравни ҳам қўшиб юборди. Улар «Боғи шамол»ни этаклаб қолишлари билан, орқадан отлар дупури эшитилди. Абдуллатиф йигитлари Улуғбек ва унинг ҳамроҳларини бу ерда тутиб қолдилар. Бу машғум онда фожиани қандай давом этганлиги ўша фожа тепасида бўлган ҳожи Муҳаммад Хисрав истеъдодли тарихчи олим Мирхондга батафсил ҳикоя қилиб берган. Мирхонд эса бу машғум ҳодисани ўзининг «Равзат ус-сафо» номли китобида батафсил баён этган.

Мирхонднинг хабар беришича, 1449 йилнинг 25 октябрида *«Аббос Улуғбек жанобларининг қўлларини боғлаб, ташқарига судраб олиб чиқди ва машғала ўрнатилган дарахт остига олуб боруб тиз чўктирди ва ул бесаодат қиличини ғилофидин суғирди ва ул одил ва олим подшоҳнинг бошини танидин жудо этди. Биз эрсак аввал уйнинг теваракатрофига беркиниб ётдик, сўнг барчамиз Самарқандга қайтдик»*.

Орадан бир неча кун ўтгач, ўз укаси Абдулазиз ва Улуғбекка содиқ бўлган амалдорлар ҳам Абдуллатиф томонидан қатл этилди. Ниҳоят, Абдуллатифнинг узоқ вақтлардан буён орзиқиб кутган куни — теурийлар тахтининг соҳиби бўлиш насиб этди.

Абдуллатиф Самарқанд тахтига ўтиргач, халқни қаттиқ эзди. Кўпчилик фуқаро билан бирга амалдорлар ҳам ундан қаттиқ азият чекдилар. Бу борада Абдуллатифнинг мулозимларидан бири, таниқли тарихчи Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзади: *«Самарқанднинг жами умароси ва ақобирлари унинг дағал гаплари ва хатти-ҳаракати-дин мажруҳу абгор бўлдилар. У на кексани ҳурмат қилар, ва на кичикка мурувват... Халойиқ кимга арз-дод қилишни билмасди... Мен анинг яқин маҳрами эрдим. Уни ўлдириш ҳақида бўлган мажлисдин хабарим бор эрди, лекин Абдуллатифнинг қаҳридан қўрққанымдин онга бу ҳақда бир нима демадим».*

Ҳижрий 854 йил рабъи ул-аввал ойининг 25 куни (1450 йил 8 май) қош қорайганда Улуғбек давридаги амирлардан бири Бобо Ҳусайн Туркистоний бошчилигида Улуғбек Мирзонинг Кўҳак ариғи этагида, расадхонага туташ боғчасига шиларкун шаҳзода Абдуллатифни ордан кўтариб ташлаш режасини тузини мақсадида бирнеча киши йиғилди. Йиғилишда асосий фикрни Бобо Ҳусайн Туркистоний билан Абдуллатифнинг ғайриниссоний ҳаракатидан юз ўгириб фитначилар томонига ўтган Шайхулислом Бурхониддин баён этдилар.

Тарихчилар Мирхонд ва «Тарихи Абулхайрхоний» китобининг муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний ўз асарларида Абдуллатифга қарши уюштирилган «Ал қасосул минал ҳақ» қарор топганини баён этганлар.

## МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

### 1-ДАРС

#### МАВЗУ: «1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ»

#### «МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ» ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ҳукуматимиз қарори билан мамлакатимиз халқ таълимининг барча тизимларида биринчи дарс — «1-сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни («мустақиллик дарси») мавзусида ўтказилади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мазкур дарснинг мавзусини илмий-методик ва дидактик жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилиши, худди мана шу биринчи дарсда миллий истиқлолимиз моҳиятини Президент Ислоҳ Каримов томонидан кўрсатиб берилган йўл-йўриқлар ва илмий жиҳатдан асослаб берилган тамойилларга таяниб ишлаб чиқишимиз, айниқса, дарс режаларининг пухта ва аниқ белгиланиши, яъни мазкур дарс давомида кўриб чиқирилиши лозим бўлган илмий-методик жараёнлар комплекси, чунончи:

- а) дарснинг мотивацияси;
- б) дарснинг таълимий вазифаси;
- в) дарснинг тарбиявий вазифаси ва ниҳоят;

г) дарс жараёнида ривожлантириб бориладиган таълим талабларини ҳар бир аудитория талаби даражасида, у ерда таълим олаётган талабаларнинг ёшлари, ўқишларининг йўналиш хусусиятлари ва талабларидан келиб чиқиб, дифференциялаштирилган ҳолда ёндашиш мазкур дарс олдида турган муаммоларни ўзаро алоқадорликда ўрганишда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Мустақиллик дарсининг олдида қўйган муаммоларни ҳал этиш жараёнида қўйилладиган талаблар моҳияти хусусида гап борар экан, шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, бунда муаммолар (масалан, Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлида ҳал этилиши керак бўлган беш тамойил) зинҳор ва зинҳор даражаларга бўлинмайди.

Миллий мустақиллигимизнинг халқимиз тарихи ва тақдирида, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари орасида тутган салмоқли ўрнини аниқ фактлар ва рақамлар билан баён этилиши, республикамизнинг мустақилликка эришганидан бир йил ўтмасданок, 1992 йилнинг 9—10 июль кунлари Хельсинкида бўлиб ўтган *Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгашининг* тенг ҳуқуқли аъзоси бўли-

ши ва Президент Ислом Каримовнинг мазкур анжуманнинг иккинчи кунида унга раислик қилиши ва инсон ҳуқуқлари, қадриятларини эъзбозлашга даъват этувчи нутқ билан чиқишлари, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро нуфузли ташкилотларга, жумладан, 1992 йилнинг 2 мартда БМТга қабул қилиниши ҳам талабаларда ўз Ватанлари ва Йўлбошчиларига миллий гурур кайфиятларини шаклланишида катта роль ўйнайди.

Мазкур дарсда истиқлолимиз туҳфаларини тараннум этишимиз билан бирга унинг кўз қорачиғидек сақлашимиз лозимлиги, бунинг учун айниқса ёшларимизнинг ҳар қандай беъмани оқимларга аралашиб кетмасликлари учун доимо огоҳ бўлишларига даъват этмоғимиз лозим.

Мустақиллик дарсига тайёргарлик кўрар эканмиз, табиийки, Президент Ислом Каримовнинг Президентлик фаолиятида ёшларимизга нисбатан муносабатлари албатта ҳар бир педагогнинг диққат марказида бўлмоғи керак. Шу жоиз ҳар бир педагог мазкур дарс давомида Президент Ислом Каримовнинг ёшларимиз тарбиясига, уларнинг илм-фан асосларини онгли эгаллаш, жамиятимизнинг онгли, жасур, илмли, соғлом ва фаол фуқаролари бўлиб етишмоқлари йўлидаги илмий-назарий концепцион йўл-йўриқларини тарихий изчиллик ва айниқса, интеграцион ёндашув асосида системали равишда (зинҳор мавсумий эмас), **тушунарли тилда баландпарвоз ибораларсиз** ифодаланиши керак.

Мазкур ўринда Президент Ислом Каримовнинг ёшларимизга нисбатан билдирган қуйидаги фикр ва кўрсатмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Президент Ислом Каримов 1998 йил 25 декабрда вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзлаган нутқида *«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»* эканлигини алоҳида қайд этар экан, *«мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аجدодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим».*

*«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, — деб давом этди Юртбошимиз, муболағасиз айтиш керакки, гуллаб яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролар жамиятини шакллантириш, саҳоватли заминимизда яшаётган одамларнинг бахтли ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган, узоқни кўзлаган мақсадимизнинг моҳияти, асоси бўлиш лозим».*

Президент Ислом Каримовнинг 1999 йил 2 февралда «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавоблари ҳам ёшла-

римиз тарбияси ва ёшларимиз олдидаги муаммоларни ҳал этиш билан йўғрилгандир. Юртбошимиз мазкур интервьюларида халқаро майдондаги сиёсий аҳволни олдиндан ниҳоят аниқ ва тўғри таҳлил этиб, мамлакатимизнинг яқин келажакдаги вазифаларини ҳам атрофлича илмий асосда башорат қилиб, жумладан, мамлакатимиз тинчлигини бузиши мумкин бўлган мафкуравий таҳдид хусусида фикр юритар экан, ана шундай мафкуравий таҳдидлардан бири «Ҳизбут-таҳрири ал-исломия» хусусида тўхтаб, бу ташкилотнинг вакиллари *«бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаркат қилмоқдалар.*

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида имон-эътиқодни ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан фуқароларимизнинг эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Аллоҳни танишдир. Лекин инсонни мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чалғитиб, ўз гаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш — дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи-азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: *дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин*, деб кўрсатди.

Талабаларнинг ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динига, умуман мусулмончиликка муносабатлари хусусида фикр юритар эканмиз, бу борада юртбошимиз фаолиятларидаги ўзига хос изчиллик хусусида тўхтаб, Президент Ислам Каримовнинг **«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»** сарлавҳаси остида эълон қилинган «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоби (1999 йил, 6 март)дан қуйидаги фикрларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

«Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни яратувчининг номи билан боғлайди.

Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмайди.

Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нима-ю, сохта ақидалар нималигини, ким пок пиятли хужоғи инсонунимизни ким риёкор инсон эканини яхши биледи. Муқддас ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган алақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантдириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганимизда, аввало Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур этамиз. **Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждувоний** каби пири-комилларимизни назарда тутамиз.

Мазкур дарса талабалар диққат-эътиборлари Президент Ислам Каримовнинг Биринчи қақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаси (1999 йил 14 апрель)да халқ депутатлари олдига қўйилган муаммоли сўроқ — «**Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришда биз нималарга эришдик?**» деб қўйиладиган бўлса, бу саволга юртбошимиз томонидан қуйидаги 10 банддан иборат илмий-назарий хулосалар билан суғорилган жавобларни келтирмоқ жоиз.

**Биринчидан**, «Авваламбор Оллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни қўлга киритиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал, хом-ашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — **Ўзбекистон Республикаси** пайдо бўлди.

**Иккинчидан**, мамлакатда сохта гоё, маъмурий-буйруқбозлик асосида қурилган собиқ Иттифоқнинг мустабид тузумига барҳам берилди. Маълумки, бу тузумда Ўзбекистон фақатгина хом-ашё базаси, ярим мустахлакка ўлка эди.

**Учинчидан**, эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлди.

**Туртинчидан**, ана шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муаммосини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузулмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизимини барпо этишга эришдик. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди.

**Бешинчидан**, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамятидаги нуфузи ва ўрни ошишига хизмат қиладиган, унинг манфаатларига мос келадиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шаклланди ва изчил амалга оширилмоқда.

**Олтинчидан**, мамлакатимизнинг сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди. Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди.

**Еттинчидан**, тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ва анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта юксалди.

**Саккизинчидан**, Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлигидир.

**Тўққизинчидан**, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда.

Ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришилгани иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар биз танлаган тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқлади.

**Унинчидан**, одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Кишиларимиз онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда.

Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ — бу аҳолининг фаоллиги ошаётганидир.

Мазкур ўринда табиийки, талабаларни мамлакатимизнинг истиқлолимиз давридаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир аниқ рақамлар билан таништириб бориш, уларнинг ихлос ва эътиқодларини шаклланиб боришида катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги мавжуд бўлган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларда аниқ статистик маълумотларнинг камлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир педагог даврий матбуот ва оммавий ахборот материалларидан жадал равишда фойдаланмоқлари лозим. Масалан, мамлакатимиздаги 2001 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш яқунларини баҳолашда Президент Ислом Каримовнинг



Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқидан фойдаланиш айна муддаодир.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ярим йилликда мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб амалга оширилиб келинаётган йўналишлар-иктисодийтимиз ва унинг муҳим соҳаларининг ўсиш суръатлари, умумий макроиктисодий мутаносиблик барқарорлигини таъминлашда олдимизда турган устувор вазифаларни ҳал қилиш йўлида изчил қадамлар қўйилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди».

Табииyki, мазкур дарсни давримиз тилиби даражасида ўтказишда ўқитувчи ўз олдида турган улкан, жиддий вазифаларни тўла ҳис этиб, аввало ўзи юқорида келтирилган фикр-мулоҳаза, хулосаларни ўзича мустақил идрок этиб, ҳукуматимизнинг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да қайд этилган қуйидаги камчиликлар ва муаммоларни ҳисобга олиб, шу муаммоларнинг ўзининг кундалик педагогик амалий фаолиятида қандай ижобий ҳал этиш йўл-йўриқларини, илмий-методик ва дидактик йўллари хусусида мустақил мушоҳада юргизмоғи лозим:

«Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг:

— моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги, кадрлар тайёрлашнинг манжул тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

— «...Ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ».

— «Ўқув дастурларида маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти».

Ўқитувчи таълимнинг ислоҳ қилиш омиллари хусусида фикр юритар экан, аввало ўзи учун «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да алоҳида қайд этиб ўтилганидек, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириб боришда қуйидаги тамойилларга оғишмай амал қилмоғи даркор:

«Таълимнинг инсонпарварлашуви — инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, *миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигини таъминлаши* (Т.Т.), инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

— таълимнинг ижтимоийлашуви таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналти-

рилганлиги — таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

— таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

— илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциациялашган дастурлар амалиётга жорий этилади».

Табиийки, ҳар бир ўқитувчи «Мустақиллик дарсини ўтиш жараёнида миллий мафкура ва эътиқод хусусида фикр юритар экан, албатта ўқувчилар диққат-эътиборларини Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали мухбири ва 2000 йил 8 июнида «Fidokor» газетаси мухбири саволларига берган жавобларига алоҳида тўхталиб ўтиб, жумладан, юртбошимизнинг «Тафаккур» журналидаги суҳбатларида таъкидлаганидек, *«сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум — бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Яъни, агар ўз ғоянг бўлмаса сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қилади»*, деган кўрсатмаларини, ёинки, «Fidokor» газетасига берган интервьюларида *«мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?»* деб ўзлари қўйган саволга, ўзлари томонидан берилган қуйидаги жавобнинг мазмунини ҳар бир ёш қалбига атрофлича уқтириб берилмоғи керак.

*«Бунинг йўли, — деб уқтирди Юртбошимиз, — одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир.*

Фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Ҳар бир педагог ўз фаолиятида таълим ва тарбияни кундалик амалий ҳаёт тажрибаси билан бевосита алоқадорликда боғлаб олиб боришга ҳаракат қилар экан, табиийки, юқорида баён этилган назарий концепцион қонун-қоидалар ҳам ҳаёт талаби, миллий мустақиллигимизни янада ҳар томонлама мустаҳкамлаш шарти эканлигига оғишмай амал қилмоғи лозим.

Маълумки, 2001—2002 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз халқ таълими тизимларида янги фан — «Миллий ғоя ва мафкура» фани

киритилди. Ана шу фаннинг дастурида «*Ватан тақдири менинг тақдирим, Ватан келажаги менинг келажагим*» деб яшаш тарзини қарор топтириш вазифалари, «*Мустақилликни мустаҳкамлаш учун мен қандай ҳисса қўшдим*» деган тушунча пайдо қилишга интилиш, даъват этиш масаласи қўйилган. Фикрларимизча «Мустақиллик дарслари»да жаҳон педагогика фани тажрибасида алақачонлар мустаҳкам ўрин олган предметлараро алоқа боғлаш (бу масала 90-йиллардан буён кўпроқ у ёки бу масалани ўрганишга интеграцион ёндашув деб юритиладиган бўлган) масаласига алоҳида эътибор бериши тақозо этади. Гап шундаки, биз миллий мустақиллигимизга бағишланган дарсни ўтишимиздаги энг асосий Бош гоя ёшларимизда «**Ватан**» тушунчасини атрофлича ўрганишга атрофлича тушунтириб бериш лозимлиги, бу тушунчага турли ёндашишлар, концепциялар мавжудлиги, бугунги кунимизда ҳам ана шу тушунчалар айрим экстремистик ташкилотлар, гуруҳлар, сиёсий партиялар томонидан турлича талқин қилинаётганлиги хусусида тўхтаб ўтишимиз лозим. Масалан, шўролар даврида ягона давлат мафкурасининг мутлақ сохта «Илмий-назарий асоси»ни ташкил этган Марксизм-ленинизм фанида К. Маркснинг «*Ишчилар синфининг Ватани йўқ*». Шу жоиз умумжаҳон миқёсида йўқсилларнинг зўравонликка (диктатурага) асосланган давлатларини қуриш учун бугун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган қиргин-баротга асосланган даъват — совет ватанпарварлигининг ҳаракатга келтирувчи дарраси бўлиб келган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб ўзбек жангчилари самолётдан фронт орқасига парашютда сакраганларида ёки душман билан қуроли тўқнашувда қарши ҳужумга ўтишларида: «*Сталин учун!*», «*Ватан учун!*» деб шаҳид бўлганларида ўзларининг жанговар ватанпарварлар деб ҳис этганлар. Ҳолбуки, ўзбек ўғлони учун ўша жаҳон уруши шароитида «Ватан» тушунчаси қандайдир унга ёт бўлган Калининград, Прага, Варшава ёки Берлинда эмас, авлодлари, отонаси, ўзи туғилиб ўсган маълум қишлоқ, овул, туман, шаҳар ёки миллий давлатда эканлиги номаълум бир мавҳум нарсасдек туйилар эди. Ҳолбуки, ватанпарварлик ҳар бир халқнинг тарихий ўтмиши билан чамбарчас боғланган бўлиб, алоҳида олинган халқнинг ватанпарварлик анъаналари, ўз Ватанларига бўлган садоқатлари, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида асрлар давомида олиб борган қаҳрамонона курашлари, айниқса бугунги мафкуравий кураш авж олиб бораётган бир тарихий даврда унинг фаровонлиги, тинчлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фидоийлиги билан ифодаланмоғи керак.

Ёшларимиздаги Ватанга садоқат миллий ғоясини изчил шакллантириб бориш учун бизда миллий, ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган концеп-

циялар мажмуи мавжуд. Муболағасиз айтишимиз жоизки, ана шундай концепциялар Президент Ислом Каримовнинг кундалик фаолиятида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Масалан, юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маърузасини ўрганар эканмиз, унда ватанпарварлик борасида баён этилган қуйидаги фикрларини англаб оламиз: *«Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ».*

Биз талаба ёшларимизга «Ватан», «ватанпарварлик» хусусида таълим берар эканмиз, бугунги кунда ҳар бир инсон ҳаётида ниҳоят катта ўрин тутаётган бу тушунчаларни шарҳлашда экстремистик кучлар ўзларининг ғайритабиий ва ғайриилмий концепцияларини ниҳоят катта фаоллик билан тарғиб этаётганликлари хусусида ҳам аниқ назарий ва амалий билим беришга эришмоғимиз, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларимизни аниқ фактлар билан боғлаб олиб бормоғимиз лозим.

Президент Ислом Каримов Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида алоҳида қайд этиб ўтганларидек, *«Дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Бу ерга келиб, ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Боғдод ва Мадина-ю Мунавварада эътироф этилаётган буюк мутафаккирлар авлодига «соф» исломдан сабоқ бериш мантиқданми?»*

Ҳа, Ислом Саудия Арабистонида вужудга келган, лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал Бухорийни олинг. Ал-Бухорийнинг бундай чўққига кўтарган ким, бугун ислом дунёсида неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган бирон мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди? Жавоб, албатта, холисона ва битта — ўзбек халқининг азалий орзуси бўлган миллий мустақиллик ва унинг маҳсули Мустақил Ўзбекистон Республикаси. Кўп йиллик педагогик тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасининг барча таълим тизимида «Мустақиллик дарслари»ни ўқув юртининг йўналиши, шунингдек талабалар контингентининг умумий билим савиялари даражасига индивидуал ва дифференциал ёндашган ҳолда, миллий истиқлолимиз талаблари даражасида илмий-назарий ва методик жиҳатдан мукамал ўтказилиши, бутун ўқув йили давомида таълим-тарбия ишларини қандай ва қайси йўналишларда олиб бориш йўлидаги педагогик фаолиятимиз жараёнида ҳақиқий дастуруламал бўлиб хизмат қилиши ва бу соҳаларда қўйилган ижобий натижаларга эришмоқни таъмин этиши мумкин.

Масалага шундай ёндашганимизда ҳурматли Президентимиз алоҳида қайд этиб ўтганларидек, «*Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган усти боғбондек позиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим*» (Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил 7-бет.)

Мустақиллик дарси тузилиши хусусида фикр юритадиган бўлсак, унинг ҳаётий тажрибамиздан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолатда баён этиш талабга мувофиқдир:

## **МАВЗУ: 1-СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУСТАҚИЛЛИК КУНИ**

### **Дарснинг жиҳозланиши:**

- а) Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий харитаси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг миллий Давлат байроғи (1991 йил, 18 ноябрь);
- в) Ўзбекистон Республикасининг миллий Давлат Герби (1992 йил, 2 июль);
- г) Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси (1992 йил, 10 декабрь);
- д) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил, 8 декабрь);
- е) Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами;
- ж) Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил 9—10 июль кунлари Финляндия пойтахти Хельсинкидаги инсон ҳуқуқлари ва қадриятларини эъозлашга бағишланган Хельсинки Саммитида иштирок этган ва нутқ сўзлаган сурати (CSCE-Helsinki Summit 92);
- з) Леонид Левитин. Ислом Каримов — Янги Ўзбекистон Президенти. — Т.: «Ўзбекистон» 1996 йил.

### **Дарснинг мотивацияси:**

Ушбу дарснинг муқаддимасида баён этганимиздек, республика-миз халқ таълими тизимида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Мустақиллик дарси»ни ўтказиш тўғрисидаги тавсияномаларда ҳам мазкур мавзунинг илмий-амалий ва айниқса мафкуравий жиҳатдан қанчалик масъулиятли эканлигига қарамасдан унинг бир ёқлама баён этилиши мазкур дарс ишловининг мотивацияси бўлиб хизмат қилди.

### **Дарснинг таълимий мақсади:**

Аниқ тарихий ва юридик ҳужжатлар асосида Ўзбекистон халқларининг бир умр миллий мустақиллик учун интилиб келганликлари-

ни ва бу даҳшатли йўлда қанчадан-қанча авлодларимизнинг кўрсатган миллий жасоратларини атрофлича тушунтириб бериш.

Ўзбек халқининг миллий мустақилликка эришувида Президент Ислом Каримов фаолияти, унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарининг беш асосий тамойилидан тортиб, унинг кейинги асарлари ва оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари асосида, шулардан келиб чиқадиган концепцион қонун-қоидалар асосида истиқлолимиз берган неъматларнинг мақсад ва вазифаларини атрофлича очиб бериш;

Президент И. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси сессияларидаги маърузалари асосида Республикаимизнинг ўтган ўн беш йил давомида қўлга киритган тарихий ютуқларини ўқувчиларга аниқ фактлар асосида тушунтириб бериш.

#### **Дарснинг тарбиявий мақсади:**

Мустақиллик дарсини ўтиш жараёнида ёшларни миллий мустақиллигимизни ўн беш йили давомида мамлакатимизнинг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борган ички ва ташқи сиёсатимиз бобида қўлга киритган ютуқларимиз асосида миллий ўз-ўзлигимизни англашга эришганлигимиз ўзбек халқига хос ва мос миллий мафкура ва эътиқод асосларини шаклланиб бораётганлиги, халқаро ҳамдўстлик жамиятида ўзимизнинг қонуний ўрнимиз ва ифтихоримизни эгаллаганимиз буюк келажак сари дадил қадамлар билан олға қараб бораётганлигимиз асосида миллий ифтихор, фахр ва ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялаш асосида мустақиллигимиз берган буюк неъматни мустақамлаш учун ҳар қандай экстремистик кучларга қарши кураш олиб бориш учун ҳамиша огоҳликда бўлишга даъват этиш.

#### **Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим:**

«Мустақиллик дарси»нинг ўзига хос шундай хусусияти борки, унда ривожлантириб бориладиган таълим, аниққори хусусий дидактика талабидан келиб чиқиб, дарс тузилишининг бу талабини агарда тарих дарсига татбиқ этадиган бўлсак — мазкур дарс давомида «тарихий тушунчалар» устида ишлаш қўлами, дарснинг маълум даражада шарҳлаш хусусиятида ва тубан бўлганлиги жоиз бирмунча кенг қамровли бўлади. Шу жоиз ўқитувчи мазкур дарсни қандай мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртида ўқитилаётганлигига ижодий ёндашиб, унда ривожлантириб бериладиган таълим йўналишларини аниқ белгилашга эришмоғи лозим.

Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, мазкур дарсни қайси босқич, қайси йўналишга ихтисослашган илм даргоҳида ўқитилаётганлигидан қатъий назар, ўқитувчи дарс давомида талабалар диққат-эътиборларини қуйидаги тушунчаларни атрофлича ўзлаштириб олишга эришмоқлари лозим:

**Биринчидан**, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида қўйилган аниқ вазибалар: — «XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?» деган саволга юртбошимизнинг ўзлари томонидан берилган қўйидаги жавоблари моҳияти ҳар бир ёш фуқаро томонидан идрок этилмоғи кундалик ҳаракат дастурига айланмоғи керак.

Булардан, **«биринчи устувор йўналиш»** — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини, шунингдек иқтисодиёт соҳаларини янада эркинлаштириш лозимлиги, айниқса сиёсий соҳани эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини қуришни шакллантиришнинг туб моҳиятини атрофлича тушуштириб бериш.

**Иккинчи устувор йўналиш** — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида солид бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилган замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш кераклиги.

**Учинчи устувор йўналиш** — кадрлар масаласи бўлиб, бизнинг келажакимиз муносиб кадрлар тайёрлашга боғлиқ эканлиги.

**Тўртинчи устувор йўналиш** — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ҳимоя қилиш.

**Бешинчи устувор йўналиш** — иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдан иборат.

**Олтинчи устувор йўналиш** — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий дахлсизлигини таъминлашдан иборат».

Маъқур ўринда Президент Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек, «Минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солиши мумкин бўлган кучларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этмоқда. Маъқур вазибаларни бажарган тақдирдагина биз фаровон турмушга, шодона ҳаётга эришамиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади». Шунинг унутмаслик керакки, ҳар бир дарсада ривожлантириб бориладиган таълим асосини ўрганиладиган манзулдаги бош ғоялар, «таянч ғоялар» ва «таянч сигналларини аниқлаб топа билиш ва ривожлантиришдадир. «Мустақиллик дарси»да эса биринчи қарашда деярли ҳеч қандай муаммага эга бўлмаган иборат: «Мустақиллик нима?», «Тенглик нима?», «Тоталитар тузим нима?», «Ҳизбут-таҳрири ал-исломия» («Ислоом озод қилиш партияси») нима?» каби саволлар шулар жумласидандир.

Ўқитувчи «Мустақиллик дарси»га мазкур дарс ишлови муқаддасида баён этилган билимлар асосида тайёргарлик кўрар экан, тажрибада синалган ва талабалар билимини мустақкамлашда самарали натижалар берган қуйидаги дарс режаси асосида дарсни баён этишга киришади. Табиийки, «Мустақиллик дарси» албатта Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини ижро этишдан бошланади. Кейинги босқич эса мазкур дарс режаси асосида аудитория хусусиятидан келиб чиқадиган назарий ва фактик материалларни баён этиш билан олиб борилади.

## ДАРСНИНГ РЕЖАСИ

**1. Ўзбек халқининг давлатчилиги ва миллий-озодлик тарихидан лавҳалар.**

- Тўмарис, Широқ, Спитамен.
- Муқанна, Рофэ ибн Лайс.
- Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик.
- Мавлонозода.

«Бизким, мулки Турон, амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг қадими ва энг улуғи, Туркнинг Бош бўғинимиз!»

*Соҳибқирон Амир Темур*

«Юртим турк, элим турк, тилим туркдир, Тилим кўп тиллардан кўркамлидир».

*Хўжа Аҳмад Яссавий*

«Агар бир қавм гар юз, йўқса мингдир,  
Муайян турк улуси худ менингдир.  
Олибман тахти фармонимда осон,  
Черик текмай Хитойдин то Хуросон»

*Алишер Навоий*

— «Дукчи Эшон» (Пойтуғлик эшон Султонхон Туранинг муриди, «Дукчи Эшон» номи билан танилган 42 яшар Муҳаммад Али Халифа (Мадали Эшон) 1898 йилнинг 17 майида кечкурун Мингтепа (Марҳамат)дан 200 отлиқ, 300 пиёда мужоҳид билан русларнинг Андижон шаҳрида жойлашган ҳарбий гарнизонига ҳужум қилади. 23 ўрис аскарлари ўлдирилади, 24 таси ярадор бўлади, 30 тача бешотар милтиқ ўлжа олинади).

— 1916 йил июнида подшо Николай II нинг «Империядаги бегона халқлар эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районларида ҳарбий иншоотлар ва шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бош-



қа ҳар қандай оғир ишларга жалб қилиш» ҳақидаги фармони эълон қилинди.

Бу фармонга кўра Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье-дан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг кишини мардикорликка олиш бошланиб кетди. Подшонинг бу фармонига қарши миллий улкаларда халқ қўзғолонлари бошланиб кетди.

Бу борада исримиз бошида жушқин фаолият кўрсатган журналист Лутфуллоҳ Олимийнинг 1926 йил ноябрида «Ер юзи» деб аталмиш журналда эълон қилинган мақоласидан қуйидаги сатрларни келтирамиз:

*«Кўп ўтмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишиларнинг рўйхати бошланди. Шунинг билан бирга халқнинг юрагига 30 йилдан бери подшо истибдодига қарши ҳозирланган исён оловланди, ҳар ерда ташвиқот:*

— Подшоҳ энг аввало отларимизни олиб пиёда қолдирди, бизни кучсизлантирди. Энди 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган бутун йигитларимизни олиб, бизни бутунлай битирмоқчи. Мамлакатимизни ўрус унсури билан тўлдирмоқчи!

Буни зиёлилар сўзлайди.

Имомларингда бир фикр бор:

— *Мусулмонларнинг душмани бўлган оқпошиш бизнинг наслимизни қуритиб, ислом динини йўқотмоқчи.*

Эртага рўйхат бошланади... деган хабарга халқ мана бу хил жавоб берадир:

— *Биз рўйхат қилдирғони қўймаймиз. Подшоҳга болаларимизни тирноғини-да бермаймиз!*

Тонг отди; бу кунги илиқлик бошқа кўнгилларга қараганда ис-сикроқ. Шамол ҳам йўқ. Қушлар ҳам сайрамайдилар. Бу дунёни, шундай даҳшатлар кутадир. Ана пристов, мингбошилар, полициячилар маҳаллага халқни рўйхат қилиш учун чиқдилар, лекин маҳаллаларда, уйларда ёш болалар, қари хотинларгина қолгон; ёш кишилар ҳаммаси ҳукуматга қарши кураш учун бир жойга тўплонгон. Ҳамманинг ёнида ничоқ, болта, ханжар ва бошқа ўтсиз қуроллар. Йигилгон халқ орасида сўфилар, зокирлар ҳам бор, зикрисамоъ билан халқнинг диний ҳияжонларини орттирдилар.

Мана ҳозир халққа қирини солдатлар, милтиқлар, пулемётлар келадир. Лекин халқ кўрқини даражасидан ўтган.

Ҳоким томондан буйруқ:

— *Тарқалинелар!*

Халқ жавоб бериши:

— *Сен солдатларинг ва пулемётларинг билан кет, сўнгра биз тарқаламиз!*

Кўп-да ўтмади. Ўзлик миндан ортиқ халққа қарши пулемётлар ва милтиқлардан отиш бошланди. Халқ бошда ўлганига қарамасдан пуле-

мётни қўлга киритишга уринса-да, ундан ёмғир сингари ёғилиб Турғон ўқлар халқни яқинига келтирмади. Пичоқлар, милтиқлар билан пулемётга қарши уриша олмади. Халқ енгилди. Халқ қочди. Солдатлар, полициячилар уларнинг орқасидан қувлаб бориб, ўнг келган жойда отди, чопди, майдонда, кўчада, йигитлар, чоллар, ўспиринлар қонга бўялиб ётардилар. Иккиқат хотунларнинг қоринлари устида подшоҳ солдатларининг найзалари санчилиб турарди. Йиқилган гўдакларнинг қизил лаблари кўкарган, ёш қизларнинг кесилган бошларидаги қора сочлари юзларига ўралиб, уларнинг бетларини қонхўрларнинг кўзларидан сақлайдилар. Ярадорларнинг инграган товушлари яқиндан оқиб шовуллаб турғон сувга кўшилиб оқадур. Шаҳар қон ичида. Халқ қилар ишини билмайди. Майдонга чиқмоқ учун қурол йўқ».

Чоризмнинг асл мақсади Туркистон ўлкаси халқларини қириб ташлаб, бу жаннатмакон муқаддас заминимизда ўз юртдошларини жойлаштириш эди.

*«Ўрта Осиё — рус тожидаги энг қимматбаҳо дурдир».*

Вишнегородский — Россия империясининг молия вазири.

## **2. Мустақиллик нима?**

— Мустақиллик — тенглик сари қўйилган биринчи қадам. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади.

— Мугелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади.

— «Тенглик» сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча тобеъликларга чек қўйди.

— Мустақиллик — ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, давлатлар ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, умумий мезонлар асосида яшаш демакдир.

Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлаш демакдир.

— Мустақиллик — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш ва ўзи хоҳлаган соҳада жўшқин фаолият кўрсатиш салоҳиятидир.

## **3. Тоталитар тузум. Иллатлар ва сабоқлар.**

Маълумки, 1917 йилнинг 15—22 ноябрларида Тошкент ўлка советларининг III съезди бўлиб ўтиб, унда Туркистон большевикларининг тугган буюк давлатчилик йўли яққол ўз ифодасини топди. Съезд ишида 114 делегат қатнашиб, унда маҳаллий аҳолининг ваколатли намояндлари деярли бўлмади. Натижада большевиклар ҳокимият масаласини амалда Туркистон халқлари вакилларининг съездда кенг иштирокисиз ҳал қилдилар. Бу масала юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш хусусида гап ҳам бормади.

Советларнинг III ўлка съезди бўлиб турган бир пайтда деҳқон депутатлари съезди ҳам иш бошлади.

Съезднинг кун тартибида ўлка ҳокимиятини ташкил этиш, жойларда ҳокимият тузиш ва таъсис мажлисига сайловлар ўтказилиш каби масалалар қўйилган эди.

Ўлка ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисидаги масала 1917 йил 12—15 ноябрларда «Шўрои Уламо» ташкилотининг раҳбари Шерали Лапин раислигида ўтган «*Турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган Кенгаши*»да муҳокама қилинди.

Ушбу кенгашнинг вазифаси «Туркистон ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиш эди. Кўриниб турибдики, бу масалани айни бир вақтда икки йиғилиш — мусулмонлар кенгаши ва асосан европаликлардан иборат бўлган делегатлар йиғини муҳокама этган. Шу боис улар бу аниқ масалага бир-бирларига мутлоқ қарама-қарши бўлган позициядан ёндашганлар.

Ўлка мусулмон ташкилотларининг кенгаши мазкур масалани ҳал этиш чоғида биринчи маҳаллий аҳоли манфаатларини қўйди ва айни вақтда ўлкадаги келгинди (европали) аҳоли манфаатларини ҳам ҳисобга олди. Кенгаш қарорига асосан Туркистон ўлка ҳукумати — «Туркистон ҳукумати қўмитаси» 12 кишидан иборат вакиллардан ташкил топиши ва унинг органи бўлган «Туркистон ўлка кенгаши»-ни назорат қилиши лозим эди.

Туркистон ҳукумати таркибига ишчи ва солдат депутатлари кенгашларидан ҳамда шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораларидан 3 тадан вакил ва ўлка мусулмон съезидан 6 вакил киритилиши кўзда тутилган эди. Туркистон ўлка кенгаши эса мусулмон съездининг 10 вакили ва советлар ҳамда шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораларининг 5 тадан вакилидан иборат бўлиши лозим эди («Туркестанские ведомости» 1917, 21 ноября).

Ўлка мусулмонлари ташкилоти Кенгашининг бу қарорини ўлка советлари III съезди делегатлари эътиборига етказиш Шерали Лапин бошчилигида тузилган комиссияга топширилди, шу жоиз Шерали Лапин 1917 йил 18 ноябрида советларнинг III ўлка съездида мусулмон ташкилотлари кенгашининг резолюциясини эълон қилиб, «*Мусулмонлар совет ҳукумати томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига асосланиб, ўзларига бутун ҳокимиятни топширилишини талаб қилишлари ҳам мумкин эди, лекин улар «келгинди элементлар» вакилларининг ҳокимиятида қатнашишларига йўл қўйиб, уларга ён бермоқдалар*», деди.

*Сўзини яқунлар экан, «Шўрои Уламо» ташкилотининг раҳбари Шерали Лапин шундай деди:*

«Мусулмонларнинг тутган йўли мустақил йўлдир, бу йўлни уларга қуръон ва шарият қоидалари кўрсатиб берган. Шунинг учун улар рус

сий партиядан бирортасига ҳам қўшила олмайдилар. Лекин, барча халқ ташкилотларига таяниб, таъсис мажлисига олиб келадиган ҳокимиятни қўллаб-қувватлайдилар... Мусулмонлар рус инқилобининг халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ваъдасига ишондилар» («Туркестанские ведомости». 1917, 21 ноябрь).

Шундан сўнг Шерали Лапин Мусулмонлар кенгаши (съезди) номидан ўлкани идора қилишни ташкил этиш ҳақидаги таклифларни баён этди. Бироқ, советларнинг III ўлка съезди, мусулмонлар съезди, мусулмон ташкилотлари ўлка кенгаши (съезди)нинг ўлкани идора қилишни ташкил этиш ҳақидаги таклифларини батамом рад этди Чунки, съездда маҳаллий меҳнаткаш аҳоли қатнашчиларнинг вакиллари батамом озчиликни ташкил этиб «буюк русчилик» таъсирида иш олиб борилган эди. Съезд қарорларидан мутлақ қаноат ҳосил қилмаган Шерали Лапин советларнинг III ўлка съездини ташлаб чиқиб кетади.

#### **4. Мустақиллик даврида нималарга эришдик?**

*Истиқболларимиз қандай?*

**Ўқитувчи учун маълумот.**

Тарихда Машриқдан Мағрибга, Мағрибдан Машриққа ўтган йўллар кўп бўлган. Улар муайян сабабларга кўра турлича номланган. Жумладан, «Лазурит йўли», кейинроқ «Шоҳ йўли», «Буюк ипак йўли». «Буюк ипак йўли» Шарқу Фарбни боғлаб турган, сиёсий-иқтисодий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган улкан воқеъликдир. Унинг тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб биринчи марта Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган «**Европа-Кавказ-Осиё**» **транспорт йўлаги** — ТРАСЕ-КАни барпо этиш масаласи кўриб чиқилди ва Декларация қабул қилинди.

Тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки каби ундан очиқ нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчиликнинг хусусий шакллари ишлаб чиқаришини кенгайтириш шароитида ўрта ҳунар таълимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис бугунги кунга келиб ҳар бир вилоят ва туманларда зарур ўқув юртлари, касб лицейлари, бизнес мактаблари, кичик ва ўрта бизнес фермерлик хўжаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун коллежлар очилди.

**Хулоса.**

**Дарснинг бориши.**

Ўйлаймизки, ҳар бир педагог «Мустақиллик дарси»га таёргарлик кўрар экан, мазкур дарс ишловининг муқаддимасида баён этилган илмий-услубий ва дидактик кўрсатмаларга янада ижодий ёндашиш

билан, дарс режасида қайд этилган саволларга атрофлича жавоб топар. Ниҳоят, ўқитувчи дарс якунида талабаларни ўтилган мавзунинг қанчалик ўзлаштирганликларига қаноат ҳосил қилмоғи учун дарс бошланиши олдида албатта синф доскасига, ёинки қўчма доскага ёзиб қўйилган дарс режасини ҳар бир банди бўйича уларнинг билмларини савол-жавоб йўли билан якунлаши мазкур дарсга бўлган сўнгги талабни поёнига етказишига олиб келади.

### МАВЗУГА ДОИР АДАБИЁТЛАР:

1. *Ислом Каримов*. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», — Т.: «Ўзбекистон», 1992 й.
2. *Ислом Каримов*. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», — Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
3. *Ислом Каримов*. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари. — Т.: «Ўзбекистон», 1992 й.
4. *Ислом Каримов*. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», — Т.: «Ўзбекистон», 1992 й.
5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. — Т.: 1997 йил 29 август. «Шарқ» нашриёт матбаа концернининг бош таҳририяти.
6. *Ислом Каримов*. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». — Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
7. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. — Т.: 1997 йил 29 август. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти.
8. *Ислом Каримов*. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». — Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
9. *Ислом Каримов*. «Баркамол авлод орзуси». — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999 й.
10. Ислом Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Мулоқот» журнали, 1998 йил, 5-сон.
11. *Ислом Каримов*. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», — Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
12. *Ислом Каримов*. «Фарзанлларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». — Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
11. *Ислом Каримов*. «Биз ўз ҳудудимизни халқаро доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя қиламиз», «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 19 октябрь.

12. *Ислом Каримов*. «Ватан озодлиги — олий саодат», «Туркистон» газетаси, 1999 йил, 21 август.

13. *Ислом Каримов*. «Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман». «Fidokor» газетаси, 2000 йил, 8 июнь.

14. *Ислом Каримов*. «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин». — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.

15. *Ислом Каримов*. «Хушёрликка даъват». — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, 1997 й.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони.

17. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», — Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.

18. *Одил Раҳматов*. «Огоҳлик муқаддас бурч». «Мовароуннаҳр», 2000 й.

19. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Декларацияси. — Т.: «Адолат», 1998 й.

20. *М. Ф. Лафасов, Р. Хотамов, А. Умаров*. «Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳият ва бугунги хавфи» — Т.: Фафур Фулом нашриёти, 2000 й.

## 2-ДАРС

### МАВЗУ: «АҲОЛИНИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙИ ҲИМОЯЛАШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИДИР»

*«Бит ўчимизнинг шароитимизда кўп  
бмали оилаларга, қарияларга, бечора ҳол-  
ларга мадад бермасик ҳамма нарса порт-  
лаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишби-  
лармончилик бўлмайди. Шу сабабли мен,  
Президент сифатида камбағалларнинг  
манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини  
қатъий ва жуда қаттиққўллик билан  
ўтказмоқдаман».*

**Ислом Каримов**

Миллий истиқлолимиз туфайли жамиятимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқиқ ўтиши, шўролар давридаги давлат ҳукмрон мафқураси бўлган андозалардан мустасно бўлиш, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини том маъносида демократиялаш жараёнини ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларига фаоллик билан сингдириб бормоқда. Президент Ислом Каримов алоҳида қайд этиб ўтганидек, *«Эндиги долзарб вазифамиз — бу жараённинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб беришдан ва уларни жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборатдир»*.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида энг долзарб бўлган бундай вазифаларни амалга ошириш, талабаларда миллий ғоя ва мафқурани жадаллик билан шакллантириб беришда ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг биринчи галда тарих фани ўқитувчиларининг масъулиятлари бениҳоя каттадир. Яна шуни эътиборга олиш керакки, сўнгги йилларда республикамиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлар педагоглар дунёси билан ўрнатилган узвий алоқаларимиз туфайли республика даврий матбуотида «янги педагогик технология», «таълимнинг фаол усуллари» каби усуллар пайдо бўлди. Шу боис биз куйида ўзимизнинг кўп йиллик педагогик амалиётимиз, тажрибаларимиздан келиб чиқиб Ўзбекистон тарихидан дастурлардаги *«Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш — давлат сиёсатининг бош йўналиши»*

<sup>1</sup> «Фидокор» газетаси, 2000, 8 июнь.

*дир»* мавзусида ўтказилган ноанъанавий дарс тузилиши ва унинг баёни хусусидаги дарс вариантими билан ўртоқлашамиз.

Ҳурматли касбдош! Эътибор берган бўлсангиз мазкур мавзудаги дарс вариантларидан сизга фақатгина ноанъанавий усулинигина тавсия этиб, шу борадагина эмас, балки *«мазкур мавзуни янада самарали ўтказишдан сиз яна қандай вариантларни тавсия этган бўлур эдингиз!»* деган муаммоли саволни ҳам ўртага ташламоқчимиз.

Лозим топсангиз қуйидаги дебрифинг, яъни икки томонлама саволларга эътибор берсангиз:

Сиз ушбу мавзуни илмий-методик ва дидактик жиҳатдан кент қамровли ишлаб чиқаришда яна нималарга эътибор беришни тавсия этасиз? Ёки ушбу мавзунинг мотивацияси яна нималарни тақозо этади.

1. Ушбу мавзуни ўргатишда сизда ўқитувчи сифатида қандай муаммолар пайдо бўлиши мумкин? Сиз шу муаммоларни қандай бартраф этишингиз ёки тўғрилашингиз мумкин?

2. Сиз ушбу мавзуда дарс самарадорлигини ошириш учун яна қандай ўзгаришлар киритишингиз мумкин?

3. Таклиф этилган вариантларингиз илмий-методик ва дидактик жиҳатдан қандай амалга оширилади?

4. Мазкур дарсда эришган муваффақитларингизни яна бир бор аниқ тартиблаштириб кўринг. Сиз мазкур дарсда кузатган мақсадингизни эришганлигинингизни аниқ исботлар билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилинг.

5. Ниҳоят, дарс хусусида қандай хулосага келдингиз.

Энди муаммоли таълим элементларини ўзида мужассамлаштирилган ноанъанавий дарснинг ишланмасига ўтамиз.

**Мавзу:** «Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш — давлат сиёсатининг бош йўналишидир».

**Ўрганиладиган мавзунинг мотивацияси:** Мавзуни ўрганиш жараёнида инсоният тарихида архиактуал масала ҳисобланган «аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш» масаласини муқаддас Ислом дини тамойилларидан бошлаб, жаҳон давлатчилигига ва давлат раҳбарларининг фаолиятлари интеграцион ёндашган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқарилган ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг кундалик амалий фаолиятига бевосита татбиқ этиб келинаётган «Ўзбек модели» асосида *«аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш — давлат сиёсатининг бош йўналиши»* эканлигини талабаларга атрофлича тушунтириб беришдан иборатдир.

Мавзу олдиндан кўчма доскага ёзиб қўйилган қуйидаги режа асосида баён этилади:



1. Жаҳон даъватчилиги тарихида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласининг қўйилиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (IX—X боблар) аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашнинг қонун билан кафолатланганлиги.

3. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги даврида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасида қўлга киритган ютуқларимиз (экранда намойиш этилган факт ва рақамлар).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 25 январида имзо чеккан: «Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор»ни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонини шарҳлашга ўтади.

**Дарснинг тури:** муаммоли таълим элементларининг ўзида мужассамлаштирган ноанъанавий дарс тури.

**Дарснинг жиҳозланиши:**

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Мустақил Ўзбекистон тарихи». «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 2000 йил.

— Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари. «Ўзбекистон». Тошкент, 1992 йил.

— Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси, «Адолат-қонун устуворлигидадир», «Ўзбекистон овози» газетаси, 30 август 2001 йил.

— «Баркамол авлод орзуси» — «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 1999 йил.

М. Лафасов, Т. Тошпўлатов. З. Каримов — «Мустақиллик дарсларини ўқитиш бўйича методик қўлланма». Тошкент, 2001 йил.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кучли ижтимоий муҳофазасига қаратилган илмий-назарий концепциялари ва шу борада аниқ ахборотлар баён этилган тарқатувчи дидактик материаллар (Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан айрим тоифадаги фуқаролар ва оилалар учун белгиланган айрим имтиёз, кафолат ва қўшимчалар рўйхатини илова этиш).

**Дарснинг мақсади:**

**Дарснинг таълимий мақсади.**

Дарс жараёнида талабаларга мамлакатимизда кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалиётида «Ўзбекистон

моделли» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлганлиги ва бу жараёнда Юртбошимизнинг давлат арбоби сифатида тутган ўрни хусусида батафсил маълумот бериш. Шунингдек, ўқитувчи томонидан бу масалага интеграцион ёндашган ҳолда тараққиётимизнинг «Ўзбек модели» илмий асосланган, тарихий тараққиёт тажрибаларига таянган, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан суғорилган, инсон манфаатлари устувор йўналиши сифатида тан олинган ривожланиш, янгиланиш ва юксалиш йўллари эканлиги конкрет фактлар истиқлолимизнинг ўтган 18 йили мобайнида ўзининг самарали йўл эканлигини ҳар томонлама исботлаганлиги ва халқаро миқёсида эътироф этилганлиги кўрсатиб берилди.

### **Дарснинг тарбиявий мақсади:**

Дарс жараёнида талабаларда ҳукуратимиз томонидан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш бобида олиб борилаётган кундалик амалий чоратадбирлардан келиб чиқиб, бу тадбирлар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов бошчилигида олиб борилаётган тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатининг маҳсули эканлигини, ёшларимиз ота-боболаримизнинг амалий орзулари бўлган — миллий мустақилликни қўлга киритганимиз боис Ўзбекистон шарафини бутун дунёга таратаётганлиги, эндиликда ёшларимиз олдида турган вазифалар шу мустақилликнинг ҳар томонлама мустаҳкамлаб, она Ватанни ҳар қандай офат-надоматлардан кўз қорачиғидек сақлаб, унинг моддий ва маънавий бойликларини мустаҳкамлашда ҳар бир ёш ўз улушини қўшмоғи ва она Ватан тинчлиги — мустақиллигини сақлаш — мустаҳкамлашда ҳамиша огоҳ бўлишларига даъват этишдан иборатдир.

### **Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим:**

Дарс жараёнида ўқитувчи талабаларни Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Инсон ҳуқуқлари, «Шахс ва жамият» курси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, Президент Ислам Каримов асарларидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида сўзлаган нутқлари, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларини ўрганишга бағишланган махсус курслардан олган билимларига интеграцион ёндашган ҳолда, дарс жараёнида имконияти борича миллий истиқлолимиз даврида мамлакатимизда ижтимоий-маънавий соҳада амалга ошириб келинаётган қуйидаги йўналишлар бўйича олган билимларини савол-жавоблар йўли билан янада ривожлантириб боришга ҳаракат қилади:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва бошқа манфаатларини олий қадрият сифатида устуворлигини таъминлаш;
- маънавиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- виждон ва эътиқод эркинлигини қарор топтириш;
- ижтимоий адолатни қарор топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш;

сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофизат қилиш;

— таълим тарбияни тубдан ислоҳ қилиш орқали замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш;

— одамларнинг ўз исётлоқининг намоян этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

### **Дарснинг баён этилиши:**

а) жаҳон давлатчилиги тарихида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласининг қўйилиши.

Маъкур ўринда ўқитувчи талабалар диққат-этиборларини Т.Тошнўлатов муаллифлигида 1993 йилда «Адолат» нашриётида чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг таъсис этилганлигига 75 йил тўлиши муносабати билан «**75-мехр-шафқат йиллари**» номли юбилей солномасида чор ҳукуматининг Туркистонни забт этганларидан кейинги давр маҳаллий аҳолига нисбатан ижтимоий ёрдам бериш борасидаги қуйидаги ғайриинсоний сиёсатларини аниқ рақамлар ва исбот-далиллар асосида шарҳлаб беришга ўтади.

Маълумки, Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин Туркистон халқларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоясига ҳеч қандай аҳамият бермади. 1877 йилда таъсис этилган Тошкент шаҳар Думаси фаолияти эса ҳар томонлама чегараланган бўлиб, унинг у ёки бу масаладаги қарори фақат генерал губернатор тасдиғидан ўтгандагина кучга кириши мумкин эди. Туркистон ўлкасида нафақа бериш қуйидагича эди. Императорнинг 1882 йил 9 августидagi буйруғига асосан Худоёрхоннинг иккинчи хотини Мунис пошша, унинг ўғли Сайд Умарбекка ва Худоёрхоннинг учинчи хотини Моҳбегимга ўша пайтдаги пул ҳисобида 350 сўмдан умрбод нафақа тайинланган эди.

1899 йил 29 мартда рус императори мустамлакачилар армияси сафида уларнинг ўлкадаги босқинчилик сиёсатларини жон-дил билан адо этиб келган ўзбек — полковник Бобобековнинг вафотидан сўнг унинг оила аъзоларига йилига 2000 сўмдан нафақа белгиланган.

Чор ҳокимияти даврида — 1882 йилдан 1909 йилгача Сирдарё вилояти бўйича 14 кишига нафақа белгиланган. Шу 14 кишидан 4 таси Қўқон хонининг хотинлари ва ўғиллари бўлиб хоннинг қариндоши Носирхон Сўфихонов, юзбоши, волость бошлиқлари ва маҳаллий ҳарбий хизматчилар бўлган.

Рус императори 1882 йил 9 августдаги фармони билан қуйи табакалари маҳаллий халқдан 1875—1876 йилларда рус аскарлари сафида Қўқон хони билан бўлган жангда ҳалок бўлган Муқим Танабоев учун унинг онаси Жуманга 42 сўм 90 тийин, Қумитбой Буксаевнинг онаси Олтинойга 21 сўм 45 тийин ва Таноқбой Суюнчибоевнинг хотини Масиқойим Суюнчибоевага 42 сўм 20 тийиндан нафақа белгилади.

Шу фармон билан Фарғона вилоятида яшовчи 9 кишига ҳам нафақа тайинлади. Бундай фармон билан Чоризм маҳаллий халқни ўз манфаатига хизмат қилдиришга ундаш эди. Дарҳақиқат, нафақа олувчиларнинг ҳаммаси хоннинг қариндошлари, волость бошлиқлари ва императорнинг ҳомийлари эди.

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1882 йилдан 1909 йилга қадар Самарқанд вилояти бўйича фақат икки кишига нафақа тайинланган. Бу нафақа ҳам маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқлар эвазига берилган. Чор ҳукумати ўлкада йиғиб олган солиқларнинг умумий миқдоридан 0,8 фоизнигина нафақа учун берар эди, холос.

Келтирилган бу жонли далиллар Туркистон меҳнаткашларнинг рус мустамлакачилари томондан нақадар шафқатсизларча эксплуатация қилиб келганликларининг яққол ифодасидир. Мустамлакачилик йилларида чор ҳукумати айниқса халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларига деярли ҳеч қандай эътибор бермади.

1910—1912 йилларда бутун Туркистон халқ маорифи учун 266.014 сўм маблағ ажратилган бўлса, шундан Сирдарё вилоятига 186.710 сўм, Фарғона вилоятига 40.489 сўм белгиланган.

1910—1912 йилларда мустамлакачилар Туркистон ўлкаси бўйича руҳий касалликларга чалинган фуқароларга ва уларни даволаш харажатларига 33.525 сўм маблағ ажратган холос. Самарқанд вилоятига тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун эса кўп эмас, оз эмас 50 сўм ажратилган!!!

1917 йил октябридаги Петрограддаги қонли давлат тўнтарилиши Туркистондек собиқ чор мустамлакасини ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда ҳам ҳокимият шўролар қўлига ўтди. Шўроларнинг Туркистон ўлкасидаги аҳолини ижтимоий муҳофазаси масалалари дастлаб янги шакланган мустамлакачиларнинг қўйидаги ҳужжатларида ўз ифодасини топди (қўйидаги ҳужжат кадоскоп орқали экранда кўрсатилади).

Туркистон ўлка халқ Комиссариатининг ўлка халқ Комиссариати бўйича буйруғи

13 май, 1918 йил  
9.241 сонли, Тошкент ш.

«Бошпанасизлар ва боқимсизлар Халқ комиссариати» деган номни социалистик ижтимоий таъминот муҳтожларга фақатгина хайр-эҳсон ва садақа этишга асосланиб келганлиги боис, Туркистон Халқ Комиссариати қарор қилади:

«Давлат бошпанасизлар ва боқимсизлар Халқ Комиссариати бўлими» эндиликда «Халқ ижтимоий таъминот бўлими» деб қайта номлансин.

Бошпанасизлар ва боқимсизларга тегишли ҳамма жорий ишлар соғлиқни сақлаш Комиссариати ва фуқаролик маъмурий муассасаларидан олиниб, Меҳнат Комиссариатига ўтказилсин. Туркистон ўлка халқ комиссарлари Кенгаши Раиси. Фёдор Колесов.

Соғлиқни сақлаш Комиссари. Турсунхўжаев.

Кенгаш котиби. Петренко.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви: 25 фонд, 1-рўйхат, 35-йиғма жилд, 278-варақ.

Мазкур тарихий ҳужжат изоҳланиб бўлгач, ўқитувчи талабалар диққат-эътиборларини муқаддас Ислom динининг беш устунидан тўртинчиси ҳар бир инсоннинг моли (бойлиги) ҳисобга етгач, иқтисодий жиҳатдан муҳтож бўлган бева-бечораларга моддий ёрдам беришга давлати бугунги дунёдаги ҳар қандай экстремистик ғоялар, мақсадлардан фарқли ўлароқ умуминсоний қадрият бўлиб келганлигини ва ўзинида ози боболаримиз ана шундай талабларга оғишмай аман қилиб келганликларига жалб этилади. Шундан кейин талабалар (тингловчилар) диққат-эътиборлари аҳолини кучли ижтимоий ҳимояларида Президент Ислom Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда бутун дунё давлатчилиги назарияси ва амалиётида катта ижобий баҳоланаётган:

б) Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилайдиган «Ўзбекистон модели» китоскон орқали қуйидаги беш бандига жалб этилиб, улардан айниқса тўртинчи банди кенг изоҳланади.

*«Биз ўлимизнинг шароитида, деб қайд этади Президент Ислom Каримов ўзининг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» номли асарига, -- кўп болалар оилаларга, қариylарга, бечораҳолларга мадад бермасак, ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишбилармонлик бўлмайди. Шу сабабли мен, Президент сифатида камбағалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъий ва жуда қаттиққўллик билан ўтказмоқдаман».*

Ўқитувчи мазкур дарс жараёнида талабалар (тингловчилар)га аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоясига доир тэтчеризм концепцияси борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини бобомиз Баҳовуддин Нақшбанд ҳаяратларининг умуман дунё динларидаги таркидунёликка (дарвешлик, монахлик) қарши тариқатлари — меҳнат қилишга қодир бўлган ҳар бир инсон учун «Даст ба қору, дил ба Ёр», яъни «*Имкони бор ҳар бир инсоннинг қўли меҳнатда бўлсину, қалби Аллоҳда бўлсин!*» деган ҳикматларини шарҳлаш билан якунлайди.

в) эндиги навбатда ўқитувчи талаба (тингловчи)лар диққат-этиборларини дарснинг баён этиш режасидаги «в» банди — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (IX—X боблар) аҳолини кучли ижтимоий ҳимояланишини қонун билан мустақкамланганлигини ифодаловчи моддаларини кадоскоп орқали экранда кўрсатиш ва ҳар бир моддани шарҳлашга ўтади. Жумладан, қуйидаги моддалар:

*39-модда.* Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

*40-модда.* Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

*41-модда.* Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.  
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.  
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

*45-модда.* Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир юқоридаги моддаларини экран воситасида кўрсатиб, шарҳлаб берилгач, эндиги навбатда талаба (тингловчи)ларга миллий мустақилликка эришганимизнинг 15 йиллиги муносабати билан ўрганилаётган масалалар хусусида соҳалар бўйича қўлга киритган ютуқларимиз яна кадоскоп орқали экранда намойиш этилиб, талабаларнинг конспект ёзишларига имкон яратиб беради ва қуйидаги факт ва рақамлар атрофлича шарҳлаб берилади.

Энди талабалар диққат этиборини дарс режасининг «г» бандидаги талабалар — Ўзбекистон Республикасининг ўтган шонли 18 йил давомида қўлга киритган қуйидаги ютуқлар ва уларнинг шарҳига қаратилади.

Талаба (тингловчи)ларга Ватанимизнинг асрларга тенг йиллар 18 йил давомида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шунингдек Жаҳон ҳамжамиятлигига қўлга киритган беназир ютуқларини сарҳисоб этиб кўрсатар эканмиз, бу жараёнда Юртбошимизнинг келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларимиз тўғрисидаги ғамхўрликларини ифодаловчи қуйидаги ҳаракат дастурлари мазмун моҳияти билан ўқувчиларга муфассал таништиришимиз ва умумлаштиришимиз талабга мувофиқдир.

«Билдимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат ши-жоатли шахсларни Ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарвар-ларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятла-рини улкан маънавий мерослар билан бойита оладиган жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан биҳрамаид эта оладиган мам-лакатгина, миллатгина буюк келажакка эришини мумкин».

**Ислом Каримов**

*Маъжур ўринда ўқитувчи талабаларга илгаридан тайёрлаб қўйилган тарқатми дидактик материаллар исосида қуйидаги муаммоли савол-ларни ўртада ташлайди:*

1. Ақлини кучи ижтимоий ҳимояни деганда нимаши тушунасиз?
2. 1994 йил 24 августда Президентнинг «кам таълим этилган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг маъмуни нималардан иборат?
3. Жамиятни демократиялаш ва кенг қўламадаги ижтимоий-иқтисодий ва снъсий ислоҳотида Ўзбекистон моделининг моҳияти нимадан иборат?
4. 1996 йил 10 декабрида «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириши тўғрисида»ги фармонининг маъмуни нимадан иборат?
5. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги мнърузасида «Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — усгувор вазифамиз», деганиларида қандай вазифалар ҳақида гап боради ва уларнинг ечими нималардан иборат?
6. Президент Ислом Каримов томонидан 2006 йилни «*Ҳомийлар ва шифокорлар йили*» деб эълон қилиниши ўзбек халқининг қадим замонлардан буён саҳоватпеша эканликларини яна бир бора тасдиғи бўлаётганлигининг реал ҳаётимиздаги исботини нималарда кўрдингиз?
7. Нима учун 2007 йилни юртимизда «*Ижтимоий ҳимоя йили*» деб эълон қилинди?
8. Нима учун 2007 йил таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти — Айсеско (Isesco) томонидан Тошкент шаҳри «*Ислом маданияти пойтахти*» деб эълон қилинди?

Синфга берилган муаммоли саволнинг биринчисига талабалар томонидан берилган жавоб ўқитувчи томонидан таҳминан қуйидаги формада умумлаштирилган ҳолда баён этилади.

«Ижтимоий таъминот» деганда давлат томонидан яратиб бериладиган ҳаётий фаолият учун зарур бўлган эҳтиёжни моддий томондан қопдириш мақсадида моддий ва бошқа ижтимоий ҳимоя қилиш ту-

шунилади. Бунга пенсия, нафақа ва ижтимоий ночор фуқароларни пул ва шунга ўқшаш шакллардаги моддий таъминотлар билан таъминлаш кирази.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилларидан бири давлат фаолиятини иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилишга асосланган кучли ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Давлат органлари жумладан, Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар ҳокимиятлар, маҳаллий вакиллик органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз ваколатхоналари доирасидан фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни амалга оширадilar.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда айнан шундай вазифаларни амалга оширишга қаратилган махсус давлат органлари бу ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг жойлардаги тегишли органларидир. Шунингдек, республикамизда «Пенсия фонди», «Болалар фонди», «Маҳалла фонди» ва бошқа фондлар ташкил этилиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда. Республика Президенти Фармонига кўра фуқароларнинг ижтимоий таъминоти билан шуғулланиш вазифаси билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилган.

Табийки, ўқитувчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилашда аҳолини кучли ижтимоий ҳимояси хусусидаги фикри — *«Ишончли ижтимоий кафолотларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларнинг ҳамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизни янгилашдан иборат ғоят кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олади»*, деган кўрсатмаларини баён этиб шарҳлашдан сўнг талабаларга берилган тарқатма материаллар мазмунидан келиб чиқиб, иккинчи муаммоли саволнинг шарҳига ўтади.

2006 йилни Юртбошимиз томонидан *«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»* деб эълон қилиниши мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўплаб янги ишчи жойларини бунёд этиш, мамлакатимизда ишсизлар сонини камайтириш, уй шароитида, айниқса хотин-қизларнинг касб фаолиятлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг ёшлари нафақа олиш даврига еттунига қадар иш стажлари қайд этиладиган меҳнат дафтарчаларининг жорий этилиши, чорвачилик билан шуғулланиб келаётган юртдошларимизга пенсия ёшига еттунига қадар взнослар тўлаб боришларини қонунлаштириш каби ижтимоий тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, «Ҳашар» ўзбек халқи урф-одати ва миллий қадриятида аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда асрлардан буён давом этиб такомиллашиб бораётган анъаналаримиздан ҳисобланади. Биргина 2006 йилда минглаб юртдошларимиз фаол иштирок этган ана шундай холисаллиллоҳ йўлида амалга оширилган ҳашар тадбирлари би-



лан 2 минг боқувчисини йўқотган ва ногирон фуқароларимиз яшайдиган хонадонлардан 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жой ҳашар йўли билан сифатли таъмирланди. Шунингдек, 66 минг кам таъминланган оилалар республикамиздаги кўшлаб «Саховат», «Муруват», «Меҳрибонлик уй»лари ва махсус мактаб-интернатларга ва 25 минг ёлғиз қария ва ногиронларга ҳукуратимиз томонидан 3,5 миллиард сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

2006 йилда кам таъмин этилган оилаларнинг бошлангич синфларда ўқийдиган болаларидан 725 минги давлат томонидан 16 миллиард сўмлик кийим-кечак билан таъминландилар. Шунингдек, 521 минг биринчи синфга ўқишга келган ўқувчиларга 15 миллиард сўмлик дарсликлар ва бошқа ўқув анжомлари совға сифатида бепул берилди.

Ўтган давр ичида 161 болалар спорт комплекслари, шулардан 18 таси янги, 108 таси реконструкция қилинган мактаб спорт заллари. 35 та мактаб спорт комплекслари қурилиб ишга туширилди. Биргина 2005 йилда халқ таълими ривожлантириш учун давлатимиз томонидан 545.000 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ўтган 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан халқимиз соғлиғини сақлаш борасида ҳам улкан яратувчанлик йили бўлди. Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва замонавий техника базасини мустақамлаш учун давлат бюджетидан 7,6 миллиард, яъни 2005 йилдагига нисбатан бир ярим баробар ортиқ маблағ ажратилди. Ҳомийлар ҳисобидан эса ана шу мақсадда 7 миллиард сўмдан кўп харажат қилинди. Республика махсус кўз хирургияси Маркази, жарроҳлик ва кардиология Марказлари, Физиотерапия ва пульманология илмий-текшириш институтининг 60 ўринли терапия бўлими капитал таъмирлаш ва замонавий медицина техник воситалари билан жиҳозланди. Шунингдек, республикамиздаги мавжуд туғруқхоналарнинг аксариятларида моддий-техника базалари мустақамланди. Янги жиҳозлар ва мебеллар билан таъминланди. Соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақлари ва уларнинг ижобий ишларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ишларида ҳам катта ижобий ишлар амалга оширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг самарали яқунлаш учун 224 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса шундан 133 миллиарди давлат бюджетидан, 151 миллиарддан ортиқроғи эса турли ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан амалга оширилган эди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукурати томонидан амалга ошириб борилган тadbир-чоралар натижасида шифокорларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 2006 йил шароитида тахминан 2,2 баробар ошди. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилинганлиги ва бу сана 12 ноябрь куни биринчи бор юртимизда кенг нишонланди.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида қайд этиб ўтганидек, «Ўзбек модели» деган маъно билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимининг негизида машҳур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш малакаси ҳам туради.

Давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган харажатларга биргина 2006 йилда 51%ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 54,1% ни ташкил этади.

«Бугун юртимизда ҳар томонлама ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли, ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда».

**Ислом Каримов**

Мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида борар экан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошириши натижасида 1999 йилдан буён касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида иқтисодиётимизнинг турли соҳалар тармоқлари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадрлар тайёрланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

**Буни эсда сақланг:**

«Биргина 2006 йилнинг ўзида 8000 ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 000 ўринли 124 касб-хунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди. 8.7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув лаборатория жиҳазлари харид қилинди. Мактаб таълими ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2006 йилда 61 та янги мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди. 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб таъмирланди».

Лицей ва коллежларни битирган минг-минглаб ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли ишламоқда.

«Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан мутлақо янгича усуллар жорий этилди. Барча мактабларда меҳнатда ўрнатилган халқ таълими ходимларини рағбатлантиришга қаратилган мактаб директори фондлари тузилди»<sup>1</sup> ва биргина 2006 йилда шу фондлар орқали 190 минг нафарга яқин ўқитувчи рағбат-

<sup>1</sup> «Фидокор» газетаси, 2007, 13 февраль.

лиштирилди. Шунингдек, «инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соҳалар — ҳаёт даражасини кўтарини, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, одамларнинг кайфиятини таъсир этдиغان ижтимоий масалаларни ечишга алоҳида аҳамият бериш кераклиги, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун бўлиши лозим»<sup>1</sup>лиги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш сиёсатининг диққат марказидаги мажбурият бўлиб, бу мажбурият кундалик амалий ҳаётимизда унинг олимшумул натижаларини бермоқда.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда мамлакатимизда солиқ сиёсатини яқинлаштириш муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу соҳани янги йилда такомиллаштиришда қатор тўғирилар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, даромад солиғи ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш режаланган.

**Буни эсда сақланг:**

Тиббиёт, таълим ва спорт объектларини сақлаш харажатлари корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариладиган, санъода илгари тўлаб келинган учта тўлов ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадларидан олиннадиган солиқ ставкалари сезиларли даражада пасайтирилади. Қатор бошқа солиқ тўловлари унификация қилинади.

**Ислом Каримов**

Қишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этишда давлат томонидан тегишли имтиёзлар берилиши керак. Шу билан бирга, қишлоқда зарур инфратузилма — газ, сув, электр, коммуникация тармоқларини яратиб беришни ҳукумат ўз зиммасига олиши даркор. Шундагина бу жойларда чет эл инвестицияси келади, шундагина қишлоқда ривожланиш бўлади.

**Ислом Каримов**

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда 2006 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан аҳолини турмуш шароитини йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлигини аниқ статистик маълумотлар асосида шарҳлаб берар экан, «*статистик маълумотлар социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мам-*

<sup>1</sup> «Фидокор» газетаси, 2007, 13 февраль.

лакатимизда 2006 йилнинг охирида ўртача реал ойлик иш ҳақи 185 минг сўмни ёки салкам 150 АҚШ долларини ташкил этган.

Мамлакатимиз иқтисодийети ривожини учун мустақкам ва барқарор пойдевор яратилганини ҳамда шаклланиб бораётган тенденцияларни инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса, яъни уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқдамиз», деди.

2000 йилдан бошлаб мамлакатимиз олий ўқув юрглари тарих факультетларида «Миллий ғоя ва мафкура» фанини ўқитилиши муносабати билан шу фанни ўқитиш жараёнида «Миллий ғоя ва мафкурани ҳаётга татбиқ этиш методикаси» номли махсус фан ҳам ўқув режасига киритилган. Табиийки, бу давр талаби. Шундай экан, нафақат миллий ғоя ва мафкурани ҳаётга татбиқ этиш методикаси курсини ўқитиш жараёнида, балки барча ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида талаба ёшларга у ёки бу тарихий давр тўғрисида илмий-назарий ва амалий маълумотларни самарали шакллантириш жараёнида тарихий фактларни макон ва замонда аниқ факт ва рақамлар воситасида қиёслаб кўрсатиш методикасидан кенг ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай экан, биз мамлакатимизда мустақиллик йилларининг, айниқса сўнгги икки-уч йилида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласида Президент Ислон Каримов асарлари, нутқлари, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари асосидаги факт ва рақамларни шўролар истибдоди давридан олинган аниқ рақамлар ва маълумотлар асосида баён этишимиз ёшларимизда мустақиллик неъматлари, миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва ривожланиши масаласига нисбатан миллий ғурурни шакллантириш ва мустақиллигимизни мустақкамлаш йўлида ўз ҳиссаларини қўшишлари йўлидаги фаолиятларини шакллантиришда катта амалий аҳамият касб этади.

Шу ўринда Президент Ислон Каримовнинг «Кеча ким эдик, нима масалада бизлар азоб-қубат чекканмиз ва бутун ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор?»

Бизлар қандай қадам қўйяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми? — деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Куруқ ташвиқот керак эмас».

«Бир вақтлар бир бурда нонга муҳтож бўлиб юрганимизда, очликдан ўлиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардим. Мана бугун ҳамма нарса бор, одамларнинг юришини, кийинишини кўринглар, одамларнинг яшашини, ейиш-ичишини кўринглар.

Албатта, ҳали кўп нуқсонларни, хатоларни бартараф қилишимиз, ҳаммамиз фидокор бўлишимиз зарур»<sup>1</sup>, деган фикрларни талабаларига

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз». 8 жилд, — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 8—9-бетлар.

зелатиш, фикримизга уларни огоҳликка даъват этишга ҳам чорлаш бўлиб келиб қилиши.

Ўқитувчи маъкур дарсининг «б» бандида қайд этилган масалаларни шарҳлаш жараёнида мамлакатларимизда етим болалар ва фарзандсиз оилалар туғрисида таъхурлик, «Киндердорф» — «Болалар мақаллари» туғрисидаги Австралия лойиҳасининг Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилишида ҳам намозни булаётганлиги хусусида тўхтаб ўтди. Бу «Болалар мақаллари»да ота онаси етим болалар ва фарзандсиз оилаларнинг кўчилиши уш жойли, бун бугун оила бўлиб ишини бахтига мунсер тақликларини кўрсатиб ўтди.

Уларнинг оила баҳоларини изҳаб ёлон қилади, шундан сўнг маъкур мавзуда ўқувчилар (тинловчилар)нинг уш вазифаси сифатида тайёрлаётган мустақил ишлари (рефератлари) учун фойдаланишлари лозим бўлган. Илгаридан кучма доскага ёзиб қўйилган қуйилган адабиётлар рўйхатини яна бир бора эълатиб ўтди:

1. Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули». Т.: «Ўзбекистон», 1992 йил.
2. Каримов И. А. «Адолат — қонуни устуворлигида», — Т.: «Ўзбекистон», 2001 йил.
3. Каримов И. А. «Тинч осойишта ҳаётни қадрлаш ва мустақамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш — барчамизнинг асосий вазифамиз». «Халқ сўзи», 2006 йил 14 октябрь.
4. Каримов И. А. «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиз». «Халқ сўзи», 2006 йил 8 декабрь.
5. Каримов И. А. «2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантирини яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари». «Fidokog» газетаси. 2007 йил 13 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастури туғрисида. «Маҳалла» газетаси, 2007 йил 24 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ». — Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.
8. Президент Исломи Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. «Куч — Адолатда» газетаси, 2007 йил 23 февраль.
9. Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Т.: «Шарқ», 2000 йил.
10. Лафасов М., Тошпўлатов Т. «Мустақиллик дарсларини ўқитиш бўйича методик қўлланма (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун)». — Т.: «Ўқитувчи», 2001 йил.

### 3-ДАРС

## МАВЗУ: «МАФКУРАЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ»

### ДАРСНИНГ РЕЖАСИ

1. Ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари.
2. Инсоният тарихи, тараққиёти ва таназзулида ғоя ва мафкура-нинг тутган ўрни.
3. IX—XII асрларда Шарқ Реннасанси — Уйғониш даври ғояла-ри, мафкураси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Чор истилоси ва шўролар истибдоди даврида ғоявий ва маф-куравий жараённинг бориши.  
Хулоса.

### МАВЗУГА ДОИР АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил.
2. Каримов И. А. «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқда-миз». — Т.: «Ўзбекистон», 1999 йил.
3. Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». — Т.: «Шарқ», 1998 йил.

Кишилик жамияти тарихига назар ташлар эканмиз, унинг ҳар бир саҳифасига, ҳар бир даврда турли ижобий ва салбий ғоя ва мафкуралар излари-ю, қолдиқларининг гувоҳи бўламиз. Улар кўпинча эзгулик ва ёвузликда, озодлик ва истибдодда, айниқса, маърифат ва жаҳолатда маф-кура шаклида намоён бўлади. Уларнинг афсона ва ривоятлар воситаси-да ифода этилган мифологик, илоҳий қадриятлар мажмуаси бўлган ди-ний, оламга илмий ёндашув асосида вужудга келган дунёвий кўриниш-лари мавжуд бўлиб, улар ибтидоий жамоа давридаги мифологияга асосланган, диний-илоҳий дунёқарашларидан келиб чиққан: *тотемизм*, *анемизм* ва *фетишизм* каби ғоявий тизимлар мажмуини ташкил этиб, ўша давр мафкурасига яқин дунёқарашни келтириб чиқарган.

Кишилик жамиятининг ўсиб, ривожланиб бориши билан миллий мафкура жараёнлари ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан янги жамият, янги мазмун касб этиб борди. Жумладан миллий асосдаги *ҳиндиузм*, *иудаизм*, *конфуцийлик* сингари диний мафкуралар шаклланиб борди.

Рим империяси шаклланган дастлабки даврда *христианлик дини* аста-секин унинг империя мафкурасига айланиб борди ва бугунги кунда ҳам дунё христианларининг ғоявий маркази сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Инсоният яратилибдики, оламнинг вужудга келиши, унинг асо-  
сини нима ташкил этган деган масала ҳам турлича тасаввур ва тал-  
килларни келтириб чиқарган ва бу масала файласуфлар *монизм, дуа-  
лизм, идеализм, канфуцийлик, ҳиндизм, пюранизм, идеализм* ва ниҳоят  
*материализм* каби «ичмлар» тизимини келтириб чиқаради. Ана шу  
«ичм»лар муайян тарихий давр ичиди муайян ҳудудларда миллий  
асосдаги мафкуралар бўлиб, мутлақ давлат мафкураси даражасига  
кўтарилган. Масалан, шўролар даврида дахрийликка асосланган «ма-  
териалистик» деб аталмиш дунёқараш худди ана шундай тоталитар  
тузумнинг ягона давлат мафкураси эди. Бу борда собиқ шўролар  
Конституциясининг *6-мақдасида*: «Совет жамиятининг раҳбар ва етак-  
чи кучи, совет жамияти сиёсий тизимининг, давлат ва жамоат таш-  
килотларининг улаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир.  
КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади.

Маркеча-ленинча таълимот билан қуролланган коммунистик  
партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг  
ички ва ташқи сиёсатини белгилаб беради», дейилган.

СССРнинг сўнгги Конституциясидаги мазкур модданинг Ком-  
мунистик мафкуранинг, дарҳақиқат тоталитар тузумнинг Давлат  
мафкурасида таянч нуқта бўлиб хизмат қилганлиги ҳеч қандай шарҳ  
талаб этмаса керак.

1. Ғоя ва мафкуранинг шакллари тўғрисида гап борганда идеа-  
лизм билан материализм ғоялари хусусида албатта тўхтаб ўтиш ло-  
зим. Чунки, бу икки ғоя ўртасидаги кураш ниҳоят узоқ тарихга эга.  
Мазкур ўринда Асадулла Ҳақназарнинг 1999 йил «Халқ сўзи» газета-  
сининг 27 февраль сонидида «*Огоҳликка даъват*» рукни остида «Фев-  
раль воқеалари» мақоласидаги шўролар давридаги коммунистик маф-  
курага берилган баҳони эслаш жоиз кўринади. Мақолада кўрсатил-  
ганидек, ҳукмрон мафкурага сал қовушмайдиган оддий бир гап учун  
халқнинг асл фарзандлари қатағон қилинганлиги боис аксарият одам-  
лар иккиюзламачи, тилёғламалик орқали кун кечирганлари ҳаёти-  
мизнинг қонунига айланган эди.

Гап шундаки, фикримиз ёшларимизда миллий ғоя ва миллий  
мафкурани жадал шакллантириб бориш экан, бунда ҳаргиз ғоялар  
тарихида учратганимиздек, *Дуализмга* — яъни оламнинг ибтидоси  
ҳам деган ғояга асло ўхшамаслиги даркор!

2. Юқоридаги шўролар давридаги тоталитар тузумга дарғачи бўлиб  
хизмат қилган коммунистик ғоя ва коммунистик мафкуранинг тут-  
ган ўрни ва ролини кўрдик. Мазкур ўринда шуни алоҳида қайд этиш  
лозимки, халқ мақолларида айтилганидек, «*зўрлаган ит овга ярамас*»  
экан. Зўрма-зўракилик билан «сингдирилган» ғоя, мафкура вақт-  
соати келиши билан халқ манфаатини ўзида ифода этаолмагандан  
кейин дорилбақога юз тутди. Бу хусусда коммунистик ғоя ёки маф-

кура ягона эмас. Масалан, Францияда ҳокимият Наполеон Бонапарт қўлига ўтгандан кейин, унинг Францияни Европадаги ягона империяга айлантириш орзуси пайдо бўлди. Шу мақсадда у қўшни давлатларга ва ҳатто узоқ Мисрга нисбатан қатор босқинчилик урушлари ҳам олиб борди ва кутилмаганда сезиларли ҳарбий ғалабаларга эришди. Ҳатто унинг шахси илоҳийлаштирила бошланди. Бу борада унинг Тулон ҳарбий мактабида ўқиган маслакдош дўсти, офицер Шовеннинг роли катта бўлди. Шовен ғоясининг асосини Наполеон шахсини илоҳийлаштиришга даъват этувчи таҳлил этганлиги боис, кейинчалик бориб муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган, уни абадийлаштирадиган мафкурага айланди.

Худди ўшандай жараён 1933 йилда Германияда Адольф Гитлернинг ҳокимият тепасига келгандан кейинги *расизм* сиёсати, яъни немис ирқини дунёдаги энг олий ирқ, жаҳоннинг ҳамма халқлари, биринчи галда славянлар ана шу «олий ирқ» — немисларга бўйсунушлари керак, деган ғояни келтириб чиқарган эди. Бу хаёлпарастлик немис халқини қандай фалокатларга олиб келганлиги албатта ҳеч қандай шарҳ талаб этмайди.

Ёинки, Чор Россияси генерали Черняев Тошкент шаҳрини босиб олганидан кейин шаҳарнинг энг кўркем ҳудудларидан бўлган бугунги Бобур боғи ўрнида ўзи ва босқинчи оқсуяклар учун хордиқ чиқарадиган гўша ташкил этди. Боққа кириш жойида маҳаллий халқни бу жаннатмакон ҳудудга киришни қатъиян ман этадиган каттакон транспарант осиб қўйилиб, унга рус тилида «Сартам-собакам проходить по данной территории категорически запрещается» (Сартларга, итларга, ушбу ҳудуддан ўтиш қатъиян ман этилади) деган миллат учун ҳақорат сўзлар ёзиб қўйилган эди. Буюк рус шовинизми билан йўғрилган бундай дўқ-пўписалар албатта тарихда ўзининг ифлос изларини қолдирмасдан қўймади. Шўролар даврида ҳам рус тилини билмайдиган мутахассис кадрлар ҳар қадамда таъқиб этилиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги ўқув муассасалари учун янги Фан — «*Миллий ғоя ва мафкура*»дан (2000 йил декабрь) тавсия этган ўқув дастурида 1 соатлик дарс «Мафкураларнинг тарихий шакллари» мавзусини ўрганишда «Қадимги давр маънавияти ва мафкураси. IX—XII асрларда Шарқ Ренессанси (Уйғониш) даври. Темур ва темурийлар даври мафкураси. Даврлар алмашинуви ва мафкуралар баён этиш талаб этилади. Талабаларимизда миллий ғояни чинор илдизидек мустаҳкам, IX—XII—XIII асрларга бориб тақаладиган ғоявий илдизларимизга эга эканлигимизни батафсил баён этишимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки, би-



ринчидан биз Республикамиздин Олий Ҷуқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар билдим юртлари, коллежларда таҳсил олаётган талабаларимизнинг туққан миллик умумтаълим мактабларидан тарих фақидан қандай билдимлар билан келгачоликларини, очик тан олиш керакки, аниқ билмаймиз. Бу Ҷуқув юртларида ўрганиладиган тарихий давр эва мавзунинг янни тарих даври — 1917—1918 йиллардан бошлашиб бутунги кунимизга қалар бўлган даврни ўз ичига олади. Шундай экан, биз янги Фан — «Миллий ғоя ва мафкура»ни ўқитишга киришар эканмиз, унга ижодий ёланишиб, унинг дастурига қатор жиддий туштишлар ҳам киришимизга тўғри келмоқда. Масалан, дастурда юқориди кўрсатилган мавзу (тан олиш керак илмий-назарий ва методик жиҳатдан пихотда кенг қамровли мавзу)ни ўрганиш учун 1 соат (45 минут) маъруза, 2 соат амалий машғулот ўтказиш тавсия этилган. Фикримизча, бу тавсия амалий ҳаётдан анча йироқ. Бу мавзунга камиди 2 соатлик малакали маъруза берилиб, шунда ҳам маърузамиз кўпроқ тарихий эскурсе характериди бўлади, бу тавбий ҳол. Кейин талабаларга IX—XII—XIII асрлар маънавияти ва мафкураси хусусиди элементар тушунчаларни берганлигимизга иймон-этиқод билан қаноат ҳосил қилганимиздан кейингина шу мавзуда ўтказадиган амалий машғулотимиз — семинарнинг муаммоли саволларини ва бир вақтда талабаларда ўрганилаётган, аниқроғи таҳлил этилаётган «Шарқ Ренессанси» даврида миллий ғоя қандай ўрин тутганлигини диққат марказларида тутишларига йўналтирмоғимиз лозим. Фикримизча, мазкур мавзу бўйича баён этилаётган маъруза матнимизнинг режасиди қайд этилган пунктлар ана шу талабаларни амалга оширишди асқотиши мумкин. Энди Ватанимизнинг IX—XII—XIII асрлардаги маънавияти ва мафкураси масалаларига ўтсак.

Дарҳақиқат, жаҳон цивилизацияси тарихиди «Шарқ Ренессанси даври» деб тан олинган халқимизнинг IX—XII—XIII асрлар тарихи мазмун-маъноси жиҳатидан шу улуг номга лойиқдир. Жаҳон цивилизациясиди муносиб ўрин олган кўпгина машҳур юртдошларимизнинг илмий-амалий фаолиятлари худди мана шу даврга тўғри келган. **Мана улар:**

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783—850).

Имом ал-Бухорий (810 йил 13 май-Бухоро-870 йил 1 сентябрь) Хартанг қишлоғи.

Фарғоналик астроном ал-Фарғоний (IX аср) Абу Исо ат-Термизий (825—892).

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвези (870 йилди Марв шаҳриди вафот этган).

Абду Абдулло Жаъфар Рудаки (941 йилди, бошқа маълумотларга кўра 952 йилди Панжруд қишлоғиди, яъни ўз Ватаниди вафот этган).

Абу Ҳасан Шаҳид Балхи (Рудакийнинг яқин шогирди бўлган).

Абу Шакур Балхи (915 йилда туғилган).

Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий (977 йилда вафот этган).

Абу Қосим Фирдавсий (934 ёки 941 йилда туғилган).

«Китоб ал-маариф» (Билимлар китоби) асарининг муаллифи, Ибн-Қутайба (828—889).

Муҳаммад Балхи (876—886).

Абу Бакир Наршахи (959 йилда вафот этган, «Тарихи Бухоро» асарининг муаллифи.

Маҳмуд Кошғарий («Девону луғотит турк»).

Абу Наср Фороби (870—950).

Абу Али ибн Сино (980—1037).

Абу Райҳон Беруний (973—1051).

Абу Сайд Гардизий (XI аср) тарихчи «Зейн ал-ахбор» «Маълумотлар гўзаллиги» асари муаллифи.

Абул Файз Бейҳақи (955—1077) Ғазнавийлар давлатида девонбоши котиби мансабида ишлаб, Султон Маъсуднинг подшолик даврини баён этган «Тарихи Маъсудий» асарини яратган.

Мажиддин Муҳаммад ибн Аднон (XI аср) «Тарихи мулки Туркистон» асарининг муаллифи.

Амак Бухорий (1149 йилда вафот этган).

Сузаки Самарқандий (1173 йилда вафот этган).

Рашиди Самарқандий (XII аср).

Асади Тусий (170 йилда вафот этган).

Носир Хусрав (1004—1080).

Маъсуд Саад Салмон (1046—1121).

Адиб Собир Термизий (1140 йилда вафот этган).

Аухаддин Анварий (1126—1190) Султон Санжар даврида

Ҳамидиддин Балхий (XI аср).

Низом ул-Мулк («Сиёсатнома» асарининг муаллифи).

Имом Фаҳриддин Муҳаммад ибн Умар Розий (1148—1210).

Абул Қосим Маҳмуд Замаҳшарий Хоразмий (1074—1143).

Абу Бакр Журжоний (1108 йилда вафот этган).

Зайниддин Исмоил Журжоний (1135 йилда вафот этган) — «Захираи Хоразмшоҳ» асарининг муаллифи.

Муҳаммад Ғазалий (1058—1112) — файласуф.

Юсуф Ҳамадоний (1048—1141) — тасаввуфнинг йирик намоён-даси.

Хўжа Абдуҳолиқ Гиждувоний (1103—1179) — тасаввуф тариқатининг асосчиси.

Қул Хожа Аҳмад Яссавий (1103—1166).

Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғуний («Қутадғу билик») асарининг муаллифи.

Аҳмад Юнжакий («Ҳибат ал ҳақойиқ» — «Ҳақиқат совфаси» асарининг муаллифи).

Баҳодурдин Никробанд (1416—1489) ва кўнраб бошқа олиму фузалолар.

Тибийийки, мазкур курс ҳақиқат сифатида узил-кесил шаклланмаганлиги жонг, бу курсдан миғруш еки амалий машғулотлар олиб борувчи педагоглар сўлида қатор қийинчиликлардан бири ўқитувчи қўлида мавзуга доир синхронизация асосида ёзилган фактик ахборот ва илмий-методик материалларнинг йўқлиғидир. Ана шу муаммони маълум даражиди енгиллаштириши мақсашида ушбу мавзу матнини қўшимчи равишда юқорида келтирилган олиму фузалолардан айримлари хусусидаги фактик материални илова қиламиз. Ўйлаймизки, яқин келжакда бундай материаллар қўлами кенгайиб борарди.

4. Буз ўқув дастури талабига ижодий ёнданиб, ушбу мавзу режа-сига «*Чор истилоҳи ва шўролар истибодди даврида гоъвий ва мафқураний жараённинг бориши*» масаласини алоҳида кўриб чиқишнинг лозим топдик. Бу масала гарчи бир қарашида умумий обзор шаклидаги жавоблар мажмуини талаб этгудай кўринса-да, аслида бирмунча мураккаб жараёнларни қамраб олишнинг талаб этади. Гап шундаки, мазкур курсни ўқитишдан мақсад — талабаларда гоъ ва мафқуранинг тарихий шакллари хусусида аниқ илмий тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Шундай экан, диёримизда 130 йилдан зиёд мустамлакачилик зулмини ўтказиб келган чоризм ва шўролар истибодди, ўша даврда шаклланган гоълар тизими ва мафқуралар тарихий ҳақиқатлар асосида тушунтириб берилмоғи даркор. Мазкур ўринда ҳурматли файласуфларимиз хоҳлайдиларми, йўқми бу муаммони асосан ўзбек халқи миллий озодлик ҳаракатлари тарихи билан чамбарчас боғланган ҳолдагина самарали амалга ошириш мумкин.

5. Дарсинг сўнгги пунктига жавоб ҳам ўзининг аниқ баён этилишини тақозо этади.

Фикримизча, бу масалалар мавзу юзасидан олиб бориладиган амалий машғулот давомида ўзларининг тўла ечимларини топади.

### **«Мафқуранинг тарихий шакллари» мавзуси матнига илова**

#### **МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ**

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 783 йилда Хоразмда таваллуд топиб, 850 йилда Бағдодда вафот этган.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий жаҳон маданияти ва фанига қўшган буюк ҳиссаси билан машҳурдир.

Ёшлигиданоқ илм-фанга қизиққан Хоразмий ўша даврда катта илмий ва маданий марказ ҳисобланган Бағдодга таклиф қилинган. Аввал ал-Маъмун (812—833), сўнгра ал-Мутасим (833—842) ва ал-Восиқ (842—847) саройларида ишлайди.

Халифа ал-Восиқ Хоразмийга катта ишонч билдириб, уни қуйи Волга Ҳазар ҳоқонлигидаги ваколатхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. Бироқ, илм-фанга берилиб кетган ал-Хоразмий бу вазифани тарк этади ва элаглар турмуш тарзини ўрганиш мақсадида сафарларда бўлади. Афсус шахри яқинида жойлашган машҳур ғорни текширишда иштирок этади.

Хоразмийнинг асосий вақти Халифа Маъмун номига нисбатан бериб «Маъмун академияси» деб юритиладиган илмий марказ «Байтул ҳикма» (Донолар уйи)да ўтган. Бу ерда унинг раҳбарлигида араблар ва бошқа халқлар вакиллари билан бир қаторда, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвзий каби Ўрта осийлик олимлар кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Унинг «Ал-жабр вал-муқобала» — «Тенгламалар ва қаршилантриш» асари бир неча асрлар давомида бутун Шарқ ва Ғарбда алгебра фанидан асосий дастуриламал бўлиб келган. Жаҳонга машҳур италян математиклари — Финобаччи (Леонардо Баначчи), Паччиоли, Тарралья, Кардан, Феррари ҳам ўз навбатида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг шу шоҳ асрини лотин тилига таржима қилинган нусхасидан кенг фойдланганлар.

Хоразмийнинг номи алгебра фанида «алгоритм» атамаси билан абадул-абад қолган. Демак, ҳозирги замон алгоритм тушунчаси ал-Хоразмий исмининг лотинча талаффузи «алгоритмус» сўзидан олинган. Тенгламалар ҳақидаги фаннинг бир соҳасини ифодаловчи «Алгебра» сўзининг келиб чиқиши ҳам ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» рисоласи билан боғлиқдир. Ал-Хоразмийнинг бу асари ҳозирги Испания ва Португалия ерларида араблар орасида ҳам кенг тарқалган. Улар «ж» товушини «г» тарзида талаффуз этиб, «алжабр»ни «алгебр» деганлар. Мазкур китоб лотин тилига таржима қилинган, Ғарбий Европада ушбу сўз «алгебра» тарзида қабул қилинган ва тенгламалар ҳақидаги фаннинг номи бўлиб қолган.

Ал-Хоразмийнинг лотин тилига таржима қилинган «Зиж» («Астрономик жадвал»)и, «Куёш соати ҳақида рисола» ва бошқа асарлар Шарқ ва Ғарб мамлакатларида Ўрта аср илмий фикрларининг тарққиётига беқиёс катта таъсир кўрсатади.

Ал-Хоразмийнинг тарихга доир «Китоб ат-тарих» асари араб халифалиги, Хуросон, Кичик ва Ўрта Осиёнинг VII—XI асрлар тарихига доир энг аниқ ҳамда лўнда маълумот берадиган асардир.

Ал-Хоразмий ҳар бир асарни ёзишда унинг амалий аҳамиятига жиддий эътибор берган. Олимнинг ўзи тенгламалар ҳақидаги кито-

бида қуйидагиларни ёзибди: «Мен арифметиканинг содда ва мурак-киб масалларини ўт ичига олувчи «Ал-жабр вал-муқобала» ҳисоби ҳақида қисқача китоб ёзим. Чунки, у одамнинг мерос тақсимлаш, насиятнома ёзиш, боёлик тақсимлаш ва армия ишлари, савдо-сотик, капитал қозиш, геометрик ҳисоблишлар, шунингдек бошқа турли муносабатларда жула ҳам шарҳ».

**Қомусий билимлар эласи** бўлган ватандошимиз Мусо ал-Хоразмий 850 йилда Ўғандда вафот этди.

Олимнинг бош илмий мероси ҳамон ўт қимматини сақлаб, аж-лаллар олқинига сизовор бўлмоқда.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

Имомлар имоми ва муҳиддислар пешвоси бўлмиш Имом ал-Бухорий милодий 812 йил 13 майда (ҳижрий 194 йил Шаввол ойининг 13 куниди) Бухоро шаҳрида таваллуд топиб, милодий 870 йил 1 сеп-тибрида (ҳижрий 256 йил рамазон ойининг охири куни, шанба ке-чиси) 62 ёшларида Ҳартонда вафот этдилар ва шу манзилда дафн этилганлар.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, биз миллий истиқлоли-мига қадар ҳатто Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ фа-культетида таҳсил олган бўлсак-да, шўролар ҳукуматининг жанго-вор даҳрийликка асосланган ғоялари туфайли мусулмон дунёсида Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган ҳадиси ша-рифининг биринчи Имоми — Имом ал-Бухорий ҳазратларининг шахс-лари ва ижодий фаолиятларидан арзигулик тасаввурга эга эмас эдик.

Ҳолбуки, Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» (Ишонч-ли тўплам), «ал-Адаб ал Муфрад» (Одоб дурдоналари), «Ат-тарих ал кабир» (Катта тарих), «Ат-таърих ас-Сағийр» (Кичик тарих) ва жами йигирмадан ортиқ қомусий аҳамиятга молик бўлган асарлари маш-ҳур ҳаттотлар томонидан бир неча маротаба чиройли нусхаларда кўчирилиб, нафақат мусулмон дунёси аҳли учун, балки бугун инсон-ият учун маънавият ва маърифат дурдоналарини тарқатишда му-ҳим манбаалар бўлиб келган.

«Ҳадис» сўзининг луғавий маъноси — билдириш, хабар бериш, сўзлаш, нақл этишни англатади. Ҳадисшунос олимларнинг хабар беришларича, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ўз йўл-йўриқлари хусусида гап юритиб: *«Эй умматларим! Мен сизлар учун Қуръони Ка-рим билан ўзимнинг суннатим йўл-йўриқларимни қолдирдим. Сизлар ана шу иккаласини қаттиқ ушлаб, уларга оғишмай амал қилсангиз, тўғри йўлдан асло адашмайсиз»*, деган эканлар.

Дарҳақиқат, агар биз Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» (ишончли тўплам) асарини синчиклаб ўқийдиган бўлсак, инсон

фаолияти учун зарур бўлган ҳар бир соҳадан ибратли озуқа олиш учун катта уммон етганлигини гувоҳи бўламиз.

Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг 4000 дан иборат ишончли ҳадисларида Ватанни севмоқ имондан эканлиги, ота-онага, катталарга ҳурматдан тортиб фикшуносликкача, оила олдидаги илоҳий бурчдан тортиб егим-есирларга ҳиммат кўрсатишгача, меҳнатсеварликдан тортиб ҳалолликка даъват этишгача, олийжаноб инсоний фазилатларини камол топтиришгачайин даъватларининг шоҳиди бўламиз.

Имом ал-Бухорий меросини ўрганар эканмиз, унинг таълим-тарбияга хос қатор фикр-мулоҳазаларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, алломанинг таълим олиш хусусидаги куйидаги фикрлари ҳар қандай педагог учун фойдадан ҳоли эмас: *«Киши, — деб қайд этади аллома, — илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тенгдошларидан, балки ўзидан наст бўлганлардан ҳам ҳадис олмагунча, етук муҳаддис бўла олмайди»* (Иршод Ассорий, биринчи жилд, 132-бет).

Фикримизча илм-фан, техника жадал суратлар билан ўсиб бораётган бугунги кунимизда, жумладан таълимдаги интеграция ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида жадал кириб бораётган бир вақтда алломанинг бундайин ўғитларидан фойдаланиш айни муддаодир. Масалан, сир эмас, ҳатто ўқитувчилар ҳам дарс жараёнида кундалик даврий матбуот материалларида тезкор равишда фойдаланиб, улардан келиб чиқадиган қонун-қоидаларни ҳар доим ҳам ўрганилаётган мавзу асосида уни дарсининг ажралмас қисми сифатида талабалар онгига етказиб беришга ҳар доим ҳам муяссар бўла олмайдилар. Фикримизча, мазкур ўринда дарс жараёнида тарих ўқитиш методикасида муҳим ўринни эгаллайдиган ҳолат — аудиторияга мурожаат этиб, муаммоли таълим усулини қўллаш ва талабалар ахборотларидан фойдаланилиши айни муддаодир.

Шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати биргина 2005 йилда халқ таълими моддий-техника базасини ривожлантириш учун 450 миллиард маблағ ажратгани, ҳомийлар томонидан ҳам тахминан ана шу миқдорда маблағ сарфланганлиги натижа-сида мамлакатимизда таълим тизимини замонавий компьютерлар билан таъминлашда мамлакатимиз халқ таълимини давр талаби асосида ривожлантиришда, улкан ишлари бажарилди.

Президент Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йил иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида алоҳида қайд этганидек, *«Биргина 2006 йилнинг ўзида 8.7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi ўқув лаборатория жиҳозлари харид қилинди»* («Фидокор» газетаси, 2007 йил 13 февраль сони).

Шу боис талаба-ёшларимизнинг кўнгина вақтлари академик лиценй ёки Олий ўқув юртларида бўлмасин, компьютер хоналарида шуғулланиб, ҳар қандай масала бўйича уларда Интернет ахборотлари керагича мавжуд.

Мазкур ўринда гап шундаки, мабодо шогирд у ёки бу масалани шарҳлаш ёки уни амалиётда қўллади нотўғри, самарасиз усулни қурол қилиб олган бўлса, кўпчилик билан ана шу усул ва йўлни таҳлил этиб, нотўғри эканлиги бошқаларга далилу исботлар йўли билан кўрсатишни ўзи келажакда ушундай хом, метёрига етмаган билим ахборотлар билан чегараланишни мумкин эмаслигини, оқни қорадан ажратишни, жумладан эфирдаги АҚШ президенти Ж. Бушнинг Ўзбекистонга ўзича демократияни экспорт қилиш мақсадида «*Бизни Белоруссия ва Ўзбекистондаги давлат тизими қаноатлантирмаётир*», деган ғарзли мақсадларининг туб моҳиятини исботлаб беради.

Аллома «Имон шартлари» хусусида фикр юритар эканлар:

«Имонни мукамал бўлмоғи учун уч шарт лозим:

Биринчиси — *тўғри эътиқодли бўлиш.*

Иккинчиси — *одамларга яхши муносабатда бўлиш.*

Учинчиси — *киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоғи лозим*» дейди.

Кимки буларни тўла ўзлаштира, имон мукамал бўлғусидир. Мазкур ўринда аллома Расулиллоҳ с.а.в.нинг ушбу сўзларини келтирадилар:

«Имон дарахт янғлиғ олтмишдан ортиқ шохга эгадир. Гуноҳ қилмоққа Аллоҳ ва бандалардан уялмоғи ўша шохлардан биттасидир».

«*Имон — деб ёзади аллома — сўзда ҳам амалда ҳам бўлмоғи керак*».

Аллома бу ҳадисни далил сифатида чоҳариёрлардан иккинчилари халифа Умарнинг ибн Адийга ёзган куйидаги хатлари билан исботлайдилар:

Халифа Умарнинг хатларида қайд этилишича «*Албатта имоннинг ҳам ўз фарз ва амаллари, муайян чегаралари мавжуддир. Демак, кимки буларга тўлиқ амал қилса, имони мукамал бўлғусидир. Кимки етарли роия қилмаса, имони суст бўлғайдир*».

Имом ал-Бухорий меросида тарбияга доир ажойиб панди-насиҳатларни бу зоти олийларнинг кўп сатрларида учратамиз. Масалан, аллома мусулмончилик шартлари хусусида ёзар эканлар ўзларининг:

«*Ишончли тўплам*»ларида куйидагиларни келтирадилар: «*Ислолдаги энг афзал амал нима?* деган саволга Расулиллоҳ с.а.в. — *қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир. Аллоҳ таоло ман этган нарсалардан қайтган киши мусулмондир!! Ҳаё имондандир*», дедилар.

«Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг имони мукам-  
мал бўлмай:

Биринчи — *инсофли ва адолатли инсонни.*

Иккинчи — *бирга салом берувчи одамни* (амалда айрим талабалар кўп ҳолларда уларга дарс бериб, имтиҳон ёки синов оладиган дом-  
лагагина салом беришади. Демак, салом бериш бурч нуқтаи назари-  
дан эмас, балки маълум даражада «Тобеликдан» бўлиб чиқади, унинг  
устига имтиҳон тугаса, салом ҳам тугаши мумкин. Тўғри, бу салом-  
ни кимга қаратилганлигига ҳам боғлиқ бўлади).

Учинчи — *камбағаллигида ҳам садақа бериб келган инсоннинг имо-  
ни мукамал бўлмай.*

Мазкур ўринда аллома «Ал-Жомий ас-саҳиҳ»да ажойиб бир ҳоди-  
сани келтирадilar. «Расулиллоҳ с.а.в.дан бир саҳоба сўради: «*Ё Ра-  
сулиллоҳ, исломда энг яхши хислатлар қайсилардур?*», дедилар: *отлар-  
га таом бермоқлик, таниган ва танимаганларга салом бермоқлик*». Лекин ҳаётимизда шундай ҳолатларнинг шоҳиди ҳам бўламизки,  
қайсидир йўл ёки кимнингдир муруввати билан амалга бир поғона  
кўтарилган зот ўзидан каттага нафақат салом бермайди, аксинча, у  
«зоти олийлари»га берган саломингиз ҳатто алиқсиз ҳам қолади.

«Ал-Жомий ас-саҳиҳ», яъни «Ишончли тўплам»ни диққат билан  
ўрганар эканмиз, комил инсон ўзининг қандай мунофиқлик йўлла-  
рида сақланмоғи лозим, деган ўғитни ҳам учратамиз. Мазкур ўринда  
аллома Расулиллоҳ с.а.в.нинг қуйидаги сўзларини келтирадilar:

«Қуйидаги тўрт хислатлар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлмай-  
лар, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқ-  
ликдан бир хислати бор экан дейдилар:

Биринчи — *омонатга хиёнат қилганлар.*

Иккинчи — *сўзласа ёлгон сўзлаганлар.*

Учинчи — *шартнома тузса, шартида турмагайдир.*

Тўртинчи — *урушиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир.*

Кўриниб турибдики, бу ҳадиси шарифда комил инсонни камолга  
етказишда уни мунофиқлик балосидан сақлашга қанчалик катта эъти-  
бор берилган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб  
бораётган бир вақтда, тадбиркорларнинг мазкур ҳадиси шарифда  
алоҳида қайд этилганидек, «шартнома тузсаю, шартида турмаса», бу  
ҳол жамиятимиз тараққиётида салбий оқибатларга олиб келиши  
муқаррар, албатта фожеа билан тугалланади. Ёйинки, «Кек сақлаш»ни  
олиб қарасак, худо кўрсатмасин, давлат иши юзасидан бирон йиғи-  
лишда бирон кимсанинг шаънига салгина аччиқ ҳақиқатни айтиб  
кўринг. Ундан оқибатни кўрасиз.

Юқорида Имом ал-Бухорий ижодий фоалиятининг қомусий ҳара-  
катерга эга эканлигини эслатган эдик. Фикримизнинг далили учун



алломанинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» асарида келтирилган бир ҳадиси шарифни олиб кўрайлик. Бу ҳадисда «Ансорларни яхши кўриш киши имонининг мукамаллиги аломатидир» дейилиб, бу фикр пайгамбаримиз Расулиллоҳ с.а.в.нинг «Ансорларни яхши кўрмоқ, имон аломатидир, ёмон кўрмоқ мунофиқлик белгисидир» дейилади. Шундай экан, пайгамбаримиз оғизларидан эшитилган «Ишончлик тўплам»да келтирилган бундай ҳадису шарифга Ўзбекистон дейилмиш она юртимиздаги тинч-осойишта ҳаётга раҳна солмоқчи бўлган ваҳҳобийлару, ақромийларнинг кўпоровчилик ҳаракатларини қандай тушунмоқ керак?

Нақл қилишларича, бир куни Бухоро амири Ҳамид ибн Аҳмад аз-Зухалий имом ал-Бухорий хазратлари ҳузурига ўз хизматкорларини юбориб, алломадан амир саройга келиб, унинг амалдорларига (бошқа бир манбаларда амирнинг оила аъзоларига) «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» ва «ат-таърих ал-кабийр» китобларидан сабоқ беришларини сўраган экан.

Узоқ йиллик арабиятон сафаридан кейин Ватанга ўша давр илмининг энг юқори чўққиларини забт этиб, «Имомлар имоми», «Муҳаддислар пешвоси» даражасига кўтарилиб келган буюк аллома бу вақтда Бухородаги мадрасалардан бирида талабаларга ҳадис илмидан сабоқ берар эканлар. Шунда аллома амир хизматкорига жавоб берар эканлар: «Амирингизга бориб айтинг: *Кимдаки, илм олмоқ эҳтиёжи бўлса, менинг ҳузуримга келсин. Лекин илм ҳеч қачон амир остонасига ялиниб бормаиди*», деган эканлар.

## АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

825 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида тугилган. 892 йил 9 октябрда вафот этган.

IX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё халқлари илм-ирфон маданиятидагина эмас, балки бутун мусулмон дунёсида машҳур ҳадис олими — имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (825—892)нинг тулган ўрни алоҳида тарихий аҳамият касб этади. Лекин шунга қарамасдан, совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, 1990 йилда имом ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш арафасига қадар бу алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида совет матбуотида арзигулик бирон илмий асар чоп этилмаган эди. Алломанинг юбилейи мероси хусусида профессор Н. Абдуллаев ва доцент У. Уватовларнинг мақолалари эълон қилинди, холос.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг болалиги Термиз шаҳрида ўтиб, у дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган.

Ёшлигидан ўта заковатли, гоётда қобилиятли бўлган ат-Термизий ҳадис илмига қизиққан ва кейинроқ ўз илмини ошириш мақсадида узоқ йиллар Ироқ, Исфохон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшайди.

Ана шу сафарлар чоғида у имом Абу Абдулла ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Давут, Қутайба ибн Сайид, Муҳаммад ибн Башор каби буюк муҳаддислардан сабоқ олади, ҳадисларни жамлаб илмий тарзда тартибга солади. Ўз навбатида ат-Термизийдан кўпчилик олимлар ҳадис ва ахлоқ илмидан таълим оладилар. Макхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳаммод ибн Шокир, Ҳайсам ибн Қулайб Шоший (Тошкандий), Аҳмад ибн Юсуф ан-Насифий, Абул Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Муҳбубий ва бошқа етук олимлар унинг шогирдлари жумласидандир.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий кучли хотира эгаси, солиҳ ва тақводор эди. Шу билан бирга ниҳоятда ҳалол, имонли, ислом қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилган киши эди. Ат-Термизий ўз ижодий фаолиятида кўп асарлар битган. Афсуски, уларнинг баъзиларигина бизгача етиб келган, холос. Унинг «Ал-Жомеъ» («Мажмуа») асари «Ал-Жомеъ Ат-Термизий» ёки «Сунан Ат-Термизий» номи билан ҳам юритилади. Бундан ташқари, имом ат-Термизийнинг «ал-Илол» («Иллатлар ва оғишлар»), «Аш-Шамоил ан-набавия» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг алоҳида фазилатлари»), «ат-Таърих» каби асарлари мавжудки, уларни ҳар томонлама ўрганиш халқимизнинг маънавий ва маданий меросининг чуқур илдизларини англаб олиш ва ниҳоят, ўз-ўзини англашда бетақрор аҳамият касб этади.

Имом ат-Термизийнинг «Ал-Жомеъ ат-Термизий» асарида пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари маълум даражада тизимлаштириб тўпланганди.

Ислом динининг асосий руқнлари, қонун ва қоидалари Қуръони Каримда мужассамлашган. Бироқ, Қуръони Карим мусулмонлар ҳаётидаги барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларни тўла қамраб ололмаган. Шунинг учун ислом қонунлари қонуншунослиги (фикх)да ҳадис Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳадис — Пайғамбар алайҳиссалом томонидан айtilган сўзлар, ибратли панд-насихатлар, исломнинг баъзи масалаларига оид кўрсатмалар, Муҳаммад сафдошлари — яъни саҳобалар, оила аъзолари томонидан айtilган ривоятлар тўпламидир. Гап шундаки, Пайғамбар алайҳиссалом ўз даврида Қуръон оятлари билан аралашиб кетишдан хавфсираб, ҳадисларни тўплашга руҳсат берган. Шунинг учун бўлса керак, ўз даврида Абу Бакр Сиддиқ томонидан ёзиб борилган ҳадисларни йўқ қилиб юборганлиги тўғрисида ривоятлар ҳам бор.

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин ўша даврнинг йирик маданий марказлари бўлган Мадина, Дамашқ, Басра ва Куфада «китобийлар» деб аталадиган қатор ҳадис тўпловчи олимлар ижод этдилар. Ибн Шиҳоб аз-Зухрий Яҳё ибн Саъд ал-Ансорий, ибн Журрайжлар шулар жумласидан эдилар. Афсуски, улар йиққан ҳадислар ягона тўплам шаклида сақланиб қолмаган ва бизгача етиб келмаган.

Ҳадисларни ёзиб бориш ва бир тартибга солиш асосан VIII аср охирларида бошланди. X асрга келиб бутун ислом олами тан олган олтига ҳадислар тўплами вужудга келди. Булар 1. Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий; 2. Имом Муслим ибн Ҳажжож; 3. Имом Абу Довуд; 4. Имом ат-Термизий; 5. Имом Санойлар тўплаган ҳадислардир. Самарқандлик машҳур муҳаддис Абу Муҳаммад; 6. Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн ал-Фаил ас-Самарқандий ал-Дорамий номи ҳам улар қаторида тилга олинади.

Манбаларда қайд этилишича, ҳадислар ниҳоятда қийинчилик билан тўпланган. Ҳадислар асосан Уна динда бадавий араблар орасида юрилиб, Макка, Мадина, Басра, Куфа, Дамашқ шаҳарларида пайғамбаримиздан кейинги, учинчи ва тўртинчи асрларда тилидан ёзиб олинган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, юқорида номлари зикр этилган етти машҳур ҳадис олимлари - муҳаддисларнинг барчаси Хуросон ва Ўрта Осиёдан бўлиб, унгаги ҳозирги Ўзбекистоннинг Бухоро, Термиз ва Самарқанд шаҳарларидан егиниб чиққан алломалардир.

Ат-Термизий тўплаган ҳадис китобига жуда кўп олимлар шарҳлар ёзганлар. Улардан энг машҳурлари ибн ал-Арабий номи билан машҳур Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг «Ориват-ул аҳвазий фи шарҳи», «сунан ат-Термизий» ва Жалолуддин ас-Суьуғи 911 (1505)нинг «Кут-ул муттазий ала», «Жомия ат-Термизий» асарларидир.

Имом ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» ва «аш-Шамоил ан-набавия» асарларидан келтирилган қуйидаги айрим ҳадислар таржимаси ижтимоий адолат учун кураш олиб борувчи ҳар қандай жамият учун ёшларни ҳалоллик, софдиллик, ростгўйлик, ота-онага ҳурмат каби яхши хулқларни сингдириш, уларни ўғирлик, ичкиликбозлик, ёлғончилик, фоҳишабозлик, қиморбозлик каби қабих иллатлардан қайтаришда ҳадислар муҳим аҳамият касб этишини яққол кўришимиз мумкин. Ана шундай ҳадислардан баъзиларини келтирамиз:

*«Дунёдан ўтган кишиларнинг яхши фазилатларини эслаб, ёмонликлари ҳақида оғиз очмангиз».*

«Сенга омонат қилинган нарсани эгасига тоншир ва сенга хиёнат қилган кишига хиёнат қилма».

«Одамларга ташаккур этмаган киши Аллоҳ таолога ҳам шукрона келтирмайди».

«Дўстингни мулойимлик билан севгин, эҳтимол у бир куни сенга душман бўлиб қолар, душманингга мулойим душманлик қил, эҳтимол у бир куни сенга дўст бўлиб қолар».

«Мўмин бандалардан кимки кўчат ўтказса ёки зироат экса, ундан инсон ёки қуш ёки ҳайвонлар баҳраманд бўлиб, у банда учун бу бир садақа ҳамдир».

«Агар яширин равишда бир гуноҳ қилинса, унинг зарари фақат гуноҳ қилганнинг ўзига бўлади, агар гуноҳ ошқора қилинса ва қўлидан келадиганлар уни ман этмасалар, бу гуноҳнинг зарари бошқаларга ҳам умумий бўлади».

«Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом деганлар, «Агар бирортангиз намозхонларга имомликка ўтмоқчи бўлсангиз, унинг энгилроқ (тарзда) бўлишига интилинг. Чунончи намозхонлар ичида ёш болалар, ёши улғайган қариялар ва соғлиғи заифлар ҳам бўлади. Агар (улардан) кимдир ёлғиз ўзи намоз ўқишни ихтиёр этса, истаганича ўқийверсин».

Имом ат-Термизийнинг «аш-Шамоил ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») Муҳаммад пайғамбарнинг ташқи қиёфаси, ҳаёт тарзи, ахлоқий сифатлари ва фазилатлари ҳақидаги 408 ҳадисни ўз ичига олади. Бу асар форс ва турк тилларига таржима қилинган. Ат-Термизий ушбу китобнинг 939 (1533) йилда кўчирилган икки нусхаси ва яна тўртта қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

«аш-Шамоил ан-набавия» 1980 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси кутубхонасида сақланаётган қўлёзма асосида муфтий Зиёвуддинхон ибн эшон Бобохон томонидан ёзилган сўзбоши билан Тошкентда араб тилидаги нусхасида нашр этилган.

Ҳадис илмининг сарвари Абу Муҳаммад ат-Термизий 892 йилнинг 9 октябрида ўз она юрти, Шеробод шаҳридан олти километр узоқликда жойлашган Буғ қишлоғида вафот этган ва шу ерга дафн этилган. Алломанинг вафотидан сўнг қабри устига муҳташам мақбара қурдирилган. Бу алломага халқ ва давлат ҳукмдорлари ҳам катта ҳурмат билан қараганликларидан далолат беради. Мақбара XI—XII асрларда ўз даврининг энг уста меъморлари томонидан қурилган.

## МУАЛЛИМИ СОНИЙ — АБУ НАСР ФОРОБИЙ

870 йилда Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрига яқин Восинч қишлоғида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. 950—951 йиллар орасида вафот этган.

Абу Наср Форобий қомусий билимлар соҳиби бўлиб, ўрта аср даври табиий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратди. Шу жоиз бўлса керак «*Форобий етмиш тилни биларди*» деган нақл ҳам бор.

Форобийнинг илмий мерослари ичида унинг «*Идеал шаҳар аҳолисининг ахлоқий маслағи*», «*Бахтли саодатга эришув йўллари ҳақида*», «*Сиёсат ва маданият*», «*Фалсафанинг муқаддимаси*», «*Йиллар мажмуаси*», «*Шаҳарни бошқариш*», «*Давлат арбобининг ҳикматлари*» ва бошқа асарлари алоҳида маънавий ва маърифий аҳамият касб этади.

Абу Наср Форобий шаҳар аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан уюшишининг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воқитаси деб ҳисоблайди. У ҳамма инсонларни ўзаро ҳамкорликка, тинчликка чақиради, дунёда тенг ҳуқуқликка асосланган ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. Мутафаккир инсон қадр-қимматини камситувчи жамиятни қирши чиқади.

«*Давлат арбобининг ҳикматлари*» номли рисоласида эса у доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятти адолатсиз, жон-қил жамият сифатида қоралайди.

Форобий ўзининг идеал жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гуруҳларга бўлади. Кишиларнинг диний маърифати эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳақиқий тажриба туپлаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради.

Форобий «*Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола*» асарида ўзининг орзу қилган идеал жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди. *Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришидир*, деб ёзади у, — *бу эса шундан иборатки, ҳар бир одамда қўлга киритилган*, дейди мутафаккир. Форобий диниятнинг етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шаклларини қайд этади.

Умуман олганда, Форобийнинг идеал жамияти феодализм ижтимоий тузумни ақс эттирган. Унинг идеал давлат — бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ва шунга ўхшаш фикрлари *утопиядир*. Бироқ шундай бўлса-да, ўрта аср даврида инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини очишга, гуманистик йўналишни асослашга қаратилган бу таълимот илмлар ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркиялик тарихчи олим, профессор Иброҳим Оғоҳ Чубукчу 1989 йилда чоп этган «*Турк-ислом мутафаккирлари*» асарида бир пайтлар Фарб мутафаккирлари, мусулмонларнинг мияси фалсафа соҳасида фикр юритишга қодир эмас, деи деган қилгандилар ва Шарқ мутафаккирлари нақлчиликдан нари ўтмайдилар, деган фикрнинг илгари сурганлари, даъво янгилиги ақлисининг илмий жиҳатдан асослаб берди.

Турк олими Форобийнинг қарашларини шундай баён этади:

Форобий *Машшоий уқули* (диний олий мактаб, мадраса) тафаккурини умуминсоний фикрлар билан бойитиб, дин билан фалсафани бирлаштиришга ҳаракат қилди. Исломиётнинг қуруқ бир дин эмаслигини, аксинча ҳикматга, ақилга ва фикрга кўп ҳисса қўшганлигини, Қуръони Карим ва ҳадислардан олган далиллар билан кўрсатиб берди.

*Форобийга кўра*, — деб ёзили Иброҳим Оғоҳ, *Аллоҳнинг борлиги — ҳикматлари ва сифатларида яққол намоён*дир. *Кўпчилик мутафаккир-*

лар каби у ҳам коинотдаги тузумнинг тасодифий эмаслигини ва шу сабабга кўра Аллоҳнинг борлигини қабул этиш кераклигини, ёзганди.

Мантиқ усулларини ишга солиб, Аллоҳнинг борлигини исботлаш учун катта меҳнат қилди. Бошқача айтганда, ҳар нарсанинг бир сабаби бор, коинотнинг ҳам бор бўлишининг бир сабаби бор, деб айтган. Агар биз илк сабабда турмасак, инсон тафаккури тарқоқликлар (хаос) ичида қолиши мумкинлигини баён этган.

Мутафаккиримизнинг Аллоҳга имони кучли бўлгани каби, пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Тангрининг сўнги элчиси бўлганлигига ишончи ҳам қатъийдир. Форобий пайғамбарлик — бу ҳар қандай нарсадан юксак Аллоҳ берган лутф эканлигини тасдиқ этгандир. Пайғамбарларнинг мўъжиза кўрсатиши шарт эканлигини ҳам маълум қилгандир. «*Пайғамбарлар ваҳий оладилар ва илоҳий ҳақиқатларни керакли даражада равшанлаштирадилар*», деган эди у.

Форобий шеърятни ва мусиқа назариясига доир китоблар ҳам ёзган. Унинг шеърятга доир рисоласи ўзбек ва рус тилларида нашр этилган.

Форобий асарлари Шарқ халқлари адабиёт-эстетик қарашлари тарихида алоҳида ўринни эгаллайди. Илм-фанда дунё философиясининг юнон философи *Арасту* ҳисобланади.

Форобий антик юнон файласуфларидан *Эвклит*, *Афлотун* ва *Арасту* асарларини таржима қилиб, шарҳлаб Шарқда кенг тарқалишига катта ҳисса қўшгани ва жуда кўп фалсафий масалаларни ўша олимлар даражасида талқин этгани учун «Муаллими соний» яъни, *иккинчи муаллим* деб тан олинган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, собиқ Иттифоқ даврида барча умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида, жумладан, Ўзбекистонда «Ўрта асрлар тарихи» курсида маданият тўғрисида гап борар экан, албатта *Томас Мор* ва унинг 1516 йилда ёзган «Утопия» асарини ўрганишга алоҳида ўрин ажратилар эди.

Маълумки, Мор фантазиясининг маҳсули бўлган Утопия оролида идеал ижтимоий тартибот мавжуд бўлиб, жамоа у салтанатда эксплуатациядан ҳоли бўлган умумий-ижтимоий мулкчиликка асосланган бўлиши керак эди.

XVII асрнинг бошларидаги Англия ҳаётидаги бундай ғояни тарих — *гуманизм ғояси* деб тарғиб этди. Гап шундаки, Томас Мор гуманизмидан кўп ташкилий ва ижтимоий масалалар бўйича бирмунча мукамал бўлган гуманистик фикрлар ундан VII аср олдин ватандошимиз, қомусий билимлар соҳиби, Муаллими соний Абу Наср Форобий томонидан илмий-амалий жиҳатдан бирмунча мукамал шаклда ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, бу алломанинг энциклопедик илмий-назарий мероси умуман тилга олинмай келди, натижада Ўзбекистон умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида

тахсил оладиган ўқувчи ёшларимиз маънавий равнақи йўлида сунъий тўсиқлар вужудга келтирилган эди.

Шукурлар бўлсинким, эндиликда истиқлолимиз туфайли ҳар бир ўзбек ўқувчи ёшлари миллий маънавиятимиз ва маърифатимиз сарчашмалари меросидан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

### **ФОРОБИЙ ҲИҚМАТЛАРИ:**

«Ҳар бир киши касб-корини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим».

«Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнги даражадаги бахт-саодатга эришади».

«Ҳар кимки илм-ҳиқматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилсин, ахлоқли-одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин».

### **БАҲОУДДИН НАҚШБАНД**

Баҳоуддин Муҳаммад 1318 (ҳижрий 718) йили Бухоронинг Қасри Ҳиндувон (кейинчалик унинг номи билан Қасри Орифон деб юритилган) деган қишлоғида дунёга келади. Отаси тўқувчи ва нақшнкор уста бўлган.

Баҳоуддин руҳоний даражасига Абдухолиқ Фиждувонийнинг ғойибона башорати туфайли эришади, тушида уни кўради, у Муҳаммад-ни Саййид Мир Кулолга юборади. Амир Саййид Мир Кулол Шихобуддиннинг «Мақомати Мир Кулол»ида ва Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Мақомати Баҳоуддин Нақшбанд» китобида келтирилган ривоятларида айтилишича, Муҳаммад Саййид Мир Кулол хизматига келишидан олдинроқ дунёвий ҳаётнинг пуч — беҳудалигига тўла ишонч ҳосил қилган. Кейин Нақшбанд мавлоно Ориф Дегароний даргоҳида давом эттириб 7 йил хизмат қилади.

Баҳоуддин икки марта ҳаж қилган. Баҳоуддин 1389 (791 ҳижрий) вафт этиб, киндик қони тўкилган Қасри Орифонда дафн этилади.

«Қомус ал-альом»да зикр қилинишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ҳаётнома» номли ваъз ва панду-насихатларига оид манзума-си (шеърый асари) ва «Далил ал-ошиқин» деган тасаввуфга оид китоби бўлган. Лекин бу асарлар бизгача етиб келмаган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Нақшбанд озга қаноат қилиш ва ўз хоҳиши билан камбағалликда ҳаёт кечириш, дунё, мол-мулкни, дабдабали ҳаётдан воз кечишни тарғиб қилган. У кундалик тиркчилиги учун бир парча нонни ўз меҳнати билан ишлаб топган,

эски буйра устида, дарз кўзадан сув ичиб ҳаёт кечирган ва сўфий учун хизматкор ва қуллар ушлашни гуноҳ деб билган.

Вафотидан кейин Баҳоуддин (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) Нақшбанд машхур муъжизалар, авлиё, Аллоҳ ҳузурда унинг бандалари воситачиси, оддий раийят (фуқаро ҳимоячиси сифатида шуҳрат қозониб) руҳонийлар орасида тан олинади. Унга сигиниш фақат унинг ватани Ўрта Осиёда эмас, балки ислом мамлакатларида ҳам кенг қулоч ёзди. Унга фақат оддий халқ эмас, ҳукмдор, шоҳамирлар, олим ва шоирлар ҳам сигинганлар.

Буюк шоирлар Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий Нақшбандия тариқатига сигинганлар, унинг тасаввуфий йўлини тутганлар ва ўз асарларида тарғибот қилганлар. Бобораҳим Машраб (1640—1711) Нақшбандия тариқати йўлидан бориб, Офоқ Хожа қўлида таълим олиб Ҳаққа етишди ва «Мабдан нур» асарида Нақшбандиялик йўлини поклик, ҳалоллик ва Аллоҳга етишишнинг ягона воситаси деб тавсифлади, умрининг охиригача Нақшбандия йўлидан кетди. 1544 йили Баҳоуддин қабри устига шайбонийлар хони Абдулазиз (1540—1546) мақбара қурдирди ва бу ер оммавий муқаддас зиёратгоҳга айланди. Оддий халқ орасида *унинг қабрини уч марта тавоф қилиш Макка ва Мадинага ҳаж қилиш билан баробардир*, деган ақида ҳам ҳукм суради.

Баҳоуддин Бухоро вилоятининг улуғ тасаввуф намояндаси, ватандоши Абдулҳолиқ Гиждувоний асос солган Хожагон тариқати йўлидан борди ва шу йўлда борган жамоага раҳнамолик қилиш билан ўзининг янги Нақшбандия тариқатининг ташкилий асосини қурди ва бу тасаввуфий тариқат, унинг халифа-ворислари томонидан тўла шакллантирилди.

Баҳоуддин Абдулҳолиқ Гиждувоний анъана ва ғояларини қайта тиклаб, такомиллаштирди ва давом эттирди. Бу билан у Ўрта Осиё тасаввуфининг иккита йирик намояндаси — Аҳмад Яссавий ва Абдулҳолиқ Гиждувоний сулуки, қоида-қонун ва усулларини ўз таълимотига қўшди.

Баҳоуддин таълимоти унинг давридаёқ Ўрта Осиёда нафақат шаҳарлар аҳолиси, оддий ҳунарманд-қосиблар, савдо аҳли орасида, балки кўчманчи туркий қабилалар орасида ҳам кенг қулоч ёйиб, мустаҳкам асосга эга бўлган сунъий исломни янада кенг тарқатди. Шу йўсинда унинг лақаби билан аталган **Нақшбандий** тариқати шаклланди.

Нақшбандия қатъий сунъийликка асосланган бўлиб, маънавий силсиласини бир томондан Абу Бакр Сиддиққа (572—634), иккинчи томонда Али ибн Абду Толибга олиб борадиган 12 та тариқатнинг биттасидир. Тариқатнинг бу силсиласи «Силсилар аз-захаб» (яъни «Олтин силсила») деб аталиб, тариқатни маънавий томондан Абу



Бакр, жисмоний томондан Али ибн Абу Толиб орқали пайғамбар алайҳиссалом билан бирлашганини билдирди.

XV асрдан бошлаб Нақшбандий Урта Осиё ва Хуросондан Қоҳира ва Босниягача, у ердан Гансу ва Суматрагача ҳамда Шимолий Кавказдан Ҳиндистоннинг жанубига ва Арабистоннинг Ҳижоз вилоятигача етиб борди ва жуда катта зиминда амалиётга эга бўлди.

Ўзининг ижтимоий негизи билан шаҳар учун хос бўлган бу тарикат шаҳар савдо ва ҳунармандчилик мусоҳасалари билан яқиндан боғланган ҳолда фаолият олиб бориши.

Нақшбандия ўзининг сиёсий ва иқтисодий чўққисига **Хожа Аҳрори валий** (1404—1490) даврида кўтарилди.

Хожа Аҳрор шаҳар ва қишлоқларнинг кўнга кўринган гуруҳлари, жамоаларининг қўллаб-қувватлаши билан Темурийларнинг ўзаро ички низо ва урушларига фиол ва оқилона аралашди ва қирқ йил давомида шу йирик мамлакатнинг сиёсий ҳокими бўлиб турди.

Унинг «Дунёда ўзининг маънавий бурчини бажариш учун сиёсий ҳокимиятдан **фойдаланиши керак**» деган шиори Нақшбандийнинг келажакдаги ижтимоий-сиёсий фаолиятини батамом белгилаб берган эди.

Хожа Аҳрор фаолиятида даҳқончилик билан шугулланувчиларни ва шаҳар халқини ҳарбий кўчманчи зодагонлар талон-тарожи ва босқинчилигидан (масалан, Чингизхон сингари. Т.Т.) ҳимоя қилиш асосий ўрин тутарди. Лекин Хожа Аҳрорнинг бу сиёсий концепсияси кейинги кўчманчилар томонидан қаттиқ таҳқирланади, бошқача қилиб айтганда унинг муридлари ва шахсан оиласига жуда қимматга тушди.

Замонанинг зайли билан 1500 йили кўчманчи шайбонийлар Мавороуннаҳрда ҳокимиятнинг ўз қўлларига олишлари билан ўзларининг маънавий душмани **Хожа Аҳрордан қисд олишга** шошилдилар. Улар Хожа Аҳрор хонадонига қарши ҳимма мол-мулкни, ерларни мусодара қилдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Хожа Аҳрор ўз даврининг энг йирик мулк эгаси бўлган. Тарихий ҳужжатларнинг далилат бўлишича, фақат Қарши ва Самарқанд вилоятларининг ўзида Хожа Аҳрор хонадонига мансуб бўлган ҳосилдор ер майдони 375 минг танобни — яъни 60 минг гектар ҳосилдор майдонни ташкил этар эди.

Шайбонийлар гарчи Хожа Аҳрор хонадони куч-қудратини иқтисодий жиҳатдан тугатган бўлсалар-да, унинг асосий қудрати — маънавиятини тугата олмадилар.

Гап шундаки, 1515 йилдан бошлаб Хожа Аҳрори валий ишини кейинча «Махдуми **Аъзам**» яъни Буюк Ҳоким фаҳрим номи билан машҳур бўлган тасаввуфнинг йирик намояндаси **Хожа Аҳмад Косоний** (1543 ёки 1549 йилда вафот этган) давом эттирди.

Хожа Аҳмад Косоний тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзиб қолдирган. XVI аср ўрталаридан бошлаб XVII асрнинг охирларига қадар Хожа Аҳмад Косоний йўлини унинг ворислари Бухоро маънавий феодаллари ҳисобланмиш Жуйбор шайхлари давом эттирдилар. Булар шайбонийлар ва аштархонийларнинг даврида муҳим сиёсий ҳокимиятга эга бўлган эдилар.

Нақшбандия Мовароуннаҳрни, қирғиз уруғлари ва қозоқ қабилачилиқ бирлашмаларини ҳамда Шарқий Туркистон аҳолисини муслмонлаштиришда муҳим хизмат қилди.

Нақшбандия Ўрта Осиё ва Волга бўйида XX асрнинг 20 йиллари гача амал кўрсатди. Нақшбандия Ҳиндистон, Усмонли турклар даврида ва Эронда кенг тарқалган, халқ орасида, давлат сиёсатида муҳим аҳамият касб этган.

Нақшбандия назарияси ва амалиёти асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг фақат **Хожа Муҳаммад Порсо** ва **Алоуддин Аттор** туфайли бизгача етиб келган гоё ва қарашлари етади. Унинг бу гоё ва қарашлари «Мақомоти Нақшбандия» деб аталиб, Нақшбандиянинг ҳамма шохобчалари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хожа Аҳрор давридан бошлаб, Нақшбандия ҳокимият эгалари билан яқин муносабатда бўлиш орқали «уларни қалбига ҳукмрон бўлиб», улар сиёсатиги таъсир кўрсатиш билан халқ манфаатини ҳимоя қилиш нафақат мумкин, балки мажбурий деб билди. Мана бу Нақшбандияни ажратиб турган сиёсий фаоллиги даражасидир.

Нақшбандиянинг дунёқараши тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги иккита тараққиёти: Абдулҳолиқ Гиждувоний таълимотида акс эттирилган шаҳарликларга хос «ўртача» йўл ва Аҳмад Яссавийнинг кўчманчи «туркий халқларга» хос йўлини билаштириш ва ҳаётга мослаштиришдан иборатдир.

Нақшбандия амалиётининг асосий қисми ичида, яъни қалб билан маҳфий зикр қилиш (Аллоҳ номини эслаши, такрорлаш)дир. Маҳфий зикрни Абу Бакрга ўргатганлар.

Овоз чиқариб зикр қилишни эса Ҳазрати Алига айтганлар. Шунинг учун Нақшбандиянинг баъзи жамоаларида кейингисига ҳам йўл қўйилади.

Нақшбандия таълимотининг бошқа бир таркибий қисми суҳбат-муршид билан мурид ўртасидаги яширин хилватда учрашиш-сўзлашиш бўлиб, у энг қори руҳий даражада ўтади. Ниҳоят, мурид ва мурид ўртасидаги яқин муносабат таважжух муршиднинг муридга назар ташлаши, ҳар икки томон фикрларининг бирлашиши билан намоён бўлади.

Бу аввал улар ўртасидаги маънавий-руҳий алоқани. Кейин эса муршид ва муриднинг маънавий қўшилиб кетишини вужудга келтиради. Камолотга етишган муридга муршид ўз фирқа (жанда)сини ечиб беради.

Нақшбандия ҳақиқий суфийини четга чалғитадиган, риёкорона художўйлик ва расм-русумларни; 40 кун рўза тутиш; дайдилик, қашшоқлик; зикр қилишда мусиқа чилиш, ишула ва рақсга тушиб, ошкор зикр қилиш ва онга чиқариб зикр қилишни инкор этади.

Тариқат раҳнамосига, унга исос солган шийёларга, улар ҳоқи ётган мазорларга сиғиниб, улардан баракот ва милад сўрашни фойдасиз, деб санайди, чунки ҳар қандай баракот ва миладни фақат Аллоҳгина беришга қодир. Унинг бандалари бунга қолар эмас, руҳий покланиб, манфаатпарастлик, минманилик, кибриилик, ихтиёрий фақирлик, ҳокимият билан бугуналай муносибати узишни тарғиб қилади.

Нақшбандия зоҳидлик (таркидунёлик)ни инкор этади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Абдурахмон Жомий «нафаҳот алунамин ҳазорат ал-қуле», Али ибн Сафийнинг «Раннаҳот айн ал-ҳаёт», Хожа Муҳаммад Порсо Бухорийнинг «Анне ат толибин ва удат асолиқин» асарларида маълумотлар берилган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфга оид ва панд-насиҳатлардан иборат мақомовлари Хожа Муҳаммад Порсонинг «Рисолайи қудсия. Мақомати Хожа Нақшбанд», Абул Муясин Муҳаммад Боқир Алининг «Мақомати ҳазрати Хожа Нақшбанд» китоби ва бошқаларда сақланиб қолган.

XX аср бошларида рус шарқшунос олимларидан Б. Гордлевский, В. В. Бартольд, Е. Бертелье, А. Семёнов, П. Иванов, А. Болдирёв, С. Демидов ва бошқаларнинг Баҳоуддин Нақшбанд, унинг таълимоти ва суфийлик ҳақидаги бир қанча мақолалари чоп этилган.

Нақшбандия таълимоти Европа олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотган. Жумладан Х. Алгар, М. Моле, Ф. Юнг, Э. Брови, О. Попович кабиларнинг инглиз, немис ва серб тилларида тасаввуф, Баҳоуддин Нақшбандия тариқатига бағишланган бир қанча китоб ва илмий мақолалари чоп этилган.

## ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

1103 йил Туркистоннинг Исфижоб (ҳозирги Сайрам) қишлоғида Иброҳим шайх оиласида дунёга келади. Оналари Қорасоч момо бўлган. 1166 йилда Ясси шаҳрида вафот этган. XI аср олими, тан ва руҳ озодлиги, поклигини куйлаган шоир, суфийлик таълимотининг илғор намояндаси шайх Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуф оқимининг асосчисидир.

Аҳмад Яссавий тасаввуф илмини Бухоро шаҳрида Юсуф Ҳамадонийдан олди. Унинг дунёқараши «Ҳикмат» асарида тўла баён этилган. Бу фалсафий асар эски туркий тилда ёзилган бўлиб, туркий адабиётнинг ноёб ёдгорликларидан бири бўлиб, муаллифнинг ислом дини, калом фалсафаси ва тасаввуф билан эмас, балки ўша давр

ижтимоий тартиблари, деҳқонлар, чорвадор ва ҳунармандларининг ҳаётини жуда яхши билганлигидан далолат беради.

«Ҳикмат»нинг мазмуни билан танишар эканмиз, Хожа Аҳмад Яссавийнинг назария ва амалиётни чуқур тафаккур эта билганлигига тўла қаноат ҳосил қиламиз. Мазкур ўринда марҳум академик М. М. Мўминовнинг «Ўзбекистон ССР тарихида «Аҳмад Яссавий тариқатига мансуб бўлган тасаввуфлар халқ оммасини ўз томонига ағдариб олиш мақсадида золимларни, порахўрларни, амалдорларни, шайх сўфиларни танқид қилар эдилар» (1), деган фикрларига қисман қўшилсак-да, ҳурматли алломанинг «Яссавийчилик Чингизхон ва унинг босқинчи, ёввойи қўшинларига қарши Мовароуннаҳр аҳолиси кучларини сафарбар қилишга зўр салбий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, Аҳмад Яссавий ва унинг таълимоти Ўрта Осиё тарихида реакцион роль ўйнади» (2), деган узил-кесил салбий хулосаларини фикримизча, янгича тафаккур нуқтаи-назаридан идрок этиш талабга мувофиқдир. Гап шундаки, XX аср 80-йилларининг охиригача шайх Хожа Аҳмад Яссавий хусусида илмий ҳикматни билишдан маҳрум эдик. Ўзбек Совет энциклопедиясида ҳам Аҳмад Яссавий тўғрисида мўъжазгина «ахборот» берилиб, унда Аҳмад Яссавийнинг диний-мистик оқимнинг куйчиси... ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ривожланишига қарши курашган, инсоннинг ҳаётига муҳаббат қўйишга эмас, балки жисман ўлмасдан бурун маънавий ўлиш ғоясини тарғиб қилган, ҳоким табақанинг тарғиботчиси (юқоридаги ҳурматли академигимиз М. Мўминов фикри билан таққослаштиринг Т.Т.) бўлган (3)лигини кўрамиз.

Хожа Аҳмад Яссавийга муносабатимиз шундай бўлиб келдики, ҳатто ана шу Ўзбек Совет энциклопедиясида Аҳмад Яссавийнинг туғилган йили номаълум деб ёзиб қўйилган.

Сўфийлик таълимоти дарҳақиқат, Хожа Аҳмад Яссавий ижодининг ўзагини ташкил этади, бу илмий ҳақиқат. Лекин танганинг икки томони бўлганидек, унинг таълимотининг фақат бир томонига кўриб, унга инсоф билан комплекс ёндашмасак, унинг ижодий меросига нисбатан асл ҳақиқатни аниқлай олмаймиз. Аҳмад Яссавий ижодига комплекс ёндашиш, панду-насихатларидан нафақат туркий халқларни, балки бутун инсониятни ҳалоллик билан яшаш, таъмагирликка ружу қўймаслик, порахўрликдан ҳазар қилиш, бир-биримизга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш ва бугунги кунда давлат томонидан узлуксиз тарғиб этишга муҳтож бўлган беназир таълимотларидан баҳраманд бўламиз. Фикримизнинг далили учун шайх Хожа Аҳмаднинг қуйидаги шеърини келтирамиз:

*Мусулмон — мусулмонга бўлди қотил,  
Ноҳақ тутиб ҳақ ишларин қилди ботил.  
Мурид пирга қилмадилар юзу хотир,*

*Ажаб шумлик замоналар бўлди дўстлар.  
Ахлу дунё халқимизда саҳоват йўқ!  
Подшоҳлару вазирларда адолат йўқ!  
Дарвишларнинг дуосида ижобат йўқ!  
Турлик бало халқ устига ёғди дўстлар!  
Охир замон олимлари залим бўлди,  
Ҳушомадни айтувчилар олим бўлди.  
Ҳақни айтган дарвишларга ғаним бўлди,  
Ажаб шумлик замонлар бўлди дўстлар!*

деган ҳикматлари ўз даврида юртдошлари бошига тушган аҳволни башорат қилиш эмасмикин?

Тан ва руҳ поклиги учун зикр айтган Хожа Аҳмад Яссавий 1166 йилда оламдан кўз юмди. Унинг таълимоти маслакдошлари Сулаймон Боқирғоний ва Сўфи Оллоёр томонидан давом эттирилди.

Жаҳонгир Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийнинг ихлосмандларидан бўлиб, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан тарихий галабани қўлга киритганидан сўнг унинг қабри устига ҳашаматли мақбара қуришга буйруқ бериб, катта маблағ ажратади ва бу қурилишга ўша даврнинг энг истеъодли меъморларини жалб этади.

Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳашамдор ва улуғвор бўлиб, унинг 65,5 метру 45,5 метр майдонни ташкил этади. Мақбара марказий ўқ чизигига нисбатан симметрик йўлақлар воситасида саккизга бўлинади. Уларнинг ҳар бири бир ёки бир неча хонадан иборат. Бинонинг марказий қисмида «қозонли хона» («Назир-ниёз қозони») жойлашган. Бу қозон XIV асрда Амир Темурнинг шахсий кўрсатмаси билан етти хил қотишмадан тайёрланган қирқ қулоқдан иборатдир. Ривоятларга кўра, бу қозонда Туркистон орқали ўтувчи карвон учун доимо сув сақланган. Қозоннинг бўйи 162 сантиметр, оғирлиги 2 тонна, сифими 3 минг литр дир. Бу қозон 1935 йилда Ленинграддаги Давлат Эрмитажига олиб кетилган эди. Туркий халқлар талаби билан 1990 йилда яна ўз ўрнига қайтарилди. Ана шу баҳайбат Қозон қаршисидаги ҳужрада Яссавий қабри жойлашган. Қабрнинг усти Амир Темур фармони билан Ҳиндистондан келтирилган мрамар тошлар билан безатилган.

Яссавий даҳмаси қўйилган ҳужра, унга ёнма-ён жойлашган дарвишлар зикр тушадиган ҳужралар деворлари ўз вақтида олтин қуймалар билан безатилган бўлган. Бироқ, бу безак ва битиклар 1864 йилда Туркистон шаҳри Россиясининг генерал Черняев қўмондонлигидаги армияси томонидан босиб олинганидан кейин таланган, қуръон оятлари кўчириб олиниб, ўрни оққа бўялган. Мақбара ичида шарқ услубида қурилиб, кўпроқ тиббий мақсадда фойдаланилган ҳаммом қурилган кунидан бошлаб, токи 1979 йилгача халққа хизмат қилиб келган. Ўтган давр давомида жиддий таъмирсиз шунча аср халққа

хизмат қилиб келган меъморлик кошонаси ҳар қандай таҳсинга моликлиги шубҳасиздир.

Мақбара қаршисида қурилган Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараси 1898 йилда бузиб ташланиб, унинг гишталари чоризм босқинчилари томонидан шаҳар қурилишига ишлатилган. Маҳаллий ҳукумат томонидан бу мавзолейда ҳам таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

**Бу ҳикматли сўзларни эслаб қолинг:**

— *«Ғоялар фақат ғоялар билангина хавфсизлантирилади».*

**Оноре де Бальзак**

— *«Бизнинг ҳаётимиз — саёҳат, ғоялар — йўл кўрсаткичлардир. Йўл кўрсаткич бўлмаса, ҳамма нарса тўхтаб қолади. Мақсад йўқолгач, қудрат ҳам бизни тарк этади».*

**Виктор Гюго**

— *«Инсон бахт-саодати йўлида ҳар қандай қурбон беришганда ундайдиган гўзал ғояларни сингдиришининг ўзи буюк санъатдир».*

**Стендаль**

— *«Тафаккурсиз мушоҳада инсонни толиқтириб қўяди. Қачонки менда янада ишлаш учун янги ва янги ғоялар бўлмас экан, мен ўзимни оғир касалдек ҳис этаман».*

**В. Гёте**

— *«Тарбия инсонга иккинчи табиатни яратмоғи учун мазкур тарбиянинг ғоялари тарбияланувчиларнинг эътиқодларига, эътиқодлари эса уларнинг кундалик одат тусига ўсиб бормоғи зарур».*

**К. Д. Ушинский**

— *«Таълим агарда инсон қалбининг тағ-тағигача етиб бормас экан, у инсоннинг ҳар томонлама ривожлантиришига оғизлик қилади».*

**Протагор**

## 4-ДАРС

### МАВЗУ: «ЁШЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ ДУНЁҚАРАШИ ВА МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ»

#### ДАРСНИНГ ЖИҲОЗЛАРИ

а) Мафкура тушунчаси тўғрисида Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойил ёзилган дидактик материал:

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқравшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кунни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».

**Ислом Каримов**

б) Миллий ғоя тушунчаси хусусидаги тамойил ёзилган материал:

Ғоя — инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя — инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

в) Миллий ғояга тааллуқли тарқатиладиган ёзма дидактик материаллар;

г) Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 йил, дарснинг мотивацияси: «Миллий истиқлол ғояси» Президент Ислом Каримов сўзбошисидан олинди. 5—7-бетлар.

**Дарснинг мақсади.**

**Дарснинг таълимий мақсади:**

Мафкура — муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Дарс жараёнида ўрганилаётган мавзунинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, Президент Ислом Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги «миллий ғоя», «миллий мафкура», шунингдек маънавий-маърифий мавзуларда билдирган фикрлари асосида талаба

ёшларга «миллий ғоя», «миллий мафкура», «дунёқараш», «комил инсонни камол топтириш», «ижтимоий-сиёсий фаоллик», «фуқаролик масъулияти» каби тушунчалар мажмуи хусусида мустаҳкам билим бериш ва билимларнинг талабалар билан юқоридаги тушунчалар мажмуи устида олиб борилган баҳс ва мунозаралар давомида уларнинг шахсий эътиқодига ўсиб ўтиш ва кундалик амалий фаолиятларида тезкор равишда фойдаланишларига эришмоқдан иборатдир.

### **Дарснинг тарбиявий мақсади.**

Дарс жараёнида ўқитувчининг мазкур мавзу юзасидан олиб борадиган таълимий, илмий-назарий ва амалий фаолияти мажмуи натижасида талабалар тарбиясига комплекс ёндашган ҳолда уларда, Президент Ислам Каримовнинг тарбия бобида алоҳида қайд этиб ўтган куйидаги кўрсатмалари ўз ечимини топишини тақозо этади:

*«Олдимишга қўйган элижаноб мақсад-муддаоларимишга етиш, — деб кўрсатди Президент Ислам Каримов — эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонлар вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда»<sup>1</sup>.*

### **Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим.**

Мазкур дарсда ўрганилаётган мавзу «Миллий ғоя ва мафкура» фанининг яқунловчи бўлими (V бўлим) «ғоявий тарбия ва мафкуравий иммунитет» бўлганлиги жоиз талабаларда курснинг таянч ва бошқарув ғоялари ҳисобланган тушунчалардан: «ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси», «минтақавий кўринишлари», «бутунги мустақил Ўзбекистонимизнинг мафкуравий муаммолари», «мафкуранинг мақсад ва вазибалари», «огоҳликка даъват» каби масалалардан қанчалик воқиф эканликларини яна бир бор мустаҳкамлаш мақсадида машғулот давомида уларнинг фаолликларини ривожлантириб бориш ва таълимда интеграция усулидан самарали фойдаланиш мақсадида ўрганилаётган мавзу давомида талабалардан мазкур курснинг юқорида қайд этилган асосий таянч ва бошқарув ғояларидан олган билимларини эслатиб, такомиллаштириб ва зарур жойларида тузатишлар киритиб боришни тақозо этади.

### **Мавзунинг баён этиш режаси.**

1. Мафкура нима? Унинг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти.
2. Президент Ислам Каримов ёшларнинг ғоявий дунёқарашини ва маънавий фазилатларининг камол топтириш ҳақида.

---

<sup>1</sup> Миллий Истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 5-бет.



3. Фидоий, мустақил тафаккур эта оладиган, ҳар томонлама билимли, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол инсонни тарбиялаш — мафкуравий тарбиянинг асосидир.

4. Фуқароларда умуммаданий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини фаол шакллантириб бориш ва жамиятда соғлом муҳитни барпо этишда жавобгарлик масъулиятларини шакллантиришнинг шакл ва методлари.

### **Хулоса.**

*Дарснинг тури:* Муаммоли таълим элементларини ўз ичига олган ноанаънавий дарс.

### **Дарснинг блок чизмалари:**

Ўқитувчи ўқув жараёнининг ҳар қандай тизимида ҳам 1—2 дақиқа вақтни ташкилий масалага ажратиши табиий бир ҳол, ана шу ташкилий дақиқаларда мавзуга оид кўрғазмали қуроллар, тарқатма дидактик материаллар ва дарсда қўлланиладиган таълимнинг техника воситаларини фойдаланиш ҳолатига келтириб, янги мавзу ва унинг режаси ёзилган оқ қалин қоғоздаги «кўчма доска» — гуруҳ доскаси ёнига осиб қўйилади.

Дарс блоки чизмасидан «уй ишини текшириш» деб номланиб келаётган масалага келсак, бу ўринда ўқитувчи талабаларнинг курс юзасидан олган билимларидан юқорида қайд этган «таянч ғоялар», «бошқарувчи ғоялар»дан иборат тушунчалар тизимидан бир нечтасини муаммоли савол сифатида ўртага ташлайди. Синфнинг фаоллашувини ташкил этгач, масалан, *«Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоялари нималардан иборат?»* ёки *«Тараққиётнинг ўзбек модели деганда нимани тушунасиз?»* деган саволни ўртага ташлаб унга талабалар жавобларини олиб бўлгач, уни умумлаштиради ва талабалар диққат-эътиборлари «кўчма доска»да баён этилган бугунги ўрганиладиган мавзунинг номи ва режасига жалб этилади.

Дарс блокадаги эндиги босқич — янги мавзунинг тушунтириш ёки дарснинг боришидир.

1. Ўқитувчи мавзунини баён этишга киришар экан, биринчи галда талабаларга *«Миллий мафкура қандай хусусиятларга эга бўлиши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?»* деган саволларга муфассал жавоб бермоғи лозим. Мазкур ўринда Президент Ислом Каримовнинг «Fidokor» газетаси муҳбирига берган интервьюсидаги қуйидаги фикрларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз бу саволларга жавоб берар эканлар, бунда жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, яъни *«юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш комил инсонни тарбиялаш»* лозимлигига, *«бунинг учун биринчи галда, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши — жамиятимиздаги сиёсий ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабат-*

ларнинг ривожига ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабон адабиётлар яратиш зарур»лигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Юртбошимизнинг миллий мафкура хусусида баён этган юқоридаги фикрларида ёшларимизда миллий мафкурани тарбиялаб шакллантиришда «Ватан равнақи», «халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиши», «комил инсонни тарбиялаш» тушунчалари марказий ўринни эгаллаб тургани ўқитувчига дарс давомида талабалар диққат-эътиборини ана шу тушунчаларнинг атрофлича изоҳларини тақозо этади. Лекин ўқитувчи талабаларнинг мазкур тушунчалар хусусидаги мустақил фикрларини баён этишга жалб этишдан олдин, уларнинг эътиборларини «Ватан» тушунчасига кенг жалб этади. Гап шундаки, Ватанни сеёмоқ ундан шунчаки қувонмоқ, гурурланмоққина эмас. Уни дил-дилдан англамоқ, у билан нафас олмоқ, у билан яшамоқдир. Уни яшнатмоқ, обод этмоқ, унинг истиқболи учун тинмай кураш олиб бормоқдир. Афсуски, XIX асрнинг 60-йилларида рус босқинчилари биздан Ватанимиз билан бирга Ватанимизга бўлган муҳаббатимизни ҳам тортиб олган эди, кейинги 70 йил давомида ана шундай муқаддас муҳаббат ва ҳис-туйғуларимиз пойма-пой сўндириб келинди. Миллат, Ватан тушунчалари коммунистик мафкурага мослаб чиқилди. «Биз — совет халқимиз», «СССР — бизнинг Ватанимиз» деган тушунча онларга сингдирилди. Бутун социализм йиқилиб, у билан боғлиқ тушунчалар тумандек тарқала бошлагач, яна ҳамма нарса асл ҳолича намоеън бўла бошлади.

Бизнинг Ватанимиз кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, жаҳон маданиятининг чорраҳасида келган, ўнлаб илм-фан даҳолари билан башариёт тафаккурини ёритган, жаҳонгир саркардалари билан олам харитасига неча бор туб ўзгартиришлар киритган табаррук Туркистон — Ўзбекистон эканлигини бутун бутун жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда.

Она Туркистонимиз тарихини варақлар эканмиз, миллат тушунчаси ҳамisha Ватан билан ёнма-ён, мисоли жисму жон эканлигига яна бир бор иқроп бўламиз. Дарҳақиқат, бу икки олий тушунчани бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис тарихимизнинг *миллий Ўйғониш даври* деб аталган 1865—1929 йилларда Ватан ва миллатни англаш миллий мустақиллик учун курашиш энг муҳим масалалардан бўлиб турган эди. Худди ана шу даврда жадидлар номи билан тарихга кирган фидойи оталаримиз бу борада катта шижоат кўрсатдилар.

*«Ватан — у менинг жону таним, саждагоҳимиздур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим, Каббам, қиблам ҳамда гулистонимдур»* (Абдурауф Фитрат).

Биз талабаларда истиқлол мафкурасини изчиллик билан шакллантиришда Ватан омилининг роли хусусида фикр юритар эканмиз, бугунги кундаги геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг, яъни муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучай-

тиришга қаратилган сиёсатларида «Ватан» омилидан ўзларининг рағиб мақсадларининг амалга оширишда фойдаланиш йўлидан хатти-ҳаракатларидан ҳам ёшларимизга зарур илмий билим асосларини беришимиз лозимлиги ва уларнинг онгларига юртбошимизнинг «*Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳнамолари, олиму зиёллари, барча фарзандлари масбулдир*»<sup>1</sup>, деган оғоҳликка даъватларини ҳам асло унутмаслигимиз даркор.

2. Шу нарса сир эмаски, сўнгги йилларда исломни ислоҳ қилиб, ваҳҳобийликни кенг тарғиб қилувчи кучлар фаолияти бетиним авж олмакда. Улар айниқса «Ислом Низоми» деб номланган ўша реакция-он дастурда ўзларининг гўё «Чин ва соф исломий» қарашларини тарғиб қилишга зўр бериб уринмоқдалар. Уларнинг жазавалари шу даражага етиб бордики, ҳатто Арабистоннинг Жидда шаҳрида айрим ҳожиларимизга «Ислом Низоми»ни бепул эҳсон қилишга ҳам шошилмоқдалар. Натижада бундай «беғараз» эҳсоннинг туб моҳиятидан мутлақ бехабар айрим ҳожиларимиз: «*қаранг, юртдошларимиз Арабистонда ҳам ўзбек тилида ёзилган китоб — «Ислом Низоми»ни нашр эттириб, эҳсон қилаётган эканлар*», деб севинмоққа тушдилар. Ҳатто асл мазмун-моҳияти ҳокимият учун курашмоқчи бўлиб, юртдошлари, болачақалари тинчлигини бузиб, ўзларининг мараз мақсадларини амалга оширмоқчи бўлаётганлар ҳақиқа дуолар ҳам ўқидилар.

Бу Низомда «Ислом мафкураси» ва «Ватанпарварлик», «Исломда ахлоқ» деган бобларга жуда катта ўрин ажратилган. Унда «Ватан» ва «Ватанпарварлик» тушунчалари (робиталари) қуйидагича ифодаланган: «*Фикр саёзланиб, борган сари одамлар ўртасида Ватан тушунчаси пайдо бўла бошлади. Бунинг боиси шундаки, одамлар бир жойда яшаб у ерга мустаҳкам ўрнашиб қолгач, яшаш учун курашиш туйғуси ўзини мудофаа қилишга ва ўз навбатида улар яшаб турган шаҳарни ҳам, оёқлари остидаги ерни ҳам ҳимоя қилишга ундайди. Мана шундан ватандошлик алоқалари пайдо бўлади, бу эса энг кучсиз тубан алоқадир*».

«Ислом Низоми»да ватандошлик хусусида яна қуйидагиларни ўқиймиз: «Ватандошлик» робитаси ногўғри эканлигининг утга сабаби бор:

*биринчидан*, ватандошлик робитаси тубан робита бўлиб, уйғониш йўлига қадам қўйган чоғда инсонларни бир-бирига боғлаб туришда ҳеч қандай фойда бермайди;

*иккинчидан*, бу робита ҳиссиётга тааллуқли бўлиб, ўз жонини ҳимоя қилиш йўлида «яшаш учун курашиш» туйғусидан келиб чиқади;

*учинчидан*, ватандошлик робитаси мудофааланиш ҳолатидагина вужудга келадиган муваққат алоқа воситасидир, аммо инсон ҳаётининг аслий ҳолати бўлган тинчлик ва барқарорлик ҳолатларида эса унча зарурат йўқ. Шунинг учун ҳам бундай робита инсон фарзандларини ўзаро боғлайдиган робита бўлишга ярамайди».

<sup>1</sup> Каримов И. А. Истиқдол ва маънавият. — Т.: «Ўзбекистон», 1994, 119-бет.

«Ислом Низоми» ўзининг асл мақсад-моҳиятини қуйидаги сатрларда баён этади:

«Биз ислом низомини олиб, бу низомнинг асоси бўлган Ислом ақидасини тарқ қилишимиз ҳам жоиз эмас. Чунки бу ҳолда биз руҳи йўқ, ўлик низомни олган бўламиз. Биз исломни олар эканмиз, уни ақидаси ва тузими билан биргаликда, бир бутун ҳолда олиб, унинг даъватини майдонга олиб чиққанда мафқурасини ҳам ёйишимиз лозимдир.

*Демак, уйғониш учун ягона йўлимиз мавжуд. У ҳам бўлса ислом ҳаётини қайта бошламоқ. Ислом давлатисиз эса, ислом ҳаётини қайтадан бошлашга йўл йўқ».*

«Ислом Низоми»даги бундай сўзларни ўқиган ҳар бир инсон Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг диний экстремистлар тўғрисида гапирганларида уларнинг *ватанлари, миллатлари* ва *ҳудудлари йўқ манқуртлар* бўлиб, дунё халқлари XXI асрга ўтган бир пайтда илк ўрта аср давридаги халифаликни тиклашни орзу қилаётганликлари хусусидаги баҳоси айни ҳақиқат ва жуда тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Зеро, ватанфурушларнинг назаридаги «Ватан» тушунчаси бундан ортиқ бўлишини кутиш ҳам сўқир одамдан қарвонбошиликни талаб этиш билан тенг бир нарса бўлур эди! Бу манқуртларга «**Ватан ва аҳли диёр**»ни қадрли мусофиротда маълум бўлур. Ҳақиқатан Ватан муқаддасдур, қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур (Маҳмудхўжа Бехбудий), деган даъватлар батамом бегонадур.

Миллий ғоя ва мафқурани одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини имкон қадар қамраб олишда таълим тизимининг роли ва ўрни ҳамда имкониятлари беқиёс катта эканлигини назарда тутиб, айниқса ижтимоий фан ўқитувчилари бу борада ҳар бир ўқув юртининг йўналишини ҳисобга олган ҳолда миллий ғоя ва мафқуранинг асл мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириб боришга эришмоқлари даркор. Бу борада мазкур курс юзасидан олиб бориладиган амалий машғулотлар давомида талабаларнинг ёшлари ва билим даражаларига нисбатан индивидуал ва дифференциал равишда ёндашув алоҳида касб этади.

Ҳўш, алоҳида олинган гуруҳда «Миллий ғоя ва мафқура» ўрганилаётган мавзу ягона бўлиб, аудиториядаги талаба (тингловчи)ларнинг билим даражалари турлича бўлган бир реал шароитда шу гуруҳда миллий ғояни ва мафқурани сингдириб боришда уларда мавжуд бўлган таълим-тарбиялари даражаларига ёндош жараённи қандай амалга оширилиши мумкин.

**Аввало** талабалар сонига мўлжаллаб қуйидаги муаммоли саволлардан иборат тарқатма дидактик материаллар (саволлар) тайёрланади ва уларнинг ҳар бирини кадаскоп аппарати ёрдамида доскада намойиш этиб (кадаскоп бўлмаган шароитда оддий доскадан фой-

даланиб), талабаларнинг оғзаки жавоб-баҳсларини тингланади ва кенг муҳокама қилинади. *Улар қуйидагилардан иборат эди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида мафкура хусусида гап боради ва унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

2. Мафкуравий иммунитет деганда нимани тушунасиш?

3. «Ислоҳ Низоми» нима ва унинг мақсал-моҳияти нималардан иборат?

4. Президент Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган *«Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш»* тамойилини қандай тушунасиш?

5. Ғоя ва мафкуранинг қандай тарихий шакллари биласиз? Уларнинг мазмун ва моҳияти хусусида нималар дея оласиз?

6. Мафкуравий жараёни глобаллашуви деганда нималарни тушунасиш?

7. Президент Ислоҳ Каримовнинг *«Ўски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги миллий ғоя ва мафкура билан тўлдиришнинг зарурати барчамизга аён бўлиши зарур»* деган кўрсатмаларини шарҳлаб беринг?

8. «Шовинизм» ғояси қачон, қаерда вужудга келган, унинг моҳияти нимадан иборат?

9. Мафкуравий таҳдид нима?

10. Адабиёт ва санъатнинг у ёки бу мафкурани шакллантиришдаги ўрни ва роли хусусида нималар дея оласиз? ва ҳ.к.

Иккинчидан, дарс жараёнида мавзу юзасидан мунозара-баҳс учун тайёрланган барча муаммоли саволларга тегишли жавобларни эшитишга улгуролмаслик эҳтимоли борлиги боис, уларга уй вазифаси тариқасида тўла жавоб ёзиб келишлари топширилади ва кейинги дарсда муфассал таҳлил этилади.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган саволларга талабалар томонидан берилган жавобларни умумлаштирар экан, фуқароларда умуминсоний, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини шакллантириб борилиши ва жамиятда соғлом муҳитни барпо этишда фаол иштирок этиш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бурч эканлиги ва бунинг учун улар маъсул эканликларини алоҳида уқтириб ўтади.

Ўқитувчи талабаларнинг ғоя ва таълим муассасаларининг роли хусусида фикр юритиш учун албатта ўз тингловчиларининг оилавий шароитлари, уларни ўраб турган ижтимоий муҳит хусусида аниқ маълумотларга эга бўлиши дарс самарадорлигини ошириб бориши ва унинг таъсирчанлигини кўтаришда муҳим роль ўйнайди. Бу борада ҳам биз ўзимизнинг шахсий педагогик фаолиятимизда бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Жумладан, гуруҳ раҳбарларининг тарбиявий иш режалари билан танишар эканмиз, унда

гуруҳ талабаларига берилган тавсифномалар, гуруҳда мавжуд бўлган ютуқ ва муаммолар, уларнинг сабаб ва моҳиятларидан миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни янада такомиллаштириб бориш йўлида кенг фойдаланилди. Бундай методнинг қўлланилиши ўз навбатида таълим-тарбияга индивидуал ва дифференциал муносабатда бўлиш муаммосининг ҳам самарали ечишга имкон берди. *Мавзуни баён этиш жараёнида қуйидаги фикрлардан фойдаланинг:*

«Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

**Ислом Каримов**

«Жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутати.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ».

**Ислом Каримов**

«Миллий мафкура воситасида элу-юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади».

**Ислом Каримов**

«Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман».

**Ислом Каримов**

«Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллаб яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади».

**Ислом Каримов**

«Агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай — сезмай қолишимиз мумкин».

**Ислом Каримов**

## ДАРС ИШЛАНМАЛАРИ:

### МАВЗУ: «МАЪНАВИЙ МЕРОС, КАДРИЯТЛАР, УЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ» МАВЗУСИНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК ИШЛАНМАСИ

*«Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аجدодларимиз Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз.*

*Мустақилликни ялон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салохитини қайта тиклаш даврида, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди»<sup>1</sup>.*

Ислоом Каримов

## ДАРСНИНГ МОТИВАЦИЯСИ

Ўзбек халқи ўзининг азалий орзуси — миллий мустақиллигига эришгандан кейин ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлганлиги ва шўролар истибдоди даврида том маънода тўла оёқ ости қилинган маънавий мерослари ва қадриятларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлганлигини умумбашарий аҳамият касб этган қатор бобокалонларимиз — Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Соҳибқирон Амир Темур, Дукчи Эшон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Беҳбудий ва бошқаларнинг ҳаётлари ва ижодий фаолиятлари мисолида талабаларга атрофлича тушунтириб бериш билан уларга миллий ғоя ва мафқурани такомиллаштиришга йўналтириш.

## ДАРСНИНГ ТУРИ

Мазкур мавзу бўйича талабалар 6—7—8—9-синф тарих курсларидан маълум тушунчалар мавжудлигини ҳисобга олиб, уларнинг олдинги

<sup>1</sup> Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: «Ўзбекистон», 1994, 140-бет.

синфларда бошқа фанлардан ва синфдан ташқари машғулотлардан (кино, театр ва телефильм, бадиий адабиётлардан олган билимларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг билимларини яна бир бор мустақил такрорлаб, мустаҳкамлаш мақсадида) олган билимларини ҳисобга олган ҳолда дарснинг «ДАВРА-СУҲБАТИ» методи қўлланилади.

### **ДАРСНИНГ ТАЪЛИМИЙ МАҚСАДИ**

Дарснинг мотивациясида қайд этилган боболаримизнинг илмий-маънавий, маърифий мерослари. «Авесто», «Куръони Карим» ва Ҳадису шарифларда баён этилган қадриятлармиз тўғрисида талабаларимизга ўтмишимиз тарихидан, классик адабиётимиз вакиллари-нинг бадиий-адабий мерослари ва архитектура ёдгорликлари хусусида янада мукаммал ахборот беришга эришиш.

### **ДАРСНИНГ ТАРБИЯВИЙ МАҚСАДИ**

Талабаларга *«Бугунги кунни тушунмоқ ва келажакимиз тўғрисида ишорага эга бўлиш учун ўтмишимизни сўроқлаб, суриштираолмоғимиз лозим»* (В. Г. Белинский)лиги, *«Тарихий хотирасиз келажак йўқ»* (Президент И. А. Каримов) эканлиги, *«Тарих бу замоннинг гувоҳи, ҳақиқат ёғдуси, хотиралар ҳаёти, ўтган кунлар шоҳиди»* (Цицерон) деган, шунингдек *«Тарих бу қудратли ва абадий куч бўлиб, у фуқарони кашф этади, маслакдош жамоаларни тарбиялайди»* (А. В. Сухомлинский) деган тамойиллар асосида тарбиялашга тақозо этади.

### **ДАРСДА РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИЛАДИГАН ТАЪЛИМ**

Дарс давомида талабаларимизга маънавий меросларимиз ва қадриятларимиз хусусидаги ахборотларни янада мустаҳкамлашга қаратилган муаммоли саволларга тўла жавоб олишга эришиш.

### **ДАРСНИНГ ЖИҲОЗИ**

«Маънавият ва маърифат» туркумидаги плакатлар; «Мовароуннаҳр хонликларининг архитектура ёдгорликлари», «Ўзбек классик адабиёт намоянадалари» плакатлари туркумидан фойдаланиш.

Дарс режасини тузишдан олдин шуни ҳисобга олиш лозимки, мазкур курс дастурида ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини таъмин этишнинг бош омили фанлараро алоқа боғлаш, агарда бугунги кунимизда кенг қўлланилаётган атама билан ифодаладиган бўлсак, ўрганилаётган мавзуга **интеграцион** ёндашиш ва унга бўлган илмий-методик ва дидактик талаблар, айниқса ёш авлодни миллий ғоя ва мафкура талаблари асосида тарбиялашимизнинг илмий-назарий дас-



туруламали бўлмиш Президент И. Каримов асарларидан ҳар бир мавзуда талаба ёшларимизда қайси концепцион тушунчани шакллантиришда қайси тамойиллардан қандай фойдаланишнинг на илмий-методик ва на дидактик йўл-йўриқлари асосида умуман лом-мим дейилмаган. Шундай экан, ижтимоий фанлардан дарс берадиган ҳар бир педагог ўзининг кундалик амалий фиолниятида ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов ибораси билан айтганда, *ҳатто давлат ва жамиятни бошқаришда кенг фуқаролар иштирокларини фаол жалб этиб, уни эркинлаштириш керак. Зеро, биз демокритик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида камарбасталик қилар эканмиз, ҳар бир масалага ҳурматли Президентимиз кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, айниқса ижтимоий фанлардан дарс бераётган педагогларимиз учун ҳам қарзидир ҳам фарзидир.*

Мазкур ўринда ҳурматли педагогларимизни шуни алоҳида эслатиб ўтмоқчимизки, 2004 йил шаротига келганимизда ўзбек халқи ўз миллий мустақиллигига том маънода тўла мўлумда эга бўлган бир даврда миллий ва маънавий меросларимизни қўриқларимизнинг тўла идрок этмоғимиз учун, миллий онг ва миллий гуруримиз камолати учун барча объектив имкониятлар ва субъектив шарт-шароитларга эгамиз. Агарда яқин ўтмишимизга қисқа бўлмаса-да, тарихий экскурсия уюштирсак, бу борада қанчалик шовинизм ва буюк давлатчилик тамойилларига асосланган **ғайриинсоний** сиёсат олиб борилганлигининг шоҳиди бўламиз. **Жумладан, собиқ шўролар жамиятида мустақил тафаккурга эга бўлиш ва ижод эркинлиги қўшишга учраб, миллий ва маънавий ташаббус бўғиб ташланган эди, мамлакатнинг маданий ҳаёти фақат даҳрийликка асосланган коммунистик ғояга бўйсундирилган эди.**

Шу боис ўтмиш маданият ва маънавиятимиз тарихини, маданиятини ўрганишда ҳам асосий мезон — коммунистик дунёқараш билан ўлчаш бўлиб қолган эди. Шу сабабли Тошкентдек шаҳри аҳимдаги Ўрта Осиё Давлат Университетининг **Шарқ** факультетидан беш йил таҳсил олиб, Ҳадис илмининг асосчиси, муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий хусусида бирон оғиз сўз эшитмаслик, имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний каби боболаримиз илмий мероси хусусида бирон оғиз ахборотга эга бўлмаганимиз ажабланарли бир ҳол эмас эди. Шунинг учун ҳам талаба ёшларимизга мазкур мавзу хусусида атрофлича мустаҳкам билим беришда ҳар бир педагог ўз дарс услубида тарихий даврларни **бир-бирларига қиёсий таққослаб, ҳар бир факт мисолида мустақиллигимизнинг айниқса талаба ёшларимизга бераётган реал маҳсулот ва имкониятларини тўғри ва атрофлича тушунтириб бериб, уларда миллий истиқлол ғояларини фаол шакллантириб борилишига ўз улушларини узлуксиз равишда кўшиб боришлари керак.**

Талабаларга мазкур суҳбат даврасини ташкил этишимиздан мақсад-муддаомиз нималардан иборат эканлигини тушунтириб, улар изнларига *қуйидаги саволларга батафсил жавоб тайёрлашлари буюрилади:*

1. «Маънавият» ва «маънавий мерос» тушунчаларини шаклланишида «Буюк ипак йўли», «Уйғониш даври маданияти».

2. Қадимги Шарқ маданиятининг гарбга маънавий таъсири. Бу борада Президент И. Каримовнинг 2004 йил 7 ва 8 апрель кунлари Латвия Республикасига қилган сафарларидаги фикрлари.

3. Мовароуннаҳр кўҳна тарих ҳамда бой маънавий меросга, миллатимиз шон-шухратига муносиб қадриятларга эга эканлиги, «Авесто».

4. Мовароуннаҳрда фан ва санъатнинг тараққий этиши, жаҳонни ҳайратга солган буюк ватандошларимизнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий мерослари. Бу борада Президент Ислом Каримов фикрлари.

5. Чор Россияси босқини ва шўролар даврида миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг том маънода топталиши.

6. Миллий мустақилликка эришганлигимиз муносабати билан миллий ва маънавий мерос, қадриятларимизнинг қайта тикланиши; «Наврўз», «Ҳайит байрамлари», Имом Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Бобур каби мутафаккирлармиз номлари ва маънавий меросларимизнинг халқимизга қайтарилиши.

Бу саволлар «Маънавий асослари» фанидан ўтказилган I-машғулотдан кейиноқ талабаларга тарқатилиб, уларга тавсия этилаётган ҳар бир саволга атрофлича мукамал жавоб тайёрлаш, хоҳлаганлар айрим масалалар юзасидан батафсил реферат ёзишлари, видео кассета, турли кўргазмалар қуроллар, тарқатиладиган дидактик материаллар тайёрлашлари айна муддао бўлиши уқтирилади. Қуйида *«Маънавий мерос, қадриятлар уларнинг шакллари ва ўзаро муносабатлари»* мавзусида ўтказилган машғулотнинг «Давра суҳбати» турида мавзунинг назарий ва амалий жиҳатдан меъёрига етказиб ўтказишда Президент Ислом Каримов асарларидан мавзу талабларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиб тайёрланган талабаларга баҳс-мунозаралари учун айнан зарур бўлган назарий тамойиллардан бир нечтасини тарқатма дидактик материал сифатида тавсия этамиз.

### УЛАР ҚУЙИДАГИЛАРДИР

1. Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 23 апрелида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан лавҳалар келтирилган дидактик материаллардан намуналар келтирамиз:

«Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоннинг жасорат, букилмас ирода, сўнамас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: *«Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби!»*

*«Пойинги уни ўқишга ижозат беринг!»* дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эҳтироми нақадар юксаклигини кўрсатади»...

«Буюк вастандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи энг иншончи ҳадислар тўплами «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» ислом динида Куръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра бу башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

«Биз эски тузум, эски мафкура зугумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўнгина хайрли ишларни амалга оширдик».

Жумладан, Имом ал-Бухорий мақбарасини Ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик. Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлди.

2. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 24 октябрда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқидан лавҳалар:

«Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йилигига миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятларимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк ажлодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғоний оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир».

Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихида илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояндаларидан бири.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Фарғоналик бу фозил зотнинг «Астрономия асослари» номли шоҳ асари XII асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилинган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамият касб этишини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган».

«Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожигаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ун олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647-йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги (кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади)».

Мазкур машғулотнинг биринчи қисми масаланинг назарий жиҳатдан ёритиб беришда алоҳида келтирилган аниқ маълумотлар талабалар томонидан атрофлича ўзлаштирилиб, мазмунлари идрок этилиб борила экан, энди ўқитувчи талабаларга илгаридан берилган мустақил ишлар, уларнинг кишилик жамияти тарихида миллий ва умуминсоний қадриятлар ва инсоннинг маънавий юксалишларида катта из қолдирган алломаларимиз, шоиру-фузало, саркардаю тарихий меъморларимиз хусусида баён этиладиган ахборотларига жалб этамиз.

Ниҳоят, талабалардан Бегматова Нилуфар томонидан «Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783 Хоразм — 850 Боғдод)», Бегалиев Имомхасан томонидан «Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (825 — Термиз яқинидаги Буғ қишлоғи — 892 Термиз), Мусаева Умида томонидан «Кул Хожа Аҳмад Яссавий (1103—1166 йил)лар ҳаёт ва ижодий фаолиятларига бағишланган рефератлар асосида ахборотлар тўплалиб, талабалар иштирокларида умумлаштирамиз ва дарсга яқун ясалади.

## **МАВЗУ: «ФРАНЦИЯ-ПРУССИЯ УРУШИ ВА УНИНГ ЯҚУНЛАРИ» МАВЗУСИГА ДАРС ИШЛАНМАСИ**

### **Дарснинг жиҳозланиши:**

Кадаскоп орқали қуйидаги кўргазмалар тасвири экранда навбатма-навбат намоиш этилади:

- а) «Франция-Пруссия уруши» ўқув тарихий харитаси;
- б) «Франция деҳқонлари алампалани қишлоқни тарқ эмоқдалар». 1871 йил травюраси;
- в) «Пруссия армиясининг Париж иқинидаги Сен Деннига кириб келиши». 1871 йил травюраси;
- г) Бисмарк Отто Эдуард Леопольд фон Шёнхаузен (1815 йил 1 апрель Шёнхаузен — 1898 йил 30 июль Фридрихсру) Портрет;
- д) «1870 йил 4 сентябрда Париждаги Ратуша майдонида республиканинг эълон қилиниши» 1872 йил травюраси;
- е) «Вильгельм I ва Наполеон III». Наполеон III ерга тушиб ўз қиличини Вильгельм I га бературиб: «*Мана сенга менниг буямни қилиши, сен уни ўзинг белингга тақиб юришинг мумкин*». Карикатура;
- ж) «1870 йил 4 сентябрь инқилоби». Париж халқ оmmasи қонуни чиқаруви Корнус биносини эгаллаб, империянинг айдарилиниги эълон қилмоқда;
- з) «Даҳнатли мерос» Франция 1871 йил бошларида. О'Дюмье литографияси. 1871 йил.

### **Дарснинг мотивацияси:**

Талабаларга 1860 йилларнинг ярмида ўша даврда дунёни ривожланган мамлакатлари ҳисобланмиш Англия, Франция, Германиянинг иқтисодий тараққиётидаги аҳволларига қиёсий характеристика бериш ва Франция-Пруссия урушини келтириб чиқарган асосий сабаблар билан бирга талабаларга 1870 йил 13 июлида Отто Бисмаркнинг Эмдан келган шошилинич телеграмма («Эмс депеши») га муносабати ва унинг сохталаштирилганлигини, аниқроғи бу ҳужжатда Наполеон III нинг ҳақорат қилинганлиги оқибатида Франция-Пруссия урушининг бошланишига туртки бўлганлигини тарихий дипломатик ҳужжатлар асосида ифодалаб бериш.

### **Дарснинг таълимий мақсади:**

Дарс жараёнида «Жаҳон тарихи» (1870—1918)нинг иккинчи даврига бағишланган ўқув қўлланмасига ижодий ёндашган ҳолда талабаларга Франция-Пруссия урушини келтириб чиқарган асосий сабаб ва дипломатик муносабатлардаги ҳужжатларни сохталаштириш оқибатида содир бўлган сиёсий инқирозлар хусусида махсус мавзуга доир тарихий адабиётлар ва кўргазмали қурооллардан мақсадга мувофиқ фойдаланган ҳолда, янги педагогик технология асосида, тарих урғанишига интеграцион ёндашиш талабларини имкон қадар мумкинмал таълим беришга эришмоқдан иборатдир.

### **Дарснинг тарбиявий мақсади:**

Дарс жараёнида талабаларга Франция-Пруссия урушининг ҳар икки томондан ҳам ҳукмрон доиралар манфаатлари йўлида олиб борилган босқинчилик уруш эканлигини, биринчи галда Франциянинг узоқни кўра билмайдиган ва халқаро майдонда ўз обрўсини йўқотиб бораёт-

ган Наполеон III учун ҳам, ўта айёр, дипломатия майдонида авантюрист, 1851—1859 йилларда Пруссия, Бундестагининг Франкфурт Майндаги вакили, кейинча Пруссия ташқи ишлар вазири, 1867 йилда Шимолий Германия Иттифоқи гузилиб Пруссияни ҳарбий куч ишлатиш, яъни милитаризм йўли билан «юқоридан» туриб бирлаштиришига мувофиқ бўлгандан кейин Бундесканцлер лавозимини эгаллаган, Германиянинг машҳур давлатлар арбоби, Памерания юнкерлари авлодига мансуб бўлган князь Бисмарк Отто Эдуард Леопольд фон Шёнхаузен (1 апрель 1815—30 июль 1898) учун ҳам манфаатли уруш эди. Мавзуни баён этиш жараёнида талабаларга мамлакатлар орасидаги ҳар қандай муаммолар имкон қадар тинч йўл билан ҳал этиш лозимлиги, жумладан ўз миллий истиқлолига эришган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳам ўзининг ташқи сиёсатида ана шу тинчлик йўлини оғишмай амалга ошириб келаётганлигини уқдиради.

### **Дарсда ривожлантириб бориладиган таълим:**

Дарс давомида ўқувчилар диққат-эътиборлари ўрганилаётган материалларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида масалага интеграцион ёндашиб, биринчи гада нима учун жаҳон тарихи янги даврининг биринчи қисми худди мана шу 1870 йил 4 сентябридаги Франция-Пруссия урушидан бошланиб, 1914—1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши воқеаларини ўз ичига қамраб олишининг сабабларини аниқлашдан бошлаб, Жаҳон тарихи қўлланмасининг «Кириш» дарсида: «1892 йилда Англия 6,8 миллион тонна чўян ишлаб чиқаргани ҳолда Германия 4,9 миллион тонна чўян ишлаб чиқарган бўлса, 1912 йилга келганда Англия 9,0 миллион тонна, Германия эса 17,6 миллион тонна» ишлаб чиқаргани, яъни Англия иқтисодиётида товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан кўра четга капитал чиқариш алоҳида аҳамият касб этганлигини алоҳида қайд этиб ўтади. Капиталнинг концентрациялашуви 1900 йилдан кейин юқори суръатлар билан тезлашиб кетганлиги ва ниҳоят 2003 йил шароитида Ироқ кризиси муносабати билан капитализм дунёсида содир бўлаётган иқтисодий интеграцияларга жалб этиб борилади.

Дарс жараёнида қўлланиладиган кўرғазмали қурооллар, тарқатиладиган дидактик материаллар, техника воситалари ва ўқув қўлланмасига қўшимча адабиётлар ўз навбатида мазкур дарснинг ўтиш методи ҳам аниқ белгилашга имкон беради. Демак, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, мазкур мавзу тарих ўқитиш методикасида илғор ўқитувчилар томонидан кўп қўлланиладиган метод-маъруза-суҳбат методида олиб борилади.

### **ДАРСНИ БАЁН ЭТИШ РЕЖАСИ:**

1. Франция-Пруссия уруши арафасида ҳар икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий-сиёсий аҳволи ва халқаро майдонда эгаллаган мавқеи.

2. Испания тахтига Леопольд Гогенцоллерн номзодининг қўйи-  
лиши.

3. Эмела Франциянинг Берлиндаги элчиси Бенедеттининг Прус-  
сия қироли Вильгельм I билан учрашуви.

4. 1870 йил 12 июлида Наполеон III ҳузурдаги мажлис Наполеон  
III нинг Пруссия қироли Вильгельм I олдида қўйган талаблари.

5. Бисмаркнинг Эмелан келган шошилинч телеграмма («Эмс де-  
нени»)га муносабати ва унинг сохталаштирилганлиги.

6. Франция-Пруссия урушининг бошланиши. Седан жанги.

7. 1870 йил 4 сентябрь давлат тўнтариши. Франкфурт Майндаги  
сулҳ шартномаси.

## ХУЛОСА

Дарс жараёнида мавзунини мустақамлаш учун берилган муаммоли  
саволларга ва масалага интеграцион ёндашиш мақсадида синфга  
берилган саволларга ўқувчилар томонидан берилган жавоблар асо-  
сида уларнинг билимлари баҳоланиб борилади.

## ДАРСНИНГ БАЁНИ

Франция XIX асрнинг иккинчи ярмида капиталистик муноса-  
батлар бирмунча ривожланган мамлакат бўлиб, 1851 йил 2 декабри-  
да содир бўлган давлат тўнтариш натижасида ҳокимият Наполеон  
III қўлига ўтган ва у Франция тарихида **Иккинчи империя** деб тан-  
олинган мамлакатнинг императори деб тан олинди. Бу давр Фран-  
цияда саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги-  
ни гувоҳи бўламиз. Бироқ, мамлакат саноати тез суръатлар билан  
ривожланиб бораётган бир вақтда император Наполеон III нинг хал-  
қаро майдондаги мавқеи бирмунча сусайиб бораётган эди. Гап шун-  
даки, Франция ўзининг шимолидаги қўшниси Пруссиянинг Герма-  
нияни бирлаштириб, ўша даврга нисбатан бирлашган қудратли им-  
перияга асос солиш йўлидаги хатти-ҳаракатларига умуман қаршилик  
кўрсата олмади, Франция хавфсизлиги кучайди. Бундан ташқари  
Франция ташқи сиёсат бобида ҳам қатор жиддий хатоликларга йўл  
қўйди. Жумладан, 1860 йилда Англия билан тузган савдо шартнома-  
сида инглиз товарларини Франция бозорларига қўплаб кириб ке-  
лишига йўл қўйиб, француз товарлари билан рақобатни янада куча-  
йишига сабаб бўлган эди. Бу эса савдо буржуазиясининг ҳукуматга  
нисбатан норозилигини янада кучайишига сабаб бўлган эди. Боз  
устига мамлакатда ишсизликнинг кучайиб бориши, озиқ-овқат маҳ-  
сулотлари нархини кўтарилиб бориши, солиқларнинг кундан-кунга  
кўпайиб бориши халқ оммаси норозилигининг кучайиб боришига  
сабаб бўлаётган эди. Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ана шундай  
қийинчиликлар мажмуи 1869 йилда Франциянинг шимолида Луара

кумир ҳавзаси шахтёрларининг кучли иш ташлашлари бўлиб ўтган бўлса, 1870 йилда Париж аҳди Наполеон III нинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатига қарши 200.000 кишилик норозилик намойишларини ўтказдилар. Бундай нохуш воқеалар император Наполеон III учун носоғлом муҳитни келтириб чиқарган эди.

2. Худди мана шундай нохуш шароитда 1870 йил 1 июлида матбуотда кичкинагина бир хабар, аниқроғи Испаниядан келган бир хабар матни эълон қилинди. Унда баён қилинишича, Испаниянинг бўш қолган тахтига эгалик қилиш Пруссиянинг Гогенцоллерн-Зигмаринген урушдан шахзода Леопольд сайланганлиги маълум қилинган эди. Бу маълумотнинг эълон қилинишининг эртаси куни бутун Европа Наполеон III нинг биргина гогенцоллерлар сулоласининг ҳам Пруссияда ҳам Испанияда ҳукмронлик қилишларига йўл қўймаслиги ҳақидаги ташвишли хабар эълон қилинди. 1870 йил 6 июлида Франция ташқи ишлар вазири герцог Гратон Франциянинг қонун чиқарувчи корпусида Пруссия адресига провокацион нутқ сўзлаб, у ўз сўзида *«Франция империяси ҳеч қандай иккиланмасдан туриб, қирол V империясининг қайтадан тикламоқчи бўлган! ҳар қандай давлатга қарши аёвсиз уруш эълон қилади»*, деди. Франция ташқи ишлар вазирининг бундай провакацион нутқи унинг қўшниси Пруссияга қарши қаратилганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас эди.

3. Франциянинг Берлиндаги элчиси Бенедетти Пруссия билан Испания тахтига кимни ўтқазिश масаласини Отто Бисмарк билан дипломатик йўли воситасида ҳал этиш ўрнига у Пруссия қироли Вильгельм I даволанаётган манзил — Эмсга йўл олди.

Бенедетти Эмсга келиши биланоқ, қирол даволанаётган қароргоҳ кўриқчилари — гофмаршал ҳарбий кўриқчилар қисми раҳбарининг қирол бетоб ва у даволанишда эканлиги сабабли ҳеч кимни қабул қилолмайди, деган эътирозига қарамасдан, Бенедетти қирол билан албатта учрашуви шарт эканлигини бир неча маротаба уқдирди. Бенедетти талаби қиролга етказилгач, у Бенедеттини қабул қилди.

Вильгельм ҳар доим бўлганидек, Бисмарк унинг рухсатисиз Испания тахтига шахзода Леспольд номзоди қўйилганлигининг гувоҳи бўлди қолди. Гап шундаки, Бисмарк Наполеон III каби бўлажак Франция-Пруссия урушидан манфаатдор эди. Маккор дипломат Отто Бисмарк фикрича, Гогенциоллерлар хонадонидан кимни бўлмасин Испания тахтига ўтказиш Франциянинг иззат-нафсига тегиб, узоқни кўра билмайдиган, халқаро майдонда кундан-кунга обрў-эътиборини йўқотиб бораётган император Наполеон III ни Пруссияга қарши уруш очишга туртки бўлишини яхши билар эди. Воқеа ана шундай ривожланиб борганда, жаҳон жамоатчилиги кўз олдида Пруссия Франциянинг унга қарши очган урушидан гўё жабрдийда, шу боис ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлган давлатдек кўрсатиши керак эди.



1870 йил 18 мартада Берлинда, бўшалган Испания тахтига шаҳзода Леопольд Гогенцоллерн номзодини қўйиш масаласи муҳокама этилганда Пруссия ҳукумат аъзолари — Бисмарк, Фон Роон, Мольтке, Шпейниц, Хиле, Дельбрюк Леопольдга мазкур таклифни қабул қилишни қатъий туриб маслаҳат берганларида, шаҳзода томонидан масала ижобий ҳал этилган эди. Бу келишув ниҳоят сир тутилган эди. Чунки Наполеон III ни бу қарорга қаттиқ норозилик кўрсатишни олдиндан билар эдилар. Бисмарк таклифига ноилож рози бўлган қирол Вильгельм I эса бу қарордан жуда хавогирда эди. Шундай қилиб, Испания тахтига Леопольднинг ўғирини аниқ бўлгач, Бенедетти Эмсага ташриф буюрди, Пруссия қироли Вильгельм унга ҳозирги шароитда Леопольд номзодлиги масаласини қабул қилишга ҳам ёки таққлашга ҳам ҳаққи йўқлигини айтди.

Аслида бу масала унинг Берлинда йўқлиги ва Эмса даволанаётган вақтида бўлган эди-ку! Бунинг учун шахсан Вильгельм I ҳеч қачон Испания тахтини ўзининг қариндош-уруғларидан ҳеч бирига олиб бериш учун ҳаракат қилмаганлигини билдирди.

Дарҳақиқат, Вильгельм I шу ондаёқ шаҳзода Леопольднинг ўзига ва унинг оғаси шаҳзода Антон Гогенцоллерн Зигмартингенга Испания тахтидан воз кечиши талабга мувофиқ эканлигини етказишга ҳаракат қилди. Бу талаб, ўз навбатида шаҳзода Леопольд томонидан бажарилди. Испан тахтидан нафақат Леопольд воз кечди, балки қирол Вильгельм унинг ҳузурига ташриф буюрган Бенедеттига Париж саройи аҳлига қирол Вильгельм ўз қариндоши Леопольд қарорини тўла қўллаб-қувватлаганлигини билдиришини ҳам қайд этди.

1870 йил 8—12 июлида Эмсадаги воқеаларни бундай йўналишда ривожланиб бориши Франция дипломатиясининг ғалабаси-ю, Бисмаркнинг Испания тахти масаласи бўйича тўла мағлубиятидан кўринар эди.

4. 1870 йил 12 июлида Наполеон III ўзининг дипломатия майдонида содир этган энг даҳшатли хатосини такрорлади, олдинига у Испания тахти ворислиги хусусида дипломатик канал орқали катта ғалабага эришганлигидан қаноат ҳосил этгандек бўлди. Лекин унинг қароргоҳида олий мансабдорлар йиғини бўлиб, улар Леопольд номзоди масаласи эндиликда бартараф этилганлигини муҳокама этганларида қиролича, ҳарбий вазир Лебеф, Ташқи ишлар вазири Грамон барибир Пруссияга қарши уруш ҳаракатлари олиб бориб, унинг бирлашувига йўл қўймаслик лозимлигини айтдилар. Бундай шароитда Вильгельм ҳукуматининг биринчи вазири Эмиль Оливье уруш кайфиятида бўлган ҳукуматнинг олий мансабдорларига қарши боролмади. Ҳарбий вазир Лебеф: *«Биз тайёрмиз, батамом тайёрмиз, бизнинг армиямизда ҳамма нарса жойида. Ҳатто жангчиларимиз этикларининг қўнжларидаги охириги тугмаларигача тақиб, тахт қилиб қўйилган»* деди. Худди шу ҳарбий вазир Лебеф бир печа кун аввал Пруссия армияси

хусусида гап борганда яна бошқа афоризмни: — «*Пруссия армияси? Бундай армия йўқ, мен уни тан олмайман*» деган эди.

Герцог Грамон ҳам Пруссия билан уруш масаласида фикр юри-тар экан, у ҳам ана шундай масъулиятсизлик муносабатда бўлиб, Австрия билан Франция ўртасида ҳеч қандай формал шартнома имзоланмаганлигига қарамасдан: *агарда Франция Пруссияга уруш эълон қилгудек бўлса, Австрия Франция томонида туриб Пруссияга қарши урушга кирди*, деган асоссиз фикрни баён этди.

12 дан 13 июлга ўтар кечаси Франция ташқи ишлар вазири Грамон, Берлиндаги Франция ҳукумати элчиси Бенедеттига шошилинч телеграмма юбориб, яна Пруссия қироли Вильгельм I нинг Эмс қароргоҳига бориб, жаҳон дипломатияси тарихида кам учрайдиган куйидаги мазмундаги талабни қўйишни буюрди: қирол Вильгельм I шаҳзода Леопольдга яна қачонлардир унга Испания тахтини эгаллашни сўраган ҳолда уни рад этишни ўз зиммасига оладиган мажбуриятга кафолат берилиши керак эди. Франция томонидан қўйилган бундай узоқни кўрмасдан қўлланган қўпол муомаладан кузатилган мақсад аслида Пруссияни ҳақорат қилиб, уни урушга даъват этиш эди.

Бенедетти 13 июль эрталабдан яна қирол Вильгельм I хузурига, Эмсга йўл олди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ қирол Вильгельм Бенедеттини боғда, қўлида газетада Франциянинг Испания тахти масаласидаги талабларига Пруссия ҳукуматининг ижобий жавоби тўғрисида мақола эълон қилинганлигини ва бундан у, қирол Вильгельм мамнун эканлигини билдирди ва элчини мулоҳим қабул қилди. Бундай илиқ муносабатдан кейин Бенедетти яна қирол Вильгельм олдига Наполеон III томонидан қўйилган талабларни қўйгач, қирол бундай мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин эмаслигини айтади. Эмсдаги бу учрашув совуққина тамом бўлади.

14 июль куни Бенедетти яна қирол билан учрашмоқчи бўлади. Лекин Вильгельм уни қабул қилмайди. Қиролнинг поездга чиқиши олдидан Бенедетти яна унга учрашганида Вильгельм унга ортиқча ҳеч нарса айта олмаслигини ва бошқа масаладаги дипломатик музокаралар Берлинда давом этишини айтди.

Бенедеттининг кетиши билан қирол Вильгельм ўзининг Париждаги элчиси Вертердан маълумот олди. Унда баён этилишича, герцог Грамон Вильгельмдан ёзма равишда ўзининг ташқи сиёсат фаолиятида Франция манфаати ва обрўсига зид бўладиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги тўғрисида баёнот бериши талаб этилган.

Франция Ташқи ишлари вазири герцог Грамоннинг бундай узоқни кўзламасдан қўйган талабидан қирол Вильгельм газабланиди ва ўзини ҳақоратланган ҳис этди.

Эмсдан кетаётиб, қирол Вильгельм унинг ёнида бўлган Ташқи ишлар вазирлигининг маслаҳатчиси фон Абекенга бу кун воқеаларининг

ҳиммасини телеграммада баён этиб, Бисмаркка юборишини буюрди. Ниҳоят, Франция-Пруссия орасида қон тўкилишига олиб келадиган лаҳшатли урушнинг дипломатик конфликти ҳам поёнига етди. Аслида Бисмарк Эмса Бенедеттининг қирол билан олиб бораётган музокара-ларининг барчасини диққат билан кузатиб бораётган эди. У шунга амин бўлдики, Париж жон-жаҳди билан уруш тарафдори. Вильгельм эса уруш-ни истамайди ва унинг олдини олиш учун ҳатто таҳқирланишга ҳам тайёр. Леопольд Гогенцолерн-Зигмарингеннинг Испания тахтидан воз кечишини Бисмарк Пруссия учун мағлубият деб қабул қилган эди.

5. 1870 йил 3 июлида Бундесканцлер лавозимини эгаллаб тур-ган Отто Эдуард Бисмарк Ҳарбий вазир фон Роон ва Пруссия ар-мияси Бош Штабининг Бошлиғи Хельмут фон Мольтке билан тушки овқат қилиб турган вақтларида Бисмаркка фон Лабскеннинг Эмса қирол Вильгельм билан Бенедетти орасида бўлган диалог, ушдан кейин Пруссиянинг Париждаги элчиси Вертердан олган маълумот-лар мазмуни баён этилган ахборот ошиғич дипломатик ахбороти («Эмс депешиси») топширилди. Кейинчалик Бисмаркнинг тан оли-нича, унинг ўзи ҳам, фон Роон ва Мольтке ҳам бу ошиғич дипло-матик хабардан, айниқса унинг Эмсадаги давомини Берлинга кўчир-ганлиги уларни чуқур умидсизликка солганлигини айтади. Булар кекса қиролнинг қандай қилиб Бенедеттига Пруссия учун Фран-ция томонидан қўйилган бундайн провакацион, ҳақоротомуз ма-салини яна Берлинда давом эттиришни ваъда берганлигига тушун-мас эдилар. Худди мана шу онда, Бисмаркнинг ўзи бу воқеадан 25 йил ўтиб, истеъфода бўлган вақтида мақтаниб тан олганидек, у узининг аллақачонлардан буён орзу қилиб келган ниятини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди.

Бисмарк Пруссия армияси Бош Штабининг Бошлиғи Хельмут фон Мольткега мурожаат қилиб, *«Ҳақиқатда ҳам Пруссия армияси Франция билан бўлажак жангда ғолиб чиқиш даражасида тайёр ҳол-дами?»* деб сўраганида, Мольтке ҳеч қандай иккиланмасдан: *«Худди шундай, жаноб Бундесканцлер!»* деб жавоб берди. Бисмарк худди шу саволни Ҳарбий вазир фон Роонга берганида у ҳам Мольтке жаво-бини қайтарди. Бундай қатъий жавобларни эшитган Бисмарк: *«Ун-дин бўлса сизлар тушликни бемалол давом эттираверинглар»* деб бош-қа хонага кириб, шошилинич дипломатик ахборотни (телеграммани) қайтадан синчиклаб ўқиб чиқишга киришди.

Бу воқеадан кўп йил ўтгандан кейин, *«Мен, — деб эслайди Отто Бисмарк, — «Эмс депешаси» (ошиғич дипломатик ахборотни) ни қайта диққат билан ўқиб чиқдим. Қалам олиб, қасрда «Бенедетти янгидан учрашув тўғрисида сўради» деган жойларни ўчириб ташладим; Эмс ошиғич дипломатик ахборотидан фақат боши билан думинигина қол-дирдим».*

Шундай қилиб, қирол Вильгельмнинг Эмс вокзалида граф Бенедеттига музокаралар Берлинда давом эттирилади, деган сўзлари батамом йўқ қилиб ташланди. Натижада телеграмманинг мазмуни Пруссия қироли Вильгельм I нинг Франция элчиси Бенедетти билан Испания тахти хусусида умуман гаплашишни истамаганлигидан иборат бўлиб қолди.

Отто Бисмарк мазкур телеграмма матнини батамом сохталаштирган ҳолда қайта тузиб бўлгач, уни меҳмонларга ўқиб берар экан, «бу телеграмма матни Галл буқасини қутуртириш учун қизил рўмол бўлиб хизмат қилиши»ни айтди. Меҳмонлар Бисмаркнинг телеграмма мазмунини Французлар томонидан урушни бошлаш учун сигнал бўлди деб, унинг дипломатия бобидаги маккорлигига яна бир бор тасаннолар айтдилар.

Эндиги вазифа вақтни қўлдан бой бермасдан Бисмарк қўли билан сохталаштирилган телеграмма матнини матбуотда тезроқ эълон қилишдан иборат эди. Шундай қилиб, Франция-Пруссия урушининг бошланиб кетиши учун ҳамма воситалар ишга солинган эди. Бисмарк ҳам, Наполеон ҳам ўз мақсадларига эришган эдилар. Урушнинг бошланиши муқаррар бўлиб қолди.

15 июлда Франция ҳукумати қонун чиқарувчи Корпусдан ҳарбий харажатлар учун кредит сўради ва Пруссияга қарши ҳарбий операцияларни бошлаш тўғрисида санкция талаб қилиб чиқди.

Бисмаркнинг оммавий ахборот воситаларида Франция шаънига ҳақорат билан тўлиб-тошган маълумотидан кейин ҳамма депутатлар бир оғиздан Пруссияга қарши бошланиши керак бўлган уруш ҳаракатларини ёқлаб овоз бердилар. Фақат Франциянинг урушга том маънода тайёр эмаслигини билган биргина Тьер ҳали Пруссияга қарши уруш эълон қилиш мавриди етилмаганлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Бироқ, унинг ўринли эъгирозини депутатлардан ҳеч ким эътиборга олмади. Уруш расман 1870 йилнинг 19 июлида бошланди<sup>1</sup>.

6. Наполеон III Пруссияга қарши уруш эълон қилиши билан Франция армиясининг шиддат билан ҳужумга ўтиши Шимолий Германия Иттифоқининг Жанубий Герман Давлатларидан ажратиб қўймоқчи, ёки ҳеч бўлмаганда уларни бетараф бўлиб қолишларига эришмоқчи эди. Франция ҳукумати уруш ҳаракатларининг бошланиши биланоқ, ўзининг ҳарбий салоҳияти туфайли Пруссия устидан ғалабага эришиб, Австрия, балки Италияни ҳам ўз томонига ағдариб олиб, ўзига иттифоқчилар қилиб олиб Пруссияга қақшатқич зарба бермоқчи эди. Бироқ, Франция қўмондонлигининг режалари биринчи ўқлар отилмасиданоқ пучга чиқди. 28 июлда ўзини

<sup>1</sup> История дипломатии. Том I с. 517. Государственное социально-экономическое издательство. — М.: 1941 год.

Франция куролли кучлари олий кўмондони деб эълон қилган Наполеон III Лотаренгиядаги Мец қалъасига етиб келганида, у ерда бор-йўли 100 минг жангчини учратди, холос. Маълум бўлишича, шу оз сонли армия ҳам асосан зарур бўлган ўқ-дорилар, ҳарбий анжомлар ва айниқса, озиқ-овқат билан етарли таъмин этилмаганликлари, армияни сафарбар этиш ниҳоятда секинлик билан бораётганлиги маълум бўлди. Армия сафига чақирилган солдатлар ўзлари учун зарур бўлган ҳарбий анжомларни олишлари учун юзлаб километр масофани яёв босиб ўтишга мажбур бўлганлар. Армияни умумий сафарбар этиш жараёнида Шимолий Франция темир йўл тизимидаги тартибсизликлар — поездларни аниқ жадвал бўйича маълум манзилга жўнатиб етказа олмаслик ҳукм сурмоқда эди. Шундай қилиб, француз армиясини Пруссияга қарши зулмик билан ҳужумга ўтишини таъминлайдиган қулай фурсат қўлдан бой берилган эди.

Натижада Наполеон III ўзининг режалаштирган армиясидан сон ва сифат жиҳатидан бирмунча оз ва тўла шайланмаган армияси билан чегарада ҳаракатсиз ҳолда қолди.

Франция кўмондонлиги томонидан йўл кўйилган ҳарбий-стратегик хатоликлар Пруссия кўмондонлигини Шимолий ва Жанубий Герман армиясини ҳеч қандай қаршиликларсиз бирлашиб, уларни Жанубий Рейн қирғоқларига бемалол ўрнашиб олишларига катта имкониятлар яратиб берди. Ниҳоят, 1870 йил 4 августида прусслар юрта тонгда ҳужумга ўтиб, французларнинг уруш ҳаракатларини дастлабки соатлариданоқ мудофаага ўтишга мажбур қилдилар. Бундан ташқари Франция армияси генерал штабининг тузилмаси, унинг ташкилотчилиқ маҳоратлари, командирлар таркибининг ҳарбий маалакалари, уларнинг тактик жиҳатдан тайёргарликлари немисларни кига нисбатан бирмунча кам эди.

Пруссия кўмондонлиги қўлида Франция-Пруссия уруши компанияси учун фельдмаршал Мольтке томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ва Ҳарбий Кенгаш томонидан маъқулланган аниқ ҳаракат дастури — ҳарбий режа мавжуд эди. Немислар артиллерияси ўзининг тезкорлиги ва узоққа отилиши жиҳатидан ҳам французларни кига нисбатан анча юқори турар эди.

Французларда «Шаспо милиги» номи билан машҳур бўлган янги, тез ва узоққа аниқ отиш бўйича танилган курол мавжудлигига қарамасдан, бу куролдан фойдаланиш ҳамон ҳамма қисмларга етиб бормаган эди. Французларни урушга тайёр эмасликлари урушнинг дастлабки жиддий тўқнашувларидаёқ яққол кўринди. 1870 йил 4 августида Виссамбург (Эльзас ёнида), 6 августда Варте ва Форбак (Лотаренгия) ёнида француз армияси катта талафот кўрди. Бундай талафотлар Франция аҳолисини ғазаблантириб, 1870 йилнинг 7—9 август кунларида Парижда стихияли равишда халқ оммавий намоийшини келтириб чиқарди. Намоийшчилар

хукуматдан мамлакатда республика тузумини эълон қилишни, қўлига қурол олиб жанг қилишга қодир бўлган барча аҳолини Ватанни немис босқинчиларидан ҳимоя қилишга сафарбар этилишини талаб қилиб чиқдилар. Бироқ, 1870 йил 7—9 сентябрь воқеалари Францияда республика тузумини эълон қилишга олиб келмади. Ақсинча Эмиль Оливьенинг либерал ҳукумати ашаддий бонапаристлардан бўлмиш, граф Паликао ҳукумати билан алмашувига олиб келди. Паликао ҳукумати эса ўз фаолиятини биринчи галда империяга қарши ҳар қандай оммавий намоийишларни қатъиян маън этишдан бошлади. 14 август немислар Борн қишлоғи ёнида французларнинг Рейн армиясига қарши ҳужумга ўтди. Лекин бу жанг ҳар икки томонга ҳам бирон галаба келтирмади.

16—18 август кунлари Марс-ла-Туре-Розонвиле ва Гравлоте-сен-Приво ёнида бўлган жангларда француз армияси катта қаҳрамонликлар кўрсатганликларига қарамасдан, бу жангларда Наполеон III нинг энг ишонган Рейн армияси катта талафот кўрди. Бу мағлубиятга 12 августда Наполеон III ўрнига французлар армиясига Олий Бош қўмондон вазифасини эгаллаган маршал Базэнда армияни бошлиқсиз ва зарур ёрдамлар билан таъминлай олмаганлиги сабаб бўлган эди.

Базэнда ҳарбий саркарда сифатида маҳоратининг йўқлиги сабабли, унинг қўмондонлигидаги армия Париж билан бўлган ҳар қандай алоқа йўллари — коммуникациялардан ажралиб қолиб, Мец ёнида немисларнинг I ва II армияларининг олтита корпуси, резервдаги дивизия ва умумий сони 150 минг жангчидан иборат бўлган учта отлик дивизия томонидан ўраб олинган эди. Мана шундай шароитда 1870 йил 23 августда Маршал Мак-Магон қўмондонлигидаги 120 000 жангчидан иборат французлар армияси Базэнда армиясига ёрдам бериш учун Мецга томон йул олади. Бундан Хатартолга немислар Мак Магонга нисбатан тезлик билан ҳаракат қилиб Мёз (Маас) дарёси кечувини эгалладилар ва 30 август куни Бомон шаҳри яқинида французлар армиясига ҳужум қилиб, уларга қаттиқ зарба берди. Натижада француз армияси Седан атрофига чекинишга мажбур бўлди.

1870 йил 1 сентябрида Седан остонасида ҳар икки томондан шиддатли уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Французларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, биринчи класс артиллерияга ва улкан позицион афзалликларга эга бўлган немислар душманга қақшатқич зарба беришга муваффақ бўлди. Ўраб олинган ва тартиб-интизоми батамом издан чиққан француз армияси Седан қалъасига тўпланди.

Кундузги соат 3 да французлар армиясида ҳали душманга қаршилик кўрсатиш имкониятлари бор бўлган бир вақтда Наполеон III нинг кўрсатмаси билан Седан қалъаси марказида қад кўтарган минорада оқ байроқ кўтарилди. Наполеон III Пруссия қироли Вильгельмга шармандаларча битилган куйидаги мазмундаги хатни жўнатди: *«Менинг қимматли биродарим! Мен ўз аскарларим орасида ўлим*

топмаганлигим боис, Сиз жаноби олийларига ўз қиличимни топширишдан бошқа иложим қолмади. Сиз жаноби олийларининг биродари бўлиб қоламан деб, Наполеон». 2 сентябрда француз армиясининг таслим қилинганлиги тўғрисидаги актга имзо чекилди.

Ўйланмасдан бошланган бу уруш Франция учун ниҳоятда қимматга тушди. Иккинчи империя Седанда Наполеон III бошчилигида солдат, офицер ва генераллар бўлиб 100 000 одамнинг асир олинishi, 17000 дан зиёд одамни ўлиши ва ярадор бўлишига, Бельгия чегарасида 3000 жангчини қуролсизлангирилиши, 500 дан ортиқ жанговар тўплардан маҳрум бўлиш ва ниҳоят катта молиявий инқирозга мубтало бўлишига, кўпгина шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига олиб келди. Аслида ҳар қандай урушни мана шундай оқибатларга олиб келиш табиий бир ҳолдир.


Ўқитувчи мавзунини мазкур бандига яқин ясар экан, тарих ўрганишга албатта интеграцион ёндашуви методига оғинмай амал қилган ҳолда, XXI асрда дунёнинг турли ҳудудларида, жумладан, Афғонистон ва айниқса, 2003 йил март-апрель ойлари шароитида Ироқда содир бўлаётган уруш ҳаракатлари инсоният бошига қанчалик фожяларни келтириб чиқараётганини, кўнраб беғуноҳ, тинч аҳоли, айниқса гўдакларнинг қурбон бўлишлари ва ногирон бўлиб қолаётганликларини, Ироқ уруши натижасида мусулмон дунёсининг бир-неча минг йиллик маънавият дурдоналари вайрон қилиб юборилганлиги ва талоң-тарож қилинганлиги хусусида ҳам фикр юритиб, бутунги маданийлашган дунёда халқаро майдонда тинчликни мустақамлаш нақадар зарурлигини алоҳида қайд этиб ўтмоғи керак.

7. 1870 йил 2 сентябрдаги Седан ҳилоқи бутун Франция бўйлаб халқ оммасининг норозилик ҳаракатларини бошланиб кетишига сабаб бўлади. Кўзғолончилар мамлакатда империяни ағдариб ташлаш ва Республика тузумини ўрнатишни талаб қилиб чиқдилар. Ниҳоят, 4 сентябрда давлат тўнтариши содир бўлиб, Франция республика деб эълон қилинди. Генерал Трошю бошчилигида янги ҳукумат тузилиб, Л. Гамбетта Ички ишлар вазири, Ж. Фавр Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллади.

Франция республика деб эълон қилинганидан эътиборан, Франция Германиянинг бирлашувига қаршилик кўрсатмай қўйди. Уруш эса эндиликда Германия учун босқинчилик урушига, Франция Республикаси учун эса мустақиллик, адолатли, мулоффаа уруш олиб борадиган мақомига айланди.


Пруссиянинг эндиги мақсади Эльзас ва Лотаренгияни босиб олишдан иборат эди.

19 сентябрда немисларнинг 320 минг кишилик армияси Парижни қуршаб олиб, уни қамал қилди. Муваққат ҳукумат қаршилик кўрсатма олмади.



Франция-Пруссия уруши. Франция шимоли-шарқий қисмининг ва қўшни давлатларга қарашли чегарадош вилоятларнинг харитаси.





Француз армиясининг Седан ёнида қуршаб олинishi.

Қамал қилинган Парижнинг аҳволи (кўпчилик дареликларда асосиз ёзилганидек ўта оғир аҳволда эмас эди) ҳар қандай умидсизликдан узоқ бўлиб, бу ерда 100.000 дан ортиқ солдат ва 200.000 миллий гвардиячилари мавжуд эди. Агарда булар етарли қурол-аслаҳалар билан қуроллантириб, ҳарбий тайёргарлик берилса, катта жанговар кучга айланишлари мумкин эди. Бундан ташқари душманнинг катта кучлари Мец қамали билан банд бўлиб, қамал қилинган Парижда кучлар нисбати французлар томонида эди. Бироқ, муваққат ҳукумат душманга қарши самарали кураш олиб боришни ташкил этишдан кўра таслим бўлишни лозим топди. 132 кунлик қуршовдан сўнг Париж таслим бўлди. Муваққат ҳукумат халқдан яширинча Бисмарк билан музокаралар бошлади. Бисмарк энди Германия империясининг вакили эди. 1871 йил январидан герман давлатлари бирлашдилар ва Германия империяси ташкил топганлиги эълон қилинди. 1871 йил январ ойининг охирида Франция билан Германия ўртасида яраш аҳдномаси тузилди. Яраш тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар Франция Миллий мажлисининг 1871 йил 1 мартда кўриб чиқилган бўлса-да, Франция билан Германия ўртасида тинчлик шартномасининг узил-кесил имзоланиши 1871 йил 10 майда Франкфурт-Майнда яқунланди.

Франциянинг ҳукмрон доиралари Германияга Эльзасни ва Шарқий Лотаренгияни беришга, 5 миллиард франк пул беришга рози бўлдилар. Шу билан бирга бу пуллар тўлангунга қадар герман қўшини эгаллаб турган ҳудуддан чиқиб кетмаслиги шарти ҳам кўрсатилган эди.

Франция учун оғир бўлган, уни талашга қаратилган бундай оғир шартномани тасдиқланишига эришиш учун Франция ҳукмрон доираларида тезқорлик билан Миллат Мажлисига сайловлар ўтказилди. Сайловлар натижасида ҳокимият тепасига ўта монархист, реакцион кучлар ҳомийси А. Тьер келди.

А. Тьер Парижни ўз қароргоҳи этиб танлади ва Бисмаркка берилган ваъдаси асосида мамлакатда Германияга қарши кучларни бартаграф этиш йўлида тарихда мисли кўрилмаган реакцияни авж олди.

Дарс режасида қайд этилган саволлар асосида янги мавзу мустаҳкамланади ва яқунланади.

**МАВЗУ: ЎМКХ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
«ШАҲС ВА ЖАМИЯТ» КУРСИДА  
«БАҲС ДАРС»ЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ИШ ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази томонидан 2004 йилда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ишлаб чиқилган «Шахс ва жамият» курси ўқув дастурида 40 соатга мўлжалланган мавзулардан 8 таси, яъни 16 соати «Баҳс дарси» деб номланган. Ас-

лида бу дастур ЎМКХ Таълим тизимидаги билим юртида 34 соат ўрганилади.

Дастур муаллифлари «Баҳс дарс»лари хусусида фикр юритар эканлар, «бундай дарслар олиб боришда ҳозирги пайтда катта аҳамият касб этиб бораётган интерфаол усуллардан, жумладан, кичик гуруҳларга бўлиниш, маълум нормани таълаш, барчанинг бир-бирини ўқитиш, тафаккур ҳужумли, роллар ўйини каби усуларни кўп қўллаш дарсларнинг самарали бўлишини, уларнинг қизиқарли кечишини таъминлайди» дейилган умумий сўзлар мажмуидан иборат бўлган, жумлалари «Баҳс дарс»ларини амалиётда юқори самаралар бериши учун ҳар қандай илмий методни ва дидактик талаблардан мутлақ теранлигини ҳисобга олган ҳолда, **Бит ўз тажрибамизда бу мавзунини ўрганишга том маънода дастур кўрсатмаларига ижодий ёндашиб қуйидаги методни қўлладик:**

**Биринчидан,** «Баҳс дарс»ини муаллифлар тавсия этишларидек, «қадимги дунёда инсон ва жамият қарашлари» мавзусидан кейин эмас, курсни ўқитишда мантикий ушбулик-алоқдорлик талабларидан келиб чиққан ҳолда, «Ўрта Осиё мушфаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари», «Шахснинг қадр қимматлари ва эркинлиги» мавзуларидан кейин **6-дарс ўрнида ўлик.**

**Иккинчидан,** юқоридаги ҳар икки мавзунини ўзини жараёнида талабаларга келгуси дарсимиз «Баҳс дарси» бўлиб, унда талабалар билан дастурдаги «қочоқлар ва кўчирилганларнинг ҳолати — турли даврларнинг долзарб муаммоси» дейилган масалани жалб этилиш, бунинг учун улар биринчи галда «Шахс ва жамият» ўқув қўлланмасининг «бошпана қидириб» деб номланган биринчи мавзу матнлари (195—212-бетлар)да баён этилган материаллар билан синчиклаб текшириб чиқишлари ва қуйидаги саволларга **жиноб беришларини ўқтирдик:**

1. Қочоқлар деб кимларга айтилади?

2. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ҳозирги вақтдаги қочоқлар хусусида қандай фикрлар баён этилган? Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил «Мулоқот» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган интервьолари «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номи билан эълон қилинган эди. Ана шу интервьодаги қуйидаги фикрларни қандай таҳлил этасиз: «Ўз аجدодлари, ўз Ватани тарихини билишни истаган инсонга хос хислат»; «Тарихни билмай туриб юксак маънавиятга эришиш мумкин эмас»; «Ўз тарихидан айрилиш — инсон учун ҳаётдан айрилиш билан баробардир».

3. Мусулмон Ренессансининг бошланиш даври буюк мутафаккири, қомусий билимлар соҳиби Абу Али Ҳусайн Абдуллоҳ Ибн Сино (908—1037)нинг дарбадарлик ҳаёти хусусида нималарни биласиз?

4. Қочоқлар ҳаёти билан шуғулланадиган, уларга бошпана ва бошқа инсонпарвар ёрдамлар кўрсатадиган ташкилотнинг номи ва уни қачон ташкил топганлигини гапириб беринг.

5. БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий комиссари бошқармаси (ҚБОКБ) ва Халқаро Қизил Хоч қўмитаси (ХҚХК) қандай муаммолар билан шуғулланадилар?

6. 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида шўролар республикалари ўрнатилгандан кейин юртдошларимиз орасида чет элларга чиқиб кетиш жараёни қандай кечди?

7. Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ Иттифоқнинг жанг майдонларидан Ўзбекистонга кўчирилган аҳоли, 200.000 га яқин болалар, ҳарбий касалхоналар тўғрисида нималарни биласиз?

8. Ўзбек адабиётида собиқ Иттифоқ ҳудудларидан мамлакатимизга кўчириб келтирилган аҳоли тўғрисида қандай маълумотларни биласиз?

9. Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулومнинг «Сен етим эмассан» асари асосида яратилган фильмнинг мавзуси қандай масалага бағишланган?

10. «Ўзбекистон тарихи» фанида қочоқлар масаласи қандай баён этилган?

Ва ниҳоят:

11. Даврий матбуот материаллари ва телевидения кўрсатувларидан қочоқлар масаласида қандай маълумотларни биласиз?

«Баҳс дарси»нинг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқувчилар олдида бундай муаммоли саволларнинг қўйилиши ўқувчининг мазкур дарсни ўтказиш жараёнига том маънода интеграцион ёндашиш методидан мақсадга мувофиқ ёндашишни тақозо этади. Гап шундаки, 2 соатга мўлжалланган ушбу машғулот давомида ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг мавзуни қанчалик ёритганлигини ҳисобга олиб, уларнинг машғулот давомида бир-бирларининг жавобларини тўлдириб боришлари ва ўзаро баҳсларни тинглаб бўлгач, талабалар томонидан баҳс давомида баён қилинган маълумотларни умумлаштириб, ниҳоят яқунлайди. Яқуний жараёнда талабалар томонидан мустақил тайёргарлик кўриб, баҳс давомида тўла жавоб олингач, ўз ечимини поёнига етказган саволлардан ташқари, айрим саволлардаги айрим муаммолар баҳс давомида ўз ечимини тўла топмаган бўлиши мумкин. Шундан ўқитувчи аввалдан ўзи ҳар бир саволга батафсил тайёрлаб қўйган дарс ишланмасидан қуйидаги жавобларни ўқувчилар томонидан қанчалик баён этган эҳтиёжга қараб, баён этиш билан яқунлайди.

1. Қочоқлар деб кимларга айтилади? «Қочоқ» атамаси ирқий диний эътиқоди фуқаролиги, муайян ижтимоий гуруҳларга мансублиги ёки сиёсий эътиқоди белгиларига кўра таъқиб бўлишидан асосли равишда ҳавфсираб, ўз фуқароси бўлган давлат ташқарисида турган бу мамла-

кат ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёки шундай хавфсираш туфайли ўз ёрдамидан фойдаланишни истамайдиган шахсни билдиради.

2. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида минтақавий можаролар хусусида фикр юритар экан, давримизнинг энг аяникли муаммоларидан бири бўлган қочоқлар хусусида тўхтаб, қўйилагиларни баён этди: «*БМТнинг ҳозирги вақтда бутун дунёда қарийб 50 миллион қочоқ борлиги ҳақидаги сўнги маълумотлари кишини бефарқ қолдириши мумкинми? 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 1,3 млн киши рўйхатга олинган. Фуқаролар уруши туфайли 30 млн га яқин одам ўзи яшаб турган жойларни ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган. Ўз чегараларидан узоқда бўлса-да, тўранонликка ва бутун-бутун халқларнинг қонли фожеаларига жамиятнинг кўникиб қолишидан ҳам даҳшатлироқ нарса борми ўзи? Муайян бир шахснинг ё тушуниб етмаслик, ёки хотиржамликка берилиши туфайли келиб чиқадиган бундай фуқаролик позициясининг хавфи очиқдан-очиқ куч шилатиши билан таҳдид қилишдан кам эмас-ку ахир!» (20-бет).*

Президент Ислом Каримов 18 йилдан бери Африқистонда бўлаётган нотинчлик тўғрисида гапирар экан, унинг минтақавий можаролар сирасига киритишни алоҳида қайд этиб ўтди. «*Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади, леб қайд этди Президент Ислом Каримов. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар омил жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллатнинг ирқий (генафонди)га путур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошланғич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажагини таъминлай олар дейишга кишининг ҳам қурби етади ёки виждони йўл қўяди?» (22-бет). Президент Ислом Каримов минтақавий оқибатлар хусусида ганирар экан шундай ёзади: «*Қуроли можаро кескинлашган таҳдиди чегараларини тан олмасдан қўшни давлатлар орасида «ёпирилиб кириш»га тайёр турган қочоқлар муаммоси вужудга келади. Одатда, бу оқимда чегара орқали нон ва бошпана топишигина эмас, балки одамларнинг қалбига янги гулгула солишни истайдиганлар ҳам кириб келади. Қочоқларни қабул қилувчи томон учун бу масаланинг табиий инсонпарварлик жиҳати билан бирга иқтисодий томони ҳам мавжуд. Чунки қочоқларни жойлаштириши ва уларни кўп сонли кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ҳал қилиш учун ўз бюджетидан қўшимча маблағлар қидириб топиши зарурати беихтиёр пайдо бўлади» (30-бет).**

Президент Ислом Каримовнинг юқорида кўрсатилган асаридан келтирилган бу фикрлар ёзилган дидактик материал компьютерда ёзилиб бўлиб дарс жараёнида каласкоп ёрдамида синф доскасида кўрсатилди.

3. Дастурда қочоқлар мавзусининг баҳс мунозара методини ўрганишда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар ҳаёти ва ижоди давомида мисолида таҳлил этиш тавсия этилади. Ачинарли жойи шундаки, 1999 йилда нашр этилган «Шаҳс ва жамият» курси бўйича қўлланма юзасидан ўқитувчиларга услубий кўрсатмалар деб аталган антиқа «ўқув қўлланмаси гарчи муаллифлар «қўлланма мавзуларининг умумий мақсади ўқувчиларни кескинлик ва шафқатсизлик шароитларида инсоннинг турли хатти-ҳаракатлари: инсонпарварлик ва раҳм-шафқат, шунингдек, инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик ҳақида фикр юритишга ундайди» (3-бет), деб уқтирилган бўлса-да, аслида «қўлланма бу педагогик жараёни қандай методдаги воситалар ёрдамида на илмий методни ва на фактик материаллар асосида бирон мавзу мисолида нафақат «Баҳс дарси», балки оддий информатсион ахборот сифатида ҳам баён этиб берилмаган. Шундай экан, мазкур масала бўйича ҳам мавзуга том маънода ижобий ёндашиб, кўрилатган масалаларнинг кўплигию «Баҳс дарси»нинг вақти чегараланганлигини ҳисобга олинган ҳолда, биз қочоқлар шароитини мусулмон Ренессансининг бошланиш даври буюк мутафаккири, қомусий билимлар соҳиби *Абу Али Ҳусайн Абдуллоҳ Ибн Сино* (980—1037)нинг барқарорлик ҳаёти мисолида талабаларга қуйидагича ифодалаб берамиз:

Жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган машҳур экологик олим, табиатшунос, файласуф, астроном, математик, мусиқашунос, ахлоқшунос, филолог, ёзувчи ва шоир, Ўрта Осиё халқлари маданиятларини Ўрта аср шароитида дунё маданиятини олдинги қаторга олиб чиққан буюк мутаффакирлардан бири, Европада Авиценна (Avicenna) номи билан машҳур Ибн Сино ҳижрий 370 йилнинг сафар ойида (янги ҳисоб бўйича 980 йилнинг август ойида) Бухоро вилоятининг Вобкент туманида жойлашган Афшона қишлоғида, амалдор оиласида туғилди. Исми Ҳусайн, отасининг исми Абдулло, онаси Ситорабону, 936 йилда уларнинг оиласи Бухорога кўчди. Ибн Сино истеъдодли, хотираси зўр, зеҳни ўткир бўлганлигидан, ўз даврида маълум бўлган илмларни тезда эгаллай бошлайди. 10 ёшиданок, Қуръони Каримни ўқишга муваффақ бўлди. 16—17 ёшларида машҳур табиб ҳаким бўлиб танилади. 999 йилда Бухоро қорахонийлар томонидан забт этилади ва Сомонийлар ҳокимлиги инқирозга учради. 1000 йилда Ибн Сино Бухородан чиқиб кетади ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди. У ерда Хоразм ҳокими Али Ибн Маъмун саройидаги йирик олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Ибн Сино, Беруний, Ибн Мискавайх, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Хайр Ҳаммол, Абу Наср Аррок каби етуқ олимлар билан яқиндан танишади. Лекин бу даврда кучайиб борадиган Маҳмуд Ғазнавийнинг

таъқибидан қочиб, у Хоразмни ташлаб кетишга ва Хуросон, Эроннинг турли шаҳарларида саргардонлик ва қувғинда юришга мажбур бўлади. Абн Фард Тус Нишопур шаҳарлари орқали Журжон шаҳрига келган Ибн Сино ҳоким Қобус ибн Ваштгир саройида машхур табиб сифатида қабул қилинади, бўлажак шогирди Журжоний билан танишади. 1019—1021 йилларда Ҳамадонда Вазир лавозимида хизмат қилади. Аммо ҳоким билан келиша олмай, 4 ой қамоқда ётиб чиқади ва 1023 йилда Исфохонга қочади.

У Исфохонда касалхона қуриш билан машғул бўлди. Умрининг сўнгги йилларида феодал урушлар кучайиб кетганлиги ижтимоий сиёсий ҳаётда ўзи ҳам фаол қатнашганлиги туфайли у Исфохон, Рай, Ҳамадон шаҳарлари орасида сарсон-саргардон юришга мажбур бўлади ва 1037 йил 18 июнида Исфохон шаҳрида 57 ёшида қуланж касалхонасида вафот этади.

Ибн Сино асарлари 280 тадан ошади. Шулардан 40 дан ортиғи тиббиётга оид, 30 га яқини турли табиий фанларга бағишланган рисолалар, 3 та рисола мусиқага, 185 та рисола фалсафа, мантиқ, психология, теология, этика ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган ҳолос. Кўп рисолалари шаҳарма-шаҳар кўчиб юриш, феодал урушлар, сарой тўнтаришлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган. Уни Шарқда файласуф, табиб маъноларидаги **Ҳаким** номи ва ундан ҳам ҳурматлироқ бўлган «Шайх ур-раис» лақаби билан атаганлар.

Талабалар «Баҳс дарси» давомида баҳс режада қайд этилган 4- ва 5-саволларга ўқув қўлланма материалларидан тўғри фойдаланганлари боис берганлар. Жумладан, БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий комиссари Бошқармаси қочоқлар ҳуқуқларига риоя қилишни назорат қилиб бориш ва бу тузилманинг низоми БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1950 йилда тасдиқланганлиги ва унинг фаолиятини ба-тафсил баён этиб беради.

Талабалар «Баҳс дарси» давомида Халқаро Қизил Хоч қўмитаси (ХҚХҚ)нинг қочоқларга нисбатан олиб бораётган фаолиятини, жумладан Халқаро Қизил Хоч қўмитаси қочоқларга, улар қуролли можаролардан жабрланган, душман ҳукми остига тушиб қолган ёки уларни қабул қилган мамлакатларда олиб борилаётган уруш ҳаракатларидан жабр кўраётган ҳолларда тез ёрдам кўрсатиш, қочоқлар лагерларига ҳукм қилинганларида уларга нисбатан асоссиз хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида бетараф ва мустақил восита сифатида қатнашишларини қатор аниқ фактлар билан кўрсатиб бердилар. Шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, — деб қайд этди талаба, баъзан ўз мамлакатлари ичида бошқа жойга кўчирилган кишилар ички тартибсизликлар, ёки қуролли можаролардан жабрланиши мумкин. Бундай ҳолларда ХҚХҚ уларга тиббий ва озик-овқат ёрдами кўрсатади, уруш

туфайли бир-бирдан ажралиб кетган кишилар ўртасида оилавий алоқаларни тиклайди, ҳибсада ушланиб турган шахсларни бориб кўради. Талабаларга берган маълумотлардан шу нарса аниқландики, жаҳон миқёсида қочоқлар иши бўйича Олий комиссари Бошқармаси Миллатлар Лигасининг ташаббуси билан 1921 йилда ташкил этилган. Бу машҳур тадқиқотчи олим Фритоф Хансенга (1861—1930) топширилган. Фритоф Хансен ўз фаолиятида қочоқлар, ҳарбий асрлар ва айирмачиликдан азоб чекаётганларга шошилинич равишда ёрдам кўрсатишни ташкил этганлиги учун 1922 йили жаҳонда тинчликни ҳимоя қилишдаги фаолияти учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Шунини алоҳида қайд этмоқ керакки, республикамиз ЎМКХТ тизимининг учинчи босқичида ўрганиладиган «Шахс ва жамият» курсидаги «Баҳс»ларини ўқувчилар томонидан имкон қадар мазмунли ёритилиши учун ўзаро алоқа боғлаш мақсадида «Миллий ғоя» Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи ва ўзбек адабиётларидан қочоқлар қисматини мустақил ўрганишлари мақсадида уйга берилган вазифалар: 6, 7, 8, 9 ва 10 саволларга талабалар томонидан кенг қамровли жавоблар ола билмадик. Бундан шундай илмий-назарий ва методик хулосалар чиқариш керакки, Республикамиз ЎМКХТ тизимида ижтимоий фанларни ўқитишга интеграцион ёндашув муаммоси ҳам илмий-назарий, ҳам методик ва дидактик томондан ўз ечимини кутаётган экан, Республикамизда фаолият кўрсатиб келаётган «Ўқитувчилар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари» вилоятлар халқ таълими тизимидаги шундай курслар, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб келаётган ўқитувчилар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари бу муаммони ҳал этишда ўз ҳиссаларини қўшсалар айни муддао бўлур эди. Биз эса табиатимизда ўқувчилар томонимизда, айниқса ўзбек адабиёти курси материалларидан тўғри фойдаланиладиган мавзуларни ҳисобга олиб, Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан», «Мен яхудийман», Ҳамид Фуломнинг «Тошкентликлар» қиссаси асарларидан фойдаланган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Миллий Университети олимлари томонидан нашр этилган «Ўзбекистон тарихи» ўқув қўлланмаси асосида мазкур «Баҳс дарси» учун тавсия этилган барча саволларга батафсил жавоб тайёрлаб, дарс матнини компьютердан чиқариб, ЎзДЖТУ қошидаги хорижий тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган академик лицей кутубхонасига топширдик.

Ана шундай дарс матнларини «Миллий ғоя ва мафкура» фанининг деярли барча мавзуларидан ишлаб чиқилиб, компьютерда кўрсатилган ҳолда лицей кутубхонасида сақланмоқда ва талабалар томонидан кенг ўрганилмоқда. Ушбу «Баҳс дарси»да ўқувчилар қўлларига кўнгилна тарқатма-дидактик материаллар ва чизмалардан ҳам кенг фойдаланилди. Жумладан 6 саволга доир қуйидаги тарихий фактлар ёзилган дидактик материаллар берилди:



*«Умуман Бухорони эмиграциянинг биринчи тўлқини даврида, 20-йилларнинг биринчи ярмида 250.000 дан кўпроқ киши ташлаб чиқиб кетган. Бу эса Бухоро амирлиги аҳолисининг тўртдан бирини ташкил этар эди».*

*«Жазо олишдан сақланиш учун омон қолган ёш бухороликлар Тошкент, Самарқанд ва янги Бухоро (Когонга)оммавий равишда мухожир бўлиб кета бошладилар».*

**Ўзбекистон уруш йиллари Россиянинг немис фашистлари томонидан босиб олинган туманларидан — Украинадан, Беларусиядан, ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200.000 нафари болалар эди.**

**Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзига 1941 йил 24 ноябрдан 31 декабригача 37,6 мингдан ортиқ киши, 1941—1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди<sup>1</sup>.**

*Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентнинг темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри она Акромовалар турли миллат фарзандларидан 11 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар.*

*Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Янгийўлда 9 та колхоз жамоаси кўчириб келтирилган 169 болани ўз тарбияларига олишди.*

*Бухоролик Муаззам Жўраев ва Ашурхўжаевалар ўз бағрига 8 нафар бола олдилар.*

**1943 йилнинг охирига келиб, шаҳарда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди.<sup>2</sup>**

**Юқоридаги тарихий ҳужжатлардан иборат бўлган дидактик материаллар кадаскоп орқали синф хонасида намоён этилди.**

<sup>1</sup> Тошкент ВДА, 18 фонд, 29 рўйхат, 43-йиғма жилд, 41-варақ.

<sup>2</sup> ЎзРПДА, 15 фонд, 25 рўйхат, 4364-йиғма жилд, 129-варақ; 4015-йиғма жилд, 5-варақ.

## Фойдаланилган ва тавсия этилган Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2001 йил.
2. *Каримов И. А.* Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 1-жилд.
3. *Каримов И. А.* Биздан Озод ва обод Ватан қолсин — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 2-жилд.
4. *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 3-жилд.
5. *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. — Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 4-жилд.
6. *Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлан лавр талаби. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил, 5-жилд.
8. *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил, 7-жилд.
7. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил, 6-жилд.
9. *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
10. *Каримов И. А.* Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда — Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
11. *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 8-жилд.
12. *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2001 йил, 9-жилд.
13. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоғимиз керак. — Т.: «Ўзбекистон», 2002 йил, 10-жилд.
14. *Каримов И. А.* Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 2003 йил, 11-жилд.
15. *Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. — Т.: «Ўзбекистон», 2004 йил, 12-жилд.

16. *Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. — Т.: «Ўзбекистон», 2005 йил, 13-жилд.
17. *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008 й.
18. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1997 йил.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган). Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1997 йил.
20. *Архангельский Н. П.* Сведения с состоянии изданий учебной литературы на Туркестанской АССР для школ узбекских, казахских, туркменских, таджикских. — Т.: 1922 год.
21. *Архангельский Н. П.* О преподавании истории в Средне-Азиатской школе. — Т.: 1922 год.
22. *Ахлиддинов Р., Саидов Х.* ва бошқалар. Истиқлол ва таълим; Халқ таълими мустақиллик йилларида (1991—2001 й), — Т.: «Шарқ», 1997 йил.
23. *Аҳмедов Б.* Амир Темур ўғитлари. — Т.: «Наврўз». 1992 йил.
24. *Аҳмедов Б.* Ўзбек улуси. — Т.: «Нур», 1992 йил.
25. *Азизходжаева Н. Н.* Педагогические технологии и педагогическое мастерство. — Т.: Изд. Полиграф. творческий дом. им. Чулпана, 2005 год.
26. *Бернадский В. Н.* Методы преподавания истории в старших классах. «Ленинград». 1939 год.
27. *Белинский В. Г.* Избранные философские сочинения. — М.: 1941 г. 267 ст.
28. *Бартольд В. В.* История Туркестана. — Т.: 1922 год.
29. *Бендириков К. Е.* Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865—1924 г). Изд. АПН. РСФСР, — М.: 1960 год.
30. *Барг М. А.* Эпоха и идеи: Становление историзма. — М.: 1987 год.
31. *Бабанский Ю. К.* Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. — Т.: «Ўқитувчи», 1990 йил.
32. Баркамол авлод орзуси. — Т.: «Шарқ», 1999 йил.
33. *Вагин А. А.* Типы уроков по истории. Уч. пед. Изд. — М.: 1957 год.
34. *Вагин А. А.* Методика преподавания истории в средней школе. Учение о методах. Теория урока. Изд. «Просвещение». — М.: 1968 год.
35. *Гулямов Я., Набиев Р.* История Узбекской ССР. Учебное пособие для 7—8 классов Узбекистана. Издательство «Ўқитувчи». — Т.: 1967 год.

36. Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. «Олтин Ўрда ва унинг қулаши». — Т.: 1956 йил.
37. Гафуров Б. Г. Таджики. Изд. «Наука». — М.: 1972 год.
38. Добролюбов Н. А. Избранные педагогические высказывания. Уч. пед. Изд. 1939 год.
39. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... — Т.: «Шарқ», 1998 йил.
40. Желтова Г. М., Стукова Т. А. Студентлар узлуксиз педагогик амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш. Педагогика Олий ўқув юрталарини тарих факультетлари учун методик қўлланма. — Т.: «Ўқитувчи», 1999 йил.
41. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. — Т.: «Меҳнат», 1992 йил.
42. Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. — Т.: «Ўқитувчи», 2000 йил.
43. Карцев В. Г. Очерки методики обучения истории СССР в VIII—X классах. — М.: 1955 год.
44. Лейбенгруб П. С. Дидактические требования к уроку истории. — М.: 1960 год.
45. Лорд Болингброк. Письмо об изучении в пользу истории. — М.: «Наука», 1978 год.
46. Лафасов М., Тошпўлатов Т. Мустақиллик дарсларини ўқитиш бўйича методик қўлланма. — Т.: «Ўқитувчи», 2001 йил.
47. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. — Т.: «Фан», 1968 йил.
48. Милонов Н. П., Кононов Ю. Ф. и др. Историческое краеведение (основные источники изучения истории родного края). Пособие для студентов педвузов. — М.: «Просвещение», 1969 год.
49. Муҳаммад Али. Сарбадорлар. Тарихий роман. «Шарқ юлдузи», 1990 й. 10-сон, 48—50-бетлар.
50. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил.
51. Народное образование в СССР. Сборник документов 1917—1973 гг. — М.: «Просвещение», 1974 год.
52. Оқилов К. О., Тейх Н. В. Ўзбекистон ССР тарихидан методик қўлланма. 4-синф. — Т.: «Ўқитувчи» нашриёти. 1975 йил.
53. Озерский И. З. Начинаяшему учителю истории. — М.: «Просвещение», 1987 год.
54. Полтарак Д. И. ва бошқалар. Методика использования средств и обучения в преподавании истории. — М.: «Просвещения», 1987 год.
55. Соловьёв С. М. Чтения и рассказы по истории России. — М.: Изд. «Правда», 1989 год.

56. *Скрябин К.* «Учитель в моей жизни». Сборник. — М.: 1996 год.
57. *Сайидаҳмедов Н.* Янги педагогик технологиялар. — Т.: «Моделия», 2003 йил.
58. *Студеникин М. Т.* Методика преподавания истории в школе. — М.: Гуманитарный издательский центр «Владос», 2004 год.
59. *Турсунов И. И.* Халқ таълимининг долзарб муаммолари. — Т.: «Ўқитувчи», 1990 йил.
60. *Тойнби А.* Постижение истории. — М.: 1994 год.
61. *Тошпўлатов Т.* Президент Ислом Каримов асарлари — ижтимоий фанларни ўқитишнинг илмий-назарий ва методологик манбаидир. — Т.: 1996.
62. *Тошпўлатов Т.* «Берлин операцияси». — Т.: 1996 йил.
63. *Тошпўлатов Т., Фаффоров Я. Х.* Тарих ўқитиш методикаси. — Т.: «Университет» нашриёти, 1999 йил.
64. *Тошпўлатов Т.* 1-сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни. Тошкент — 2000 йил.
65. *Тошпўлатов Т., Фаффоров Я. Х.* Тарих ўқитиш методикаси. — Т.: «Университет» нашриёти, 2002 йил.
66. *Тошпўлатов Т.* Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётда тобланган дастури. «Шарқ юлдузи», 2003 йил, учинчи фасл.
67. *Тошпўлатов Т.* Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш — таълимни демократлаштиришнинг асосидир. Халқ таълими, 6-сон, 2005 йил.
68. *Толипов Ў. Қ., Усмонбоева М.* Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. — Т.: «Фан», 2006 йил.
69. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепсияси. — Т.: 1996 йил.
70. Принципы Днепра. «Собеседник» — 35, август 1999 год.
71. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Давлат ва ҳуқуқ асослари «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1999 йил.
72. *Эргашев Қ.* Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиши тарихи. — Т.: «Ўқитувчи», 1998 йил.
73. *Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э.* Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури: Педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. — Т.: «Фан», 1999 йил.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
<b>I БОБ. Тарих ўқитиш методикаси — илмий-педагогик фан</b> .....	9
1. Тарих ўқитиш методикасининг илмий-педагогик фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти .....	9
2. Тарих фанининг назарий ва методологик асослари. Тарих фани ва ҳозирги замон жамияти .....	21
<b>II БОБ. Тарих дарси, унинг турлари ва тузилиши</b> .....	31
1. Тарих дарсларининг турлари ва уларни таснифлаш .....	31
2. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш — таълимни демократлаштиришнинг асосидир .....	37
<b>III БОБ. Тарих дарслари ва унга бўлган замонавий талаблар</b> .....	42
1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фанини ўқитишга бўлган янгича муносабатлар .....	42
2. Замонавий дарсга бўлган илмий-методик ва дидактик талаблар .....	51
<b>IV БОБ. Тарих дарси самарадорлигини ошириш йўллари</b> .....	60
1. Тарих дарси самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва дидактик негизлари .....	60
<b>V БОБ. Тарихий билимларни шакллантириш жараёни</b> .....	72
1. Ўзбекистонда тарих ўқитишнинг шаклланиши. Тарихий билимларни шакллантиришда тарихий фактлар, тарихий тушунча ва тасаввурларнинг ўрни .....	72
<b>VI БОБ. Тарих ўқитишда экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари ва боسقичлари</b> .....	89
1. Мустақиллик ва тарих таълими тизимида экологик тарбиянинг муҳим жиҳатларини ўрганиш усуллари .....	89

<b>VII БОБ. Миллий қадриятни англамоқ — Ватанни англамоқдир</b> .....	101
1. Тарих дарсларида миллий қадриятлар ва ватанпарварлик тушунчаси .....	101
<b>VIII БОБ. Тарих дарсларида фуқаролик тарбияси муаммолари</b> .....	112
1. Тарих ўқитишда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг амонаний турларидан фойдаланиш усуллари .....	112
<b>IX БОБ. Таълим-тарбия тизимида тарих ўрганишига интеграцион ёндашишнинг баъзи муаммолари</b> .....	117
1. Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштиришнинг методик асослари .....	117
<b>X БОБ. Тарихий-тараққиёт қонуларини ўрганишда тарихий фактларни танлаш ва улардан фойдаланишга бўлган талаблар</b> .....	131
1. Тарих дарсларида тарихий фактларнинг ўрни, аhamи ва моҳияти .....	131
<b>XI БОБ. Миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришда дардан ташқари машғулотлар тизимини такомиллантириш йуллари</b> .....	144
1. Миллий ғояни ўрганишда тарихий фактлар ва методик тавсияларнинг аҳамияти .....	144
<b>XII БОБ. Тарих таълимида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари</b> .....	158
1. Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли .....	158
<b>XIII БОБ. Намуна дарслари</b> .....	168
Темурнома дарслари	
1-ва 2-дарслар. <b>Мавзу: XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт</b> .....	168
«XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт» мавзусини ўрганиш жараёнида тарих ўқитувчисига методик тавсиялар .....	190
3—4-дарслар	
<b>Мавзу: Амир Темурнинг ҳарбий юришлари</b> .....	199
5-дарс.	
<b>Мавзу: Амир Темур давлатининг ички ҳиёти</b> .....	211

## Мустақиллик дарслари

1-дарс.

**Мавзу:** «1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни» .. 226

2-дарс.

**Мавзу:** «Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш — Давлат сиёсатининг бош йўналишидир» ..... 245

3-дарс.

**Мавзу:** «Мафкураларнинг тарихий шакллари» ..... 260

4-дарс.

**Мавзу:** «Ёшларнинг ғоявий дунёқараши ва маънавий фазилатлари» .... 285

## ДАРС ИШЛАНМАЛАРИ:

**Мавзу:** «Маънавий мерос, қадриятлар, уларнинг шакллари ва ўзаро муносабатлари» мавзусининг илмий методик ишланмаси ..... 293

**Мавзу:** «Франция-Пруссия уруши ва унинг яқунлари» мавзусига дарс ишланмаси ..... 298

**Мавзу:** ЎМКХ таълим тизимида «Шахс ва жамият» курсида «Баҳс дарс»ларини ўтказишнинг иш тартиби ..... 312

Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати ..... 320



Турғун Тошпўлатов, Яраш Ғаффоров

# **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

*(дарслик)*

Тошкент — «Turon-Iqbol» — 2010

Муҳаррир	<i>С. Мирзахўжаев</i>
Бадий муҳаррир	<i>Э. Муратов</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Смирнова</i>
Мусахҳиҳ	<i>С. Абдунабиева</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>





**Турғун Тошпулатов** — 1935 йил 1 январда Тошкент вилояти Паркент туманида таваллуд топган. Урта Осий ДУ (ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ) тарих факультетида, Россия Педагогика ФА аспирантурасида таҳсил олган. Педагогика фанлари номзоди, доцент.

«Мустақиллик дарслари»ни ўқитиш бўйича методик қўлланма, «Президент И.Каримов асарлари илҳомий фанларни ўқитишнинг илмий-назарий ва методологик манбаидир», «Истиқлол ва миллий қадриятлар» фанидан ишчи дастури, «Берлин операцияси», «Тарих ўқитиш методикаси» (қўлланма), «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Миллий истиқлол ғояси ва мафкура фанини ўқитиш методикаси» ўқув-методик қўлланмалари, УМКХТ тизимида тарих, шахс ва жамият: «Миллий истиқлол ғояси» фанларини ўқитиш методикасига бағишланган 100 дан зиёд илмий-методик мақолалар муаллифи.

«Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълолиги».



**Гаффоров Яраш Холлиевич** — 1957 йил 25 мартда Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. 1979 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетини тугатган. 1980 йилдан Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ тарих факультетида ишлайди, ҳозирги вақтда эса «Жаҳон тарихи» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент — 80 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи. Жумладан, «Қайта қуриш ва ёшлар», «Ойлада ҳуқуқий тарбия», «Қишлоқ аҳлининг маданий техника савиясини ошириш: муаммо ва ечимлар» каби китоблари, «Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш усуллари», «Тарих ўқитиш методикаси», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари» (ўқув-услубий қўлланма, магистрлар учун), «Тарих ўқитиш методикаси» (дарслик) ва бошқалар.

**TURON**  
**IQBOL**

ISBN 978-9943-14-125-4



9 789943 141254